

О.ЗОКИРОВ, А.ПАРДАЕВ

**ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ  
ИҚТИСОДИЁТИ**

65.9

П-21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Олимжон ЗОКИРОВ, Абдунаби ПАРДАЕВ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги ўқув юртларида  
таълим олаётган талабалар учун дарслик сифатида тавсия  
этилган

Тошкент — 2003



**О. Зокиров, А. Пардаев. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти**  
(дарслик). Т., «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003, 455 б.

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003 й.

## СУЗ БОШИ

Ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиқди. Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришди. У сиёсий мутеълик, қарамлик шароитидан қутулди. Мустақилликка эришган Ўзбекистонда тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги даври бошланди. Унинг олдида халқ тақдири ва анъаналарини жаҳонда кўпчилик мамлакатлар тажрибасида исботланган умумбашарий тараққиётнинг кенг маданий йўлига қайтишдек ҳаётий масала кўндаланг турар эди.

«Бундай шароитда ўз ижтимоий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб етиш жуда катта аҳамиятга эга. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўпасрлик тажрибасига, шунингдек, Ўзбекистон халқининг миллий тарихи, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳиятига таяниш лозим».

И. А. Каримов

Бу танланган йўл эркин бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидир. Фақат эркин бозор иқтисодиётига ўтишгина муаммоларни ҳал етиш — Ўзбекистонни жаҳонда энг ривожланган, инсонпарвар давлатлар қаторидан жой эгаллаш имкониятини яратади. Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш — иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўли билан эски тизимлардан мерос бўлиб қолган ишлаб чиқариш муносабатларини янги ишлаб чиқариш муносабатлари билан алмаштиришдир. Бу вазифа ўз мазмуни жиҳатидан ўта чуқур ва улкан бўлиб, унинг ҳаракат даражаси эса жуда кенгдир. У хилма-хил ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий, халқаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб этади. Бу масалаларни бир вақтда, қисқа муддатда ҳал қилишга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам И. Каримов таъкидлаганидек, бу вазифалар босқичма-босқич амалга оширилади. Мамлакат миқёсида амалга оширилаётган ислоҳотлар нати-



жасида янги ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб бормоқда. Бу ўзгаришлар қишлоқ хўжалигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда: мулк хусусийлаштирилди, хусусий мулкка эга бўлган деҳқон хўжаликлари, ширкатлар ва ҳиссадорлик уюшмалари ташкил топмоқда. Улар мамлакат ва бозор эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Товар-пул муносабатлари ҳаракат доиралари кенгайиб бормоқда. Ўзбек деҳқони томонидан етиштирилган маҳсулотлар жаҳон бозорларида ўз қадриятларини кўз-кўз қилмоқда.

Мамлакат миқёсида эришилган янги ютуқларни, фан ва техника тараққиёти ютуқларидан самарали фойдаланиш тизимини яратмасдан туриб қишлоқ хўжалиги олдида турган улкан вазифаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 4 млн.дан ортиқ меҳнатга яроқли аҳоли меҳнат қилмоқда. Бу мамлакатда бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурсларининг 43 фоизини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида 1,5 мингдан ортиқ ширкатлар уюшмаси, 84 мингдан ортиқ фермерлар ва деҳқон хўжалиги, 800 дан ортиқ акциядорлар жамияти фаолият кўрсатмоқда. Улар бозор иқтисодиёти қонуниятлари назариялари билан етарли даражада қуроллантирилмаса ва ўз фаолиятида улар ҳаракатига тўла амал қила олмаса, ишлаб чиқариш ва бозор муносабатлари сирларини тўла тушуна олмасалар, аграр соҳани ривожланишига ўз ҳиссаларини қўша олмайдилар. Бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳанинг юқори билимли, унинг қонуниятларини яхши биладиган мутахассислар тайёрлашга бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Бу соҳага хизмат қилувчи университетлар, институтлар, коллежлар, лицейлар сони кўпайиб бормоқда, талабалар сони ортмоқда. Аграр соҳада иш юритаётган мутахассислар, раҳбар ходимлар малакасини ошириш курслари, семинарлар, симпозиумлар ҳаракат доираси кенгайиб бормоқда. Бундай даврда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган иқтисодий муаммоларни ўзида акс эттирувчи дарсликлар, ўқув қўлланмалари, турли мавзудаги китоблар, мақолалар, ахборотлар яратиш, чоп этиш ва қишлоқ меҳнатқашларига етказиш масаласи жуда долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Ушбу «*Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти*» дарслиги қишлоқ хўжалиги олий ўқув юр்தларининг талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан кол-

леж ва лицей ўқувчилари, малака ошириш курслари тингловчилари ҳамда аграр соҳада фаолият кўрсатаётган хўжалик юритиш шаклларининг раҳбар ва мутахассислари, бизнес мактаби тингловчилари, тадбиркорлар ва кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланиши мумкин.

Ушбу дарсликни сўз боши, I-II-III-V-VI-VII-VIII-IX-XI-XIII-XVIII-XX-XXIII боблари проф. О. Зокиров, XII-XVI-XVII-XIX-XXI-XXII-XXV боблар проф. А. Пардаев, IV-XV боблар доц. А. Абдуллаев, X-XVI боблар доц. Э. Қўлдошев, XIV-XXIV боблар иқтисод фанлари номзоди Ш. Зокировлар томонидан ёзилди.

Дарсликдаги статистик маълумотларни солиштириш ва қўлёзмани компьютерлаштириш ишлари и.ф.н. Ш. Зокиров томонидан амалга оширилди.

Муаллифлар дарслик юзасидан билдирилган таклиф, мулоҳаза ва танқидий фикрлар учун миннатдорчилик билдирадилар.

## 1 БОБ

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТСОДИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛИ

#### РЕЖА:

1. Иқтисод сўзи нимани англатади?
2. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти мустақил фанми?
3. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқаси борми?
4. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фани нимани ўргатади?
5. Фаннинг методологик асоси нимадан иборат?
6. Фаннинг ўзига хос усуллари деганда нимани тушунасиз?
7. Фаннинг асосий вазифалари нималардан иборат?

*Адабиётлар:* 2; 3; 4; 6; 10; 11; 15; 35; 40.

#### 1.1. Иқтисод сўзи нимани англатади?

«Иқтисод» юнонча сўз бўлиб – уй хўжалигини бошқариш деган маънони билдиради. Уй, хонадон, оила жамиятининг бошланғич тугуни ҳисобланади. Унда меҳнат тақсимоти қандай юз берса, унинг танаси ҳисобланган жамият миқёсида ҳам шундай мазмунда амалга ошади. Сўзни маъносига кўра ҳар бир оила аъзоси ўз қобилияти, хоҳиши, истаги, мутахассислиги, билими, тажрибаси, ишбилармонлиги ва бошқа хусусиятларига қараб ўзига мос келадиган иш турини танлайди ва бажаради. У нон ёпади, кир ювади, уй тозалайди, идиш-товоқ ювади, бола боқади, экин экади ва ҳоказо. Уларни бир-бирлари билан боғлиқ, яхлит оила аъзолари сифатида бирлаштириш учун бошқарувчи керак. Бу лавозимни ота ёки она бажаради. Демак, оилада меҳнат тақсимоти натижасида эришилган бу меҳнат тақсимотига берилган таъриф жамият бўйича «Иқтисод»га берилган таърифни билдиради.

**Иқтисод — бу инсоннинг тирикчилигини ўтказишга қаратилган хўжалик фаолияти натижасидир.**

Инсон яшамоғи, меҳнат қилмоғи, оила ташкил этмоғи, ўздан насл қолдирмоғи, жамиятда ўз ўрнини топмоғи учун турли-туман ноз-неъматларни истеъмол қилмоғи даркор. Уларни истеъмол қилмоғи учун бу неъматларни ишлаб чиқарилмоғи зарур. Ишлаб чиқарилмаган неъматларнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Демак, йўқ нарсани истеъмол қилиш ҳам мумкин эмас. Иқтисодга берилган бу таъриф ўз маъносига кўра тор доирада берилган таъриф бўлиб, унинг ички сирларини ва ташқи мазмунини тўла ўзида акс эттира олмайди.

Америка иқтисодчиси Н.Грегори Мэнкью ўзининг «Принципы экономики» номли дарслик китобида иқтисод мазмунини чуқур билиш ва унга тўла таъриф бермоқ учун қуйидаги ўнта тамойилини чуқур билиш ва улардан яхлит ҳолда иқтисодиётда фойдаланишни тавсия этади.

Бу тамойилларга:

— Инсоннинг танлаш хусусияти. Инсон бирор мақсадга эришмоқ учун бошқа бирор мақсаддан вақтинча воз кечмоғи даркор. Ҳар бир инсон доимо чекланган ресурслардан фойдаланиб, энг юқори натижага эришишга интилади. Масалан, икки тадбиркор 100 центнердан буғдой сотиб олишди, деб фараз қилайлик. Биринчи тадбиркор сотиб олган буғдойини бир ойдан кейин 20 фоиз фойда олиш ҳисобига сотиб юборди.

Иккинчи тадбиркор кўпроқ фойда олиш мақсадида буғдойини сотишдан воз кечди. У уч ойдан кейин буғдойини 60 фоиз фойда олиш мақсадида сотди. Натижада иккинчи тадбиркор 40 фоиз кўпроқ фойда олиш имкониятига эга бўлди.

— Инсон ўз эришаётган имкониятини кечиктириб қўлга киритилаётган имкониятдан қисман ёки тўлиқ маҳрум бўлади. Масалан, охириги курсда ўқиётган талаба ўқишни ташлаб кетди, деб фараз қилайлик. Агарда у ўқишни ўз муддатига тамомлаганда эди, у катта лавозим эгаси бўлган бўлар эди. Аммо, талаба 3 йилдан кейин ўқишни тамомлаб, бу лавозимга тенг бўлган лавозимдаги ишни топа олмади.

— Инсон бажараётган иш режасига қисман ижобий ўзгартиришлар киритиши зарур. Масалан, деҳқон, ўз ерига шולי экишни режалаштирди. Баҳорда у шולי экиб, гектари-

дан 50 центнердан шולי ҳосили олди. Келаси йили ҳам шу режани амалга оширмоқчи бўлди. У кузда ўз ерига бугдой экди. Баҳорда кичкина майдончага шולי кўчати тайёрлаш мақсадида уруғ экди. Баҳорда экилган бугдойдан 40 центнердан ҳосил олди. Бугдой йиғиштириб олингандан сўнг унинг ўрнига такрорий экин сифатида шולי кўчати кўчирилди. Кўзда ундан 80 центнердан шולי ҳосили олишга муваффақ бўлди.

— Инсон ўз имкониятини тушуна билиши ва унга қараб ҳаракат қилиши даркор. Масалан, бозорда олма баҳоси ортиб, нок баҳоси пасайди, деб фараз қилайлик. Инсон бу шароитда олма сотиб олиш миқдорини камайтириб, нок сотиб олиш улушини кўпайтиришни вазифа қилиб қўяди.

— Савдо инсонга бахт-саодат келтириш учун хизмат қилиши керак. Бу муносабат инсон билан бозор қонуниятлари орасидаги алоқада ўз ифодасини топади. Бозор инсонни бахтли қилиши ёки хор қилиши мумкин.

— Бозор инсон учун иқтисодий фаолиятни ташкил этувчи усулдир. Бозорсиз олди-сотдининг ўзи ҳам бўлмайди, олди-сотди бўлмасдан туриб, товар ишлаб чиқариш ҳам бўлиши мумкин эмас. Сотувчи ва сотиб олувчи ўз фаолиятини бозор ёрдамидагина амалга ошира олади.

— Давлат бозорга ижобий таъсир кўрсатиши иқтисодиётни давлат томонидан тартибланишнинг асосий мақсади. Иқтисодий мувозанатга эришиш асосида тушқунлик ва тангликнинг олдини олиш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бозорларда ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодиёт равнақи учун имкониятлар яратиш, шунингдек, аҳоли турли табақалари ўртасида ижтимоий мувозанатга эришишни таъминлашдир.

— Аҳоли турмуш даражаси мамлакатнинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш даражасига боғлиқдир. Мамлакат қанча иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлса, жон бошига тўғри келадиган ички ялпи даромад улуши шунча юқори бўлиб, халқ шунча бой бўлади. Халқи бой мамлакат ўзи ҳам бой бўлади.

— Пулнинг қадрсизланиши — баҳонинг ортишига, аҳоли реал даромадини пасайтиришга олиб келади. Бу мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир этади.

— Ишсизликнинг иқтисодиётга таъсири. Ишсиз қанча кўпайса, ишчи кучи қиймати шунча пасаяди. Товар қиймати тушади, фойда миқдори ортади. Аммо, қашшоқлашиш дара-

жаси кўтарилади. Бу тамойилларга яна қуйидагиларни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқдир:

— Мамлакатнинг табиий, иқлим ва урф-одатлари таъсирини ҳам киритиш мумкин. Айниқса, бу тамойил қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти учун ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Масалан, сув тошқини, бўрон, шамол эрозияси, дўл ва ҳоказолар жаҳондаги бир қатор мамлакатларда ҳосилнинг бўлмаслиги, мамлакат иқтисодиётининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган қаҳатчиликни келиб чиқишига сабабчи бўлган.

— **Иқтисод** — инсоннинг имонига ҳам боғлиқдир. Инсон ҳар қандай бойликни яратувчи ҳам, уни йўқ қилувчи ҳамдир. Имонли инсон яшаган уй доимо фаровонликда, бахт-саодатда, тўқинчиликда, тўқчиликда бўлади. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг ҳам юксалишига ўз ҳиссасини қўшади. Бу тамойиллар бир-бирлари билан боғланган, бир-бирларининг мақсадларини тўлдирувчи ва амалга оширишда кўмаклашган ҳолда ҳаракат этгандагина иқтисодиётда ўз аксини топа олиши мумкин.

Демак:

**Иқтисодиёт — чекланган ресурслар билан чекланмаган эҳтиёжларни қондириш мақсадида жамият аъзоларининг қандайдир бирор фойдали мақсадини амалга оширишни кўзлаб фаолият кўрсатишдаги муносабатлар йиғиндисидан иборатдир.**

## 1.2. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти мустақил фанми?

Қишлоқ хўжалиги энг қадимий ва кўҳна ишлаб чиқариш соҳасидир. Иқтисодчиларнинг фикрича, чорвачилик ва деҳқончилик ибтидоий тузум бағрида пайдо бўлиб, ҳозирги кунгача ривожланиб келмоқда. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пахта (ғўза) милоддан аввалги 7-6-асрлардан бери етиштириб келинаётгани маълум. Мамлакатимизда бундан 3 минг йил аввал ғалла экинларидан шоли, кунжут, буғдой ҳамда полиз экинларидан қовун, боғдорчиликдан бодом, олма, узум етиштирилганлиги тўғрисида кўп маълумотлар мавжуд. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, милоддан аввалги 2-минг йиллик ўрталарида суғориб, деҳқончилик қилиш усулидан фойдаланилган. Милоддан 2-3 минг йил аввал чорвачиликнинг турли —

қорамол, қуй, эчки, от, туя, асалари каби турлари инсон томонидан боқилган ва фойдаланилган.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигининг узок ўтмиш ҳаёти уни йилдан-йилга юксалиб бориши учун шароитлар ярата борди: Оқибатда ҳозирга келиб у мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим ва йирик соҳасига айланган. Қишлоқ хўжалиги тарихи — унинг иқтисодий ривожланиши учун ҳам катта имкониятлар яратди. Оқибатда қишлоқ хўжалик иқтисодиёти қишлоқ хўжалигини пайдо бўлиши билан вужудга келди ва у билан ҳамкорликда ривожланиб келмоқда. Аммо, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фан сифатида кўҳна фанлар (математика, астрономия, медицина ва ҳоказо) қаторига кирмайди. У янги, ёш фанлар қаторига киради. У микроиқтисодиёт ёки тармоқ фанлар гуруҳига киради. У қишлоқ хўжалигида нознеъматлар ишлаб чиқариш ва айрбошлаш жараёнида кишилар ўртасида юз берадиган муносабатларни ўргатадиган фандир.

### **1.3 Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанини бошқа фанлар билан алоқаси борми?**

Ҳар қандай фан — бошқа фанлардан ажралган фан сифатида амал қилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фани бевосита иқтисодий фанлар — иқтисодий назария, иқтисодий назария тарихи, иқтисодий статистика, иқтисодий жўгрофия, маркетинг, менежмент, бухгалтерия ҳисоби ҳамда тармоқ фанлар: саноат, қурилиш, савдо, алоқа, транспорт иқтисодиёти каби фанлар билан чамбарчас боғланган. Унинг назарий асоси бўлиб — иқтисодий назария фани ҳисобланади ҳамда қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фани юқоридаги фанлар билан бир қаторда ижтимоий фанлар (фалсафа, тарих), аниқ фанлар (математика, геометрия), табиий фанлар (ершунослик, агрокимё, чорвачилик) каби фанлар билан ҳам боғлиқдир. Бу фанлар қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанининг илмий хулосалар ишлаб чиқиш ва уларнинг амалиётда фойдаланилиши учун ёрдам беради.

### **1.4. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фани нимани ўргатади?**

Ҳар қандай мустақил фаннинг мазмуни унинг объекти, яъни нимани ва қайси усулда ўрганиши билан белгиланади.

**Қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти фани** — умумиқтисодий қонунларни қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришида намоён бўлиши, уларни самарали ҳаракат этиши ва улардан онгли фойдаланиш йўлларини ўрганувчи фандир. Бу фан иқтисодий қонунлар ҳаракати натижасида ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучларида юз берадиган ўзгаришларни назарий ва амалий асосларини ўргатади ва ҳаётга татбиқ этиш йўлларини кўрсатиб беради. У айрим ҳодисаларни чуқур ўрганиб, ундан олинган натижаларни умумлаштирилган ҳолда амалга ошириш йўлларини ўргатади. Фаннинг асосий мақсади — арзон, сифатли, харидоргир, жаҳон андозасига мос келадиган ва деҳқон талаби даражасида манфаат, наф келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлларини ўргатиш дастурларини ишлаб беришдир.

### **1.5. Фаннинг методологик асоси нимадан иборат?**

Ҳар бир фан ўз объектини маълум усуллар ёрдамида ўрганади. Барча фанлар учун умумий усул сифатида қабул қилинган усул — диалектик усулдир. Бир ҳодисанинг ривожланиши иккинчи бир ҳодисанинг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти фани ишлаб чиқариш жараёнида юз берадиган барча ҳодисаларни алоҳида-алоҳида эмас, балки ўзаро узвий боғланган ҳолда олиб текширади ва ўрганади.

Қишлоқ хўжалигида диалектик усулнинг бу қонунидан фойдаланиш қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришининг ривожланишидаги ҳар бир янги даврининг ўзига хос хусусиятларини чуқур билиб олиш ва унга амал қилиш имкониятини яратиб беради.

Бу усул қишлоқ хўжалиқ ходимларини ишлаб чиқаришнинг ҳамма бугин ва бўлинмаларини боғлаган ҳолда самарали ривожлантириш учун зарур бўлган билимлар билан қуроллантириш имкониятини яратади.

### **1.6. Фаннинг ўзига хос усуллари деганда нимани тушунасиз?**

Қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти фани қишлоқ хўжалигида иқтисодий жараёнларни ўрганаётганда бу фанга хос бўлган бир қатор усуллардан ҳам фойдаланади. Бу усуллар жумласига:

I. Статистик-иқтисодий таҳлил қилиш усули:



- Ходисаларни кузатиш;
- Кузатиш натижаларини ўзида акс эттира оладиган маълумотлар тўплаш;
- Маълумотларни чуқур ўрганиш ва гуруҳларга бўлиш;
- Уларни иқтисодий таҳлил этиш ва тегишли илмий ҳамда амалий хулосалар чиқариш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишдир.

### II. Солиштириш усули:

- Маълум турдаги кузатишлар натижасида олинган бир неча маълумот натижаларини бир-бири билан солиштириш;
- Улар ичидан энг қулай, иқтисодий жиҳатдан энг кўп наф келтирадиган турини танлаб олиш;

Танланган вариантнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбири чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш.

### III. График усули:

Бу усул иқтисодиётда кенг фойдаланиладиган усул бўлиб, унда эришилган натижалар график кўринишда акс эттирилади, тушунтирилади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

### IV. Математик - статистика усули:

Бу усулда кузатилган натижалар математик аниқлик жиҳатидан текширилади. Математик-статистика кўрсаткичлар ёрдамида солиштирилади.

### V. Монографик усул:

Бу усул ёрдамида илғор деҳқон хўжаликлари иш услубини, эришилган ютуқлари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилади ва оммалаштирилади.

Қишлоқ хўжалигида эришилган барча ютуқ ва камчиликларни баён этишда ва таҳлил қилишда бу усуллар биргалликда фойдаланилади ва хулосалар чиқарилади.

## 1.7. Фаннинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Ҳар бир фаннинг олдида улкан вазифалар туради. Бу вазифалар уз хусусиятига қараб хилма-хил ва мураккабдир. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида амалга оширадиган вазифалари ҳам хилма-хилдир. Бу вазифалар туркумига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Ишлаб чиқаришга интенсив технология, фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш йўли билан кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ, арзон, сифатли, бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришишга ўз ҳиссасини қўшиш;

– Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд мажмуалар, тармоқлар, ҳар хил товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи хўжаликларни илмий асосда бир-бирларига боғлаш асосида иқтисодий қонунларни нормал ҳаракат эта олиш шароитини яратиш;

– Қишлоқ хўжалик кархонлари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг эришган ютуқларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, уларни бошқа хўжаликларга ва тармоқларга ёйиш ва жорий этиш;

– Қишлоқ хўжалигида иш юритаётган корхоналар, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида фаолият кўрсатаётган хўжаликлар, раҳбар ва мутахассисларни мунтазам равишда иқтисодий билимлар асослари билан яқиндан таништириш ва уларнинг онгини кўтаришга шароит яратиш;

– Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш ва айрбошлаш жараёнида юз берадиган янгиликларни, ўзгаришларни сезиш ва уларга ўз муносабатларини билдириш;

– Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатган хўжаликларига агросервис хизматини ташкил этиш ва улар фаолиятини деҳқонлар фаолиятига мослаштириш, хизмат турлари сифати самарадорлигини оширишнинг иқтисодий негизини яратишга кўмаклашиш;

– Аграр ресурсларнинг янги навлари, насларини яратиш, эскилари билан алмаштириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

– Деҳқон хўжаликларининг бизнес режасини тузиш, унинг ҳаракат доирасини кенгайтириш, бизнес режа фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришга ёрдамлашиш.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанининг асосий вазифаси деҳқон хўжалиги фаолиятини жаҳон андозалари даражасига мос келтириш вазифасини амалга оширишдир.

## **І. Мавзуга оид атамалар**

Атамалар учун ўнг томондаги мос келадиган таърифларни танланг:

1. Иқтисодиёт	1. Ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик.
2. Иқтисодий тизим	2. Сотувчи ва етиб олувчилар учрашадиган жой
3. Ишлаб чиқариш омиллари	3. Фойда олиш учун таваккал қиладиган одам
4. Бозор	4. Нима, қандай ва ким деган саволларга мувофиқ тарзда жамиятни ташкил этиш усули.
5. Чекланган ресурслар	5. Барча одамлар талабини қондириш учун ресурсларнинг етишмаслиги
6. Чекланмаган эҳтиёж	6. Қийматга эга бўлган кўзга кўринмайдиган ва сезилмайдиган нарсалар
7. Товарлар	7. Кўпчилик жамиятдаги иқтисодий тизим.
8. Фойда олиш мутбиби	8. Одамларнинг талаблари ва истакларини қондириш учун чекланган ресурслардан қандай фойдаланиш тўғрисидаги фан.
9. Бозор иқтисодиёти	9. Товар ёки хизматлар олиш учун баҳрдан кечиладиган нарса
10. Иқтисодий қонулар	10. Муайян қийматга эга бўлган, кўзга кўринмайдиган ва сезилмайдиган нарсалар.
11. Аралаш иқтисодиёт	11. Иқтисодий ҳодисаларни изоҳлаш ва олдидан айтиш учун фойдаланилади.

## II Мавзуга оид саволлар

1. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти қандай фанлар жумласига киради?
2. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фани нимани ўргатади?
3. У иқтисодиёт назарияси фани билан қандай алоқада?
4. Иқтисодиётнинг тамойиллари деганда нимани тушунасиш? Улардан айримлари тўғрисида ўз фикрингизни баён этинг.
5. «График» усули нима? Ундан қандай фойдаланиш мумкин?
6. Тармоқ фан деганда нимани тушунасиш?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

Қишлоқ аҳолисининг таркибий тузилиши (тасдиқланмаган маълумотлар)

Йиллар	Аҳоли гуруҳи					Аҳоли сони, жами
	3 ёшгача	3.1 дан 7 ёшгача	7.1 дан 16 ёшгача	16.1 дан 60 ёшгача	Нафақа хўрлар	
1996						14.0
2000						15.2
ўртача йиллик ўсиш (%)	2.0	1.9	1.9	1.9	1.3	1.9

Юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Чақалоқлар яслиси ўсадими? Ўсса, қанча ўсади?
2. Бслалар боғчасичи?
3. Мактаб ўқувчиларичи?
4. Меҳнатга яроқдилар қанча?
5. Нафақахўрлар?

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

#### II БОБ

#### ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ МАЖМУИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

##### РЕЖА:

1. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни каттами?
2. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Деҳқончилик саноат мажмуи (ДСМ) деганда нимани тушунасиз?
4. Аграр ислоҳотларни ўтказиш нима учун керак?

• *Адабиётлар:* 3; 4; 5; 7; 8; 10; 39.

#### 2.1. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни каттами?

Қишлоқ хўжалиги мамлакатдаги барча ишлаб чиқариш соҳалари ичида энг кўхнасидир. Бизнинг эрамызга қадар 2 минг йиллар муқаддам қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпчилиги турлари етиштирилган. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти боқишда ва кишилик жамиятининг ривожланишида катта рол ўйнаган. Ҳозирги кунда ҳам у ўз вазифасини бажариб келмоқда. Республика иқтисодиётида у энг муҳим ва йирик тармоқ ҳисобланиб, аҳоли учун озиқ-овқат, саноат тармоқлари учун эса хилма-хил қимматбаҳо хом ашё, ташқи савдо учун эса турли-туман хом ашё ва товарлар етказиб бера-

ли. Қишлоқ хўжалиги мамлакат халқининг моддий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозир аҳоли эҳтиёжини қондирадиган товарнинг 84 фоиздан кўпроғи бу тармоқ зиммасига туғри келади. Қишлоқ хўжалиги мамлакатда етиштириладиган ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирини ишлаб чиқаради, унинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Республикада 15 млн. дан ортиқроқ киши қишлоқда яшаб, жами аҳоли сонининг 62,5 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 га тенг бўлиб, бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида 23,3 ёшни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида 4 млн. га яқин меҳнат ресурси банд бўлиб, мамлакатда иш билан банд бўлган аҳолининг 43,7 фоизига тенгдир. Ўзбекистон табиий, табиий-иқлим ва тупроқ жиҳатидан ҳам деҳқончилик қилиш учун қулай жойга жойлашган. Унда йиллик қўёшли кунлар — 3000 соатдан ортиқроқ бўлиб, бир йилда 3 марта ҳосил олиш имкониятини беради. Ўзбекистонда 1,4 млн. тонна харидоргир пахта толаси ишлаб чиқарилади, 4 млн. тоннага яқин дон, 5 млн. тонна ширин-шакар мева ва сабзавот, кўплаб пилла, қоракўл териси ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Ўзбекистон пахтаси, қоракўл териси, пилласи, полиз, узум маҳсулотлари билан жаҳонга ўз шухратини ёймоқда. Ҳозир пахта етиштириш жиҳатидан жаҳонда бешинчи ўринни (Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон), пахта толаси экспорт қилиш жиҳатидан 2-ўринни эгаллаб келмоқда. Келажакда Ўзбекистоннинг тоғолди зоналарида боғдорчилик, узумчилик маҳсулотлари етиштиришнинг янги манбалари пайдо бўлади. Унда етиштирилган маҳсулотлар фақат мамлакат ички талабини қондирибгина қолмасдан жаҳон бозорида ҳам ўз салоҳиятини кўз-кўз қилади. Ўзбекистон чорвачиликнинг қадимдан ривожланган ватанидир. Ўзбекистон табиий иқлим, тупроқ шароитлари ўсимликчиликни ривожлантиришга қанчалик қулай бўлган бўлса, чорвачилик учун ҳам шунча қулайдир. Унда суғориладиган ерларда қорамолчилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, чўчқачилик, дашт, чўл ва тоғолди яйловларида қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, туючилик ва сув ҳавзаларида эса балиқчилик, мўйначилик ҳайвонлари боқилади. Ўзбекистондаги чўл зоналарида чорва молларини йил мобайнида боқиш учун жуда қулайдир. Чорва моллари озуқа базаси яратиш мақсадида 7,7 фоиз қишлоқ хўжалик ерлари ажратилган. Унда йилига 10 млн. тонна пичан ва



силос тайёрланади. Мамлакат корхоналарида чиқинди кўри-нишида олинадиган кунжара, шулха, аралаш ем ва бошқа турдаги чиқиндилар чорва молларини талаб даражасида бо-қиш ва ривожлантириш имкониятини яратади.

Ўзбекистон 44,7 млн. гектар ер фондига эга бўлиб, ун-дан фақат 4 млн. гектаригина деҳқончилик қилишга ярай-диган ерлардир. Ўзбекистонда ҳар 100 гектар ер заҳираси-дан фақат 7 гектари деҳқончиликка яроқли бўлиб, бу ке-лажакда деҳқончиликни ривожлантириш муаммоларини анча қийинлаштиришга сабабчи бўлади.

Ўзбекистон иссиқ зонага жойлашган бўлиб, суғорилиб деҳ-қончилик қилинадиган мамлакатлар қаторига киради. Бу эса мамлакатда сувга бўлган талабни мунтазам ошиб бориши зару-риятини келтириб чиқаради. Ундаги сув заҳираси сувга бўлган талабни 60 фоизинигина таъминлай олади, айрим йиллари ундан ҳам камайиб кетади. Бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши даражасига салбий таъсир этади. Ҳозирги вақтда мамлакатда 53 сув омбори ва 75 тадан ортиқ каналлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги ташқи иқтисодий алоқалар жараё-нида ҳам салмоқли ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги четга пахта толаси, озик-овқат товарлари, қоракўл териси, қуруқ мева, ҳар хил ичимликлар, тери, пилла, доривор ўсимликлар, асал ва бошқа турдаги маҳ-сулотлар чиқармоқда. Четга ҳам асл кўринишда чиқари-лаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари ва миқ-дори жиҳатидан камайиб бормоқда. Эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мамлакат ичида қайта ишланиб, истеъмолга яроқли товарлар сифатида жаҳон бозорига чи-қарилмоқда. Эндиликда Ўзбекистон четдан камроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олмоқда. 1990 йили Ўзбеки-стон худудига четдан 3,8 млн. тонна дон маҳсулотлари киритилган бўлса, 1998 йилга келиб уларнинг миқдори 0,4 млн. тоннани ташкил этди, яъни қарийб 8 марта қис-қарди. Ўзбекистон дон мустақиллигига эришди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш техника базаси тубдан ўзгармоқда. У ҳозир жаҳондаги энг янги ва самарали ҳисоб-ланган тракторлар, автомашиналар, комбайнлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминланмоқ-да. Техникадан унумли фойдаланиш ва уларга хизмат кўрса-тишнинг энг илғор усуллари қўлланилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш мақсадида чет эл инвестициялари кўплаб жалб қилинмоқда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг илғор усуллари қўлланилмоқда, чет эл тажрибалари кенг кўламда ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда. Оқибатда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил, чорва молларидан эса жаҳон иқтисодлари даражасига мос келадиган миқдорда маҳсулотлар олиш имконияти яратилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда чет эллик ҳамкорлар сони ортиб, қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда қишлоқ хўжалигининг куч-қуввати ортиб бормоқда. Йилдан-йилга етиштирилаётган ялпи ички маҳсулотлар миқдори кўпаймоқда, унинг жон бошига туғри келадиган ҳиссаси эса ортмоқда. Унинг жаҳон бозоридаги мақоми, салоҳияти ошмоқда. Оқибатда унинг мамлакат иқтисодига қўшаётган ҳиссаси ҳам ортиб бормоқда.

## **2.2. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?**

Қишлоқ хўжалиги ўзига хос хусусиятлари билан у мамлакат иқтисодининг бошқа соҳаларидан фарқланади. Бу тафовусларга:

- Қишлоқ хўжалигидаги барча ишлаб чиқариш жараёни бевосита ер билан боғлиқ. Ерсиз, унинг иштирокисиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас;
- Қишлоқ хўжалигида деҳқон ўз ерида ҳар хил турдаги маҳсулотларни етиштиради, ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз фойдалилиги, истеъмол қиймати жиҳатидан биридан фарқ қилади ва сотилади;
- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фақат ишлаб чиқариш ресурслари сарфи билангина етиштирилиб қолмасдан, табиий, биологик, физик, кимёвий хусусиятлари, қонуниятлари таъсири ҳам амал қилади;
- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми катта кенгликда очиқ ҳаводаги ер майдонида амалга оширилади. Тупроқ унумдорлиги ҳар хил бўлиши, об-ҳаво ва бошқа омиллар таъсири натижасида бир хил харажат эвазига турли миқдорда маҳсулотлар етиштирилади;
- Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ресурслари сифатида жонли организм-ўсим-



лик ва ҳайвонлардан ҳам фойдаланилади. Бу жонли организм ўзига хос фойдаланиш усул ва қонуниятларини талаб этади. Масалан, сигирдан сут соғиб олмоқ учун у бола бериши зарур. Бола сигир қорнида тўққиз ой, тўққиз кун яшаб, сўнгра туғилади. Агарда сигирга тегишли қаров бўлмаса, у ўз боласини ташлаб юбориши мумкин. Экилган уруғ учун етарли табиий нам бўлмаса, уруғ унмайди, ишлаб чиқариш жараёни автоматик тўхтайд;

- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари маълум шароитни талаб этади. Масалан, чигит ёки бошқа уруғ ердан униб чиқиши учун тупроқ иссиқлиги 12-13 градус бўлиши шарт. Агарда тупроқ иссиқлиги ундан кам бўлса, у униб чиқмайди. Дон пишиб етилмагунча уни ўриб-йиғиштириб бўлмайди. Бу жараёни саноатдагидек бир муддатда амалга ошириб бўлмайди;

- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланиши ва унга ҳақиқий ишонч ҳосил бўлиши керак. Масалан, уруғ танлаш, уларни қайси жойларга ва қай муддатларда экиш мумкинлигини олдиндан билиш, унинг нави ва ҳосилдорлик имкониятини аниқлаш каби масалалар билан боғлиқдир. Акс ҳолда ишлаб чиқариш ижобий натижа бермаслиги мумкин. Масалан, кўзги буғдойни баҳорда экиш, районлаштирилмаган уруғлардан фойдаланиш ва ҳоказо;

- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни амалга ошириш фақат меҳнат малакасигагина боғлиқ бўлмайди. У деҳқондан ишлаб чиқариш жараёнида юз бераётган ва юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни сеза оладиган ва ўз вақтида амалга ошира оладиган бўлишни талаб этади. Деҳқон — бу тўла маънода ўз деҳқончилигининг хирургидир;

- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари далада эркин ҳаракат этади. Масалан, трактор, автомашина, комбайн ва бошқа техникалар;

- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари фойдаланишга қодир харажатлар талаб этади. Масалан, ҳайвондан гўшт ёки сут етиштириш учун уни боқиш керак;

- Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ресурслар ичида меҳнат буюмлари (уруғлик, дориворлар ва бошқалар) маълум муддатда фойдаланилиши шарт. Агарда шу муддатда фойдаланилмаса, келаси сафар улардан фойдаланиш учун тавсия этилмайди;

- Қишлоқ хўжалигида ҳамма ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам товар маҳсулоти бўлавермайди. Унда ишлаб чиқарилган кўпчилик маҳсулотлар (сабзавот, полиз, боғдорчилик, узум, гўшт, сут, тухум ва ҳоказо) бир қисми ҳади илтиб-териб олинмасдан туриб, қисман кишилар томонидан истеъмол қилинади;

- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш вақти билан иш даври орасида узилиш мавжуд. Бу узилиш билан йил мобайнида бир меъёردа маҳсулот ишлаб чиқариш, иш давом эттириш мумкин эмас;

- Қишлоқ хўжалигида ўзига хослик—маҳсулот ишлаб чиқариш вақтининг узунлигидир.

Кўпчилик маҳсулотлар (пахта, бол олиш, боғдорчилик, тоқчилик ва бошқалар) етиштириш учун бир йил муддатни талаб этади. Аммо, экин турларининг пишиш муддатларини ҳисобга олиб, йилга 2-3 марта ҳосил олишни ташкил этиш мумкин;

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини сувсиз амалга ошириш мумкин амас;

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига табиий ва биологик қонунлар таъсири ҳам боғлиқ. Масалан, талабдан ортиқча совуқ ёки иссиқ, ёмғир, дўл, сув тошқинлари, қишлоқ хўжалик касалликлари ва зараркунандалари ва бошқалар ишлаб чиқариш фаолиятига катта зарар етказиши мумкин;

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тез бузилувчанлик бўлиш хусусияти (ачиш, бузилиш, нобуд бўлиш ва бошқалар). Бу хусусият оқибатида ҳар йили жуда катта миқдорда маҳсулотлар нобуд бўлади;

- Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг кўпчилиги кузда бир вақтда пишиб етилиши деҳқонни икки томонлама қийинчиликка олиб келади. Бир томондан у йил мобайнида пулга муҳтож бўлади, иккинчи томондан кузда бозорда маҳсулотлар кўпайиб кетиб, уларнинг баҳоси пасайиши туфайли ишлаб чиқарилган маҳсулотларни маълум вақтгача сақлаш заруриятини келтириб чиқаради. Деҳқон доимо кредитга муҳтож ҳолда яшайди.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги бошқа соҳалардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб, у ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш жараёнида анча мураккаб вазифаларни ҳал қилишни талаб этади. Деҳқон хўжаликлари доимо бу тафовутларни билиши ва уларга риоя қилиши зарур.

### 2.3. Деҳқончилик саноат мажмуи (ДСМ) деганда нимани тушунаси?

Деҳқончилик саноат мажмуи (ДСМ) – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида хўжалик юриштиринг ҳар хил шакллари орасида юз берадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат. Маълумки, қишлоқ хўжалиги, мамлакат иқтисодининг бошқа соҳалари, тармоқлари ва айрим корхоналари билан иқтисодий жиҳатдан боғланмасдан туриб, ўз фаолиятини ташкил эта олмайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни мураккаб жараёндир. Бу жараёни амалга ошириш учун деҳқон меҳнатидан ташқари ўнлаб хилма-хил корхоналарнинг, шу жумладан, қишлоқ хўжалик машинасозлик заводлари, минерал ва хилма-хил кимёвий дориворлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, ёқилғи ва мойлаш ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи заводлар, ҳосил ташувчи, қайта ишловчи, истеъмолчиларга етказиб берувчи ва бошқа бир қатор қишлоқ хўжалиги таркибига кирмайдиган корхоналар, ташкилотлар ва савдо шахобчалари хизматидан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади. Қишлоқ хўжалигида кўрсатиладиган барча хизматлар биргаликда – деҳқончилик саноат мажмуини ташкил этади. Деҳқончилик саноат мажмуи (ДСМ) – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига нисбатан кенгроқ маънони билдиради. ДСМ таркибига кирувчи корхона ва тармоқларнинг барчаси пировард натижада ягона вазифани – мамлакатни озиқ-овқатга, саноатни эса хом-ашёга бўлган талабини қондиришдан иборат. Деҳқончилик саноат мажмуи ДСМ – таркибига кирувчи корхоналар ва тармоқлар ўз фаолиятига қараб тўрт гуруҳга бўлинади:

**I гуруҳга** – ДСМни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи ва маҳсулотларни сотиб олувчи корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компаниялар киради. Бунга: трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, минерал ва заҳарли кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи микробиологик саноат; ем ишлаб чиқарувчи корхоналар; нефт ва мойлаш материаллари чиқарувчи; автомашиналар ишлаб чиқарувчи ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилувчи бирлашмалар киради.

Уларнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг йил мобайнида бир меъёрда ва изчил ишлашини таъминлашдир.

**II гуруҳга** — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши киради. Бу гуруҳга қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган барча хусусий сектор таркибига кирувчи: ижара, пудрат, ширкат, ҳиссадор, агрофирма, фермер, деҳқон хўжаликлари киради. Иккинчи гуруҳ корхоналари ДСМ ни марказий бўғинини ташкил этади.

**III гуруҳ** — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари. Бу гуруҳга нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, тухумчилик ва бошқа қайта ишловчи енгил саноат корхоналари киради.

**IV гуруҳ** — ДСМ таркибига инфратузилма ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар киради. Бунга: ишлаб чиқариш инфратузилмаси — транспорт хўжалиги, транспорт воситалари, маҳсулот тайёрловчи, информация хизмати, юридик хизмат ва бошқалар; шунингдек, ижтимоий инфраструктура — пассажир транспорти, алоқа, маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, турар жой-коммунал хўжалиги, савдо, умумий оқатланиш, маданият, маориф, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, табиатни муҳофаза қилиш корхоналари ва муассасалари ҳамда бозор инфрагузилмаси киради. ДСМ нинг юқорида қайд қилинган тўрт гуруҳи бир-бирлари билан узвий боғланган ҳолда ҳаракат қилишигина бу соҳани ривожлантиришни таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшади.

## 2.4 Аграр ислоҳотларни ўтказиш нима учун керак?

Мамлакат мустақилликка эришди. Эндиги асосий масала унинг иқтисодий пойдеворини яратишдир. Бу пойдеворни қандай усулда яратиш керак, деган саволга жавоб топиш лозим. Иқтисодий мустақиллик тажрибалари бу масалани ҳал қилишда жаҳонда икки йўл мавжудлигини кўрсатади, яъни:

Силтов, сакраш йўли; ҳамда мавжуд аҳвол имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тадрижий, босқичма-босқичли ўзгаришлар йўли; жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар иккинчи йўлни танлаб, бу йўл билан ўз мамлакати фаровонлигини юксалтиришга эришдилар. Ўзбекистон олдида бу икки йўлнинг қайси бирини танлашдек мураккаб вазифа турар эди. Биринчи йўл — маъмурий буйруқбозлик йўли бўлиб, мамлакат бу йўлни ўз бошидан кечирган эди. Эндиликда бу йўл мамлакат учун ўз кучини йўқотган йўл ҳисобланган эди. Мамлакат Президенти И.Каримов жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар тажрибасини,

ўз халқи хусусиятларини чуқур ўрганиб, донишмандлар томонидан айtilган ҳикматли гапларнинг мағзини чақиб, мамлакатни келажакда қайси йул билан ривожланиши омиллари билан белгиледи. Бу йул «ўзбек модели» номи билан аталиб, унинг асосий мақсади — ислохотлар ўтказиш йули билан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш йулидир. Бу янги пойдеворни яратиш учун эски пойдеворни бизга мерос бўлиб қолган маъмурий буйруқ-бозлик асосида яратилган эски ишлаб чиқариш муносабатларини янги — бозор иқтисодиётига мос келадиган ишлаб чиқариш муносабатларини яратишдан иборат эди. Бу жараён мамлакатни энг йирик соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалигида ҳам амалга оширишни талаб этади. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг мақсади:

- қишлоқда мулкчилик муносабатларини, энг аввало, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш;

- деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, деҳқонларни ўз меҳнати натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишни таъминлаш, қишлоқда мулкий пайларни жорий этиш асосида мулкий муносабатларни шакллантириш;

- қишлоқ хўжалигида хилма-хил турдаги товарлар ишлаб чиқарувчилар — ҳиссадорлик уюшмаси, ширкатлар бирлашмалари, фермер ва деҳқон, хўжаликлари, бошқа шаклдаги ишлаб чиқариш бўғинларини шакллантириш, уларни ҳақиқий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш;

- деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш шакларида меҳнатни ташкил этишнинг оилавий пудратига асосланган ички хўжалик тизимини жорий этиш, етиштирилган маҳсулотларга ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш ва мулкий пайлар бўйича дивиденд тўлашни тартибга солиш ҳамда прогрессив усуллар қўллаш;

- тупроқ эрозиясига қарши кураш ва мелиоратив тадбирларни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг саноатга асосланган энг замонавий технологиясини жорий этиш ҳисобига деҳқончилик салоҳиятини, тупроқ унумдорлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали юриштиришнинг асосий мезони сифатида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини, қорамол ва парранда маҳсулдор-

лигини оширишни таъминловчи замонавий агротехника қоидалари ва талабларига риоя қилиш;

- мамлакатимизда пахтачилик, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уругчилик гизимини ривожлантириш, маҳаллий тупроқ, иқлим шароитига мос районлаштирилган навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, чорвачиликда наслчиликни яхшилаш;

- ердан унумли фойдаланиш, ижара тизимини янада мустақамлаш учун ҳар бир вилоят, туман, хўжаликлар ер кадастрига эга бўлиш ва унга қатъи риоя қилган ҳолда ижарага беришни ташкил этиш ва такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишда ресурслар билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олиш ва сотишга ёрдамлашувчи ва улар хўжалик фаолиятларини бирлаштирувчи боғловчи ҳар хил уюшмалар, ассоциациялар, концернлар, корпорациялар, ҳолдинг компаниялари, миллий компаниялар, концорциумлар ва бошқа бирлашмалар тузиш ва уларни иш фаолиятини жаҳон андозаси даражасига кўтариш;

- аграр соҳани бошқаришда ҳозирги замон жаҳон андозаларига мос келадиган шаклларида фойдаланиш имкониятини яратиш;

- қишлоқ хўжалигида молия ва банк тизимининг янги шакллари ташкил этиш ва уларни кенг товар ишлаб чиқарувчи корхоналар, хўжаликлар ва айрим ижарачилар билан иқтисодий алоқасини ташкил этиш ва такомиллаштиришдир.

Аграр ислоҳотларнинг асосий мазмуни ислоҳотлар асосида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уларнинг ҳақиқий эгаларини топил, ишлаб чиқариш шакллари ва улар билан алоқа қиладиган ташкилотларни барпо этиш эмас, балки улар томонидан олинадиган фаолият самарадорлигин кескин ошириш асосида аграр соҳани талаб даражасида ривожлантиришга эришишдир.

«Мулкни енгил-елпи давлат тасарруфидан чиқариш компаниясига айлантириш ислоҳотларни чуқурлаштиришга ёрдам бермайди. Балки аксинча, хусусий мулкчиликка, шахсий меҳнат ташаббускорлигига асосланган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий афзаллиги тўғрисида ғоянинг ўзини обрўсизлантиради».

И. Каримов

Аграр ислоҳотларнинг асосий мақсади қишлоқда бозор иқтисодиётига ўтиш имкониятини ярата оладиган ишлаб чиқариш муносабати барпо этишга эришишни таъминлашдир.

## I. Мавзуга оид атамалар

- |                           |  |
|---------------------------|--|
| 1. Деҳқончилик<br>саноти  | 1. Моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш, мажмун (ДСМ) тақсимлаш, айрбошлаш ва истеъмол қилиш тармоқда кишиларнинг ўзаро алоқаси муносабатлари      |
| 2. Интенсив<br>технология | 2. Кишининг онгли, аниқ мақсадга қаратилган фаолияти резерви   |
| 3. Ишлаб чиқариш          | 3. Талаб-иқтиёридаги меҳнат билан яратилган ва жамғарилган моддий неъматлар йиғиндиси  |
| 4. Ишлаб чиқариш          | 4. Объектнинг келажақдаги меъёрий ёки мақбул ҳолатда уларга эришиш ва руёбга чиқариш йўллариини белгилаш   |
| 5. Иқтисодий<br>қонун     | 5. А.олига озиқ-овқат, саноатга хом ашё ишлаб чиқарадиган бўлим  |
| 6. Талаб                  | 6. Бозорда сотиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсули  |
| 7. Меҳнат                 | 7. Кишиларнинг онги ва иродасидан қатъи назар пайдо бўладиган кишилар фаолияти ёрдамда ҳаракат этувчи иқтисодий шакллар                          |
| 8. Миллий бойлик          | 8. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга таъсир этувчи восита  |
| 9. Прогнозлаш             | 9. Тўловга қобил эҳтиёж  |
| 10. Қишлоқ<br>хўжалиги    | 10. Қишлоқ хўжалик маҳсуотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган корхона ва бирлашмалар мажмун |
| 11. Товар                 | 11. Ресурслар самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар   |

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Иқтисодий қонунлар, деб нимага айтилади? Улар қандай ҳаракат қилади?
2. Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш мамлакат иқтисодиётига қандай таъсир этади?
3. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш йўллари нималардан иборат?

4. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нима-лардан иборат?

5. Ғайла мустақиллиги, деб нимага айтилади ва унга қандай йўллар билан эришиш мумкин?

6. Аграр ислоҳот, деб қандай ислоҳотларга айтилади? Уни ўтказишдан мақсад нима?

7. Чекланган ресурслар деганда нимани тушунасиш?

8. Деҳқончилик саноат мажмуи (ДСМ) деганда нимани тушунасиш?

9. Ишлаб чиқариш самарадорлиги қайси йўллар билан оширилади?

### III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Ўзбекистонга 1990 йили четдан 3767106 тонна дон маҳсулотлари келтирилган эди. 1999 йили четдан келтирилаётган дон 450000 тоннага, яъни 8,1 марта қисқарди. Мамлакат талаби учун зарур бўлган донни етиштиришга қанча гектар ер керак? Бу ерни қайси экин ҳисобига олади? Дон мустақиллигига эришиш омиллари тўғрисида сизнинг фикрингиз?

2. Мамлакатда 1999 йили чорвачилик маҳсулотлари: гўшт, сут, жун етиштириш 1990 йилга нисбатан камайди. Сабаби нима? Таҳлил қилинг, ўз фикр ва мулоҳазаларингизни ёзма баён этинг.

3. Пахта экиш майдонларини қисқартириш уни жаҳон пахтачилигидаги салоҳиятига путур етказадими? Бу тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни баён этинг.



### III БОБ

#### АГРАР МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

##### Р е ж а :

1. Мулкий муносабатлар деганда нимани тушунасиз?
2. Янги мулк типини яратиш зарурми?
3. Ер нима учун сотилмайди? У мулкми?
4. Мулкчилик шакллари ва уларнинг мазмуни нималардан иборат?

*Адабиётлар:* 1; 2; 3; 4; 8; 29; 32; 35; 39; 41.

##### 3.1. Мулкий муносабатлар деганда нимани тушунасиз?

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ва сиёсий негизини мулк ташкил этади. Ҳар қандай мулкий муносабатлар мулкка ким эгалик қилади, деган саволга жавоб беради. Мулкка эгалик қилиш ёки қилмаслик ҳолатига қараб кишилар жамиятда ўз ўрнини топади. Мулкий муносабатларга асосланмаган иқтисодиётнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай ноз неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ресурслар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мулк сифатида сотилади ва сотиб олинади. Оқибатда бу жараёнда мулк эгаларининг иқтисодий муносабатлари юз беради. Шунинг учун ҳам мулк—бу инсонлар томонидан моддий ва номоддий неъматларнинг ўзлаштирилишидир. Кимки мулкка эга бўлса, у мулкдор, мулкка эга бўлмаса, мулксиз шахсга айланади. Оқибатда ҳар бир жамият аъзоси ўз мулки ҳисобига кун кўради. Деҳқон ўз еридан фойдаланиш ёки ижарага беришдан, пулдор уни қарзга бериб фоиз олишдан, капитал эгаси уни бизнесда ишлатишдан, ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган шахс эса ўз кучини сотиб, ёлланиб ишлашдан даромад топади. Мулкни ўзлаштириш: ишлаб чиқариш, тақ-

симлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида мавжуд бўлиб, бу жараёнларни қайта такрорланиш ҳолатига боғлиқдир. Мулкнинг иқтисодиёт маъносини ташкил этувчи иқтисодий самарадорлик ҳам шу ўзлаштиришнинг қаноатлантириш вазифалари, усуллари таркиби ва шакллари сифатида хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигида мулкий муносабатлар тушунчаси 3 бўғинни ўз ичига олади: биринчи, мулкий муносабатларни садитлари (субъектлари). Бу мулк кимники, деган саволга жавоб беради. Мулк субъектлари: айрим шахс, гуруҳ, жамоа, давлат ва жамият бўлиши мумкин. Улар мулк субъектлари ёки мулкдорлар, деб юритилади. Улар қонун асосида ўз мулкларига эгалик қилади ва фойдаланади. Иккинчи, мулк объектлари ёки мулк қандай турлардан иборат эканлигини ўзида акс эттиради. Бу объектларга: ер, ер ости бойликлари, ўрмон ва ўтлоқлар, меҳнат қуроллари ва буюмлари, озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар, турар жойлар, иншоотлар ва бошқа турдаги мулклар киради. Учинчи, мулкий муносабатлар мазмуни. Бу мулк субъекти билан мулк объекти ўргасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар йиғиндиси натижасидан иборат ёки мулк объектини унинг субъекти томонидан ўзлаштирилишидир. Ўзлаштиришнинг маъносига мулк объектини ўзиники қилиб олиш деган тушунча киради. Ўзлаштириш аввало, шу маънода ўзиники қилиб олишни ўзлаштирилган мулк объекти шу ўзлаштирилган субъектликка айланади. Бошқа субъектлар бу ўзлаштиришни инкор этади, мулк объекти барча мулк субъекти бўла олиши мумкин бўлган қисмлардан ажратиб олиб, ўзлаштирган субъектларники бўлиб қолади. Бундан ташқари ўзлаштирилган мулк объектининг вазифалари ҳам субъект томонидан ўзлаштирилади ёки мулк объекти бўлмиш ишлаб чиқариш воситалари кабиларни мулкдорнинг ишчи кучи билан меҳнат жараёнини бирлаштиради. Бу жараёнда капитал ва ер ресурсларининг меҳнат билан бирлашиши ўзлаштиришнинг ҳал қилувчи бўғинини ташкил этади. Бу бирлашиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнида яратилган маҳсулот ҳам мулк субъекти томонидан ўзлаштирилади. Бу жараён натижасида ўзлаштиришдагина мулкнинг туб мазмуни ва маъноси белгиланади, ифодаланади. Мулкни ўзлаштириш муносабатлари билан бир қаторда бошқа мулкий муносабатлар ҳам мавжуд.

Бу муносабатларга: эгалик қилиш, бошқариш ва фойдаланиш жараёнидаги муносабатларни ҳам киритиш мумкин. **Эгалик қилиш** — бу мулкка ҳукмронлик қилишдир. Мулкдор ўз мулкни бошқа шахсга фойдаланишга (ижарага) бериши мумкин. Мулкни ижарага олган субъект мулк объектини муҳофаза қилиш, сақлаш, ундан фойдаланиш, мулкдан келган натижаларга эгалик қилиш кабилар бўйича ўз ҳукмини юргата олади. Аммо у туб маънодаги ҳақиқий мулкдор эмас. У мулкни сотиш, бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас. **Бошқариш** — бунда мулк эгаси ўз мулкни бошқа шахсга бошқариш учун маълум вақтга беради, бу ҳолда у фақат мулкни фойдаланишда бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Мулкдан фойдаланиш натижасида келган самара берувчига эмас, балки мулк эгасига тегишли бўлади. Бошқарувчи маълум миқдорда маош олиб, фақат мулкни бошқариш ҳуқуқигагина эга бўлади.

**Фойдаланиш** — мулк объектдан маълум натижа, умумсамара олиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият жараёнидир. Бу ҳолдаги субъект ҳам мулкдор ҳисобланмайди. Унинг фаолияти фақат мулкдан фойдаланиш доираси билан чегараланган бўлади. Демак, мулкдорлик — ўзлаштиришдир. Эгалик қилиш, бошқариш, фойдаланиш эса ўзлаштиришни реализация қилишдир ёки мулкдан ҳар турли шаклда фойдаланишнинг амалга ошириш йулидир.

Мулкчилик мулк эгасига манфаат келтириш билан бир қаторда унга маъсулият ҳам юклайди.

Мулкдорнинг манфаати:

- мулк — мулк эгасига ҳар қандай шароитда фойда, наф келтирмоғи шарт;
- мулк ўз эгасига жамиятда катта мартаба, обрў-эътибор келтириши лозим;
- мулк ўз эгасининг бойлигини мунтазам ошириб боришига ўз ҳиссасини қўшиши зарур;
- мулк ўз эгасига фароғотда яшамоғи учун зарур бўлган барча шароитларни яратиши керак;
- мулк — мулкка эга бўлмаган шахсларни, фуқароларни мулк эгасига тобе қилиш хусусиятига эга бўлиши лозим.

Мулкдорнинг мулк олдидаги бурчлари:

- мулк миқдорини оширишга ва сифатини яхшилашга интилиши;
- бойлик кўпайтиришнинг қонуний йўлларида кенг фойдаланишга ҳаракат қилиш;

· мулкдан фойдаланишнинг барча сирлари, йўллари қонун-қоидаларини яхши англай билиш ва амалда фойдаланиш;

· мулкдор ўз мулкни кўз қорачиғидай сақлаши ва уни келажакдаги мавқеини олдиндан била олиш қобилиятига эга бўлиши;

· мулкдор ўта тежамкор бўлиши;

· ўзининг барча хатти-ҳаракатлари ва меҳнатини, вақтини мулкка йўналтириш.

Аmmo мулкдор қанча кўп мулкка эга бўлишидан қатъи назар мулкнинг хусусияти ва фойдаланиш мавқеига қараб ундан фойдаланиб, кўпроқ фойда олишга эришмоқ, мулкдорнинг асосий мақсадидир.

Бу мақсадлар:

· ўз мулкни қулай шароит пайдо бўлганда қимматга сотиш ва арзонга мулк сотиб олиш;

· ўз мулқидан капитал сифатида фойдаланиб, ёлланма ишчи кучидан фойдаланиб, тадбиркорлик қилиш йўли билан даромад топиш;

· мулкни ўзоқ-яқин муддатларга ижарага бериб, ундан даромад олишни жадаллаштириш;

· пулни қарзга бериб, ундан фоиз олиш ҳисобига фойда кўриш;

· ўз мулкига таянган ҳолда ундан фойда кўриш;

· ўзгаларнинг мулкни ижарага олиб, ундан фойдаланиш ҳисобига фойда кўриш;

· акциялар сотиб олиш орқали акция эвазига олинган дивидендлар миқдорини кўпайтириш ва бошқа омиллар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Мулк ўз эгасига ҳаддан ташқари аниқ катта бойлик келтирувчи манба бўлиб ҳисоблансада, у айрим ҳолларда ўз эгаси бошига катта кулфатларни келтирувчи офат ҳамдир.

**«Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли».**

**Конституция, 36-модда.**

### **3.2. Янги мулк типини яратиш зарурми?**

Мулк типи — ҳар хил тизимларга мос келадиган мулк муносабатларини яратишни билдиради. Мулкка эгалик қилиш масаласи бозорни вужудга келтириш борасидаги барча тад-

бирлар тизимини ташкил этади. Демак, Ўзбекистон ўз иқтисодига эришган мамлакатлар қаторидан ўрин олмоқ учун ўз мулккий типига эга бўлмоғи лозим.

Бу муаммо маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётидан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш имкониятини бера оладиган мулк муносабатлари барпо этиш йўли билан амалга оширилади. Бу йўл мамлакат президенти И.Каримовнинг «Хусусийлаштириш асослари» (Ўзбек модели) таълимоти асосида амалга оширилади. Бу қонуниятни қуйидаги жадвалдаги маълумотлардан яққол кўриш мумкин.

1-жадвал

Мулкчиликка бўлган янги муносабатларни шакллантириш

Маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
<ul style="list-style-type: none"> <li>• мулк монопол ҳарактерга эга бўлиб, давлат мулки ҳисобланар эди</li> <li>• давлат мулки энг афзал ва халққа фақат шу мулк фаровон ҳаёт беради, деб тарғиб қилади</li> <li>• мулк давлатга тегишли бўлгандагина у мулкдан хоҳлаган мақсади учун фойдаланиш имкониятига эга бўлган бўлар эди</li> <li>• ҳар қандай хусусий мулкка рухсат берилмас эди</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• мулк хусусийлаштирилди, унинг турли шакллари вужудга келди</li> <li>• мулк айрим корхона, хўжалик аъзоларининг хусусий мулкига айланди</li> <li>• мулк “бизники”, деган иборадан “меники”, деган ибора билан алмашилди</li> <li>• мулкнинг хилма хил шакллари ташкил этилди</li> <li>• ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бериш йўли билан ҳар бир шахснинг мулкига айлантирилди.</li> <li>• мулк ўз эгасини топди. Ундан энг самарали ва оқиллона фойдаланиш иштиёқи пайдо бўлди</li> <li>• мулкка эгасизларча муносабатда бўлиш уни исофгарчилик, лоқайдлик, бепарқлик ва масъулиятсизлик билан қараш ҳолларига чек қўйилди</li> <li>• хусусийлаштириш чоғида аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатларни яратиш ва уни танлаш вазифаси амалга оширилди</li> <li>• мулкдан хоҳлаган мақсадлар учун фойдаланиш, ижарага бериш, сотиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи берилди</li> <li>• Мулкни қонуний жиҳатдан ҳимоялаш жорий этилди</li> </ul>

Хулоса қилиб айтганда, қисқа вақтда эски мулкчилик муносабатлари ўрнида эркин бозор иқтисодиётига тўла мос келадиган янги мулкый муносабатлар яратилди. Бу муносабатлар ўз ҳаракати доирасида тараққий этиши, такомиллаша бориши, мулкларнинг тутган ўрни ва мавқеининг ўзгара бориши давом этади ва янги мулкый муносабатларнинг такомиллаша боришига олиб келади.

**Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг камал тоши бўлиб хизмат қилади. Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи ғишт қўйилди”.**

**И. Каримов.**

### **3.3. Ер нима учун сотилмайди? У мулкми?**

Ер асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида энг қимматбаҳо мулкдир. Ерсиз ҳеч қандай мулкнинг бўлиши ва яратилиши мумкин эмас. Ер энг чекланган ресурсдир. Ер ҳам барча товарлар сифатида жаҳондаги кўпгина мамлакатларда сотилади ва сотиб олинади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси иншоотлари жойлашган ерлар шу объектларни хусусийлаштириш жараёнида объектлар билан бир қаторда сотилади ва объект баҳосига киритилади. Умумий фойдаланишда бўлган (майдонлар, кўчалар, ўтиш йўлаклари, ҳиёбонлар, чўмилиш ҳавзалари, сув ҳавзалари) табиат ёдгорликлари, миллий ва дендрология парклари, кўриқхоналари (зоповедниклар), ботаника боғлари, соғломлаштириш ва тарихий-маданий ерлар, давлат ихтиёридаги бошқа ер заҳиралари сотилмайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни билан бевоқифа боғлиқ бўлган ерлар ҳам сотилмайди.

Бунга сабаб:

- Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида деҳқончилик қилинадиган ерлар умумий ер заҳирасига нисбатан кам бўлиб, у ҳар 100 гектар ернинг 7 гектарини ташкил этади яъни, 7 фоиз ердангина фойдаланилади;

- Ўзбекистонда деҳқончилик қилинадиган ерлар миқдори йилдан-йилга камаймоқда. Ҳозир 4 млн. гектар ердан деҳқончилик қилишда фойдаланилади;

- Ўзбекистон аҳолиси сон жиҳатдан тез ўсмоқда. Ҳар 3,5 йилда 1 млн. аҳоли қўшилмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ерлар йилдан-йилга камайиб, ҳозир айрим вилоятларда, шу жумладан, Андижон вилоятида 0,07 гектарни ташкил этади;

- Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар мелиорация ва ирригация ҳолатини нормал шаротда ушлаб туриш учун катта маблағ талаб этади;

- қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган деҳқонлар ва қишлоқ аҳолиси ер сотиб олиш учун етарли маблағга эга эмас эдилар. Бу сабабларга кўра МДХ мамлакатлар таркибига кирувчи Қирғизстон Республикаси, мамлакат ихтиёридаги барча ерларни ҳар бир киши ҳисобига бўлиб берди, Россия эса давлат мулки ҳисобига ҳар бир фуқарога 10 минг руб пул (ваучер) тарқатди. Аммо, Ўзбекистон Республикаси ўз моделига асосан ерларни хоҳлаган кишига узоқ муддатга ижарага бериш йўли билан мулк шаклига айлантириш йўлини тутди. Бу йўл «Ер тўғрисида», «Ижара тўғрисида» ги қонунлар асосида амалга оширилди ва оширилиб келинмоқда. Ер давлат тасарруфида у қонун асосида, корхоналар, хўжаликлар, айрим гуруҳлар ва шахсларга ижарага берилди. Ерни ижарага бериш:

- бозор шароитида хўжалик юритишнинг энг самарали усуллари аниқлаш ва улардан фойдаланиш;

- ернинг ҳақиқий эгаларига фойдаланиш учун топшириш;

- хўжаликларнинг мақбул ҳажмини излашдан иборатдир.

• Демак, ҳар бир ерни ижарага олган деҳқон ер эгаси сифатида ундан фойдаланишнинг қонуний ҳуқуқига эга бўлади.

### **3.4. Мулкчилик шакллари ва уларнинг мазмуни нималардан иборат?**

Кишилик жамиятининг ривожлана бориши натижасида мулк шакллари ҳам ривожлана бошлади. Бу турдаги мулк шакли ўрнига унга нисбатан инсонга кўпроқ наф келтирадиган мулк шакллари билан алмашиб, янги мулк шакллари пайдо бўлади. Янги мулк шакли пайдо бўлиши натижасида унинг янги эгаси ҳам пайдо бўлади. Умуман, иқтисодий тараққиётда барчанинг манфаатдорлиги юзага келадигани, бу янги мулк шакли муносабатлар мазмунига хос мулк турини яратди. Мулкчилик яқка ҳукмронликдан турлилик томон ривожланадигани,

бу мулк шакллари тараққиётини кўрсатади. Якка мулкчилик турми ижтимоий мулк шаклидан иборат бўлса, мулк шакллари турли турига асосан давлат мулки, шахсий мулк, жамоа, қўшма, кооператив каби мулклардан иборат. Мулкдан фойдаланишда яна қўшимча шакллар ҳам юзага келади. Булар жумласига ижара, пудрат, шериклик, фермерлик, деҳқон, омишкор (оила) мулкларини қўшиш мумкин. Мулк шакллари мулкни ўзлаштиришдаги кўринишлар мулкнинг амалий ифодиси бўлиб, унинг мазмунини билдиради.

2-жадвал

### Мулк шакллари ва уларнинг таркибий қисми

Мулк шакли	Мулк шакли таркибига кىрувчи мулк турлари	Қуйи мулк турлари	Аграр мулк шакли
Давлат мулки	Уюшма мулки		Давлат мулки асосида иш юритадиган корхоналар
	Хусусий мулк	Индивидуал мулк Кооператив мулк	Фермер мулки Деҳқон мулки Ижара - пудрат мулки Фуқаро мулки
		Оила мулки Маҳалла мулки Кооперативлар мулки	Томқуриш мулки Маҳалла мулки Жамоа мулки Ширкат хўжаликлари мулки Хиссадорлар мулки Агрофирма мулки
Нодавлат мулк	Жамоа (ширкат) мулки	Ижарачи корхоналар мулки жамоа корхоналари мулки жамоат ва диний ташкилотлар мулки хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ассоциациялар, юридик шахс бўлган бошқа бирлашмалар мулки	
	Бошқа давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларга қарашли юридик ва jisмоний шахслар мулки	Хорижий уюшмалар мулки Ассоциациялар мулки Концерн мулки Корпорациялар мулки ҳолдинг компаниялар мулки Миллий компаниялар мулки Консорциум мулки	Бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан алоқасини ўзида аке эттирувчи мулк турлари
	Мулкчиликнинг аралаш шакли	Давлат ва нодавлат мулкларининг қўшилиши	Аграр аралаш мулк



Иқтисодий ислоҳотлар мулкчилик шакллари, унинг иқтисодий тузилмаларига катта таъсир кўрсатди. Давлат мулкнинг ҳукмронлик ролига барҳам берилди.

**I. Давлат мулки** — жамият мулкчилиги шаклларида бири бўлиб, бунда мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш мамлакат ихтиёрида бўлади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар давлат ҳокимияти ва бошқарувчи республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига молик маданий ва тарихий ёдгорликлар, республика бюджет маблағлари, олтин заҳираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари республика мулкчини ташкил этади. Бюджет маблағлари ёки давлатнинг бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, бошқа мол-мулк ҳам республика мулкида, фойдаланишида ва тасарруфида бўлиши мумкин. Ислоҳотлар даврида давлат мулки ҳажми, миқдори умумий мулк таркибидаги улуши камая бошлади. 1990 йили унинг умумий мулкдаги ҳиссаси 60 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йили 15,6 фоизни, 1999 йили 13,8 фоизни ташкил этди. Чунки, ҳозирги вақтда Францияда давлат мулки умумий мулк улушининг учдан бир қисмини, Англияда 20-21 фоизини, АҚШда 13-14 фоизини ташкил этади. Давлат бу миқдордаги ўз мулки билан бозор иқтисодиётида ўз мавқеини тўла тиклаш имкониятига эга бўла олади. Аграр секторда давлат мулки улуши ҳам кескин қисқармоқда. 1999 йили қишлоқ хўжалигида ялпи ички маҳсулотнинг атиги 1 фоизини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Қолган 99 фоизи нодавлат сектори зиммасига тўғри келди.

**II. Нодавлат мулки** — мамлакатда давлат мулкidan қолган мулк ҳиссасидан ташкил топади. У хусусий мулк, жамоа мулки, чет эллик шериклар мулки ва аралаш мулклардан иборат. Хусусий мулк — энг қадимий ва кенг тарқалган мулк шаклидир. У айрим шахслар мулкидир. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, мулк бир кишининг ихтиёрида бўлади ва мулкка нисбатан тўла мустақил иш тутиш имконияти туғилади. Хусусий мулкнинг чегараси бўлмай-

ли. У фақат ўз эгасининг имконияти ва қобилиятига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти ривожда асосий ўринни эгаллайди. Хусусий мулк бир шаклдаги мулк, лекин ҳар бир хусусий мулк ўзига хос алоҳида мулк бўлганлиги туфайли улар мустақил мулкдир, яъни жуда кўп миқдорда, юз минглаб сондаги мулкдир. Уларнинг ҳар бири бозорнинг алоҳида иштирокчиси ва рақобат курашининг қатнашчиси. У бозорга тез мослашади, харидорлар талабини тез эътиборга олиб иш тутади ва фаолият кўрсатиш учун энг қулай шароитга эга бўлган мулк шаклидир. Шунинг учун ҳам хусусий мулкнинг тараққиётисиз бозор иқтисодиёти-ни ривожлантиришни тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам хусусий мулк Ўзбекистонда жуда тезкорлик билан ривожланмоқда. Унинг ҳиссаси хўжалик субъектлари ичида 1996 йили 9,4 фоизни ташкил этган бўлса, 1999 йили 72,3 фоизга кўтарилди. Бунга сабаб мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштиришда аҳолини асосий қисми ўз мулкини кўпайтириш мақсадида мулк сотиб олишга қатнашиши натижасидир.

**Хусусий мулк таркибида:** фермер, деҳқон хўжаликлари, ижара-пудрат, фуқаро, кооператив мулк шакллари; хусусий мулкка: уйлар, квартиралар, дала ҳовлилар, турли бинолар, қурилишлар, иншоотлар, ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт воситалари, уй ҳайвонлари, пул, қимматбаҳо буюмлар ва қоғозлар, кашфиётлар, нау-хау, фан, адабиёт асарлари ва бошқа фуқаро мулклари киради. Бу мулк давлат томонидан қонун асосида муҳофаза қилинади.

**Жамоа (ширкатлар) мулки** — ўзининг мулк ҳиссасида тутган ўрнига қараб иккинчи ўринда турувчи мулкдир. Бу мулк майда хусусий мулкчиларнинг бирлашмаси сифатида юзага келган. Бу мулкчилик шакли ўзига хос устунликларга эга: у ўз сармоясини тез кўпайтира олади. Мулкчиларнинг ҳаракатига бардош бера олишидир. Унинг яна бир хусусияти—турли тармоқларда фаолият кўрсатишга тез мослаша олишидир.

Жамоа (ширкат) мулки — оиланинг мол-мулкини, маҳалла мулкини, шунингдек, юридик шахс ҳисобланган кооперативлар, ижара, жамоа корхоналарининг, жамоат ва диний ташкилотларнинг турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, уюшмалар ва бошқа бирлашмаларнинг мулкларини ўз ичига олади.

Жамоа мулки, айниқса, бевосита истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тармоқларида катта ўрин эгаллайди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, таъмирлаш-қурилиш ва бошқа тармоқларда уни аҳамияти бениҳоят каттадир.

Жамоа мулки майда мулкчилар фаолиятида аҳамиятлидир. Чунки, алоҳида ҳолда майда мулк самара келтириш у ёқда турсин, ҳатто рақобатга бардош бера олмаслиги ва арзигулик иш кўрсата олмаслиги мумкин. Майда мулкдорлар эса ўзаро бирлашиб, каттароқ ҳажмда жамият ишларини амалга ошириш имкониятини пайдо қилишга эришадилар.

Жамоа мулкининг қўлланишдаги яна бир хусусияти шундан иборатки, бойликни ўзлаштириш учун иш фаолиятида биргаликда қатнашишни талаб этдилар. Бу асосда ташкил этилган хўжаликлардаги асосий ишчи кучи шу мулк эгаларининг ўзидир. Меҳнат унумдорлигини оширишга, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Жамоа мулкни ривожлантириш, уни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш деганда унинг таркибидан барча мулк шакллари ривожлантириш назарда тутилади.

**Аралаш мулк** — муайян объектнинг турли мулкдорлар томонидан ўзлаштиришни англатади. Ҳозирги вақтда очиқ турдаги акционерлик жамиятларида аниқ ўз ифодасини топмоқда.

Бу ерда хусусий мулк, жамоа мулки ва ҳатто хорижий мулк ҳиссалдорлик асосида бирлашмоқда. Мулк объекти бирлашган ҳолда фойдаланилиб, ўз эгаларига даромад келтирмоқда.

Турли мулк шакллари алоҳидалашган бўлсада, уларнинг яхлитлиги мавжуд. Чунки иқтисод ягона бўлиб, мулкдорлар хатти-ҳаракатларининг бир-бирига боғланишини билдиради. Шу боисдан барча мулк шаклларининг мажмуаси мамлакатларнинг миллий мулкни ташкил этади. Бу мулк мамлакат иқтисодий тараққиётининг даражасини шунинг учун мулкчиликнинг турли шакллари давлат мулки таъсири остида ривожлангани маъқул. Мулкчиликнинг турли хил шаклларига ўтиши бозор иқтисодиётининг асосини ташкил қилсада, унинг асосий мақсади хўжалик юритиш ва мулкчиликнинг турли шакллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самардорлигини оширишнинг барча имкониятларидан тўлиқ фой-

даланиши ташаббускорлик ва соғлом рақобатни вужудга келтириш учун қулай муҳит яратишга қаратилганлигидир.

## I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун ўнг томондан мос келадиган таърифларни танланг.

- |                       |  |
|-----------------------|--|
| 1. Мулк               | 1. Қонун томонидан бериб қўйилган ашёни эгаллигида ушлаб туриш.              |
| 2. Ер мулки           | 2. Ашёнинг фойдалиқ хоссаларини топиш ва қўллаш, уни вазифаси бўйича ишлатиш |
| 3. Мулки муносабатлар | 3. Ўз мулкига эгалиқ қилиш, фойдаланиш, уни тасарруф этиш.                   |
| 4. Акция              | 4. Фуқароларнинг биргалиқда фойдаланиш усули                                 |
| 5. Дивиденд           | 5. Инсон тамонидан моддий ва номоддий неъматларни ўзлаштириш                 |
| 6. Инвестиция         | 6. Ер ресурсининг ўзлаштирилиши  |
| 7. Мулкдор            | 7. Акция эвазига олинadиган фойда  |
| 8. Хусусий мулк       | 8. Корхонага маълум муддатга берилadиган пул                                 |
| 9. Жамоа мулки        | 9. Ишлаб чиқарилган моддий неъматларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли         |
| 10. Эгалиқ қилиш      | 10. Ҳиссадорлик жамиятига қўшилган ҳисса кирувчи далолатнома                 |
| 11. Фойдаланиш        | 11. Маълум бирор кўринишдаги бойлик эгаси                                    |

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Ижара нима?
2. Ҳиссадорлик нима?
3. Қандай корхона ҳиссадорлик корхонаси, деб юритилади?
4. Мулк муносабатлари, деб нимага айтилади?
5. Оила мулки, деб қандай мулкка айтилади?
6. Нодавлат сектори деганда нимани тушунаси?
7. Хусусий мулк, деб қандай мулкка айтилади?
8. Жамоа мулки, деб нимага айтилади?
9. Аралаш мулк, деб қандай мулкка айтилади?

10. Ер мулкми?

11. Деҳқон хўжалиги мулки, деб қандай мулкка айтилади?

### III. Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Акциядорлик жамияти 100 млн. сўмлик акция чиқарди. Унинг аъзоларидан бири 5 минг сўмлик, иккинчиси унга нисбатан 2 марта кўп акция сотиб олди. Йил охирида хўжалик 10 млн. сўмлик фойдани акциядорларга дивиденд сифатида тўлади. Биринчи ва иккинчи акция эгаси қанчадан дивиденд олдилар?

2. Аҳмедов мулк сотиб олиш мақсадида банкдан 1 млн. сўм қарз олди. У банкдан олган қарзи учун йилига 35 фоиз тўлаши керак. Бу қарзни 4 муддатда (ҳар чорак охирида) тўлаши керак. Аммо шу даврларда у қарзни тўлай олмади. Қарзни олиш ва тўлаш муддати давомида пул 5,8 фоизга қадрсизланди. Аҳмедов йил охирида қарзи учун қанча маблағ тўлаши керак?

3. Ашуров мулкни хусусийлаштириш эвазига 100 минг сўмлик мулкни 10 йил муддатга қарз йўли билан тўлаш ҳисобига сотиб олди. У ҳар йили қанчадан пул тўлаш кераклигини ҳисоб-китоб қилинг ва реферат сифатида баён этинг.

## 4-БОБ

### Аграр хўжалик юретишнинг янги шакллари ва уларнинг мазмуни

#### Р е ж а :

1. Миллий муносабатлар асосида ташкил топган турли мулкчилик ва хўжалик юретиш шакллари ва уларнинг мазмуни ва мақсадлари нималардан иборат?

2. Хўжалик юретиш шакллари, турлари ва уларни такомиллаштириш деганда нимани тушунасиз?

3. Давлат мулкига асосланган давлат-аграр корхоналари қандай мулкдан ташкил топади?

4. Хусусий корхоналар ва уларнинг турлари қайсилар?

5. Жамоа мулки асосида иш юритувчи аграр корхоналар келажаги нималарга боғлиқ?

6. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларга қарашли юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкига асосланган корхоналар ташкил этиш зарурми?

7. Мулкчиликнинг аралаш шакли асосида ташкил топган аралаш ёки қўшма корхоналарни ташкил этишнинг нима аҳамияти бор?

*Адабиётлар:* 3;8;10;29;32;34;39;41;46.

#### **4.1. Мулккий муносабатлар асосида ташкил топган турли мулкчилик ва хўжалик юретиш шакллари, уларнинг мазмуни ва мақсадлари**

Аграр секторда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мулккий муносабатларнинг ўзгариши ишлаб чиқариш жараёнида хўжалик юретишнинг янги шаклларини келтириб чиқарди. Ҳар бир мулк асосида шу мулкка тўла мос келадиган ишлаб чиқариш шакллари пайдо бўлди. Бу шаклларнинг, яъни янги турдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий вазифаси

бозор иқтисодиёти талаблари ва қонуниятларига тўла риоя қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Хўжалик юриштишнинг мазкур шакллари бу вазифаларни амалга оширувчи корхоналардир. Корхона—мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва фойда олиш мақсадида ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Корхонанинг асоси бўлиб унинг мулки ҳисобланади.

Корхона — бу фаолият юриштишнинг аниқ шакли бўлиб, унда ишлаб чиқариш омиллари бирлашади, товарлар, хизматлар турлари яратилади, тақсимланади, алмашади ва истеъмол қилинади. Унда ишбилармонлик, тадбиркорлик фаолияти амал қилади ва такомиллашади. У ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий ҳал қилувчи бошланғич нуқтасидир. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи, уларни айирбошловчи ҳамда истеъмол қилишни таъминловчи субъект ролини ўйнайди. Корхона чекланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда товарлар ва хизматлар яратиб, улар орқали бозор субъектларининг эҳтиёжларини қондириш чораларини кўриши, юқори фойдани олишга эришиб, у фойда эвазига яшовчи бозор субъектидир. Бизнеснинг маълум шакли ва иқтисодий агентидир.

Корхона бозор иқтисодиёти шароитида ўз фаолиятига кўра қуйидаги хусусиятларга эга:

**Биринчидан** — корхона маълум мулк шаклига асослангандир. У маълум шаклда мулк соҳибининг мулк объектидир. Корхона маълум мулк шакли асосидагина мустақил хўжалик юргизиш ҳуқуқига эга бўлади. Юқори самарадорлик даражасига эришишга ҳаракат қилади. Мулкнинг турига ва миқдорига қараб корхона ҳажми белгиланади. Мулкдан юқорироқ самара олиш йўллари белгиланади. Лекин мулкдорсиз корхона бўлмайди. У бирор вазифани бажара олмайди. Мулк субъектлари ўз хоҳишлари билан мулк туридан бирини ёки бир нечасини танлаб олади. У мулк эвазига корхона ташкил этади. Корхона ёрдамида мулк эвазига даромад олади.

**Иккинчидан** — корхона маълум мулк шаклига асосланганлиги сабабли у иқтисодий жиҳатдан мустақил ва эркин яшаш ҳуқуқига эга бўлади. Бозор иқтисодиётида корхона иқтисодий мустақилликка эга бўлмаса яшай олмайди, ўз вазифасини амалга ошираолмайди. Иқтисодий эркинлик ва мустақиллик мулк-

дорга, корхонага, унинг жамоасига товарлар ишлаб чиқариш учун ресурсларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш, рақобатларга мустақил равишда қатнашиш, унда голиб чиқиш, ўз фаолиятини ижодкорона амалга ошириш, корхонани ресурслар билан таъминлашда ва улардан фойдаланишда, илм-фан, техника ва технологияни жорий этишда ижобий мустақил иш юритиш, корхонани оқилона бошқариш каби имкониятларни яратади;

**Учинчидан** — корхона фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти кам харажат қилиб, кўп фойда олишни тақозо этади. Бу талабни бажара олмаган мулкдорнинг корхонаси яшай олмайди, ривож топаолмайди. Шунинг учун корхона субъектлари эркинлик асосида хавфли товонхоняик, жавобгарлик хиссиётларини ўз гардонларига оладилар. Бу жараённи бажаришда улар рақобат соҳибига айланади. Бунинг учун корхона соҳибкори ишлаб чиқариш харажатларини мунтазам камайтира бошлайди, фойда йўллари қидиради. Ишлаб чиқилган товарларнинг сифатини яхшилашга ҳаракат қилади. Энг қулай бозорларни қидиради, кўпроқ фойда нормасига эга бўлишга интилади. Бу жараённинг асосий ўлчов барометри бўлиб фойда миқдори ҳисобланади. У бу соҳада ҳар қандай рақобатга бардош беришга ҳаракат қилади. Оқибатда голиб бўлади ёки мағлубиятга учрайди;

**Тўртинчидан** — корхона фаолиятига унинг умуман бошқа корхона ва тизимлар билан ўрнатиладиган иқтисодий муносабатларга ҳам боғлиқдир. Бозор иқтисодиётининг талабларига асосан корхона ўз маҳсулотини сотиб олувчи ва корхонага маҳсулотларини сотиши мумкин бўлган субъектларнинг талаб ва таклифларини, уларнинг товарларининг баҳоларини қисқа ва узоқ муддатда минтақа, республика, мамлакат ва халқаро миқёсда ўзгариш сабабларини, сотиб оладиган ресурсларнинг ўрнини алмаштириш имкониятларини, бозор конъюктурасини чуқур ўрганади ва ўз фаолиятини шунга мослайди, улар билан иқтисодий алоқалар боғлайди ва алоқаларни мустақамлаб боради. Унингсиз корхонанинг иқтисодий фаолияти узлуксиз равишда барқарорланмайди;

**Бешинчидан** — бозор қоидалари асосида қанча, нимани, қанча харажат билан, кимга ишлаб чиқариш ёки сотиш каби-ларни эркин ҳал қила оладилар. Корхона муносабатлари банклар, молия ва кредит муассасалари, давлат ҳокимияти билан



кредитлар олиш, акция ва облигациялар чиқариш, солиқни тулаш каби масалаларга бевосита боғланган бўлади.

Аграр ишлаб чиқаришда корхоналарнинг турлари, уларнинг турли хил мулк шаклларига асосланганлиги нуқтаи назаридан кўпгина шаклланиш, ҳажмлари жиҳатидан майда ва йирик корхоналар шакллари билан ҳамда қишлоқ хўжалигига интеграллашган саноат корхоналари билан бирлашганлиги жиҳатидан бир қанча шакллардан иборат.

Корхона шакллари билан мулк билан белгиланиши деганда шунга эътибор берилдики, ҳозирги даврда иқтисодий кўп хил мулкчиликнинг шакллари маъқуллади. Чунки, бозор иқтисодиётининг ички табиатига бир ёки икки хил мулк ҳукмдорлиги тўғри келмайди. У эркин рақобатни бўғди ва иқтисодий манфаатдорликка путур етказди.

Кўп хил мулк шакли мамлакат иқтисодининг барча тармоқларида қўлланилмоқда ва юқори самара бермоқда. Дунёдаги кўпчилик мамлакатларда аграр соҳа тажрибаси кўп хил мулкдорликни маъқулламоқда. Кўп хил мулкчилик шакли корхоналарга кўп хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Корхоналар шакллари танлашда унинг ҳажми ҳам катта рол ўйнайди. Иқтисодиётда назарий томондан корхоналар ҳажмини майда ва йирик корхоналарга бўлади. Ҳозирги тажриба йирик корхоналар билан бир қаторда майда ва ўрта ҳажмдаги корхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Чунки, хусусий мулкчилик асосида катта, йирик аграр хўжаликлар ташкил этиш катта имкониятлар талаб этади ва аграр соҳада унга эришиш имконияти жуда чекланган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ташкил этилган бир қатор илғор фермер ва деҳқон хўжаликлари тажрибаси майда корхоналар ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан қулай эканлигини исботламоқда. Чунки, майда корхоналарни таъсис этиш осон. Уларни ташкил қилиш учун катта миқдорда капитал маблағ талаб этмайди, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун катта ҳажмда ер майдони, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи керак эмас. Ишлаб чиқариш йўналишини осонлик билан тезда ўзгартириш мумкин. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш ҳам йирик корхоналарга нисбатан анча енгил. Меҳнат унумдорлиги анча юқори, ишлаб чиқариш харажатлари устидан назорат этиш ҳам анча осон.

Етиштирилган маҳсулотларни қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш, нобудгарчилкни кескин камайтириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни йил давомида сақлай олиш имкониятига эга бўлиб, товар маҳсулотларини сотиш учун катта қийинчиликларга дучор бўлинмайди. Майда корхона хусусий меҳнатга асосланган бўлиб, ишлаб чиқариш натижаси ишлаб чиқарувчига тегишли бўлади. Ишлаб чиқариш жараёни оз миқдордаги ишчи кучи (4-6 киши) талаб этади. Улар меҳнат тақсимоти асосида ишчи кучидан оқилона фойдалана оладилар. Ўз меҳнатлари натижаларини ўзлари яхши биладилар. Шунинг учун, кичик корхонада меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Кичик корхонада иқтисодий ва биологик, агротехник жараёнларни бир-бирига боғлай олиш имкониятига эга бўлиб, бу ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз юксалишига имконият яратиб беради.

#### **4.2. Хўжалик юритиш шакллари, турлари ва уларни такомиллаштириш қонуниятлари деганда нимани тушунаси?**

Юқорида қайд қилинганидек, мулкка, мулк шаклларига эгалик қилмасдан туриб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин эмас. Мулк хусусияти, унга эгалик қилиш, унинг ҳаракат этиш доирасига, унинг яратувчанлик қобилиятига, унинг ноёблигига ва бошқа хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар хил ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш технологиясига мос туша оладиган корхона ва муассасаларни ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ҳозирги вақтда аграр секторда қуйидаги мулк шакллари асосланган корхоналар мавжуд. Улар жумласига: давлат, нодавлат корхоналари киради. Нодавлат корхоналарига: хусусий жамоа, халқаро давлатлар ва ташкилотларга қарашли юридик ва жисмоний шахслар мулки асосида ташкил этилган корхоналар ва бирлашмалар ҳамда қўшма мулк шерикчилик асосида ташкил этилган қўшма корхоналар киради.

Давлат корхоналари — аграр соҳа ҳар қандай давлат иқтисодиётида катта ўрин тутадиган соҳалардан биридир. Шунинг учун бу соҳа давлат сиёсатидан давлатнинг бевосита аграр мулк ривожига ўз таъсири билан кўмаклашмасдан, ёрдам кўрсатмасдан туриб ривожлантириш мумкин эмас. Давлат ўз таъсири

Аграр соҳада мулк шакллари ва уларга мос келадиган  
хўжалик юритиш турлари

Мулк шакллари	Ишлаб чиқариш шакллари	Ишчи ишлаб чиқариш корхоналари, тўғалар	Мамсади
1. Давлат мулки - давлат табиғий муҳофиза қилиш қўмитаси; - ер ресурслари давлат қўмитаси; - «Ўз олмас олтин» уюмчаси; - «Ўзбек нефтгаз» компанияси ва бошқалар.	1. Давлат корхоналари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат табиғий муҳофиза қилиш қўмитаси</li> <li>• ер ресурслари давлат қўмитаси</li> <li>• «Ўз олмас олтин» уюмчаси</li> <li>• «Ўзбек нефтгаз» қўмитаси ва бошқалар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• хизмат кўрсатиш</li> <li>• маҳсулотларни тайёрлаш</li> <li>• маҳсулотларни сотиб олиш</li> <li>• ортқўна маҳсулотларни сотиб олишга ёрдамчилаш</li> </ul>
2. Нодавлат мулки - «Ўзломмаҳсулот» корпорацияси; - «Ўзбек шпанти» уюмчаси; - «Ўз қишлоқ хўжалик осови» компанияси; - «Ўзнефтьмаҳсулот» компанияси ва бошқалар.	2. Нодавлат корхонаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• «Ўзломмаҳсулот» корпорацияси</li> <li>• «Ўзбек шпанти» уюмчаси</li> <li>• «Ўз қишлоқ хўжалик осови» қўмитаси</li> <li>• «Ўзнефтьмаҳсулот» қўмитаси ва бошқалар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• хизмат кўрсатиш</li> <li>• маҳсулотлар ишлаб чиқариш</li> <li>• маҳсулотларни тайёрлаш</li> <li>• маҳсулотларни сотиш</li> </ul>
а) Хусусий мулк	А) хусусий корхона	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Томирча хўжалиги</li> <li>• деҳқон хўжалиги</li> <li>• фермер хўжалиги</li> <li>• хусусий ишраччи</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқариш</li> <li>• сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш</li> <li>• қўлай шартда ресурслар сотиб олиш</li> <li>• фойда кўриш</li> </ul>
б) жамъия (шаркст) мулки	б) Кооператив корхоналар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• оила гураги</li> <li>• шаркстлар хўжалиги</li> <li>• хиссадорлар (акционерлар) жамъияти</li> <li>• агрофирма</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат бунорчаларини бажариш</li> <li>• бозор эҳтисотида хондариш</li> <li>• фойда кўриш</li> </ul>
в) шартнома давлатлар ва Халқаро ташкилотлар ва шахслар мулки	в) чет эл корхоналари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• шартнома асосида таъкил этилган корхоналар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ўзаро қўлай фойда кўриш асосида иш юритиш</li> </ul>
г) ирлаш мулк	г) шериклик корхоналар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• чет эл инвестициялари асосидаги қўйма корхона</li> <li>• соҳилар ва тармақлар қўшмачи асосидаги корхоналар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• хизмат кўрсатиш</li> <li>• товар ишлаб чиқариш</li> <li>• сотиш</li> <li>• ресурслар билан таъминлаш</li> </ul>

хилма-хил корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ёрдамида амалга оширади. Бундай корхона ва муассасаларга: аграр соҳани давлат томонидан бошқарувчи мутахассислар тайёрловчи, фан-техника ва илғор тажрибаларни ишлаш ва

ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, мелиорация ва ирригация системасини ишга солиш ва фойдаланиш, қуруқ ва бўш ерларни ўзлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш, кимёвий моддалар билан таъминлаш ва бошқа бир қатор давлат корхоналари ҳамда муассасалари, бирлашмалари хизмат қилади. Давлат корхоналарининг аграр соҳадаги тутган ўрни ва ҳиссаси сезиларли қисқариб бормоқда. 1991-1999 йиллар давомида аграр сектордаги давлат корхоналари улуши 68,8 фоиздан 3,9 фоизга, ундаги ишловчилар сони 4,3 фоиздан 5,6 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулоти 60,4 фоиздан 2,7 фоизга қисқарди. Давлат корхоналарининг миқдорий жиҳатдан қисқаришига қарамасдан уларнинг аграр соҳага таъсири, самарадорлиги, нафлилиги ортиб бормоқда.

#### 4.4. Хусусий корхоналар

Хусусий мулкка — ерга, капиталга, шахсий меҳнатга асосланган ва бозор учун товар ишлаб чиқарувчи корхона (хўжалик)дир. Хусусий корхона — айрим мулкдор шахслар томонидан ташкил этилган бўлиб, уларнинг мулки ҳисобланади. Хусусий корхоналар — уни ташкил этишга қатнашган мулк миқдори, тури ва мулкнинг қандай истеъмол қийматга эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш қобилияти билан баҳоланади ва фойдаланилади. Хусусий корхона бир киши ёки оиланинг корхонаси ҳисобланади. Унинг ҳажми, иш фаолияти корхона эгасининг қобилиятига, ишбилармонлик қобилиятига боғлиқдир. Шунинг учун хусусий корхона кичик, ўрта ва катта ҳажмдаги корхоналар бўлиши мумкин. Хусусий корхона ўзининг ишлаб чиқаришини тез ўзгартириш, ихтисослашиш, бозор талабига мос келган товарлар ишлаб чиқаришга тез мослашиш билан бошқа шакллардаги корхоналардан фарқланади. Бу корхонанинг ишлаб чиқариш анжомлари (ишлаб чиқариш воситалари) ҳам оддий ва ихчам бўлади. Уларни хоҳлаган вақтда унча катта бўлмаган харажатлар эвазига тезда ўзгартириш мумкин. Масалан, помидор етиштирган деҳқон бозорда помидорга эҳтиёжнинг пасая боришини сезиб, унинг ўрнига осонгина бодринг ёки кўк пиёз етиштиришга мослашиши мумкин. Эतिकдўз осонлик билан маҳсидўзга айланиши мумкин. Шунинг учун хусусий корхоналар бозорга у ёки бу турдаги эҳтиёжларни тез қондира оладиган корхоналардир. У бозорга тез мослашувчи корхонадир.

Хусусий корхоналар бозорда ўзаро рақобат қилиб, бу рақобатда тезда ютиши ва тезда ютқазиб, банкрот (синиш) бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида хусусий корхоналар ўзларининг мулкий хусусиятига қараб: оила ёки томорқа хўжалиги, деҳқон ва фермер хўжалиги кўринишида амал қилади.

**Оила ёки томорқа хўжалиги** бу — оиланинг шахсий мулкка асосланган томорқа хўжалиги мавжуд. Бу хўжалик оила ва оила аъзоларининг яшаши ҳамда истиқомат қилиши учун уй-жой вазифасини бажаради. Бу хўжаликка ажратиб берилган 0,04-0,06 гектар ернинг уй-жой қуришдан ортиб қолган қисми—томорқа, деб аталиб, унга оила учун зарур бўлган резавор экинлар ва боғ-узумзорлар барпо этади. Ундан олинган маҳсулотлар оиланинг шахсий истеъмоли учун сарфланади. Ортиқча қисми бозорда товар сифатида сотилади.

**Деҳқон хўжалиги.** Деҳқон хўжаликлари оилавий майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалик сифатида, мамлакатни озиқ-овқатлар билан таъминлашда катта рол уйнамоқда. Улар томонидан мамлакатда мева ва сабзавотларнинг 68 фоизи, гўштнинг 63 фоизи, сутнинг деярли 90 фоизи етиштирилмоқда. «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ деҳқон хўжаликлари юридик шахс мақомига эга бўлган ва эга бўлмаган тарзда тузилади ҳамда қишлоқда устувор хусусий мулкчилик шаклига айланади. Деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ажратиладиган ер-участка миқдорини суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва лалмикор ерларда 0,5 гектаргача, адир ва чўл минтақаларда эса бир гектаргача бериш қонунлаштирилган. Деҳқон хўжалиги қишлоқда энг кўп тарқалган хўжалик бўлиб, етиштирилган маҳсулот асосан бозорга сотиш учун ишлаб чиқарилади. Деҳқон хўжалигининг аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришдаги роли янада ортиб боради. Деҳқон хўжалиги кичик тадбиркор жумласига кириб, улар ҳам хоҳлаганган вақтда банк кредитидан фойдаланиши мумкин. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалигида товар маҳсулоти етиштириш жиҳатидан фермер хўжалигидан кейинги ўринни эгаллаб, майда товар ишлаб чиқаришни, мева ва сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказувчи майда хўжаликдир. Деҳқон хўжалигига берилган ер унинг мулки ҳисобланиб, у умрбод меросга қолдириш ҳуқуқига эга бўлган мулкка айланади.

«Дехқон хўжалигининг ўзига тегишли мулкка эгалик ҳуқуқи давлат томонидан химоя қилинади».

Дехқон хўжалиги тўғрисида қонун, 11-модда

**Фермер хўжалиги** -- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган ўрта ҳажмдаги ишлаб чиқариш шаклидир. У қонуний рўйхатга ўтиш асосида ташкил этилади. Фермер хўжалиги деҳқончилик ва чорвачилик бўйича ихтисослашган ҳолда ташкил этилмоқда. «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонунга мувофиқ Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Хоразм вилоятларида ҳар бир «шартли» қорамол ҳисобига 0,3 гектардан кам бўлмаган, Қорақалпоғистон Республикасида ва бошқа вилоятларда эса 0,45 гектар суғориладиган, 2,0 гектардан лалмикор ер берилади. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билан ихтисослашадиган фермер хўжаликларига эса энг камида 10 гектардан, боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик учун эса бир гектар ер ажратиб берилади. Фермер хўжалиги ерни олгандан кейин 5 йилга қадар тупроқ унумдорлиги камаймаслиги шарт. Ер 10 йилдан 50 йил муддатга берилади. Агарда фермер мева ва сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш учун ихтисослашган бўлса, унда 5-10 гектар ер ажратиб берилади. Фермер хўжалиги ўз ерини ижарага бериш, ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Фермер ерни қанча узоқ муддатга ижарага олган тақдирда у ерга ўзининг сармояси ва меҳнатини шунча кўп сарфлаб, тупроқ унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, инфратузилмалар шаҳобчаларини ташкил этиш, турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари қуриш каби қишлоқ инфратузилмасини яратиш ҳажмини оширади. Фермер хўжалиги ўз бизнес режасидаги мақсадларини амалга ошириш учун ҳаракат қилади. Даставвал, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини энг қулай бозор шароитида сотиш учун сақлашнинг прогрессив усулларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришга фан-техника ва илғор технологияларни қўллаш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, тadbиркорликнинг яширин усулларини чуқурроқ ўрганиш каби масалалар билан кенг шуғулланади. У ўз вақтида солиқларни

қонуний равишда тўлашга ҳаракат қилади, кредитларни қулай шароитларда олиш ва фойдали мақсадлар учун сарфлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини мунтазам ошириш, харидорларни ўзидан қочирмасликка ҳаракат этади. Деҳқон ва фермер хўжаликларининг тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида амалга оширилади. Бунда қуйи-даги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- хусусий (сервис) хизмат кўрсатиш корхоналарини ва томорқа ерларига ишлов берувчи, ҳосилни йиғиб олувчи, маҳсулотларни ташиш ва сотиш фирмаларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- деҳқон ва фермер хўжаликларини ўз вақтида техника воситалари, ёш моллар, жўжалар, ем-ҳашак, идиш, уруғ, кўчат ва ёқилғи-мойлаш материаллари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмол қилувчилар билан шартномавий муносабатларни шакллантиришга ёрдам бериш;

- деҳқон ва фермер хўжаликларининг мақбул катта-кичиклигини, қишлоқ хўжалик экинлари таркибини ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи моллар сифатини аниқлаш;

- бизнес режа тузишга ва кредит ресурслари билан таъминланишга маслаҳатлар бериш;

- - деҳқон ва фермер хўжаликларининг кичик механизация воситалари ва сервис хизматлари билан таъминлаш.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари доимо ривожланишда, ҳозирги вақтда улар республикада етиштириладиган мева — сабзавот маҳсулотларининг 68 фоизини, гўштнинг 63 фоизини, сутнинг 90 фоизини етиштирмоқдалар.

#### **4.5. Жамоа (кооператив) корхоналари**

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки даврида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тизимида жамоа хўжалиги асосий ўринни эгаллади.

Жамоа хўжалиги ўзининг олдинги ташкил этилиш тамойилларини сақлаб қолди. Чунки қишлоқ хўжалигида шу шаклда иш юритиш Ўзбекистон давлатининг мустақилликка ўтиш даври

талабларига мос келувчи хўжалиқдир. Жамоа хўжалиқларини (колхозларни) иқтисодий таҳлил қилиш уларнинг кўпчилик қисми йирик, жамоаланган, ижтимоий мулкка асосланган, наёт рентабеллик хўжалиқлари эканлиги аниқланди. Бундай хўжалиқлар ўз фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўдилар. Иккинчи гуруҳ жамоа хўжалиқлари — иқтисодий жиҳатдан кучсиз, зарар кўриб ишлаётган хўжалиқлардан иборат бўлиб, бундай хўжалиқ ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари тарзида ташкил этиш зарур, деб топилди. Аммо, жамоа хўжалиги ўз ишлаб чиқариш фаолияти, мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи, даромадларни тақсимлаш, моддий манфаатдорлик, ҳуқуқий эркинлик, хўжалиқни юритиш қонунлари собиқ иттифоқ давридаги колхоз қурилишида баҳолаш мумкин эмаслигини кўрсатади. Чунки ўша вақтларда қишлоқ хўжалигида иш юритадиган барча колхоз ва совхозларни қайтадан янги шаклда иш юритувчи хўжалиқларга айлантириш мумкин эмас эди. Чунки бу жараён аста-секин иқтисодий ислоҳатларнинг чуқурлаша бориш жараёни талаблари асосида қайта ташкил этиш зарурияти турар эди. Бунинг учун ўтиш даври, деб аталувчи давр керак эди. Бу даврда жамоа хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини яратиш керак эди. Бунинг учун:

**Биринчидан** — жамоа хўжалиги — деҳқонларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил этилган жамоа хўжалиги бўлиб, жамоа аъзолари хоҳлаган вақтда хўжалиқ аъзолигидан воз кечиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Иккинчидан** — жамоа хўжалигининг ҳар бир аъзоси ўз қобилиятини, тажрибасини ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида очиқ фойдаланиши мумкин.

**Учинчидан** — жамоа хўжалиги эндиликда ўз бизнес режасига эга бўлиб, ишлаб чиқариладиган товарларни сотиб олувчи харидорлар топилган тақдирда улар билан шартнома тузадилар, кейин маҳсулотларни ишлаб чиқариш зарур, деб ҳисоблайдилар.

**Тўртинчидан** — юқори ташкилотлар томонидан мажбурий режалар бериш, зарар кўрувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мажбур этилиш усулларида фойдаланилмайди.

**Бешинчидан** — товарларни сотиб олувчилар 20 кун ичида сотиб олинган товарлари қийматини хўжалиқ ҳисобига ўтказиб беришлари шарт. Ҳозирги жамоа хўжалиги янги шароитда янги иқтисодиётда иш юритишга қарамасдан эски усулни қўмсаб, колхоз давридаги фаолиятни давом эттиришга мой-



иллигини йўқота олмайди. Хўжаликларда номи ўзгариб мазмун эса эскича давом эта бошлайди. Оқибатда жамоа хўжалиги фаолиятида туб ўзгаришларни амалга ошириш, янги прогрессив, бозор иқтисодиётига мос келувчи ишлаб чиқариш шаклларига айлантириш заруриятини келтириб чиқаради.

Жамоа хўжалигининг, бозор иқтисодиётига мослашган ширкат хўжалиги шаклига ўтиши учун унинг таркибидаги бўгинларни бу жараёнга тайёрлаш зарур эди. Хўжаликнинг энг пастки бўгини оила (жамоа) пудратидир.

**Оила** (жамоа) пудрати қишлоқ хўжалиги концерни (ширкат хўжалигида) ички хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг устун шаклидир. Чунки ширкат хўжалигининг суяк ва мускул тузилиши — оилавий пудратдан ташкил топади. Оила (жамоа) пудрати ҳар йили шартнома асосида ишлаб чиқаришни ташкил этади. Йил бошида ҳар бир оила (жамоа) пудрати бошлиғи ўзи оширган ёки ишлаб хоҳиш билдирган ва қабул қилган ширкат хўжалиги билан ишлаб чиқариш шартномаси тузади. Бу шартнома икки томонлама ҳаракатга эга бўлиб, унда оилавий пудратчи билан ширкат хўжалиги бошлиғи ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзида ифода этади. Бунга кўра ширкат хўжалиги пудратчига зарур бўлган барча ишлаб чиқариш ресурслари бир йил муддатга беради. Пудратчи эса шартнома асосида ширкат хўжалигига шартномада белгиланган муддатда ва белгиланган муддатлардаги 16 турдаги қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини топширади. Оилавий пудратчи шартномадаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига асосланган ҳолда ўз ишлаб чиқариш жараёнини мустақил амалга оширади.

Ҳар иккала томоннинг розилиги билан шартномага ўзгаришлар киритиш мумкин. Оила пудрати йил давомида шартномага асосан сарфлаган меҳнати эвазига пул ва натурал кўринишда ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

«Оила пудрати»да, энг муҳим маҳсулот етиштириш учун кўпроқ жавобгар бўлиш, иш ҳақини ишлаб чиқариш натижаларига бутунлай боғлиқ бўлишидир. Бу ўз навбатида меҳнаткашларнинг ўз меҳнатининг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлиги ва ҳосилнинг тақдири учун жавобгарлигини оширишга олиб келади.

**Ижара** (соф ижара) га асосланган меҳнатни ташкил этиш шакллариининг моҳияти — ижарачи давлатга, хўжаликка, таш-

виплотта, муассасага тегишли ер ва ишлаб чиқариш воситаларига ижара ҳақи эвазига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга асосланган. Бунда ижарачи ерга ва ишлаб чиқариш воситаларига тўдиқ эгалик этади ҳамда хўжалик юритиш йўлларини мустақил ҳал қилади. Мулк эгаси эса ижара тўлови олади ва ердан қандай фойдаланаётганлигини назорат қилиш билан чекланади. Бозор муносабатлари ривожлана бориши билан меҳнатни ташкил этишнинг мана шу шакли кўпроқ аҳамият касб эта бошлайди.

Ижара пудратига асосланган меҳнатни ташкил этиш шакллариининг моҳияти юқоридаги икки шакл: пудрат ва ижараниннг қўшилишидан келиб чиқади. Бунда деҳқончилик саноат мажмуи корхоналар томонидан алоҳида шахс ёки жамоа аъзолари гуруҳига узоқ муддатга ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари маълум бир ҳақ тўлаш эвазига шартнома асосида ижарага бериш ва кўрсатилган маҳсулотни етиштириш ҳамда сотиш жараёнида томонлар орасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисига асосланади.

Ижара пудратининг ижарадан (соф ижарадан) фарқи шундаки, агар ижарада ижарачи ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, ерга нима, қандай экин экиш, қанча маҳсулот етиштириш ва уни кимга, қачон ва қаерда сотишни ўзи бошқарса, ижара пудратида эса мулк эгаси амалга оширади. Меҳнатни ташкил этишнинг бу уч дастлабки оддий шакли деҳқонни бир-бирлари билан бирикшига, ҳамкорликда меҳнат қилишга ўргатди, уни тажрибада кўрсатиб берди. Оқибатда жамоа хўжалиги шакли ширкат хўжалиги шаклига айланиши учун замин яратди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонунга асосан (1998 йил 30 апрел) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ошириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) унинг муассасалари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади.

Унинг фаолияти ихтисослашувидан келиб чиқиб, уни низомида белгилаб қўйилади. Ёши 16 га тўлган кооператив (ширкат) низомини тан олувчи ва унинг барча талабларига риоя қилувчи кооператив фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар унга аъзо бўлиш-

лари мумкин. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний асосда белгилаб қўйилади. Унинг асосий вазифаси мамлакат учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб беришни таъминлашдир. Ширкат хўжаликларининг ишлаб чиқариш асоси бўлиб, унинг пай ва бўлинмас жамғарма фонди ҳисобланади.

**Пай** — деҳқоннинг жамоа хўжалигидаги мулкӣ улушидир.

**Биринчидан** — жамоа хўжалиги фонди ҳаммаси эмас, балки бир қисмининг бўлинмас фонд, деб аталган, хўжаликни ривожлантиришга йўналтириладиган қисмининг чегирилганидан қолганидир;

**Иккинчидан** — пай бошқа қимматли қоғозлар сингари фонд биржаларида сотилмайди, қайта сотилмайди, алмаштирилмайди, бошқа шахсга берилмайди;

**Учинчидан** — ундан қанчалик кўп даромад (дивиденд) келиши бошқа акция қоғозларидан тубдан фарқ қилади. У мулк эгасининг меҳнати, ташаббуси, тадбиркорлик фаолиятига боғлиқдир;

**Туртинчидан** — пай аниқ турдаги акциядорлик жамиятининг ифодасидир;

**Бешинчидан** — пай жамоа хўжалигига, унинг иқтисодиётига, фондларига қанчалик хисса қўшганлигига мувофиқ тарзда тақсимланади, гуё бепул бериладигандек кўринсада, у хўжалик аъзосининг илгариги меҳнатлари учун берилган мулкидир. Мулкӣ муносабатларнинг бундай кечиши Ўзбекистонда биринчи марта татбиқ этилаётир.

Пай муносабатлари — аслида ташкил этилган янги ишлаб чиқариш шакли қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) — номи билан юритилади. Пай муносабатлари — бу деҳқонга, қишлоқ хўжалик кооперативи ширкат-аъзосига, мулкӣ пайни мулкӣ қийматининг ва хўжаликнинг мажбуриятларидан ҳоли бўлган активларининг маълум қисмини ва у билан боғлиқ бўлган жами ширкат оладиган пировард даромаднинг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради. Қишлоқ хўжалик кооперативи асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган оилавий пудрат ҳар бир ишчининг меҳнат сарфини унинг даромадлари, оиладаги моддий фаровонлиги билан узвий боғлашга имкон берувчи, хўжалик ичида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг асоси сифатида намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) — ҳар бир деҳқоннинг манфаатини бутун жамоа манфаатлари билан

уйгулашувини таъминловчи қишлоқ хўжалик корхонасининг энг самарали ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг янги тизимини қўллаш-ташкилий тизим ва усулларини ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолият кўрсатиш механизмини қайта кўриб чиқишни ва қишлоқда ҳақиқий ширкатчиликни қайта тиклаш назарда тутилади.

Пайчилик асосида қайта ташкил этилган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари) корхоналарининг асосий шакли бўлиб қолади. “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжаликлари) тўғрисида”ги қонунга мувофиқ кооператив умумий мажлис қарорига асосан унинг аъзолари ўртасида тасдиқланувчи пай фонди ва ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантиришни таъминловчи-бўлинмас фонд белгиланади.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)да меҳнатни ташкил этиш оилавий, бригада пудратлари асосида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалик кооперативи ерлари оилаларга, бригадаларга шартнома асосида бир йил муддатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аниқ бир турини етиштириш учун берилади. Келажакда ширкат хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб берадиган йирик товар хўжалигига айланади.

**Акциядорлик жамиятлари** — фуқаро қўлида бўш турган маблағ ишлаб чиқариш ресурсларининг деҳқончилик саноат мажмуига жалб қилиш йўли билан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бозор талабига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва сотишни ташкил этувчи корхонадир.

Акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида қимматли қоғоз-акцияни чиқариб, уни очиқ ва ёпиқ ҳолда сотишга чиқаради. Ёпиқ акциядорлик жамияти эса акциядорлик жамияти аъзолари ўртасида сотилади ва дивиденд тўланади. Акция тўғридан тўғри пулга ёки муддати кўрсатилган ҳолда қарзга ҳам сотилади.

Акция сотишдан келган маблағ ҳиссадорлар мулки ҳисобланиб, уни сотиб олган кишилар, корхоналар, ташкилотлар эса акционерлик хўжалигининг аъзолари акциядорлар, деб юритилади. Ҳар бир акциядор ўз ҳисобига сўт очади. Бу сўтда акциядор қанча акцияга эга эканлиги акс эттирилади. Бу шахсий сўт уларга фойдадан келадиган улушни—дивидендни фойиз кўринишида олиш ҳуқуқини беради. Акционерлик уюшмалари ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида акция би-

лан бир қаторда облигациялар (заёмлар) ва бошқа қимматли қоғозлар чиқариб, уларни сотиш натижасида ўзларининг мулкини ошириш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг яна бир халқчиллиги шундаки, ҳиссадорлар ўз корхонасини бошқаришда қатнашиб, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга кўникадилар, ўрганадилар. Бу шаклдаги ишлаб чиқариш хўжалиги қишлоқдаги кенг меҳнат оммасини ишлаб чиқариш билан бевосита ёки билвосита боғлайди, иқтисодий ҳаётга реал қатнашиши, иқтисодий муносабатларнинг субъекти бўлиб қолиш учун қулай шароит яратади. Аграр соҳада акциядорлик жамиятилари ўз фаолиятини қисқа давр ичида кескин ривожлантириш имконияти мавжудлигини ўз тажрибасида кўрсатмоқда.

**Агрофирма корхоналар** — собиқ иттифоқ давридаги давлат мулки ҳисобланган совхозлар базасида ташкил топган корхоналардан иборатдир.

Агрофирманинг асосий вазифалари:

- туман қишлоқ хўжалик мажмуининг ривожини мувозанатлашни таъминлаш, агрофирма таркибига кирувчи пахтакор ва бошқа хўжаликлар, қайта ишлаш корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- маркетингни ташкил этиш, бозордаги аҳволни ўрганиш ва хўжаликлар, корхоналар, ташкилотларга етиштирилган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш;

- давлат ресурсларига пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш;

- ишлаб чиқаришнинг илмий-техника даражасини ошириш, жаҳон андозасига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, моддий-техника ресурсларининг рақобатчил бозорларини яратиш;


- хўжаликлар ва бошқа корхоналарга инвестицияларни жалб қилишда кўмаклашишдан иборат.

Агрофирма ҳуқуқий шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа рақамларга эга.

Давлат буюртмаларини бажариш ҳисобига пахта, ғалла давлат ресурсларига амалдаги тартибларга биноан чекланган баҳоларда етказиб берилади, қолган қисми эса шартнома баҳоларда қабул пунктларига топширилади. Агрофирма йирик корхона бўлиб, у ўз фаолиятида фақат маҳсулотлар ишлаб

чиқарибгина қолмасдан уларни қайта ишлаш, ҳам сотиш, ҳам хом ашёлар сотиб олиш билан шуғуланадилар.

Агрофирма фаолиятини бошқариш агрофирма тўғрисидаги низомга биноан амалга оширилади.



Агрофирма қишлоқ хўжалиги энг йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланиб, унинг келажаги порлоқдир.

Аграр соҳа тармоқларини боғловчи **хўжалик ассоциациялари**. Бу ассоциациялар таркибига:

- иттифоқлар;
- ассоциациялар;
- концернлар;
- корпорациялар;
- ҳолдинг компаниялари;
- миллий компаниялар;
- консорциумлар ва бошқа бирлашмалар киради.

**Уюшмалар** – жисмоний ва юридик шахсларнинг қўнғилли жамоат бирлашмалари. Бундай бирлашмаларга мисол қилиб «Деҳқон-фермер хўжаликлари» уюшмаси, «Узкимёсаноат» уюшмаси, «Уздавлатпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси ва бошқалар.

**Концерн** – илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш функцияларини марказлаштириш асосида ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган, шунингдек, инвестициявий, молиявий ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширадиган корхоналарга

хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатишни ташкил этадиган корхоналарнинг кўнгилли бирлашмаси — концерн қоидага кўра ишлаб чиқариш белгиларига қараб тузилади ва ягона хўжалик мажмуи ҳисобланадилар. Бунга «Ўзфармсаноат» концернини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**Корпорация** — мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарнинг акционерлик асосидаги кўнгилли бирлашмаси — корпорация таркибига кирган корхоналар ишлаб чиқариш ва илмий-техника корпорацияси кўринишида ўзаро боғланадилар. Корпорация инвестициявий сармояларнинг жамланишига ёрдам беради. У ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўйиши, чекланган жавобгарлик, марказий бошқарув акциядорларининг акция сармоясининг ўзига тегишли қисми билан эркин тасарруф этиш каби масалалар билан шуғулланади. Бунга: «Ўздонмахсулот» давлат корпорациясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**Ҳолдинг компаниялари** — корпорация шаклларида бири, ҳолдинг компанияси таркибига кирувчи акционерлик жамиятлари «Акциянинг назорат пакети» компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акционерлик жамиятлари фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш ва дивидендлар олишдир. Бунга: «Ўзмевасабзавотузум-саноат», «Ўзқишлоқхўжаликмаш» ҳолдинг компаниялари мисол бўла олади.

**Миллий компаниялар** — ноишлаб чиқариш тармоқлари ижодий жамоалар, транспорт, алоқа ва телекоммуникация корхоналари ва ташкилотларини пайчилик ёки акционерлик асосидаги кўнгилли бирлашмасидир. Бунга: «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбеккино», «Ўзбектуризм» ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

**Консорциум** — аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг муваққат бирлашмаси. Консорциум кўп тармоқли қўшма корхона. Молиявий операцияларни ҳамкорликда амалга ошириш учун тузилган банклараро, саноат ёки аграр корхоналараро битим. Консорциумнинг ўзига хос хусусияти - мустақил юридик шерик бўлган ҳар бир иштирокчи — корхона билан битим тузилишидир. Консорциумда бошқарув бўйича қўмиталар, директорлар кенгаши кабилар бошчилик қилади. Консорциум мам-

лакат ичидаги соҳалардан чиқиб, халқаро ташкилотларни ҳам бирлаштириши мумкин. Бунга мисол қилиб: «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасини олиш мумкин. У фақат мамлакат ичида пахта етиштириш, уни сотиб олиш ва қайта ишлаш билан чекланмасдан, уни хорижий мамлакатларга сотиш муаммолари билан ҳам боғлиқдир.

Юқорида номлари зикр этилган корхоналар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришигагина ўз ёрдамини кўрсатиб қолмасдан, бозор иқтисодиёти билан ҳам боғлашда актив рол ўйнайди.

#### **4.6. Чет эл ва халқаро ташкилотлар корхоналарини ташкил этиш зарурми?**

Бу корхоналар бевосита чет эллик айрим шахслар ёки бирлашмалар ҳамда халқаро ташкилотлар маблағи асосида ташкил этилган корхоналардир. Бу корхоналарнинг фаолияти шу корхоналарга эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар ёки халқаро ташкилотларнинг маблағлари, улар томонидан мамлакат иқтисодиёти тармоқларига киритилган инвестициялари иштирокида амалга оширилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 80 дан ортиқ мамлакат вакиллари томонидан ташкил этилган 3500 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 1200 таси қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Бундан ташқари ҳар хил халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган табиатни муҳофаза қилиш корхоналари ва ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб, Оролни қутқариш халқаро ташкилотларини кўрсатиш мумкин.

#### **4.7. Аралаш кўшма корхоналар ташкил этишнинг нима аҳамияти бор?**

Бу корхоналар мамлакат ичидаги давлат ва нодавлат соҳасида иш юритаётган юридик корхоналар ёки шахслар ҳамда чет давлатлар билан келишилган шартномалар асосида ўз маблағини қўшиб, у ёки бу турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кўшма корхоналарга айтилади. Кўшма корхоналар акция ёки низом жамғармасидаги улушига қараб ўз эгаллик



даражасини аниқлайдилар. Кимки бу ултушнинг 51 фоизини ўз қўлига киритса, у шу корхонанинг этаси ҳуқуқига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси аграр секторида мавжуд бўлган барча турдаги ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи қўшма корхоналарнинг асосий мақсади — бозорни унинг талаб ва эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган миқдордаги, турдаги ва сифатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эришишдир. Бунинг учун мавжуд аграр корхоналар шакллари ни такомиллаштириши бориш, уларнинг ички ва ташқи родини чуқурлаштириши, халқ-корхонаси мақоми даражасига кўтаришидир.

## I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун ўнг томондаги мос келадиган таърифларни танланг

1. Пай муносабатлари	1. Оила аъзоларининг ўз мулкидан фойдаланиш йўли.
2. Корхона	2. Бирор истеъмол қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариладиган макон.
3. Шартнома	3. Дивиденд шаклида даромад келтирувчи мулк шакли.
4. Фермер хўжалиги	4. Акция улушига тўғри келган даромад.
5. Деҳқон хўжалиги	5. Бирор фаолиятни амалга оширишга эришишда қўлланиладиган икки томонлама мажбурият ифодаси.
6. Ширкат хўжалиги	6. Бирор маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи воситалар.
7. Қўшма корхона	7. Ижара асосида иш юритувчи оила.
8. Дивиденд	8. Деҳқон ва деҳқон хўжаликлари орасидаги умумий алоқалар.
9. Акция	9. Мустақил хўжалик юритувчи субъект.
10. Корхона мулки	10. Ижарага ва ўзига тегишли мулк асосида иш юритувчи субъект.
11. Тўмқўриш хўжалиги	11. Пудрат асосида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи корхона.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Хўжалик юритиш шакллари, деб нимага айтилади?
2. Деҳқон хўжалиги қандай асосда ташкил этилади?
3. Фермер хўжалиги қандай қонунлар асосида ташкил топади?

4. Хиссадорлик корхонаси қандай ташкил топади?
5. Ширкат хўжалиги билан акциядорлик хўжалиги ўртасида қандай тафовутлар бор?
6. Кооператив корхона, деб қандай корхонага айтилади?
7. Хусусий корхона, деб қандай корхонага айтилади? Унинг жамоа корхоналаридан қандай тафовути бор?
8. Қўшма корхона, деб қандай корхонага айтилади?

### III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Ширкат хўжалиги 1,2 млн. сўм фойда кўрди. Бу фойданинг учдан бир қисми дивиденд тўлаш учун ажратилди. Хўжаликда 1 млн. сумлик акция бўлиб, унинг 8 фоизи А. номли шахсга тегишли. А. номли шахс ўз акциясига қанча дивиденд олган?

2. Дехқоннинг 8 та қорамол, 200 та қўй, 2000 та товуғи бор. У фермер хўжалиги бўлиш ҳуқуқига эга бўладими? Бўла олса унга қанча ер ажратиш мумкин?

3. Чет эллик Ўзбекистон аграр соҳасида узумзор ташкил этмоқ учун 2,3 млн. сўм капитал сарфлаш ҳуқуқини билдирган. Унга шерик бўлишни хоҳловчи шахс қанча маблағ қўшиши керак? Агарда 1 гектар ерни узумзор қилмоқ учун 500 минг сўм маблағ талаб этса?

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### АГРАР РЕСУРСЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ

#### V БОБ

### АГРАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ИНСОН ЭХТИЁЖИДАГИ РОЛИ

#### Р е ж а :

1. Инсон эҳтиёжи чексизми? Уни қондиришда моддий неъматлар чегараси мавжудми?
2. Ишлаб чиқармасдан туриб эҳтиёжларни қондириш мумкинми?
3. Ишлаб чиқариш қандай омиллар асосида амалга оширилади?
4. Ишлаб чиқариш омилларининг бажариш қонуниятлари моҳияти нимада?

Адабиётлар: 5.6.8.11.13.34.35.36.

#### 5.1 Инсон эҳтиёжи чексизми, уни қондириш чегараси мавжудми?

Инсон ўз эҳтиёжлари билан бирга туғилади. Унинг яшаши, камолотга эришиши ҳам шу эҳтиёжларни қай даражада қондирилганлиги ҳолати билан белгиланади. Ҳар бир инсон ўз эҳтиёжларини қай даражада қондириши ўзига боғлиқ. Ҳеч ким унга сабабсиз бир танга пул ёки бир дона нонни бекорга бериши мумкин эмас. Инсон ўз ризқини топиши, уни яратиши учун ўз меҳнатини сарфламоғи зарур. Бу эса ҳар бир инсонни иқтисодий билимини озми кўпми билишни, унинг сирларидан хабардор бўлишни, амалиётда қўллана олиши даркор. Бу эса унинг ризқ-рўзига, унинг оқибатида эҳтиёжини қай даражада қондира олиш имкониятларига эга бўлишга олиб келади. Эҳтиёж инсоннинг яшаш воситасидир, эҳтиёжсиз инсоннинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас.

**Эҳтиёж—инсоннинг яшаши, камол топиши, жамиятда ўз ўрнини тона олиш учун зарур бўлган барча эҳтиёж турларининг йиғиндиси ва уларнинг ҳаракат этиш натижасидир.**

Эҳтиёж чексиз бўлганидек эҳтиёж турлари ҳам кўп қиррали ва хилма-хилдир.

Эҳтиёж турлари ўз аҳамиятига, эҳтиёжига кўрсатадиган таъсири ва таъсир доирасига, ўрнига, фойдаланиш усулига, муддатига (вақтига) ва бошқа омилларга қараб: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий, табиий, биологик ва бошқа турларга бўлиниши мумкин:

- ҳар бир эҳтиёж ўзидан бошқа эҳтиёж билан фарқланади. Масалан, қорин очлик эҳтиёжи, нонга бўлган эҳтиёж билан иссиқ овқатга бўлган эҳтиёж, велосипедга бўлган эҳтиёж билан енгил автомашинага бўлган эҳтиёжлар бир хил мақсадни кўзласада, аммо улар бир-бирларидан тафовутланади;

- ҳар бир эҳтиёж ўз туркумида ўзига хос ўринга ва аҳамиятга эга. Масалан, овқат тайёрлашда сувга ва тузга бўлган эҳтиёжлар асосий эҳтиёж ҳисобланиб, улар инсон учун зарур бўлган барча турдаги овқатларни тайёрлаш учун зарур. Гўшт эса сув ва тузчалик аҳамиятга эга эмас. Гўшт булмаса ҳам гўштсиз овқат тайёрлаш мумкин. Аммо сувсиз, тузсиз деярли кўпчилик овқат турларини тайёрлаш мумкин эмас;

- эҳтиёжлар ўта устувор бўлмаган эҳтиёжлардан иборат бўлади. Масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ўта устувор эҳтиёжларни ташкил этади. Инсон ҳар бир кеча-кундузда маълум миқдорда озиқ-овқат истеъмол қилмаса у соғлом инсон бўла олмайди. Инсон учун илм олиш, ўз малакасини ошириш, сихат-саломатлигини тиклаш каби эҳтиёжлари иккинчи даражали иш ҳисобланиб, инсонни қачон бу ишларни амалга ошириш ишгиёқи пайдо бўлгандагина амалга оширилади;

- эҳтиёжлар амалга оширилиш вақтига қараб ҳам бир-бирларидан тафовутланиши мумкин. Масалан, нон ҳар куни нонушта, тушки ва кечки овқатланиш вақтида албатта, зарур, усиз овқатланишни амалга ошириш мумкин эмас. Аммо инсон учун соч олдириш ҳам нондан аҳамияти кам эмас. Аммо соч олдириш маълум вақтдан кейин, бир ёки бир ярим ой давомида бир марта юз бериши мумкин;

-айрим эҳтиёжлар қондирилиши жараёнида эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган неъматлар қондириш жараёнида бирданига ўз хусусиятини йўқотади. Масалан, нон, сув, ҳаво. Аксинча айрим эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган неъматлар эҳтиёжни кўп марта қондиришга хизмат қилади. Масалан, кийим-кечак, турар-жой, транспорт воситалари ва бошқалар;

- ҳар бир шахснинг эҳтиёжи фақат ўзи учунгина эҳтиёж вазифасини бажаради. Бошқа шахс учун эса у эҳтиёж родини ўйнамаслиги мумкин. Чекувчи учун папирос (сигарет) унинг эҳтиёжини қондириши мумкин, чекмовчи учун эса папирос ҳеч қандай эҳтиёжини қондириш учун хизмат қила олмайди;

- эҳтиёж қатъи табақалашган бўлади. Эҳтиёж ҳар бир кишининг ўз одати, диди, руҳияти, урф-одатлари, ёши, жинси, миллати, касби, оилавий аҳволи, меҳнат ва яшаш шароитларига боғлиқ. Масалан, деҳқон билан чорвадорнинг, ёш йигит билан нафақахўрнинг эҳтиёжи бир хил эмас, семиз киши билан ориқ одам ўртасида эҳтиёжда катта тафовутлар бўлишини сезиш мумкин.

Эҳтиёжлар тўхтовсиз ўзгариб ва ривожланиб бориши туфайли иқтисодиёт ҳам унга мос ҳолда ривожлана бормоғи даркор. Акс ҳолда эҳтиёжни қондириш имконияти йўқолади. Имконият қондирилмас экан унинг ўзи ҳам яшай олмайди.

Инсон эҳтиёжи абадий. Инсон мавжуд экан унинг эҳтиёжи ҳам мавжуд. Эҳтиёж инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Аммо эҳтиёж инсон учун туғма мерос эмас. У инсоннинг яшаш шароитига қараб ўзгариб, янгиланиб боради, инсон хусусиятига мос ҳолга келиб қолади. Инсон эҳтиёжининг ўзгаришига фақат инсонгина сабабчи бўлиб қолмасдан, балки ўзгалар, бошқа шахслар, уни ўраб турган муҳит ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам эҳтиёжлар – ижтимоийдир:

Эҳтиёжлар гуруҳларининг нимага қаратилганлиги, нимага хизмат қилиши нуқтаи назаридан;

- моддий эҳтиёжлар;

- ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар;

- меҳнат эҳтиёжи бўлақларига бўлиш мумкин.

**Моддий эҳтиёжлар** – устувор эҳтиёжлар ҳисобланади. Бу эҳтиёжлар инсоннинг пайдо бўлиши билан юзага келган эҳтиёжлардир. Бу эҳтиёжларга: озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, транспорт, алоқа, гигиена ва бошқа эҳтиёжларни ки-

ритиш мумкин. Улар моддий кўринишга эга бўлиб, истеъмолга киритилгандагина эҳтиёж пайдо бўлади.

**Ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар** — асосан хизматлар кўринишида намоён бўлади. Масалан, ўқитувчи, врач, ашулачи, рассом ва бошқалар.

**Меҳнат эҳтиёжи** — инсон ўз меҳнати билан ҳар хил эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган моддий нознеъматлар ишлаб чиқариш заруриятидан иборат. Меҳнатсиз ҳаёт, эҳтиёжий яшаш мумкин эмас. Меҳнатсиз ҳаёт ўғрилиқ, ёввойилиқдир. Меҳнат эҳтиёжи доимо юксалишда, янгилана боришда, маданий савияни оширишда ўз аксини ифодалайди.

Инсон доимо юксалишда, ривожланишда бўлар экан эҳтиёжи ҳам юксалишда бўлади. Бу юксалиш жараёни қуйидаги кўринишда амалга ошади:

- эҳтиёж доимо ўсиб бормоғи шарт. Бу деган сўз қисқа соннинг ўсишига нисбатан эҳтиёжлар тезроқ ўсмоғи керак. Масалан, қисқа сон 1,5 марта кўпайиб, жон бошига тўғри келадиган қанд (шакар) - 1кг дан 1,5 кг га ўсди, деб фараз қилайлик. Бу ҳолда шакарга бўлган эҳтиёж ўзгармади. Агарда жон бошига тўғри келган шакар миқдори 1 кг дан 1,8 кг га ортса, у ҳолда қисқанинг шакарга бўлган эҳтиёжи 20 фоизга ортганлигини кўрамыз.

- Инсон эҳтиёжи ўсиши бир қатор эски эҳтиёжларни саҳнадан тушиб қолишига ва улар ўрнига янги эҳтиёжлар пайдо бўлишига олиб келади.

- Эҳтиёжларнинг умумий эҳтиёждаги улуши ҳиссаси камайиб боради. Масалан, мол гўштига бўлган эҳтиёжнинг камайиши билан, унинг ўрнига қўй ва парранда гўшти улуши орта бориши мумкин.

- Бир турдаги эҳтиёжлар ўрнига ўринбосар эҳтиёжлар пайдо бўла боради. Масалан, қиш ойларида хўл мевалар ўрнига қуруқ мевалар сотиб олиш бунга яққол мисол бўла олади. Тиббиёт соҳасида жуда кўп турдаги дорилар янги турдаги дорилар билан алмашинмоқда.

Эҳтиёжларни чексизлиги уларни тўхтовсиз янгилана бориши ва ўринбосарларининг пайдо бўлишига олиб келади. Эҳтиёж даражаси ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда шаклланади. Ишлаб чиқаришсиз истеъмол юзага келмайди. Истеъмолсиз эҳтиёж ҳам юзага келмайди.

## 5.2. Моддий неъматлар ишлаб чиқармасдан туриб, эҳтиёжларни қондириш мумкинми?

Инсоннинг эҳтиёжи унинг истеъмолини келтириб чиқаради. Истеъмол бўлмаса юқорида қайд қилинганидек эҳтиёж ҳам қондирилмайди. Бундай эҳтиёж ҳаётий эҳтиёжга ҳам айланмайди. Истеъмолни қондириш учун хилма-хил истеъмол қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқ ва хизматлар турларини яратмоқ даркор. Ҳар қандай турдаги ишлаб чиқариш ўз хусусиятига мос келадиган иқтисодий фаолиятни амалга оширишни талаб қилади.

**Иқтисодий фаолият деганда инсон тирикчилигини таъминлаш усуллари ва воситалари мажмуи тушунилади.**

Ҳар қандай турдаги иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади. Ишлаб чиқариш халқаро меҳнат жараёни бўлиб, унинг ёрдамида инсон табиат моддалари ва кучидан фойдаланиб ўзининг мақсадга мувофиқ фаолияти билан ўзи учун зарур бўлган маҳсулотларни вужудга келтириш жараёни демакдир. Ишлаб чиқариш жараёнида хилма-хил истеъмол қийматига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ҳозирги вақтда инсоннинг ҳар хил эҳтиёжини қондириш учун 25 млн. дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Олимларнинг фикрича, XXI асрда инсон эҳтиёжини қондириш мақсадида 65 млн. дан ортиқроқ хилма-хил истеъмол қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Аммо ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз истеъмолчисини топмаса, у истеъмол учун яроқсиз маҳсулот сифатида ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатади. Шунинг учун ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот бозорда айирбошлаш жараёнини ўз бошидан кечириб, ўз эҳтиёжи эгасини топа олиши шарт. Агарда айирбошлаш жараёнида у ёки бу турдаги меҳнат маҳсулига бўлган талаб ортиб борса, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш зарурияти пайдо бўлади. Агарда унга талаб, эҳтиёж камая борса, ишлаб чиқариш ҳажмини, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини камайтириш лозим деган ҳукм пайдо бўлади. Бу қонуният асосида ишлаб чиқариш ўз фаолиятини узликсиз давом эттиради. Инсон эҳтиёжини қондира боради. Жамиятнинг иқтисодий фаолияти доимо такрорланиб турувчи ишлаб чи-

қариш жараёнидан иборат. Меҳнат яратган неъматлар иқтисодий неъматлар, деб аталади. Иқтисодий неъматлар ишлаб чиқарилган неъматларга ва табиат томонидан текинга берилган неъматлар (ҳаво, қуёш нури, сув)га бўлинади. Ишлаб чиқарилган неъматлар — тақсимот айрибошлаш ва истеъмол фазаларини босиб ўтиб, эҳтиёжни қондиради. Эҳтиёжни қондириш жараёнида, иқтисодий фаолият турлари орасида асосий ўринни ишлаб чиқариш жараёни уйнайди. У қандай маҳсулот ишлаб чиқарилса тақсимот айрибошлаш ва истеъмол жараёнида шу маҳсулот тури қатнашади ва бозор иқтисодиёти шароитида ўз мавқеини номаён этади. Ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари хусусиятига қараб **моддий** ва **номоддий** ишлаб чиқаришга бўлинади.

**Моддий ишлаб чиқариш** — аниқ истеъмол қийматига эга бўлган маҳсулотлар (пахта, дон, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва бошқа турдаги маҳсулотлар) ишлаб чиқариш ва шу соҳаларга, тармоқларга хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат бўлади. Қишлоқ хўжалигида моддий ишлаб чиқариш — макроиқтисодётнинг барча соҳалари ва тармоқлари билан бевосита боғланган, тифиз иқтисодий алоқа асосида иш юритади.

**Номоддий ишлаб чиқариш** — моддий шаклга эга бўлмаган қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб, хис эта олмайдиган аммо инсон эҳтиёжи учун хизмат кўрсата оладиган ишлаб чиқариш муассасаларидан ташкил топади. Бу ишлаб чиқариш тури: маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт, туризм ва бошқа хизмат турлари билан шуғулланувчи соҳа ва тармоқлардан ташкил топади. Тақсимот айрибошлаш ва истеъмол фаолиятларида маҳсулотлар ва хизматлар яратилмайди, балки улар маълум миқдорий нисбатда бир-бирлари билан алмаштирилади. Бир маҳсулотни бошқа турдаги маҳсулотга маълум баҳода олди-сотди йўли билан айирбошлаш—товар айирбошлаш, деб аталади. Айирбошлашнинг бу турида пул қатнашиб, пулга хоҳлаган товарларни хоҳлаган жойда келишилган баҳода сотиш ва сотиб олиш мумкин. Инсон ўз эҳтиёжларини ҳар хил турдаги бозорлар, йирик савдо марказлари, кичик ва ўрта дўконлар, ҳар хил хизмат кўрсатиш муассасалари ёрдамида амалга оширадилар. Ишлаб чиқарилган моддий ва номоддий ноз-неъматлар тақсимланиш ва айирбошлаш босқичини ўз бошидан кечиргандан кейин сўнгги босқич—истеъмол босқичига ўтади ва бу жараёнда ўз мавқеи-



ни, аҳамиятини ва шаклини йўқотади. Оқибатда эҳтиёж қондирилади. Юқорида қайд қилинганидек истеъмол фаолияти якка-оилавий-гурӯҳ-умуммиллат истеъмоли тарзида юз беради. Инсон эҳтиёжи кўлами чексиз бўлиб, уни қондириш узлуксиз иқтисодий фаолиятни амалга оширишни тақозо этади. Аммо инсоннинг эҳтиёжини тула қондириш имкониятини амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун эҳтиёж доимо истеъмолдан кейинда бўлмоғи даркор. Бунга сабаб—инсон эҳтиёжи—чексиз, ишлаб чиқариш ресурслари чекланганлигидир. Иқтисодий фаолиятнинг ҳамма амаллари (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол) бир-бирлари билан узвий боғланган бўлиб, инсон эҳтиёжини қай даражада қондириш механизмини ўзларида тула акс эттирадилар.

### **5.3 Ишлаб чиқариш қандай омиллар асосида амалга оширилади?**

Демак, инсоннинг эҳтиёжини унинг истеъмолини қай даражада таъминланганлиги бевосита ишлаб чиқариш ҳолатига боғлиқ экан. Ишлаб чиқаришни қай ҳолатда ташкил этиш масаласига бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариш инсоннинг табиат буюмларига таъсир этиб, уларни ўз истеъмолига мослаш жараёнидан иборат бўлсада, инсон бу жараёни қуруқ ўз кўли билан амалга ошириши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун икки омил: **шахсий-инсоний** ва **моддий-ашёвий** омиллар иштирок этмоғи зарур.

**Шахсий-инсоний омил** — бу инсоннинг меҳнат қилиш қобилиядан иборат бўлган ишчи кучини табиат буюмларига бўладиган таъсиридан иборатдир. Масалан, инсон ўз кучи билан ерга уруғ экиб, ундан хилма-хил, ўзи ва бошқалар эҳтиёжи учун зарур бўлган неъматлар етиштиради.

Шахсий инсоний омил — мамлакатдаги барча меҳнатга яроқли бўлган ишчи кучи ресурсларидан, унинг жисмоний ва ақлий қобилияти даражасидан, билим ва савиясидан, малака ва маҳоратидан, меҳнат қилишга бўлган иштиёқидан иборатдир. Ҳозир Ўзбекистонда 24,5 млн. дан ортиқ аҳоли бўлиб, уларнинг 12,3 миллиони меҳнатга яроқли аҳолидан иборат, уларнинг 9 млн. дан ортиқроғи иқтисодий фаолият кўрсатаётган аҳолидир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг 62,0 фоизи қишлоқда истиқомат қилиб, қишлоқ-

ишти меҳнатга яроқли аҳолининг 1/3 қисми бевосита ишлаб чиқаришга жалб қилинган. Шахсий-инсоний омил доимо инсон шахси билан биргаликда бўлиб, инсоннинг меҳнатга бўлган иштиёқи даражаси билан белгиланади.

**Моддий-ашёвий омил** — бу инсоннинг меҳнат қилиш қобилиятини, ишчи кучини табиат буюмларига ўтказиб бериш учун хизмат қиладиган моддий шаклдаги воситалардир.

Маълумки, инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти ишчи кучи кўринишида намоён бўлиб, бу куч ўз ҳолича табиат буюмларининг шаклини, мазмунини, истеъмомлилигини узгартира олишга қодир эмас. Бу куч қандайдир бир восита, асбоб-ускуна, машина-механизмлари, қуроллар ва бошқа моддий шакл-даги воситалар ёрдамида табиат буюмларига ўтади, уларга таъсир кўрсатади, истеъmolга лойиқ бўлган буюмларга — меҳнат маҳсулига айланади. Масалан, деҳқон кетмон, омов, от-улови, трактор ёрдамида ерни ҳайдайди, уни у ёки бу турдаги экинлар уруғи экишга мослаштиради, зарур бўлган уруғни ерга қадайди, барча агротехник тадбирларни амалга ошириш оқибатида ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш имкониятига эга бўлади. Меҳнатнинг маҳсули бўлган ишчи кучининг табиат буюмларига қай тарзда ўтказиб бериши даставвал, моддий-ашёвий омилларнинг техникавий камолат даражасига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнида фан-техника тараққиёти ютуқларидан қанча кўпроқ ва унумлироқ фойдаланилса, сарфланган меҳнат самарадорлиги шунча юқори бўлади, маҳсулот сифати эҳтиёжини, истеъмолини шунча юқори таъминланишига шарт-шароит яратди.

Моддий-ашёвий омиллар таркибига табиий бойликлар, улардан олинган барча турдаги хом ашёлар, барча русумдаги машина-механизмлар, асбоб-ускуналар, ирригация-мелиорация иншоотлари, барча турдаги транспорт воситалари, кимёвий воситалар ва жамият моддий бойлигини яратишда қатнашадиган моддий воситалардан иборат. Уларни иқтисодиёт фанида — ишлаб чиқариш воситалари, деб юритилади. Уларнинг маълум баҳоларда ҳисобланиб, пулга чақилган шакли, яъни қиймат — пул шакли МДХ мамлакатларида ишлаб чиқариш фондлари, деб юритилади.

Ишлаб чиқаришни моддий-ашёвий омили таркибий жиҳатидан уч қисмга: **меҳнат қуроллари** (машина, асбоб-уску-

на ва бошқалар), **меҳнат буюмлари** (хом ашё, уруғлик, уғит ва бошқалар) ва **меҳнат шароити** (бино, канал, йўл, оғбор ва ҳоказо) дан иборат бўлади.

Шахсий-инсоний омил билан моддий ашёвий омил қўшилиб меҳнат жараёни ёки ишлаб чиқариш жараёни юзага келади. Ишлаб чиқариш жараёни туфайли инсоният учун зарур бўлган турли-туман истеъмол қийматга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматлар яратилади.

Шахсий-инсоний омил билан моддий ашёвий омилнинг қўшилиши икки кўринишда, мазмунда юз беради:

**Биринчи турдаги бирикиш** — ўз мулкига эга бўлган шахс, ишчи кучининг ўз мулки ҳисобланган моддий-ашёвий омил билан бирикиш жараёнининг ташкил топиши. Бунда ишчи кучи бир ишлаб чиқариш воситалари бир шахсга тегишли бўлади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида мулкдор ўз кучи ва ўз ишлаб чиқариш воситаларини қўшиш натижасида янги истеъмолга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу жараёнда бирон четдан жалб қилинган ишчи кучи меҳнатидан фойдаланилмайди. Яратилган маҳсулот ҳам мулкдорга тегишли бўлиб, ундан ўз мулки сифатида фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигида бу турдаги ишлаб чиқарувчиларга: фермер ва деҳқон хўжаликлари, оилавий пудрат, уй-томорқа хўжалиги каби ишлаб чиқариш шакллари мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу хўжаликларда ишлаб чиқариш хўжалик доирасида мавжуд бўлган мулк асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар оила аъзолари орасида истеъмол қилинади, ортиқ қисми эса бозорда товар сифатида сотилади.

**Иккинчи турдаги бирикиш** — ўзга мулки ҳисобланган моддий-ашёвий омилларни ўзга ишчи кучи билан бириктириш. Демак, бу бирикишда ишлаб чиқариш жараёни ўзгалар мулки асосида амалга оширилади.

Бунга мисол қилиб ишчи кучини четдан ёллаб ишлатувчи фирмаларни олиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтишда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, бу соҳада дарсликнинг биринчи бўлимида мукамал фикр юритилган.

Аммо ҳозирги макроиқтисодиётда ишлаб чиқаришни ташкил этиш омиллари тўғрисида бир қатор фикрлар олға сурилмоқда. Бу фикрлар ичида ишлаб чиқаришнинг тўрт омили, деб ағалиб, келаётган назария асосий ўринга чиқиб ол-

моқда. Бу назарияга кўра қишлоқ хўжалигида моддий бойлик ишлаб чиқариш жараёни тўртта омилларнинг бирикишидан ташкил топади деган фикрдир. Бу фикр назария намоёндалари фикрича, бу қуйидагилардан иборат:

**Биринчи омил** — меҳнат омили — мавжуд меҳнат ресурслари миқдори ва уларнинг сифати;

**Иккинчи омил** — ер - сув омили — табиий ресурсларнинг миқдори, сифати ва уларга мос келадиган айланувчи капитал;

**Учинчи омил** — капитал омили — асосий ва айланувчи капиталлар сотиб олиш ва фойдаланишга капитал маблағлар сарфи, инвестиция мақсадлари учун зарур бўлган капиталлар миқдори ва бошқалар;

**Тўртинчи омил** — соҳибкорлик омили — ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юксалтириш, бошқариш, бозор иқтисодиётига мос келадиган қобилият.

Бу омилларнинг бирикиши - ишлаб чиқариш жараёни, уларни биргаликда ўрганиш ишлаб чиқариш омили ёки иқтисодий омил ҳам, деб юритилади.

#### **5.4. Аграр ишлаб чиқариш омилларининг бирикиш қонуниятлари моҳияти нимада?**

Аграр ишлаб чиқариш омиллари: ер, капитал, меҳнат ресурслари бозорда товар сифатида сотиб олинганидан кейин ишлаб чиқариш жараёнига кириб, бевосита унда қатнашади, ўзаро бирикишади. Бу омилларнинг ўзаро бирикиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, деб юритилади.

Ишлаб чиқариш омилларининг қўшилиш ва бирикиш усули иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эга. Чунки унга қараб уни ўстирувчи куч пайдо бўлади. Уларнинг бирикиши икки усулда амалга ошади:

**1. Билвосита бирикиш** — бунда ўзгага тегишли моддий омиллар ўзганинг ишчи кучи билан бирикади. Ҳар иккала омилнинг эгаси ҳар хил бўлади. Меҳнат бир томонда турса, воситалар иккинчи томонда туради. Шу сабабли меҳнат аҳли бўлмиш ишлаб чиқарувчида манфаатдорлик ва масъулият кучсиз бўлади.

**2. Бевосита бирикиш** — бунда моддий ва шахсий омиллар бир қўлда бўлади. Мулкчилик шакли уларни бир-биридан ажратмайди, ҳам мулк эгаси, ҳам ишловчи айнан бир шахс бўлади. Ўз мулки бўлмиш моддий омилларни ўз кучи билан

ишлатиш ишлаб чиқаришни яхши рағбатлантиради. Чунки унинг натижаси ишлаб чиқарувчининг ўзига тегади.

Ишлаб чиқариш натижаси унинг омилларининг бирикиш усулибилангина чегараланиб қолмайди. У энг аввало, омилларнинг сифатига, миқдорига ва уларнинг бирикиш нисбатига боғлиқ бўлади. Моддий ва шахсий омиллар бир-бирига мос бўлгандагина ишлаб чиқариш ривожланади.

Ишлаб чиқариш омиллари бирикишини мутаносиблик, мослик, тенглик, мувозанатлилик нуқтаи назаридан қараш ва ўрганиш лозим. Бу эса фақат иқтисодиёт тараққиётигагина таъсир этиб қолмасдан, балки табиат ва жамият тараққиётини белгилайди. Мувозанат иқтисодиётга ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. У иқтисодиётни ривожлантириши ёки инқирозга учратиши мумкин.

Аграр ишлаб чиқаришда қатнашувчи омиллар — ер, капитал ва меҳнат бирикиши жараёнини ишлаб чиқариш, деб атадик. Бу бирикманинг негизида уларнинг ўзаро мутаносиблиги, мувозанати ётади. Мувозанатлилик негизини уч омил ичидаги аграр омил ташкил этади. Чунки ер бу — бош, ҳал қилувчи омилдир. Ернинг таркибига, унумдорлигига қарата экинларнинг хили ёки чорва молларининг тури белгиланади. Экин ва чорва турлари меҳнат операцияларини, охириги эса меҳнат қуроли воситаларининг ҳажмини ва таркибини, меҳнат хилларини белгилайди. Натижада ернинг бундай «талабига» биноан капиталнинг ҳажми, таркиби ва меҳнат омили белгиланади. Лекин, ер майдонларининг таркиби эса нима, кимга, қанча ва қайси ҳаракатлар билан ишлаб чиқиш керак, деган бозор талабларига қарата ёки умумроқ қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган кишиларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари таркибига қарата белгиланади. Охири эҳтиёжлар даражаси ва унинг таркиби ҳамда уларнинг ҳақиқийлиги, даромадлар билан таъминланганлиги ер майдонларининг таркиби асосида белгиланади. Ундан ташқари бир хил хусусиятларга эга бўлган ер майдонларида ҳар хил экинларни экиш мумкин. Экинларни турларидан кўпроқ ҳосилдорликка эга бўлган ва ернинг унумдорлик кучини ва сарфланган харажатларни камроқ қилинадиганлари танланади. Белгиланган экин майдонлари ва чорва моллари таркибига таъсир қилувчи омиллар доимий (табiiй шароит, ер майдонларининг таркибининг хусусиятлари) баҳолар ва эҳти-

ёжларнинг ўзгарувчан бўлиши сабабли бир томондан доимийлик, иккинчи томондан ўзгариб бориш хусусиятларига эга. Экин майдонлари таркибининг ўзгариши эса (масалан, пахта майдонларини бошоқли дон майдонларига айлантириш) илгари мувозанатда бўлган омилларни ўзгартириб, янги мувозанатларни тиклашни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бундай ўзгаришлар талаб ва таклифлар омиллар самарадорлигининг пасайиб бориши қонунлари ва бозорнинг талаблари қанча, нима, кимга ҳам қайси харажатлар билан ишлаб чиқариш зарурияти талабларига қарата белгиланади. Аграр соҳада капитал омиллар аввало, ер ва меҳнат омиллари билан мослашади, кейин унинг таркибини ташкил қилувчи омиллари билан боғланишади. Капитал таркиби ер майдонлари ва чорва моллари талабига биноан белгиланиши билан бир қаторда капиталнинг таркибига қарата ер майдонларини ва чорва моллари турини ўзгартириши мумкин. Масалан, тақир ерларга капитал ва меҳнат харажатлари натижасида сув чиқарилади, деб фараз қилайлик. Энди экин майдонларининг миқдори ҳам экин майдонларининг таркиби ҳам ўзгаради. Капитал маблағларнинг сарф қилиш натижасида ишлаб чиқаришни моддий-техника қуввати ошади. Капитал маблағлар сарфлаш натижасида чорва моллари туёғи кўпайди, насли яхшиланди, маҳсулдорлиги ортди. Бозор шароитида капитални ҳар бир элементининг деҳқон томонидан ўзгартирилиши ва шу туфайли капитал таркибининг мувозанатини сақлаш, у элементларнинг бозорда мақбуллиги, баҳоси, деҳқонлар даромадининг ҳажми ёки уларнинг ўсиши деҳқон куч-қудрати кабиларга боғлиқ бўлади.

Меҳнат омили ҳам бу мувозанатликда, ҳам ер олиш, ҳам капитал омили билан боғланган бўлиши шарт. Бу боғланиш:

**Биринчидан** — меҳнат омилларининг ҳажмига ва унумдорлигига;

**Иккинчидан** — меҳнат омилининг ер хусусиятларини библишлиги ва капитал омилидан фойдалана олишлик қобилиятига;

**Учинчидан** — меҳнат омилининг баҳосига;

**Тўртинчидан** — деҳқоннинг меҳнат омилини сотиб олиш қувватига ва қобилиятига;

**Бешинчидан** — меҳнат омили билан капитал омилининг баҳолари муносабатига;

**Олтинчидан** — меҳнат омилининг сифати миқдорига;

**Еттинчидан** — меҳнат омилининг таркиби билан белгиланади. Бу ҳолатлар ўзаро боғланган ва амал қилингандагина меҳнат омили бошқа омиллар билан бирикиша олинishi учун шароит яратилади. Меҳнатнинг ер билан бирикиши ва боғланиши аввало, ернинг унумдорлик даражаси ва унга таъсир этувчи табиий-иқтисодий ўзгаришлар билан ишчи кучининг малакадорлиги, шу унумдорликни тушуна билиш касби, уларни амалга ошира олиш қобилияти ва унумдорликдан фойдаланиш даражаси бир-бирига мос келишига боғлиқ.

Ернинг иқтисодий унумдорлиги-ўсиши билан меҳнат сифатининг такомиллаша бориши узвий боғланган. Ернинг меҳнат билан бирикиши эса ер майдонларининг кенгайиши ва унумдорликнинг ўсиши натижасида меҳнатнинг ва унинг миқдорининг кўпайиши ҳамда малакасининг такомиллашиши билан бирикади ва боғланади. Ернинг меҳнатга таъсир қилувчи томонлари, инсоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, уларнинг даромадлари ҳамда у маҳсулотларнинг баҳолари билан белгиланади. Аграр ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мувозанат иқтисодий қонун, зарурият бўлиб, унинг амалга оширилиши барча иқтисодий қонунларни ва уларнинг механизмларини иқтисодиёт жараёнига жорий қилиш билан амалга ошади. Мувозанатлилиқ амал қилиши бир томондан иқтисодиёт қонун-қоидаларининг ўз-ўзларини бошқариш ёки давлат ҳокимияти томонидан иқтисодий тадбирларни қўллаш орқали амалга оширилади.

## I. Мавзуга оид атамалар

1. Инсон ҳаётини эҳтиёжи	1. Омилларнинг бирикishi натижасида олинган маҳсулотлар ва хизматлар йнғиндиси.
2. Иқтисодий-иқтисодий эҳтиёж	2. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткич.
3. Ишлаб чиқариш	3. Пул топиш мақсадида маъсулиятни ўз зиммасига олган ҳолда бирон иқтисодий фаолият билан шуғулланиш қобилияти.
4. Ишлаб чиқариш омиллари	4. Кишиларнинг яшаши ва камол топиши учун зарур бўлган барча ноз-неъматлар ва хизматлар йнғиндиси.
5. Омиллар бирикмаси	5. Кишиларнинг яшаши ва хизмат қилиши ҳамда маълум иқтисодий мавқега эга бўлиш учун истемол этилиши зарур бўлган маҳсулот ва хизматлар мажмуи.

6. Шахсий инсоний омил	6. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий шаклдаги воситалар.
7. Моддий-ашёвий омил	7. Ишлаб чиқариш омилларининг қўшилиши натижасида бирон истеъмол қўйматига эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш.
8. Шахсий-инсоний омил	8. Ишлаб чиқаришни ташкил этишга бевосита қатнашадиган иқтисодий ресурслар.
9. Тадбиркорлик омили	9. Меҳнат, ер, капитал ва соҳибкорлик фаолияти натижаси.
10. Ишлаб чиқариш натижаси	10. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида омилларнинг маълум қонуниятлари асосида бирикиши.
11. Иқтисодий ўсиш	11. Меҳнат қилиш қобилияти ва унинг ишга тушиш зарурияти.

Атамалар учун ўнг томондаги мос келадиган таърифларни танланг.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Нима учун эҳтиёжни чексиз, деб айтамыз?
2. Эҳтиёж, деб нимага айтилади?
3. Моддий эҳтиёж, деб нимага айтилади?
4. Ишлаб чиқариш омиллари, деб нимага айтилади?
5. Ишчи кучи омили, деб қандай омилга айтилади?
6. Ишлаб чиқариш, деб нимага айтилади?
7. Ишлаб чиқаришда бош омили деганда нимани тушунасыз?
8. Билвосита бирикиш, деб нимага айтилади?
9. Бевосита бирикиш қандай юз беради?
10. Ишлаб чиқариш фондлари, деб нимага айтилади?
11. Янги эҳтиёжлар қандай тарзда пайдо бўлади?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Мамлакатнинг бугдой эҳтиёжига бўлган талабини аниқланг. Мамлакатда 1 млн. гектар суғориладиган 283 минг гектар лалмикор ерларга дон экиш режалаштирилган. Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 39,5 центнердан, лалмикор ерлардан 18,3 центнердан ҳосил олинган. Ҳосилнинг 8,19 фоизи ўриб йиғиштириш ва ташиш вақтида нобуд бўлган, ҳар бир киши ҳисобига бўлган бугдой эҳтиёжи 158 кг, ҳар гектар дон экин майдонига 250 кг уруғлик сепилади. Ҳар бир жон бошига 600 кг дан ембоп дон сарфланади. Ўзбекис-



тон аҳолисини 25 млн. киши, деб қабул қилсак, ишлаб чиқарилган дон аҳоли талабини қондира оладими?

2. Хўжаликда 117 гектар ерга пахта экилган, гектаридан 31.8 центнердан ҳосил етиштирилган. Хўжаликда 290 та меҳнатга яроқли ишчи бўлиб, ялпи ҳосилнинг 62,8 фоизи териб олинди. Қолган пахта ҳосили ёрдамчилар билан терилди. Хўжалик қанча ёрдамчи-теримчи ёллаган?

3. Хўжалик 100 тонна мол гўшти етиштирди. 1 центнер гўштни етиштириш харажатлари 192200 сўм, ҳар бир килограмм гўштни 1825 сўмдан сотди. Хўжаликни иқтисодий ўсишга эришган хўжалик, деб ҳисоблаш мумкинми?

4. Қуйидаги жумлаларда тушириб қолдирилган сўзларни ўрнига қўйиб, жавоб топганлигингизни текшириб кўринг:

а) меҳнатга бўлган қобилият .....деб юритилади.

б) ишлаб чиқаришнинг муттасил янгиланиб туриши .....дейилади.

в) меҳнатсиз инсон .....топа олмайди.

г) меҳнатсиз .....бўлмайди.

д) ер ..... ресурсларга киради.

## VI БОБ

### АГРАР РЕСУРСЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ РОЛИ

#### РЕЖА :

1. Ресурс, деб нимага айтилади?
2. Аграр ресурсларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ишлаб чиқариш ресурсларини қиймат шаклида ҳисобга олиш мумкинми?
4. Ресурсларга бўлган талаб ва тақлифни билиш нима учун керак?
5. Ресурслардан фойдаланиш даромадлилик чегараси нималарга боғлиқ?

*Адабиётлар:* – 6; 9, 21, 22, 23, 36, 39, 43.

#### 6.1. Ресурс деб нимага айтилади?

Ресурс французча сўз бўлиб, “ёрдамчи восита”, деган маънони билдиради. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида ресурсга зарурият туғилганда фойдаланиш учун мавжуд бўлган имконият, бойликдир деган изоҳ берилган.

**Ресурс, деб – жамият нуқтаи назаридан ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз такрор ишлаб чиқариш ва жамият аъзоларини шахсий истеъмолини қондириш мақсадида фойдаланиладиган моддий ва табиий бойликлар йиғиндисига айтилади.**

Ҳар бир мамлакат узида мавжуд бўлган ресурс турлари ва уларнинг кўлами жиҳатидан бошқа давлатлардан фарқланади. Ресурсларни икки бўлакка: заҳирадаги ва фойдаланилаётган ресурсларга бўлиш мумкин. Запасдаги ресурсларга энди қидириб топилган ёки топилган бўлса ҳам, ишлаб чи-

қаришда хом ашё сифатида фойдаланиш жараёнини ўз босидан кечирмаган ресурслар киради. Фойдаланиладиган ресурсларга ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё сифатида фойдаланилаётган ресурслар киради. Ҳар бир давлат, миллат ўзида мавжуд бўлган ресурслар заҳирасини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Мамлакатда ресурс запаси қанча кўп бўлса, у мамлакат жаҳонда бой мамлакат ҳисобланади.

Ресурслардан фойдаланиш нуқтаи назаридан: а) ишлаб чиқариш ресурслари; б) инсон учун шахсий истеъмол сифатида фойдаланиладиган ресурсларга бўлинади. Биз кўпроқ ишлаб чиқаришда, айниқса, аграр ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиладиган ресурслар устида кўпроқ фикр юритамиз. Чунки инсон учун, унинг шахсий истеъмолини қондириш учун зарур бўлган асосий маҳсулотлар (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, ҳар хил ичимликлар ва бошқалар) ишлаб чиқариш учун ўзига хос харажатларга эга бўлган ресурсларни талаб этади. Ишлаб чиқариш ресурслари бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз шаклини ўзгартириб, янги истеъмол қийматга эга бўлган маҳсулотларга айланадилар. Ишлаб чиқариш ресурслари кўп ҳолларда иқтисодий ресурслар маъносини билдиради.

**Ишлаб чиқариш ёки иқтисодий ресурслар, деб — маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ҳамма турдаги ва шаклдаги ресурслар йиғиндисига айтилади**

Аграр соҳадаги ишлаб чиқариш ресурсларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Табиий ресурслар (ер, сув, ер ости ва усти бойликлари, табиий бойликлар);

2. Ишлаб чиқариш воситалари ресурслари (меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмлари кўринишидаги ресурслар);

3. Ишчи кучи ёки меҳнат ресурслари (инсоннинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга бўлган қобилияти);

4. Соҳибкорлик (ишлаб чиқаришни ташкил этишда соҳибкорнинг ишбилармонлиги, тадбиқолик қобилияти, тажрибаси, ақл-идроқи ва бошқа қобилиятлари йиғиндиси).

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун зарур бўлган барча турдаги ресурслар фойдаланиш ҳолатига қараб — потенциал ва ишлаб турувчи ресурсларига бўлинади. Потенциал ресурс бу

— қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча турдаги ресурслар йиғиндисидан иборат. Потенциал ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун жалб қилинган қисми — фойдаланилаётган ресурсларни ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган ресурслар шакли, миқдори, ҳажми, тури, фойдаланиш қобилиятига қараб қўлланиладиган ва истеъмол қилинадиган ресурсларга бўлинади.

Қўлланиладиган ресурс — асосий воситалардан (фондлардан) ташкил топиб, ишлаб чиқариш жараёнида янги маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита қатнашиб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига қисман қўшади. Истеъмол қилинган ресурслар моддий айланма маблағлардан ташкил топиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз қийматларини тўла янги маҳсулот қийматига қўшади ва ўз шаклини тўла ўзгартиради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари қайта тикланиш ва янгилашни жиҳатидан **тикланадиган** (ишчи кучи, ер, меҳнат қуроллари ва бошқалар) ва **тикланмайдиган** (сув, ҳаво, уруғлик, минерал ва органик ўғит, кимёвий дориворлар ва бошқалар) ресурсларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш ресурслари ўз аҳамиятига ва ишлаб чиқаришдаги кўламига қараб — **сероб, камёб** ресурсларга бўлинади. Сероб ресурсларга мамлакат доирасида кенг кўламда етиштириладиган ёки ишлаб чиқариладиган ресурслар тушунилади. Масалан, Ўзбекистонда сероб хом ашё сифатида пахта маҳсулотларини олиш мумкин. Чунки жаҳонда 48 мамлакатда пахта етиштирилишига қарамасдан, Ўзбекистон пахта етиштириш жиҳатидан 5-ўринни эгаллаб, 1,4 млн. тоннадан зиёдроқ тола етиштиради. Жаҳон бозорида пахта сотиш жиҳатидан 2-ўринни эгаллайди. Оқибатда, мамлакатнинг пахта маҳсулотлари ресурсига бўлган талабини фақат ўзи етиштирибгина қолмасдан, балки ортиқча бўлган ресурсларни чет давлатларига сотиш имкониятига эга бўлади. Сероб ресурслар мамлакатни жаҳондаги мавқеини ошириш, кўтариш имкониятни яратади.

Мамлакат эҳтиёжини қондиришда камёб ресурслар, деб ҳисобланувчи ресурслар ҳам бўлиши мумкин. Камёб ресурслар, деб мамлакат ичида ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган, четдан оғир иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар асосида сотиб олинадиган ресурсларга айтилади. Масалан, Россиянинг табиий-иқлим шароити ўзида пахта етиштириш шароитига

эга эмас. У пахта ресурсларига бўлган ички талабларини қондириш учун бу ресурсларни четдан сотиб олишга мажбур бўлади. Сероб ресурсларга эга бўлган давлат шу ресурслардан фойдаланиш учун ўзида кенг имконият яратади. Камёб ресурсларга эга бўлган давлатлар кўп ҳолларда бу ресурслардан тайёрланган маҳсулотларни четдан сотиб олишга мажбур бўладилар.

Ишлаб чиқариш ресурслари заҳираси қанча кўп бўлишидан қатъи назар у қанча кўп фойдаланиш натижасида камёб ресурслар қаторига ўта бошлайди. Ресурслар запаси чексиз эмас. У чекланган. У қайсидир бир муддат фойдаланилгандан кейин ўз умрини тугатади. Шунинг учун бир турдаги эски ресурслар ўрнига янги турдаги ресурслар яратилади. Мавжуд ресурслардан фойдаланиш масаласини ўрганилаётган вақтда мамлакатнинг потенциал ресурсини келажак авлодларга мерос қилиб қолдириш масаласига ҳам аҳамият бермоқ даркор. Узоқ муддат фойдаланиладиган табиат ресурсларини (ер, сув, ҳаво, атроф-муҳит ва ҳоказолар) фойдалилик ҳолатига пурта етказилмаган ҳолда фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, ерни қишлоқ хўжалик айланмасидан чиқариб юбориш ундан фойдаланиш ҳолатини 70-80 йилга кечиктиради, сув ва ҳаво эса ҳаётни хавф-хатарга олиб келади. Келажак авлод ота-боболарига ресурслардан фойдаланганлиги учун раҳмат ўрнига лаънатлар ўқийдилар.

## **6.2. Аграр ресурсларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ?**

Ҳар бир турдаги эҳтиёжни қондириш учун шу эҳтиёжга зарур бўлган маҳсулот турини ишлаб чиқариш лозим. Бу эса ҳар бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун шу талабни қондира оладиган ресурслардан фойдаланиш заруриятини тақозо этади. Маълумки, бир турдаги истеъмолни қондириш учун зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш бир қанча, айрим ҳолларда ўнлаб, юзлаб турдаги ресурслар бирикмасидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Масалан, қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш учун 103 хил ресурслардан фойдаланишга тўғри келади.

Инсон эҳтиёжи чексиз бўлгани ва ер юзида аҳоли сонининг тез кўпайиши ишлаб чиқариш ресурсларига бўлган талабни кундан-кунга кўпайтирмоқда. 1992 йили Ўзбекис-

гонда 1,7 млрд. долларлик ер ости бойликлари ресурс сифатида фойдаланилган бўлса, 1999 йилда 6 млрд. дан ортиқроқ долларга тенг бўлган ресурслар фойдаланилган. Аҳоли сонининг тез ўсиши ҳам аграр ресурслар сарфини кундан-кунга, йилдан-йилга фойдаланишга ундамоқда.

Маълумки, аграр соҳада фойдаланиладиган ресурслар унинг табиий, об-ҳаво, иқлим, тупроқ, сув, табиат инжиқликлари, биологик, физик, кимёвий ва бошқа хусусиятлар таъсирига кўра бошқа ишлаб чиқариш соҳаларига нисбатан бир қатор тафовутларга эга. Бу тафовутлар қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалигида бошқа соҳаларга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш вақти узундир. Саноатда кўпчилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш бир неча секунддан бир неча йилларга давом этади. Қишлоқ хўжалигида кўпчилик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун бир йил вақт талаб қилади. Демак, ишлаб чиқаришнинг янгиланиши, такрорланиши бир йилда бир марта юз беради. Бу эса бир йилда бир марта ишлаб чиқариш ресурслари сотиб олиш заруриятини келтириб чиқаради.

2. Қишлоқ хўжалигида сарфланган ресурслар об-ҳаво инжиқликлари оқибатида (сел, совуқлик, иссиқлик, дўл, гаримсел шамол, камсувлик ва бошқалар) ўз самарасини пасайтириши ёки бутунлай нобуд бўлиши мумкин.

3. Қишлоқ хўжалигида йилнинг ҳамма вақтларида ишлаб чиқаришни давом эттириш мумкин эмас. Ишлаб чиқаришнинг табиий, иқлим, биологик, кимёвий, физик хусусиятлар билан бевосита боғлиқлиги бир қатор қўшимча ресурслар сарфланишини талаб этади.

4. Қишлоқ хўжалигида деярли барча экинларни экиш ва уларга ишлов бериш бир вақтда бошланади. Оқибатда, қисқа вақт ичида жуда катта миқдорда ресурсларни топиш, сотиб олиш ва фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Масалан, Ўзбекистон шароитида 15-20 кун ичида 1,2 млн. гектар ерга дон экинлари экишни тақозо этади. Бунинг учун 300 минг тонна дон уруғи, жуда катта миқдорда техника, ёқилғи, ишчи кучи ва бошқа турдаги ресурсларни талаб этади. Бу ресурсларни олдиндан тайёрлаб қўймасдан туриб, ишлаб чиқаришни янгидан такрорлаш мумкин эмас.

5. Об-ҳаво инжиқликлари бўлиши ёки бўлмаслигини олдиндан билиш ва режалаштириш мумкин эмас. У тасодифан

юз беради. Қишлоқ хўжалигининг қайси вилояти, тумани ва хўжалигида юз бериши, кўрилган зарар миқдори, янгидан сарфланадиган ресурслар тури ва ҳажмини олдиндан билиш ҳам мумкин эмас. Бу офатлардан қутилиш жуда катта ресурслар ва чекланган вақтни талаб этади. Агар бу офатларнинг олдини олиш учун қўшимча ресурсларга эга бўлинмаса, ишлаб чиқаришни ўз изига солиш мумкин эмас.

6. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ресурсларнинг асосий қисми ўзида етиштирилади. Бу эса қишлоқ хўжалигида иш юритаётган хўжаликлар фақат бозорга товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи кўринишидагина эмас, балки ишлаб чиқариш ресурслари ишлаб чиқарувчи кўринишида ҳам тушади.

7. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган бир қатор ресурсларни узоқ муддат сақлаш мумкин эмас. Масалан, қишлоқ хўжалиги учун энг зарур бўлган барча турдаги уруғлардан фойдаланиш муддати фақат 1 йил ёки шу уруғдан фойдаланиш вақтидан кейинги муддатга ортиб қолиши уни ресурслик сифатидан чиқиб кетишига олиб келади.

8. Қишлоқ хўжалигида бир хил ресурсларни мамлакатнинг ҳамма туманлари ва вилоятларида фойдаланиш мумкин эмас. Ресурсларнинг бир қисми мамлакатнинг ҳар бир зонасига, вилоятига, туманига, унинг бир хил об-ҳаво, табиий, биологик хусусиятларига мос келадиган ҳолда районлаштирилади. Бу ресурс ўз районида чиқиб, бошқа районлашмаган ерларга экиш, унинг иқтисодий самарадорлигини кескин пасайиб кетишига сабабчи бўлади.

Қишлоқ хўжалигининг саноатдан яна бир фарқи шундаки, унда етиштириладиган ҳар бир маҳсулот учун сарфланадиган ресурслар тури 2, 5-3 марта кўпдир. Масалан, кузги бугдой етиштириш учун сарфланадиган ресурс турлари 38 номда, пахта етиштириш билан боғлиқ ресурслар сони 103 тани ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигидаги ресурсларни сақлаш муаммоси ҳам оғир муаммодир. Кўпчилик ресурслар дориланади, махсус идишларда ва омборларда сақланади. Қишлоқ хўжалик ресурсларни бир бозордан иккинчи бозорга кўчириш ҳам катта харажатларни талаб этади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ресурсларга бўлган талаби анча мураккаб бўлиб, уларни аниқлаш анча куч, билим ва ҳаракатни талаб этади.

### 6.3. Ишлаб чиқариш ресурсларини қиймат шаклида ҳисобга олиш мумкинми?

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар миқдорини, унинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархидаги улушини ҳисобга олиш зарур. Чунки кўп вақтларга қадар табиий ресурсларнинг маҳсулот таннархидаги харажат сарфи шартли равишда ҳисобга олинган ёки умуман ҳисобга олинмаган. Бу эса сарфланган ресурсларни қиймат кўринишида ҳисобга олинмаслик, уларнинг ҳисоб-китоб қилиш ишларини анча чалкаштиришга олиб келди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқариш учун сарфланган барча турдаги ресурслар ҳисобга олиниши, сарфланган барча ресурслар харажати қопланишини талаб этади. Бусиз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. Ҳозирги вақтда бу муаммоларни ҳал қилиш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш ресурслари ўз харажатларига қараб ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳар хил даражада таъсир этади. Бу билан бир қаторда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш табиий, иқтисодий, иқлим ва бошқа омиллар таъсири остида ҳар хил иқтисодий минтақалар (вилоят, туман, хўжаликларда) ўзларига хос хусусиятларга эга. Ишлаб чиқариш жараёнига қатнашиш жиҳатидан ҳам тафовутланади. Бу тафовутларни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигининг потенциал ресурсларини қиймат шаклида белгилаш таклиф этилди. Бу методиканинг моҳияти ва мазмуни қуйидагича:

Биринчидан, **меҳнат ресурсларини баҳолаш**. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ўртача йиллик ходимлар сонини ишдан чиқиб кетиши мумкин бўлган бир ходимнинг ўрнини қоплайдиган моддий-техника ресурслари қиймати нормативига кўпайтириш йўли билан белгиланади. Бу норматив миқдори (1990 йил баҳосида) 16 минг сўм белгиланган. Баҳоларнинг ўзгариши ҳамда мамлакатнинг ҳар бир вилоят, туман, хўжалигида меҳнатнинг фонд билан таъминланиш даражасига қараб, бу нормативга тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкин. Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнат ресурслари билан бир қаторда “қўшимча” (нафақахўрлар ва ҳар хил турдаги вақтинча ишлаш қобилиятига эга бўлмаган касаллар) ҳамда “ёрдамчи”



(ўсмирлар) ишчи кучи сифатида қатнашадилар. Бўлар “шартли равишда меҳнатга яроқли кишилар ҳисобида меҳнатга яроқли ходимга айлантирилади. Хўжаликда мавжуд бўлган барча шартли меҳнатга яроқлилар сони МЕНИ 16 000 кўпайтириш йўли билан зарур ишчи кучи баҳоси аниқланади.

Иккинчидан, **ер ресурсларини баҳолаш**. Ер ресурсларини баҳолашда ерни баҳоловчи илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган ерларни баҳолаш маълумотларидан фойдаланилади. Бу илмий-тадқиқот институтлари ер эгалари таклифига асосан шартнома асосида, корхоналар, хўжаликлар, туманлар, вилоятлар ва умумдавлат ерлари кадастрлаштирилади. Мамлакат бўйича экинзор, тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда харажатнинг қопланиши 2 сўм 65 тийин (1990 йил)ни ташкил этади. Бу ўзида 1 сўмлик харажат эвазига тўғри келган кадастр баҳосидаги ялпи маҳсулот қийматини кўрсатади. Ялпи маҳсулотнинг кадастр баҳоси ўртача ижтимоий зарурий харажат эвазига олинган баҳосидир. У ўзида ҳар хил даражада унумдорликка эга бўлган ерлардан олинган ҳосилнинг ўртача баҳосини акс эттиради.

Хўжаликларда мавжуд бўлган экинзорлар ва кўп йиллик дарахтзорларни баҳолашда сарфланган харажатларни қоплаш, табиий пичанзорлар эса маҳсулдорлиги кўрсаткичи билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигида ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда 100 балли тизимдан фойдаланилиб, унумдорлиги ундан паст бўлган ерларни юқоридаги баллни тегишли равишда пасайтириб баҳоланади. Масалан, 1 сўмлик харажатни қоплаш экинзор ҳисобига 2 сўм 20 тийинни ташкил этади, деб фараз қилайлик. У ҳолда экинзорларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш  $(2.40:2) \cdot 100 = 90.5$  балл. Кўп йиллик дарахтзорлар учун эса  $(2.2:2.65) \cdot 100 = 83$  баллга тенг бўлади. Шу йўл билан хўжаликда мавжуд бўлган ер ресурслари гектар бўйича балларга айлантирилади.

Хўжаликда бўлган бошқа турдаги ерларни гектар баллини аниқлаш учун уни экинзорга тақсимлаш керак.

Методикага асосан 1 гектар экинзор 50 баллга, пичанзор 15 баллга баҳоланган. У ҳолда 1 гектар пичанзор  $(15:50) = 0,3$ ; 1 гектар яйлов эса  $(5:50) = 0,1$  гектар экинзорга тенг бўлади. У ҳолда хўжаликда мавжуд бўлган ер ресурслари 506, 8 минг гектар баллга тенг бўлади, деб фараз қилайлик. Энди

хужаликдаги ҳамма турдаги ерлар балл гектарга айланади. У ҳолда мисолимиздаги ер ресурсларининг пулдаги ифодаси  $(506800 \cdot 18) = 9122$ , 4 минг сўмни ташкил этади.

Учинчидан, **моддий ресурсларни баҳолашда** ўртача йиллик асосий воситалар қиймати ва айланма маблағлар олинади. Асосий воситалар қийматидан кўп йиллик дарахтзорлар чиқариб ташланади. Қолган асосий воситалар қиймати билан моддий айланма маблағлар биргаликда моддий ресурсларни ташкил этади.

Тўртинчидан, **сув ресурсларини баҳолаш**. Сув ресурсларини ҳисоблаш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки ҳозирга қадар Ўзбекистонда сувдан бепул фойдаланилмоқда. Ҳар йили республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 170 куб км. га яқин сув сарфламоқда. Сув ресурсини аниқлашда энг қийин муаммо сув баҳосини аниқлашдир. Илмий-тадқиқот институтлари сув баҳосини аниқлашда қуйидаги методикадан фойдаландилар: Сув ресурслари баҳоси уч манбадан ташкил топади: 1) Табиий иншоотлар: дарёлар, кўллар ва улардаги сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Бу харажатларни 1 м<sup>3</sup> сув сарфи — 1 сўм 56 тийин (1990 йил), деб шартли қабул қилинди; 2) Хўжаликлараро, туманлараро суғориш каналларини жорий ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Бу харажатлар учун 1 м<sup>3</sup> сув харажати 1,8 тийин (1990 йил) олинди; 3) Сув иншоотларини эксплуатация қилиш ташкилотларининг иқтисодий тақдирлаш фондларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун 1 м<sup>3</sup> сувга 0,64 тийин (1990 йил), деб олинди. У ҳолда 1 м<sup>3</sup> сув харажатлари  $(1,56 + 1,80 + 0,64) = 4$  тийинни ташкил этади. Демак, ҳар бир хўжаликда 1 м<sup>3</sup> сув баҳоси 4 тийинга тенг бўлиб, йил мобайнида сарфланган жами сув сарфини 4 тийинга кўпайтириш йўли билан белгиланади. Моддий ва техника ресурслари эса баланс қиймати бўйича олинади.

Бу методика ёрдамида заҳира ресурслар ҳамда фойдаланиладиган ресурслар қиймати белгиланади.

#### **6.4. Ресурсларга бўлган талаб ва таклифни билиш нима учун керак?**

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг ресурсларга бўлган талаби кенгайган тарзда ортиб борадиган ва ишлаб чиқаришни

узлуксиз янгилана боришини таъминлайдиган омиллар бир-лашмасидир. Чунки ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиш мақсадида ишлаб чиқаради. Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқариш вақти бошқа соҳаларга нисбатан анча узоқ бўлиб, кўп хил товарлар учун бир йилни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар сотиб олган ресурсларни 1 йил давомида фойдаланадилар ва ишлаб чиқариш вақтининг айрим даврлари талабларига қараб фойдаланадилар. Масалан, пахта етиштириш учун зарур бўлган чигит, уни экиш, минерал ўғитлар, ерни ҳайдаш ва ғўза қатор ораларига ишлов бериш, пахта териш машиналари эса пахтани териб олиш даврида фойдаланилади. Улар йилнинг бошқа даврларида “ўлик” ресурс кўринишда ишлаб чиқариш жараёнидан ташқарида ётади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган иқтисодий ресурслар фақат йилнинг охирида қайси турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган бўлса, шу маҳсулот харажатлари таркибига кириб, янги истеъмол қийматига эга бўлган маҳсулотга айланади ва сотилади. Бу жараён ҳар йили ишлаб чиқариш технологиясига тўла мос келган ҳолда янгидан такрорлаш жараёни бошланади. Жараёнларни узлуксиз давом этмоқ учун ишлаб чиқарилган товарларни сотилишини ва янги ресурсларни мавжудлиги даражасига боғлиқдир. Чунки ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилиш ҳолати ишлаб чиқарилган товар қиймати таркибидagi ресурслар учун сарфланган харажатлар қайтадан пул кўринишига айланади. Бу маблағ ҳисобига зарур бўлган иқтисодий ресурслар олиши қайтадан сотиб олиш амалга оширилади. Шунинг учун, янгидан сотиб олинadиган ресурсларга бўлган талаб шу ресурслардан фойдаланилиб ишлаб чиқарилган янги товарларга бўлган талабни ортиши ёки камайишига бевосита боғлиқдир. Агарда ишлаб чиқарилган товарларга бўлган талабнинг пасайиши, ишлаб чиқаришни қисқартиришга, оқибатда ресурсларга бўлган талабни камайитиришга сабабчи бўлади. Сотиладиган ресурслар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар товар қийматига тўла қўшилиши ва маҳсулот таннархида ўз ифодасини топиши шарт. Товар ишлаб чиқарувчилар кўпроқ фойда олиш мақсадида ресурслар баҳосини пасайтириш, ҳар хил харажатлар ва ресурслардан унумли фойдаланишга ҳаракат этади. Товар ишлаб чиқарув-

чилар ўзлари учун зарур бўлган иқтисодий ресурсларни солиб олишда қуйидаги баҳолар:

- Табиий ресурслар баҳоси — рента;
- Меҳнат ресурслари баҳоси — иш ҳақи ;
- Ишлаб чиқариш капитали ёки инвестиция ресурслар баҳоси — фоиз;
- Соҳибкорлик қобилияти баҳоси — соҳибкорлик даромади кўламлари ва улардан фойдаланиш қонуниятларини чуқур билиши ва амал қилиши шарт.

Қишлоқ хўжалиги унинг барча тармоқлари ва тармоқчаларида иш юритаётган хўжаликларнинг у ёки бу турдаги фойдаланилаётган ресурслар йиғиндиси — ресурсларга бўлган бозор талаби, деб юритилади. Қишлоқ хўжалигида ресурсларга бўлган бозор талабини аниқлашда соҳанинг ресурсга бўлган талабини аниқлаш зарур. Маълумки, қишлоқ хўжалиги икки йирик соҳадан (ўсимликчилик ва чорвачилик) иборат. Ҳар бир соҳа ўз навбатида кўплаб тармоқлардан ташкил топади. Масалан, чорвачилик, қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа бир қатор хима-хил чорвачилдик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар йиғиндисидан иборатдир. Ҳар бир тармоқ ўз навбатида тармоқчалардан иборат. Улар ҳам хилма-хил технология асосида товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлардан иборат. Масалан, паррандачиликни олайлик, унда: товукчилик, куркачилик, ғозчилик, ўрдакчилик ва бошқа турдаги товар ишлаб чиқарувчи хўжаликларни кўриш мумкин. Паррандачиликда ўз навбатида гўшт, тухум, жўжа, пар каби маҳсулотлар етиштирилади. Бу соҳа, тармоқ, тармоқчалар ўз технологиясига мос келадиган товар ишлаб чиқарар экан, юқорида қайд қилинганидек, ресурсга бўлган талаб ишлаб чиқарилган товарга бўлган талаб ҳолати билан белгиланади. Чунки соҳа бўйича ресурсларга бўлган бозор талаби баҳоси ишлаб чиқарилган тайёр товар таркибидаги фойдаланилган ресурслар баҳосининг ортиши ёки камайиши даражасига боғлиқ бўлади.

1. Агарда ишлаб чиқарилган товарлар баҳоси ўзгармаса, у ҳолда соҳа бўйича ресурсларга бўлган талаб даражаси бу соҳага кирган ва иш юритган барча хўжаликларнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжи талаби йиғиндиси билан белгиланади.

2. Агарда тайёр ишлаб чиқарилган маҳсулотлар баҳосида фойдаланадиган ресурслар баҳоси олиши пасайса, у ҳолда соҳа бўйича

ресурсларга бўлган талаб даражаси соҳада иш юритаётган корхоналарнинг ресурсларга бўлган талабидан кам бўлади. Бунга сабаб шуки, ишлаб чиқариладиган товарлар харажати миқдорининг пасайиши ўз навбатида товар баҳосининг пасайишига олиб келади. Агарда товар баҳоси ўзгармай қолган тақдирда, ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш зарурияти бу кўшимча ресурслар жалб этиш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, бозорда ресурсларга бўлган талаб доимо ўзгариб, талаб эластиклик ҳолати юз беришига олиб келади.

Бунда:

- ресурслар даромадлигининг юқори даражасини ўзгариши;
- пировард маҳсулотга бўлган талабнинг эластиклиги;
- ўрнини алмаштирувчи ресурслардан фойдаланишда талаб эластиклиги;
- умумий сарф-харажатлардаги ресурслар ҳиссаси;
- ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг ресурсга бўлган талаб эластиклиги;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгариши;
- ўринбосар товарлар баҳосининг ўзгариши;
- ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаша бориш даражасининг ўзгариши каби омиллар таъсирида юз беради.

Мавжуд ресурсларга бўлган талаб билан бир қаторда у ресурсларга бўлган таклиф омили ҳам асосий ролни ўйнайди. Ресурсларни истеъмолчилга сотиш масаласини ҳал қилмасдан туриб, ресурслар бозорини ташкил этиб бўлмайди. Бозор бу, бир томондан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва янгидан такрорлаш учун зарур бўлган ресурсларнинг тўпланадиган, ўзларини харидорларга кўрсата оладиган жойи бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан бу ресурсларни сотиб оладиган харидорларнинг йиғиладиган жойи ҳамдир. Бу ерда талаб ва таклиф шаклланади, олди-сотди юз беради, ишлаб чиқариш омиллари реалликка айланади. Ресурсларга бўлган талаб ва таклиф доимо ўзгарувчи миқдор бўлиб, улар кўп ҳолларда бир-бирларига тўла мос келмасликлари мумкин. Бу масалани ҳал қилишнинг асосий омили ҳар бир товар ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қиладиган ресурсларига бўлган таклиф ҳолатига бевосита боғлиқдир. Чунки ҳар бир товар

ишлаб чиқарувчи хоҳлаган ресурс турларини сотиб олмайди, балки энг юқори фойда берадиган ресурсларни сотиб олади.

### 6.5. Ресурслардан фойдаланиш даромадлилик чегараси нималарга боғлиқ?

Деҳқон томонидан фойдаланиладиган ресурслар миқдори ундан келадиган қайтимга ёки фойдага (унумдорликка) боғлиқдир. Шунинг учун ҳар бир деҳқон ресурсларидан фойдаланиш жараёнида улар ҳисобига олинадиган фойданинг энг юқори даражасига эришишига қадар қўшимча ресурслар сарфлайдилар. Маълумки, ҳеч бир деҳқон чексиз равишда ресурслардан фойдаланиб, улардан чексиз наф (фойда) кўришга эришиши мумкин эмас. “Қайтимнинг камайиб бориш” қонуни таъсири натижасида ресурслар қайтими энг юқори чегарага кўтарилиб, сўнгра пасая бошлайди. Энди деҳқон сарфлаётган қўшимча ресурслардан воз кечади. Масалан, 1 киши ишлаб чиқаришга қатнашиб, 5 дона, 2 та одам 10 дона, 5 та одам 60 дона, 10 та одам 120 дона, 11 та одам 120 дона, 13 та одам 110 дона маҳсулот ишлаб чиқарсин, деб фараз қилайлик. Бу мисолда ресурсларнинг энг юқори фойда келтирувчи чегараси 10 ва 11 та одамнинг меҳнат натижаси (120 дона маҳсулот) ҳисобланади. 13 та одам қатнашиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами пасая бошлайди. Демак, ресурсларнинг энг даромадлилик чегараси — 11-12 та одамдир. Энди деҳқон 12 та одамдан кейин ишлаб чиқаришга қўшимча ишчи кучи жалб этишдан воз кечади.

Товар ишлаб чиқарувчилар ресурслардан фойдаланиш эвазига энг юқори даромад олиш имкониятига эга бўлган чегарани ресурслардан фойдаланишнинг энг даромадлилик чегараси, деб атайдилар. Бу чегара ҳар қандай ресурслардан фойдаланишга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг энг юқори даражаси, деб юритилади ва бу даражага қадар ресурслар баҳоси ортиб боради.

Аммо, бу чегара рақобат қонуни таъсири остида мунтазам пасайиб ва ортиб боради. Агарда бозорда товарнинг рақобатбардошлиги юқори бўлса, унинг ресурслар даромадлилик даражаси ҳам юқори бўлади ва аксинча. Рақобат бу даромадлилик чегарасида ҳосил қилинган фойдани қайта тақсимлаш заруриятини келтириб чиқаради. Шунинг учун товар ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, деҳқонлар ресурслар даромадлилик

чегараси ҳисобига олган фойда миқдоридан анча кам фойда олишга муяссар бўладилар. Буни қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан яққол кўриш мумкин.

**Товар ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг ҳар хил шароитда ресурслардан фойдаланиш даромадлилик даражаси ҳолати**

Ресурслар сони (дона)	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони	Юқори даромадлилик чегарасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (дона)	Ишлаб чиқаришни рақобатбардошлик ҳолатида			Ишлаб чиқаришнинг рақобатбардош бўлмаган ҳолатида		
			Маҳсулот баҳоси (сўм)	Олинган даромад (сўм)	Ресурслар юқори даромадлилик чегарасида олинган даромад (сўм)	Маҳсулот баҳоси (сўм)	Олинган даромад (сўм)	Ресурслар юқори даромадлиги чегарасида олинган даромад (сўм)
ҳисобкигоб режалари	2	3	4	5(2*4)	6(3*4)	(50-1) 7 (50-2)	8(2*7)	9
1	5	5	50	250	250	50	250	250
2	16	8	50	800	400	49	784	534
3	24	8	50	1200	400	48	1072	288
4	20	5	50	1000	250	47	940	-132
5	25	3	50	750	150	46	690	-250

Юқоридида келтирилган маълумотларга кўра, бозорда рақобатбардош товар ишлаб чиқарувчи деҳқонлар, рақобатбардош бўлмаган товарлар ишлаб чиқарувчи деҳқонларга нисбатан сарфланган ресурслар ҳисобига кўпроқ фойда олиш имкониятига эга бўлади. Масалан, ҳар иккала ҳолда (рақобатбардош ва рақобатбардош бўлмаган) ҳам товар ишлаб чиқарувчи хўжаликларда ресурсларни юқори даромадли чегараси 3 дона товар ишлаб чиқариш ҳолати ҳисобланади. Бу ҳолда рақобатбардош бўлган ҳолда фойдаланилган ресурслар эвазига 400 сўмдан даромад олиш имкониятига эга бўлган бўлса, рақобатбардош бўлмаган корхоналар – 288 сўм, яъни 112 сўм кам даромад олган. Рақобатбардош деҳқонлар 4 ва 5 дона маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ҳам ресурслар ҳисобига фойда олиш имкониятига эга бўлган ҳолда рақобатбардош бўлмаган корхо-

налар эса ресурслардан фойдаланиш ҳисобига зарар (4 да 132 сўм; 5 да 250 сўм) кўрган. Бу қонуният доимо товар ишлаб чиқариш ва уни сотишда рақобатбардош бўлишига ундайди, курашади ва эришиш йўллари қидиради.

Юқорида ресурслар даромадлиги чегараси доимо қўшимча ресурслар сарфлашни талаб этиши тўғрисида фикр юритдик. Сарфланган қўшимча ресурслар унумдорлигини аниқлаш учун қўшимча сарфланган ресурслар харажати билиш ва аниқлаш керак. Ресурслар даромадлиги чегарасига қадар эришиш мақсадида сарфланган қўшимча ресурслар ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар йиғиндига фойдаланилган ресурслар харажати чегараси, деб юритилади. Хўжаликлар бозорда рақобатбардошликка эришиш учун курашда фойдаланилган ресурслар харажати чегарасини ресурслар баҳоси даражасига тенглаштиришга ҳам рози бўлади. Шунинг учун фойдаланилган ресурслар харажати мунтазам пасайтириб боришга ҳаракат этади.

Хўжалик ресурслардан фойдаланишда фойда кўриш мақсади ишлаб чиқаришда сарфлайдиган ресурсларга ҳам ўз эътиборини қаратиши лозим. Демак, фойдаланилган ресурслар бирлиги ҳисобига кўпроқ маҳсулот етиштириш шароитига эга бўлмоғи зарур. Хўжалик бунга эришмоқ учун ресурслар даромадлиги чегараси, уни сарфлаш харажати чегарасига тенг келгунга қадар давом этади.

Аммо, хўжалик ишлаб чиқаришни такрорлаш, янгилаш жараёнида бир-бирларининг ўрнини босувчи бир қанча ресурслар мавжудлигини ҳам учратиши мумкин. Бу ҳолда фирма қайси ресурсни фойдаланиш кераклигини чуқур таҳлил қилиши ва қайси бир туридан фойдаланиш учун қатъи қарорга келиши шарт. Бу ресурс турини танлашда унинг ўрнини босувчи бошқа ресурсларга нисбатан самарадорлиги, бозоргирлиги, арзонлиги, фойдаланишда кам харажат талаб этишини ҳисобга олмоғи лозим.

Масалан, ширкат томонидан экилган 200 гектар майдондаги пахтани териш олиш вазифаси турибди. Бу вазифа икки ресурс тури ёрдамида (қўл кучи ва терим машиналари ёрдамида) амалга оширилади. Бунинг учун 100 та теримчи (ишчи кучи) ва 4та пахта териш машинасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб фараз қилайлик. Ширкатлар уюшмаси пахтани қўлда териш ҳисобига машиналар сонини озайтириши мумкин.



Ёки пахтани машинада териш мақсадида теримчилар сонини камайтириб, машиналар сонини кўпайтириши мумкин. Бу масалани ҳал қилишда фойдаланиладиган ресурс турларини фойдаланиш самарадорлигини ҳисобга олиш зарур. Масалан, битта терим машинаси 500 000 сўм турсин, деб фараз қилайлик. Ундан фойдаланиш билан бoғлиқ бўлган харажатлар 300 000 сўмни ташкил этсин. Машина бир сезонда тўла фойдаланиб, ўз қийматини пахта таннархига қўшсин, деб фараз қилайлик. У ҳолда битта терим машинасидан фойдаланиш  $500000 + 300000 = 800000$  сўмни ташкил этади. Агарда, бир мавсумда битта терим машинаси 150 тонна пахта терсин, деб фараз қилайлик. У вақтда 1 тонна пахтани машинада териш  $800000 / 150 = 5333.3$  сўмга, 1 кг пахта эса 5 сўм 33 тийинга тушади. Пахта терим машинасида терилган пахта қисқа вақтда терилиб, юқори сифатларга сотилади. Бунинг натижасида 1 тонна пахтанинг давлатга сотиш баҳоси ўрта ҳисобда 40 000 сўм десак, 1та терим машинасида терилган пахта  $40000 * 150 = 6000000$  сўмга сотилади. У ҳолда пахтани машинада териш натижасида ширкат  $6000000 - 800000 = 5200000$  сўм даромад олади. Агарда 150 тонна пахтанинг теришдан ташқариги харажатлари 4,5 млн. сўм, деб фараз қилсак,  $5200000 - 4500000 = 700000$  сўм фойда кўради. Агарда 600 тонна пахта машинада терилди, деб фараз қилсак, у ҳолда  $700000 * 4 = 2800000$  сўм фойда кўради. Агарда ширкат томонидан экилган 200 гектар майдондаги пахта ҳосили гектарига 30 центнердан ҳосил беради, деб фараз қилсак, терим машинасига бўлган талаб  $(200 * 30 / 1500) = 4$ та терим машинасини сотиб олиш заруриятини келтириб чиқаради.

Энди ширкат томонидан экилган 600 гектар пахта майдонидаги пахтани қўл кучи билан териб олиш жараёнини таҳлил қилиб кўрайлик. 1 теримчи 1 кунда 50 кг пахта тера олади, деб фараз қилайлик. У ҳолда  $100 * 50 = 5000$ кг пахта терилади.

Агарда хўжаликдаги пахтани қўлда териш учун  $(600.000 : 5000) = 120$  кун керак бўлади. Терим даврининг икки ой чўзилиб кетиши хўжалик фаолиятига салбий таъсир этади. У ҳолда теримчилар сонини ошириш зарурияти пайдо бўлади. Теримчилар сонини 100 кишидан 200 кишига кўпайтирилди, деб фараз қилайлик. Теримчиларни уч маҳал овқатланиши учун 600 сўмдан, пахта териш этаги (2 дона) 400 сўм, иш жойига транспортда олиб келиш ва уйига олиб бориш харажатлари 200 сўм, терилган ҳар бир килограмм пахта ҳақи 25 сўм,

леб фараз қилсак,  $[(200*600)]*30+(600.000*25)=22.5$  млн. сўмни ташкил этади. Демак, ширкатлар уюшмасида етиштирилган пахтани машинада теришга нисбатан қўлда териш (22.5:5,2) 4 баробар қимматга тушган.

Агарда, ширкатлар ҳўжалиги 1 кг пахтани машинада териш 5 сўм 33 тийинга тушган ҳолда қўлда 25 сўм туланди.

Демак, деҳқон ишлаб чиқариш ресурслари танлашда доимо арзон, самараси юқори бўлган ресурсларни танлайди ва фойдаланишга ҳаракат этади. Чунки товар ишлаб чиқарувчилар томонидан олинadиган фойданинг кўпайиши ёки озайиши, бозор товарининг қанчалик тез сотилишига таъсир этувчи асосий омил ҳам ресурслар баҳоси ва уни қанчалик самарадорлигига боғлиқдир.

## I. Мавзуга оид атамалар

1. Ресурс	1. Ресурслар даромадлиги чегарасига қадар эришни мақсадида сарфланган ресурслар.
2. Иқтисодий ресурслар	2. Ресурслар даромадлиги чегараси билан сарфланган харажатлар миқдорининг мос келиши.
3. Камёб ресурслар	3. Мамлакат эҳтиёжини қондириш учун четдан келтириладиган ресурслар.
4. Сероб ресурслар	4. Мамлакат иқтисоднётини мустаҳкамлаш учун четга чиқариладиган ресурслар.
5. Қўлланиладиган ресурслар	5. Ишлаб чиқариш жараёнида тўла ўз кўринишини йўқотиб юборадиган ресурслар.
6. Тикланадиган ресурслар	6. Қайтадан фойдаланиладиган ресурслар.
7. Тикланмайдиган ресурслар	7. Бирор турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурслар миқдори.
8. Ресурс талаби	8. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар.
9. Ресурс эҳтиёжи	9. Ишлаб чиқариш воситаси вазифасини бажарувчи ресурслар.
10. Ресурслар даромадлилик чегараси	10. Ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш имкониятини берувчи ресурслар.
11. Ресурслар ҳаракати чегараси	11. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар.

## II. Муस्ताқил ишлаш учун вазифалар

1. Фермернинг 30 та сигири, 1000 та товуғи бор. Унга 10 гектар ер ижарага берилган. Ерга шундай экин турлари эксинки, ундан олинган ҳосил ҳайвонларни тўла боқишга етибгина қолмасдан, бозорга сотиш учун ҳам ажратиш имкони пайдо бўлсин (қисқа таҳлил ҳисоботи ёзинг).

2. Деҳқон хўжалигининг 2 гектар ери бўлиб, унга помидор, карам, бақлажон, болғар қалампири ва 0,5 гектар ерининг ярмига уруғлик пиёз ва қолган ерига кўк пиёз экишни режалаштирган. Унга қанча уруғ ва қанча кўчат керак?

3. Фермер хўжалигининг 10 гектар ери бўлиб, унинг 6 гектарига пахта, 1 гектарига маккажўхори, 2 гектарига буғдой ва 1 гектарига шоли экиш режалаштирилган. Фермер учун қанча сув ресурси керак бўлади?

## VII БОБ

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ МЕҲНАТ ОМИЛИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### Р е ж а:

1. Меҳнат тушунчаси нимани билдиради?
2. “Аҳоли ўсиш қонуни” қандай оқибатларга олиб келади?
3. Аҳоли ўсиши аграр иқтисодиёти соҳасига ҳам таъсир этадими?
4. Қишлоқ хўжалигида аҳолининг ҳамма қатламларидан фойдаланиш мумкинми?
5. Аграр меҳнат ресурслари деганда нимани тушунаси?
6. Аграр секторда меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
7. Аграр соҳада йил мобайнида меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланиш мумкинми?
8. Аграр соҳада меҳнат ресурсларига бўлган талаб қандай шаклланади?
9. Аграр меҳнат ресурсларига бўлган таклиф қандай амалга оширилади?
10. Меҳнат бозорида ишчи кучи сотиладими?
11. Ишсизликдан қутилиш мумкинми?

*Адабиётлар:* 6; 7; 13; 22; 34; 37.

#### 7.1. Меҳнат тушунчаси нимани билдиради?

Меҳнат — кишилиқ жамияти ҳаёти ва фаолияти ҳамда ривожланиши асосидир. Ҳар қандай иқтисодий фаолиятни оширмақ учун меҳнат сарфламақ зарур. Меҳнат — кишиларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилган фаолият жараёни бўлиб, улар ана шу фаолият ёрдами билан модда ва табиат кучларини ўзгартириб, уларни ўз эҳтиёжларини қондиришга мослаштирадilar. Меҳнат — бу инсон ва табиат орасидаги жараённи

такомиллаштириш воситасидир. Фақат меҳнатнинг аралашуви, уни ҳар хил кўринишда қатнашуви ва фойдаланиши натижасида жамият табиатдан ўзига шунча кўп ва хилма-хил моддий ноз-неъматлар олиш имкониятига эга бўладилар. Жамиятнинг ривожланиш даражаси ҳам инсон меҳнати билан табиат орасидаги жараён натижаси билан белгиланади.

Кишилиқ жамиятида исьтемом қилинадиган барча неъматлар қандай исьтемом қийматиға эга бўлишидан қатъи назар у умуман инсон меҳнатиинг натижасидан иборатдир.

Ҳар бир ишловчи қандай касбға эга бўлишидан қатъи назар меҳнат жараёнида ўзининг ақлий ва жисмоний қувватини сарфлайди. Инсон ишчи кучининг физиологик маънода сарф қилиши ҳамма турдаги конкрет меҳнатларига хос умумий белгидир. Меҳнат аниқ шаклидан қатъи назар умуман сарфланган ишчи кучидан иборатдир. Демак, у меҳнат қилиш жараёнида нима ишлаб чиқаришидан қатъи назар ақлий ва жисмоний қувватини сарфланиши тушинилади. Демак, ишлаб чиқариш жараёнида у ўз меҳнатиинг гина эмас балки ақлини, кучини ҳам сарфлайди.

Ишчи кучи деганда — инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун фойдаланалиган жисмоний ва ақлий қувватлари мажмуаси тушинилади. Ишчи кучи бу инсоннинг меҳнат қилишға қаратилган қувватдир. Бу қувват соҳиби ҳар бир меҳнатға яроқли киши бўлиши мумкин. Мазкур қувватни амалда ишлатиш меҳнат юз берганлигини билдиради. Ишчи кучини фақат жисмоний куч билангина чеклаб қўйиш мумкин эмас. Ишчи кучи соҳибкорлари билим, малака, касб-маҳорат, мутахассислик, тажрибалар соҳиби бўлиши керак. Меҳнат маҳсули ишчи кучи бу хусусиятларға эга бўлмасдан туриб ўз меҳнати кучини товар сифатида сотишға тавсия этиши мумкин эмас. Меҳнат ва унга мос келадиган ишчи кучи фақат қандайдир исьтемом қийматиға эга бўлган товар ёки ишлаб чиқариш хизматлар бажариши қувватиға бўлгандагина уни фойдалилик даражаси аниқланади. Бу нуқтаи назардан қаралганда ишчи кучи **миқдорий** ва **сифатли** ўлчамға эга. Миқдорий жиҳатдан олганда бу ишлай оладиган кишиларнинг сонидан, сифат жиҳатидан эса уларнинг меҳнат малакаси даражасидан иборатдир. Жамият, соҳа, тармоқ, корхоналар қанча маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ҳам шу икки ўлчов даражаси билан белгиланади. Ишчи кучи ишлаб чиқаришнинг шах-

сий омилидир. Унинг бошқа омилларидан фарқи шундаки, уни ўз эгасидан ажратиб бўлмайди. У моддий шаклга ҳам эга эмас. У ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинсада у тўла ўз шакли ва мазмунини йўқотмайди. У такрор-такрор қайта тикланиб, ишчи кучи эгаси бу кучдан фойдаланиш учун харидор топа олганда, уни яна маълум вақтга қайтадан сотиши мумкин. Ҳар бир мамлакат ўзининг меҳнат заҳирасига эга. Бу запас аҳолининг ўсиш қонуни билан бевосита боғлиқдир.

## 7.2 “Аҳоли ўсиш қонуни” қандай оқибатларга олиб келади?

Инсоннинг асосий мақсади табиатни ўзгартириш, ҳаётига мосташтириб ўзи ва жамият учун зарур бўлган моддий нознеъматлар ишлаб чиқаришга эришишдир. Инсон—абдий яшаши мумкин эмас. У доимо ўзидан авлод қолдирмоғи шарт. Бу мақсадда инсон оила қуриб, табиатга таъсир эта оладиган, куч-қувватга, малакасига, хунарга, мутахассисликка эга бўлган фарзандлар бунёдга келтиришади. Бу жараён узлуксиз давом этиши зарур. Акс ҳолда ҳеч қандай жамият ва унинг асосини ташкил этувчи иқтисодийнинг бўлиши мумкин эмас. Иқтисодий — инсон меҳнати маҳсули бўлиб, у инсоннинг қай даражада ривожланганлиги билан тавсифланади.

Кишилик жамиятида инсон—аҳоли, халқ номи билан аталиб, у, ҳар қандай бойликларни яратувчи манба, турли хизматларни амалга оширувчи восита, моддий ноёзу-нематларни истеъмол қилувчи — истеъмолчи, аҳоли ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнини бошқарувчи, иқтисодий тараққиётга таъсир кўрсатувчи, ижтимоий салоҳият даражасини белгиловчи кучдир. Аҳолининг ўсиши — унинг табиатга, ишлаб чиқаришчи кучларига қай тарзда таъсир этиш даражасига, ишлаб чиқариш усулига, иқтисодий тизими ҳолатига, халқининг урф-одатларига боғлиқдир. Аҳолининг ўсиши қуйидаги йўл билан аниқланади:

$$A = A_1 + (B_1 - B_2) + (K_c - K_{c1})$$

Бунда,

A — Аҳолининг умумий сони;

A<sub>1</sub> — Аҳолининг йил бошидаги сони;

B<sub>1</sub> — Аҳолининг йил мобайнида туғилган сони;

- Бў — Аҳолининг йил мобайнида ўлиш сони;  
 Кс — Йил мобайнида четдан келган аҳоли сони;  
 Кс1 — Йил мобайнида кетганлар сони.

Оиланинг фарзандга бўлган иштиёқи, унинг оилавий даромади даражасига, ота-онанинг фарзанд тарбиялашга бўлган бўш вақтига, турар жой ҳолатига, оиланинг жинсий жиҳатдан соғломлигига, мамлакатда оиланинг фарзанд кўришни рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган сиёсат ҳолатига, мамлакатнинг никоҳ тўғрисидаги қонунига тўла амал қилишига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқдир. Мамлакатда аҳолининг ўсиши қонун асосида амалга ошиши даркор. Чунки ресурслар чекланган. Илмий тадқиқот институтлари маълумотига кўра, кишилиқ жамияти ва инсон авлодининг мангу яшаши учун ўрта ҳисобда ҳар бир 100 оила 270 фарзандга эга бўлиш зарур. Акс ҳолда, миллат “уруғи қуриган” миллат сифатида ўз яшаш фаолиятининг абадий йўқолишига сабабчи бўлади. Аҳолининг ўсиши мамлакатда тўлақонли оила ташкил этиш имкониятини ярата оладиган омилларга ҳам боғлиқдир. Бу омилларга туғиладиган ўғил ва қиз орасидаги ўзаро мутаносиблилиги ва улар ёшининг бир-бирларига яқин (3-5 ёш) бўлиши, никоҳланиш учун зарар бўлган омиллари қаратиш мумкин. Статистик маълумотларга кўра янги туғилаётган ҳар 100 нафар қизалоқ ҳисобига 105-106 нафар ўғил бола тўғри келиши керак. Ўзбекистонда бу қонуният 1999 йили ҳар бир янги туғилган 100 чақалоқ 52,9 фоизи ўғил болалар 47,1 фоизи қизларни ташкил этди. Ўзбекистонда оиланинг ташкил этилиши ва мустақамлилиги жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга, 1999 йили мамлакатда никоҳдан ўтувчилар сони 191,7 минг кишини ташкил этиб, 8,5 та никоҳдан ўтган оиланинг биттасида никоҳни бекор қилиниши юз берди. Шаҳарда 6,3 та никоҳдан ўтган оилани биттасида никоҳ бекор қилинган бўлса (оила бузилган бўлса) қишлоқда бу кўрсаткич 10,2 та оиладан биттасида юз берган. Аҳолининг ўсишида ҳар бир оилада туғиладиган фарзандлар сони катта рол ўйнайди. 1990 йили Ўзбекистонда ҳар 1000 киши ҳисобига 33,7 та бола туғилган ҳолда 1999 йил 22,3 та бола туғилди. Ўзбекистонда битта оилага ўрта ҳисобда 5,4 фарзанд тўғри келган ҳолда, шаҳарда 4,8 тани, қишлоқда эса 6,9 тани ташкил этган. Бу қишлоқда, туғилиш шаҳарга

ни батан анча юқори эканлигидан далолат беради. Республикада ўлим даражаси ҳам пасайиб бормоқда 1990-1999 йиллар мобайнида ҳар 1000 киши ҳисобига ўлим 6,1 кишидан 5,6 кишига пасайди. Ўлим даражаси қишлоққа нисбатан шаҳарда 11,6 фоиз юқоридир. Аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 430-440 минг кишига ёки 1,9-2 фоизга ортмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби хилма-хилдир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоиздан ортиғи ўзбеклар, 9 фоизи — руслар, 4 фоизи—қozoқлар, 2 фоизи — татарлар, 2 фоизи — қорақолпоқлар, 1 фоизи — корейслар, 1 фоизи—турклардан иборат. Ер юзида 2000 дан ортиқ миллат ва элатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 100 дан ортиғи Ўзбекистонда яшайди. 1999 йили Ўзбекистон аҳолиси 24,4 млн. кишини ташкил этиб, уларнинг 62 фоизи қишлоқда, 38 фоизи шаҳарда яшаган. Ўзбекистонда 1 кв км майдонга 53,5 киши тўғри келади. Марказий Осиёда яшовчи аҳолининг 40 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади. Ўзбекистон аҳолиси ҳудудий жойланиши жиҳатдан ҳам хилма-хилдир. Ўзбекистон Республикаси бўйича 1 кв км майдонга ўрта ҳисобда 51 киши тўғри келган ҳолда, Андижон вилоятида 491 киши, Фарғона вилоятида 355 киши, Наманган вилоятида 229 киши, Бухоро вилоятида 10 киши, Навоий вилоятида 17 киши тўғри келади. Фарғона водийсига жойлашган вилоятлар республика ҳудудининг 4,3 фоизини эгаллашига қарамасдан, республика аҳолисининг 29,1 фоизи шу ерда жойлашган. Мамлакат ҳудудларида аҳолининг нотекис жойланиши салбий—иқтисодий оқибатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Булар жумласига: меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлик даражасини, аҳолининг турмуш тарзи ва турмуш даражасини, ишлаб чиқаришчи кучларининг бир текисда жойлаштириш ва ривожлантиришни, аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш даражасини ва бошқа бир қатор омилларни киритиш мумкин. Айниқса, омиллар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳасида ўз аксини яққол кўрсатмоқда.

### **7.3. Аҳоли ўсиши аграр иқтисодиёти соҳасига ҳам таъсир этадими?**

Аҳоли тез ўсадиган жараён. Бу жараён айниқса, XX асрда ўз кучини жаҳонга намоиш этиб, жаҳонда аҳоли сони 1 млрд. кишидан 6 млрд. кишига кўпайтирди. Аммо, бу ўсиш ишлаб



чиқариш усули иқтисодий тизим интеллектуал солохиятга мос ҳолда юз бериши шарт. Акс ҳолда бу ўсиш мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ва халқ фаровонлиги даражасига пугур етказиши мумкин. Америка иқтисодчиси Роберт Солоу XX аср ўрталарида аҳоли ўсишини иқтисодга таъсирини аниқлаш моделини яратиб унинг моҳияти уч йўналишдан иборатлигини айтади:

**Биринчи йўналиш** — мамлакатда барқарор иқтисодиёт ҳукм сураётган даврда аҳолининг ўсиб бориши битта ишчига тўғри келган маҳсулот қиймати миқдори ўзгармасдан қолади, чунки бу даврда ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони ва ишлаб чиқариш ҳажми бир хил суръатда ўсади.

**Иккинчи йўналиш** — аҳоли сонининг тез ўсиши бир мамлакатнинг бойишига, иккинчи мамлакатни эса қашшоқлана боришига олиб келади. Аҳолининг тез кўпайиши ишчи кучининг кўпайишига олиб келиб, уларнинг капитал билан қуролланиш даражасининг пасайишига сабабчи бўлади. Демак, қайси мамлакатда аҳолининг ўртача ўсиши, ундаги капитал ўсишдан паст бўлса, бундай мамлакатлар бойийди. Аксинча, меҳнатга яроқли аҳолининг ўсиши, ишлаб чиқаришдаги капитал миқдоридан ортиб кетса, у ҳолда ҳар бир ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулот қиймати камая боради. Оқибатда бундай мамлакатларда аҳоли ўсиши, унинг фаровонлигига салбий таъсир этади.

**Учинчи йўналиш** — аҳолининг ўсиши энг юқори истеъмол даражани таъминловчи капитал жамғарма (Р. Солоу ибораси билан айтганда — олтин қондага асосланган жамғарма) даражасидан ортиб кетмаслиги лозим. Бу қонуният меҳнатга яроқли аҳолининг мунтазам капитал билан қуролланиш даражасини ошира боришини таъминлайди, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини яратади. Оқибатда, жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори ҳам ортиб боради.

Роберт Солоунинг бу модели — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ҳам тўла ўз кучини сақлаб, унда аҳолининг қай даражада ўсиш қонуниятларини ишлаб чиқишда катта рол ўйнайди. Бу модел — аҳоли ўсиш қонунининг асосини ташкил этади.

#### **7.4. Қишлоқ хўжалигида аҳолининг ҳамма қатламларидан фойдаланиш мумкинми?**

Аҳоли ўз умри давомида бир қанча ўсиш босқичларини босиб ўтади. Бу босқичлар жараёнида у камолатга эришади

ва ўз умрини тугатади. Шунинг учун мамлакат аҳолисининг ўзини қонуниятларини ўрганишда уларнинг ёши, меҳнат қобилияти ҳолатига қараб гуруҳларга бўлиб ўрганиш зарурияти пайдо бўлади. Макроиқтисоди статистика фани аҳолини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни тавсия этади:

- 3 ёшгача бўлган аҳоли сони;
- 3-7 ёшгача бўлган аҳоли сони;
- 7 -16 ёшгача бўлган аҳоли сони;
- 16-55 ёшгача (50 ёш) бўлган аёллар;
- 16-60 ёшгача бўлган эркеклар;
- 55 ёш (50 ёш) дан юқори бўлган аёллар;
- 60 ёшдан юқори бўлган эркеклар.

Аҳолини бу тарзда бўлакларга, гуруҳларга бўлиб ўрганиш бу, гуруҳларнинг ҳар бирини чуқур таҳлил қилиш ва улар билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ташкилий муаммоларни аниқлаш ва амалга ошириш шароитини яратади. 3 ёшгача ва 3-7 ёшгача бўлган аҳоли асосан ёш авлодни ташкил этиб, уларнинг асосий вазифаси болалар яраси ва боғчаларида ёки ота-она бағрида соғлом ҳолда тарбияланишдан иборат. 7-16 ёшгача бўлган ўсмирларнинг асосий вазифаси ўқиш ва ҳунар ўрганишидир.

16-55 ёшгача (50 ёш) бўлган аёллар ҳамда 16-60 ёшгача бўлган эркеклар — меҳнат ресурслари (меҳнат қилиш қобилиятини йўқотмаган, соғлом кишилар), деб аталиб, улар ўз касби, ҳунари, билимига қараб, ўз мутахассислиги бўйича ишлаши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги аёл ва эркекларни меҳнаткаш аҳоли, деб юритамиз.

55 ёшдан юқори аёллар ва 60 ёшдан юқори эркеклар — нафақахўрлар (пенсионерлар), деб аталиб, улар ўз қобилиятларига ва саломатлиликларига қараб, меҳнат қилишга қатнашиши мумкин. Агар улар ўз хоҳишлари билан дам олишга иштиёқли бўлса, умрининг охиригача дам олиш ҳуқуқига эгадирлар.

### **7.5. Аграр меҳнат ресурслари деганда нимани тушунасиш?**

Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатлик қисмидир. Меҳнат ресурслари бу мамлакатдаги ёки унинг айрим ҳудудларидаги меҳнатга лаёқатли, маълум билим, малака, ҳунар, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш қобилиятига эга бўлган аҳоли қисмидир.

Макро иктисодий статистика фани талқин қилинишига кўра меҳнат ресурслари гуруҳига 16-55 ёшгача бўлган (ёки 50 ёш) меҳнатга яроқли аёллар ва 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган меҳнатга яроқли эркеклар киритилади. Меҳнат ресурслари куйидаги усулда белгиланади:

$$MP = ME - (H + BB) + PU$$

бунда,  $MP$ —меҳнат ресурслари;

$ME$ —меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли;

$H$ —I ва II гуруҳ ногиронлари, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли;

$BB$  — меҳнат қилиш ёшида, ҳеч қаерда банд бўлмаган аҳоли (уй-рўзгор ва ёш болаларни тарбиялаш билан шуғулланаётган аёллар, имтиёзли нафақага чиққан ва бошқалар)

$PU$  — ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган нафақахўрлар, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар.

1999 йилда Ўзбекистонда 12,7 млн. меҳнат ресурслари мавжуд бўлиб, улар ҳар йили ўрта ҳисобда 210-220 кишига ўсмоқда. Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этиб, жаҳон мамлакатлари ичида Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти жиҳатидан нақадар юқори эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 га тенг бўлиб, бу меҳнат ресурслари таркибидаги кўпчилик аҳоли кучга тўлган 18-35 ёшли кишилардан иборат эканлигини кўрсатади. Мамлакатдаги меҳнатга яроқли аҳолининг учдан икки қисми қишлоқ аҳолисига тўғри келади. XXI аср бўсағасида 16 ёшгача бўлган ўсмирларнинг 70,2 фоизи қишлоқда яшаб, улар 2000-2010 йиллар давомида меҳнат ресурслари гуруҳига ўтади. Бу эса қишлоқда янада меҳнатга яроқли аҳоли сонининг ўсишидан дарак беради. Ўзбекларнинг ўзига хос яна бир урф-одати жойларга кўчиб юришдан қатъий воз кечишидир. Уларнинг кўпчилиги қаерда туғилса, ўша ерда яшаб, истиқомат қилади. 1990 йили ҳар 100 қишлоқ аҳолисига тўғри келган шаҳар аҳолиси 70 кишини ташкил этган ҳолда, 1999 йили 58 кишига тушиб қолди. Бу эса қишлоқда аҳоли сонини 59,2 фоиздан 63,2 фоизга кўтарди.

Маълумки, меҳнат ресурслари деганда шу мамлакатдаги ёки ҳудуддаги мавжуд бўлган меҳнатга яроқли ишчи кучи тушунилади. Аммо, ҳамма меҳнат ресурслари лаёқатига эга бўлишидан қатъи назар, улар иш жойига эга бўлавермайдилар. Шунинг учун меҳнат ресурсларининг умумий сони уларни ишлаётган улушидан катта бўлади.

Шунинг учун, меҳнат ресурслари иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол ресурсларга бўлинади.

Иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнат ресурслари таркибидagi ишлаётган ҳамда ишламай юрган (ишсизлар) кишилар тушунилади. Улар қуйидаги усулда аниқланади:

$$\text{Иф} = \text{Иа} + \text{И}$$

бунда, Иф—иқтисодий фаол аҳоли;

Иа—иш билан банд меҳнат ресурслари;

И—ишсизлар сони.

$$\text{Ёки: Иф} = \text{МР} - \text{ИИ}$$

МР—меҳнат ресурслари;

ИИ—иш билан банд бўлган меҳнат ресурслари.

1999 йили Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли 9134,5 минг кишини ташкил этиб, уларнинг 8513,5 мингтасини иш билан банд бўлганлар ташкил этади. 621 минг меҳнатга яроқли ишчи кучи ишлаб чиқаришда банд эмас. Уларнинг учдан икки қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Иқтисодий фаол аҳолининг 27,8 фоизи давлат секторига, 72,8 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Ҳозир қишлоқ хўжалигида меҳнатга яроқли аҳолининг 40 фоизи ёки 4,2 млн. киши фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий нофаол аҳоли деганда давлат ва айрим кишилар қарамоғида бўлган ва ҳеч қаерда ишламайдиган кишилар тушунилади. Уларга: студентлар, ҳарбий хизматчилар, ахлоқ тузатиш муассасаларидагилар, руҳий касаллик шифохонасидагилар, пенсионерлар, қариялар уйида яшаётган кишилар, интернатларда яшаётган ўсмирлар (Д), ишламайдиган уй бекалари, стипендия олмай ўқиётганлар, болалар ва пенсия олмайдиган қариялар (Е).

Иқтисодий нофаол аҳоли қуйидаги усулда аниқланади:

$$\text{Инф} = \text{Д} + \text{К} + \text{Е}$$

Иқтисодий нофаол аҳоли мамлакат аҳолисининг 64,2 фоизини ташкил этади.

Меҳнат ресурсларини сифат жиҳатидан ўрганиш иқтисодий ривожланиш қонуниятларини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Чунки, меҳнат ресурслари сифати қанча юқори бўлса, мамлакат саҳовати даражаси шунча юқори бўлиши мумкин.

Меҳнат ресурслари сифатини ўрганишда уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш тавсия қилинади:

— мулкчилик шакллари бўйича;

— тармоқлар бўйича;

- машгулотлар бўйича;
- ижтимоий гуруҳлар бўйича;
- ёши ва жинси бўйича;
- маълумоти бўйича;
- ҳудудлар миқёсида;
- миллати бўйича ва бошқалар.

Меҳнат ресурсларининг мулкчилик шакллари бўйича бўлиниши уларнинг давлат ва нодавлат секторлари орасидаги нисбатни акс эттиради. Нодавлат секторида асосан меҳнат ресурсларининг хусусий корхоналар, ижара корхоналари, ҳиссадорлик корхоналари, деҳқон хўжаликлари орасида тақсимланиш динамикасини кўрсатиб, корхоналарнинг қай даражада ишчи кучи билан таъминланганлигини аниқлаш ва таҳлил этиш мумкин. Меҳнат ресурсларини мулкчилик шакллари асосида ўрганиш қишлоқдаги меҳнат ресурсларининг мулк шакллари бўйича қай даражада тақсимланганлиги, меҳнат ресурслари қайси мулк шаклларида марказлашганлиги, улардан фойдаланиш даражасини, ишсизлар ҳолатини, мулкчилик шаклларида тўлақонли ишчи кучи бозори қай даражада амалга оширилаётганлигини аниқлаш мулк шаклларининг келажақда ривожланиш ҳолатини белгилаш имкониятини беради.

Меҳнат ресурсларини соҳалар ва тармоқлар бўйича ўрганишда тармоқлардаги ишчи кучи улушига қараб улар қандай йўналишда ривожланаётганлигини аниқлаш мумкин. Агарда меҳнат ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг кўп қисмини ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати ташкил этса, бундай тармоқни аграр-индустриал иқтисодиёт, агарда ялпи ички маҳсулот улушида саноат маҳсулотлари қиймати устун бўлса, индустриал-аграр иқтисодиёт, агарда ишчи кучининг 75 фоиздан юқори улуши қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан юқори улушини ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати ташкил этса, аграр иқтисодиёт, деб юритилади. Меҳнат ресурсларини тармоқлар бўйича ўрганиш қайси соҳа ёки маълум соҳа тармоқларининг иқтисодиётдаги тутган ўрнини аниқлаш имкониятини беради. Шунинг учун меҳнат ресурсларининг бошқа гуруҳлари ҳам шу гуруҳ билан бевосита боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш

ва тегишли фикр-мулоҳазалар юритиш имкониятини беради.

Меҳнат ресурслари доимо ҳаракатда, ўзгаришда, миграция ҳолатида бўлади. Меҳнат ресурслари ҳаракати бу — уларнинг сони, таркиби, тақсимланиши ва жойланишининг вақт бўйича ўзгаришидир.

Меҳнат ресурслари ҳаракати қуйидаги ҳолатларда юз беради:

— табиий ҳаракат — ёши жиҳатидан бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиш. Ўсмир 16 ёшга тулиши уни меҳнат ресурслари қаторига, ёши улғайиши эса нафақахўрлик гуруҳига ўтишни тақозо этади. Оқибатда меҳнат ресурслари кўпайиши, озайиши, уларнинг сифати яхшиланиши ёки пасайишига олиб келади;

— мамлакат, ҳудудлар, вилоятлар, туманлар, хўжаликлар ичида ёки улар ташқарисида юз берадиган ўзгаришлар. Меҳнат ресурслари ҳар хил сабаблар таъсири остида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши мумкин. Бу эса бир ҳудудда аҳолининг кўпайиши ёки озайишига ҳам таъсир этади;

— касб, ҳунар, мутахассисликлар (профессионал) таъсири натижасидаги ўзгариш. Бу эса меҳнат ресурслари таркибига кирувчи ҳар бир шахснинг иш фаолиятини ўзгартириш заруриятини келтириб чиқаради;

— ижтимоий ҳаракат — малакасини ошириш, амалий билим даражасини кўтариш, меҳнат тажрибасининг юксалиши, бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи ижтимоий гуруҳга ўтиш натижасида юз беради.

Меҳнат ресурсларини ҳудудлар ва вилоятлар бўйича аграр соҳада жойланиш муаммоси ҳам долзарб муаммолардан биридир.

Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши энг кўп ва катта миқдорда жонли меҳнат сарфини талаб этади. Унда ишлаб чиқариш жараёни мавсумий хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, қисқа муддат ичида катта миқдорда меҳнат ресурслари жалб қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистондаги барча вилоятлар, туманлар ва хўжаликларда аҳоли ўсиши ва жойланиши ҳар хил бўлганидек, меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси ҳам ҳар хилдир.

1999 йили Ўзбекистонда 22,8 млн. меҳнатга яроқли аҳоли бўлиб, 1 кв. кмга 25 тадан меҳнатга яроқли аҳоли тўғри келган ҳолда, Андижон вилоятида 267, Бухоро вилоятида 16, Жиззах вилоятида 21, Наманган вилоятида 142, Фарғо-

на вилоятида 178, Навоий вилоятида 4 та меҳнатга яроқли аҳоли тўғри келган. Меҳнатга яроқли аҳолининг бу тарзда жойланиши айрим вилоятларда, туманларда, хўжаликларда меҳнатга яроқли аҳоли сонининг кўплиги қишлоқ хўжалик ишларини ўз муддатида агротехника талабларига риоя қилган ҳолда, сифатли бажарилиши натижасида, ишлаб чиқаришни иқтисодий ўсишини юқори даражада таъминлаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Меҳнат ресурслари билан кам миқдорда таъминланган вилоятлар ва туманларда эса ишчи кучи етишмаслиги натижасида қишлоқ хўжалик экинларини ўз вақтида парвариш қилиш имкониятига эга бўла олмаётирлар. Оқибатда, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги паст бўлиб, ўз муддатида йиғиб-териб олиш имкониятига эга бўлмаганлиги туфайли нобуд бўлишга сабабчи бўлмоқда. Натижада, бу ҳолат ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига салбий таъсир этмоқда. Улар ҳаммаси мамлакатнинг айрим ҳудудларида ортиқча ишчи кучининг пайдо бўлишига, иккинчи бир ҳудудларда эса ишчи кучи етишмаслик муаммоларини келтириб чиқармоқда. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларини аграр секторда бир меъёрда жойлаштириш муаммоси кўп йиллардан буён ҳал этилмасдан келинмоқда. Мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, ернинг узоқ муддатга ижарага берилиши ва ишчи кучининг товарга айланиши, бу муаммони ҳал қилиш имкониятини яратади.

### **7.6. Аграр секторда меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш макроиқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан бир қатор тафовутларга эга. Бу тафовутларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни бевосита табиат, биологик, кимёвий, иқлим, тупроқ, сув ва бошқа жараёнлар билан бевосита боғланганлиги туфайли ишчи кучи омили бирданига бошқа омиллар билан қўшиш имкониятига эга бўлмайди. Масалан, қишлоқ хўжалик экинлари (масалан, пахта) экиш жараёнини бошлаш учун тупроқдаги иссиқлик ҳароратининг  $+13^{\circ}\text{C}$  кўтарилишини кутиш керак. Чигит ерга экилганидан кейин униб чиққунга қадар биологик жараён давом этиб иш, кучи сарфлаш заруриятини келтириб чиқар-

майди. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун сингилдагидек ҳар куни меҳнат сарфлаш талаб этилмайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш фақат ишлаб чиқариш омилларигагина боғлиқ эмас;

— қишлоқ хўжалигида табиий, об-ҳаво, биологик, агротехник ва бошқа омиллар таъсири натижасида ишлаб чиқариш жараёнини бир текисда амалга ошириш имкониятига салбий таъсир этиши мумкин. Масалан, об-ҳаво таъсири натижасида кучли сел келиши туфайли қишлоқ хўжалик экинларини нобуд қилиши мумкин. Бу офатнинг олдини олиш учун қисқа муддат ичида катта миқдорда меҳнат ресурсларини сафарбар қилиш зарурияти пайдо бўлади;

— қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари кўп қиррали мутахассисликка эга бўлиши керак. У бир вақтда кетмончи, сувчи, боғбон, чорвадор, механизатор, аравакаш ва ҳоказо. Йигит кишига етмиш хил ҳунар ҳам оз, деган халқ мақоли балки деҳқон учун айтилган мақолдир. Деҳқон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида қайси иш турини бажармасин, у албатта, агротехник талабларга тўла жавоб бера олиши шарт. У ўз малакасини ҳамма иш турлари бўйича мунтазам ошира бориши лозим;

— қишлоқ хўжалигида ҳар хил бажариладиган ишлар жараёни ҳар хил ҳунарга ва мутахассисликка эга бўлган кишиларнинг меҳнат кооперацияси асосида амалга оширилади. Ҳар хил ҳунар эгалари ҳисобланган деҳқонлар бир хил иш турини бажарадилар. Бугун ҳамма — гўза қатор ораларини ишловчи, эртага — пахта терувчи ва ҳоказо;

— қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишда ишчи кучи омили билан бир қаторда ер, сув ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига ҳам катта эътибор берилади. Чунки, қишлоқ хўжалигида олинадиган фақат ишчи кучи сарфи натижасидагина бўлиб қолмасдан бу натижа бир вақтда ер, сув, уруғ, ем-хашак ва бошқа меҳнат қуроллари ва буюмларининг ҳам натижасидир. Тупроқ унумдорлиги қанча юқори бўлса, экинларнинг сувга бўлган талаби қанча кўпроқ қондирилса, ҳайвон томонидан истеъмол қилинадиган озуқа тўйимлилиги қанча юқори бўлса, иқтисодий натижа шунча юқори бўлади. Демак, ишлаб чиқаришни ташкил этишда табиий ресурсларни ҳам “боқиш”, “тўйдириш” зарурияти келиб чиқади;



— меҳнат жараёни ўз-ўзини бошқариш асосида амалга оширилади. Чунки ҳар қандай ишлаб чиқаришни ишчи кучи бошқарган тақдирда қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг табиий, биологик, агротехник, иқлим, об-ҳаво шароитлари бошқарилади. Масалан, об-ҳавонинг инжиқликлари натижа-сида ҳаво бузилиб, ёмғир ёки қор ёғса, ишчи кучидан фой-даланиш ўз-ўзидан тўхтайти, ҳосил пишиб етилмагунча меҳ-нат сарфлаш зарурияти пайдо бўлмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида бошқарувчи ва амалга оширувчилар ўрта-сида қатъи белгиланган меҳнат тақсимоти юз беради;

— қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мавсумий ҳусусиятга эга бўлганлиги туфайли меҳнат ресурсларидан кеча-кундуз, ҳафта, ой, йил мобайнида бир меъёрга фойдаланиш имкония-ти бўлмайди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсла-ридан мавсумий фойдаланилади. Масалан, бугдой етиштириш учун 6 ой (180 кун) талаб этади. Аммо, бугдой етиштириш учун фақат 15 кун меҳнат сарфи талаб этилади. Қолган 5,5 ой давомида дон экини табиий, биологик, об-ҳаво ва бошқа омил-лар таъсирида ўсади, ривожланади ва пишди;

— қишлоқ хўжалигида фермер, деҳқон хўжаликлари ишчи кучига бўлган талабни асосан ўз оила аъзолари ҳисобига амалга оширади. Пайчилик асосида ташкил этилган ширкатлар ва ҳиссадорлик бирлашмаларида ҳам ишчи кучи пай эгалари ҳисобланган аъзолардан ташкил топади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган меҳнат ресурслари ўз малакаси, касби, мутахассислиги жиҳатидан саноат қорхоналари ишчи ва хиз-матчилари даражасидан анча паст бўлиб, улар ишчи кучи-нинг моддий ва маданий савиясига салбий таъсир этади;

— қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдала-ниш кунлик иш соати миқдори ҳамда дам олиш кунлари қонун асосида белгиланмаган. Иш куни узунлигини фақат ишловчи ўзи белгилаши мумкин. У айрим кунлари ва ойлари бир кеча-кундузи 12-15 соатлаб ишлаб чиқариш жараё-нида банд бўлиши мумкин;

— қишлоқда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда уларга таътилга (отпускага) чиқиш қоидаси қонуний жорий қилин-маган. Кўпчилик меҳнатга яроқли аҳоли қиш ойларида деҳқ-ончилик ишлари тўхтаган вақтларда бепул дам оладилар;

— қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдала-нишни ташкил этиш жиҳатидан ҳам фарқланади. Қишлоқ

хўжалигида бир қатор ишлаб чиқариш ресурслари (ер, сув) текширилган. Уларни сотиб олиш, янгидан пайдо қилиш, фойдаланишига жалб этиш мумкин эмас. Бу ҳол қишлоқда ишлаб чиқаришни хоҳлаган ҳажмда ҳосил қилиш, кенгайтириш, янгидан ташкил этиш мумкин эмаслигини англатади. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан хоҳлаганча фойдаланиш имкониятини ярата олмайди;

— аграр секторда ишлаб чиқариш жараёни очиқ далада юз беради. Шунинг учун меҳнат ресурслари об-ҳаво, қуёш, радиация остида ишлайдилар. Иш жараёни оғир бўлиб, кўп миқдорда меҳнат сарфлашни талаб этади. Ходим ўз меҳнатини ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар мураккаб техника, асбоб-ускуналар ёрдамида эмас, балки фақат кетмон, ўроқ, этак ва бошқа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг хонаки қуроллари ёрдамида амалга оширади. Қишлоқ хўжалик меҳнати инсонни тез чарчатадиган, тинкасини қуритадиган, зерикарли оғир меҳнатдир;

— аграр секторда хизмат қилувчи меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида, бу соҳанинг иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечимини топиш соҳага хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ташкилий тадбирларни белгилашда фойдаланиш зарур.

### **7.7. Аграр соҳада йил мобайнида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш мумкинми?**

Аграр соҳада иш юритиш меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусияти, уларнинг меҳнатдан йил мобайнида фойдаланиш жиҳатидан бошқа соҳада меҳнат қилган меҳнат ресурсларидан фарқланади. Уларнинг ишлаб чиқаришга йил мобайнида қатнашиш даражаси, йиллик иш вақтининг кўлами ҳам бошқа соҳа ва тармоқлардаги фойдаланилаётган меҳнат ресурсларидан кам бўлади. Секторда фойдаланилган меҳнат ресурсларининг йил иш вақти 365 кундан, дам олиш, таътилга чиқиш, байрам кунларини, қисқача касаллиги учун йўқолган иш вақтларини чиқариб ташлаб, қолган кунларни кунлик қонуний белгиланган иш вақти миқдорига (6-8) соат кўпайтирилса, унинг бир йилда ишлаб чиқарилган иш вақти аниқланади. Макроиқтисодийнинг бошқа соҳа ва тармоқларида ишчи кучи ишга сабабсиз келмаса, унинг иш жойидаги ишлаб чиқариш воситалари ҳаракатга келмайди,

ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолади ёки умумий ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир этади. Аммо, аграр секторда бу ҳол юз бермайди, унда ишлаб чиқариш жараёни давом этаверади, ғўза, дон ва бошқа экинлар ўсаверади. Ҳайвонлар бир неча соат ёки бир неча кун овқат-сув кутиб молхонада ётаверади. Юқорида қайд қилинганидек, ишчи ишлашни хоҳласа ҳам ишлаб чиқариш жараёни ишчи кучини қабул қилиш заруриятига эга бўлмаган жараёнларни ўз бошидан кечирадиган вақт даврида бўлади. Об-ҳаво инжиқликлари, ёмғир-қор ҳам очиқ далада ишчи ўз меҳнатини сарфлаш имкониятидан маҳрум қилади. Бу қанча давом этиши об-ҳаво шароитига, уларнинг давом этиш даврига боғлиқ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни қиш фаслида деярли ишчи кучига бўлган талаби энг паст кўрсаткичга тушиб қолади. Қишлоқ хўжалигида ўсимликшунослик соҳаси уйқу фаслига киради. Кўпчилик ишлаб чиқариш жараёнларида ишчи кучидан фойдаланиш зарурияти йўқолади. Вегетация даврида айрим ҳолларида иш кунлари қисқа муддатда сифатли агротехник талабларига мос ҳолда бажаришга эришиш учун ишчи кучига бўлган бир неча қанча марта ошиб кетиши мумкин. Бу ҳолда ишчи кучи етишмаслиги юз беради. Аксинча, ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларида ишчи кучига бўлган талаб бир қанча марта камайишини талаб этади. Ушбу эса маълум вақтга ортиқча ишчи кучини, пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Бу сабабларга кўра қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган меҳнат ресурслари йил мобайнида бир текисда фойдаланиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида ҳар бир меҳнатга яроқли меҳнат ресурсларини йил мобайнида микроиқтисодиётнинг бошқа соҳаларида банд бўлган ишчи кучи учун мўлжалланган ва қонуний асосда белгиланган йиллик иш вақти миқдоридан ишлаш имкониятини эмас, илмий кузатишлар маълумотига кўра, саноатда ходимнинг йиллик иш вақти фонди 280 иш кунига тўғри келган ҳолда, қишлоқ хўжалигида 242 иш кунига тенгдир. Меҳнат ресурсларидан йил мобайнида фойдаланиш мумкин бўлган бу йиллик иш вақти фондидан ишлаб чиқариш жараёнини ишчи кучи билан қай даражада таъминланганлигини режалаштириш учун фойдаланиш мумкин. Аммо, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат эгаси ишлаб чиқариш жараёнида қанча вақт ишлашини ўзи ҳал қилади.

Аграр секторда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Булар жумласига қуйидаги кўрсаткичлар киради: 1) меҳнат ресурсларининг бандлик коэффиценти (Кб). Бу кўрсаткич иқтисодий фаол аҳоли сонининг (ИФ) меҳнат ресурслари (МР) сонига нисбати билан аниқланади.

$$Кб = ИФ / МР * 100$$

Бу кўрсаткич мавжуд меҳнат ресурсларининг қандай ва қанча улушидан фойдаланилаётганлигини ўзида ифода этади.

2) Иқтисодий фаол аҳолининг юклама коэффиценти (КюК).

Бу кўрсаткич иқтисодий нофаол аҳоли сонининг (ИНФ) иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати билан белгиланади.

$$КюК = ИНФ / ИФ * 100$$

Бу кўрсаткич ҳар 100 иқтисодий фаол аҳоли ҳисобига қанча иқтисодий нофаол аҳоли тўғри келишини билдиради.

3) Меҳнат ресурсларининг мутлоқ ўсиш кўрсаткичи (Му).

Бу кўрсаткич 16 ёшгача бўлган ўсмирлар (У16) + қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жалб қилинган меҳнат ёшида бўлмаган ўсмирлар (Ус) + нафақахўрлар (Н) + четдан келганлар (Кх) йигиндисидан иборат.

$$Му = У16 + Ус + Н + Кх$$

Бу кўрсаткич меҳнат ресурслари потенциал сонининг ўзгариш қонуниятларини ифода этади.

4) Меҳнат ресурслари камайиш кўрсаткичи (Мк).

$Мк = МЕУ + Му + Нг + Хк$ , бунда,

МЕУ – меҳнат қилиш ёшидан ўтган аҳоли сони;

Му – меҳнат қилиш ёшидан ўтганлар сони;

Нг – нафақага чиққанлар сони;

Хк – бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб кетганлар сони.

Бу кўрсаткич мамлакат, ҳудуд, туман ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари, тармоқлари, корхоналар, хўжаликларда мавжуд бўлган ресурсларни маълум давр, вақт (ой, чорак, ярим йил, йил) ичида камая бориш динамикасини ўзида акс эттиради (2).

Меҳнат ресурсларининг ортиши ёки камайиши кўрсаткичларини таҳлил қилмоқ учун меҳнат ресурслари ўсиши кўрсаткичи билан меҳнат ресурсларининг камайиш кўрсаткичи бир-бирларига солиштирилади. Агарда меҳнат ресурслари коэффиценти 1 дан катта бўлса, бу ҳудудда меҳнат ресурслари ўсаётганлигини, агарда 1 дан кичик бўлса, меҳнат ресурслари камайганлигини кўрсатади.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида меҳнат ресурслари кўпайганда, улардан ишлаб чиқаришда кўшимча равишда фойдаланиш тадбирий чораларини белгилаш, агарда меҳнат ресурслари талаб даражасидан паст бўлса, уни кўшимча ишчи кучи жалб этиш йўли билан меҳнат ресурсларини тўлдириш муаммоларини ҳал қилиш имкониятларини беради.

Лекин меҳнат ресурслари миқдорининг кўпайиши ёки камайишидан қатъи назар уларнинг меҳнатида фойдаланувчи харидорлар топиш, уларни иш жойи билан таъминлаш масаласи бозор шароити даврида аграр секторнинг энг муҳим, оғир масалаларидан биридир.

Бу муаммо қишлоқда мавжуд бўлган меҳнат ресурслари билан унга бўлган талаб ўртасидаги боғланиш қонуниятларини аниқлаш натижасида ҳал қилиш мумкин.

### **7.8. Аграр соҳада меҳнат ресурсларига бўлган талаб қандай шаклланади?**

Меҳнат талаби—бу ишчи кучи товарига бўлган талабнинг бозорда намоён бўлишидир. Меҳнат талаби — бу шунчаки эҳтиёж эмас, бу тўловга қобилиятли ва пул билан таъминланган эҳтиёждир. Тўловга қобилиятли бўлмаган эҳтиёжлар талабга кирмайди. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги деярли ҳамма деҳқон оиласи фермер бўлишни хоҳлайди. Аслида уларнинг кўпчилиги фермер хўжалигини ташкил этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишга қобилияти эмас. Фермер бўлиш орзуси фақат фермер хўжалиги бўлиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш қобилияти амалга ошгандан кейингина у талаб даражасига кўтарилади. Демак, хоҳиш хаёл бўлмасдан, балки воқеликка айланмоғи зарур. Эҳтиёжнинг таркиби ва у қондира олишнинг муайян даврдаги имкониятларига қараб талаб даражаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон дон мустақиллигига эриш учун йилга энг камида 4 млн. тонна бугдой ишлаб чиқариши шарт. Бу талаб доимо рўёбга чиқаверади, деган хулоса ҳақиқатдан йироқ. Мамлакатдаги табиий, иқлим, об-ҳаво, табиий ресурслар ва бошқа омиллар таъсири натижасида у ҳар хил талаб турида: ҳақиқий, ўсаётган, барқарор, қондирилган, қондирилиши кечиктирилган, қондирилмаган, меъёрдаги ва ваҳима кўринишида намоён бўлиши мумкин. Бу мисол бошқа талаблар, шу жум-

тадан, меҳнат талабида ҳам ўз аксини топиши мумкин. Меҳнат талаби талаб қонуни асосида амалга ошади. Талаб қонуни бозорнинг талаб товарларнинг нархига нисбатан тескари муносабатида ўзгаришини билдиради. Талаб қонунига асосан нарх ошса, талаб миқдори қисқаради. Аксинча, агар нарх пасайса, талаб ортади. Талаб қилинадиган товарлар миқдори ўзгарувчан миқдор бўлиб, унга бир қатор омиллар таъсир этади.

Хусусан,

Товар баҳоси, харидорлар даромади, харидорлар сони ва диди, бозорнинг узоқ-яқинлиги, меҳнат хусусияти, меҳнат шароити, меҳнат қобилияти, касб-ҳунари ва мутахассислиги, жинси, миллати, ёши, яшаш жойи, дини, урф-одати, регионал, миллий, байналминал каби омиллар шулар жумласидандир.

Меҳнатга бўлган талаб бошқа товарларга нисбатан анча чекланган. Чунки ишчи кучига бўлган талаб фақат ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган соҳибкорлар томонидан аниқланиши мумкин. Сабаби, ишчи кучи фақат ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинади. Шунинг учун, ишчи кучига бўлган талабни ишлаб чиқаришнинг энг кўйи бўғини ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликлари мисолида ўрганиш зарур. Маълумки, фермер ва деҳқон хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнини, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, сақлаш, қайта ишлаб чиқариш ва бошқа барча ишларни ўз оила аъзолари билан бажарадиган хўжалиқдир. Фермер ёки деҳқоннинг ишчи кучига бўлган талаби икки хил усулда юзага келади:

Биринчидан, ўз оиласида ёки қарамоғида мавжуд бўлган ишчи кучи миқдорининг етишмаслиги (доимий, мавсумий, вақтинчалик);

Иккинчидан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этиш имкониятининг пайдо бўлиши; Ҳар бир фермер ва деҳқон хўжалиги йил бошида ўз хўжалиги учун ишчи кучига бўлган талабни аниқлаши шарт. Бу талаб унга йил мобайнида қанча, қандай турдаги, касбдаги ишчи кучи кераклиги, улардан фойдаланиш муддатлари, иш турлари, бажариладиган иш ҳажмини аниқлашга ёрдам бериши ва бизнес режада тўла аксини топа олиши шарт. Аксинча, ўз хўжалигида мавжуд бўлган ишчи кучи ортиқчалиги сезилган ҳолда, уларни “ишсизликка” айлантirmаслик учун зарур бўлган чора-тадбирларни олдиндан аниқлашлари керак. Бу келтирилган мисол қишлоқ хўжалигидаги ҳамма кичик, ўрта, катта ишлаб чиқариш шаклларида, хизмат кўрсатиш корхоналарида

ҳам амалга оширилиб, улардаги ишчи кучига бўлган талаб жамланиб, бозордаги ишчи кучига бўлган талаб аниқланади.


Меҳнат ва унинг қобилияти бўлган ишчи кучи ҳам бошқа ноз-неъматлар сингари товар ҳисобланиб, меҳнат бозорида сотилади ва сотиб олинади. Бозорда товарлар қандай қонунлар таъсири остида сотилса, ишчи кучи ҳам шу қонунлар асосида сотилади. Бозорда бир томонда ёлланувчи меҳнат, иккинчи томонда эса уни ёллаб ишлатишни хоҳловчи харидорлар турибди, деб фараз қилайлик. Бу жараёнда ишчи кучи ёлловчи ўзига керак бўлган меҳнат эгасини қидиради. Бунда асосий ўринни ишчи кучини ёллаб олувчи харидор ўйнайди. У фақат ўз мақсадларини энг юқори даражада амалга оширувчи кишини қидиради. Ишчи кучи эгаси қандай сифатларга эга бўлишидан қатъи назар уни ишга ёллаш ёки ёлламаслик масаласини харидор ҳал қилади. Бозорда мавжуд бўлган ишчи кучларининг қандайдир бир улушини ёллаб олишни хоҳловчи харидорлар томонидан билдирилган эҳтиёж бозорда ишчи кучига бўлган талаб миқдори, деб юригилади (Ит). Чунки бозорга тушган ҳамма ишчи кучига эга бўлган кишилар ўз кучларини сотиши мумкин эмас.

Бозорда ишчи кучига бўлган талаб деганда мавжуд ишчи кучининг қандай улуши сотилади, ёлланади деган саволга жавоб беради.

Харидор хоҳиши деганда ишчи кучини маълум муддатга фойдаланиш учун уни бажарган иши эвазига (ишчи кучи баҳосига) иш ҳақи тўлай олиш қобилиятига айтилади.

Ишчи кучи баҳоси бозордаги баҳо мувозанатидан иборат бўлиб, уни иш ҳақи, деб айтамыз. Иш ҳақи ёки ишчи кучи товарининг баҳоси унинг эгасининг ёлланган вақт ичида бажарган иш ҳақи эвазига тўланади. Демак, ишчи кучининг баҳоси юқори бўлса, талаб қонунига кўра ёлловчилар камроқ ишчи кучи ёллашга ҳаракат этади. Оқибатда ишчи кучини камроқ сотиб оладилар. Аксинча, ишчи кучи баҳоси пасайиб, иш ҳақи даражасига нисбатан паст бўлса, харидор-ёлловчи кўпроқ ишчи ёллайди. Ишчи кучига талаб ортади. Уни қуйидаги 1-расмда талаб эгри чизигида келтирилган қонуниятлардан яққол кўриш мумкин:

Демак, ишчи кучи баҳоси (иш ҳақи) ҳар ойда бир ишчи учун 5000 сўмдан тўланганда ишчилар сони 15 кишини ташкил этган ҳолда, иш ҳақи 5000 сўмдан 1000 сўмга тушган вақтда ёлланган ишчилар сони 15 тадан 50 кишига кўпайди. Бу эгри чизиқнинг асосий мақсади ишчи кучидан фойдаланувчиларнинг қайси ҳолларда кўшимча ишчи кучи жалб этиб, кўшимча маҳсулотларга эга бўлиш қонуниятларини кўрсатади. Ле-



1-чизма. Иш ҳақи даражаси меҳнатга талаб.

кин, меҳнат бозорида харидорлар (ишчи кучини ёллаб олувчилар) ишчи кучи баҳосини хоҳлаганча пасайтириш имкониятига эга бўлавермайди. Ишчи кучи эса доимо ўз кучи баҳосини кўтаришга, оқибатда иш ҳақи миқдорини ортишига ҳаракат қилади. Чунки ишчи ўз кучини юқори баҳода сотишга эришиши уни ва унинг оиласини турмуш даражасини кўтаришга олиб келади. Меҳнатни ёллаб олувчилар эса иш ҳақини камайтириш эвазига ўз фойдасини оширишга муяссар бўлади.

Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши ёки камайиши ишчи кучини ёллаб олувчи харидорларнинг дидига ҳам боғлиқдир. Ишчи кучини ёллашда ҳар бир харидорни ўз диди бўлиб, олди-сотди жараёнида шу дид ҳукмронлик қилади: Бу дидга ёнланувчиларнинг касби, малакаси, меҳнат қобилияти, билими, иш тажрибаси, жинси оила кўрган ёки кўрмаганлиги, миллати, турар жойи, ёши, фарзандлар сони каби омиллар ташкил этади. Айрим ҳолларда уларнинг тил билиши ёки билмаслиги ҳам катта рол ўйнайди. Айниқса, ёлланувчини ёши, малака даражаси, ёнланган соҳадаги ёки формадаги ишлар жараёнидан, қандай даражада хабардорлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмол қийматига, сифатига қай даражада таъсир эта олиш кабилари ҳам ҳисобга олинади. Юқорида қайд қилинган сифатлар сўзсиз меҳнатга бўлган талабни ва унга тўланадиган иш ҳақларини ошиш ва ошмаслигига сабаб бўлади. Чунки ишга ёлланувчининг юқоридаги сифатлари бевосита меҳнат унумдорлигига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин.



Меҳнат — бозорида ишчи кучига бўлган талаб харидорларнинг даромадли салоҳиятига боғлиқдир. Агарда фермернинг даромади қанча кўп бўлса, унинг тадбиркорлик фаолияти шунча кенг бўлиб, у ишлаб чиқаришни турли соҳалари ва янги турларини ривожлантира олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса унга қўшимча ишчи кучи ёллаш заруриятини келтириб чиқаради. Ёнланма ишчи кучидан фойдаланувчи корхоналар, фермер хўжаликларида фан-техника тараққиётини ҳамда интенсив технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳолати ҳам катта рол ўйнайди. Ишлаб чиқариш технологиясининг янгилашиши — сўзсиз фойдаланилган ишчи кучи малакасини ошириш, янги технология ва тажрибаларга тўла мос келадиган ишчи кучларига эга бўлишни тақозо этади. Бу ҳолда: биринчидан, ишлаб турган ишчиларга янги ҳисобга мос келадиган ҳолда қайтадан касб ўргатиш; иккинчидан, бозордан шу технологияга мос келадиган ишчи кучлари ёллаб олиш талаб этилади. Ишчи кучининг малакасини оширишга қисқа муддатли кучлар таъсир этилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янги касбдаги ишчи кучини тайёрлашда мамлакат ичидаги имкониятлар билан бир қаторда чет элларда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ерда асосий ўринни ишчи кучи малакасининг юқори бўлиши ва малакани ошириш учун сарфланадиган харажатларни тезроқ қайтариш имкониятлари ҳисобга олинади.

Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб харидорлар мўқдорига ҳам боғлиқдир. Ишчи кучини сотиб олувчилар сони қанча кўп бўлса, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб шунча ортиқ бўлади.

Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб пул қадрига ҳам боғлиқ. Инфляция ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган иштиёқни пасайтиради. Бу ўз навбатида ишчи кучига бўлган талабнинг камая боришига сабабчи бўлади. Меҳнат талабига: минтақавий, миллий, байналмилал омиллар ҳам таъсир этади.

Минтақавий омил — иш юритаётган корхонанинг қандай иқлимга жойлашганлиги (қулай, ноқулай), ишлаб чиқаришнинг тузилиши, маҳаллий урф-одатлар таъсир этади. Масалан, ишлайдиган корхона об-ҳаво, сув, иқлим жиҳатидан қанча қулай жойга жойлашган бўлса, ишга ёлланувчиларни ишга қабул қилиш хоҳиши шунча юқори бўлади. Агарда об-ҳаво но-

кулай (масалан, қорақум, қизилқум ва чўл вилоятлари) бўлса, ишга ёлланувчиларнинг хоҳиши шунча камая боради.

Миллий омилга — мамлакат доирасида талабнинг юксалиш даражаси миллий, диний анъаналар кириб, у меҳнат талабига ҳар хил таъсир этади.

Байналмилал омилга — ишчи кучининг хорижий мамлакатларга чиқиши ва хорижий мамлакатлардан келиши билан боғлиқ бўлган муаммолар киради. Ишчи кучининг хорижий мамлакатларга чиқиши учун халқаро андозага мос келадиган билим, илм, малака, касб, ҳунар, мутахассислик ва бошқа омилларга боғлиқ хорижий мамлакатларга ишчи кучини сотиш — шу мамлакат тилини, маданиятини, урф-одатини билишни тақозо этади. Мамлакатлараро ишчи кучи миграцияси — ишчи кучи малакасини оширишга, ишчи кучи эгасини эса маданиятини юксалтиришга сабабчи бўлади.

Талаб шаклланишининг асосий қуроли — рекламадир.

### **7.9. Аграр меҳнат ресурсларига бўлган таклиф қандай амалга оширилади?**

Меҳнат таклифи — муайян вақтда бозорга чиқилган ва маълум нархда сотиладиган жами ишчи кучи товаридир. Юқорида қайд қилинганидек, ишчи кучи бошқа товарлардан фарқланади. Ишчи кучи товари миқдор жиҳатидан чекланган. Уни завод-фабрикада бошқа товарлар сингари ишлаб чиқариш ҳам мумкин эмас. Уни бозорда хоҳлаган вақтда ва хоҳлаган миқдорда топиш ва сотиб олиш имконияти ҳам йўқ. Ишчи кучини сотиб олиш учун катта талаб бўлиши мумкин. Аммо, талаб қанча катта бўлишидан қатъи назар сотиладиган ишчи кучи товари миқдори оз бўлиши мумкин. Унга истак қанча катта бўлсада, бу истакни қондириш имкониятига эга бўлмаслик мумкин. Бу истак:

**Биринчидан**, мазкур мамлакатнинг ишчи кучи билан қанчалик таъминланганлик даражасига, **иккинчидан**, ишга яроқли бўлган кишиларнинг иш билан мунтазам таъминланганлиги (узоқ вақт иш жойи билан таъминланиши), **учинчидан**, ишга яроқли шахс ва унинг оиласининг даромади миқдори, унинг ишлаш ёки ишламаслик хоҳиши каби бир қатор омиллар натижасида эришиш ёки эриша олмаслик мумкин.

Ишчи кучи товарига бўлган таклиф асосида жаҳон мамлакатлари уч гуруҳга: **биринчи** — ишчи кучига талабдан ортиқча, **иккинчи** — ишчи кучи билан тўла таъминланган,

**учинчи** — ишчи кучи товари билан таъминланмаган мамлакатларга ва вилоятларга бўлиниши мумкин.

Талабдан ортиқча ишчи кучига эга бўлган мамлакатларда ёки вилоятларда ишчи кучи сероб товарлар гуруҳига киради. Бундай мамлакатларда ва вилоятларда ишчи кучи баҳоси (иш ҳақи) паст бўлиб, у энг арзон товарлар қаторига киради. Бундай ҳолатда ишчи кучининг бир қисми мамлакат иқтисодиёти ривожлантириш мақсадида фойдаланилса, бир қисми “ишсиз” ёки хорижий мамлакатларда ёлланиб ишловчи ишчи кучига айланади. Ишчи кучи билан кам таъминланган мамлакатларда ишчи кучи товари тақчиллиги туфайли унинг баҳоси юқори бўлади. Аммо, ишчи кучи баҳосини хоҳлаганча ошириш мумкин эмас. Бу эса товарлар таннархини ошиб кетишига, соҳибкорнинг оладиган фойдасининг камайишига олиб келади. Бу қийинчиликдан чиқиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлигини оширишга таъсир этувчи омиллардан фойдаланиш ҳисобига ишчи кучига бўлган талабни сунъий равишда пасайтиришга даъват этади. Ишчи кучи товарига таклиф даражаси — меҳнат ресурсларининг узоқ вақт бир жойда ишлаши, иш жойини тез-тез ўзгартириш ёки уни йўқотиш ҳолатига ҳам боғлиқдир. Агарда ишчи кучи товари — товар ёллаб олган соҳибкорлар талабини тўла қондириш қобилиятига эга бўлсалар, улар ўз иш жойларида узоқ муддат ишлаб иш билан бандлиги барқарор бўлади. Бу ҳолда меҳнат бозорига тушадиган ишчи кучи миқдори камая боради, унга бўлган талаб ортади. Аммо ҳозирги вақтда бозор иқтисодиёти таъсири натижасида ўз мамлакатаида ишловчи меҳнатга яроқли ишчи кучи ўрнига, хорижий мамлакатлардан келиб ишлашни хоҳлаган, талаб даражасига тўла мос келган ишчи кучини ёллаб, ундан фойдаланиш авж олмоқда. Ҳозирги вақтда АҚШ, Англия, Германия ва бошқа бир қатор мамлакатларда хорижий мамлакатлардан келган ишчи кучи банд бўлган ишчи умумий кучининг 50-85 фоизини ташкил этмоқда. Миллий ишчи кучи камайтирилган смена соатлари асосида ишламоқдалар. Ишчи кучи таклифига — меҳнатга яроқли ходим ва унинг оиласига тўғри келадиган даромад миқдори ҳам таъсир этмоқда. Кўпинча етарли ва талабдан ортиқча бойликка эга бўлган кишилар ва уларнинг меҳнат қилишга яроқли оила аъзолари ўз кучини сотиб, ёлланиб ишлашдан “ор” қилмоқда.

Улар рағиб (уз маблағини, капиталини банк-ка қўйиб фоиз ҳисобида дивиденд олувчилар) сифатида ҳаёт кечирмоқда. Мамолакатдаги оилалар қанча бой бўлса, улар жисмоний меҳнат қилишдан шунча узоқлашмоқда.

Лекин, бу ҳолатлардан қатъи назар ишчи кучи — товар сифатида сотилиши ва бу жараёнда у талаб ва таклиф қонуни таърифига асосан, у кучини сотиши лозим. Бозорда ўз кучини сотишга мўлжалланган меҳнат ҳажми таклиф қилинган меҳнат товарлари миқдори, деб аталади. Меҳнат таклифи сотишга чиқарилган меҳнат товарлари суммаси билан белгиланади. У бозорга сотиш учун чиқариладиган меҳнат ҳажмининг мавжуд меҳнат ресурсларига нисбати билан аниқланади.

$$Mx = Cm / Mm * 100, \text{ бунда,}$$

$Mx$  — бозорга сотиш учун чиқарилган меҳнат миқдори;


$Cm$  — бозорда сотиладиган ишчи кучи миқдори;

$Mm$  — мавжуд меҳнат ресурслари.

Харидорларнинг (ишчи кучини сотиб олувчилар) меҳнат товарларини сотиб олишлари учун аввал меҳнат товарининг ўзи бўлиши керак. Бу жараёнда ишчи кучининг бошқа товарлардан фарқи шуки, у бозорга меҳнат маҳсули сифатида эмас, балки ишчи кучи эгаси сифатида тушади. Харидор энди алоҳида товар ҳисобланган инсон билан учрашади. Таклиф этилаётган меҳнат товари инсон билан бирга бўлиб, инсон энди ўз кучини маълум вақтга (ой, йил) сотиш мақсадида харидорга ёлланади. Ёлланувчи шу муддатда унга ўз кучини, билимини, малакасини, меҳнат қилиш қобилиятини сотади. Ишчи кучи баҳосида — унинг меҳнати қандай сарфланиши тўла ўз аксини кўрсатади. Меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган таклиф ҳам нархга нисбатан эластик бўлади, иш ҳақи ошса, меҳнат таклифи кўпаяди, камайса, таклиф қисқаради. Бу қонуниятни яққол тасаввур этиш учун қуйидаги мисолни келтирамиз: меҳнат талабида ишчи кучи баҳоси ҳисобланган иш ҳақининг ортиши натижасида ишчи кучига бўлган талаб камайиб борганлигини кўрган эдик. Меҳнат таклифида эса иш ҳақининг камайиши натижасида бозорда ишчи кучини сотувчилар сони ҳам камая бошлади. Бу эса бозорда ишчи кучи баҳосининг пасайишини тўхтатиб, яна унга бўлган таклифнинг ортишига олиб келади. Оқибатда талаб ва таклиф қонуни ҳаракати таъсири остида бозорда ишчи кучининг олди-сотди қонунияти давом этади. Чунки ишчи кучи эгаси ўз кучини юқорида нархда сотиш мақсадида у ўз кучини бозорга олиб чиқади ва сотишга таклиф этади. Энди


товар ишлаб чиқарувчи фермерлар кўпроқ фойда олиш мақсадида қўшимча ишчи кучини сотиб олиш иштиёқи пайдо бўлади. Оқибатда, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижа-сида бозорга тушадиган товарлар миқдори ортиб боради, фермер бозорда товарни қимматроқ сотиш ҳисобига кўпроқ фойда олишга муяссар бўлади. Аммо, бу ҳол узоқ давом эт-майди. Бозорда товарлар миқдори кўпайиши, бу товарга бўлган талабнинг камаёя боришига олиб келади. Товарларни сотиш муаммоси қийинлашади, энди фермер ишлаб чиқар-ишни вақтинча қисқартириш заруриятини сезади. У ҳолда бозордан қўшимча ишчи кучини сотиб олиш ўрнига бир қисм ишчи кучини ишдан бўшатишга мажбур бўлади. Яна бозорда ишчи кучига бўлган таклиф камаёяди. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг яна бозорда олдинги ишлаб чиқарган товарга таклиф пайдо бўлади. Яна фермерда қўшимча ишчи кучи сотиб олиш зарурияти пайдо бўлади. Шунинг учун, ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи бозорда ўзининг мавқеини узоқ вақт бир меъёрда ушлаб туришга ҳаракат қилади. Бундай талаб ва таклиф мувозанати бозор барометри ҳисобланиб, бозордаги талаб ва таклифни бир-бирига мос келтириш, бозор механиз-мини ишга солиш имкониятларини яратиб беради. Меҳнат бо-зорида ҳам талаб-таклиф ўйини мавжуд. Улар тенглашганда мувозанат ҳосил бўлади. Бу мувозанат маълум иш ҳақи миқ-дори даражасида пайдо бўлади. Унга меҳнат таклифи эгри чи-зигида келтирилган маълумотлар мисол бўлади.

Ойлик иш ҳақи (1000 сум)



2-чизма. Иш ҳақи миқдори.

Ойлик иш ҳақи (10000 сум)



3-чизма. Меҳнатта талаб ва меҳнат таклифи мувозанати.

3-чизмада меҳнат талаби ва таклиф мувозанати берилган бўлиб, бу талаб ва таклифнинг кесишган жойи, ишчи кучи-га бўлган талаб ва таклиф кўрсатилиб, қолган меҳнат ресур-

лари учун ҳозирги баҳода талаб ва таклифнинг йўқлигини билиради. Бизнинг мисолда 110 та бирликда меҳнат запаси бўлиб, ундан 50 бирлиги иш билан банд бўлиб, ойига ўртача 5000 сўмдан иш ҳақи олганлиги кўрсатилган. Демак, 60 та бирликдаги ишчи кучига талаб йўқлиги туфайли унинг меҳнатидан фойдаланиш имконияти ҳозирча йўқлигидан далолат беради. Талаб ва таклиф мувозанатига иш ҳақи билан бир қаторда техника тараққиёти, иқтисодий турғунлик, танглик, янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат ресурсларидан мавсумий фойдаланиш, махсус қобилият, бақувват ва соғлом истеъдод, тажриба, билим, меҳнатни ҳурматлаш, илмнинг қизиқарли бўлиши, меҳнатдан обрў топиш, меҳнат сифати, юқори мансабга эришиш, иш жойини йўқотмаслик, нуфузлилик, аҳолининг тез кўпайиши, аҳоли сонида меҳнатга яроқли аҳоли сонининг улуши, меҳнат мотивацияси, меҳнат стимули, иқтисодий ва маънавий стимулга эга бўлиш, иш жойининг яшаш жойидан узоқлиги, маънавий ҳимояланиш даражаси, меҳнатга яроқли аҳолининг турмуш даражасининг кўтарилиши, аҳоли даромадлилиги, обҳаво каби бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатга бўлган эҳтиёжнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, унда банд бўлган ходимлар сонининг кўпайиши чекланган. Меҳнатдаги бошқа соҳалар, саноат, транспорт, алоқа ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, ишчи кучига бўлган қўшимча талабни келтириб чиқаради. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари чекланганлиги туфайли ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳам чекланган. Қишлоқ хўжалигида мулк эгалари асосан ўз меҳнатлари билан ишлаб чиқаришни амалга оширишга ҳаракат этади. Бу эса қишлоқ хўжалигида ишчи кучига бўлган талабни чеклашга олиб келади. Ҳозирги вақтда жаҳонда энг илғор мамлакатлар ҳисобланган АҚШ қишлоқ хўжалигида мамлакатдаги меҳнатга яроқли аҳолининг 2,9 фоизи, Голландияда 7,0 фоиз меҳнатга яроқли аҳоли банд. Аграр соҳада меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклиф орасида мутаносиблик шаклланмас экан, меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланиш имконияти яратилмайди. Аграр соҳада ҳам меҳнат ресурслари миқдори ўсишига нисбатан ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омиллари тез ўсмас экан, меҳнат ресурсларини тўла иш

билан бандлик муаммосини ҳал қилиб бўлмайди. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурсларининг капитал билан қуролланиш даражаси меҳнат ресурслари кўпайишига нисбатан тез ортмаслиги шарт. Бу шарт ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантиришнинг олтин қоидасини ташкил этади.

### 7.10. Меҳнат бозорида ишчи кучи сотиладими?

Ишчи кучи бозори — ишчи кучини олди-сотди қиладиган жой ёки олди-сотди муносабатларини амалга ошириладиган бозор туридир. Ишчи кучи товар сифатида сотилиши учун ўзига хос хусусиятларга: у сотилмоғи учун сотишга яроқли кучга эга бўлиши; бу кучни бозорда қонуний жиҳатдан сотишга қатнаша олиш ҳуқуқига эга бўлиши (куч эгаси ҳар қандай қонуний жаҳолардан озод бўлиши); сотиладиган ишчи кучи қандайдир бирор ҳунарга, малакага, мутахассисликка эга бўлиши; ишчи кучи эгаси соғлом, ўз кучини хоҳлаган шароитда фойдалана оладиган ҳолатга эга бўлиши керак. Ишчи кучи — товар сифатида бозорда сотилар экан, у бозорда бошқа товарлар қандай қонунлар асосида сотилса, у ҳам шу қонунлар асосида сотилади ва сотиб олинади. Ишчи кучи бозори бошқа бозорлардан фарқланади. Ҳамма бозорларда ишчи кучи томонидан яратилган меҳнат маҳсули сотилса, ишчи кучи бозорида эса барча бойликни яратувчи ишчи кучи товари сотилади.

Ишчи кучи товар сифатида бошқа товарлардан фарқланади, бу фарқлар, тафовутлар қуйидагилардан иборат:

- барча товарлар сотилиши натижасида истеъмол доирасига ўтади. Истеъмол жараёнида ўз шаклини ўзгартиради, эскиради, ўз умрини тугатади. Ишчи кучи эса доимо қайтадан тикланиб туриш қобилиятига эга бўлганлиги туфайли уни қайта-қайта сотиш мумкин;

- ҳамма товарлар олди-сотди туфайли ўз эгасидан ажратилиб, сотувчи мулкидан сотиб олувчи мулкига айланади. Ишчи кучи эса инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти бўлиб, уни ўз эгасидан ажратиш мумкин эмас. Ишчи кучининг янги эгаси бўлиши мумкин эмас. У инсон қобилияти бўлиб, у билан яшайди, у билан биргаликда ўлади;

ҳамма товарлар (ишлаб чиқариш ресурсларидан ташқари) сотилиши натижасида инсоннинг қандайдир бирор эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Ишчи кучи эса фақат ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинади, фойдаланилади, янги истеъмол товарлари яратади;

- ҳар бир сотиладиган товар — эҳтиёжнинг бир турини қондиради. Ишчи кучи товари эса универсал товар бўлиб, унинг ёрдамида хилма-хил истеъмол қийматига эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш мумкин. Ишчи кучи — инсон учун зарур бўлган бирча товарларни ишлаб чиқарувчи ягона товардир;

- ишчи кучи бошқа товарлар сингари қайта сотилиш жараёнига тушавермайди. У фақат ўз эгасининг қандайдир бир эҳтиёжини қондириш зарурияти пайдо бўлгандагина сотилиши, товарга айланиши мумкин;

- ишчи кучи маълум муддатга (соат, кун, ҳафта, ой, йил) сотиладиган товардир. Сотилиш (ишга ёлланиш) вақти ўтиши билан ишчи кучи товар ролини ўйнашдан тўхтаydi;

- ҳамма товарлар ишлаб чиқариш маҳсули. Улар ишлаб чиқариш кўламига, ҳолатига боғлиқ. Ишчи кучи эса ишлаб чиқариш маҳсули эмас, инсон маҳсулидир.

Меҳнат бозорининг туб маъноси ва мазмуни иш топиш ва иш кучидан фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан иборатдир. Бозорнинг мақсади, Ишнинг ишчи кучи эгасини ёлланма иш кучи сотиб олувчи-харидор билан учраштиришдир, улар орасида воситачилик ролини бажаришдир. Бу жараёнда иш кучи сотилади, ёлланма ишчига айланади. Иш кучи товарга айланади, унинг баҳоси — иш кучи қиймати аниқланади. Ёлланма ишчи ўз кучини маълум вақтга сотади. Иш кучини сотувчи ҳам, шу иш кучини сотиб олувчи ҳам бир-бирларидан наф кўриш имконияти пайдо бўлгандагина иш кучи сотилади ва сотиб олинади. Якка ҳолда олди-сотди юз бермайди, иш кучи сотилиш жараёнида уни бажарадиган иш миқдорига қараб олинадиган иш ҳақи миқдори белгиланади.

Иш кучини сотувчилар ва уларни сотиб олувчилар ўртасида келишув битимлар, меҳнат шартномалари, жамоа битими, бош битим кўринишда амалга оширилади.

**Меҳнат контрактлари (шартномаси)** — ишга ёлланувчилар ва уларни сотиб олувчилар ўртасида якка тартибда тузиладиган



битимдир. Бу битимда ишнинг мазмуни, иш шароити, иш ҳақи миқдори, ишлаш муддати, ёлланувчи ва иш берувчиларнинг мажбуриятлари кўрсатилади. Ҳар иккала томон шартномани тасдиқлайдилар, сўнгра у қонуний кучга киради.

**Жамоа битими** – қишлоқ хўжалик корхоналари, фирма-лар билан уларда хизмат қилишни хоҳлайдиган шахслар, оила-лар, тўдалар, гуруҳлар орасида тузилади. Бу битимда ҳар икки томоннинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари кўрсатилади. Жамоа би-тимида – ишнинг сифати ва унумдорлиги, иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, иш ҳақини индексациялаш ва бошқа бандлар ўз аксини топади.

**Бош битим** – иш берувчилар, қасаба уюшмалари ва дав-лат ўртасидаги битимдир. Бу битим ишловчиларнинг, улар-ни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ўртасидаги битимдир.

Иш кучи ҳам бошқа товарлар сингари товар сифатига эга бўлмоғи зарур. Товар сифати – товарга бўлган талабни оширади. Иш кучи сифати – товарнинг муайян эҳтиёжла-рини қондира оладиган хоссалари мажмуи, бозорда товар со-тилишининг асосий кўрсаткичидир. Иш кучи сифати бошқа товарлардан фарқ қилиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятла-ри. Бу хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин: касб, ҳунар, билим, мутахассислик, меҳнат малақаси, соғлиги, ёши, меҳнат қобилияти, жинси ва ш.к. Иш кучи эгасининг бошқа товардан фарқи шундаки, у ўз кучи баҳосини ошириш мақсадида ишчи кучи сифати-нинг ошиб боришига ҳаракат қилади.

### 7.11. Ишсизликдан қутилиш мумкинми?

Бозор иқтисодиётига ўтишда – барча мамлакатлар иқти-содиётида, унинг секторларида – ишсизликнинг пайдо бўли-ши табиий.

**Ишсизлик**, деб – меҳнатга лаёқатли бўлсада, иш жойига эга бўлмаган, ўзига иш топа олмасдан меҳнат резерви армия-сига айланиб қолган кишиларга айтилади.

Ишсизлик бу меҳнатга лаёқатли шахс ишлашни жон дили билан хоҳласада, лекин уни топа олиш имкониятига эга бўлмаган кишилар гуруҳидан иборатдир.

Ишсизлар гуруҳига қуйидаги турдаги кишиларни кири-  
тиш мумкин: **биринчидан**, ишдан кетиши натижасида янги  
иш жойини топа олмасдан ишламаётган кишилар; **иккинчи-  
дан**, ўз хоҳиши билан ишни ташлаганлар; **учинчидан**, узоқ  
вақт ишламасдан, ишлаш мақсадида меҳнат бозорига иш то-  
пиш учун келганлар; **тўртинчидан**, ҳар хил шароитларга кўра  
ишлаб чиқаришнинг тўхталиши натижасида иш жойини  
пуқотганлар; **бешинчидан**, ишлаб чиқаришнинг мавсумий  
характерда бўлиши; **олтинчидан**, об-ҳаво ва табиий омиллар  
таъсири натижасида ишсизга айланганлар; **еттинчидан**, тех-  
ника тараққиёти ва меҳнат унумдорлиги таъсири натижаси-  
да иш жойини йўқотганлар; **саккизинчидан**, ишлаб чиқариш  
технологиясининг ўзгариши натижасида касб мос келмаслик  
натижасида ишдан бўшаганлар; **тўққизинчидан**, аҳолининг  
тез кўпайиши ва меҳнатга лаёқатли аҳоли қисмининг ўз вақ-  
тида иш жойи билан таъминлаш имконияти йўқлигидан  
ишлай олмаётганлардан ташкил топади. Ишсизлик ишчи  
кучига бўлган талабни тўлдириб турувчи манбадир. Ишсиз-  
лик бозорда иш кучи баҳосини пасайтиришга ижобий таъ-  
сир кўрсатадиган кўрсаткичдир. Ишсизлик даражаси қуйи-  
даги формула асосида ҳисобланади:

$$Ид = Ис / Мр * 100, \text{ бунда,}$$

Ид — ишсизлик даражаси;

Ис — ишсизлар сони;

Мр — меҳнатга яроқли ишчи кучи.

Ишсизлик уч турга:

**I. Функционал ишсизлик** — бу нормал ҳолатдек мазмунга  
эга бўлиб, иш ахтариш, ишга жойлашув билан боғлиқ бўлган  
ишсизликдир.

Бу тоифадаги ишсизликка — ўз касбини ўзгартираётган,  
кучиб кетаётган кишилар, биринчи марта ишга кираётган  
ёшлар, бола боқувчи аёллар, шунингдек, вақтинчалик иш-  
дан бўшатиш ва мавсумий ишчилар киради. Ишсизлик-  
нинг бундай шакли исталган ижтимоий тизимда, иқтисодий  
ривожланишнинг исталган даражасида мавжуд бўлиб, у иж-  
тимоий хавфли ишсизлик бўлиб ҳисобланмайди.

**II. Тузилмавий ишсизлик** ишлаб чиқаришдаги тузилма  
ўзгаришлари туфайли вужудга келиб, у доимий мавжуд бўлади.  
Чунки бу асосан ривожланиш билан боғлиқ воқеликдир.  
Масалан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида янги соҳа-

ларнинг (боғдорчилик, узумчилик, субтропик экинлар, ёпиқ ерларда сабзавотчилик қилиш, кўчатлар етиштириш, чорвачиликда янги тармоқларнинг ташкил этилиши) пайдо бўлиши эски соҳаларнинг қисқаришига олиб келади. Эски соҳада ишлаётганлар янги соҳага керак бўлган касбни дарҳол ўзлаштира олмайди. Касбни ўзгартиргунга қадар ишсиз бўлиб қоладилар. Бу ишсизликни ҳам функционал ишсизликка ўхшаган бугунлай йўқ қилиб бўлмайди. Унига янги малака бериш йўли билан эски касбга эга бўлган касб янгиланади, унинг ўрнига янги ишсизлар пайдо бўлаверади.

**III. Мавсумий ишсизлик** — ишлаб чиқариш жараёнининг мавсумийлиги туфайли уни ишдан тўхтаган вақтларда унда ишловчиларнинг ишсизларга айланиши. Бу ишсизлик об-ҳаво, ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни натижасида юз беради. Масалан, деҳқончиликда дон етиштиришнинг ишлаб чиқариш вақти 6 ойни ташкил этишига қарамасдан унда ишловчилар фақат 15 кун иш билан банд бўладилар. Пахта етиштириш вегетация даври 120-140 кун бўлишига қарамасдан унда юз берадиган агротехник, биологик, кимёвий, физик жараёнлар даврида ишчи кучи сарфлаш зарурияти йўқолади. Қиш ойлари деярли ўсимликчиликнинг кўпгина тармоқларида иш жараёни тўхтайдди. Оқибатда бу соҳа тармоқ ва хўжаликларида ишсизлар пайдо бўлади, булар мавсумий бўлиб, иш жараёни яна бошланиши билан ўз иш жойларига қайтиб, ишни давом эттираверадилар.

**IV. Яширин ишсизлик** — бу ишсизликнинг кўп тарқалган соҳаси қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалигида иш жараёнининг мавсумийлиги, касбни ўзгартириш зарурияти йўқлиги, меҳнат мутахассислиги даражаси пастлиги (бугун сувчи, эртага кетмончи, индинга боғбон ва ҳоказо) натижасида кишилар ўз касбларини ўзгартирадилар. Масалан, оила пудратида ёки фермер ва деҳқон хўжалигида иш ҳажми уч-тўрт кишига етарли бўлган жойда оиладиги ҳамма кишилар ишлайдилар. Ҳақиқатда уч-тўрт киши ўрнига саккиз-ўн киши ишлайдилар. Ташқи кўринишдан қараганда ҳамма иш билан банддек кўринади, аммо тўрт-олти киши ишсиз. Агарда қўшимча иш жойи ёки иш ҳажми ортган тақдирда улар тўла ишлайдиган кишиларга айланишлари мумкин. Яширин ишсизлар ишлаб чиқариш хусусияти ундай кишилардан касб, илм, тажриба, мутахассисликка бўлган талабнинг йўқлиги натижасида пайдо бўлади.

**V. Умумий ишсизлик** — товарлар, хизматлар бозорининг касод бўлиши — моддий ноз-неъматларга талабнинг камайиши натижасида пайдо бўлади. Бу эса бир қатор корхоналарда иш ҳажмининг қисқарилишига, айримларининг инқирозга учраши туфайли юз беради. Бу ишсизлик иқтисодий ташкиллар оқибатида юз беради.

Бозор иқтисодиётида ишсизлик касали доимийликка эга. Бу эса оғир ижтимоий муаммоларга олиб келиши мумкин. Иш билан бандликни фақат бозорда келишув ва унда меҳнат иш ҳақиға алмашади, деб тушуниш етарли эмас. Чунки иш билан бандлик ҳаёт тарзидан иборатдир. Ишсиз қолиш — турмуш тарзининг туб ўзгариши деган ҳодисадир. Бунда даромад билан бирга инсоний ўзгаришлар юз беради. Зеро, ишсизлик катта салбий оқибатдир. Доимий ишсизлик камбағалликдан қашшоқликка олиб келиши мумкин.

Мамлакатда иқтисодий ривожланиш юз бериши оқибатида ишсизликнинг камая боришини кузатиш мумкин. Аммо, ҳар қандай ишсизлик ҳам иқтисодий ривожланиш учун салбий оқибатларга олиб келавермайди. Хусусан, агар ишсизлар ишга лаёқатли бутун аҳолининг 6-7 фоизини ташкил этсада, улар асосан функционал ва тузулмавий турларга мансуб бўлса, иқтисодий самарадорликка салбий таъсир этиши мумкин эмас. Масалан, ҳозирги вақтда энг ривожланган мамлакат ҳисобланган АҚШда ишсизлик 8 фоизни, Японияда 6 фоизни, Францияда 7 фоизни ташкил этади.

Ишсизлик оқибатларини бир тамонлама баҳолаб бўлмайди. Унинг ижобий ва салбий томонларини чуқур таҳлил этиш лозим. Унинг ижобий томони шундаки, ишсизлик хавфи кишиларни яхши ишлашга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ўзи ишлаётган корхона ва фирмани обрўсини кўтаришга, ўз малакаси, билими ва касб маҳоратини оширишга, ҳар қандай вазиятда ҳам корхоналарни ишчи кучи билан тўла таъминлашга, иқтисодий ривожланишга эришишга ижобий таъсир кўрсатади. Ишсизликнинг салбий томони шундаки, меҳнат ресурсларини бир қисми бекор қолиб, моддий ноз-неъматларни яратишга қатнашмайди. Оқибатда маълум даражада моддий бойлик ишлаб чиқарилмасликка сабаб бўлади. Олиб борилган кўзатишларга кўра мамлакатда 1 фоиз ишсизликнинг ошиши 2,5 фоиз ялпи ички маҳсулотни камроқ ишлаб чиқаришга олиб келади.

Ишсизлик давлат аҳамиятига эга бўлган муаммо ҳисобланади, уни ҳал қилишда ҳукумат ўз таъсирини кўрсатиши керак:

**Биринчидан**, меҳнат бандлилик даражасини ошириш дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ёрдам кўрсатиш ва қўшимча иш жойларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий масалаларни ҳал қилиш ва назорат этиш; **Иккинчидан**, ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида узоқ муддатли дастурга эга бўлиш ва уни амалга ошириш; **Учинчидан**, ишчи кучидан ёлланиб фойдаланиш тўғрисидаги қонунни яратиш ва уни амалга ошириш; **Туртинчидан**, ишсизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тадбирларини ишлаб ва амалга оширишдир.

### **I. Мавзуга оид атамалар**

1. Меҳнат тўғрисида тушунча.
2. Ишчи кучи.
3. Аҳолининг кўпайиш қонуни.
4. Меҳнат бозори.
5. Меҳнат талаби.
6. Меҳнат таклифи.
7. Ишчи кучи баҳоси.
8. Ишсизлик.
9. Меҳнат ресурслари.
10. Иқтисодий нофаол аҳоли.
11. Иқтисодий фаол аҳоли.

Юқорида номлари қайд қилинган атамалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг.

1. Меҳнат ресурслари таркибидаги ишлаган ва ишламаган аҳоли.
2. Давлат ва айрим кишилар қарамоғида бўлиб ишламаётган аҳоли.
3. Иш кучига бўлган талаб ва таклиф мутаносибсизлигининг бузилиши.
4. Иш кучининг маълум вақтга берилиши.
5. Ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлиши.
6. Меҳнат вақти ичида меҳнатга яроқли аҳолининг бозорга ўз меҳнатини сотиш учун чиққан қисми.
7. Кишининг онгли, аниқ мақсадга қаратилган меҳнат фаолияти асосида неъматлар ишлаб чиқариш қобилияти.

8. Аҳолининг туғилиш ва ўлиш қонунларини ўзида мустақимлаштирувчи ҳужжат.

9. Ишчининг меҳнати сотиладиган жой.

10. Қонун асосида меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлган аҳоли бўлаги.

11. Инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун фойдаланадиган жисмоний ва ақлий қобилиятлар йиғиндиси.

## **II. Мавзуга оид саволлар**

1. Ишчи кучи нима ва у бошқа товарлардан нима билан фарқланади?

2. Ишчи кучи сотиладими? Сотилса, унинг баҳоси қандай аниқланади?

3. Аҳолининг кўпайиш қонуни деганда нимани тушуна-сиз? Аҳолининг мунтазам тез кўпайиши тўғрисида сизнинг фикрингиз?

4. Ҳамма одамлар меҳнатидан фойдаланиш мумкинми?

5. Меҳнат ресурслари, деб нимага айтилади ва уни қандай аниқлайсиз?

6. Меҳнат ресурсларини суъний усулда яратиш мумкинми?

7. Ишчи кучи малакасини оширишнинг қандай йўллари бор? У нима учун керак?

8. Ишсизликни йўқотиш мумкинми?

9. Ишчи кучи қайси ҳолларда хорижий мамлакатларга ишлаш учун чиқади?

10. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш қандай қуроллар ёрдамида аниқланади?

## **III. Мустақил ишлаш учун вазифалар**

1. Ширкат ҳужалигида (1996-2000 йиллар) охириги 5 йил ичида аҳоли ҳолатида қуйидаги жадвал кўрсаткичидек ўзга-риш юз берди:

а) 16 ёшгача бўлган ўсмирларнинг меҳнатга яроқли ре-сурсга ўтиш динамикасини таҳлил этинг.

б) меҳнатга яроқли бўлган (эркакларнинг 50 ва аёллар-нинг 50%) эркак ва аёлларнинг нафақа ёшига ўтиш қону-ниятини кўрсатинг;

в) бу давр ичида меҳнат ресурслари ҳолатини таҳлил қилинг.

Йил-лар	Хонадонлар сони	Ўртача бир оиладаги одам сони	Жами одамлар сони	16 ёшгача бўлган аҳоли сони, %	Меҳнатга яроқсизлар, %	Нафақахўрлар 19,8	Меҳнат ресурслари
1996	153	4,7		29,4	3,9		
2000	176	4,2		30,5	3,0		

2. Ҳиссадорлар жамияти 300 гектар ерга пахта экиб, ўртача 30 центнердан пахта ҳосили олишни режалаштирган. Пахта-ни қўлда ёки машиналарда териш афзалликларини ҳисоб-ланг (реферат ҳолда ҳисобот тўзинг).

3. “Женерал Моторс” компаниясида 80 фоиз ишчи чет эл фуқароси ҳисобланади. Нима учун, таҳлил қилинг. Таҳлил натижаларини ёзма баён этинг.

## VIII БОБ

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЕР-СУВ ОМИЛИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### РЕЖА:

1. Ер ресурсларисиз аграр ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкинми?
2. Ер ресурси чекланганми? Уни сунъий кўпайтириш мумкинми?
3. Мавжуд сув ресурслари талабни қондира оладими?
4. Тупроқ унумдорлиги пасаядими? Уни ошириш мумкинми?
5. Ерга эгалик қилиш мумкинми?
6. Ердан фойдаланишнинг ижара тизими қандай устунликларга эга?
7. Ер ҳақими ёки рентасими?
8. Ерни баҳолаш нима учун керак? Ер кадастрини тузиш зарурми?
9. Ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш нима учун керак?
10. Сувни деҳқонларга сотиш мумкинми?

*Адабиётлар:* 2; 5; 7; 8; 20; 23; 32; 34.

#### 8.1. Ер ресурсларисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкинми?

Бозор иқтисодиёти ва унинг тизими аграр соҳага янги-ча мазмун берди. Ернинг товарга айланиши, хилма-хил мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши ва ишлаб чиқаришнинг янги шакллари ташкил топиши, ернинг тадбиркорлик объекти бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши, ер учун пул шаклида рента ундирилиши, ер агробизнеснинг махсус фаолият турига айланиши бозор иқтисодиётининг таълабларидан келиб чиқди. Аграр муносабатларнинг объекти



бўлмиш ер — махсус ресурс бўлганлигидан унга хос бўлган иқтисодий алоқалар келиб чиқади. Ишлаб чиқариш хусусияти қандай бўлишидан қатъи назар ер — унинг омилидир. Ер ҳар қандай моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг асосидир. У қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятини яратувчи ягона моддий манбадир. Ер инсон учун истиқомат қиладиган жой, яшаши учун меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмлари етказиб берадиган буюк лабораториядир. Ерсиз инсоннинг яшаши ва меҳнат қилиши мумкин эмас. У табиат томонидан инсонга ҳадя қилинган ва ҳеч қандай бойликка тенглаштириб ва солиштириб бўлмайдиган буюк бойликдир.

Иқтисодиётда «ер» атамаси нафақат тупроқ устини, балки тупроқ остидаги минералларни, сувни, иқлимни, топографияни, аслида «табиат инъоми» ҳисобланган ҳамма нарсани ва инсон фаолиятининг натижасини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги учун ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини ўтайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш икки хусусиятига эга: **биринчидан**, ер билан инсон меҳнати қўшилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёни — иқтисодий жараёни ташкил этса, **иккинчи** томондан, табиий, биологик жараён натижасидир. Қишлоқ хўжалигида ҳар қандай ишлаб чиқариш тури биологик ўзгаришларга иқлим ва об-ҳаво шароитларига, тупроқ унумдорлиги ҳолатига ва бошқа бир қатор табиий биологик омиллар натижасига боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатга бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари қўшилишидан иборат бўлиб, уларнинг яшашига — **аграр сектор**, деб юритилади. Бу жараёнда ер ресурси асосий ролни ўйнаб, у бошқа ресурслардан ишлаб чиқариш воситаси сифатида фарқланади.

Бу тафовутлар:

- ер чекланган ресурс, уни ишлаб чиқариш жараёнида бошқа ресурслар сингари ишлаб чиқариш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида фойдаланишга нолайиқ бўлган — чўл, ботқоқлик, заҳкаш ва бошқа турдаги ерларга инвестиция сарфлаб, уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланишга яроқли ерларга айлантириш мумкин. Аммо, бундан ер миқдори кўпайди деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Биз ерни бир тури ҳисобига иккинчи тури ҳажминини кўпайтиришга эришдик, холос;

- ер табиат маҳсулидир. Инсон ўз меҳнати билан унга таъсир этади. тупроқ хусусиятларини ўзгартиради, уни ўзига

фойда келтирадиган меҳнат буюмига айлантиради, оқибатда унинг маҳсулдорлиги, нафлилиги орта боради;

- ернинг ўрнини ҳеч бир ресурс боса олмайдиган, алмаштириб бўлмайдиган, ўта ноёб бўлган ресурсдир. Ер бошқа ресурсларга қўшимча ресурс сифатида фойдаланилмайди, уни бошқа ресурслар билан алмаштириб бўлмайди. Ер томонидан бажариладиган функцияни ҳеч бир бошқа восита бажариши мумкин эмас;

- ер қўзғалмайдиган асосий воситадир. Шунинг учун уни бошқа ишлаб чиқариш воситалари сифатида кўчириб юриб, фойдаланиш имкониятига эга эмас;

- ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Ҳамма ишлаб чиқариш ресурслари фойдаланиш ёки фойдаланмаслик натижасида эскиради, ишдан чиқиб кетади, ўз шаклини ўзгартиради. Ер эса унинг акси;

- ер ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмлари ролини ўйнайди. Ҳеч бир ишлаб чиқариш воситаси бундай ролни ўйнай олмайди;

- ер фойдаланиш ёки фойдаланмаслик натижасида эскирмайди, фойдаланиш қобилиятини йўқотмайди. Унга мунтазам ишлов берилса, унинг унумдорлиги, нафи орта боради;

- ер ҳаммабоп ресурсдир. Унда деҳқончилик қилиш, саноат юргизиш, қурилиш қилиш мумкин. У мамлакат иқтисодиётининг ҳамма соҳаларида ер объекти сифатида хизмат қилади.

Ердан ишлаб чиқариш омили сифатида фойдаланишда бу омилларни ҳисобга олиш зарур. Чунки инсон томонидан сарфланган бир кўламдаги меҳнат эвазига ҳар хил миқдорда наф олиши мумкин. Акс ҳолда, ер ҳар қандай бойликнинг онаси сифатида хизмат қилиш ўрнига инсонга, жамиятга келтиралиган нафлилиги пасая бориб, охирида унинг айрим бўлаклари кераксиз ресурс сифатида фойдаланишдан чиқиб кетиши мумкин.

## **8.2. Ер ресурси чекланганми? Уни сунъий кўпайтириш мумкинми?**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашиб, усиз ҳеч қандай ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин эмас. Юқорида қайд қилинганидек, уни бошқа ресурслар сингари инсон томонидан янгидан ишлаб чиқариш, янгидан яратиш мумкин эмас.

Ҳамма ресурслар инсон томонидан унинг меҳнати натижа-сида яратилиб, хоҳлаган миқдорда фойдаланишга эришиш мумкин бўлган бир ҳолда, фойдаланишга яроқли ер миқдори орта бориш ўрнига камая бормоқда. Ернинг бу хусусияти уни чекланган ресурс, деб аташга далолат беради. Ер барча жамиятни, ер юзидаги барча инсонни боқадиган ягона во-ситадир. Шунинг учун кишилар томонидан фойдаланилади-ган ерлар миқдорини камайтириш эмас, балки ҳар қандай шароитда ҳам ошира боришга эришмоқ даркор.

Ўзбекистоннинг умумий ер майдони — 447,9 млн. гек-тарни ташкил этади. Умумий ер майдонининг 27,9 млн. гектари (6,2 фоизи) қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 4474 минг гектари (15,9 фоизи) ҳайдаладиган ерлардан иборат. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудидаги 420 млн. гектар (93,8 фоиз) ер қишлоқ хўжалиги учун фойдаланишга жалб қилинмаган қумликлар, тоғликлар, яйловлар, тоғолди ўрмонзоридан иборат. Охирги маълумотларга кўра, мам-лактда бўлган ер фондининг 5-6 млн. гектари деҳқончи-ликдан фойдаланилади. Мамлакат қишлоқ хўжалигида фой-даланилаётган ерларнинг 4,2 млн. гектари суғорилиб, деҳ-қончилик қилинадиган ерларни ташкил этиб, шундан 1,6 млн. гектари чўл зонасида ва қолган қисми сур тупроқли минтақаларда жойлашган. Суғорилиб, деҳқончилик қили-надиган ерлар Фарғона, Зарафшон водийларига ҳамда Аму-дарё қуйи оқимларида жойлашган минтақаларга тўғри ке-лади. Жами суғориладиган ер майдонларининг қарийб 3 млн. гектари экинзорлардан иборат.

Лалмикор ерлар майдони 767 минг гектардан зиёд ерлар-ни ташкил этади. Лалмикор ерларнинг экин экиш учун етарли даражада намликка эга бўлган қисми фойдаланилади. Лал-микор майдонларнинг асосий қисми Кашқадарё, Самарканд, Тошкент, Жиззах вилоятларида жойлашган. Ўзбекистон ер фондининг энг катта қисмини чўл-яйловлар ташкил этиб, улар 22,8 млн. гектарни ташкил этади. Чўл-яйловларнинг 10 млн. гектардан ортиқроғи сур-қўнғир тупроқли, 13 млн. гек-тари қумли ерлардан иборат. Чўл-яйлов ерларнинг 12 млн. гектардан ортиқроғи суғориб, деҳқончилик қилишга яроқли ерлардан иборат бўлиб, уларни сув билан таъминлаш имко-

нияти пайдо бўлиши билан суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларга айлантирилади.

Ўзбекистон ўзининг эгаллаб турган ер запаси жиҳатидан жаҳондаги энг катта мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашига қарамасдан унда мавжуд бўлган ҳар 100 гектар ери ҳисобига 6,2 гектардан фойдаланиши мумкин. Шундай бир ҳолда Россиянинг марказий вилоятларида ҳар 100 гектар ер заҳирасининг фойдаланиш мумкин бўлган қисм 87-90 гектарини, Польшада 78,9 гектарини, Германияда 92,3 гектарни ташкил этади. Бу мисоллар Ўзбекистон давлатига ер ресурсларидан деҳқончилик қилиш учун ҳаддан ошиқ чекланганлигини кўрсатади. Мамлакатда аҳоли ресурси тез ўсаётган бир вақтда ердан деҳқончилик қилиш учун фойдаланилаётган қисми камайиб кетмоқда. 1990-1999 йиллар мобайнида аҳоли сони 20,3 млн. дан 24,2 млн. кишига, қишлоқ аҳолиси эса 12,1 млн. кишидан 15,3 млн. кишига кўпайган ҳолда, суғориб, деҳқончилик қилинадиган ерлар миқдори 5,2 млн. гектардан 4,2 млн. гектарга, яъний 19,2 фоизга камайди.

Мамлакатда қишлоқ хўжалик экинлари экилаётган ерларнинг камайишига сабаб — мамлакат янги оилалар қуриш учун ер участкалари бериш, қишлоқда иқтисодий ислохотлар натижасида янги маъмурий, ишлаб чиқариш бинолари қуриш ортиб бориши ерни ижарага бериш ва улардан фойдаланиш тизимининг ўзгариши, янгидан маданий-маиший муассасаларнинг тез ривожланиши каби сабаблар натижасида юз бермоқда. Ўзбекистонда суғориб деҳқончилик қилинадиган ерлар ҳаддан ортиқ чекланганлиги туфайли қишлоқда бу ерларни қишлоқ хўжалик айланмасидан чиқариб юбориш масалаларини қонун асосида ҳимоя қилиш масаласи энг долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Ўзбекистонда суғориб, деҳқончилик қилинадиган ерлардан фойдаланишда уларнинг агро-мелиоратив ҳолати масаласи ҳам энг долзарб масалалардан биридир. Собиқ СССР даврида сув танқислигини камайтириш мақсадида барпо этилган сув омборлари ўз атрофидаги суғориб, деҳқончилик қилаётган ҳудудлар ер ҳолатига салбий таъсир эта бошлади. Сув омборида сақланаётган сувларнинг ер остига сингиши орта бориши натижаси ер остидаги сувлар миқдорини кўпайтириб, уларнинг ер устига кўтарилишини интенсив тезлаштирмоқда. Олдин қишлоқ хўжалиги учун фойдаланишга яроқли бўлган

ерлар эндиликда ботқоқликларга айланмоқда, тупроқ таркибида тузлар миқдорини оширмоқда. Оқибатда ерлардан фойдаланиш ҳолатига салбий таъсир этмоқда. Ҳозирги вақтда Хоразм вилоятида фойдаланилаётган экин майдонларининг 6,8 фоизи кучли шўрланган, 21,6 фоизи ўрта, ярмидан кўпроғи эса кучсиз шўрланган ерларни ташкил этади. Бундай ҳолни мамлакат ичидаги барча вилоятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган суғорилиб, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг ярмидан кўпроғи ҳар хил даражада шўрланган ерларни ташкил этиб, улардан фойдаланиш деҳқон учун йилдан-йилга кўпроқ харажат сарфлашга сабабчи бўлмоқда. Мамлакатда кўп йиллардан буён қўшимча ерларни ўзлаштириш дастури тузилиб, уларни амалга оширишга қарамасдан, қишлоқ хўжалик айланмасидан чиқиб кетаётган ерлар миқдори янгидан ўзлаштирилаётган ерлар миқдоридан ортиб кетмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган, суғориб, деҳқончилик қилинаётган ерлар таркиби, жойланиши, об-ҳаво, тупроқ, сув ва бошқа омиллар таъсири натижасида инсонга ҳар хил наф келтирмоқда. Масалан, суғориб, деҳқончилик қилинадиган ҳар гектар пахта майдони, чўл-яйловларга нисбатан 100 марта, тоғолди яйловларига нисбатан 50 марта, лалмикор ерларга нисбатан эса 7,5 марта кўпроқ даромад беради. Демак, Ўзбекистоннинг келажакдаги ҳали ўзлаштирилмаган катта миқдордаги ер заҳирасини ўзлаштиришнинг янги усуллари топиш ва қўлланиш асосида қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерлар улишини ошириш ва эскирдан суғорилиб, деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқаришга яроқли бўлган ерларнинг улушини камайишига чек қўйишдан иборат.

### 8.3. Мавжуд сув ресурслари талабни қондира оладими?

Ўзбекистон энг иссиқ мамлакатлар қаторига киради. Айрим йиллари унинг хароратида иссиқ  $+48^{\circ}$ - $50^{\circ}$ С дан ортиб кетиши мумкин. Бундай иссиқлик тупроқнинг устки қисмидаги намликнинг кескин камайишига олиб келиб, унда ҳеч қандай ўсимликнинг яшаши мумкин эмас. Илмий тадқиқот институтлари маълумотига кўра, тупроқ ўз таркибидаги намлик 65-80 фоиз бўлгандагина ўсимликлар нор-

маи ўсиши ва ҳосил бериши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатда суғориб, деҳқончилик қилиш узоқ авлодларининг мерос бўлиб қолган. Сирдарё ва Амударё хавзаларида милоддан олдин 8-7 асрларда суғориб, деҳқончилик қилингани маълум. Ҳозир ҳар бир Ўзбекистон фуқароси суғормасдан туриб, ҳеч қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мумкин эмаслигини яхши билади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида экиладиган ҳар бир экин ўзининг биологик ҳолатига қараб ўз ўсиш даврида маълум миқдорда сув талаб қилади: 1 центнер буғдой дони етиштириш учун 30-40 м<sup>3</sup>, картошка етиштириш учун — 18-20 м<sup>3</sup>, шоли учун 135-140 м<sup>3</sup>, пахта учун 800-1200 м<sup>3</sup> сув сарфлашга тўғри келади. 1 киши бир сукада 20-30 литр сув сарфлайди. Сув ёрдамида тупроқ таркибида озуқа моддалар эрийди, парчаланadi, ўсимлик уларни истеъмол қилadиган ҳолга айланади. Ерга экилган ҳар қандай экин ўз ҳосилдорлигига, сувга бўлган эҳтиёжига, вегетация даврига қараб ҳар хил миқдорда сув талаб этади. Агарда экин турлари талабдаги сув билан таъминланмаса, у сўзсиз унинг ҳосилдорлигини ва маҳсулот сифатини камайтиришга олиб келади. Илмий тадқиқот маълумотларига кўра йил мобайнида меъёрдан 20 фоиз кам сув олган пахта майдонларидаги ҳосилдорлик 30 фоизга, меъёрдан 20-50 фоизга, 50 фоиздан кам сув билан таъминланган майдонларда эса ҳосилдорлик 80 фоизгача кам ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Қилинган ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистоннинг сув заҳираси сувга бўлган талабнинг 82 фоизини қондиради, айрим сув кам бўлган йиллари эса 62 фоизни қоплайди, холос. Сув камчил бўлган йиллар тез-тез такрорланмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги сув заҳираси ер усти ва ер ости сувларидан ташкил топган. Ўзбекистон жаҳонда ер усти сувлари заҳираси жиҳатидан кам сувли мамлакатдир. Унинг ҳудудидан икки дарё—Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади. Амударёнинг йиллик сув оқиб ўтиш қобилияти 79,6 км<sup>3</sup> ни ташкил этиб, унинг 27,5 км<sup>3</sup> деҳқончилик ва бошқа эҳтиёжларга сарфланган. Сирдарё, эса йиллик сув оқиш қобилияти 38 км<sup>3</sup> бўлиб, унинг 18,4 км<sup>3</sup> суви қишлоқ хўжалиги учун фойдаланилган. Собиқ СССР даврида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон Республикаларида деҳқончиликнинг кескин ривожланиши ва сув-

дан эътиборсизларча фойдаланиш натижасида Сирдарё намини йўқотди. Амударё ярмидан кўпроқ сув заҳираси ҳар хил каналлар орқали қумликларга оқизиб юборилди. Оқибатда Орол денгизи қуриди. Мамлакатда сув тансиқлиги янада кучайди. Ҳозир Ўзбекистон мамлақати ихтиёрида 58 куб км миқдорда сув заҳираси қилиб, бу миқдордаги сув билан унинг иқтисодиётини ривожлантириш имкониятини ярата олиш мумкин эмас. Ер усти сувлари танқислиги ер ости сувларидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқарди. Н.М.Решеткинанинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон давлатининг ер ости сувлари заҳираси 2,160 млрд. м<sup>3</sup> сувни ташкил этади. Ундан фақат 11055 млн. м<sup>3</sup> яъни, ер ости заҳирасида мавжуд бўлган сув заҳирасининг 0,51 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Келажакда Ўзбекистон ер заҳирасидан 2,2-2,5 млн. гектар янги ерлар ўзлаштирилади. Бу эса қўшимча сув ресурсларини талаб этади. Сувга бўлган талаб мунтазам ортиб боради: макроиқтисодий сектор фаолияти кенгайди, аҳоли сони ошадди, аграр секторда эса янги ўзлаштирилган ерлар пайдо бўлади. Бу эса сувга бўлган талабнинг янада ошишига сабабчи бўлади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ер ости сувлари мавжуд бўлган тоғ зоналарида 250 дан ортиқ кичик, ўрта ва йирик кўллар бўлиб, уларнинг сувларидан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Республикада 53 та ҳар хил кўламдаги сув омборлари, 75 та канал, ёз ойларида сувлари қуриб қоладиган 48 та ҳар хил дарёлар мавжуд. Мамлакатда сув танқислиги ер ости сувлари ва тоғликлардаги кўлларнинг сувидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқарди.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган сув ресурслари жуда катта бойлик яратиш манбаидир. Академик Ляркин томонидан қилинган ҳисобларга кўра 1 м<sup>3</sup> сув 113 минг тонна пахта, 116 минг тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари, 41 минг тонна мева ва узум, 7 минг тонна сут, 400 тонна пилла етиштириш имкониятини беради. Бу маҳсулотларнинг қиймати 153 млн. сўми (1985 йил баҳоси) ташкил этиб, уларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган янги қиймат 500 млн. сўми қўшсак 1 м<sup>3</sup> сув — 193 млн. сўмлик соф фойда бериши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш қуйидаги кўрсаткичлар: а) 1 м<sup>3</sup> сув ҳисобига олинган маҳсулот; б) 1 сўмлик харажатлар ҳисобига олинган фойда; в) 1 м<sup>3</sup> сув ҳисобига олинган фойда билан аниқланади.

#### 8.4. Тупроқ унумдорлиги пасаядими? Уни ошириш мумкинми?

Маълумки, ҳар қандай ресурс фойдаланиш ёки фойдаланмаслик натижасида эскиради, қарийди, ўз кучини, имкониятининг пасайиб боришини сезади. Бу қонуният ерга ҳам тегишлидир. Ер ва унинг унум берадиган қатлами — тупроқ таркибида озуқа моддаларининг камая бориши, ундан фойдаланиш агротехник қоидаларининг бузилиши оқибатида ернинг инсонга берадиган нафи камая боради. ”Тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориш” иқтисодий қонуни унга яққол мисолдир. Ерни ўз меъёрида “боқиш” мумкинми? Бунга эришишнинг қандай йўллари бор? деган саволни ҳар бир ер эгаси бериши мумкин. Агарда ерга фан-техника тараққиёти ингиликларидан тўла фойдаланиш, агротехник тадбирларига тўла риоя қилган ҳолда ишлов бериш ва ишлов сифатини мунтазам яхшилаш борилса тупроқ унумдорлиги пасаймайди, ер қаримайди, ишдан чиқмайди, аксинча, унинг инсонга хизмати, меҳр-шафқати, нафи кўпроқ тегади. Тупроқ унумдорлиги — қуввати ортаётганлигидан далолат беради. Бунга эришмоқ учун тупроқда механик ва ким-ёвий хусусиятларни барпо этишга эришишдир.

**Тупроқнинг механик хусусияти, деб** — ернинг усти қатлами бўлмиш тупроқнинг ўсимликлар нозик илдизларини ривожлантириш учун бўлган юмшоқлиги ҳам илдизларини маҳкам ушлаш олиши, бир вақтда сувни кўп ва тез ўтказиб юбормаслик қобилияти учун зарур бўлган тифизлиги ёки сув ўтказмайдиган даражада зичлиги, минерал ва газ моддаларини озуқага айланттириш ва у озуқа билан сув, ҳаво, иссиқлик билан ўсимликларнинг “боқилиши” қобилиятидир.

**Тупроқнинг кимёвий хусусиятлари** — ноорганик элементларни ўсимлик ҳаёти учун қулай шаклга келтириш ва таъминлашни ташкил этиш имкониятидир.

Кишилар капитал ва меҳнат ресурслари сарфлаб ернинг механик ва кимёвий хусусиятига таъсир ўтказиб, тупроқ унумдорлигини оширишга, муяссар бўладилар. Тупроқ унумдорлигини бу усулда оширишга, эришишга ернинг **иқтисодий ёки потенциал** унумдорлиги дейилади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш икки усулда: **табiiй** ва **сунъiiй** усулда амалга оширилади.



**Тупроқнинг табиий унумдорлиги, деб — тупроқдаги механик ва кимёвий ўзгаришларнинг табиий усулда намоён бўлишидир.**

**Табиий унумдорлик** — киши томонидан қўшимча капитал ва меҳнат сарфламасдан табиий йўл билан унумдорликнинг ошишини ўзида акс эттиради. Табиий унумдорлик ернинг пайдо бўлиш жараёнидаги ҳосил бўлмиш унумдорлик (ўзининг унумдорлиги) ҳамда **табиат таъсири** остида ҳосил бўлиб, ер унумдорлигини тўлдириб, кўпайтириб борадиган унумдорликлардан иборат.

Ерга вақтинча дам бериш, унга ҳар йили дарахт барглари, ёввойи ўтлар тушиши, илдишларнинг чириши, шамоллар натижасида гуммусли тупроқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, ёмғир ва қор орқали атмосферадаги озуқа моддаларининг ерга тушиши ва бошқа кўплаб табиий, кимёвий, биологик жараёнларнинг юз бериши натижасида, тупроқда маълум миқдорда озуқа пайдо бўлади. Тупроқ унумдорлигининг шу йўл билан ортишига табиий унумдорлик дейилади. Табиий унумдорлик манбаи — табиат томонидан инъом этилган озуқалар ҳисобланиб, унинг миқдори кўп омилларга боғлиқ. Табиий унумдорлик тушунчаси табиий фанларга тегишли бўлиб, улар ёрдамида ўрганилади.

Тупроқнинг табиий унумдорлиги жамиятнинг зарур бўлган миқдордаги маҳсулотларни етказиб бериш имкониятини бермайди. Табиий унумдорлик асосида ҳар гектар ердан энг юқори 14-15 центнердан пахта, 7-8 центнердан дон ҳосили олиш мумкин. Айрим йиллари бу кўрсаткичлар кескин камайиб кетиши мумкин. Бу эса тупроқ унумдорлигини табиий йўл билан бир қаторда сунъий равишда, яъний ерга қўшимча капитал ва меҳнат сарфлаб, унинг унумдорлигини сунъий ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

**Тупроқнинг сунъий унумдорлиги** — бу тупроқ маданиятини яхшилаш, қўшимча капитал ва меҳнат сарфлаш кўламини ошира бориш, фан-техника тараққиёти ва янгиликларини ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий этиш, кимёвий ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш, ерни алмашлаб экишни изчиллик билан жо-

рий этиш ва унга тўла риоя қилиш, жаҳон деҳқончилик ютуқларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш натижасида тупроқ унумдорлигини ошира боришга эришишдир.

**Тупроқнинг сунъий унумдорлиги** — унга сарфланадиган қўшимча капитал, меҳнат ва агротехник тадбирлар миқдори ва сифатига боғлиқ.

**Тупроқнинг табиий ва сунъий унумдорлиги биргалликда тупроқнинг иқтисодий ёки самарали унумдорлиги, деб аталади.**

Тупроқнинг **мутлоқ ва нисбий унумдорлиги** — бу тупроққа сарфланган ишлаб чиқариш ҳаракати бирлиги ҳисобига олинган ҳосил миқдори билан аниқланади. Тупроқ унумдорлигининг оша боришини илмий ва амалий жиҳатдан мунтазам таъминлайдиган муҳит яратиш зарур. Акс ҳолда **тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни** таъсири натижасида унумдорлик **пасайиши** мумкин.

Тупроқ унумдорлигининг пасайиш қонунининг мазмуни шундан иборатки, меъёрда сарфланган қўшимча капитал меҳнат харажатлари ердан олинадиган маҳсулотларнинг ҳажмини даставвал кўпайтирсада, кейинча қўшимча харажатлар қайта такрорланиши натижа бермай қўяди. Ҳатто маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам камая бориши юз беради. Чунки, бунга сабаб **биринчидан**, тупроқнинг механик таркиби бузилади, натижада тупроқ ориқлаб бориш жараёнининг тикланиши қийинлаша боради. **Иккинчидан**, тупроқ унумдорлигини кўтариш учун сарфланган капитал ва меҳнат харажатларининг самарадорлиги йилдан йилга пасаяди.

Масалан, экинзорга 5 йил мобайнида кўпроқ ҳосил олиш мақсадида қўшимча капитал ва меҳнат сарфланди, деб фараз қилайлик. Натижада биринчи йили 20 центнердан маҳсулот олиб, 100 сўмдан жами  $20 \cdot 100 = 2000$  сўмга сотдик. Маҳсулот олиш учун сарфланган харажат 1500 сўмни ташкил этган десак, у ҳолда биринчи йили  $2000 - 1500 = 500$  сўмлик фойда олдик.

Келаси йиллардаги ҳолатни қуйидаги жадвал маълумотлардан яққол кўриш мумкин (4- жадвал).

Йиллар	Капитал ва меҳнат сарфи, (сўм)	Етиштирилган маҳсулот баҳоси, (сўм)	Олинган маҳсулот миқдори, (ц)	Соф даромад (сўм)
1	1500	100	20	500
2	2000	100	30	1000
3	2500	100	35	1000
4	3000	100	37	700
5	3500	100	40	500

Жадвалда кўринадики, 4 ва 5 йилларда олинган ҳосил миқдори ортган бўлса ҳам, даромад миқдори пасая бошлаган. Тупроқ унумдорлигини оширишга сарфланадиган меҳнат ва капитал омиллари тупроқ унумдорлигини оширишга бевосита таъсир этувчи бошқа омиллар билан чексиз самара берадиган ҳолда бирикиш қонуниятларига амал қилмоғи шарт. Илмий-тадқиқот институтлари маълумотларига кўра, ҳозир фанда режалаштирилган ҳосил олиш усули, деб аталувчи назария кенг тарқалмоқда. Бу назарияга кўра, ҳар бош ҳайвондан, ҳар гектар ердан керакли бўлган миқдорда режалаштириш асосида, маҳсулот олиш мумкинлигини исботламоқдалар. Бу назарияларга кўра — тупроқ унумдорлигини ошириш чексиз бўлиб, у фақат одам омилига боғлиқдир. Бу мулоқот ечимифақат бевосита ерга тўла эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган деҳқоннинг билим-заковатига, тажрибаси ва бошқа инсон фазилатлари натижаларига боғлиқдир.

### 8.5. Ерга эгалик қилиш мумкинми?

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида шаклланишга қадар ер бошқа мулк шакллари сифатида давлат мулки ҳисобланган. Мустақилликнинг дастлабки даврларида ер асосий ислоҳот вазифаларидан бири сифатида, ерни сотиш асосида уни хусусийлаштириш керакми ёки давлат мулки асосида сақлаб қолиш зарурми, деган масала кўндаланг бўлиб турар эди. Жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда ер хусусийлаштирилиб, у товар категориясига айлантирилган. МДҲ таркибига кирувчи кўпгина давлатларда ҳам ер хусусий мулкка айлантирилди. Аммо, Ўзбекистон Республикаси ерни хусусийлаштириш, уни сотиш ва шахсий мулкка айлантириш сиёсатидан воз кечди. Бунга сабаб:

**Биринчидан**, ерни давлат мулки сифатида сақлаб қолиш давлат мулкининг устунлиги тамойилларидан келиб чиқади. Давлат мулкининг устунлиги — бу мулк объектини такрор ишлаб чиқариш, унинг учун йирик миқдорларда харажатлар сарфлаш, инвестициялаш, у субъектни муҳофаза қилиш чоралари давлат мулк субъекти бўлган тақдирдагина қулайроқ амалга ошади. Ўзбекистонда ерга бўлган халқ мулки ва унинг субъекти давлат ҳокимияти бўлишлиги, ерни, айниқса суғориладиган ернинг иқтисодий унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган харажатларнинг самарасини ошириш, тупроқ унумдорлигини оширишда илм, фан-техника тараққиёти даражасидан фойдаланиш, яъни прогрессив технологияларни қўллаш, ерни экология жиҳатидан муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун тузилмаларни яратиш ва бошқа тадбирларни амалга оширишда қулайликлар пайдо бўлади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистонда фойдаланиладиган ер майдонларининг камчилиги, танқислиги, аҳоли сонининг кўплиги туфайли ҳар бир аҳоли сони ҳисобига тўғри келадиган экин майдонларининг озлиги ва ҳамма деҳқон, меҳнатга яроқли аҳолининг ерга бўлган талабини қондириш мумкин эмаслигидир.

**Учинчидан**, ерни хусусий мулкка айлантириш — уни деҳқонларга пулга сотиш ёки бепул ижарага бериш масаласини келтириб чиқаради. Башарти ерни сотиш мўлжалланса, деҳқонларнинг кўпчилигида ерни сотиб олишга маблағи йўқ, ерни деҳқон эмас, ҳеч қандай деҳқончилик билан алоқаси йўқ пулдорлар ва ажнабий фуқаролар сотиб олиши учун шароит яратилиши мумкин. Бу ҳолат қишлоқдаги кўпчилик деҳқон оилаларининг деҳқончилик қилиш фаолиятидан маҳрум бўлишига олиб келган бўлур эди. Агарда ер бепул тақсимланса, унда ҳам ер айрим кишилар қўлида марказланишига, адолатсизликка олиб келинар эди.

**Тўртинчидан**, собиқ СССР даврида ердан фойдаланиш йирик совхоз ва колхозлар шаклида амалга оширилган бўлиб, уларда ердан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш, ерни мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини бозор талабига мослаштириш анча вақтни талаб қилган бўлур эди. Шунинг учун, ерни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида”, “Ижара тўғрисида”ги Қонунлари асосида ер давлат мулки сифатида қолдирилиб, уни деҳқонларга фермерларга, деҳқонлар уюшмаларига узоқ муддатта фой-

даланиш учун ижарага бериш ва бу асосда қишлоқда янги мулкка асосланган, янги ишлаб чиқариш шакллари ташкил топди. Ер айрим жамоа ва деҳқон хўжаликларига мулк сифатида узоқ муддатга ижарага берилиб, уларга биркитилиб, улар ижара мулкига айлантирилди. Ижара муддати 10 йилдан 50 йилгача, айрим ҳолларда умрбод деҳқонга ижарага бериш ҳуқуқи берилди. Ерни шундай деҳқонларга, фермерларга, ширкатларга, ижарадорларга бериш керакки, улар ердан унумли фойдаланиб, тупроқ унумдорлигини мунтазам ошира бориш йўли билан энг кўп ҳосил олишга эришиш имкониятига эга бўлсинлар. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, ерни ишлаштишни хоҳлайдиган ўз эгасига топшириш керак. Ишлаб чиқариш омили сифатида у ўз эгасига фойда келтириши шарт.

### 8.6. Ердан фойдаланишнинг ижара тизими қандай устуникларга эга?

Ердан фойдаланишнинг ижара тизими бу — мулк объекти ва субъектларига нисбатан ўзлаштириш, эгалик қилиш ва фойдаланиш муносабатларини қўллаш орқали мулкни амалга ошириш самарадорлигини кўтаришдир. Иқтисодий категориялик жиҳатидан ижара мулкдор билан мулкка эгалик қилувчи, уни бошқарувчи ва ундан фойдаланувчи ҳамда мулкни ишлатувчи субъектлар ўртасидаги, мулк асосида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўзаро тақсимлаш ва алмашиш, истеъмол қилиш ҳамда ўзлаштириш бўйича бўлган муносабатларнинг йиғиндисидир.

Ижара муносабатлари орқали ер мулкдори (халқ ҳокимияти) ўз мулки бўлмиш ерни бошқа субъектга ижарага, яъни **эгалик қилиш, бошқариш** ёки **фойдаланиш** учун топширади.

Эгалик қилувчи субъект натижада мулкдорлик даражасига кўтарилади. Чунки эгалик қилувчи субъект мулкни истеъмоллар яратиш ёки бирон фойда келтириш вазифасини (функциясини) ўзлаштиради (бу вазифани мулкдор ижарага олувчига беради ёки сотади) ва шу ўзлаштирилган вазифасидан ижарага олувчи мулк объекти билан ўз ишчи кучини меҳнат жараёнида бирлаштириб, маҳсулотлар яратади ва шу маҳсулотларни ҳам ўзиники қилиб олади. Эгаликка олувчи мулкдорга мулки эвазига яратган маҳсулотнинг бир қисмини тўлаб, ўз меҳнати натижасини капитал сарфлаган бўлса,

у яратган даромадларни тўла ўзиники қилиб олади. Бундай ўзлаштириш иқтисодий ва моддий манфаатдорликни кучайтиради. Маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, тақсимланиши ва ўзлаштирилишида адолатлилиikka олиб келади.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ўз қўлига олмасдан, балки, уни фақат фойдаланиш учунгина ижарага олиш ҳам мумкин. Бу ҳолда мулкдор мулкни ўзлаштириш ва эгалик қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиб, фойдаланиш вазифасинигина ижарачига беради ёки маълум вақилга сотади. Ижарачи мулкдан фойдаланганлиги учун ижара ҳақи тўлайди.

Мулкдор томонидан эгалик қилиш учун ижарага берилган мулк эгалик қилувчи — ижарачи томонидан бошқа субъектга иккиламчи ижарага берилиши ҳам мумкин. Ижара муносабатларида икки ёки уч субъект қатнашади: **биринчидан** — мулкдор, **иккинчидан** — мулкка эгалик қилувчи ва уни бошқарувчи ҳамда ижараланувчи субъект, **учинчидан** — мулк объекти билан ишчи кучини бирлаштирувчи, яъни бевосита меҳнат қилувчи субъектлар. Биринчи хил субъект ернинг хусусий мулкдори ёки ер мулкни халқ номидан ўзлаштирган давлат ҳокимияти, иккинчи ва учинчи субъектлар эса мулк объектига эгалик қилувчи, бошқарувчи, ундан фойдаланувчи ҳамда бевосита меҳнат қилувчи субъектлар, яъни оила, деҳқон, фермер, ширкат, ҳиссадорлар жамияти ва бошқалар. Ерни ижарага берувчи субъект — ижарага берувчи (ижарачи), ерни эгаликка олувчиларни эса ижарачилар (ижарадор), деб аталади.

Ижара тизими — узоқ йиллар давомида жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда қўлланилиб, ўзининг ижобий томонини кўрсатди. Буларга:

- ижара тизими ер ва бошқа турдаги мулклардан самарали фойдаланишга эришишнинг энг қулай усулидир;
- ижара тизими—аграр ишлаб чиқариш маданиятини кўтарувчи, унга фан-техника тараққиёти янгиликлари, илғор технология ва тажрибаларни жорий этиш имкониятини ярагиб берувчи омилдир;
- ижара иқтисодий эркинликни ва мустақилликни маълум даражада таъминлайди — натижада ижара субъектлари ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш, ресурсларни сотиб олиш борасида мустақил фаолият юритади, бу ҳол бозор муносабатларини кучайтиради. Бозор иқтисодиётининг қудратли услуби бўлиши эркин рақобатни кучайтиради. Бу ҳол

иқтисодиётнинг ўсишигагина олиб келиб қолмай, ундан ташқари, камчил ресурсларнинг оқилона тақсимланиши, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ва улардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлайди, ўз-ўзини бошқариш амал қила олади. Ижара асосида иш юритувчида ўз даромадларининг кўпроқ қисмини инвестиция қилишга иштиёқ пайдо бўлади;

– ижара тизими тақсимот қоидаларини аниқ ҳал қилиш ва ижтимоий адолатлиликнинг кучайишига олиб келади. Ижара асосида фаолият юргизувчи субъектлар: мулкдор, мулкка эгалик қилувчи ва меҳнаткашлар – ҳар бири маҳсулот тақсимоти натижасида ўзларининг ҳақиқий ҳиссаларига эга бўла олади. Капитал ва ер мулкдори – фойда ва рентага, меҳнат қилувчи – иш ҳақиға эға бўладилар.

Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг шаклланишида ижара тизими унинг асосини ташкил этади. Ижара тизими кўпгина қонунлар асосида амал қилмоқда ва ўз натижаларини бермоқда.

### 8.7. Ер ҳақими ёки ер рентасими?

Ер аввало, ишлаб чиқариш ресурси бўлганлиги, ишлаб чиқаришнинг омили эканлиги, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб хилма-хил маҳсулотлар ярата олиш хусусиятлари туфайли у мулкдорнинг мулк объекти ролини ўйнай олади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида иштирок этувчи омиллар – ер, капитал ва меҳнат ҳар бири ўзига яраша ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, улар маҳсулотлар яратишга қатнашувчи манбалар ҳисобланиб, ўз қобилиятларига, яратувчилик хусусияти ва қувватига яраша янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Маҳсулот сотилгандан кейин ҳар бир омил ўз ҳиссасини – ер эгаси – рентани, капитал эгаси – фойдани, ишчи – иш ҳақини олиш ҳуқуқига эға бўладилар. Натижада рента фойдаланилган ер эвазига тўланган ҳақ (рента) сифатида намоён бўлади. Ер кимники, унга ким эгалик қилишига қараб, рента ҳам ер эгаси мулкига айланади.

**Рента – ердан фойдаланилганлиги учун ер эгасига тўланадиган ҳақдир.**

У ернинг сифатига, миқдорига, қулай жойлашишига, олинадиган ҳосил миқдорига, ишлаб чиқариладиган маҳсу-

ног сифатига, маҳсулотларнинг сотилиш баҳосига, олинадиган фойда кўламига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқдир. Ерга эгаллик қилиш — ердан фойдаланиш хусусиятига қараб, қуйидаги уч ҳолатда амал қилиши мумкин:

**Биринчидан**, мулк соҳиблари. Бунда мулк кимники деган саволга жавоб беради. Мулк соҳиблари — айрим шахслар, оилалар, гуруҳлар, жамоа ва ширкат уюшмалари, бошқа турдаги ишлаб чиқариш шакллари бўлиши мумкин. Улар ер мулки эгалари ҳисобланадилар.

**Иккинчидан**, мулк объектлари. Бунда мулк нималардан иборат деган саволга жавоб беради. Бунга — ер ҳажми, экин майдони, уни қандай экинлар экиш учун ёки чорва моллари учун фойдаланиш ҳолатини ўзида ифода этади.

**Учинчидан**, мулк объектининг мулк соҳиблари томонидан ўзлаштирилиши. Бунда мулк объекти кимлар томонидан фойдаланилади деган саволга жавоб бўлади. Бунда мулкдан ким фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, ер унинг мулкига айланади.

Рента муносабатлари ерга бўлган мулкчилик билан ердан фойдаланиш бир-биридан ажраган ҳолдагина юз беради. Ер эгаси ўз ерини ўзи ишлатмасдан тadbиркорларга ёки оддий деҳқонга ижарага беради. Энди ер ўз эгасидан ажралиб, бошқа эгадор қўлига ўтади. Иккинчи эгадор ердан фақат фойдаланувчи сифатидагина эгадорга айланади. Бу ҳолда ерни эгасидан уни фойдаланишга олган шахс ер эгасига ердан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаш ёки рента тўлаш мажбуриятига эга бўлади. Рента миқдори ернинг табиий ҳолатига боғлиқ бўлиб, ҳар бир ер бўлаги ўз тупроқ унумдорлигига эга. Бунга қараб ер участкалари яхши, ўрта, ёмон ва ўта ёмон ерларга бўлинади. Ер чекланганлиги туфайли ҳамма ерлар ижарага бериледи. Оқибатда ерга сарфланган моддий ва меҳнат ресурслари ер унумдорлигига қараб ҳар хил натижа берадилар. Бозорда ишлаб чиқарилган товарлар баҳоси ўзгармаган ҳолда сотилганда ҳам ҳар хил унумдорликка эга бўлган ерлардан олинган ҳосил ҳисобига турли миқдорда фойда олиш имкониятига эга бўлинади. Энг юқори ва ўрта унумдорликка эга бўлган ерлар ўз эгасига энг кўп фойда келтиради, ёмон ва ўта ёмон ерлар эса зарар келтириши мумкин. Аммо оқибатда бундай ҳол юз бермайди. Яхши ва ўрта ерлардан олинган маҳсулот бозор талабини қондиришга етмайди.



Оқибатда ёмон, жуда ёмон ерлардан фойдаланишга хоҳиш билдирадиган ижарачилар ҳам топилади. Бу ерларни ишла-тишни хоҳлаган тadbиркорлар ҳеч бўлмаса сарфлаган ка-питали эвазига нормал фойда олиши ва ер эгасига рента ҳам тўлаши керак. Акс ҳолда, улар бу ерларни ижарага олмаган ҳам бўлар эди. Бозор талаби туфайли фақат яхши ва ўрта ерлардан олинган маҳсулотларгина сотилиб қол-масдан, ёмон ва ўта ёмон ерлардан олинган маҳсулотлар ҳам бозор баҳоси билан сотилиб кетади. Оқибатда тенг ка-питалларга тенг фойда қонуни асосида ёмон ва ўта ёмон ерларда иш юритган тadbиркорлар ҳам нормал фойда ҳамда ер рентаси тўлаш имконияти берадиган миқдорда бозор тушуми даромади олишга муваффақ бўладилар. Кишилик жамиятининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган та-лабини мунтазам оша бориши ва ер ресурсининг чекла-ниш даражасининг орта бориши, ер эгасининг ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқининг орта боришига олиб келади. Ин-соннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби-нинг орта бориши ўз навбатида рента миқдорининг ҳам орта боришига олиб келади. Юқорида фикр юритганимиз-дек — ерларнинг чекланганлиги, уларнинг унумдорлиги-нинг ҳар хил бўлиши, ер участкаларининг бозорга нисба-тан қулай ёки ноқулай жойлашиши, фойдаланиш нуқтаи назаридан қулай ва фойдали бўлган ер билан ноқулай, нафлилик даражаси паст бўлган ерларнинг мавжуд бўли-ши — қишлоқ хўжалик рентасини икки тури мавжуд улар **дифференциал** ва **мутлоқ** ер ренталари, деб юритилади.

Ерлар табиий унумдорлик жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Унумдор ерлар унумдорлиги пастроқ бўлган ерларга нисбатан кўпроқ наф келтиради. Орадаги бу тафовут ер эгасига дифференциал (табақалашган) ер рентасини кел-тириб чиқаради. Бу рента **дифференциал рента-I**, деб юрити-лади. **Дифференциал рента-I** — бу сифатлироқ (унумдорли-роқ) ер билан сифатсизроқ (унумдорлиги пастроқ) ер ўрта-сидаги тафовутдан иборат. Дифференциал рента -I ни ер эга-си ўз ерини нафлилиги юқорироқ бўлганлиги эвазига олади ва ўзлаштиради. Бу ер рентасининг ортиқча қисмидир. Ерни ижарага олувчилар кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш мақсадида ерга қўшимча капитал сарфлайдилар. Қўшим-

ча капитал сарфлаш эвазига олинган қўшимча маҳсулот — **дифференциал рента** — II ташкил этиб, уни ерга қўшимча капитал сарфлаган тадбиркор (ижарадор) олади. Дифференциал рента — II доимо ер эгаси билан ерни ижарага олувчи ижарадор орасида ҳар хил муаммоларни келтириб чиқаришга сабабчи бўлади. **Биринчидан**, ижарадор ерга сарфланган қўшимча капитали унга қисқа муддатда қайтиб келмайди. Масалан, ерга сарфланган минерал ўғит — 3 йилда, (1-йили 60 фоиз, 2-, 3- йиллари 40 фоиз) органик ўғит эса 5 йилда (1-йили 50, 2-йили 20, 3-йил 15, 4- йил 10, 5-йил 5 фоиз) сугориш шаҳобчаларига, ерни мелиоратив ҳолатини яхшилашга кўп йиллик дарахтзорлар пайдо қилишга бир неча ўн йиллаб вақт кетади. Бу эса ижарадорнинг ижара муддатини чўзишга, ер эгасини эса ижара муддатини қисқартиришга бўлган ҳаракатини кучайтиради. **Иккинчидан**, рента ернинг нафдорлилик даражасига боғлиқ бўлганлиги туфайли ер эгаси ер унумдорлигини сунъий ошириб кўрсатишга, ижарадор эса унга ўз норозилигини билдириш билан жавоб беришга ҳаракат этади. Бу келишмовчиликларни ҳал қилиш мақсадида ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолашнинг илмий асосларидан фойдаланишга ўтмоқ зарур. **Учинчидан**, ерни ижарага олувчи ижарадор — ижара даврида ердан фойдаланишга тўла, қонуний ҳуқуқларга эга бўлиши таъминланиши керак.

Дифференциал рента -II ҳисобига олинадиган фойда фақат ер ижара муддати тугагандан кейин ер эгаси мулки сифатидаги олинадиган рентага қўшилиши мумкин. Шунинг учун ер эгаси ерни ижарага бериш муддати тугаши биланоқ ерни ижарага олувчи билан янгидан шартнома тузишга ҳаракат қилади.

Ер эгаси унга яхши ва ўрта ерлардан ижарага бериш билан бир қаторда ёмон ва жуда ёмон ерларни ҳам фойдаланишни хоҳлаган ижарачиларга ерни бекорга ижарага бермайди. Ундан фойдаланиш учун ижарадорлардан ҳақ сўрайди. Буни — **мутлоқ рента**, деб атаймиз. Мутлоқ рентанинг манбаи ернинг хусусий мулкчи бўлишидир.

Дифференциал ва мутлоқ рента билан бир қаторда **монополь рента** ҳам мавжуддир. Бу жуда қулай табиий иқтисодий шароитларига эга бўлган, ўта ноёб маҳсулотлар етиштириш имкониятини бера оладиган ер учун унинг эгасига тўланадиган ҳақдир. Чунки, (чой, кофе, цитрус ўсимликликлари меваси ва бошқалар) етиштириш учун фойдаланиладиган ерлар чек-

ланган бўлиб, улар бошқа турдаги маҳсулотлар етиштирадиган ерларга нисбатан анча нафли бўлиб, улардан юқорироқ ижара ҳақи олиш заруриятини келтириб чиқаради. Бунда ерларнинг эскилари бора-бора ўзининг бу хусусиятини йўқотиб, бошқа ерлар билан тенглашиб қолади. Монопол рента ҳам ўз кучини йўқотади ва қаердадир яна янгидан бундай ерлар пайдо бўлади. Масалан, хурмо олдин Ўзбекистонда экилмас эди. XX аср ўрталарида у Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Унинг ватани Сурхондарё бўлиб қолди. Эндиликда хурмо Ўзбекистоннинг ҳамма худудлари, вилоятлари, туманлари ва қишлоқлари, хонадонларида кенг тарқалган субторпик мевали дарахтга айланди. Оқибатда монопол рента ўз кучини йўқотди.

### **8.8. Ерни баҳолаш нима учун керак? Ер кадастри тузиш зарурми?**

Бозор иқтисодиёти шароитида ер ишлаб чиқариш омиллигига бўлиб қолмасдан, балки иқтисодий ресурс — товардир. Ернинг иқтисодий ресурслиги, товарлиги унинг товар-пул муносабатлари бозорининг субъектига айланишида ўз ифодасини топади.

Ер бошқа товарлар каби олди-сотди объектига айланади. У инсон учун маълум наф ва харажатлардан иборат баҳога эга бўлган товардир. Ер бозор иқтисодиётида фақат товаргина бўлиб қолмасдан, балки капитал ҳамдир. Ернинг капитал эканлиги унинг омиллигида эмас, у ўзига хос бўлган хусусиятлари жиҳатидан капитал омилдан ажралган ва унга алоҳида тус берилган. Ернинг капиталлиги шундаки, у ҳам одатдаги капиталлар сингари ўз соҳибига даромад келтиради. Ер даромад яратувчи ва келтирувчи восита бўлиб, шу нуқтаи назардан у капиталдир.

Демак, ер-ресурс-товар-капиталлиги туфайли унинг баҳоси ва келтирган ренти эътиборга сазовордир.

**Ер баҳоси** — бу капиталлаштирилган рентадир. Унинг мазмуни шундан иборатки, ерни бозор иқтисодиётида сотиш ва сотиб олиш унинг баҳосига боғлиқдир. Аммо, ер баҳосининг негизини уни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар билан белгиланмайди. Чунки ер бошқа товарлар сингари ишлаб чиқарилмайди. Шунинг учун ернинг баҳоси шунча рента йиғиндисига тенг бўлсинки, у капиталга айлантисилгач берадиган даромади ҳозирги ердан олинадиган рента

миқдори тенг бўлсин. Масалан, ер бераётган рента миқдори 100 сўм дейлик. Уни банкка қўйилганда келтирадиган даромади 20 фоизга тенг бўлсин. У ҳолда ер баҳоси 120 сўмга тенг бўлади. Бу мисолда ер эгаси ерни фермерга 120 сўмга ижарага берадими ёки уни банкка қўядими унинг аҳамияти йўқ. Ернинг баҳоси 120 сўмни ташкил этиши аҳамияти шундаки, ер эгаси ўз ерини фермерга берадими ёки уни банкка топширадими барибир бир хил даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Шундай қилиб, ернинг баҳоси ер рентасининг миқдори ҳамда ссуда (қарз) фоизининг даражаси билан белгиланади. Бу ерда рентанинг кўриниш шакли ижара тўлови бўлиши мумкин. Одатда ижара тўлови ва ссуда фоизи доимо ўзгариб туради. Уларнинг ўзларига хос ўзгарувчи омиллари мавжуд. Бу омилларга бўлган талаб ва таклиф мувозанати алоҳида эътиборлидир. Бу мувозанатлар ер баҳосига кучли таъсир кўрсатади. Шуни таъкидлаш зарурки, ерга бўлган талабнинг эластиклиги ва таклифнинг ноэластик ҳолатлари ер баҳосининг доимо ўсиб бориш тенденциясини кучайтириб боради.

Лекин давлат мулки бўлган ер, ундан оқилона фойдаланиш, ер мулкини амалга ошириш, ижара муносабатларини жорий қилиш каби муаммоларни ер баҳосисиз ҳал қилиш мумкин эмас. Бу масалаларни ҳал қилиш албатта, ерга иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш заруриятини келтириб чиқаради. Бу масала давлат ер кадастри асосида амалга оширилади.

**Давлат ер кадастри** – бу объектларнинг баҳоси ва ўртача даромадлилиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи рўйхатдир.

**Ер кадастри бу – ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг мулкдорлари, эгаллик қилувчилар ва фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборатдир.**

Давлат ер кадастри: ер участкаларига бўлган ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, ерларнинг миқдори ва сифатининг ҳисобга олинишини, тупроқ ботитетини, ернинг қиймат баҳосини, шунингдек, ер кадастрига доир ах-

боротларнинг бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб турилишини ўз ичига олади.

Давлат ер кадастрида икки масала: 1) Тупроқ бонитети; 2) Ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш — ер баҳосини аниқлаш ва ундан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш имкониятини беради.

**Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш** бу ернинг унумдорлиги, бозорга яқин ёки узоқлиги ҳисобга олинган ҳолда, ундан олинадиган маҳсулотларнинг ҳажмига ва сарфланган харажатлар миқдорига асосланган ҳолда ернинг унумдорлик қувватининг пулда ифодаланишидир. Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолашни натижаси — ҳар бир гектар майдондан соф даромаднинг (рентанинг) шу ерга сарфланган ишлаб чиқариш харажатларига нисбати билан белгиланади.

**Ерни бонитировкалаш (баҳолаш)** — бу ерни табиий (рента -I) ва ишлаб чиқаришни интенсив асосда ривожлантириш (рента -II) бирлиги натижасидан иборат.

Ерни бонитировкалаш ернинг табиий унумдорлигини (ориқ, ўрта ва семиз ерлар) бир-бирларидан ажратиш йўли билан улардан қай даражада фойдаланиш имкониятларини аниқлашдир. Ўзбекистон шароитида суғорилиб, деҳқончилик қилинадиган ҳамма ерлар ўзининг ҳосил бериш қобилиятига қараб 100 балли шкала ёрдамида белгиланади.

Энг юқори унумдорликка эга бўлган ер участкаси 40 центнердан ҳосил берди, деб фараз қилайлик. У ҳолда 1 балл ҳисобига етиштирилган пахта  $(400:100)=40$  кг ни ташкил этади. Бу маълумотлар тупроқ унумдорлиги 20 баллни ташкил этган ердан олинган пахта ҳосили  $(20*40)=8$  центнерни, 55 балл ер  $(55*40)=22$  центнер, 90 балл ер эса  $(90*40)=36$  центнер пахта ҳосили бериш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади.

Ерларни бонитировкалаш асосида тупроқ унумдорлигини аниқлаш қўйидаги хулосаларни келтириб чиқаради:

— тупроқ унумдорлиги қанча юқори бўлса олинадиган ҳосил миқдори шунча юқори бўлишини;

— гектар экинзор ҳисобига сарфланган харажатларнинг миқдори ортади. Аммо, 1 центнер маҳсулот ҳисобига тўғри келадиган улуши камая боришини;

— 1 гектар ер ҳисобига тўғри келадиган даромад миқдори ортиб боришини;

— 1 гектар ҳисобига сарфланган капитал маблағ, меҳнат сарфларининг ортиб бориши;

— 1 гектар экин майдони ҳисобига олинадиган рента миқдорининг кўпайишини ўзида акс эттиради.

Банитировка асосида ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида деҳқон билан ер эгаси, ерни ижарага олувчи билан уни қайта ижарага берувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан шу маҳсулотларни истеъмол қилувчилар орасидаги иқтисодий алоқаларни тартибга солиш имкониятини беради. Ерни бонитировкалаш:

— ер солиғини белгилашда энг асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Чунки ер солиғи ернинг маҳсулот бера олиш қуввати ҳисобидан олинади. Агарда фойдаланилаётган ер бонитировкалашган бўлса, уни солиққа тортиш нормасини аниқлаш имкониятини аниқлаб беради;

— бонитировка ер эгаси билан унй фойдаланувчилар орасидаги ижара ҳақи ҳажмини тўғри белгилаш шароитини яратади;

— ер баҳосини аниқлаш имкониятини беради.

Ўзбекистонда “Давлат ер кадастри тўғрисида” қабул қилинган қонун деҳқоннинг ердан фойдаланишдаги барча муаммоларни қонуний жиҳатдан ечиб беради.

### **8.9. Ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш нима учун керак?**

Ер ресурси миқдорий жиҳатдан чекланганлиги, таркибий жиҳатдан фойдаланиш даражасининг ҳар хиллиги, мулкчилиги унинг ўрнини бошқа товарлар боса олмаслиги, инсонни боқувчи ягона восита бўлганлиги туфайли ундан унумли фойдаланиш зарурияти келиб чиқади. Инсон эҳтиёжи чексиз бўлганидек, ернинг юқори қисми ҳисобланган тупроқнинг серҳосиллиги ҳам чексиздир. Ердан унумли фойдаланиш фақат унга яхши ишлов берувчи деҳқоннинг унга қиладиган муносабат даражасига боғлиқдир. Ҳозирги вақтда деҳқон бугдой ҳосили йиғиштириб олингандан кейин (такрорий экин) экилган шолининг ҳар гектаридан 9-10 тоннадан шоли, 70-80 центнердан маккажўхори дони, 12-15 тоннадан картошка етиштирамоқдалар. Тажрибалар бундан ҳам ортиқ ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг асосий омил-

дан ҳақиқий эгаси ҳисобланган деҳқонга узоқ муддатга ижа-  
рага бериш, унинг иш фаолиятини мустақил ташкил этиш,  
ҳар хил текширишларга чек қўйиш, қонунга қатъий риоя  
қилишдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишда  
ҳар хил махфий уюшмалардан ҳимоя қилиш каби тадбирлар-  
ни амалга оширмақ даркор. Деҳқон ўз меҳнати натижасидан  
қанча юқори даражада манфаатдор бўлса, у шунча меҳр би-  
лан ерга ишлов беради, ер унумдорлигини шунча юқори  
оширади. Бу қонуният ердан самарали фойдаланишга олиб  
келувчи асосий воситадир. Ердан унумли фойдаланиш бошқа  
товарлар сингари ўз тош-тарозисига эга. Ердан унумли фой-  
даланиш кўрсаткичлари хилма-хил бўлиб, улар ердан фой-  
даланишнинг ҳар хил томонларини ўзларида акс эттиради-  
лар. Бу кўрсаткичлар бир томондан ердан фойдаланишнинг  
экстенсив томонларини ўзида акс эттирса, иккинчи томон-  
дан ундан фойдаланишни интензив акс эттиради.

Ерни экстенсив жиҳатдан фойдаланиш кўрсаткичлари ер  
ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти кўрсаткичини  
киритиш мумкин.

$$Eрф = K_{хе} / Eф$$

бунда,  $Eрф$  — ер фондидан фойдаланиш даражаси;

$K_{хе}$  — қишлоқ хўжалик ери миқдори;

$Eф$  — ер фонди.

Бу кўрсаткич ёрдамида ерларнинг ҳамма турларидан фой-  
даланиш даражасини аниқлаш мумкин.

Ерни интензив жиҳатдан фойдаланиш кўрсаткичига **ер  
қайтими** ва **ер сизими** кўрсаткичларини киритиш мумкин. Ер  
қайтими кўрсаткичи қишлоқ хўжалик ери бирлигига тўғри  
келган соф маҳсулот миқдори билан белгиланади.

Ер қайтими куйидаги формула билан белгиланади:

$$Eк = Cм / Kе$$

$Eк$  — ер қайтими кўрсаткичи;

$Cм$  — соф маҳсулот миқдори;

$Kе$  — қишлоқ хўжалик ери.

Бу кўрсаткич — бир гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисоби-  
га қанча соф маҳсулот олинганлигини ўзида ифода этади.

**Ер сизими** кўрсаткичи ер қайтими кўрсаткичининг ак-  
сидир. Бу кўрсаткич 1 центнер ёки 1 тонна соф маҳсулот  
етиштириш учун қанча қишлоқ хўжалик ери тўғри кели-  
шини билдиради.

$$E_c = K_e / C_m$$

Бу кўрсаткичлар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобланиши мумкин.

Натурал кўрсаткичда:

- 1 гектар ер ҳисобига олинган ҳосил ( $\mu$ );
- ҳар 100 гектар экинзор ҳисобига етиштирилган дон, пахта, картошка, сабзавот, полиз ва бошқалар;
- озуқа ёки озуқа экин майдонларида етиштирилган маҳсулот (озуқа бирлиги ҳисобида);
- 100 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига етиштирилган суг, гўшт, жун, тухум ва бошқа маҳсулотлар;
- 100 гектар донли экинлар ҳисобига етиштирилган парранда гўшти, тухум (1000 дон) ва бошқа кўрсаткичлар.

Қиймат кўрсаткичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қиймат кўринишига кўчириб (сотилган ёки топширилган баҳоси, таннархи ва бошқалар), сўнгра қиймат ҳисобида ҳам аниқлаш мумкин.

Ердан унумли фойдаланишга таъсир этувчи омиллар:

- фан-техника тараққиёти, агротехника омиллари асосида ердан фойдаланишга ижобий таъсир этиш;
- ерга ишлов беришнинг прогрессив усулларида фойдаланиш;
- тупроқ унумдорлигини мунтазам ошириб боришга эришиш;
- қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига ва касалликларига қарши кураш;
- ишлаб чиқаришни илмий ва амалий асосда ташкил этиш ва уларга қатъий риоя қилиш;
- давлат томонидан ер ресурслари ҳолати устидан мунтазам назорат (мониторинг) қилиш ва уни амалга ошириш тадбирларини белгилаш.

### 8.10. Сувни деҳқонларга сотиш мумкинми?

Сув фақат инсоннинг яшаши учунгина эмас, балки табиат дунёси учун ҳам зарур бўлган энг ноёб ресурсдир. Ўзбекистон шароитида суғорилмасдан туриб, деҳқончилик қилиш мумкин эмас. Чунки тупроқ таркибида маълум миқдорда намликни сақламасдан туриб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга эришиш мумкин эмас. Ма-



салан, 1ц. дон маҳсулотлари (буғдой, арпа) етиштириш учун 130-150 тонна, картошка учун 18-20 тонна, шоли учун 350-450 тонна, пахта учун 800-1000 тонна сув керак бўлади. Маълумки, Ўзбекистонда сув чекланган бўлиб, сув запаси ҳозирги деҳқончилик қилинаётган даражадаги сувга бўлган талабнинг ҳам атига 2/3 қисмини аранг қондиради. Мамлакатда сувга бўлган талаб фақат қишлоқ хўжалигидагина эмас, унинг бошқа соҳаларида ҳам ортиб бормоқда. Ўзбекистонда 1980-2000 йиллар ичида бир жон бошига 1 суткада фойдаланиладиган сув миқдори 2,5 мартага ортиб, ўртача 87 литрни ташкил этади. Ўзбекистонда сув танқислигини камайтириш мақсадида сунъий сув омборлари ташкил этилди, ер ости ва ташлама сувлардан фойдаланилмоқда.

Мавжуд сув ресурсларидан унумли фойдаланишда сувни унумсиз сарфланишини камайтириш катта аҳамиятга эга. Олимларнинг қилган ҳисобига кўра мамлакатда ҳар йили 18-22 фоиз сув захираси унумсиз фойдаланилмоқда. Бунга сабаб мамлакатда сувни товар сифатида истеъмолчиларга сотилмаслигидир. Сувдан унумли фойдаланиш тўғрисида бир қатор давлат қарорлари қабул қилинишига қарамасдан, ҳозирга қадар сув сарфланадиган улушига қараб маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатига кўшилиб, маҳсулотлар сотилганидан сўнг (давлат буюртмалари) бюджетга тушмоқда. Бозор иқтисодиёти сувдан фойдаланишнинг бу усули сувдан фойдаланишни тежашга ижобий таъсир кўрсата олмаётганлигини кўрсатмоқда. Бир қатор давлатлар, масалан, Қирғизистон Республикаси сувни бевосита фойдаланувчиларга товар сифатида сотмоқда. Ҳар бир ер эгаси фойдаланилган сув миқдори сувдан фойдаланишни назорат қилувчи ташкилотлар томонидан ҳисобга олиниб, истеъмолчилар томонидан сарфланган сувга пул ёки натура кўринишида ҳақ тўламоқдалар. Ҳозирги вақтда деҳқон эккан экин тури, экилган ер миқдорига қараб сувга ҳақ белгиланиб, сув ҳар ой ёки чорак бўйича тўланиб борилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сувдан бундай усулда фойдаланишни жорий этиш ундан фойдаланиш самарадорлигини анча ошириш имкониятини берган бўлар эди. Ўзбекистонда сувдан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида охириги 10 йил ичида илмий-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда сув баҳосини аниқлаш, уни вилоятлар, туманлар, хўжаликларни табиий-иқлим шароитига

ва тупроқ унумдорлигига қараб табақалаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда. Сув баҳоси: 1) гектарига сарфланган сув тарифи; 2) сарфланган ҳар бир м<sup>3</sup> сув сарфи тарифи; 3) ҳар иккала тарифни қўшма ҳолда фойдаланиш асосида белгилаш тавсия этилмоқда. Мамлакат территориясида тупроқ тарқибини ҳисобга олиб, ҳар бир гектар ер учун вегетация давридаги сув сарфи аниқланмоқда. Бу кўрсаткич мамлакат вилоятлари ва туманларида 4-5 марта кўп ёки оз сув сарфланишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда сув сотиш баҳосини белгилашда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади: (7)

$$Сб = Рсн1 / Всн1 * Втб / Ртб * Рм3$$

бунда,

Сб — 1 м<sup>3</sup> сув тариф баҳоси;

Рсн1 — Республикада ўртача 1 гектар ерга сарфланадиган сув меъёри (м<sup>3</sup>);

Всн1 — Вилоятда ўртача 1 гектар ерга сарфланадиган сув меъёр (м<sup>3</sup>);

Втб — Вилоятда тупроқ бонитировка балли;

Ртб — Республикада тупроқ бонитировка балли;

Рм<sup>3</sup> — Республикада 1 м<sup>3</sup> сув тариф нархи.

Бу формула ёрдамида мамлакат, вилоят, туман ва ҳар хил шаклда иш юритаётган хўжаликлар учун сув баҳосини аниқлаш мумкин. Бу формулада сувнинг тариф баҳосига таъсир этадиган ҳамма омиллар ҳисобга олинган. Фойдаланиладиган сув миқдорини тўғри белгилаш ва баҳолаш сув ресурсларидан сўзсиз тежаб-тергаб сарфлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Сувдан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади: 1) ҳар гектар ердан олинган қўшимча ҳосил миқдори; 2) меҳнат унумдорлигининг ўсиши; 3) сарфланган 1 сўмлик харажат эвазига олинган фойда; 4) 1м<sup>3</sup> сув ҳисобига олинган фойда.

## I. Мавзуга оид атамалар

1. Ер.

2. Тупроқ.

3. Ер ресурси.

4. Ер фонди.

5. Тупроқ унумдорлиги.

6. Тупроқнинг табиий унумдорлиги.

7. Ер мулки.
8. Ер баҳоси.
9. Ер рентаси.
10. Ер кадастри.
11. Ер бонитети.

### **Атамалар учун тўғри келадиган таърифни танланг.**

1. Ернинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиймати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг эгалари, эгалик қилувчилар ва фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимооти ҳамда бошқа маълумотлар ва ҳужжатлар тизими.

2. Капиталлаштирилган рента.
3. Ерни табиий ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.
4. Ҳар қандай бойликнинг онаси.
5. Маҳсулот етиштиришдаги қобилият.
6. Кимёвий ва механик ўзгаришларни ўзида ифода этувчи қобилият.
7. Мамлакат ҳудудида мавжуд бўлган барча турдаги ерлар йиғиндиси.
8. Инсон томонидан фойдаланиш мумкин бўлган бойлик.
9. Табиий усулда яроқлилик қобилиятини ошириш усули.
10. Айрим шахс томонидан фойдаланишга эгалик қилиш ҳуқуқи.
11. Экин ўсиши учун яроқли бўлган буюм.

## **II. Мавзуга оид саволлар**

1. Тупроқ эрозияси нима? У қайси ҳолларда юз беради, унинг оқибати нималарга олиб келади?
2. Сув қандай ресурсларга киради? Уни сунъий равишда ҳосил қилиш мумкинми?
3. Ерни сотиш мумкинми? Сотиладиган бўлса, қайси қонун асосида сотилади?
4. Ернинг ишлаб чиқариш айланмасидан чиқиб кетиши, деб нимага айтилади? Унинг агро-иқтисодий оқибатлари нимага олиб келади?
5. Ер билан тупроқ ўртасида фарқ борми?
6. Тупроқ унумдорлиги ошириладими ёки ер унумдорлиги ошириладими?

7. Тупроқ унмдорлигини ошириш кўрсаткичлари нималардан иборат?

8. Органик ўғитлар ердан қанча муддатларда қайтади, қандай улушда? Бу қонунни ким исботлаган?

9. Ер рентаси деганда нимани тушинасиз? Унинг қандай турлари бор?

10. Ерни ижарага беришда ижара ҳақи нима ҳисобидан белгиланади?

11. Ер кадастри қандай белгиланади?

### III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Фермер 6 гектар (уч карта) ерни ижарага олди. I карта 1,5 гектар, II карта 2,5 гектар, III карта 2 гектар. I карта ер балли — 68. II карта ери ундан 18,1 фоиз юқори. III карта ери II карта еридан 6,9 фоиз паст. Ижара ҳақини топинг (1 балл ижара ҳақи 1,52 сўм).

2. Фермер ўз ерининг 40,1 фоизини сотмоқчи. У бу ерни 5 йилга бошқа шахсга йилига 8,2 фоиздан ижарага берди. Фермернинг ҳамма ери 8,2 гектарни ташкил этади. Фермернинг ўртача 1 гектар ердан оладиган даромади 40.000 сўмни ташкил этди. У банкка қанча пул қўйган (банк фоизи 5,9)?

3. Фермер 82,5 балли ерини 3 йилга ижарага берди. Ижара шартномадаги барча шартларни (фақат бонитировкадаги 85,0 баллдан ташқари) бажарди. Аммо, муддат тугагандан сўнг ер унмдорлиги 85 баллдан 75 баллга тушиб қолган. Сизнинг фикрингизча, бу масала қандай ҳал қилиниши керак?

## IX БОБ

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ОМИЛИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

#### Р Е Ж А :

1. Аграр ишлаб чиқаришда капитал омили қандай рол ўйнайди?
2. Капитал сарфлари (инвестиция) қандай қайтади?
3. Сарфланадиган капитал маблағ миқдорини қандай аниқлаш мумкин?
4. Айланма капитал маблағлардан фойдаланиш нима учун керак?
5. Капитал маблағлардан унумли фойдаланиш қандай омилларга боғлиқ?
6. Қишлоқ хўжалигининг моддий техника таъминоти ва унга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш.

*Адабиётлар:* 5; 7; 8; 20; 24; 28.

#### 9.1. Аграр ишлаб чиқаришда капитал омили қандай рол ўйнайди?

Аграр ишлаб чиқаришнинг зарурий омилларидан бири — капитал омилидир. Капиталсиз ер ва меҳнат омилларининг қўшилиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ундан фойдаланишга эришиш мумкин эмас. Капитал нафақат ишлаб чиқаришни ташкил этувчи, балки янги маҳсулот ҳосил қилувчи ресурслар, қўшимча қиймат ҳосил қилувчи қийматдир. Капитал мулкдорга ўз мулкни амалга оширишда фойда шаклида даромад келтирувчи моддий неъмат ва воситадир.

Бозор иқтисодиёти шароитида капиталнинг моҳияти — уни ишлаб чиқариш омили, иқтисодий ресурс ва бозор иқтисодий категорияси бўлишидир. Капиталнинг мазмуни шундан иборатки, у ўз унумдорлиги билан омил сифатида маҳсулот яратади. Янги маҳсулот ярата олишчи куч-қуввати унинг

унумдорлиги, моҳиятининг негизини ташкил этади. Капиталнинг моҳияти унинг унумдорлиги, янги маҳсулот ярата олиши, ўзига сингдирилган меҳнатдан кўпроқ ҳажмдаги нознеъматлар ярата олиш имкониятидир.

Капитал бозор иқтисодиёти тизимининг иқтисодиёт категориясидир, Унинг иқтисодиёт категориялиги — товар эканлигида, товар ишлаб чиқариш ва яратишда қатнашишлигида, баҳоси пулда ифодаланишида ўз ифодасини акс эттиради. Капитал иқтисодиёт жиҳатидан товарлар, иқтисодиёт ресурслардан иборат. Аммо, капитал ресурс деганда ер ва табиий ҳолда меҳнат ресурсларидан ташқари, барча иқтисодий ресурслар унумли ишлаб чиқариш жараёнида ўз вазифасини бажарувчи воситалар назарда тутилади. Капитал ресурслари одатдаги таворлардан ресурс эканлиги, унумли хурусусияти ва унинг нафи, самарадорлиги янгидан ишлаб чиқаришган неъматлар орқали белгиланади. Капитал вазифасининг натижаси яратилган янги неъматлар — товарларидан иборатдир. Уларнинг нафлилиги баҳоси пулда ифодаланади. Капиталнинг натижаси ҳам даромадлар шаклида, пулда, фойда шаклида ифодаланади. Капиталнинг бозор иқтисодий тизимининг категорияси сифатида тан олиниши ишлаб чиқариш фондлари деган тушунчадан воз кечиш заруриятдан келтириб чиқарилади. Собиқ СССР даврида ишлаб чиқариш воситалари тавар ролини ўйнамаслиги, уларни олди сотди жараёнидан сотилмасдан истеъмолчиларга фонд кўринишида тақсимлаб берилар эди. Бу эса ҳар бир корхона учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари уларни ишлаб чиқариш фонди, деб аталар эди. Эндиликда бу ишлаб чиқариш фондларини — **ишлаб чиқариш капитали**, ресурслари деган тушунча билан алмаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Аграр соҳада фойдаланадиган капитал ресурсларга — машина ва механизмлар, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқаришда зарур бўлган асбоб-ускуналар, чорва моллари, паррандалари, дарахтзорлар, устахоналар, ферма бинолари, ем-хашак, уруғлик ва кўчатлар, нефт маҳсулотлари ва ёқилғи, минерал ва органик ўғитлар, заҳарли ва ким-ёвий моддалар, қурилиш материаллари киради.

Аграр соҳадаги ишлаб чиқариш жараёни саноат соҳасидаги ишлаб чиқариш жараёнидан мукамаллиги, узунлиги, техникавий жиҳатдан пастлиги, хилма-хиллиги, об-ҳаво, агротехник, биологик ва бошқа бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади, аграр соҳада ишлаб чиқариш вақти

билан иш даври орасидаги узулиш йил мобайнида капитал ресурсларига бўлган талабга хилма-хил таъсир кўрсатади. Масалан, дон етиштириш учун 6 ой (180 кун) керак. Бу давр ичида капитал ресурсларидан фақат 15-20 кун давомида фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Бошқа вақтларда ресурслар сарфига ҳеч қандай эҳтиёж бўлмай, биологик жараёнлар натижасида уни етиштириш жараёни давом этаверади, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёни оддий ва мураккаблигига қараб капитал ресурсларга бўлган талаб ҳам ҳар хил бўлиш заруриятини келтириб чиқаради. Масалан, пахта етиштириш учун талаб етиладиган капитал ресурслар тури дон етиштиришга нисбатан 7-8 марта кўп. 1 гектар дон экинига нисбатан 1 гектар пахта етиштириш учун 14-16 марта (ҳосилдорлик миқдорига қараб) ортиқ капитал маблағ сарфлашга тўғри келади. Яна бир томони шундаки, дон етиштиришда фойдаланидиган ресурслардан пахтачиликда фойдаланиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида бир вақтда кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Уларни ишлаб чиқариш вақти ва иш даври бир бириларига мос келмайди. Бу эса ресурслардан йил мобайнида тўла фойдаланиш имкониятини бермайди. Масалан, Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 1,5 млн. гектар ерга пахта экилади. Пахта майдонларини кузда ҳайдаш учун ҳайдов трактори керак. Кузги шудгорлаш муддати 15-20 кун. Агарда ҳар куни бир трактор 5-6 гектар ерни шудгор қилиш имкониятига эга, деб фараз қилсак, шудгорлаш даврида ҳар куни  $(1500000:6:20)=12500$  дона ҳайдов трактори ишлаши керак. Кузги шудгорлашдан кейин бу ҳайдов трактори 300 кун фойдаланилмай, бўш туришига тўғри келади, бундай турдаги техникалар фақат пахтачиликда 18-20 хилни ташкил этиб, улар йил мобайнида жуда катта миқдордаги капитал ресурсларини ҳаракатсиз, ўлик ҳолда қолишига, жисмоний ва маънавий эскиришига сабабчи бўлади. Бу эса ишлаб чиқаришга сафарбар қилинган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига, маҳсулот таннархининг ортишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган капитал ресурсларнинг кўпчилиги фақат бир маҳсулот турини етиштириш учунгина зарур бўлади ва фойдаланилади. Бу ресурслардан бошқа маҳсулотлар етиштириш учун фойдаланиш имконияти жуда чекланган ёки бу-

тундай йўқ, айрим капитал ресурслар фақат бир йилда бир марта фойдаланилиб, ортиб қолган ресурслардан такрорий фойдаланиш мумкин эмас. Масалан, барча турдаги қишлоқ хўжалик экинлари уруғи, заҳарли ва кимёвий дориворлар ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Айрим ҳолларда қисқа вақт ичида катта миқдорда капитал ресурси талаб қилинади. Масалан, 10 кун ичида 1 млн. гектар ерга дон уруғ экиш талаб қилинади, ҳар гектар ерга 250 кг. дан уруғ экиш режалаштирилган, деб фараз қилсак, фақат уруғ учун 250000 тонна дон уруғи тайёрлаш зарур. Бундай ҳолларни пахта экиш, пахта ва дон ҳосилини ўриб, йигиб олиш пайтларида ҳам юз беришини кўриш мумкин. Шунинг учун аграр секторда бир томондан жуда катта капитал ресурслар табиий жиҳатдан фойдаланиш мумкин бўлмасдан, “капитални музлатиш” жараёнида ётган ҳолда, иккинчи томондан қисқа вақтда бир неча млрд. сўмлаб қўшимча капитал ресурсларни сарфлашни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигида капитал ресурслардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари мулкдорлардан доимо хилма-хил турдаги ресурсларни ўз муддатида топиш, сотиб олиш ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган миқдорда таъминлаш масаласи энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир мулкдор тadbиркор маълум миқдорда пул кўринишидаги капитал заҳирага эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради. Қишлоқ хўжалигида табиий, об-ҳаво ва бошқа турдаги юз берадиган инжиқликлар натижаси (сел, совуқ, дўл) юз берадиган офатларни қайтадан тиклаш ҳам катта миқдорда қўшимча капитал ресурслари сарфлашни талаб этади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган капитал ресурсларнинг ишлаб чиқариш хусусиятига қараб **бозордан сотиб олинадиган** ва **ўзида ишлаб чиқариладиган** ресурсларга бўлиниши мумкин. Ўзида ишлаб чиқариладиган ресурсларга шу хўжаликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайтадан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган ресурсларга айтилади. Қишлоқ хўжалигида кўпчилик етиштириладиган маҳсулотлар шахсий ёки ишлаб чиқаришда қайтадан фойдаланиладиган ресурсларни ташкил этади. Масалан, буғдой, пахта, сабзавот, полиз маҳсулотларининг уруғлари, макка-жўхори, дуккакли дон ўсимликларидан олинадиган маҳсулотлар, чорвачилик маҳсулотлари(сут, тери, жун, қатиқ, тухум, асал, парранда парлари ва бошқалар) қайтадан иш-



лаб чиқаришда ресурс сифатида фойдаланилади. Бу билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз шахсий истеъмолига ҳам сарфлайдилар. Аммо, қишлоқ хўжалигида етиштирилиб, ўзида ресурс сифатида фойдаланиладиган ресурслар қиймати, бозордан шу ресурсларни сотиб олиш учун сарфланадиган маблағ миқдоридан анча кам, арзонга туриши керак. Акс ҳолда мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар бу ресурсларни бозордан сотиб олишган бўлар эди.

Капитал ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш доирасига, аҳамиятига, тутган ўрнига ва фойдаланиш ҳолатига қараб, уни икки гуруҳга: **асосий капитал** ва **айланувчи капиталларга** бўлиш мумкин.

**Асосий капитал**, деб — ишлаб чиқариш жараёнига кўп маротаба қатнашиб, ўзларининг иш қобилиятларини қисман-қисман маҳсулот ишлаб чиқаришига сарфлаб, аста-секин иш қобилиятини пасайтира бориб, эскира борувчи воситаларга айтилади. Асосий капиталга: тракторлар, камбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомашиналар, биналар, кўп йиллик дарахтлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, ишноотлар ва бошқа узоқ муддатли фойдаланиладиган воситалар киради. Улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз қийматини қисман-қисман янги маҳсулот қийматига ўтказиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга ўз улушини қўшади. Бу улуш уни ишлаб чиқариш жараёнидаги ролини, аҳамиятини ўзида ифода этади. Асосий капитал ўзининг **дастлабки**, **тиклаш** ва **қолдиқ** қийматларига қараб баҳоланади ва тикланади. Асосий капитал **маънавий** ва **жисмоний** жиҳатдан эскиради. Эскириш даражасига қараб **тула** ёки **қисман** таъмирланади. Асосий фонддан фойдаланиш самарадорлиги: 100 сўмлик асосий капитал қийматига олинган фойда; асосий капиталнинг қиймати қайтими; асосий капитал қиймат сифими; ҳамда бир қатор натурал кўрсаткичлар: техникадан фойдаланиш коэффициенти; смена коэффициенти; эталон гектар иш таннари ва бошқа бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

**Айланувчи** — бу ишлаб чиқаришнинг бир циклида, яъни бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга тула-тукис ўтказиб, ўзининг дастлабки шаклини бутунлай йўқотадиган, ўзгартирадиган воситаларга айтилади.

Айланувчи капиталнинг асосий капиталдан фарқи шундаки, бунда ҳар бир янги ишлаб чиқариш жараёнининг бошланиши янгидан ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ресурсларни жалб этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Айланувчи капиталга — уруғлик, ем-ҳашак, ёқилғи ва мойлаш материаллари, органик ва минерал ўғит, ҳар хил кимёвий дориворларни киритиш мумкин.

Айланувчи капиталдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткиларчи:

1. Айланувчи капитал воситалар қийматининг қайтим кўрсаткичи, бу кўрсаткич бир сўмлик айланувчи капитал қиймати ҳисобига олинган ялпи маҳсулот қиймати билан аниқланади.

2. Айланувчи капитал воситалар қийматининг сиғим кўрсаткичи — бу кўрсаткич бир сўмлик ялпи маҳсулот етиштириш учун қанча айланувчи воситалар қиймати сарфланганлигини ўзида акс эттиради.

3. Айланувчи капитал воситалар қийматининг айланиш коэффициенти — бу кўрсаткич бир йил ичида воситалар қийматининг неча бор айланганлигини ўзида ифода қилади.

4. Айланувчи капитал воситалар қийматининг айланиш вақти — бу кўрсаткич 365 кунни воситалар қийматининг айланиш коэффициентига бўлиш йўли билан аниқланади.

5. Айланувчи капитал воситалар қиймати рентабеллиги — бу кўрсаткич олинган фойдани сарфланган воситалар қийматига нисбати билан аниқланади.

Капитал ресурслардан унумли ва самарали фойдаланиш асосий ва айланувчи капиталлар ўртасидаги нисбатга ўзаро мувозанатда бўлиш ҳолатига боғлиқдир.

Бу мувозанатларни барпо этиш: **биринчидан**, нафлилиги юқори ва янги истеъмол қийматга эга бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга; **иккинчидан**, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни тежаш, маҳсулотларни арзонга ишлаб чиқариш; **учинчидан**, капитални қайта ишлаб чиқариш жараёнида ривожлантириш энг камида ҳозирги даражада сақлаб туриш имкониятини беради.

Асосий ва айланувчи капиталлар доимо такомиллашиши, янгидан бозор талаби даражасига мос келадиган даражада **товарлар** ва **хизматлар** ишлаб чиқариш даражасида бўлиши шарт.

## 9.2. Капитал сарфлари (инвестиция) қандай қайтади?

Ишлаб чиқариш мунтазам капитал сарфламасдан туриб амал қилиши, маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бозорда сотиб, пул капиталига айлантириш мумкин эмас. Бу сарфланадиган капитал маблағлар икки йўналишга: яъни **биринчидан**, асосий капиталдан фойдаланиш ва уни тиклаш учун; **иккинчидан**, айланувчи капитални мунтазам айланиш ҳаракатини қонун ва талаб асосида ушлаб туриш ва давом эттириш учун йўналтирилади.

Асосий капитал таркибига кирувчи асосий воситаларни барпо этиш, фойдаланиш ва тиклашда катта миқдорда пул маблағлари (капитали) сарфланиб, у ишлаб чиқариш капитали шаклига айланади. Капиталнинг ишлаб чиқариш шакли яратилгандан сўнг ишлаб чиқариш капиталини товар капиталига айлантириш учун айланма капитални қўшиш зарурияти пайдо бўлади. Ҳар иккала капиталнинг қўшилиши натижасида қандайдир бирор истеъмол қийматига эга бўлган янги товар ишлаб чиқарилиб, капитал ишлаб чиқариш жараёнида бошқа омиллар бирикиши натижасида товар капиталига айланади. Товар капитали яна пул капиталига айланиб, **капитал айланмасини** ташкил этади, ишлаб чиқаришда капитал айланмаси даври ҳар хил вақтни талаб этиб, папирос ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт капитал айланмаси секунднинг, ўндан, юздан бир улушини, йирик океан порохонларни кўриш учун эса 3-5, айрим ҳолларда бир неча ўн йиллаб вақтни талаб этади. Капитал кругообороти тезлигига қараб ишлаб чиқаришга сарфланадиган пул капиталининг миқдори, сарфланиш ҳолати, унинг ишлаб чиқариш капитали ҳолатига айлантириш муаммолари хал қилинади ва шунга қараб кўп капитал аниқланади. Қишлоқ хўжалиги ўзининг соҳа жиҳатидан ўсимликчилик, чорвачилик соҳаларига бўлинади. У соҳалар ўз навбатида тармоқ, ҳар бир тармоқ ўз навбатида «невара-чевара» тармоқчаларига бўлиниб кетади. Уларда сарфланадиган пул капиталининг мақсадига қараб — актив ва пассив гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳда пул капиталининг ишлаб чиқариш капиталига айланиб, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишига актив таъсир этадиган омиллар киради. Бу омилларга (гуруҳга) машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишчи, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп

йиллик дарахтлар, ер таркибининг яхшиланишига сарфланган харажатларни киритиш мумкин. Бу гуруҳга кирувчи асосий воситалар — бевосита ишлаб чиқаришга қатнашувчи асосий воситалар, деб ҳам аталади. Бу асосий ишлаб чиқариш воситалари қуйидаги гуруҳларга: 1) иншоот; 2) узатувчи механизмлар; 3) машиналар, асбоб-ускуналар; 4) транспорт воситалари; 5) ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари; 6) бинолар; 7) иш ҳайвони; 8) маҳсулдор ҳайвон; 9) кўп йиллик дарахтлар; 10) ер ҳолатини яхшилаш учун сарфланадиган капитал харажатлар; 11) инструментларга бўлинади.

Пассив гуруҳга кирувчи асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнига актив таъсир этмасада, унинг амал қилишига ўз хизматини кўрсатувчи воситалар киради. Бу воситаларга: ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлар, омборлар, ишлаб чиқариш ва хўжалик асбоб-ускуналари, узатувчи механизмлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу гуруҳга кирувчи асосий воситаларни — ишлаб чиқариш жараёнига бевосита қатнашмайдиган асосий ишлаб чиқариш воситалари, деб ҳам аталиб, улар қуйидаги гуруҳларга: 1) турур жой ва коммунал хўжалиги; 2) соғлиқни сақлаш; 3) маориф; 4) бошқаларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалигида асосий воситалар **натурал** ва **қиймат** кўринишида ҳисобга олинади. Натурал кўринишидаги асосий воситалар ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган асосий воситалар ва улардан фойдаланиш муддатларини ўзида ифода этади. Қиймат, пул кўринишидаги асосий воситалар маҳсулот ишлаб чиқаришида ҳаракат этаётган асосий воситаларнинг қиймат (баланс қиймати) кўринишида намоён бўлади. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархида асосий воситаларнинг қандай улуши борлигини кўрсатишга имкон беради. Маҳсулот яратишга қатнашаётган асосий воситаларнинг маҳсулотга ўтказган улуши, сарфи аниқланади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш натижасида эскира бошлайди. Нафтлилик даражаси пасаяди. Буни ҳисобга олиш мақсадида улар қийматини қайта баҳолаш зарурияти келиб чиқади. Бу қайта баҳолаш: 1) тўла бошланғич қиймати; 2) қолдиқ қиймати; 3) тиклаш қийматидан иборат.

Асосий воситаларнинг **тўла бошланғич қиймати** — шу восита турини сотиб олиш, хўжаликка келтириш ва фойдаланиш ҳолатига келтириш учун сарфланган барча пул капиталига айтилиб, унинг бошланғич баланс қиймати, деб ҳам юритилади. Ундан

фойдаланиш натижасида ҳар йили ўз қийматининг маълум фойзини маҳсулотга ўтказиб боради ва маҳсулот сотилганда шу маҳсулотга ўтказган улуш қиймати — амортизация ажратмаси кўринишида ажратилиб олинаиб, маълум ҳисобда пул кўринишида сақланади.

**Қолдиқ қиймати** — бу асосий воситанинг дастлабки бошланғич қийматидан, эскирган улушини чиқариб ташлангандан кейинги қолган қийматдан иборат. Асосий воситаларнинг дастлабки бошланғич қиймати вақт ўтиши билан баҳонинг ўзгариши, пул инфляцияси таъсири остида ўзгаради. Буни тартибга солмоқ учун асосий воситаларнинг бошланғич қийматини қайта баҳолаш зарурияти пайдо бўлади. Бу асосий воситаларнинг янги қийматини аниқлаш ва бу асосида уни эскирган улушини маҳсулот таннархига қўшишнинг объектив ҳолатини келтириб чиқаради.


**Асосий воситаларни, тиклаш қиймати** — бу уларнинг тўла бошланғич қийматини қайта баҳолашдан кейин қолган қийматдан иборатдир.

Ҳамма асосий воситалар ҳар хил сабаблар натижасида эскиради, ишга яроқсизланиб, фойдаланишдан чиқиб кетади. Оқибатда уларни янгилаш зарурияти пайдо бўлади. Асосий воситалар икки йул билан: **биринчидан — жисмоний; иккинчидан — маънавий эскирадилар.**

**Жисмоний эскириш** — бу асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида унинг ёғоч қисмларининг чириши, металл қисмлари занглаши, ишдан чиқиши натижасида фойдаланишга нолайиқ ҳолга келиб қолиб, оқибатида эскиришига ва фойдаланишдан чиқиб кетишига айтилади. Асосий воситалар фойдалана бориш шароитида ўз қийматини қисман-қисман тайёрланадиган маҳсулотлар қийматига ўтказа бориши ва амортизация ажратмаси кўринишида тўпланиб бориб, уни эскириши аниқлангандан сўнг баланс ҳисобидан чиқарилиб ташлаб, тўпланган пул ҳисобига янги восита сотиб олинаиб, эскирган восита ўрнини тўлдиради. Асосий воситаларнинг жисмоний эскириши; воситалардан тўла ва нормадан ортиқча фойдаланиш, фойдаланиш шароити, уларга кўрсатиладиган хизматлар сифати ва малакаси, фойдаланилмаслик ва бошқа омиллар таъсири натижасида юз беради. Асосий воситаларнинг жисмоний эскириши янги пул капитали сарфлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Асосий воситаларнинг **маънавий эскириши** — бу асосий воситаларнинг техникавий жиҳатдан эскиришига айтилади.

Маълумки, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техник воситалар техник тараққиёт натижасида конструкция жиҳатидан янгиланмоқдалар. Хозирги вақтда Японияда енгил машиналарнинг конструкция жиҳатидан эскириши 8-12 ойни ташкил этади. Техника эскириши унинг ўрнини босувчи техникага nisbatan иқтисодий жиҳатдан ноқулайлик келтириб чиқаради. Бу эса ишлаб чиқараётган маҳсулотлар таннархини қimmatлашишига, маҳсулот сифатининг пасайишига, оқибатда олинадиган фойданинг пасайишига олиб келади. Асосий воситалардан фойдаланиш таъсирида уларнинг ишга бўлган қобилияти пасайиши, айрим ишчи органларининг ишдан чиқиши уларни алмаштириш зарурятини келтириб чиқаради. Бундай камчиликларни бартараф этишда асосий воситалар-



4-чизма. Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг айланиш чизмаси.

нинг **капитал ва жорий** таъмирлаш шаклларида фойдаланилади. **Капитал таъмирлаш** — бу ускунанинг техникавий сифатларини ва унинг ишлаш қобилиятини тиклаш соҳасида олиб борилган комплекс тадбирлар натижасидир. **Жорий таъмирлаш** — бу техниканинг айрим талабларига асосан уни қаровдан ўтказиш, айрим қисмларни алмаштиришдир. Капитал ремонт — харажатлари амортизация ажратмалари орқали тўлдириб, маҳсулот таннархига киритилади. Жорий таъмирлаш сарфи эса тўла маҳсулот таннархига қўшилади.

Шундай қилиб, асосий ишлаб чиқариш воситаларининг тақрорланишини таъминлаш, воситалардан фойдаланиш ҳола-

тини талаб даражасида сақлаш, уларни тиклаш, тўлдириш, янгилаш доимо пул капитали сарфлашни талаб этади. Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат этадиган пул капиталининг айланиш қонуниятларини юқорида келтирилган чизмада кўриш мумкин.

### 9.3. Сарфланадиган капитал маблағ миқдорини қандай аниқлаш мумкин?

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги унинг қанчалик ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги даражасига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш етарли миқдорда меҳнат ресурслари билан таъминланмасан у кутилган натижадаги нафни бера олмайди. Оқибатда, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил пасаяди, чорва моллари маҳсулдорлиги камаяди, меҳнат унумдорлиги пасаяди, маҳсулот таннархи ортади, маҳсулот сифати пасаяди, фойда массаси озаяди. Агарда ишлаб чиқариш, асосий воситалар билан “ортиқча” таъминланган бўлса, маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар миқдори сунъий ошади, натижада унинг иқтисодий самарадорлиги пасаяди. Шунинг учун ҳар бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қанча капитал маблағ сарфлаш кераклигини билиш энг асосий вазифалардан биридир.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада таъминланганлигини аниқлашда **капитал билан таъминланиш коэффициентидан** (КТК) фойдаланиш мумкин. Бунинг учун маълум вақт ичидаги (масалан, 1 йил) мавжуд меҳнат қуроллари (Мқ) меҳнат қуроллари нормативига (Мқн) нисбати билан белгиланади.

$$Ктк = Мқ / Мқн$$

Бу кўрсаткич маҳсулот бирлиги етиштириш учун нормативга нисбатан қанча оз ёки кўп миқдорда капитал маблағ билан таъминланганлик даражасини билдиради.

Асосий воситалар билан таъминланиш жиҳатидан бир хўжаликни иккинчи бир хўжалик билан солиштириш учун ишлаб чиқаришни капитал билан таъминланиши ва меҳнатнинг капитал билан қуролланиш кўрсаткичларидан фойдаланилади.

**Меҳнатнинг капитал билан қуролланиши** (Кқ) асосий воситаларнинг дастлабки қиймати (Дқ) қишлоқ хўжа-

лигида мавжуд бўлган ходимлар (Тр) сонига бўлиш йўли билан белгиланади.

$$K_k = D_k / T_r$$

**Ишлаб чиқаришнинг капитал билан таъминланиши (Кт)** эса асосий воситаларнинг дастлабки қиймати (Дқ) ни қишлоқ хўжалик ерларини (100 га ҳисобига) ёки чорва моллари туёғи (шартли қорамол) (ЕЕ) га нисбати билан белгиланади.

$$K_t = D_k / E E$$

Қишлоқ хўжалигининг асосий воситалари билан таъминланиш даражаси ишлаб чиқаришни энергия билан таъминланиш ва энергия билан қуролланиш кўрсаткичларида ўз ифодасини топади.

**Энергия билан таъминланиш кўрсаткичи** хўжаликда йил давомида мавжуд бўлган энергия ресурсларининг (от кучи ҳисобида) мавжуд экинзорларга нисбати билан аниқланади.

**Энергия билан қуролланиш кўрсаткичи** — мавжуд энергия ресурсларининг йиллик ходимлар сонига нисбати билан белгиланади. Бу кўрсаткичлар асосий воситалардан фойдаланиш даражасида ўз аксини топади.

Асосий воситаларнинг натурал буюм ҳамда қиймат шаклида ҳисобга олиниши туфайли улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин: **биринчи** гуруҳга — жами асосий воситаларнинг қиймат шаклида хусусияти кўрсаткичлари; **иккинчи** гуруҳга — ҳар бир воситадан қай даражада фойдаланаётганини ўзида акс эттирадиган техник иқтисодий кўрсаткичлар киради. Биринчи гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар орасида асосий ўринни **капитал қайтими** ва **капитал сизими** кўрсаткичлари эгаллайди.

**Капитал қайтими** кўрсаткичи янги маҳсулот қийматининг қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий капитални ўртача йиллик қийматига нисбати билан белгиланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик (юз сўмлик) асосий капитал ҳисобига қанча маҳсулот олинганлигини кўрсатади. Чорвачиликда эса бу кўрсаткич чорвачилик ялпи маҳсулотининг “шартли қорамол” сонига нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткичнинг акси эса **капитал сизимидир**. Капитал сизими кўрсаткичи ҳар бир маҳсулот бирлиги етиштириш учун қанча капитал қиймати сарфланганлигини билдиради.

Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг айрим гуруҳлари бўйича асосий техника-иқтисодий кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин:



#### **Машина ва жиҳозлар гуруҳига:**

1. Бир трактор, комбайн ва бошқа машиналарнинг смена ва кунлик бажарган иши ҳажми. Бу кўрсаткич тракторнинг йиллик ишлаган кун ва сменалар сонини тракторлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

2. Бир трактор, комбайн ва бошқа машиналарнинг бир йиллик ишлаган иши. Бу кўрсаткич йиллик ишлаган иш миқдорини (эталон гектар ҳисобида) ишлаган эталон тракторлар ҳисобига бўлиш йўли билан топилади.

3. Бир машина ҳисобига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти. Жами ялпи маҳсулот қийматини бир эталон тракторга бўлиш йўли билан аниқланади.

4. Бир эталон тракторнинг бажарган эталон трактор иш таннарни. Бу кўрсаткич тракторлар томонидан бажарилган барча ишлар (эталон гектар иш ҳажмида) мавжуд эталон тракторлар сонига бўлиш билан аниқланади.

#### **Юк транспорти гуруҳи:**

1. Бир машинанинг йиллик бажарган иши (тонна км). Бу кўрсаткич автомашиналарнинг бир йиллик бажарган иш миқдорининг йил мобайнида фойдаланилган машиналар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

2. Автотранспортнинг самарали йўли; бу кўрсаткич ҳақиқий юк билан босилган масофани умумий босилган масофа миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

3. Автомашина фарқидан фойдаланиш коэффиенти. Бу кўрсаткич автомобилларни хўжаликда ишда бўлган кунларининг уларнинг умумий иш кун миқдорига бўлиш билан белгиланади.

4. Автомашинанинг ўртача суткалик юрган йўли. Бу кўрсаткич умумий юрилган йўлни автомобиллар кунига бўлиш йўли билан белгиланади.

5. Бир машинанинг ўртача юк кўтариш коэффиенти. Бу кўрсаткич бутун бажарилган ишни юк билан босиб ўтилган масофага нисбати билан аниқланади.

6. Бир тонна км таннарни. Бу кўрсаткич автомашиналардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган маҳнат, пул ва моддий харажатларни ҳақиқий бажарилган иш ҳажмига бўлиш йўли билан аниқланади.

#### **Маҳсулдор ҳайвонлар гуруҳи:**

1. Бир бош ҳайвон ҳисобига олинган маҳсулот. Олинган маҳсулотни (бир хил) ҳайвон сонига бўлиш йўли билан;

2. Бир бош қўйдан қирқиб олинган жун.
3. Бир бош товукдан олинган тухум.
4. Юз бош сигирдан олинган бузоқ.
5. Олинган маҳсулотларнинг сифати.
6. Бир сўмлик асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳисобига олинган фойда.

#### **Ўсимликчилик экинлари гуруҳи:**

1. Бир га экинзор ҳисобига олинган ҳосил (ц).
2. Юз га қишлоқ хўжалик ери ҳисобига олинган ялпи маҳсулот қиймати.
3. Бир сўмлик асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳисобига олинган фойда.

Бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида иш юритаятган хўжаликларда фойдаланилаятган асосий ишлаб чиқариш воситаларидан қай даражада фойдаланилаятганлик ҳолатини аниқлаш имкониятини беради.

#### **9.4. Айланма капитал маблағдан фойдаланиш нима учун керак?**

Ҳар бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятини мақсадга мувофиқ ҳолатда олиб бориш учун асосий капитал воситалар билан бир қаторда улар қийматига мутаносиб келадиган айланма капитал (маблағ)га ҳам эга бўлмоғи лозим. Маълумки, айланма капитал айланиш жараёнида айланма маблағ, деб юритилади. Айланма капитал бир ишлаб чиқариш жараёнида тўла ўз қийматини янги маҳсулот қийматига ўтказиб, ўз шаклини ҳам йўқотади. Айланма маблағлар ёрдамида ҳар бир янги ишлаб чиқариш жараёнини бошлашдан аввал янги меҳнат буюмлари сотиб олиш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига ўз вақтида келтириш заруриятини келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалигида айланма маблағлар фойдаланиш шакли, мазмуни, миқдори ва ишлаб чиқаришда қатнашиши ҳолатлари жиҳатидан бошқа соҳалардан фарқ қилади.

1. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш вақти бошқа соҳаларга нисбатан узок;
2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш вақти билан иш даври бир-бирига мос келмайди;
3. Қишлоқ хўжалигида бир қисм ишлаб чиқарилган маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойда-

ла илади. Бу товар маҳсулоти миқдорининг сўзвий равишда камайишига олиб келади;

4. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг айланма маблағлари пайдо бўлиши, меъёрлаштирилиши ва фойдаланиши жиҳатидан фарқланади.

Қишлоқ хўжалигида айланма маблағларига эгалик қилиш жиҳатидан **ўзиники** ва **қарзга олинган** айланма маблағларга бўлинади.

Айналма маблағлар доимо айланишда бўлади. Бу айланиш уч босқични босиб ўтади. **Биринчи**, пул капитали товар капиталига айланади. Бунда корхона ўзига керакли бўлган миқдорда меҳнат буюмлари (ресурслар) сотиб олади. **Иккинчи** босқичда меҳнат буюмлари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, янги истеъмол қийматга эга бўлган товарга айланади. **Учинчи**, ишлаб чиқарилга маҳсулот бозорга тушиб, яна пул капиталига айланади, айланма маблағининг бундай айланиши (П-МБ-ишлаб чиқариш — Т — П') унинг **айланиши** дейилади. Қишлоқ хўжалигида айланма маблағларнинг ишлаб чиқаришдаги ролига қараб **моддий айланма маблағларига** ва **муомила маблағларига** бўлинади.

**Моддий айланма маблағлар** — ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган меҳнат предметида иборат.

**Айланма маблағ** — тайёр маҳсулотни сотиш ва иш ҳақи тўлаш учун сарфланадиган пул кўринишидаги маблағдан иборат. Моддий айланма маблағлар икки гуруҳга: 1) ҳали бевосита **ишлаб чиқариш жараёнига қатнашмаган**, ишлаб чиқариш заҳираси сифатида омборларда сақланилаётган меҳнат буюмларига; 2) ишлаб чиқаришга қатнашиб, **ҳали тўла** маҳсулот **шаклига ўтмаган** меҳнат буюмларига бўлинади. Улар орасидаги нисбатни тўғри белгилаш ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган капитал омилидан унумли фойдаланишга олиб келади.

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ҳолатини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. **Материал қайтими** кўрсаткичи — бир сўмлик айланма маблағ ҳисобига олинган ялпи маҳсулот қиймати билан аниқланади.

2. **Материал сигими** кўрсаткичи — бир сўмлик ялпи маҳсулот етиштириш учун қанча сўмлик айланма маблағ сарфланганлиги билан белгиланади.


3. **Моддий айланма маблағларининг айланиш коэффициенти.** Товар маҳсулоти қиймати ҳамда “шартли қора мол” категорияси кўчирилган ёш моллар қийматидан сотилган молларнинг қийматини чиқариб ташлагандан кейин қолган қийматни ўртача йиллик моддий айланма маблағ қиймати-га нисбати билан белгиланади.

4. **Моддий айланма маблағнинг айланиш вақти** — йил мобайнидаги кунларни (365 кун) айланиш коэффициентига бўлиш керак.

5. **Моддий айланма фондлар рентабеллиги** — олинган фойдани ўртача йиллик моддий айланма маблағ миқдорига бўлиш йўли билан.

6. **Ишлаб чиқариш воситалари рентабеллиги** — олинган фойдани асосий ва айланма маблағлар (капитал миқдорига) йиғиндиси нисбатига бўлиш йўли билан аниқланади.

Моддий айланма маблағларнинг ҳаракат этиш босқичларини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



5-чизма. Моддий айланма маблағларининг айланиш шакли.

### 9.5. Капитал маблағлардан унумли фойдаланиш қандай омилларга боғлиқ ?

Моддий айланма маблағларидан унумли фойдаланиш қуйидаги омилларга боғлиқ:

- моддий айланма маблағларни илмий асосда нормалаштиришга эришиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар, ишлаб чиқариш захирисини илмий асосда белгилаш; йил мобайнида захираларга бўлган талабни бир меъёрда таъминлаш; захира барпо этишда меъёрларга қатъий риоя қилиш; меъёрий харажатларни фан-техника тараққиёти талабларига мос ҳолда мунтазам ўзгартириш;

- моддий айланма маблағларидан тежамли фойдаланиш;
- моддий айланма маблағларини талаб даражасида сақлашни ташкил этиш;

— моддий алманма маблағларини транспорт воситаларига юклаш, ташиш ва тушириш вақтида ресурслар нобудгарчилигини кескин камайтиришга эришиш;

— моддий айланма маблағларининг айланиш вақтини тезлаштириш йўллари топиш ва қўллаш;

— ишлаб чиқаришни илмий асосда ихтисослаштириш, жойлаштириш ва марказлаштириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш;

— ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари такомиллаштириш, меҳнатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

— ходимларни ўз меҳнатлари натижаларидан рағбатлантиришнинг прогрессив шаклларида фойдаланиш;

— моддий айланма маблағлар сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш;

— ишлаб чиқаришга прогрессив технологияларни изчиллик билан жорий этиш, унинг самарадорлигини ошириш;

— ишлаб чиқаришнинг фан-техника тараққиётларини изчиллик билан жорий этишдир.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари билан моддий айланма маблағларнинг ўзаро қўшилиши асосидаги нисбатларини илмий асосда белгилаш ва бу асосда ишлаб чиқаришнинг самарали ривожланишини таъминлаш. Чунки асосий воситаларнинг ҳар бир сўми ёки ҳар бир натурал бирлиги (гектар, бош) маълум миқдорда қиймат ёки натурал кўринишдаги моддий айланма маблағларни талаб этади. Масалан, 1 гектар дон экини экиш учун маълум миқдорда уруғлик учун маълум миқдорда трактор 1 гектар ерни кузги шудгорлаш, гўзани култивация қилиш учун маълум миқдорда ёнилғи, ҳар бир кг. тирик ваздаги чигит етиштириш учун маълум миқдордаги озукани талаб этади. Асосий ва айланма капиталлар орасидаги бу нисбатларга риоя қилмаслик, ҳар гектар ердан олинadиган ҳосилни ва ҳар бош ҳайвондан олинadиган маҳсулот миқдорининг камайишига, уларнинг сифати пасайишига, маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган харажатларнинг ортиб кетишига олиб келади. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш жараёнида бу қонуниятларга қатъиян риоя қилмоқлари лозим.

## 9.6. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника таъминоти ва унга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш нима учун керак?

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун зарур бўлган меҳнат қуролилари доимо янгидан тўлдирилиши, янгиланиши, кўпроқ наф келтириши керак. Ҳар йили ишлаб чиқаришда банд бўлган тракторлар, автомашиналар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари эскириши натижасида бир қисми ишдан чиқиб кетади. Бу ишдан чиққан техника йил мобайнида янгидан тикланиши керак. Акс ҳолда у ёки бу ишлаб чиқариш жараёнини ўз вақтида бажариш имконияти камайиб, бу ўз навбатида маҳсулот етиштириш кўламига салбий таъсир этади. Бу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиёти жадал ривожлана бориши доимо маълум бир қисм ёки маълум турдаги, хилдаги техникани маънавий жиҳатдан эскиришига сабаб бўлмоқда. Эски техника ўрнига янги, иқтисодий жиҳатдан фойдаланиш учун қулай турдаги техникалар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистонда собиқ СССР даврида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган техника истеъмолчининг талабидан қатъи назар мажбуран давлат томонидан етиштириб берилар эди. Эндиликда мустақилликка эришиш натижасида, қишлоқда иқтисодий ислохотлар юз беради. Мулкка эгаллик қилиш тоғ туби билан емирилди. Давлат иқтиёридаги мулкнинг деярли ҳаммаси (ердан ташқари) ҳусусий ва жамоа мулкига айлантилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлди. Эндиликда ишлаб чиқариш воситалари, капитал омили давлат мулкидан ҳусусий мулкка — деҳқон мулкига айланди. Бу эса қишлоқ хўжалик техникасига бўлган талаб, уни сотиб олиш, ундан фойдаланиш соҳасида туб ўзгаришлар киритди. Эндиликда деҳқонга ҳар қандай турдаги техника керак эмас. Фақат ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита ижобий таъсир этадиган, деҳқон учун энг қулай бўлган техника керак.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган техниканинг деярли ҳаммаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб, уни тубдан янгилаш зарурияти пайдо бўлган эди. Эндиликда деҳқон эски техникани сотиб олиши, эски асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин эмас эди.

Деҳқон хўжаликлари учун:

– Янги, замонавий, универсал, иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган техникаларни сотиб олиш ва фойдаланиш;

– Кичик хажмдаги, кўп иш турларини бажара оладиган техника турлари;

– Қишлоқ хўжалик техникасидан йил мобайнида шерикчилик асосида фойдаланишни ташкил этиш;

– Моддий техника таъминотининг энг қулай шакллари-ни ташкил этиш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига яқинлаштириш;

– Қишлоқ хўжалик машиналарга хизмат кўрсатишнинг энг қулай ва самарали усуллари-ни ташкил этиш ва улар хизматидан фойдаланиш;

– Деҳқон-фермер хўжалигига ва кооперация асосида иш юритаётган қорхоналар талабларига мос келадиган машина трактор саройлари ва ҳиссадорлик хусусий хизмат кўрсатиш сервисларини ташкил этиш;

– Запас қисмлар билан савдо қилувчи кўчма савдо дўконлари ва сервис хизматлари ташкил этиш;

– Бевосита деҳқон хўжаликлари билан шартнома асосида иш юритувчи сервислар фаолиятини кенгайтириш ва хилма-хиллигини кўпайтириш зарурияти келиб чиқади.

Ўзбекистон ҳозиргача ва бундан кейин ҳам пахта етиштиришда жаҳондаги энг етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олади. Бунинг учун пахтачиликнинг барча иш жараёнларини механизациялаш имкониятини берадиган техникаларнинг янги русуми билан таъминлаш зарур. Бунинг учун эса даст аввал ҳайдов, чопиқ тракторлари, жаҳон пахтачилигида фойдаланилаётган энг самарали сеялқалар, култиваторлар, пахта териш машиналари, кўсак чувиш ва ғўзапоя қирқиш машиналари билан таъминлонмоғи даркор. Бу вазифалар фақат пахтачилик соҳасигагина тегишли бўлиб қолмасдан, қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун ҳам зарурдир. Бозор иқтисодиётига ўтишда қишлоқда техникага эга бўлиш ва ундан фойдаланишда икки йўналиш талабини ҳисобга олиш зарур.

**Биринчи йўналиш** – бунга йирик қишлоқ хўжалик қорхоналари – ширкатлар, ҳиссадорлар уюшмаси, агрофирма-ни киритиш мумкин. Бу хўжаликлар ўзининг молиявий қувватига кўра зарур бўлган техниканинг ўз хоҳишларига биноан сотиб олиши ва ўз мулкига айлантириши мумкин. Йил мобайнида маълум бир даврда, масалан, ерни шудгорлаш,

тракторлари дон ўриб йиғиштира оладиган комбайнларни, пахта терувчи, кўсак чувувчи, ғўза пояни қирқувчи ёки пресловчи машиналарни МТС билан шартнома асосида фойдананиш мақсадга мувофиқдир.

**Иккинчи йўналиш** — бунга фермерлар, деҳқон хўжаликларни, оила пудратлари, тармоқ хўжаликлари, якка тартибда ижара асосида иш юритувчилардан иборат бўлган деҳқон хўжаликларни киритиш мумкин. Булар ҳозирги вақтда энг майда товар ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ҳисобланиб, улар ичида фермер хўжаликлари ўрта ҳисобда 17 га ерга эга бўлиб, улар бу ерларда майда-майда миқдорда, 4-8 хилгача бўлган экинларни экиш билан ўз фаолиятини амалга оширмоқдадир. Бу йўналишга кирувчи хўжаликлар ўз даромадлиги жиҳатидан кичик хўжаликлар бўлиб, улар 3-5 хил турдаги маҳсулотларни етиштириш учун зарур бўлган техниканинг барча турларини сотиб олиш имкониятига эга эмас. Уларнинг айримларини (трактор, комбайн, терим машиналари ва бошқалар) сотиб олганда ҳам иш ҳажмининг торлиги натижасида йил мобайнида фойдаланиш имкониятига эга бўла олмайдилар. Агарда, улар шерик ҳолда сотиб олганларида ҳам иш жараёнларини бир вақтда бажарилиши техникадан фойдаланиш масаласини ижобий ҳал қилиши мумкин. Шунинг учун уларни ўз фаолиятида зарур техникани ижарага (шартнома асосида) МТС дан ёки бошқа хусусий ижарачилар техникасидан фойдаланилгани мақсадга мувофиқдир. Чунки, техникани ижарага олиш уни фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ва қийинчиликлар ижарага берувчи гарданига тушиб, ижарачи фақат ишини бажариб берганлиги учун ҳақ тўлайди, холос.

Кўпчилик фермер ва деҳқон хўжаликлар тажрибаси “митти” кичик, универсал тракторлар (ТТЗ-30, 4К2, АМГ4К4, №30 ҳамда 0,4–0,6 касли тракторлар) дан фойдаланиш анча қулайликлар туғдираётганлигидан далолат бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида ЭМТПИ ва унинг қошида сервис хизмати ишини замон талабига мослашган ҳолда ташкил этиш қишлоқ хўжалигини моддий техника базасини мустаҳкамлаш имкониятини яратди.

## **I. Мавзуга оид атамалар**

1. Капитал.
2. Асосий капитал.

3. Ўзгарувчи капитал.
4. Маънавий эскириш.
5. Жисмоний эскириш.
6. Капитал таъмирлаш.
7. Жорий таъмирлаш.
8. Капитал қайтими.
9. Капитал сифими.

**Юқорида номлари қайд қилинган атамалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг.**

1. Ялпи маҳсулот қийматининг қишлоқ хўжалик қийматига тааллуқли асосий капитални ўртача йиллик қийматига нисбати.

2. Асосий капиталнинг ялпи маҳсулот қийматига нисбати кўрсаткичи.

3. Мулкдорга ўз мулкни амалга оширишда фойда шаклида даромад келтирувчи восита.

4. Ишлаб чиқариш жараёнига кўп марта қатнашиб, ўз қийматини қисман янги маҳсулотга ўтказувчи восита.

5. Ишлаб чиқаришда бир марта қатнашиб, ўз қийматини тўла маҳсулотга ўтказувчи восита.

6. Фойдаланиш ёки фойдаланилмаслик натижасида эскириш.

7. Техниканинг контракция жиҳатидан эскириши.

8. Техниканининг айрим эскирган қисмларини алмаштириш йўли билан унинг иш қилиш қобилиятини қайта тиклаш.

9. Ускуналарнинг техникавий сифатларини ва унинг ишлаш қобилиятини тиклаш соҳасида олиб борган комплекс тадбирлар натижаси.

## **II. Мавзуга оид саволлар**

1. Ишлаб чиқаришнинг капитал омили деганда нимани тушунасиш?

2. Капитал ресурси деганда қандай ресурсларни биласиз?

3. Асосий капиталнинг қандай қийматлари бор?

4. Ўзгарувчи капитал, деб қандай капиталга айтилади?

5. Капитал сарфи ёки инвестиция деганда нимани тушунасиш?

6. Капитал айланмаси деганда нимани тушунасиш?

7. Капитал таъмирлаш нима? У қайси ҳолларда амалга оширилади?



8. Меҳнатнинг капитал билан қуролланиши деганда нима биласиз?

9. Эталон трактор деб қандай тракторга айтилади?

10. “Шартли қора мол” бирлиги нима? У қандай белгиланади?

### III. Мустақил иш топшириқлари

1. Корхона эркаклар кўйлагини тикишга мослаштирилган. У I кварталда ҳар бир тоннаси (тола) юз минг сўмдан 20 т, II кварталда 15 т пахта толаси сотиб олди. II кварталда пахта толаси нархи 20 фоизга ортди. Корхона қанча пул капитали сарфлашга мажбур бўлди?

2. Янги ташкил этилган МТП янги тракторлар сотиб олди. Уларнинг двигателлари қуввати 150 от кучига тенг 5 та, 175 от кучига тенг 3 та ва 200 от кучига тенг 4 та трактор бор. Бу тракторлар эталон тракторга айлантирилса, қанча тракторни ташкил этади?

3. Фермер хўжалигида 6 та 2 ёшдаги гунажин, 5 та соғин сигир 2 та буқа, 200 та қўй, 2000 та товуқ бор. Уларни “шартли қора мол”га кўчирса қанча қора мол бўлади ва фермер чорва моллари учун қанча ер олиш ҳуқуқига эга бўлади?

## Х БОБ

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАДБИРКОР ОМИЛИ

#### РЕЖА:

1. Тадбиркорлик ишлаб чиқариш омилими?
2. Бизнесми ёки тадбиркорликми?
3. Тадбиркорлик шароити нима учун керак?
4. Тадбиркорлик омили деганда нимани тушунасиз?
5. Тадбиркорлик ва бизнес режа.
6. Тадбиркорлик фойдасининг чегараси борми?
7. Тадбиркорми ёки менежерми?
8. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва заҳиралантириш нима учун керак?

*Адабиётлар:* 5; 6; 7; 9; 29; 34; 46.

#### 10.1. Тадбиркорлик ишлаб чиқариш омилими?

Юқорида меҳнат, ер ва капитал омилларининг қўшилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёни ташкил топиб, бу жараёнда инсон эҳтиёжининг қандайдир бир турини қондира оладиган хусусиятга эга бўладиган ноз-неъмат ишлаб чиқарилади дедик. Аммо, бу ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мақсадсиз, ўзбилармончилик, иқтисод қонуниятлари амалига зид бўлган ҳолда ишлаб чиқарилаверади, деган маъно келтириб чиқарилмаслиги керак. Ҳар қандай ишлаб чиқариш ўз олдига катта мақсадларни қўйган ҳолда ташкил этилади. Бу ишлаб чиқариш инсон учун, жамият учун, ишлаб чиқарувчи учун қандайдир наф келтирмоғи шартдир, акс ҳолда ҳеч қандай ишлаб чиқаришнинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кимдир бу ишлаб чиқаришни ташкил этиши, қанча ва қандай миқдорда, турда ишлаб чиқариши, ишлаб чиқарилган товарларни қаерда, қайси бозорларда, қандай баҳоларда сотиш ва зарур бўлган ресурсларни сотиб олиши эркин ҳолда бозорга таъсир этиши зарур.

Бу шахс ёки шахслар гуруҳи — ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш, айирбошлаш, истъомол қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни янгидан бошлаш, такрор ишлаб чиқаришни, узликсизликни таъминлашга бошчилик қилиш, барча ишларга халқ олдида, давлат олдида, қонунлар олдида жавоб бериши керак. Бусиз ишлаб чиқариш ўзбилармончиликка, денгизда бошқарувчиси йўқ, адашиб кетган кемага айланаиб қолиши мумкин. Бун ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омили — тадбиркорлик омили — бўлиши заруриятини келтириб чиқаради. Америка иқтисодчиси Беркли Хилл таърифлаганидек, хаттоки, ёввойи олмани қоқиш ҳам тўрт омилнинг бирлашишини талаб этади: дарахт (ер), калтак (капитал), калтакни ҳаракатга келтирувчи куч (одам), олма ҳосилини қоқиш, тўплаш, идишларга солиш, улардан қандай мақсадлар учун фойдаланиш ва қандай наф кўриш эса шу жараёни ташкил этувчи шахсга бевосита боғлиқдир. Бу шахс — тадбиркордир.

## 10.2. Бизнесми ёки тадбиркорликми?

**Бизнес** — деганда томорқа хўжалигидан тортиб — агрофирма бирлашмаларигача юқори фойда олиш мақсадида инсон ресурсларидан, капитал, кўчмас мулк ёки ердан турли йўللар ва мақсадларда фойдаланиш тушунилади.

**Бизнес** — бирон-бир иш фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабат, иш билармонликда келиб чиқадиган муносабатдир. Бизнес билан шуғулланувчи шахс — **безнесмен** (инглизча бизнес — иш, мен — одам), деб аталади.

Бизнес моҳияти, мақсади иш юритиш фаолияти жиҳатидан тадбиркорлик тушунчасини билдиради. Бизнес-тадбиркорлик иқтисодий категория ҳисобланиб, у хўжалик юритиш усули, иқтисодий фикрлашиш туридир.

Тадбиркорлик — ўз-ўзидан тасодифий ҳолатда пайдо бўладиган жараён эмас. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш — бир қатор тайёргарлик босқичларини босиб ўтмоғи шарт. Бундай босқичлардан бири — унинг субъекти сифатида шаклланишидир. Тадбиркорлик якка тартибда, гуруҳ ва жамоа ҳолида юз беради. Тадбиркорлик субъектлари турличадир. Унда аввало кўпчиликни ташкил этувчи ҳусусий шахслар ёки якка шахслар бўлиб, улар ўз мулки асосида майда, ўрта, йирик корхоналар очиб, фаолият кўрсатадилар ва ўз шахсий меҳ-

натларига асосланадилар. Ҳиссадорлик бирлашмалари жамоа тадбиркорлигига асосланган. Ижара жамоалари ер, корхона-ни ижарага олиб, фаолият кўрсатадилар. Кооперативлар эса ўз самараларини бирлаштириб, биргаликда иш юритадилар. Тадбиркорлик субъектининг шаклланиши унинг объектив шаклланишига олиб келади. Тадбиркорлик объекти деганда аввало, маълум фаолиятни тушунамиз. Тадбиркорлик ишлаб чиқарилган товарлар ва бажарилган хизматлар кўламига яраша даромадда ўз аксини кўрсатади. Даромад кўлами – фаолиятининг ташкилийлиги, унинг омилларидадан удабуронлик билан фойдаланишга боғлиқдир. Тадбиркорлик юритиш фаолияти – хўжалик субъектини мустақиллигига ва суверенлигига, иқтисодий манфаатдорликка, доимий хўжалик ва жавобгарлигига боғлиқдир.

Тадбиркорлик субъекти – қонуний, молиявий, иш юритиш фаолияти жиҳатидан мустақил, юридик шахс бўлмоғи шарт.

Тадбиркорлик – фаолият кўрсата олиш имкониятига эга бўлмоғи учун у мустақиллик билан бир қаторда иқтисодий манфаатдорликка ҳам эга бўлмоғи керак.

Тадбиркорлик даставвал – новаторлик билан белгиланади. У доимо иқтисодий фаолиятда янгиликларни ахтариш, уларни амалга ошириш, фаолият самарадорлигини кўтариш учун хизмат қилмоғи зарур. Ҳар қандай рақобат курашига бардош бера оладиган кучга, маблағ, бозор сирларига эга бўлиш керак. Тадбиркорлик доимо инновацияга, янгиликка интилмоғи ва уни ўз фаолиятида қулай бўлиши имкониятига эга бўлмоғи керак. Тадбиркорликнинг ҳар бир қадами остида хатолар ва жавобгарлик ётади. Уларни босиб ёки четлаб ўтиш йўллари ва воситаларини билиш зарур.

Тадбиркор мулкдорлардангина пайдо бўлади деган хулосага келмаслик керак. Тадбиркор – қарз, сармоя, мулкни ижарага олиш асосида ҳам ташкил топиши мумкин.

Тадбиркорлик, иқтисодий фикрга эга бўлиш зарур. Бунинг учун иқтисодий мулоҳазалар чиқариш ва уларни солиштириш, улар орасидан қулай вариантларни танлаш учун ишлаб чиқариш ва бозор сирларини чуқур билиш иқтисодий билим назариясини ва амалиётини яхши ўзлаштирган ҳамда мавжуд ахборот ва маълумотларни чуқур таҳлил қила олиш, улардан тегишли хулоса чиқара оладиган ва фойдалана олиш кабиларга эга бўлиш керак. У доимо иқтисодий янгиликка интилмоғи зарур.

Бозор иқтисодиёти қонунлари таъсири остида тадбиркорлик хусусияти ҳам ўзгара боради. Бозор рақобатига бардош бера олмаган бир қатор тадбиркорлар емирилади, синади, бозорни тарк этади. Улар ўрнига тадбиркорликнинг янги, бозорбоп шакллари пайдо бўлади, юксалади, ривожланади. Аммо, тадбиркорлик фаолияти учун моддий ва молиявий ресурслар етарли бўлган тақдирда ҳам маълум шарт-шароитларнинг бўлишини талаб қилади. Бўларга:

1. Имкониятларни излаш ва ташаббускорлик (тўсиқларни енгиб ўтишга тайёргарлик, мақсадга етиш учун ҳолатни ўзгартириш хусусияти);

2. Иқтисодий фаолиятда эркин бўлиши. ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқий асосларга суяниш, ҳўжалик фаолиятини танлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришда эркинликка таяниш;

3. Ҳалоллик асосида иш юритиш, обрўга эга бўлиш, бошқаларга ишониш ва ўзгалар ишончни йўқотмаслик, ўзи меҳнат қилаётган ҳўжалик ёки бизнес корхонасига путур етказмаслик, унинг номини эъзозлаш;

4. Таваккалга тайёргарлик. Тадбиркор таваккал қилиб иш юритиш қобилиятига эга бўлиши, иқтисодий хавф-хатарни ўз зиммасига олиш, чув тушиб қолишдан қўрқмаслик;

5. Самарадорлик ва сифатга йўналганлилик. Ҳар қандай шароитда ҳам фойда олишга интилиш, унга эришиш чоратадбирларини ўз зиммасига олиш, фойдани тақсимлаш ва тасарруф қилишда мустақил бўлиш;

6. Иш юзасидан алоқаларга мойиллик, жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёргарлик ва ишни бажариш учун шахсий фидойликка бориш;

7. Мақсадга интилувчанлик;

8. Тижорат сирига эга бўлиш. Бизнес ишида янги технологияларни қўллаш, янги товар яратиш, бозорлар топиш, нарх белгилаш, контрактлар тузиш сирларини сақлай билиш;

9. Хабардорликка интилиш. Бозор конъюктураси, инфратузилмаси ва барча тижорат, тадбиркорликка боғлиқ бўлган хабарлар манбаи билан мунтазам танишишга интилиш ва эришиш;

10. Ишнинг бажарилишини мунтазам кузатиш ва ўз вақтида уларга ўзгартиришлар киритиш;

11. Мақсадга эришишдаги қатъийликлар;

12. Қонун-қоидаларга қатъи риоя қилиш ва ўз вақтида бажариш;

13. Мулк эгаси бўлиш кабилар киради.

Бу тамойилларнинг ўз ҳаракати бўлиб, уларни амалга оширишда тадбиркорлар ҳар хил ёндашадилар. Бу тамойилларнинг қайси бири уларга жуда қўл келувчан, қайси бири эса уларга аҳамиятсиздек кўринади.

Бу тамойиллардан фойдаланиш заруриятини Ўзбекистон тадбиркорлари ичида қуйидагича маълумотларни бериш мумкин: омилкорлик — 63 фоиз, ҳалоллик — 52 фоиз, профессионаллик — 45 фоиз, лабзи ҳалоллик — 43 фоиз, таваккалчилик — 36 фоиз, идрокчилик — 24 фоиз овоз олган.

Қолган бошқа хусусиятлар (тамойиллар) 20 фоизга яқин овоз олган. Уларнинг орасида: дадиллик ва ўзини тута билиш — 16 фоиз, оптимизм — 15 фоиз, талабчанлик — 12 фоиз, киришувчанлик, тажрибалилик, гайратлилик — 10 фоиз, жасурлик ва айёрлик — 3 фоиз, ишонувчанлик — 2 фоиз. Тадбиркорларнинг бу тамойиллари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятида қандай таъсир этиши ва натижаларга эришишини кўрсатиб беришда йўлчи юлдуз ролини ўйнайди.

Ҳозирги замон тадбиркорлари учун энг муҳим хусусият яна шуки, доимо янгиликка интилиш, меҳнат, ҳўжалик, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали ўзи ва жамият манфаатларини рўёбга чиқариш, бозорни зарур бўлган товарлар ва хизматлар билан тўлдириш учун ўзидаги барча имкониятларни ишга солишдир. Чунки тадбиркорнинг даражаси, савияси, иш услуби, ҳаракатчанлиги, маҳорати бозор йўналишини белгилаб беради. Шунга кўра бозор тақдири, унинг ҳолати, муваффақияти, самарадорлиги, ижтимоий йўналиши, тадбиркорлар фаолияти, уларнинг ишбилармонлиги бозорни ташкил қила билишларига боғлиқдир. Бу хусусиятлар аграр соҳада иш юритаётган тадбиркорларга ҳам тааллуқли бўлиб, улар бозорни қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан тўлдиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

“Тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг ҳаракатдаги қонунчилик доирасида товар ишлаб чиқаришга, хизматлар кўрсатишга ҳамда даромад ва фойда олишга қарагилган ташаббускорлик фаолияти”дир.

“Тадбиркорлик тўғриси”да қонун. 1-модда.

### 10.3. Тадбиркорлик шароити нима учун керак?

Тадабиркорликни ташкил этиш ҳали тадабиркорлик фаолияти ташкил қилинди, деган маънони англатмайди. Тадабиркорлик ўз фаолиятини яратиш, уни ривожлантириш, олдига қўйган мақсадларига эришмоқ учун маълум шароит яратилмоғи шарт.

Бу шароитлар тўрт қисмга: иқтисодий, сиёсий, руҳий ва юридик асосларга эса бўлиши мумкин.

**Иқтисодий омиллар** - тадабиркорлик нима ишлаб чиқариш, қанча ва қандай ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган товарларни қимга, қаерда ва қандай баҳода сотиш эркин бозор иқтисодиёти шароитига мос ҳолда амалга оширилмоғи шарт. Тадабиркор эркин фаолият асосида иш юритмоққа эришиши учун у ўз талабига ва истагига тўла мос келадиган ишлаб чиқариш воситаларини хоҳлаган миқдорда, хоҳлаган турда сотиб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқарилган товар бозорда эркин шаклда талаб ва таклиф мувозанати асосида юзага келмоғи лозим.

Тадабиркор ўз капиталини қаерда, қандай, нима учун ва қандай мақсад учун фойдаланишини ўзи ҳал қилиши керак. У фақат бозор учун ишлаб, талаб ва таклиф, эркин баҳо таъсирида бўлиши даркор.

Тадабиркор учун эркин бозор иқтисодиёти ўз-билармончилик асосида эмас, балки жамият талабига мос ҳолда, жорий қонун-қоидалар талаби асосида, белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида амалга ошади.

Тадабиркорликнинг шаклланиши ва унинг тақдири шу жараёнга, унинг услубига, тезлигига, ҳажмига боғлиқдир. Тадабиркорлик учун инфратузилманинг ривожи ҳам зарур. Чунки ишлаб чиқариш ресурсларини қаердан, қандай усулда олиш номаълум бўлса, кредитга ишонч бўлмаса, товар харидорлари номаълум бўлса, реклама бўлмаса, алоқа воситалари паст даражада бўлса, бозор иқтисодиёти тараққий этиши мумкин эмас. Тадабиркор – бозорда рақобат курашига қатнашмасдан, бу курашда ўз куч ва қувватини синамасдан туриб, яшай олмайди.

**Сиёсий, руҳий ва ҳуқуқий омиллар.** Тадабиркорликнинг сиёсий омили – мамлакат президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини таъминлашдир. Бусиз тадабиркорликнинг юзага келиши мумкин эмас. Сиёсий вазият тадабиркорликка қулайлик яратиши, барқа-

рорлик, демократия ривожі шароитларини яратади. Иқтисодиётнинг сиёсатга қарамлигидан қутқазіш — тадбиркорликни иқтисодий жиҳатдан ривожланшига йўл бошловчи асосий омиллардан биридир.

**Тадбиркорлик руҳияти** ҳам бозор иқтисодиётининг шаклланиши, унинг ҳаётий таъсири даражасига боғлиқ. Чунки, бозор тенглилиги, истеъмол тенглилиги тадбиркорлик психологиясига ёт бўлиб, унинг бозордаги мавқеини буғади, ҳаракат доирасини чеклаб қўяди. Бозор тенг тақсимотни қабул қилмайди. Бозор ҳар бир тадбиркорнинг фаолият натижасига қараб даромадни тақсимлашни тақозо этади.

Тадбиркорлик фақат қонун обрўси мавжуд бўлган шароитдагина тараққий этиши, ривожланиши учун барча шароитлар яратилиши мумкин. Қонун унинг барча соҳадаги фаолиятини ҳимоя қилиши зарур. Акс ҳолда тадбиркорлик боши берк кўчага кириб қолади.

#### 10.4. Тадбиркорлик омили деганда нимани тушунаси?

Тадбиркорликнинг уч асосий омили мавжуд. Бу омилларга: ҳуқуқий, сарможавий ва шахсий омилларни киритиш мумкин.

**Ҳуқуқий омил.** Тадбиркор бўлиш учун ҳуқуқий муҳит керак. Тадбиркор учун эркин иқтисодий фаолият юритиш, тижорат билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиш лозим. Тадбиркорлик кафолати керак. Агарда тадбиркорлик учун ишонч бўлмаса, қонун асосида у ҳимоя қилинмаса қандай қилиб у фаолият кўрсатиши мумкин, тижорат билан шуғулланади? Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган барча қонун, қарор, фармойишлар яратилди ва улар ҳаракат этмоқда. Бу қонунлар ичида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу қонун бошқа қонунлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик учун ҳуқуқий муҳит яратмоқда.

Тадбиркорлик учун ҳуқуқий муҳитнинг икки томони: **эркинлик** ва **мажбурийлик** мавжуд.

Эркинлик фаолияти, жамият ва жамият аъзолари ўртасида бўлган эркин муносабатларни таъминлаш билан боғлиқдир. Эркинлик ҳуқуқи бу — тадбиркорнинг ўз хоҳиши ва қонунга қатъий риоя қилган ҳолда хоҳлаганча товарлар ишлаб чиқа-



риш, хизматлар кўрсатиш, ресурслар сотиб олиш, улардан фойдаланиш, ишчи кучини ёллаш, хоҳлаган бозорларда сотиш, баҳони эркин ҳолда шакллантириш; имкониятини яратиб беради.

Тадбиркорнинг мажбурияти бу — унинг жамият ва давлат қонунлари олдидаги бурчидир. У қонун талабларига тўла риоя қилган ҳолатда фаолият кўрсатиши, қонунда тақиқланган фаолиятларни (нашавандлик, бошқа наркотик моддалар ва рекет билан шуғуланмаслик) амалга оширмаслик, солиқларни ўз вақтида тўлаш, ҳар хил фирибгарликлардан ўзини тийиш, экологияга зарар келтирмаслик, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш каби турли-туман мажбуриятлардан иборат. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий муҳити давлат томонидан ҳимоя қилинади ва назорат этилади.

**Тадбиркорнинг ҳуқуқий муҳити деганда унга тааллуқли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар йиғиндиси тушунилади.**

**Тадбиркор сармояси.** Тадбиркор сармояга эга бўлмаса, у тадбиркор бўла олмайди. Сармоясиз иш юритувчи ҳар қандай шароитда ҳам қарам ва ижрочи, ярим мустақил шахс бўлиб қолади. Тадбиркорнинг сармояси уч манбадан ташкил топади: хусусий, қарз-кредит, йиғма, қўшма сармоялар. Бу сармоя ичида хусусий сармоя асосий ўринни эгаллайди. Ҳар бир тадбиркор қандайдир фаолият турини бошлашдан аввал маълум миқдорда хусусий сармаясига эга бўлмоғи зарур. Бу тадбиркорнинг бошланғич сармояси, деб аталиб, сармоя ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини бошлайди. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида у қўшимча сармоя сарфлаш зарурияти пайдо бўлган тақдирда қарз ва йиғма сармоялардан фойдаланиши мумкин.

**Қарз-кредит сармоя** — тадбиркорнинг фаолият доираси, унинг бозордаги имкониятларига боғлиқ. Қарз сармоя асосан банкдан олинadиган кредитга бошқа шахслар қўлида бўш ётган маблағларга ва ресурсларга боғлиқ, ҳеч қандай қарз бекорга берилмайди. Қарз тагидан қарз баҳоси — фойдаланиш фоизи ётади. Бу фоиз миқдори — қарзга бўлган талаб миқдорига боғлиқ. Агарда қарзга талаб кўп бўлса, кредит фоизи ортиқ, кам бўлса, паст бўлади. Тадбиркорнинг қарз кредит олиш кафолати уни шу кредитни тўлай олиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир қарз олувчи тад-

биркор — қарзни тўлаш учун кафолат мулкига (қўзғалувчи ва қўзғалмас мулк) эга бўлиши, уни гаровга қўйиши шарт.

Қарзга олинган сармоядан фойдаланганлиги учун тўланадиган фоиз ўз муддатларида тўланиши шарт. Акс ҳолда тўланмаган муддатлар учун қўшимча фоизлар, шунингдек жарималар тўланади.

**Йиғма-қўшма сармоялар.** Бу турдаги сармоя олувчилар якка тадбиркорлар ёки кооператив хўжаликлар бўлиши мумкин. Бу сармоянинг кредит-қарзли сармоядан фарқи шундаки, бунда фойдаланиладиган сармоя маълум муддатга қайтиб бериш учун эмас, балки шерикчилик, маблағни бирга фойдаланиш мақсадида берилади. Якка тадбиркор ўз сармояси етишмай қолганда ўзига шерик қидириб, шериги сармояси эвазига ўз фаолиятини давом эттиради, ривожлантиради. Топилган фойда ҳам сармояга қараб тақсимланади. Бу тадбиркорлик-қўшма тадбиркорлик, деб номланади, қишлоқ хўжалигида йиғма — қўшма маблағлар — сармоялар асосида иш юритувчи кооператив корхоналар (ширкатлар, хиссадорлик ва бошқа) учун ҳам тегишлидир.

Тадбиркор сармояси — иккига: **ишлаб чиқаришда банд бўлган ва бўш ётган сармояларга** бўлинади.

Ишлаб чиқаришдаги сармоя бу бевосита ресурслар кўринишидаги сармоя бўлиб, бу сармоя товарга айланиш жараёнида банд бўлади. Бўш ётган сармоя, ишлаб чиқаришни қайта такрорлаш мақсадида ажратилган сармоя бўлиб, тадбиркор уни бўш турадиган вақтида фойдаланишни хоҳлайдиган шахс топилса, уни қарзга бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда тадбиркорнинг уч омили бир-бирлари билан қўшилиши ва улардан қай даражада оқилона, қонуний, инсоний фойдалангандагина тадбиркор фаолияти ижобий юксала бориши учун кенг йўл ва имкониятлар пайдо бўлади.

**Тадбиркорликнинг учинчи омили** — унинг шахсий хусусиятидир. Тадбиркорлик даставвал унинг новаторлик қобилияти билан белгиланади. У доимо иқтисодий фаолиятда янгиликларни ахтариш, уларни амалга ошириш, фаолият самарадорлигини кўтариш учун ҳаракат қилади. Тадбиркор бўлиш учун ташқи ҳолатдан ташқари шахсан ўзига боғлиқлик томонлари борки, у сармоя билан тўла таъминланган тақдирда ҳам уни тўлақонли тадбиркор, деб ҳисоблаб бўлмайди. Тадбиркор бўлиш бу туғма иқтидордир. Олимларнинг фикрича, ҳар юз кишидан 8-9 тасигина тижорат ишига мойил бўлади. Қолганлари эса ҳар қанча сармоя берсангизда, улардан тад-

биркор чиқмайди. Тадбиркор бўлишнинг асосий омили — ишбилармонлик ва тижорий қобилиятга эга бўлишдир. Истак, орзу — бу ҳали тадбиркорлик деган гап эмас. Ҳаётий тажрибалар тадбиркор бозор иқтисодиётининг амалиётчисигина эмас балки унинг ижодкоридир. Чунки тадбиркорлар оддий ижрочи эмас, балки бозор иқтисодиёти, унинг муносабатлари, механизмига ижобий ёндашувларни ривожлантирувчиларидир. Тадбиркор — бозор тўғрисидаги тушунчани кенгайтирувчи, унинг турлилигини таъминловчи, реал ҳолатни бойитувчи шахсдир.

Тадбиркор — бозорни ўз вақтида сезиб бориш, унинг ҳолатини олдиндан кўра билиш, бозорнинг эртанги талабини сеза билиш, ҳар томонлама билимдон, илмдон, сезгир тадбиркор бўлиши керак. Бу хусусият бозор конъюктурасини чуқур билиш ва унга қатъий амал қилишга олиб келади.

Бунинг учун тадбиркор ҳар томонлама билимдон ва катта тажрибага эга бўлиши шарт.

Тадбиркор замонавий техника, технология, тадқиқотчилик, тажрибаси бўлмаса, у ишни ривожлантира олиш қобилиятини йўқотади. Бозор рақобатига бордош бера олмайди ва ўз фаолиятини бозорга мослаштирилган ҳолда ташкил этиш имкониятига ҳам эга бўла олмайди. Тадбиркор иш юритиш соҳасида барча омил ва чора-тадбир, боқийликка бир хил муносабатда бўлиб, ҳаммасини ўз диққат марказида тута олиш қобилиятига эга бўлмоғи даркор. Тадбиркор инсоний қобилиятларига, ташкилотчилик, иш юритиш, ишни ташкил қилиш бошқарувчи каби хислатларга эга бўлиши, кўпчиликнинг тақдирини белгиловчи, минглаб кишиларнинг бошини бир жойга бирлаштира олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Тадбиркор халқ олдида, давлат олдида юқори обрўга эга бўлган ҳақиқий халқ хизматкори ролини ўйнаши керак.

Тадбиркор бозор иштирокчиси, уни ташкил қилувчиси ва ривожлантирувчи сифатида асосий шахсдир.

Тадбиркор — актив ишбилармонлик даражаси сифатида куйидаги омилларга эга бўлмоғи лозим:

1. Маълумоти;
2. Болаликдаги оилавий таъсири;
3. Аввалги иш тажрибаси;
4. Ўз ишига муносабати;
5. Шахсий хусусиятлари;

6. Шахсий сифати;
7. Шахсий ҳаётида юз берган воқеалар;
8. Ҳаётий режалари;
9. Оилавий аҳволи;
10. Маданияти, маънавияти ва бошқалар.

Демак, ҳар бир тadbиркор ўзининг ички ва ташқи фаолиятига, имкониятига, орттирган тажрибасига, онг даражасига, билим савиясига қараб бозорда эркин фаолият кўрсатиш асосида бозорга таъсир этиши мумкин.

### 10.5. Tadbиркорлик ва бизнес режа

Tadbиркорнинг асосий таркибий қисмларидан бири -- бизнес режадир.

Tadbиркор ўз олдида турган вазифа ва мақсадларга эриша олмаса, у ўз фаолиятини тўхтатади. Бу эса унинг инқирозга учраганлигидан далолат беради.

Tadbиркор бу хавфга учрамаслик учун- у бизнес режага эга бўлиши керак.

**Бизнес режа маълум фаолият юритиш натижасида эришиладиган даромад, фойда, нақд даражасини ўзида ҳисоб-китоб қилиб, кўрсатиб бера оладиган ҳужжатдир.**

Олдиндан зарур ҳисоб-китоблар қилиниб, барча имкониятлар тўла эътиборга олиниб, қилинадиган ишлар устида тўла тасавур ҳосил қилинса, уларни амалга ошириш имкониятларини олдиндан била олсагина бундай фаолият муваффиқиятли фаолият ҳисобланади. Акс ҳолда бу фаолият инқирозга учраши мумкин. Шунинг учун тadbиркор ўз бизнес режасига эга бўлмоғи шарт.

Бизнес режа тузиш учун қуйидаги ахборот турларига эга бўлиш, уларни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва оқибатда келиб чиқадиган хулосаларни билиши керак:

- талаб ҳолатига мойил ахборотлар;
- ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган ахборотлар;
- молиявий ахборотлар.

**Кириш қисмида** — ташкил этилажак корхона нима билан шуғулланиши, қанча капитал маблағ сарфланиши, қандай турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши, маҳсулотга бўлган

## Бизнес режа қисмлари

Умумий қисм	Ишлаб чиқариш режаси	Маркетинг режаси	Молия режаси	Ташкилий режа
1. Титул варианты	1. Корхонада бажариладиган ишлар	1. Ички амиллар	1. Даромад ва харажат қақидаги маълумотлар	1. Мулк шакли ва корхона тури
2. Кириш қисми	2.....	2. Ташқи омиллар	2. Нақд пул прогнози	2. Раҳбарият ва ташкилий тuzилма
3. Тармоқ гаҳлили	3. Ишлаб чиқариш жаҳозлари	3. Янги товар ва хизмат хусусиятлари	3. Бизнес режа	3. Корхона жойлашуви
4. Лойиҳа аҳамияти	4. Хом ашё ва материаллар	4. Баҳо танлаш		4. Солиқ қонунларини қўлланиши
5. Хатарлилик баҳоси	5. Иш кучи	5. Сотиш тизими		
6. Қўшимчалар		6. бозор сегментацияси		

талаб қандай бўлса тадбиркор муваффақият қозониши мумкинлиги каби тушунчалар қисқача, аниқ ҳисоб-китоблар асосида баён этилади.

**Тармоқдаги аҳвол таҳлили.** Рақобат курашида корхонанинг имкониятлари ва фаолияти, келажакдаги ривожланиш истиқболлари, рақиблар ва шерикларининг корхонага таъсири, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва уларнинг ўз истеъмолчиларини танлай олиш йўллари, бозор, бозорни сегментлаш, тармоқда келажакда сармоя қўйиш каби масалалар яратилади.

**Лойиҳанинг моҳияти.** Инвесторнинг корхона қайси йўналишдалиги ва ҳажмини билиш учун маҳсулот ёки хизмат турини тўла кўрсатиш, фирманинг қандай биноларга жойлаштишини, иш юритиш ва керак бўлган мутахассис тўғрисида маълумотлар берилади.

**Хатарлиликни баҳолаш.** Бундай корхона олдидаги қийин муаммолар, уларни ечиш йўллари, рақобат, унда ғолибликка эришиш, янги стратегик йўлларини белгилаш устида гап боради.

**Ишлаб чиқариш режасида** — ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш ресурслари сотиб олиш, ишлаб чиқаришни энг замонавий ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари асосида амал-

га ошириш, маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар, товарларни сотиш каби масалаларини ҳал этади. Ишлаб чиқариш режаси бизнес режанинг ўзаги ҳисобланади.

**Маркетинг режаси** — бозорни эгаллаш, уни сегментлаш, бозор рақобатида муваффақиятли қатнашиш, товарларни энг қулай шаклларда сотишга эришиш, кўпроқ фойда кўришни амалга оширишдир.

**Молия прогнози** — даромад ва харажат, нақд пул миқдорини аниқлаш, актив ва пасив қисмларини илмий ва амалий жиҳатдан исботлаш ва унга эришишдан иборатдир.

**Ташқи омилар прагнози** — ташкил этилаётган корхонанинг мулк шакли, корхона хили, раҳбарият туркуми, ташкилий тузилиши, фаолият йўналиши, бино ва иншоотларнинг жойлашуви, ҳуқуқий ва бошқарув шакли, мулк шаклларига қараб солиқ қонунларининг қўлланиши, четдан жалб этиладиган хизматчилар меҳнатидан фойдаланиш каби муаммоларни ўз ичига олади ва ечимини топиб беради.

**Назорат тизими** — бизнес режанинг ҳамма бўлимларини тўла ҳолда амалга ошириш устидан назорат қилади, унинг бажарилиш даврида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, ўзгартиришлар киритиш вазифаларини бажаради.

Тадбиркорнинг иш фаолияти бизнес режанинг нақадар юқори савияда, илмий ва амалий жиҳатдан талабга жавоб бера оладиган ҳолатда тузилганлигига боғлиқдир.

## 10.6. Тадбиркорлик фойдасининг чегараси борми?

Тадбиркорликнинг асосий мақсади юритаётган фаолияти натижасидан фойда кўришдир. Чунки у фойда кўрмаса, фаолиятини тўхтатади, қўлини бу ишга урмайди, сарф-харажат ҳам қилмайди. Тадбиркорнинг фойдаси — ишбилармонлик каби имкониятни ишга солиб, ишлаб чиқаришда ва бозорда маълум йўналишда фаолият кўрсатиб, унинг эвазига оладиган мукофотидан иборат. Тадбиркор доимо шу оладиган мукофотнинг миқдорини оширишга ҳаракат этади. Бу оладиган мукофот — тадбиркорнинг фойдасини ташкил этиб, у икки кўринишда: меъерий (нормал) ҳамда иқтисодий (соф) фойда кўринишида олади.

**Меъёрий фойда** — бу тадбиркорнинг олиб бораётган фаолияти эвазига олинadиган ҳақдан иборат. Тадбиркорнинг меъёрий фойдаси (ҳақи) харажатлар таркибига кириб, тадбиркор товарларини энг паст нарҳда (харажатлар даражасига тенг нарҳда) сотганда ҳам меъёрий фойдани олиш имкониятига эга бўлади. Меъёрий фойдани кўпроқ олиш мақсадида товарни қимматроқ сотишга ҳаракат қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун у доимо қулай бозорни қидиради, маркетинг хизматидан фойдаланишга ҳаракат этади.

**Иқтисодий (соф) фойда** — миқдори товар ва хизматларини сотишдан тушган тушум (даромад) билан харажатлар орасидаги фарққа тенг бўлади. Бу фойда товарларни харажатлар миқдоридан ортиқроқ сотиш натижасидаги фарқ эвазига фойда бўлади. Иқтисодий фойда фойда сифатида тадбиркорлик фаолиятида қатнашаётган шахслар орасида тақсимланади. Бу фойда тадбиркорнинг тадбиркорлик фаолияти натижасини ўзида акс эттирувчи якуний кўрсаткичдир. Унга қараб тадбиркорлик фаолиятига баҳо берилади.

Тадбиркор ўз фаолиятидаги ҳаракат йўналишига қараб ишлаб чиқариш, тижорат ва банк фойдасини ҳам олиш имкониятига эга бўлади. Тадбиркор тижорат соҳасида тижорат (олди-сотди) фойдаси билан бир қаторда “Омад” фойдасини ҳам олишга муяссар бўлади. Бозордаги нархларнинг ўзгариши туфайли олинadиган фойда омад фойдаси, деб юритилади. Бунда сотиб олинган товар баҳоси маълум вақтдан сўнг шу товарнинг баҳоси ортиб кетиш натижасида пайдо бўлади. Масалан, тадбиркор 200 минг сўмга бугдой сотиб олди, деб фараз қилайлик, икки ойдан сўнг бугдойнинг нархи 50 фоизга ортди. У ҳолда тадбиркор 200 минг сўмлик бугдой эвазига 100 минг сўм қўшимча фойда кўрди. Бу қўшимча фойда унга омад келиши натижасида пайдо бўлди. Аммо, тадбиркорнинг асосий вазифаси товарларни арзонга сотиб олиб, унинг баҳоси кўтарилганда сотиб, фойда кўриш эмас. Унинг асосий вазифаси корхона фаолиятини яхшилаш эвазига олинadиган фойда миқдорини ошириш ҳисобига олишга эришишдир. Тадбиркорнинг фирма даромади уч кўринишда: умумий, ўртача ва меъёрий даромад кўринишида бўлади.

**Умумий даромад (У)** — барча товар ва хизматларни сотишдан келадиган пул тушуми. Унинг миқдори (У), сотиладиган товарлар, хизматлар сони (С) ва уларнинг бозордаги сотиш

баҳосига (Б) боғлиқ. Демак, умумий даромад  $У = С - Б$ . Агарда сотиладиган товарлар, хизматлари миқдори қанча кўп ҳамда уларнинг бозордаги сотиш баҳоси қанча юқори бўлса, умумий пул тушуми (даромад) миқдори шунча кўп бўлади.

**Ўртачаий даромад (Д)** – товар бирлигини сотиш эвазига тушган тушум. Бу даромад умумий даромадни сотилган товарлар сонига бўлиш натижасида белгиланади  $Д = У / С$ .

**Меъёр даромад (МД)** – қўшимча сотилган товарлар ҳисобидан тушадиган даромад. Уни аниқлаш учун тушган умумий пул (даромад) ўсишини, қўшимча сарфланган товарлар миқдорига бўлиш йўли билан белгиланади  $МД = ДУ / ДБ$ .

Фойда бу тадбиркор фаолиятининг молиявий натижаси ҳисобланади. Молиявий натижани аниқлашда **рентабеллик**, деб аталувчи кўрсаткичдан фойдаланилади. Уни аниқлаш учун фойданинг харажатга фоиз нисбатини бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткич ёрдамида 1 сўмлик харажат эвазига қанча сўмлик фойда олинганлигини аниқлаш имкониятини беради. Фойда қанча ортса, харажат ўзгармаса, рентабеллик (фойдалилик даражаси) шунча юқори бўлади. Фойданинг ўсишига нисбатан харажат миқдори тезроқ ўсса, унумдорлик шунча паст бўлади. Тадбиркор учун фойданинг ўсиши ёки камайиши билан бир қаторда фойданинг мутлоқ миқдори (массаси) ўсиши ёки пасайиши ҳам катта аҳамиятга эга. Фойда миқдори рентабеллик даражасига ва қўйилган пул (капитал) миқдorigа ва капиталнинг айланиш миқдорига боғлиқ. Агар рентабеллик даражаси қанча юқори бўлса, қўйилган капитал миқдори қанча катта бўлса ва унинг айланиш вақти қанча тез бўлса – фойда миқдори шунча кўп ва аксинча бўлади. Тадбиркорлик фаолиятида фойдани ҳосил қилишда ҳам қанча ҳисса қўшган бўлса, шунга қараб тақсимланади ва ўзгартирилади.

### 10.7. Тадбиркорми ёки менежер?

Бозор иқтисодиётига ўтиш, унинг тараққиётини таъминлаш, хўжалик фаолияти ҳаракатини тартибга солиш, тижоратни самарали ташкил эта билиш бошқарувни амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир. Тадбиркор даставвал ўз фаолиятини



муваффақиятли бошлай олиш, унга яқиндан ёндаша билиш унинг бошқарувчанлик қобилияти билан қанчалик танишлик даражасига боғлиқдир. Тадбиркор, иқтисодчи, бошқарувчи, хўжалик раҳбари ва ташкилотчи экан, у даставвало менежер ва менежментлик касбини эгаллай олгунча, менежерча ташкилотчи ва бошқарувчи бўла олмагунча у ўз мақсадига эриш-олмайди. Иқтисодий тараққийётни таъминлай олмайди.

Аммо, бундан тадбиркор албатта, менежер бўлиши керак деган маъно келиб чиқмаслиги керак.

Тадбиркор ва менежер бу икки мустақил касб-хунар бўлиб, улар ўртасида ўхшашликлар билан бир қаторда хусусийлик, ҳам мавжуд. Бу саволларга қуйидаги маълумотлар жавоб бера олиши мумкин:

Фаолият турлари	Тадбиркор	Менежер
Стратегик йўналиши	Асосий ҳаракат этувчи куч – истиқболли имкониятлардан фойдаланиш	Асосий ҳаракатланувчи куч – мавжуд ресурслардан фойдаланиш
Мақсадларни амалга ошириш	Истиқболлилик – кескинлик асосида тезлик билан натижага эришув	Эвалюцион – узоқ истиқлобни кўзлаш
Ресурсларни ишга солиш	Кенг томонли, иложи борича эркин ҳаракат имконини сақлаш.	Бир қадамлик, қўйилган вазифага аталган фондларни бирданига ишга киритиш
Ресурсларни жалб этиш шакллари	Ижара ва зарур ресурсларни вақтинча жалб этишнинг бошқа шакллари	Ресурсларни ўз мулкига айлантириш ва ишловчилар сонини кўпайтириш
Ташкилий структура	Горизонтал, норасмий алоқалардан фойдаланиш	Расмийлашган боғлиқ алоқалар.

Тадбиркор билан менежер орасидаги ўзларига хос хусусиятлар ва тафовутлар борлигини кўрсатади.

Булар қуйидагилар:

**Стратегик йўналишлар бўйича** – тадбиркор ўз фаолиятини мунтазам ошириб боришни, кенгайтира бориш мақсадида доимо янгиликка интилувчи, тезкорлик, хотиржамлик, ўта жавобгарлик, тўла мустақилликка интилувчи шахслар. Шунинг учун тадбиркорда ижодкорлик ва ижрочилик муҳассамлашса, менежерда ижрочилик устун ўринда туради.

**Мақсадларни амалга оширишда** – тадбиркор кўпроқ фойда олишга эришиш мақсадида ўз капиталини ресурсларга ай-

лантириб, ўз фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат этади, оқибатда ресурслардан унумлироқ фойдаланиш йўли ва усулларидан оқилона фойдаланишга эришиш натижасида ўз мақсадларига эришади. Мененжер эса тезкорлик, шиддат асосида, қисқа вақт ичида ўз мақсадига эришиш тарафдоридир. Мақсадни амалга оширишда тадбиркорлар мустақил иш олиб борувчи хўжалик, корхона эгаси бўлса, мененжер — ижрочидир.

**Ресурсларни ишга солиш** — тадбиркор имконияти борича ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланиб, барча ресурсларни ишга солиш асосида ресурслар самарадорлигини оширишга эришиш. Мененжер эса ишлаб чиқариш ҳажмини эски ҳолда сақлаш асосида эркин ҳаракат этиш, мулк эгасига тўла қарам ҳолда иш юритиш асосида ресурслардан фойдаланади.

**Ресурсларни жалб этиш шакллари** — тадбиркор мулк эгаси сифатида хоҳлаган пайтида, шароитда фойдаланилаётган ресурслар тузилмасини бозор шароити талабига мослаган ҳолда ўзгартира олиш, янги шаклларни барпо этиш имкониятига эга. Мененжер эса қарам имкониятлар асосида ишлаб чиқаришга бозор талабларига тўла мос келадиган даражадаги ресурсларни сафарбар этиш имкониятига эга бўла олмайди.

Тадбиркор менежерга нисбатан амалга оширадиган ишни ўз ўрнида ҳал қилиши, жуда тезкорлик билан чора-тадбирлар қўллаши, маслаҳатлашиб ўтирмай зудлик билан бир аниқ фикрга келиши, кўп ҳолларда ҳатарли ишларга қўл уриши, таваккалчиликка ўта мойиллиги билан фарқ қилади.

Тадбиркор билан менежер ўртасидаги умумийлик, дега-нимизда моҳир ташкилотчилик, бошқарувчанлик, ташаббускорлик, маъсулиятлилик, жонкуярлик каби хусусиятларни келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда:

**Менежер тадбиркор бўлиши мумкин, лекин тадбиркор албатга, менежер бўлиши шарт.**

### **10.8. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва заҳиралантириш нима учун керак?**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янади чуқурлаштириш, хусу-

сий мулк муҳофазасини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги фармонида тадбиркорни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун асос солинди. Давлат томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими кўп омилларни ўз ичига олади:

1. Солиққа тортиш ва ундириш соҳасидаги қонунларни такомиллаштириш, бунга:

– Қишлоқ хўжалик, савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш корхоналари қўшимча қиймати учун солиқ тўлашдан озод қилинади;

– Даромаддан олинadиган солиқ бўйича имтиёзлар берилади;

– Барча корхоналар йигирма фоизли амортизация ажратмалари тўлашдан озод қилинади;

– Қишлоқ хўжалигида ҳамма солиқларни бирлаштириб, ягона ер солиғи жорий қилинади.

2. Хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги имтиёзлар:

– тадбиркорлар учун энг қулай лойҳалар танлаш ва фойдаланиш жорий этилади;

– хорижий шериклар фаолиятини активлаштириш ва уларнинг манфаатини кўтариш мақсадида имтиёзлар берилган.

3. Тадбиркорларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни амалга оширишда имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилади.

4. Ҳусусий тадбиркорлар учун имтиёзли солиқлар жорий этилади.

5. Тадбиркорлик фаолияти ва унинг мулки қонун асосида ҳимоя қилинади. Бунинг учун юздан ортиқ қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

6. Тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қулай, кам фоизли, кичик (микро) ҳажмдаги кредитлар бериш тизими такомиллаштирилади.

7. Тадбиркорлар давлат сугуртаси ёрдамида ҳимоя қилинади.

8. Тадбиркорлар учун ҳар хил турдаги савдо ярмаркалари, савдо уйлари, савдо каталоглари, бюллетен ва бошқа информация ташкил қилиш амалга оширилади.

9. Тадбиркорлар замонавий ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш амалга оширилади.

10. Тадбиркорлар учун бозор инфратузилмаси хизматларининг замонавий усулларини яратиш ва фойдаланишга татбиқ қилинади.

11. Хом ашёни қайта ишлаш корхоналагил, сервис-таъмирлаш хизматлари ташкил этилади.

12. Тадбиркорларни чет эл компаниялари билан савдо-сотиқ қилишини ташкил этилади ва тегишли шарт-шароитлар яратилиб берилади.

13. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот ва реклама хизмати кўрсатишда имтиёзлар берилади.

14. Тадбиркорларнинг иш фаолиятига ноқонуний аралашувчи шахс ва ташкилотлардан ҳимоя қилинади.

Юқорида келтирилган тўла бўлмаган бу тадбирлар ва давлат томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган қулайликлар мамлакатда тадбиркорлар фаолиятини янада ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганлигидан далолат беради. Давлат билан тадбиркорлар орасидаги иқтисодий ва ижтимоий алоқалар доимо такомиллаша борадиган жараёндир. Тадбиркорлик фаолиятининг ўзгара бориши натижасида ўз кучини йўқота бошлаган қонунлар, фармойишлар, кўрсатмалар янгиланиб, тадбиркорларга мос келадиган ва улар фаолиятига ижобий таъсир этадиган қонун ҳамда фармойишлар билан алмаша боради.

## **I. Мавзуга оид атамалар**

1. Тадбиркорлик.
2. Меъёрий харажат.
3. Фойда.
4. Сармоя.
5. Инвестор.
6. Қарз-кредит.
7. Бизнес.
8. Бизнес режа.
9. Менежер.
10. Қарз маблағ.
11. Фонд биржаси.

### **Атамалар учун мос келадиган таърифларни белгиланг**

1. Акция сотиб олиб, бу билан акциядорлик жамияти даромадининг бир қисмига ва уни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга бўла оладиган шахс.

2. Акциялар, заёмлар олди-сотдиси рўй берадиган.
3. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ҳисобига қарз олиш.
4. Товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишга ҳамда даромад ва фойда олишга йўналтирилган қобилият.
5. Фаолият бошлаш имкониятини берадиган бойлик.
6. Ҳаражатлардан ортиқча қисм.
7. Ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда кўзгалувчи ҳамда кўзгалмас мулклар ҳисобига фойда топиш усули.
8. Маълум фаолият юритиш натижасида эришиладиган даромад, фойда, наф даражасини ўзида акс эттирувчи ҳужжат.
9. Тадбиркор меҳнатига тўланадиган ҳақ.
10. Махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришни сир-асрорларини, қонун-қоидаларини чуқур билувчи шахс.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Тадбиркор деганда нимани тушунасиз? Уни ширкатлар уюшмаси раисидан қандай фарқи бор?
2. Қарз сармояси қандай усулларда олинади, уни ким беради?
3. Қарзга олинган сармоя нима ҳисобига берилади ва у қандай усулда тўланади?
4. Тадбиркор фойдаси нима? У қандай тақсимланади?
5. Сармоясиз — тадбиркор бўлиш мумкинми?
6. Тадбиркорнинг шахсий омили деганда нимани тушунасиз? Тадбиркор қандай шахсий хислатларга эга бўлмоғи зарур?
7. Тадбиркор — мененжерми? Улар ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутлар бор?
8. Бизнес режа нима? Уни тузиш йўллари?
9. Тадбиркор қайси ҳолатларда ўз фаолиятини тўхтатиши мумкин?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Тадбиркор банкдан 500 000 сўм қарз олди. Қарз фоизи 10 га тенг. У қарзни 4 муддатда, I кварталда 30 фоизини, II кварталда 18 фоизини, III кварталда 22 фоизини, қолганини IV кварталда тўлаш мажбуриятини олган. Аммо, йил охирида ҳаммаси бўлиб 25 фоизини тўлади. Тадбиркорнинг бундан кейинги фаолияти нима бўлади?

2. Тадбиркор кооперативдан 5 гектар ерни ижарага олди. Ижарага олган ери учун қанча ер солиғи тўлашини аниқлаш учун қандай ишларни қилиши керак?

3. Тадбиркор банкдан 1 млн. сўм қарз олди. Олган маблағни товарга айлантириб, товар сотилмасдан ётибди. 1 йиллик қарз фоизининг атиги 50 фоизини тўлади. Қарзни қайтариб бериш муддатидан 3 ой ўтиб кетди. Тадбиркор қандай қарор қабул қилиши керак? Сизчи?

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### АГРАР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

#### ХІ БОБ

### АГРАР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНИ ЎСТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

#### РЕЖА:

1. Иқтисодий ўсиш нима учун керак?
2. Аграр иқтисодий ўсиш қандай омилларга боғлиқ?
3. Иқтисодий ўсиш натижаси ҳаёт бойлигимиз?
4. Аграр иқтисодий ўсиш қандай кўрсаткичлар ёрдамида ўлчанади?
5. Аграр ялпи маҳсулот такрор ишлаб чиқариладими?
6. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қай тарғибда тақсимланади?

*Адабиётлар:* 5; 6; 7; 9; 13; 15; 24; 34; 35.

#### 11. 1. Иқтисодий ўсиш нима учун керак?

Ҳар бир инсон, гуруҳ, жамият ўз ҳаётида тўқинчиликда, фаровонликда яшашни хавас қилади. Бу мақсадга эришмоқ учун зарур моддий ноз-неъматларга эга бўлмоқ керак. Бу ноз-неъмат жамият аъзолари иштирокида мунтазам ишлаб чиқарилиши таъминланган бўлиши шарт. Бу мақсадга эришиш фақат моддий ноз-неъматларни такрор ишлаб чиқарибгина қолмасдан, уни кенгайтирилган, такрор ишлаб чиқариш ҳолатида амалга оширмоқ даркор. Жамият фаровонлиги — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг қай даражада ўсиш ҳолатига боғлиқ. Бу ўсиш — оддий, механик ўсиш бўлмасдан иқтисодий жиҳатдан ўсиш бўлмоғи керак. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўзида жамиятнинг қай даражада ривожланаётган ҳолатини, даражасини акс эттиради.

**Иқтисодий ўсиш деганда, жамият эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар миқдори ҳамда сифатининг оша бо-риш даражаси тушгунилади.**

Иқтисодий ўсиш нафақат ноз-неъматлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, балки бу моддий неъматларни ишлаб чиқаришни таъминловчи ишлаб чиқариш воситаларини қайта ишлаб чиқаришни ҳам англатади. Талаб даражасидаги ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмасдан туриб, эҳтиёжга мос келадиган ноз-неъматлар ҳам ишлаб чиқариш мумкин эмас. Даставвал ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш соҳасини инновация асосида ривожлантириш ва бу асосда ноз-неъматлар ишлаб чиқарувчи соҳалар, тармоқлар, корхоналар ва маҳсулот турларини ташкил этиш зарур. Ишлб чиқаришнинг иқтисодий ўсиши — жамият ҳаётининг бирламчи асоси бўлганлиги учун ундаги бўладиган барча турдаги ўзгаришлар бевосита иқтисодий ўсиш натижаси асосида юз беради. Чунки ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиш даражаси мамлакатда ҳосил қилинган ялпи ички маҳсулотни, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот кўламини ўзида ифода этади. Яратилган ялпи ички маҳсулот миқдори қанча юқори бўлса, ҳар бир жон бошига тўғри келадиган бу даромад улуши ҳам шунча юқори бўлади. Бу кўрсаткич ёрдамида мамлакат иқтисодий салоҳиятини баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Иқтисодий ўсиши қанча юқори бўлса, мамлакат шунча бой, қанча паст бўлса, у шунча қолоқ бўлади.

Иқтисодий ўсиш икки йўналишда амалга оширилади:

**Биринчидан,** ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини, кўламини ошириш йўли. Бунда барча куч-ғайратлар, ресурслар сарфи, маҳсулот миқдорини кўпайтиришга қаратилади, ўсиш даражаси бу йил ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турларини ёки қиймат кўринишидаги ялпи ички маҳсулотни ўтган йилларга солиштириш (солиштирма баҳода) йўли билан белгиланади ва шунга қараб ишлаб чиқариш фаолияти баҳоланади.

**Иккинчидан,** ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини ошириш йўли. Бунда ишлаб чиқарилган товарлар ва ба-жарилган хизматлар кўлами ортибгина қолмасдан, уларнинг сифатлари талаб даражасига мос келиши билан баҳола-



нади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар кўламига нисбатан уларнинг сифати катта иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати талаб даражасидан паст бўлиши, улардан хом ашё сифатида фойдаланиш имкониятини пасайтиради. Ишлаб чиқаришни қайта такрорлаш жараёнида эса такрорий хом ашё ролини (уруғлик, қуруқ мева ва бошқалар) ўйнаш қобилиятини йўқотади. Маҳсулот сифатини яхшилаш — эҳтиёжни тўла-роқ қондириш, ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш, кўпроқ наф кўриш имкониятини яратади.

## 11.2. Аграр иқтисодий ўсиш қандай омилларга боғлиқ?

Аграр ишлаб чиқариш иқтисодий самарасини ошириш кўп, турли-туман омиллар таъсири натижасида юз беради. Бу омиллар табиий, биологик, кимёвий, физик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, иқлим, об-ҳаво, ер, сув, атроф-муҳит ва бошқа омиллар таъсири натижасида юз беради. Аграр соҳада ишлаб чиқариш иқтисодий ўсиш жараёнига таъсир этувчи барча омилларни иқтисодий ўсиш омиллари, деб юритилади. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларга қуйидагилари келтириш мумкин:

— табиий ресурслардан фойдаланиш захираси, фойдаланиладиган ресурслар миқдори, сифати, камёблиги ёки сероблиги;

— мавжуд меҳнат ресурслари миқдори, уларнинг жойлашуви, сифати, тажрибаси, иш билан бандлиги, меҳнат унумдорлиги даражаси;

— ишлаб чиқаришдаги капитал ресурслари, уларнинг миқдори, сифати, жалб қилиниш даражаси, таркиби, нафлилиги;

— ишлаб чиқаришнинг моддий-техника жиҳатидан таъминланиши, қуролланиши, уларнинг фойдаланиш даражаси;

— ишлаб чиқаришга жалб этиладиган қўшимча ресурслар ва инвестициялар миқдори ва жалб этилиш даражаси, фойдаланиш ҳолати;

— табиат ва об-ҳаво инжиқликлари: иссиқ, совуқ, қор, ёмғир, сел, жала, дўл, баҳорнинг кеч келиши, қишнинг эрта бошланиши, вегетация даврида қуёш нурунинг етарли бўлмаслиги, ёмғирли кунларнинг кўп бўлиши, сув ва шамол эрозияси ва бошқа табиат инжиқликларини киритиш мумкин;

— қишлоқ хўжалик зарарқунандалари, касалликлари ва уларнинг ёйилиш доираси. Қишлоқ хўжалик экинлари ва

чорва моллари бу офатлар таъсири натижасида ҳар йили катта миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлишига сабабчи бўлади;

— тупроқ унумдорлигининг пасайиши, сув захираларининг камайиши, қурғоқчилик, гармсел шамоллар, тупроқ таркибида ҳар хил захарли моддаларнинг кўплаб тўпланиб бориши, тупроқнинг нураши, ер ости сувларининг кўтарилиши, ерларнинг мелиоратив ва ирригация ҳолатининг ёмонлашиш сабабларининг орта бориши;

— қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни, такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда кўпчилик маҳсулотлар ва чорва моллари ресурс сифатида фойдаланилади. Улардан унумли фойдаланишга эришмоқ учун фойдаланишга қадар сифатини яхшилашга етарли аҳамият бериш керак. Масалан, экиладиган уруғ юқори сифатли бўлмасдан ундан юқори ҳосил олиш мумкин эмас. Шунинг учун халқ: «Нима эксанг шуни оласан», деган мақолни бежиз айтмаган. Насилли чорва моллари турлари яратмасдан туриб, маҳсулдор чорва фермаларини барпо этиб бўлмайди;

— иқтисодий ўсишга эришмоқ учун ҳар гектар ердан юқори ҳосил олишга эришмоқ лозим. Бунинг учун етарли органик ва минерал ўғит захираларига эга бўлмоқ зарур;

— моддий бойлик даставвал инсон ва унинг меҳнати натижасида яратилади. Бу эса моддий ноз-неъматлар яратаётган ҳар бир деҳқон ўз меҳнатлари натижаларидан моддий жиҳатдан манфаатдорлиги қонуний асосида қондирилмоғи зарур. Меҳнат товар сифатида сотилиши ва ишчи кучи қиймати ўз вақтида иш ҳақи кўринишида тўланмоғи зарур. Акс ҳолда ишлаб чиқариш даражасига салбий таъсир этиши мумкин;

— ишлаб чиқаришнинг бош омили ҳисобланган ишчи кучи мунгазам равишда ўз малакасини ошириб бориши зарур. Чунки меҳнат қанча юқори малакали бўлса, у вақт бирлиги ичида шунча кўп янги қиймат ҳосил қилади;

— иқтисодий ўсиш ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўз вақтида сотиш, истеъмолчилар билан бозор иқтисодиёти асосида шартномалар тузиш, эркин баҳо, бозор баҳоси асосида олди-сотди қилишга кўп жиҳатдан боғлиқдир;

— иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигига, устуворлигига тўла риоя қилинган ҳолдагина эришиш мумкин. Сиёсатнинг иқтисодиёт устидан ҳукмронлиги ҳеч

қачон инсонга бахт-саодат келтирмайди. Буни собиқ СССР ўз фаолиятида тасдиқлаган;

— иқтисодий ўсиш — бозор иқтисодиётининг давлат томонидан тартибга солиш сиёсатига тўла риоя қилишига боғлиқ;

— иқтисодий ўсиш-қонуннинг ҳукмронлигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида қонунга риоя қилмаслик, қонунга суяниб, унинг аксини амалга ошириш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ўсишига олиб келмайди. Қонунни суиистеъмол қилиш — иқтисодий ўсиш йўлида турган тўғаноқдир;

— аграр соҳанинг иқтисодий ўсишини таъминлаш кўп жиҳатдан кучли ижтимоий сиёсатга боғлиқ. Ҳар қандай бойликни яратувчи инсонни ижтимоий жиҳатдан ҳимояламасдан туриб, уларнинг яратувчанлик қобилятини бунёдга чиқариш мумкин эмас.

Бу тўла бўлмаган омиллар — жамият иқтисодий ўсишига ўз таъсирини кўрсатади. Иқтисодий ўсиш жуда кўп объектив ва субъектив омиллар таъсирига боғлиқдир.

### 11.3. Иқтисодий ўсиш натижаси — халқ бойлигимиз?

Юқорида қайд этилганидек, жамият ва унинг аъзоларининг хилма-хил эҳтиёжларини тўлароқ қондириш асосида уларни фаровон ҳаётга йўлловчи восита — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиши ҳолатига боғлиқдир. Иқтисодий ўсиш фақат аҳоли яшаш шароитигагина таъсир этиб қолмасдан, жамият бойлигини оширишга, кўпайтиришга ҳам бевосита таъсир этади. Чунки, жамият томонидан аҳоли жон бошига қанча кўп ялпи миллий маҳсулот етиштира олса, аҳоли фаровонлиги шунча юқори бўлади. Оқибатда, мамлакат ихтиёридаги миллий бойлик миқдори ҳам шунча тез кўпая бошлайди, унинг иқтисодий салоҳияти шунча юқори бўлади.

Жамият бойлиги — бу инсон томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жамғарилишидир. Бойлик бу — маълум тизимнинг куч-қуввати, уни баҳолаб берувчи ўлчовдир. Бойлик бу унинг бошқа давлатларга солиштирувчи салоҳият даражасидир. Жамият ихтиёридаги бойлик — шу жамият аъзоларининг бойлиги ҳисобланиб — у миллий бойликни ташкил этади. Миллий бойлик — бу миллат ёки элатнинг бойлиги бўлмай, муайян жамиятнинг бойлигидир. Шу нуқтаи назардан уни ижтимоий бойлик, деб ҳам аташ мумкин.

**Миллий бойлик — инсон ва унинг авлодлари меҳнати билан яратилган ва жамият ихтиёрида жамғарилган моддий, маданий, маънавий неъматлар ҳамда авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган табиат инъомлари, тўпланган билимлар, малакалар, маҳоратлар йиғиндиси.**

Миллий бойлик асосида мулкрий муносабатлар ётади. Аммо, бундан қатъи назар у бир қатор умуминсоний белгиларга эга:

— миллий бойлик қаерда бўлишидан қатъи назар у меҳнат натижасида яратилади ва асрлар оша кўпайиб боради;

— миллий бойлик — жамғариладиган бойликдир. Меҳнат натижасида яратилган маҳсулот фақат ҳозирги жорий истеъмолни қондирибгина қолмасдан, балки келажак авлод истеъмолини ҳам қондириши керак;

— миллий бойлик жамият фаолияти маҳсули ва табиат инъоми бўлганлиги учун уларнинг таъсири остида бўлади. Бойлик доимо сақланиши керак. Уларга эгалик меҳри билан қараш ва муомала қилиш керак. У табиат ва инсон қонунлари таъсирида бўлмоғи лозим;

— миллий бойлик ўсиши, янгиланиши учун у такроран ишлаб чиқарилиши зарур. Бу жараён узлуксиз давом этмоғи ва доимо кенгайтирилган тарзда амал қилмоғи лозим;

— миллий бойлик доимо давлат, айрим корхона, шахслар, шахс гуруҳлари тасарруфида бўлиб, у кимнинг тасарруфида бўлса, ўшанинг мулки бўлиб ҳисобланади. Мулк бўлмаган жойда бойлик йўқ;

— миллий бойлик табиат инъоми бўлган бойлик ва меҳнат маҳсули бўлган бойликларга бўлиниб, уларнинг қўшилишидан иборат;

— ҳар қандай бойликнинг отаси — меҳнат, онаси эса — ердир. Ер билан меҳнат ҳар қандай бойлик яратувчи бойликдир;

— тикланадиган ва тикланмайдиган моддий бойликка бўлинади. Тикланадиган моддий бойликка — ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойликлари киради. Булар инсон меҳнати таъсири остида қайтадан тикланади, ҳосил бўлади. Ер остидаги бойликлар тикланмайдиган бойликлар гуруҳига кириб, улар келажак авлодлар учун мерос бўлиб қолдирилади. Ҳозирги вақтда кўпгина илгор мамлакатлар, масалан, АҚШ ўз худудидаги кўпгина конларни келажак авлод учун сақламоқдалар;

– табиатдаги мавжуд бўлган барча ресурслар – жамиятнинг потенциал ресурси, деб юритилади. Потенциал ресурс реал ресурсга айланмоғи учун: а) бунга талаб пайдо бўлиши керак; б) зарур технология мавжуд бўлмоғи даркор;

– ер, сув, ҳаво – миллий бойликнинг муҳим унсурларидир;

– миллий бойлик моддий ва номоддий бойликлардан иборат. Моддий бойлик бу – жамиятнинг моддий эҳтиёжининг қондирувчи бойликдир. У – асбоб-ускуна, биноиншоот, машина ва механизмлар, ғамланган хом ашё, ёқилғи, мойлаш материаллари, шунингдек, истеъмол буюмлари йиғиндисидан иборат;

– интеллектуал бойлик – ақл-идрок, билим ва ижодий қобилиятлардан ташкил топади. Унинг таркибига илмий-техникавий ғоялар, илмий кашфиётлар, ишланмалар ҳам киради. Инсоннинг бу қобилияти тугамас-битмас бойликдир. У тинимсиз тикланиб ва ривожланиб боради. У ўз сарфини тез оқлайди;

– инсоннинг меҳнатсеварлиги – тиришқоқлик, ишбилармонлик, тadbиркорлик қобилиятидир;

– авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб борувчи бойлик. Бунга тарихий обидалар, қадимий қўлёзмалар, санъат асарлари, биналар, иншоотлар, каналлар, сув омборлари, темир йўллар ва ҳоказо кўринишдаги бойлик бўлиб, бир неча авлодларга хизмат кўрсатади.

Миллий бойликнинг ўсиш манбаи – ялпи ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланиб, у икки қисмдан:

#### **Жамғарилган бойлик:**

– асосий фондлар;

– айланма воситалар;

– аҳолининг шахсий мулклари;

– интеллектуал бойлик;

– давлат ва айрим фуқароларнинг хориждаги бойлиги.

#### **Ҳамда табиий бойликдан:**

– ер фонди, ўрмонзорлардан;

– ер қазилма бойликлари заҳиралари;

– гидроэнергетик ресурслар;

– ҳайвонот дунёсидан иборат.

Ялпи ишлаб чиқариш бу – моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан иборатдир. Ялпи ишлаб чиқариш қуйидаги кўрсаткичлар:

- ялпи ички маҳсулот(ЯИМ);
- соф ички маҳсулот(СИМ);
- ялпи миллий даромад(ЯМД);
- соф миллий даромад(СМД) ёрдамида аниқланади.

Иқтисодий ўсиш бу — ялпи ишлаб чиқаришнинг ўсиши демакдир. Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг механик ўсиши эмас, балки унинг иқтисодий ўсиш даражаси керакдир. Иқтисодий ўсиш — ишлаб чиқариш самарадорлигини ўзида акс эттиради.

#### 11.4. Аграр иқтисодий ўсиш қандай кўрсаткичлар ёрдамида ўлчанади?

Аграр соҳада иқтисодий ўсиш — ялпи маҳсулот, ялпи ва соф даромад кўринишидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади. Аммо, бу кўрсаткичларни аниқлаш учун бир қатор майда кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш ҳар қандай жамият, давлат, сектор ва унинг соҳалари, улар ичидаги ишлаб чиқариш бўғинлари фаолиятини ўзида акс эттирувчи жараёндир. Бу жараёнларда ҳар хил иқтисодий ресурслардан фойдаланилиб, натижада инсон учун, жамият учун зарур бўлган барча ноз-неъматлар етиштирилади. Қишлоқ хўжалигида бир йил ичида ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар ва бажарилган хизматлар биргаликда **қишлоқ хўжалик маҳсулоти** (ялпи маҳсулот), деб юритилади.

$$KXM = T + X$$

дан иборат. Бунда,  $T$  — моддий маҳсулотлар;  $X$  — хизматлар.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнида яратилган маҳсулотлар (озик-овқат, турар жой, кийим-кечак ва бошқалар) — товарларни ташкил этади. Хизмат кўрсатиш жараёнида бажарилган ишлар, маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита қатнашмасда, улар таъсирида:

- маҳсулотларнинг истеъмол хусусияти яхшиланади;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган воситалар таъмирланади;
- транспорт хизмати кўрсатилади;
- аҳоли саломатлиги яхшиланади;
- малака, маҳорат, тажриба оширилади;
- маслаҳат, ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатилади;
- маҳсулот нобудгарчилиги камаюди ва бошқа томонларга ижобий таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигида бажариладиган барча хизмат турлари ўз қийматига эга бўлиб, бу қиймат қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматига қўшилади. Қишлоқ хўжалигида икки соҳа (ўсимликчилик ва чорвачилик) ва уларнинг кўп сонли тармоқлари ва корхоналари ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кўпчилиги бир йилда 1 ёки 2 марта етиштирилиб, жуда кўп турлитуман маҳсулотлар хилини ташкил этади. Улар икки турда: натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади. Масалан, натурал кўринишда  $X$  — тонна пахта,  $Y$  — тонна дон,  $Z$  — минг дон тухум ва ҳоказо. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни натурал кўринишида ҳисобга олиш уларнинг ўзгариши ҳам таҳлил этиш имкониятини беради. Масалан, фермер 1995 йили 200 тонна пахта етиштирган бўлса, 1999 йили 300 тонна пахта етиштирди. Бу давр ичида фермер пахта ялпи ҳосилини 50 фоизга оширди, деб таҳлил этилади. Аммо, натурал кўрсаткич ёрдамида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш мумкин эмас. Уни “Ишлаб чиқариш фаолияти” ҳамда “Иқтисодий фаолиятини” ҳисоблаш учун барча турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва бажарилган хизмат турларини пул кўринишига, қиймат кўринишига кўчириш лозим. Бу кўрсаткич ёрдамида қишлоқ хўжалигида бир йил мобайнида етиштирилган барча маҳсулотлар ва бажарилган хизматларнинг ягона миқдори пайдо бўлади. Бу миқдор солиштириш, таққослаш имкониятини яратади.

Қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот қиймати ( $KxMk$ ) ўсимликчилик ва чорвачилик соҳаларида яратилган барча турдаги маҳсулотлар қиймати ва шу соҳада кўрсатилган хизматлар қиймати йиғиндисидан иборатдир.

$$KxMk = Umk + Cmk + Xk$$

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати ва бажарилган хизматлар қиймати:

- ялпи даромад ( $KxMk$  — ишлаб чиқариш харажатлари)
- соф даромадда (соф даромад - қўшимча иш) ўз аксини топади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматини ҳисоблаш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради:

- қайси баҳо билан ҳисобга олиш. Маҳсулот қайси баҳода сотилса, шу баҳо билан у ҳисобга киритилади:
- ишлаб чиқарилган маҳсулотни хўжалик ишлаб чиқаришида ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланиш. Ма-

салан, уруглик, ем-ҳашак, гўнг, сабзавот маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ўз таннархи, шартли баҳолар ёрдамида ҳисобга киритилади:

— чорва моллари, ёш ҳайвонлар. Булар бухгалтерия ҳисобидаги баланс қийматига, қўшимча семириш, вазн миқдори, туғилган бола ва унинг вазни ҳисобида амалга оширилади.

КхМ — қийматига маҳсулотларнинг такрор ҳисобга кириб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак. Масалан, етиштирилган 10 тонна бугдойнинг 0,1 тоннаси уруглик, 3 тоннаси ем кўринишида сарфланди, деб фараз қилайлик. У ҳолда етиштирилган донни  $10 + 1 + 3 = 14$  тонна кўринишида ҳисобга олиш мумкин эмас. Демак, макроиқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий ўсиши, унда етиштирилган ялпи маҳсулот миқдори, сифати, қиймати, баҳоси ва бошқа омиллар ёрдамида аниқланиб, у албатта, ўсиш билан бир қаторда самара ҳам (фойда) бериши шарт.

Иқтисодий ўсиш даражаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматлар сарфи йиғиндиси сифатида, улардан келадиган даромад миқдорини солиштириш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткич энг асосий кўрсаткич бўлиб, у фақат ишлаб чиқаришнинг ўсишини ўзида кўрсатибгина қолмасдан балки иқтисодий ўсишни тўла акс эттиради. Бу кўрсаткични айрим давр, баъзи мамлакат, унинг ички секторлари, микроиқтисодий корхоналарнинг етиштирган ялпи ички маҳсулоти (аграр секторда ялпи маҳсулот) кўлами жиҳатидан бир-бирларидан фарқланадилар. Уларни иқтисодий ўсиш жиҳатидан жуда юксалган, ўрта ва кам ривожланган мамлакат ва хўжаликларга бўлиш мумкин.

Иқтисодий ўсишни аниқлаш учун ишлаб чиқариш фаолиятини узоқ муддатлар, шунингдек яқин ўтган йилга солиштириш мумкин. Бу солиштириш ишлаб чиқаришни таққослаган давр ичидаги ҳақиқий иқтисодий ҳолатни акс эттиради. Иқтисодий ўсиш даражасини солиштириш учун солиштириладиган давр ичидаги баҳоларни йиллар бўйича бир-бирларига солиштириб, бир хил солиштирама баҳога кўчириш зарур. Акс ҳолда, инфляция таъсири остида улар бир-бирларига солиштириш мумкин бўлмайдиган маълумотларга айланади.

Масалан, охириги 5 йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори 100 млн. сўмдан 160 млн. сўмга ортди, деб фараз қилайлик. Бу ҳолда ялпи маҳсулот  $(160/100) = 1,6$



марта ўсган бўлади. Аммо, бу давр ичида инфляция таъсири остида баҳо 40 фоизга кўтарилди, деб фараз қилайлик. У ҳолда бу давр ичида нарх ўсиш индекси  $(140/100) = 1,4$  га тенг бўлади. Бу солиштирма баҳо  $(1,6/1,4) = 1,11$  га тенг бўлади. Демак, 5 йил ичида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти 1,6 марта эмас, фақат 1,11 марта ўсганлигини кўрсатади. Агарда солиштириладиган давр ичида инфляция даражаси пасайиб, оқибатда баҳо пасайса, иқтисодий ўсиш етиштирилган ялпи маҳсулот миқдорининг ўсишидан қатъи назар ортади, аксинча, инфляция даражаси орта борса, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдорининг кўпайишидан қатъи назар иқтисодий ўсиш даражаси пасаяди.

Иқтисодий ўсиш нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлар ёрдамида ҳам аниқланади. Нисбий кўрсаткич қишлоқ хўжалик маҳсулоти (ялпи маҳсулот)нинг ўсиш ёки пасайиш суръатлари бўлиб, фоизларда ифодаланади. Мутлоқ кўрсаткич қишлоқ хўжалик маҳсулотини (ялпи маҳсулотни) неча фоизга эмас, балки неча сўмга ўзгарганлигини кўрсатади.

Масалан, 1996-2000 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти (ялпи маҳсулот) 140 млрд. сўмдан 200 млрд. сўмга етди. Бунда мутлоқ ўсиш 60 млрд. сўмни ташкил этади. Нисбий

ўсиш эса  $\left( \frac{60 * 100}{140} \right) = 42,8$  фоизга тенг бўлади. Иқтисоди-

ёт учун ялпи маҳсулотнинг мутлоқ ўсиши муҳимроқдир. Чунки у ишлаб чиқаришнинг кўламини билдиради. Масалан, 3 та хўжаликда ялпи маҳсулот 20 фоизга ўсди, деб фараз қилайлик. Лекин уларнинг ҳар бирида 1 фоиз реал ялпи маҳсулот қиймати ҳар хил кўламда ўсим бериши мумкин. I хўжаликда ялпи маҳсулот қиймати 2 млн, II хўжаликда 5,5 млн. ва III хўжаликда 12 млн. сўмга тенг, деб фараз қилайлик. У ҳолда ялпи маҳсулотнинг 1 фоиз ўсиши I хўжаликда 20 минг сўм, II хўжаликда 55 минг сўм, III хўжаликда 120 минг сўмни ташкил этади. Демак, иқтисодий ўсиш ҳолатини таҳлил қилишда ишлаб чиқаришнинг нисбий ўсишига нисбатан мутлоқ ўсишини аниқлаш ўсиш ҳолатини ўзида тўлароқ ақс эттираверадиган кўрсаткичдир.

Аммо, иқтисодий ўсишни таҳлил этишда, уни “Ишлаб чиқаришнинг ўсиши” тушунчасидан ажрата олиш керак. “Ишлаб чиқаришнинг ўсиши” ялпи маҳсулотнинг ўсишини ақс

эйтиради. “Иқтисодий ўсиш” эса ялпи маҳсулот етиштириш кўламини инсон учун қай даражада наф келтиришини ҳам уз ичига олади. Масалан, хўжалик 1995-2000 йиллар мобайнида етиштирилган ялпи маҳсулоти (солиштирма баҳода) 30 млн. сўмдан 45 млн. сўмга ортди, деб фараз қилайлик. У ҳолда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш  $(45/30)=1,5$  марта ўсганлигини кўрсатади. Аммо, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш харажати 10 млн. сўмдан 20 млн. сўмга ортди. Оқибатда иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш ўсиш даражасидан паст бўлди.

$[(45-20)/(30-10)]=(25/20)=1,2$  марта. Демак, ишлаб чиқариш ўсишга нисбатан иқтисодий ўсиш 0,3 марта кам бўлди. Иқтисодиётда шунинг учун иқтисодий ўсишга ишлаб чиқариш ўсишига нисбатан устуворлик берилади.

### 11.5. Аграр ялпи маҳсулот такрор ишлаб чиқариладими?

Юқорида қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар доимо истеъмол жараёнида истеъмол қилиниши, истеъмол қилинган ноз-неъматларни такрор ишлаб чиқариш зарур эканлиги таъкидланган эди. Маълумки, инсоннинг барча турдаги истеъмоллари такрорланиб турадиган жараёндр. Инсон истеъмолининг такрорланиш вақти узунлиги ҳам хилма-хилдир. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар бир кеча кундузда 5-8 марта такрорланса, кийим-кечаклар 1-2 йилда, турар жой 40-60 йилда такрорланишни, янгилашни талаб этади. Истеъмол қандай такрорланса, истеъмол қилинадиган буюмларни ишлаб чиқариш ҳам шу тарзда такрорланади. Шундай қилиб, такрор ишлаб чиқариш истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни қайтадан бошлаш ёки янгилашиб туришини билдиради. Ишлаб чиқаришнинг такрорланиб туришига такрор ишлаб чиқариш дейилади.

Такрор ишлаб чиқариш икки шаклда амалга оширилади. Унинг биринчи ва дастлабки шакли — **оддий такрор ишлаб чиқаришдир. Оддий такрор ишлаб чиқариш, деб** — истеъмол буюмлари ва хизматлари ҳажмини, миқдорининг ўзгармаган ҳолда аввалги даражада такрор ишлаб чиқарилишига айтилади. Такрор ишлаб чиқаришнинг иккинчи шакли — **кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдир.** Такрор ишлаб чиқаришнинг бу кўриниши истеъмол буюмлари ва хизматлари-

нинг ҳажмини олдинги даврга, олдинги такрорланиш ҳолатига нисбатан ортиқроқ, кенгайтирилган тарзда ишлаб чиқаришдир. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариладиган ноз-неъматлар миқдорини ошириш, кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқаришга қўшимча ресурслар жалб этишни акс эттиради. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотни кенгайтирилган тарзда қайта ишлаб чиқаришга эришмоқ учун ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, хом ашёларни тежовчи прогрессив технологиялар, илғор тажрибалар ва фан-техника кашфиётларидан фойдаланиш, янги деҳқон хўжаликлари ташкил этиш, янги ерларни ўзлаштириш, ҳосилдорлик ва маҳсулдорликни ошириш ва бошқа турдаги сифат ўзгаришларни қилишни талаб этади. Ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш даражаси ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми билан аниқланади. Ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш жамиятнинг қай даражада ривожланганлиги ҳолати ва унга мансублиги билан аниқланади ва амал қилади.

### **11.6. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти қай тартибда тақсимланади?**

Ялпи маҳсулот айрим корхона, хўжалик, фермер, деҳқон, оиланинг эҳтиёжини қондириш асосида бутун соҳанинг, давлатнинг шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради. Қиймати бўйича ялпи маҳсулот истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қийматининг маҳсулотга ўтказилган қисмига ва янги яратилган қийматга бўлинади. Истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматига мувофиқ тарзда қоплаш улуши (фонди) ҳосил қилинади. Бу улуш ҳар сафар маҳсулот сотилгандан кейин ажратиб олинади ва янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган янги ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинади. Ялпи маҳсулотдан — қоплаш фонди (улуши) ажратиб ташлагандан кейин қолган қисм — **ялпи даромадни** ташкил этади. Ялпи даромадда ишлаб чиқаришни ташкил этишга қатнашган омилларнинг (ишчи кучи, ер, капитал, тадбиркорлик) маҳсулот ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссалари бўлиб, бу ҳиссаларга қараб ер эгаси — рента, ишчи кучи эгаси — иш ҳақи, капитал эгаси — фойда, тадбиркор — фоиз кўринишида даромад оладилар.

Ялпи даромаддан — ишлаб чиқаришни ташкил этишга қатнашган омилдорларнинг олган даромади чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми — **соф даромад**ни ташкил этади. **Соф даромад** — **янгидан яратилган қийматдир**. Соф даромад икки қисмга бўлинади: бир қисми солиқлар ва ҳар хил туловлар шаклида давлат ва бошқа ташкилотларга, қолган қисми эса ички эҳтиёжларга сарфланади. Ички эҳтиёжларга сарфланадиган қисм — ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ходимлар меҳнатини заҳиралантиришга, маданий-маиший тадбирларга, ҳайриялар ташкил қилишга ва корхонанинг бошқа эҳтиёжларига сарфланади. Соф даромад мулк эгасининг — ҳусусий мулки ҳисобланиб, унинг ихтиёрига кўра сарфланади. Демак, ялпи маҳсулотнинг мунтазам ўса боришини таъминлаш фақат мамлакат салоҳиятини оширишга хизмат қилибгина қолмасдан, деҳқоннинг тўқ турмуш кўришига ҳам олиб келади.

### I. Атамаларга ўнг томондаги мос келадиган таърифни танланг

1. Иқтисодий ўсиш нима?	1. КХМК = Так как + Хк
2. Иқтисодий ўсиш нима билан ўлчанади?	2. Айрим мамлакат ёки уни йирик ишлаб чиқариш секторининг йилдан-йилга юксала бориши.
3. Микроиқтисодий ўсиш деб қандай ўсишга айтилади?	3. КХМ = Т + Х.
4. Макроиқтисодий ўсиш деб қандай ўсишга айтилади?	4. Айрим хонадон, деҳқон, фермер ва кооперативларнинг маълум давр ичидаги ўсиш даражаси.
5. Иқтисодий ўсиш омиллари деб нимага айтилади?	5. Соф даромаддан иш ҳақини чегириб ташлангандан қолган қисми.
6. Табиий ресурслар нималардан иборат?	6. Ер, сув, меҳнат, об-ҳаво.
7. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти деб нимага айтилади?	7. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти (ялпи маҳсулот).
8. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти натурал кўриниши нима?	8. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнига қатнашадиган ресурслар.
9. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти қиймат кўриниши қандай ифодаланади?	9. Бир йил ичида ишлаб чиқарилган жами маҳсулотлар ҳамда хизматлар йиғиндиси.
10. Инвестия деб нимага айтилади?	10. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматида ишлаб чиқариш харажатларини чегириб ташлашдан қолган қисми.

11. Қишлоқ хўжалигининг ялпи даромади нима?	11. Яратилган товарлар ва хизматларнинг йилдан-йилга ортиб бориши.
12. Қишлоқ хўжалигининг соф даромади нимадан иборат?	12. Иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш учун сарфланадиган пул маблағи.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Иқтисодий ўсиш нима учун керак?
2. Иқтисодий ўсиш қандай бирлик билан ўлчанади?
3. Иқтисодий ўсиш нима билан чекланган?
4. Ишлаб чиқариш моддий-техника базаси иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади?
5. Инвестиция меъёри билан иқтисодий ўсишнинг қандай алоқадорлиги бор?
6. Иқтисодий ўсиш қандай усулда солиштирилади?
7. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини қандай усулда қиймат кўринишига ўтказилади?
8. Жон боши ҳисобига етиштириладиган маҳсулотларнинг ўса бориши нима учун керак ва қандай аҳамияти бор?
9. Иқтисодий ўсишнинг мутлоқ кўрсаткичи деганда нима тушунаси?
10. Иқтисодий ўсишнинг нисбий кўрсаткичи қандай аниқланади?
11. Иқтисодий ўсишга меҳнат унумдорлиги таъсир этади-ми? Агар таъсир этса, қандай?
12. Иқтисодий ўсишни инвестициялаш, деб нимага айтилади?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. А. мамлакатда 1950 йили ялпи ижтимоий маҳсулот 1500 млрд. доллардан 2000 йилга келиб (солиштира нархда) 6985 млрд. долларга кўпайди. Иқтисодиёт кўламининг катталиқ даражасини аниқланг.

2. А. мамлакатда 5 йил ичида ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми 1,2 млрд. доллардан 3,4 млрд. долларга кўпайди. Б. мамлакатда эса бу давр ичида ялпи ижтимоий маҳсулот миқдори

8,3 млрд. доллардан 15,9 млрд. долларга ортди. Қайси мамлакатда иқтисодий ўсиш кўлами катта?

3. А. исмли йигит 8 соат пахта териб, 120 кг пахта терган. Б. исмли қиз эса 5 соатда 110 кг пахта терган. Қайси бирининг меҳнат унумдорлиги юқори бўлган?

4. Ишловчилар сони 1 млн. киши бўлса, улар кунига 7 соат ишласа (йиллик иш куни 270 кун), у ҳолда 1 йилда 1 млрд. 890 млн. соат ишлаган бўлади. 1 соатда 30 фунт стерлинг миқдорида маҳсулот яратиш имконини беради. Агарда ишловчилар сонини 3 фоизга, 1 соатлик меҳнат унумдорлигини 1,5 фунт стерлингга оширилса, иқтисодий ўсиш оқибатида қанча қўшимча маҳсулот олиш мумкин?

5. Ўтган йилги ялпи маҳсулот қиймати 800 млрд. долларга тенг бўлиб, бу йили 260 млрд. инвестицияланган, шундан 160 млрд. доллари соф инвестицияни ташкил этади. Бу йил ялпи маҳсулот миқдори кўпайиб, 880 млрд. долларга етган ёки унинг ўсиши 80 млрд. долларни ташкил этган. У ҳолда 1 долларлик инвестиция  $80/160 \cdot 100 = 0,5$ . Демак, 1 доллар инвестиция 50 центга тенг бўлган. Агарда ялпи маҳсулот 120 млрд. долларга ошсачи?

## ХП БОБ

### МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙ ҶУСИШ

#### РЕЖА :

1. Меҳнат унумдорлиги — иқтисодий ҷушиши?
2. Меҳнат унумдорлиги иқтисодий ҷушиш даражасига қандай таъсир этади?
3. Меҳнат унумдорлигининг ҷушишини қандай кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин?
4. Меҳнат унумдорлигини аниқлашга қандай омиллар таъсир этади?

*Адабиётлар:* 6; 8; 19; 22; 28; 35.

#### 12.1 Меҳнат унумдорлиги — иқтисодий ҷушиши?

Меҳнат унумдорлиги — бу ишлаб чиқариш жараёнида маълум вақт ичида (соат, кун, ой) конкрет меҳнатнинг маълум миқдорига истеъмол қийматини яратиш қобилиятидир. Меҳнат унумдорлиги иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва унга сарфланган меҳнат миқдорини ифода этиб, сарфланган меҳнатнинг иқтисодий самарадорлик даражасини кўрсатади. Меҳнат унумдорлигининг ортиши маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган иш вақти қисқариши ёки вақт бирлиги ичида ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори орта бориши билан аниқланади. Меҳнат унумдорлигининг моҳияти вақтни иқтисод қилишдир. Меҳнат унумдорлиги биринчидан ижтимоий тараққиётнинг мезони бўлса, иккинчидан у моддий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва юксалтиришнинг асосий шартидир. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида жонли меҳнат билан бир қаторда буюмлашган ёки олдинги меҳнатнинг натижалари (меҳнат қуроли ва меҳнат буюмлари) ҳам қатнашади. Шунинг учун ҳар бир иш-

лаб чиқарилган маҳсулот бир вақтда жонли ва буюмлашган меҳнатлар натижасидан иборатдир. Меҳнат унумдорлиги орта бориш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жонли меҳнат улуши қисқара боради, буюмлашган, ўтган меҳнат улуши ортиб боради. Оқибатда маҳсулот бирлигини етиштириш учун сарфланадиган меҳнатлар улуши камая боради. Бу иқтисодий қонундир. Бу қонуният қанча кўп амалга ошса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли, бозоргир, арзон маҳсулот тусига киради. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, вақт бирлиги ичида шунча кўп миқдорда маҳсулот яратилади, унинг таннархи шунча паст, сифати шунча юқори бўлиб, ишлаб чиқариш фаолиятининг ўсишига шунча ижобий таъсир этади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши — иқтисодий ўсишни амалга оширувчи асосий омил ҳисобланиб, у жамият ривожланишига катта ҳисса қўшади.

## 12. 2. Меҳнат унумдорлиги — иқтисодий ўсиш даражасига қандай таъсир этади?

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиш даражаси — ишлаб чиқариш жараёнида сарфланаётган меҳнат массасига ва меҳнат унумдорлигига боғлиқдир. Меҳнат массаси ишловчилар сонига ва ишланган вақтига боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги эса техника тараққиётига, инновация ҳолатига, инновация миқдорига, ишловчиларнинг малакаси, касби, ҳунари, билими, тажрибаси, ресурсларнинг жойлашувига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳолатига ва бошқариш усулига боғлиқ.

Булар ҳаммаси ўз натижасини иқтисодий ўсиш фаолиятида кўрсатадилар. Масалан, ишловчилар сони 100 минг киши бўлса, ҳар бир киши етти соатдан ишлайди, деб фараз қилсак, 1 йилда 1 ходим 270 кун ишлайди, деб ҳисобласак, 189 млн. соат ишлаган бўлади. Агарда меҳнат унумдорлиги 1 соатда 50 сўмлик маҳсулот яратиш имкониятини берса, ҳаммаси бўлиб 9 млрд. 450 млн. сўмлик маҳсулот яратилган бўлади. Агарда ишловчилар сонини 3 фоизга, меҳнат унумдорлигини (10 фоизга) = 55 сўмга оширилса, янгидан яратилган маҳсулот 10 млрд. 707 млн. сўмни ташкил этади. Меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида олинган маҳсулот миқдори  $(10,707 - 9,450) = 1$  млрд. 257 млн. сўмни ташкил этади.



Демак, юқорида кўрсатилган мисолдан кўринадики, меҳнат массаси ишловчилар сонига, уларнинг жами ишлаган вақтига боғлиқдир. Агарда иш кунидан тўла фойдалана олмаса, (7 соат ўрнига 5 соат) меҳнат массаси камаяди. Агарда иш кунини ортиғи билан фойдаланилса (7 соат ўрнига 8 соат), у ҳолда етиштирилган маҳсулот миқдори ортиб, иқтисодий ўсиш ортади. Бундан машҳур инглиз иқтисодчиси М. Кейнсининг “Иш билан тўла банд”лик назарияси — иқтисодий ўсиш ижобий омили, ишсизлик эса салбий омили эканлигини яна бир бор исботлайди. Чунки, меҳнат массасининг меҳнат унумдорлигига кўпайтмаси ялпи миллий маҳсулотни беради. Бу эса иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омил ижтимоий меҳнат унумдорлигининг қай даражада ўсиш имкониятлари борлиги билан аниқланишини кўрсатади.

Демак, меҳнат унумдорлигининг ортиб бориши, иқтисодий ўсишга тўғри мутаносибликда ҳаракат этади.

### 12.3. Меҳнат унумдорлигининг ўсишини қандай кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин?

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши — вақт бирлиги ичида ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори — ҳажмининг ортиб бориши ёки маҳсулот бирлиги етиштириш учун сарфланган вақтнинг камайиши натижасида юз беради. Масалан, теримчи 1 соатда 10 кг пахта терсин, деб фараз қилайлик. У яхшироқ пахтаси очилган участкага ўтиб ундан 1 соатда 15 кг пахта терди. Демак, теримчининг меҳнат унумдорлиги олдинги соатга нисбатан  $(15:10) = 1,5$  баробар ортди. Агарда теримчи биринчи соатда 1 кг пахта териш учун  $(60:10) = 6$  минут вақт сарфлаган бўлса, иккинчи соатда  $(60:15) = 4$  минут вақт сарфлади.

Қишлоқ хўжалигининг меҳнат унумдорлиги бевосита ва билвосита кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Меҳнат унумдорлиги (МУ) ялпи маҳсулотни (ЯМ) ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақтига (одам — соатига) (МС) нисбати билан аниқланади. Бу меҳнат унумдорлигининг бевосита кўрсаткичи бўлиб у қуйидаги усулда аниқланади:

$$МУ = ЯМ / МС.$$

Бу кўрсаткич ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулот кўлами қанча кўп бўлса ва уни етиштириш учун сарф-

ланадиган иш вақти қанча кам бўлса, меҳнат унумдорлиги шунча юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар учун сарфланадиган вақт ҳар хил узунликда ва миқдорда бўлади. Масалан, пахта етиштириш учун 1 йил вақт талаб этилиб, уни етиштириш учун катта миқдорда жонли ва буюмлашган меҳнат сарфланади. Гўшт етиштириш учун эса 18-24 ой вақт керак. Мол интенсив боқувни талаб этади. Қишлоқ хўжалигида кўпчилик маҳсулотлар йилнинг охирида етиштирилганлиги (тайёр бўлиши) туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам етиштирилган маҳсулотларнинг тайёр бўлишига қараб аниқланади ва таҳлил қилинади. Бир турда маҳсулот ишлаб чиқарилган тақдирда меҳнат унумдорлиги натурал кўрсаткичларда (кг, центнер, тонна, литр, одам – соати ва бошқа) аниқланади. Бунга юқорида келтирилган теримчининг меҳнат унумдорлигини аниқлаш мисолини кўрсатиш мумкин. Натурал кўрсаткич ёрдамида қишлоқ хўжалигида етиштирилган барча маҳсулотлар ва бажарилган барча хизмат турлари бўйича меҳнат унумдорлиги ҳолатини таҳлил қилиш мумкин. Аммо, бу усул ёрдамида тармоқлар, тармоқчалар, бир гуруҳ маҳсулотларни етиштиришдаги меҳнат унумдорлиги ҳолатини аниқлаш имкониятини бермайди. Чунки, натурал кўринишдаги меҳнат маҳсулини бир-бирларига қўшиш мумкин эмас. Пахтани – донга, донни – сутга, сутни – гўштга қўшиш мумкин эмас. У ҳолда ишлаб чиқарилган барча турдаги маҳсулотлар (ялпи маҳсулотлар) ни қиймат кўринишга кўчириш керак. У ҳолда ялпи маҳсулотни сарфланган вақт харажати-га нисбати меҳнат унумдорлигининг қиймат кўринишдаги ҳолатини ўзида акс эттиради. Аммо бу кўрсаткич тармоқда ёки тармоқчада юз берган ҳақиқий меҳнат унумдорлиги ҳолатини ўзида тўла акс эттира олмайди. Чунки, баҳосининг пасайиши ёки сунъий кўтарилиши, инфляция, товар бўлмаган маҳсулотларнинг улушини ўзгартириши такрорий харажатлар, маҳсулот бирлиги ишлаб чиқаришга сарфланадиган материаллар сарфини ўзгартириш ва ҳоказолар етиштирилган маҳсулотдаги меҳнат унумдорлигини сунъий оширишга ёки камайтирилишига олиб келади.

Бу ҳолда МУ ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати сўм / сарфланган иш вақти (одам – соати) билан аниқланади. Бу кўрсаткич сарфланган вақт (одам – соати)

бирлиги ҳисобига қанча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини ўзида акс эттиради.

Меҳнат унумдорлиги ҳолатини аниқлашда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган моддий, меҳнат ва пул харажатларини бевосита ёки билвосита қатнашиш улушини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Маҳсулот етиштириш жараёнида бевосита қатнашиб ўз қийматини янги маҳсулотга тўла ёки қисман ўтказиб юборадиган, харажатларга **бевосита харажатлар**, деб юритилади. Бевосита харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар таркибига тўла қўшилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига бевосита қатнашмасдан, уларга эгри йўллар билан таъсир кўрсатувчи харажатлар билвосита харажатлар, деб юритилади. Бундай харажатларга умумхўжалик ва умумиш-лаб чиқариш харажатлари киради. Бу харажатлар умумий харажатлардаги улишига қараб уларга мос келадиган улишда қўшилади. Бевосита харажатлар ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларга қўшилади ва меҳнат унумдорлиги даражасида ўз ифодасини кўрсатади.

Меҳнат унумдорлигини кўрсатувчи кўрсаткичлар фақат ижтимоий меҳнат унумдорлигинигина ўзида акс эттириб қолмасдан, иқтисодий ўсишни ҳам кўрсатади. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, хўжалик фаолияти шунча ривожланиб, бу ўз навбатида иқтисодий ўсишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигини узликсиз ошириб боришга эришиш – бу иқтисодий ўсишга эришиш учун шароит яратиш демакдир, меҳнат унумдорлигини ошириш қўйидаги хулосаларга олиб келади;

Меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошира бориш ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатини тўхтовсиз оширишга эришиш имкониятини яратади. Бу эса аҳолини озиқ-овқатга, саноатни хом ашёга, ташқи бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини мунтазам қондира бориш имкониятини яратади. Қишлоқ хўжалигида 1 % меҳнат унумдорлигини ошириш 2,3 млн. сўм қўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жонли меҳнат улишини камайтириб, оқибатда сарфланаётган жонли меҳнатни

тежаш имкониятини беради. Бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилаётган ишчи кучига бўлган талабни келтириб чиқаради. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир қисм ишчи кучини бошқа ишлаб чиқариш тармоқларига (хизмат кўрсатиш) сафарбар қилиш имкониятини беради. Жаҳондаги энг илғор мамлакатлардан бири ҳисобланган АҚШ қишлоқ хўжалигида меҳнатга яроқли аҳолининг 3 фоизи, Голландияда — 7 фоиз банд бўлган бугунги кунда Ўзбекистонда — 40 фоизи банд, бу эса келажакда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини жаҳондаги илғор мамлакатлар даражасига қадар кўтарилиши лозимлигини тақазо этади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги, ходимларнинг иш куни, иш хафтаси, ойлик, кварталлик ва йиллик иш вақтларини қисқартиришга сабабчи бўлади. Оқибатда, деҳқонни йил мобайнида далада хизмат қилишдан озод этади. Энди деҳқон ва унинг оила аъзолари, ўз билимини оширишга, маданий ҳордиқ чиқаришга, руҳини кўтаришга, урф-одатларини чуқурроқ тушунишга маданий ва диний савиясини бойитишга, барқарор, баркамол, соғлом авлодни оламга келтиришга ва тарбиялаш имкониятига эга бўлади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат харажатини тежаш имкониятини яратади. Чунки, меҳнат унумдорлиги қанча ортса унга нисбатан иш ҳаққи миқдори ҳам ортиб боради. Аммо, оқибатда олинган иш ҳақини маҳсулот миқдорига бўлиш натижасида иш ҳаққи улиши пасая бошлашидан далолат беради.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши — маҳсулот бирлиги етиштириш учун сарфланадиган буюмлашган меҳнат улушини ҳам тежашга олиб келади. Жонли меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса буюмлашган меҳнат сарфи улиши ҳам шунча ортиб боради. Жонли меҳнат буюмлашган меҳнат билан қўшила бориб, маҳсулот бирлиги таркибидаги жонли ва буюмлашган меҳнат ҳиссаси камая боради.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — жонли ва буюмлашган меҳнатлар сифатини яхшилайдди. Чунки, деҳқон қанча малакали бўлса, унинг қўлида меҳнат воситалари қанча такомил бўлса, меҳнат унумдорлиги шунча юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг бир қанча вариантларини кўриш мумкин:

- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши — меҳнат сарфининг ўсишидан олдин юради;
- маҳсулот ишлаб чиқариши ўсиши мумкин, меҳнат сарфи ўзгармаган ҳолда қолиши мумкин;
- маҳсулот ишлаб чиқариши ўсиши мумкин, меҳнат сарфи кўлами пасайиши мумкин;
- маҳсулот ишлаб чиқариши ўзгармаслиги мумкин, меҳнат сарфи миқдори пасайиши мумкин;
- маҳсулот ишлаб чиқариш камайиши мумкин, унга нисбатан кўпроқ меҳнат сарфи миқдори камайиши мумкин.

Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи бу вариантлар фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тегишли бўлиб, меҳнат унумдорлигини ошириш жараёнида уларнинг ҳаракат этиш қонуниятларини ҳисобга олиш зарур.

#### **12.4. Меҳнат унумдорлигини оширишга қандай омиллар таъсир этади?**

Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари турли туман ва хилма хилдир. Ишлаб чиқаришга нимани таъсир этса у албатта меҳнат унумдорлигига ижобий ёки салбий таъсир этади.

Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни йириклаштириб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- моддий техника характеридаги омиллар (техника тараққиёти, табиат ресурслар характери, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш, электрлаштириш, газлаштириш, автоматлаштириш ва бошқа омиллар):

- шахсий омиллар (ходимларнинг малакаси, илми, ҳунари, ихтисос, қобилияти, ташкилотчилиги, тадбиркорлиги ва бошқалар):

- ижтимоий меҳнатнинг қандай ташкил қилинганлигини ўзида акс эттирувчи омиллар (ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, ходамларни моддий, маънавий ва иқтисодий рағбатлантириш, иш жойларини ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш ва бошқалар);

- табиий омиллар (тупроқ унумдорлиги, сув билан таъминланиши, фойдаланиш ва бошқалар);

1. Меҳнатнинг техникавий жиҳатдан қуролланиш даражаси.

Меҳнат унумдорлигининг асосий тугуни — меҳнатнинг техникавий жиҳатидан қуролланишидир. Шунинг учун фой-

даланиладиган техника қанча сифатли ва унумли бўлса, меҳнат унумдорлиги шунча юқори бўлади. Меҳнат шунча кўп наф ва унум келтиради. Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техниканинг даст аввало миқдори, қуввати, тури, иш бажариш йўналиши, универсаллиги, иқтисодий тежамкорлиги ва бошқа хислатлари ҳисобга олинади. Техникадан кўпроқ ва унумлироқ фойдаланишга эришмоқ учун қўшимча капитал маблағ сарфлашни талаб этади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган барча техника воситалари ишлаб чиқариш фондиди (асосий капитал) ташкил этади. Ҳар бир ишловчи-га тўғри келадиган ишлаб чиқариш фондлари миқдори меҳнатнинг фонд билан қуролланиш даражаси, деб аталади. Меҳнат фонд билан қанча кўп миқдорда қуролланса, у меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади. Бу ўз навбатида жамиятнинг иқтисодий ўсишига ижобий таъсир этади. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини талаб даражасидан анча паст бўлиши собиқ СССР даврида барпо этилган техниканинг мерос бўлиб қолишидир. Бу техника қишлоқ хўжалигининг ҳозирги вақтидаги талабига жавоб бера олмай колди. **Биринчидан**, улар эскириб, ишдан чиқди, **иккинчидан**, ҳозирги янги аграр ишлаб чиқариш муносабатларига мос келадиган янги техника яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш зарурияти туғилди. Аграр иқтисодиёт олдида турган вазифа фақат замонавий техникалар яратиш ва улардан самарали фойдаланиш ёрдамидагина ҳал қилиниши мумкин.

2. Меҳнат унумдорлигини ошириш — техникадан интенсив фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техника хилма хил бўлиб, ҳозир уларнинг сони 300 хилдан ортиқроқдир. Улар ичидан хайдов тракторлари, камбайнлар, пахта териш, кўсак чувиш машиналари, беда ўриш косилкалари ва кўплаб техника турлари бир йил ичида атига 15–20 кун фойдаланилиб қолган вақтларда “ўлик” ҳолда ётмоқда. Ҳозирги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ташкил этилган ишлаб чиқариш шакллари ва кооператив хўжаликлари техникага бўлган талаби тубдан ўзгарди. Улар учун кичик, осонлик билан бир иш туридан иккинчи иш тури бажара оладиган универсал тракторларга ва қишлоқ хўжалиқ машиналари керак. Қишлоқ хўжалиги ўз ишлаб чиқариш жараёни-ни янги техникалар билан таъминлашда дунёда кўп синовлардан ўтган, энг тежамкор қишлоқ хўжалиқ машиналари

ишлаб чиқарадиган фирмалар билан ҳамкорликда янги Ўзбекистон шароитига мос келадиган машиналар яратиш лозим. Бундай машиналардан фойдаланиш йил мобайнида техникадан унумли ва интенсив фойдаланиш имкониятини яратади.

3. Ишлаб чиқаришга интенсив технологиялардан фойдаланишни жорий этиш. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мураккаб жараёнدير. Қишлоқ хўжалигида хилма хил экинлар экилади, турли чорва моллари боқилади, улардан олинadиган маҳсулотларни етиштириш жараёнига сарфланадиган меҳнат, моддий ва пул ресурслари ҳам ҳар хил кўламда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш технологияси жиҳатидан ҳам бир-бирлари билан фарқланадилар. Шунинг учун ҳар бир экин тури ва чорва моллари бўйича илм-фан ва илғор тажрибалар асосида синалган тажрибалардан ўтган интенсив технологияларни қўллаш натижасида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Масалан, пахта етиштиришда чигитни плёнқа остига экиш, ғалла етиштиришнинг Андижон усули, кўчат қилиб шoли экиш ва бошқалар. Масалан, буғдой уруғи ўрнига такрорий кўчат қилиб шoли экилганда гектаридан 9-10 тоннадан ҳосил етиштирмоқдалар.

4. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари родини ўйновчи ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини яхшилаш. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот турларининг кўпчиликгини қайта ишлаб чиқариш жараёнини такрорлашда ресурс сифатида (уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари, жўжалар, асалари оилалари, органик ўғитлар ва бошқалар) фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг янгилашиш самарадорлиги уларнинг миқдори ва сифатига бевосита боғлиқ. Уруғ сифатсиз бўлса унга қанча кўп меҳнат сарфлашдан қатъи назар ундан юқори ҳосил олиш мумкин эмас. Агарда қўй ёки сигир зоти паст бўлса, ундан зотдор насл олиб бўлмайди. Пода сифатини яхшилаш, маҳсулот миқдорини кўпайтириш имконияти бўлмайди. Бу эса ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиладиган ресурсларни ишлаб чиқаришда алоҳида хизмат кўрсатишни, табиий ва биологик хусусиятларга эътибор беришни талаб этади.

5. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фақат — техникавий жараён бўлиб қолмасдан, у табиий, биологик жараён ҳамдир. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган барча турдаги экинлар, чорва моллари касалликларга йўлиқади, зараркунандалар таъси-

рига учрайди. Оқибатда катта миқдорда маҳсулотлар нобуд бўлади. Айрим ҳолларда фақат етиштириладиган ҳосилни тўла нобуд қилибгина қолмасдан, унга экилган уруғни ҳам нобуд қилиб меҳнат унумдорлигининг кескин пасайишига, иқтисодий ўсиш ўрнига тушкунликка, инқирозга учрашга олиб келади.

6. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишда, ресурсларни устувор тармоқларга йўналтиришдир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида устувор ишлаб чиқариш тармоқлари бўлиб пахта ва дон маҳсулотлари ҳисобланади. Уларнинг самарадорлигини ошириш фақат маҳсулот етиштириш миқдори билангина кифояланмайди. Даставвал, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини, уларнинг хом ашё сифатида келтирадиган нафлиликка боғлиқдир. Ҳозирги вақтда пахтадан 250 хилдан ортиқ, дондан 300 хилдан ортиқ хилма хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Шунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мамлакат ичкарисида ва унинг ташқарига хом ашё сифатида эмас, балки бирламчи, ўнламчи, юзламчи товар кўринишида сотиш мақсадга мувофиқдир. Хом ашё қанча янги товар тусини олса, у жамият учун шунча фойдалидир. Бундан фақат пахта, дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга асосий куч ва ғайратни, капитал ресурсларни йўналтириш керак деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилишда унда ишлаб чиқариладиган айрим турлардаги маҳсулотларнигина эмас, балки қишлоқ хўжалигини тўла ҳолда, комплекс кўринишда ривожлантиришга эришиш нуқтаи назаридан қараш керак.

7. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва бу асосда иқтисодий ўсишни таъминлашда – инсоннинг шахсий омиллари – ёши, мутахассислиги, малакаси, касби, тажрибаси, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги, менежерлиги, маркетинглоглиги, иқтисодий қонунларни чуқур билиши, қонунларни бажарилишига бефарқ бўлмаслиги, шахсий манфаатдорлиги ва бошқа омиллар таъсирига ҳам боғлиқдир. Бу омиллар бевосита меҳнат унумдорлигининг ўсишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Яхши, миришкор боғбон бўлиши мумкин. Аммо у ишлаб чиқарган маҳсулотларни бозорда сотиш сирларини билмасдан, арзонга сотиб юбориши, оқибатда ўз меҳнати натижасидан наф кўриш ўрнига зарар кўриши мумкин.



8. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш жуда мураккаб ва оғир ишдир. Ҳар бир деҳқон, хонадон, оила аъзолари, меҳнатни қай тарзда ташкил этиш деҳқонга кўпроқ наф келтиришини билишлари зарур. У ўз фаолиятини деҳқон ҳукмига, фермер хўжалик шаклида ташкил этадими ёки кооператив бирлашмаларга шерикчилик асосида қатнашадими? Бу саволларга ўзи мустақил жавоб топа оладиган бўлмоғи даркор. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг деҳқон ва унинг оиласи учун қулай бўлган барча турлари ва шакллари ташкил этилган бўлиб улардан оқилона фойдаланиш меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини яратади.

9. Қишлоқ хўжалиги — табиий ва биологик омиллар асосида фаолият кўрсатадиган соҳадир. Бундан барча табиий (ер, сув, ҳаво, меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмлари) ҳамда биологик (табиий ўсиш, вояга етиши, сиҳат-саломатлик, яхши насл қолдириш ва бошқалар) биргаликда амал қилади. Бу билан бир қаторда об-ҳаво ва иқлим шароит (иссиқ-совуқ, ёмғир, сел, қор, дол, бўрон, довул, ва бошқалар) омиллари ҳам таъсир этади.

Бу омиллар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига катта зарарлар келтиради. Бу зарарларни кўп ҳолларда қишлоқ жамияти қайта тиклаш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Масалан, тупроқ эрозияси, қум кўчиши, кўл ва денгизларнинг қуриши каби омилларни келтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ўсишига ёки унга салбий таъсир этувчи омиллар жуда кўп ва хилма хил эканлиги тўғрисида юқорида фикр юритган эдик. Биз уларнинг айримлари устида фикр юритдик холос.

Бу омилларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиш ва ўз фаолиятида онгли равишда фойдаланиш ҳар бир деҳқон учун шарафли ишдир.

Хулоса қилиб айтганда:

**Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, иқтисодий ўсиш суръати даражаси шунча юқори бўлади.**

## I. Мавзуга оид атамалар

1. Меҳнат.
2. Меҳнат унумдорлиги.

3. Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари.
4. Моддий манфаатдорлик.
5. Комплекс механизация.
6. Меҳнат сифими.
7. Бевосита харажат.
8. Билвосита харажат.
9. Буюмлашган меҳнат.
10. Жонли меҳнат.

Юқорида номлари қайд қилинган атамалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг.

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация этишда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ва бошқаришда сарфланиб, у ёки бу турдаги маҳсулот таннархига тўғридан тўғри қўшилмайдиган харажатлар.

2. Маҳсулот таннархига тўғридан тўғри қўшиладиган харажатлар.

3. Кишиларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилган фаолият жараёни бўлиб, улар ана шу фаолият ёрдами билан модда ва табиат кучларини ўзгартириб, уларни ўз эҳтиёжларини қондиришга мослаштириш.

4. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтни ўзгартириши.

5. Маҳсулот бирлиги етиштириш учун сарфланадиган меҳнат унумдорлигининг камая бориши.

6. Одамларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти унумдорлиги.

7. Жонли меҳнатнинг ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги куриниши.

8. Маҳсулот етиштиришда буюмлашган меҳнатнинг улуши.

9. Инсоннинг бирор фаолиятни амалга оширишга қаратилган қобилияти.

10. Сарфланган меҳнат эвазига тўланадиган мукофот.

## II. Мавзуга оид саволлар.

1. Меҳнат унумдорлиги қайси ҳолда ўсиши мумкин?
2. Меҳнат унумдорлигининг ўсишига меҳнат малакаси қандай таъсир этади?
3. Меҳнат массаси, деб нимага айтилади? Унга қандай эришиш мумкин?

4. Меҳнат унумдорлиги иқтисодий ўсишга қандай йўллар билан таъсир этади?

5. Меҳнат унумдорлигига табиий омиллар қандай таъсир этади?

### **III. Мустақил ишлаш учун вазифалар.**

1. Пахта терувчи 1 соатда 12 кг пахта терди, иккинчи соатда унинг меҳнат унумдорлиги 8,2 фоизга кўтарилди. У 2 соатда қанча пахта теради?

2. Пахта теришга 60 киши жалб қилиниб, 8 соатда 3 тонна пахта терилди. Иккинчи кун теримчилар сони 10 фоизга камайиб, терилган пахта 3 фоизга кўпайди. Меҳнат унумдорлиги қанчага ўсди?

3. 3 гектар ерга экилган помидорнинг 1 гектари сел натижасида зарар кўриб, ҳосилдорликнинг 50 фоизи нобуд бўлди. Иккинчи гектари эса зараркунандалар таъсири натижасида 40 фоиз ўз ҳосилини йўқотди. Учинчи гектаридан 360 центнер ҳосил етиштирилди. Сел ва зараркунандалар таъсири натижасида қанча помидор зарарланди? Улар меҳнат унумдорлигини камайтиришга сабаби бўлдими? Агар бўлса, меҳнат унумдорлиги қанча фоизга пасайди?

## ХШ БОБ

### АГРАР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИНГ ИККИ УСУЛИ

#### РЕЖА:

1. Иқтисодий ҷсишнинг икки усули деганда нимани тушунаси?
2. Иқтисодий ҷсишда икки усулнинг қайси бири устуворликка эга?
3. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш қандай омилларга боғлиқ?
4. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга фан-техника тараққиёти қандай таъсир кўрсатади?
5. Ишлаб чиқаришда интенсив технологиялардан фойдаланиш нима беради?
6. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш қушимча ресурслар сарфлашни талаб этадими?
7. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш натижаларидан деҳқон манфаатдор бўладими?
8. Деҳқон ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорми?
9. Иқтисодий ривожланиш деҳқон малака даражасига боғлиқми?
10. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш қандай кўрсаткичлар билан белгиланади?

*Адабиётлар:* 4; 9; 15; 16; 22; 23; 31; 40.

#### 13.1. Иқтисодий ҷсишнинг икки усули деганда нимани тушунаси?

Мамлакатнинг иқтисодий ҷсиши — унда ишлаб чиқариладиган моддий ноз-неъматлар ва хизмат турлари ва уларнинг қўламини мунтазам ошира боришгина эмас, балки уларнинг қандай сарфлар ҳисобига ва қандай усуллар ёрдамида ишлаб чиқарилганлигига ҳам бевосита боғлиқдир. Шу муносабат би-

лан етиштирилаётган моддий бойлик ва хизматларнинг қандай усулларда ишлаб чиқарилиш йўллари билиш зарур.

Кишилик жамиятида иқтисодий ўсишни амалга оширишда унинг икки усули: **экстенсив** (аста секинлик билан), **интенсив** (жадал ва тезкорлик билан) ишлаб чиқариш йўллари мавжуд.

Иқтисодий ўсишнинг **экстенсив усули** бу — жамият ишлаб чиқаришига қўшимча ресурслар жалб этиш йўли билан ишлаб чиқариладиган товар ҳамда хизматлар қўламини кўтариш тушунилади. Экстенсив усулда иқтисодий ўсишнинг миқдорий омиллари ишга солинади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни кўпайтириш мақсадида бўш ётган ерларни ўзлаштириб, экин майдонларига айлантирилади. Кўп ишчи кучидан фойдаланиш иштиёқи пайдо бўлади. Фойдаланиладиган меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларига бўлган талаб ортиб боради. Экстенсив усулда ривожланишнинг асосий ўлчови — бу бозор бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва миқдори бозор талабини қондиришга қаратилади. Бозор учун қандай товарларга эҳтиёж, талаб ортиқ бўлса, ишлаб чиқариш шу талабни қондиришга қараб ривожлантирилади, аксинча у ёки бу турдаги товарга эҳтиёж камая бошласа, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам қисқара бошлайди. Экстенсив ривожланиш усули ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар миқдорини ўзида акс эттирган бўлиб, унинг иқтисодий томони билан тўла қизиқмайди. Экстенсив ривожланишда маҳсулот бирлигини етиштириш учун сарфланадиган моддий ва меҳнат сарфларини тежаш, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот бирлиги ҳисобига кўпроқ фойда кўриш масалаларига деярли аҳамият берилмайди. Бу масалалар стихияли тарзда амалга оширилади. Экстенсив ривожланишда барча сарфланадиган жамғармалар қўшимча ресурслар сотиб олишга ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқаришнинг техник ҳолати ўзгармаган ҳолда эски хонаки усулда давом этаверадиган ишлаб чиқаришдир. Шунинг учун ҳам экстенсив ишлаб чиқариш усули моддий баҳоси заиф, қўл меҳнатига ва эски технологияга асосланган ишлаб чиқариш усулидир.

Қишлоқ жамияти ривожланишининг дастлабки даврларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш усули сифатида экстенсив ривожланиш усули устувор ролни ўйнади. Аммо, экстенсив усул ишлаб чиқаришда ресурсларнинг кўпроқ талаб қилиши

натижасида, табиатда эса кўп турдаги ресурслар запасининг чекланганлиги туфайли борган сари ресурслар камёблиги сезила бошлади. Натихада экстенсив усул асосида иқтисодий ўстириш имконияти камаю бошлади. Ресурслар камёблиги, танқислиги — ўз навбатида қишлоқ жамиятини моддий ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондира олмай қолди. Энди кун тартибида ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида ресурс бирлиги эвазига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарди. Оқибатда иқтисодий ўсиш ўзининг экстенсив усулидан, унинг интенсив усулига ўтиш заруриятини келтириб чиқарди.

**Интенсив усул** — бу ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, уларни самаралироқ бўлган янги ресурс турлари билан алмаштириш йўли билан иқтисодий ўсишни таъминлаш демакдир. Ишлаб чиқаришнинг интенсив усули маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган моддий, меҳнат ва пул харажатларини тежаш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини кўпайтиришга эришишдир. Экстенсив усулда сарфланадиган 5 бирлик ресурс эвазига 5 маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилган, деб фараз қилсак, интенсив усулда 5 бирлик ресурс эвазига 6, 7, 8, . . . маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлишга эришишдир. Оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархи арзонлашади, маҳсулот миқдори кўпаяди, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиши орта боради. Экстенсив усулдан интенсив усулга ўтиш учун меҳнат унумдорлигини оширишга ва сифатли бозорбоп маҳсулотларни яратишга қадар бўлган замонавий технология ҳамда малакали ишчи кучига эга бўлмоқ даркор. Демак, интенсив ўсиш ўз мазмуни билан миқдор ўсишини ўзида акс эттирса, интенсив ўсиш сифат—самарадорлик ўсишини акс эттиради.

Муайян иқтисодий ўсиш шароитида экстенсив ва интенсив усул биргаликда бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилади. Аммо улардан қайси бирининг иқтисодий ўсишга кўрсатаётган аҳамияти кучли бўлса, шунга қараб уларнинг қайси бири устувор эканлигини аниқлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсишни амалга оширишда интенсив усулдан фойдаланиш қулайлик келтириб, унинг ишлаб чиқаришни юксалтириш жараёнидаги устуворлиги ортиб бормоқда.

### 13.2. Иқтисодий ўсишда икки усулнинг қай бири устуворликка эга?

Бу устуворлик қуйидаги омилларда ўз ифодасини топади:

- маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун камроқ меҳнат, моддий ва маблағ сарфланади;
- маҳсулот сифати яхшиланади, унинг харидоргирлиги ошади;
- пировард маҳсулот ҳажми ортади, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади, ишчи кучи, малака даражаси орта боради;
- сарфланган харажат эвазига кўпроқ фойда олинади;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш маданияти юксалади, деҳқоннинг турмуш даражаси юксала боради;
- қишлоқ хўжалигининг жаҳон бозорида тутган ўрни, мавқеи ва салоҳияти ортади.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив усули ўзида ўсишнинг миқдорий даражасини акс эттирса, интенсив усули — унинг сифат томонини акс эттиради. Ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожлантириш натижасида иқтисодий ўсишнинг жадал ўстириш ҳар бир мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели ҳаракатига, бозорнинг қайси товарларга бўлган талабини ўса бориш даражаси билан аниқланади ва йўналтирилади.

### 13.3. Ишлаб чиқаришни интенсив юксалтириш қандай омилларга боғлиқ?

Аграр ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришга эришиш кўп омиллардан фойдаланиш ва уларнинг ўзаро боғланиши натижасида юз беради. Бу омилларга:

- аграр соҳанинг ишлаб чиқариш жараёнида фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш даражасига;
- аграр ишлаб чиқариш моддий-техника базасини бозор иқтисодиёти талабига мос ҳолда ривожлантириш ва такомиллаштириш бориш;
- ишлаб чиқаришга қўшимча ресурслар жалб этиш асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш;
- ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланиш имкониятини бера оладиган янги технологияларни яратиш ва улардан унумли фойдаланиш воситаларини топиш;

• қишлоқда иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш. Бозор иқтисодиётига мос келадиган ишлаб чиқариш шакллари яратиш. Деҳқонни ернинг ҳақиқий эгаси сифатида ҳаракат қила олиши учун зарур бўлган барча имкониятларни яратишга кўмаклашиш ва қонун асосида ҳимоялаш;

• қишлоқ хўжалигида иш юритаётган барча лавозимдаги раҳбарлар, мутахассислар ва деҳқонлар малакасини мунтазам ошира бориш, уларни кунлик ва давлат аҳамияти даражасидаги заруриятга айлантириш;

• ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари, тармоқлари ва турларини илмий жойлаштириш, ихтисослаштириш ва марказлаштириш асосида ишлаб чиқаришчи кучларини ривожлантириш ва меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш;

• тупроқ унумдорлигини ошириш, чорва моллари наслини яхшилаш, юқори ҳосилли ва эртапишар уруғ навлари яратиш, етиштирилган маҳсулот нобудгарчилигини камайтириш соҳасида илғор тажрибалардан кенг кўламда фойдаланиш ва бошқа омилларни киритиш мумкин.

#### **13.4. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга фан-техника тараққиёти қандай таъсир кўрсатади**

Фан-техника тараққиёти (ФТТ) — ишлаб чиқариш жараёнига янги техника ва технологияларни жорий этиш асосида ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб сарфлаган ҳолда кўпроқ сифатли маҳсулот етиштиришга эришиш демакдир. ФТТ — ишлаб чиқариш жараёнида қанча кўпроқ фойдаланилса ишлаб чиқариш воситалари шунча такомиллаша боради, ишлаб чиқариш технологияси шунча юксала боради. Ишлаб чиқариш маданияти орта боради.

ФТТ — кўп қиррали, хилма хил омиллар қўшилмасидир. У қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларини ўзида ифода этади. У, меҳнат қуроллари (энг самарали машиналар, ишлаб чиқариш қуроллари), меҳнат буюмлари (янги уруғ навлари, наслдор ҳайвонлар), янги техник воситаларини бошқара оладиган ишчи кучини мунтазам такомиллаштира боришига интилиши демакдир.

ФТТ — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантиришга таъсири қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:



ФТТ — кишилик жамияти томонидан яратилган барча янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнининг мунтазам равишда ривожлана боришига эришишда;

ФТТ — ўз ихтиролари ва таклифлари билан янги типдаги ишлаб чиқаришни яратиш, янги истеъмол қийматиغا эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратишда;

ФТТ — ишлаб чиқариш жараёнига қатнашиб, маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган харажатларни (меҳнат, моддий ва пул) камайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини яхшилаш (харидоргир) асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошира бориш имкониятини пайдо қилишда;

ФТТ — қишлоқда инфра тузилмаларни ҳамда иқтисодий ижтимоий масалаларни ҳал қила олиш имкониятини яратади.

Қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгаради, меҳнат шароити яхшиланади, ходимларнинг меҳнат малакаси ошади, деҳқоннинг иқтисодий ва ижтимоий турмуши даражаси талаб даражасига кўтарилади.

### **13.5. Ишлаб чиқаришда интенсив технологиялардан фойдаланиш нима беради?**

**Интенсив технология** — бу деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг фан-техника тараққиёти ютуқларини комплекс тарзда татбиқ қилишга асосланган ва ресурсларнинг потенциали — биоиклим ҳамда ишлаб чиқариш иқтисодий потенциалидан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган усул ва амаллар системасидир.

Интенсив технология — техник, биологик, табиий-иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва агротехник масалаларни комплекс тарзда ҳал қилиш тугунидир. Интенсив технология ҳамма ишлар — илмий, назарий, амалий тавсиялар асосида, уларнинг барча талабларига тўла риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишдир.

Интенсив технология ҳар бир экин турини илмий асосда агротехника талаблари даражасига тўла мос келадиган муддатда ва шароитда бажаришни тақозо этади. Интенсив технологияни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни шунчаки такомиллаштириш эмас, балки уни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришидир. Барча омилларни бирга қўшиб олиб бориш

маҳсулот етиштиришни программалаштириш, об-ҳаво, иқлим шароитларига боғлиқ маҳсулотларни енгиллатиш, ишлаб чиқаришни қишлоқ хўжалигида ҳам саноатдагидек идора этган ҳолда тартибга солиб бориш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалигида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқ учун у ўз фаолиятида қуйидаги технология шаклларига диққат-эътиборларини жалб этишлари зарур:

- экин турларини озиқлантиришнинг энг прогрессив усулларидан фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалик экинларидан энг юқори сифатли, харидорғир маҳсулотлар бера оладиган уруғ навларини яратиш ва фойдаланиш;

- экинларнинг энг юқори ҳосил берадиган ва техникалардан самарали фойдаланиш имкониятини яратувчи экиш схемаларини яратиш ва фойдаланиш;

- экиш қатор ораларига энг самарали ва прогрессив усулда ишлов бериш йўлларидан фойдаланиш;

- маҳсулот етиштиришнинг айрим босқичларини катак усулида йиғиштириб олишнинг энг илғор усулларидан фойдаланиш;

- энг юқори ҳосил олиш ҳамда чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш имкониятини яратувчи тажрибалардан кенг кўламда фойдаланишдир.

Интенсив технология — мамлакатда пахтачиликда ва дончиликда кенг қўлланилмоқда. Андижон вилоятида “дон етиштиришнинг Андижон технологияси”, “чигитни плёнка остига экиш усули” каби бир қатор ҳозирги бозор иқтисодиётига мос келувчи технологиялардан фойдаланилиб, охириги уч йил ичида ҳар гектар (58000 гектар) ғалла экин майдонларидан олинган ҳосилни 51,1 центнердан 72 центнерга ошириб, 1 центнер бугдой ҳисобига 670 сўмдан фойда олишга муяссар бўлди. Пахта етиштиришда “чигитни плёнка остига экиш” усулини қўллаш натижасида 1999-2000 йиллар мобайнида 110000 гектар пахта майдонидан олинган ҳосилни 21,2 центнердан 32,4 центнерга ошириб, йиллик пахта тайёрлаш режасини сентябр ойида бажарди.

Андижон вилояти аграр секторида кишилиқ тарихида бундай ғалаба қўлга киритилмаган эди. Ҳозирги вақтда аграр ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга эришиш мақсадида янги-янги интенсив технологиялар яратилмоқда. Уларнинг ҳаракат доираси кенгаймоқда, иқтисодий самарадорлиги ортиб бормоқда.

### 13.6. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш қўшимча ресурс сарфлашни талаб этадими?

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жадал ривожлантириш, маълум миқдорда, қўшимча капитал маблағ сарфлашни талаб этади. Деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқаришга кенгайтириш ҳамда уни техник, иқтисодий, социал, ташкилий ва агротехника жиҳатидан таъминлашини оширмақ учун ўз жамғармаси билан бир қаторда чет эл инвестициясини ҳам жалб этишга ҳаракат этмоғи зарур. Бу қўшимча маблағлар:

- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашга;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг сувга бўлган талабини таъминлашга;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши унумдорлигини оширишга бевосита таъсир этувчи агротехника тадбирларини ўз муддатида ва сифатли бажаришга;
- ишлаб чиқаришга янги, самарали технология турларини жорий этиш;
- ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини юксалтириш;
- ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган инфраструктура тузилмани юксалтириш учун сарфланмоғи даркор.

Бу омиллар бирикмаси ўз навбатида ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун зарур бўлган барча шартномаларни яратади. Аммо сарфланган қўшимча харажат ҳар бир сўмлик маҳсулот улушида ўз миқдорини камайтириб, қуруқ фойда ҳосил қилмоғи шарт.

### 13.7. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш натижаларидан деҳқон манфаатдор бўладими?

Маълумки, товар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулоти эвазига фойда кўрмаса, у бундай маҳсулотни ишлаб чиқармайди. Ҳар қандай турдаги, кўринишдаги ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси кўпроқ фойда кўришдир. Бу қонуният ҳар бир деҳқоннинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай товар ишлаб чиқарувчи қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарса, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарни қанча арзонга тушса, маҳсулот сифати жиҳатидан юқори, бозоргир, харидоргир

булса, у ўз меҳнати натижаларидан шунча манфаатдор бўлади. Деҳқоннинг ўз манфаатлари натижаларидан манфаатдорлигини ошириш давлат томонидан амалга оширилган бир қатор қонун ва қарорларни амалга ошириш туфайли юз бермоқда. Буларга: мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни шахсий мулкка айлантириш, ерни узоқ муддатга ижарага бериш йўли билан мустақил деҳқон хўжаликлари ташкил этиш, деҳқоннинг ўз меҳнати ва мулкидан моддий манфаатдорлигини қонуний асосда ҳимоя қилиш, ишлаб чиқарилган товарларига тўла эгалик қилиш ҳуқуқига эришиш, мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида ўз товарларига ўзи эгалик қилиш, ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи нима ишлаб чиқариши, қанча ишлаб чиқариши, қандай ишлаб чиқариш ва кимга сотишни ўзи аниқлаши, ривожлантириши, уларнинг сотиш баҳоларини ўзлари белгилаши, олинган фойдани қандай сарфлаш каби барча иқтисодий масалаларни қайтадан яратиш ва бозор иқтисодиёти билан тўла мослашиш зарур.

Деҳқон ишлаб чиқариш ресурси эгаси сифатида ундан қандай фойдаланишни ўзи ҳал қилиши, ўзига-ўзи бозор топиши, давлат топшириқларини бажаришдан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида давлат харид қилиш баҳоларини такомиллаштириш, давлат томонидан товар олди-сотди ҳақларини ўз вақтида тўлаш, деҳқон меҳнати натижаларини қонуний ҳимоя қилиш каби бир қатор иқтисодий масалаларни қайтадан кўриб чиқиш ва уларнинг амал қилиши учун барча шароитларни яратмоқ даркор. Деҳқон ўз меҳнати натижаларидан қонуний манфаатдорлиги таъминланмасдан туриб, у ўз ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантиришни таъминламайди.

### **13.8. Деҳқон ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорми?**

Деҳқон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслардан фойдаланади. У ҳар қандай ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олавермайди. У фақат кўпроқ маҳсулот етиштириш имкониятини яратадиган ресурсларни сотиб олади ва у ресурслардан оқило-

на фойдаланишга ҳаракат қилади. Деҳқон зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурсларини бозордан камроқ сотиб олиш, уларни ўзи етиштириш учун ҳаракат қилади.

Деҳқон хўжаликлари ўз ишлаб чиқаришининг иқтисодий ўсишини мунтазам амалга ошириш мақсадида ўз ихтиёрида мавжуд бўлган ресурслар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади. Ижарага олинган ернинг ҳар бир қаричини қолдирмасдан фойдаланиш, ер мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ернинг карталарини талаб даражасига келтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, юқори ҳосилли уруғ навлари ҳамда зотли ҳайвон турларидан фойдаланиш, барча агротехник тадбирларни ўз муддатида ва юқори сифатли амалга ошириш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ўз хўжалиги шароитига мос ҳолда фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш, етиштирилган маҳсулотлар нобудгарчилигини кескин камайтириш тадбирларини амалга оширмоқда. Камчил ресурсларни ўз хўжалигида етиштириш йўллари қидирилмоқда. Ресурслардан фойдаланишда фермер ва деҳқон хўжаликлари характерига мос келадиган ресурслардан фойдаланиш йўлига ўтмоқда. Деҳқон хўжаликлари чет эл фермерлари тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланишга катта аҳамият бермоқда.

Деҳқон хўжалиги фойдаланилаётган ресурслардан қанча унумли фойдаланса, у ресурслар деҳқонга шунча кўп наф келтиради.

Масалан, 1ц минерал ўғит ҳисобига 1,7-2 центнер дон, 7,2-7,5 центнер картошка, 7,9-12 центнер сабзавот, 1,7-2 центнер мева олиш мумкин. Бир сўмлик минерал ўғит ишлаб чиқариш учун сарфланган харажат 3 сўм (1991 йил баҳода) соф фойда келтирмоқда.

Чорвачиликда озуқа таркибига мочевина кўшиб бериш озуқа тўйимлилигини оширибгина қолмасдан, қўшимча маҳсулот олиш имкониятини ҳам яратади. Кузатишларга кўра мочевина ҳисобига 8-10 тонна сут, 500-600 кг суйилган вазнда гўшт бериши мумкин. Экин майдонларидан такрорий фойдаланиш (ғалладан кейин) — гектар ҳисобига 60-100 центнердан шоли, 50-60 центнердан маккажўхори дони ва кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштириш имкониятини яратмоқда.

### 13.9. Иқтисодий ривожланиш деҳқон малака даражасига боғлиқми?

Ишлаб чиқариш омили ичида энг асосий ролни инсон ва унинг малакаси уйнайди. Моддий бойлик ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган инсонларнинг меҳнат малакаси қанча юқори бўлса, ишлаб чиқариш натижаси ҳам шунча юқори бўлади. Илмий кузатишларга кўра деҳқоннинг 1 соатлик мураккаб меҳнати (малакали мутахассис) 1 соатлик оддий меҳнатга нисбатан 8-12 марта кўпроқ қиймат ҳосил қилади. Бу мисол қишлоқ хўжалигини ҳамма соҳасида хизмат қилаётган барча деҳқон меҳнатининг малакасини мунтазам ошира бориш фақат ходимнинг шахсий ҳаракатигина бўлиб қолмасдан, балки умумдавлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Қишлоқ хўжалигида деҳқон ва раҳбар кадрлар малакасини ошириш қуйидаги йўналишлар асосида амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш жараёнида бевосита мураббийлик, устозлик қилиш йўллари билан мутахассис ишчи кучини тайёрлаш;
- қисқа муддатли билим олиш курслари ташкил этиш йўли билан;
- ўрта ва олий ўқув юртларида таълим олиш йўли билан мутахассисликка эга бўлиш;
- чет эл ҳамда мамлакат ичида фермер хўжаликлари эришган тажрибаларни ўрганиш йўли билан;
- мустақил равишда ўз билимини ўзи ошириши асосида малакани ошира бориш.

Деҳқон доимо янгиликка интилиши, ўз билими, тажрибасини ишга солиши натижасида ишлаб чиқаришни юксалтира боришга эришиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Аграр соҳадаги кўп йиллик тажрибалар — деҳқоннинг ўз билими ва тажрибасини ошира бориши натижасида юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

### 13.10. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш қандай кўрсаткичлар билан аниқланади?

Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш кўрсаткичларини аниқлаш, интенсивлаштириш учун сарфланган ресурсларнинг самарадорлиги жиҳатидан бир-бирлари билан

солиштириш имкониятини яратади. Бу кўрсаткичлар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг қиймат кўрсаткичи — қиймат кўринишида сарфланган қўшимча меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари эвазига олинган қўшимча маҳсулот қиймати, натурал кўринишида эса қўшимча сарфланган ресурслар эвазига олинган қўшимча маҳсулот миқдорини кўрсатади. Натурал кўрсаткичлар ёрдамида айрим бажарилган ишларни, хўжаликларни бир-бирлари билан солиштириш, тегишли хулосалар чиқариш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсификациялаш жараёни системасини ўлчаш кўрсаткичи ўзида икки гуруҳ кўрсаткичларни — интенсивлик даражаси ҳамда интенсивлиликнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ифода этади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсивлик даражаси кўрсаткичи (Ик) асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати (ОВ) билан жорий ишлаб чиқариш харажатлари (ЖХ) (амортизациядан ташқари = А) йиғиндисини тегишли ер ресурслари бирлигига (Ер) нисбати билан аниқланади.

$$Ик = ОВ + ЖХ - А / Ер$$

Демак, ҳар бир гектар экин майдонига қанча кўпроқ асосий ишлаб чиқариш воситалари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари сарфланса, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражаси шунча юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсивлик даражаси кўрсаткичи (Ик) фойдаланилган қўшимча ишлаб чиқариш ресурслари қиймати (ФКР) ер майдонига нисбати билан ҳам белгиланади.

$$Ик = ФКР / Ер$$

Юқорида келтирилган ҳар иккала кўрсаткичларнинг мақсади — сарфланган ресурслар самарадорлигини аниқлашдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш интенсивлигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи (Ис) олинган қўшимча соф маҳсулот қиймати (СМК) фойдаланилган қўшимча ишлаб чиқариш ресурслари қиймати (ФКР) нисбати билан белгиланади.

$$Ис = СМК / ФКР$$

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш иқтисодий самарадорлиги уч хил кўринишда намоён бўлиши мумкин:

**Биринчи**, қўшимча олинган самара, қўшимча сарфланган ресурслар қийматидан ортиқча бўлса; **иккинчидан**, улар бир-бирларига тенг бўлиб қолса; **учинчи**, қўшимча олинган самара, қўшимча сарфланган ресурслар сарфидан ортиб кетса. Биринчи ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имконияти пайдо бўлади; иккинчи ҳолда оддий такрор ишлаб чиқариш жараёни юз беради. Учинчи ҳолда – ишлаб чиқариш самараси амалга оширилганлигини кўрсатади. Шунинг учун, сарфланган ҳар қандай қўшимча ишлаб чиқариш ресурслари олинган натижадан кам бўлмоғи шарт. Акс ҳолда, ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш жараёни мақсадсиз жараён бўлиб, у жамиятга ҳеч қандай наф келтирмайди.

### I. Мавзуга оид атамалар

Куйидаги атамаларга унғ томондаги мос келадиган таърифларни танланг.

1. Экстенсив усул –	1. Фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.
2. Интенсив усул –	2. Ишлаб чиқаришни жадал усулда ривожлантириш.
3. Қайси усул устувор?	3. Ишлаб чиқаришнинг техник қуввати.
4. Фан-техника тараққиёти –	4. Инсоннинг касб-корлик даражаси.
5. Моддий техника базаси –	5. Инсоннинг ўз меҳнати самараси эвазига олинadиган неъматлар даражаси.
6. Мутахассислик –	6. Ресурслар эвазига қўрилган наф.
7. Интенсив технология –	7. Қўшимча ресурслар сарфлаш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
8. Қўшимча ресурс –	8. Ишлаб чиқаришнинг самарасини оширишга сарфланган харажатлар.
9. Моддий манфаатдорлик –	9. Кам харажат сарфлаб кўп наф кўриш усули.
10. Интенсивлик кўрсаткичлари –	10. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ўлчовлари.
11. Иқтисодий самарадорлик –	11. Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш.



## II. Мавзуга оид саволлар

1. Аграр ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш нима учун зарур?
2. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга таъсир этувчи қайси омилларни биласиз?
3. Ишлаб чиқариш жараёнида экстенсив ва интенсив усулларни бир-бирларидан ажратиш мумкинми?
4. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришда сарфланадиган ресурслар миқдорини қайтариб, унга эришиш мумкинми?
5. Қишлоқ хўжалигида ер ресурси унумдорлигини қайси вақтларда оширишга эришиш мумкин?
6. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ҳолатини нималар ёрдамида аниқлаш мумкин?
7. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришда бозор иқтисодиётининг роли деганда нимани тушунасиш?
8. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобудгарчилиги орта бориши жадал ривожлантиришга таъсир этадими?
9. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришда деҳқоннинг малакаси, билими, тажрибаси нималар учун керак?
10. Аграр ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришнинг чегараси борми?
11. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, уни экстенсив ривожлантиришга нисбатан устувор усули деб нима учун айтамыз?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

- 1) Ерга солинган органик ва минерал ўғитлар учун сарфланган харажатлар қанча вақтдан кейин қайтади?
- 2) 1 куб км сув сарфи қишлоқ хўжалиги учун қанча қўшимча маҳсулотлар келтириши мумкин?
- 3) Қуйидаги (ҳарфлар билан белгиланган) ресурсларнинг қайси бирини ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожлантириш омилига киритиш мумкин?
  - а) Мактаб ўқитувчиси;
  - б) Компьютер;
  - в) Сотиш бўйича агент;
  - г) Трактор;

- д) Автомеханик;
- е) Тиш доктори;
- ж) Бозор;
- з) Минерал ўғит;
- и) Кетмон;
- к) Олтин гугурт.

4) Хўжалик 270 гектар ерга пахта экиб, ўтган йилга нисбатан ҳар гектар ердан 23,5 фоиз кўпроқ ҳосил олди. Хўжалик бу йили қанча кўпроқ тола олиш имкониятига эга булди?

5) Деҳқон 25 гектар экин майдонига чигитни плёнка остига экишни режалаштирди. Унга қанча плёнка керак?

6) “Зухра” исмли сигир 10 та бола берди. Унинг йиллик берадиган сути миқдори ортдими ёки камайдими? Энди уни қайси усулда боқишга ўтказиш керак?

7) Иккита деҳқон бир хил майдонга пахта экди. Биринчи деҳқон минерал ўғитдан фойдаланди. Иккинчи деҳқон фойдаланмади, аммо ҳосилни кўп олди, нима учун?

## XIV БОБ

### ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

#### РЕЖА:

1. Инвестиция қандай маънони билдиради?
2. Инвестицион жараён қандай омиллар асосида ташкил этилади?
3. Инвестиция иқтисодий ўсишга қандай таъсир этиши мумкин?
4. Қишлоқ хўжалигида чет эл инвестицияларини жалб этиш қандай наф келтиради?

*Адабиётлар:* 1; 5; 36; 37.

#### 14.1 Инвестиция қандай маънони билдиради?

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ва миллий иқтисоднинг барча тармоқларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш кўп жиҳатдан очиқ иқтисодиётни барпо этиш инвестицион жараёнларни молиялаштирилишининг ички ва ташқи манбаларини яратиш ва улардан унумли фойдаланиш, уларнинг устувор йўналишини белгилаш ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Чунки мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан аграр соҳани бозор иқтисодиёти талаби даражасига кўтариш фақат инвестиция миқдорига боғлиқдир. Инвестициясиз ишлаб чиқаришни юксалтириш у ёқда турсин уни ташкил этиш ҳам мумкин эмас. Буни ҳисобга олиб, Ўзбекистон давлати ўзининг давлат сифатида пайдо бўлишининг дастлабки даврларида иқтисодиётда инвестицияга тегишли бўлган бир қатор ҳужжатларни тайёрлади ва қонун сифатида қабул қилди.

Бу қонунларда қайд қилинганидек, инвестиция бу иқтисодий самара (фойда, даромад, рента) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, қимматли қоғоз-

лар (вексел, акция, облигация) технология, машина, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа турдаги барча бойликлардан иборатдир.

Бу берилган таъриф – унинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги барча талабларига тўла жавоб бера олади ва эркин ҳаракат этиш имкониятини ўзида акс эттиради.

Таърифга кўра ҳар бир инвестиция эгаси (инвестор) ўз капитали эвазига даромад олиш имкониятига эга бўлмаса у ўз маблағини инвестицион жараёнга чиқармайди. Инвестициядан мақсад албатта маблағи эвазига кўпроқ қўшимча даромад олишга эришишдан иборатдир.

Мамлакат макроиқтисодиётининг у ёки бу секторида ёки тармоқларида ҳаракат этаётган инвестиция – шу тармоқнинг инвестициясини ташкил этади. Масалан, саноат соҳасида ҳаракат этаётган инвестиция саноат соҳасидаги инвестиция, қишлоқ хўжалигида ҳаракат этаётган инвестиция эса қишлоқ хўжалик инвестицияси, деб юритилади. Ҳар бир соҳадаги фойдаланилаётган инвестиция ўз эгасига фойда келтириш билан бир қаторда, фойдаланувчига ҳам фойда келтиради.

Кўпчилик илғор хорижий мамлакатлар ҳамда мамлакат ичида амалга оширилаётган инвестицион жараён натижалари инвестициянинг уч тури мавжудлигини кўрсатади. Буларга:

- Молиявий инвестициялар;
- Моддий инвестициялар.
- Ақлий (интеллектуал) инвестициялар;

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициянинг бу турлари ўзларининг фойдаланиш моҳиятига қараб ҳар хил аҳамият касб этадилар.

Молиявий инвестициялар – таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банкларга кўйилган омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, векселлар, заемлар ва бошқа турдаги қимматли қоғозлар ва уларга тенглаштириладиган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига – асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг асосий ва айланма капитал кўринишидаги турлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестицияларга турли ранг-баранг инсоннинг ақлий мулкларидан, яъни мулкый ҳуқуқлар шак-

лидаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг хиллари бозор муносабатларнинг нечоғли ривожланганлиги, миллий бозорларнинг ўзига хос хусусиятига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, "НОУ-ХАУ (ишлаб чиқаришнинг у ёки бу турдаги сирини танҳо билувчи), кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эғалик ҳуқуқлари киради.

Табиий ресурслардан фойдаланиш кўринишидаги инвестициялар уларнинг ҳажмидан қатъи назар, бирор бир инвестицион жараённинг натижасидан иборатдир.

Бу айтилган фикрларга кўра, бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичида инвестицияга берилган таъриф янада тўлдирилди.

Инвестиция деб, бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор-бир инвестицион объектга ҳамда ақлий бойликларни бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор-бир инвестицион объектга сарфлашга айтилади.

Инвестиция давлат нўқтаи-назаридан ташқи (хорижий) ички (давлатга тегишли) инвестицияларга бўлинади. Инвестицияни молиялаштириш жиҳатидан ссуда капитали ҳамда тадбиркорлик сармояси кўринишидаги инвестицияларга бўлинади.

Ссуда капитали кўринишидаги инвестициялар кредиторнинг бошқа қарз олувчига қайтариштик, моддийлик ва фойз тўлаш шартлари билан бериладиган маблағдир.

Тадбиркорлик сармояси кўринишидаги инвестициялар эса даромад кўриш мақсадида маблағни узоқ муддатга ишлаб чиқариш, савдо, молия объектларига сарфланишдир. Фойда олиш учун бериладиган инвестицияларнинг қуйи чегараси 10-25 фоизни ташкил этади. Мамлакат ичида хусусий, инвестор маблағ ҳисобига ташкил этилган корхона хусусий, ички ва ташқи инвестиция қўшилмаси асосида ташкил этилган корхона қўшма корхона, деб юритилади.

#### 14.2. Инвестицион жараён қандай омиллар асосида ташкил этилади?

Инвестицион жараён ва унинг кўлами бевосита ички ва ташқи инвестиция кўламига ва миқдорига боғлиқ. Агарда, у ёки бу

мамлакат ёки унинг айрим соҳа ва тармоқларида етарли шарт-шароит мавжуд бўлмаса, давлат инвестициянинг ҳаракатини ҳимоя қилмаса, инвестицияни жалб эта олиши мумкин эмас. Бу шарт-шароитлар: **инвестиция сиёсати, инвестиция муҳити, инвестиция фаолияти, капитал қўйилмалар, инвестиция босқичлари** ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ.

Инвестиция сиёсати — бу сиёсат инвесторларнинг ҳуқуқлари, иммунитетларини таъминлаш билан бир қаторда иқтисодий тармоқларга тегишли асосий фойдаларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш, солиққа тортиш, молия-кредит сиёсатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўз ичига олади.

Инвестицион муҳит — инвесторларнинг ўз маблағини қандай сақлаши, қандай баҳолашини ақс эттиради. У ёки бу мамлакатларда ва соҳаларда капитал қўйилмалар учун шароитлар нечоғлик қулай ёки қулай эмаслиги баҳоланилади. Мамлакатдаги ёки унинг ҳудудларидаги муҳит билан унинг мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти, маданияти, табиатини таҳлил қилиб кўрилади. Уларнинг пул қўювчи учун нақадар қулай шароитлар яратиш ёки ярата олмалиги тарозиларда тортилиб, аниқланади.

Инвестицион фаолият — бу жараён натижасида инвестиция бир кўринишдан (пулдан) иккинчи кўринишга (ресурсларга) ишлаб чиқаришга, тайёр буюмларга, иқтисодий самарага айланади. Бу фаолият сарфланган пул қанча фойда келтириб беришини ўзида кўрсатади. Капитал қўйилмалар — ишлаб чиқаришга замонавий технологияни жалб этиш ишлаб чиқариш объектлари ва бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган объектларни қайта қуриш, таъмирлаш ва асосий ишлаб чиқариш фойдаларини кенгайтирилган ҳолда қайта ишлаб чиқаришни таъминлайди. Шу билан бир қаторда иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси нечоғлик юқори бўлса, инвестицияларнинг капитал мулкка айланиш жараёни (капитал қурилиши, асосий воситаларни таъмирлаш, уларнинг янгисини сотиб олиш) шунчалик тез амалга ошади.

Инвестицион босқич капитал бойликларнинг шаклланиши — инвестицион капитал харажатининг якуни сифатида, унинг янги истеъмол қийматларини яратиш учун тайёр бўлган ишлаб чиқариш омилларига айлантиришдир. Бу жараёнда пул капиталга айланади.

### 14.3. Инвестиция иқтисодий ўсишга қандай таъсир этиши мумкин?

Иқтисодий ўсиш юз бермоғи учун сарфланган ресурслар (харажатлар) миқдорини қоплай оладиган даражада маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқ лозим. Аммо соф маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларга тенг бўлиб қолганда, ҳеч қандай иқтисодий ўсиш юз бермайди. Чунки, иқтисодий ўсиш бу кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг натижасидир. Демак, иқтисодий ўсишни амалга оширмоқ учун ишлаб чиқарилган маҳсулот, сарфланган харажатга нисбатан ортиқроқ бўлмоғи шарт. Бунинг учун ишлаб чиқаришга қўшимча ресурслар жалб этиш зарур. Иқтисодий ўсишни — инвестицион ресурссиз амалга ошириш мумкин эмас. Бу ресурс ўз моҳияти билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ресурсдир. Ресурсларни ишлаб чиқаришга йўналтириш иқтисодий ўсишни инвестициялаш дейилади. Энг аввало инвестиция кўринишида пул ажратилади. Аммо пул ўзига-ўзи ишлаб чиқариш омили ролини ўйнай олмаганлиги туфайли уни ишлаб чиқариш учун керакли бўлган ишлаб чиқариш воситаларига айлантириш зарур. Пул шаклидаги инвестиция номинал инвестиция дейилади. Номинал инвестициянинг ўзгаришлари олдинги ва сўнги қўйилган пул ресурслари ўртасидаги миқдорий фарқ билан ўлчанади. Масалан, охириги икки йил ичида инвестиция 100 млн. сўмдан 120 млн. сўмга ортди, деб фараз қилайлик. Бу давр ичида номинал инвестиция миқдори  $(120 - 100) = 20$  млн. сўмга ёки 20 фоизга ортди. Аммо инвестиция инфляциянинг ҳақиқий даражасини ўзида тўла акс эттира олмайди. Шунинг учун, уни инфляциядан ҳоли ҳисоблаш керак. Пул инвестицияси моддийлашиб амалда ишлаб чиқариш ресурсларига айланган инвестицияни — реал инвестиция дейилади.

Реал инвестиция ресурслар ўсимидан иборат бўлади. Реал инвестиция қўшимча олинган станок, трактор, комбайн, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, автомашиналар, бино, хилма хил асбоб-ускуналардан иборат. Уларнинг ягона моддий ўлчови бўлмайди. Хилма хил шаклдаги инвестиция ҳажми пул ёрдамида ҳисоб китоб қилинади. Бунинг учун номинал инвестиция индекси  $W_i$  ва баҳо индекси  $b_i$  бўлинади. Бунда реал инвестиция  $(R_i)$  қуйидагича ифодаланади:

$$R_i = \frac{W_i}{b_i}$$

Юқорида келтирилган мисолга кўра номинал инвестиция икки йил ичида 100 млн. сўмдан 120 млн. сўмга кўлайса, баҳо эса 1,2 марта ошган бўлса,

$$R_i = \frac{W_i}{b_i} = \frac{100 : 120}{1,2} = \frac{1,2}{1,2} = 1$$

Демак, номинал инвестиция 1,2 марта кўпайган ҳолда нарх эса 1,2 марта ошганлиги туфайли реал инвестиция ошмаган. Реал инвестициянинг натижаси эришилган иқтисодий ўсишдир. Унинг самарасини ( $R_s$ ) ялпи соф маҳсулот ўсими ( $\Delta CM$ ) инвестиция ўсими ( $I_u$ ) билан таққослаш зарур.

$$R_s = \frac{\Delta CM}{I_u}$$

Масалан, инвестиция ўсими 8 млн. сўмни ташкил этиб, у 5 млн. сўмлик қўшимча маҳсулот етиштирган, деб фараз қилсак,

$$R_s = \frac{\Delta CM}{I_u} = \frac{5}{8} = 62,5$$

Демак, 1 сўмлик инвестиция 62,5 тийинлик қўшимча маҳсулот берган. Агарда маҳсулот 80 тийинга етса, самарадорлик ўсган бўлади, агарда у 50 тийинга тушиб қолса, самарадорлик пасайган бўлади. Шунинг учун, ишлаб чиқаришга сарфланадиган номинал инвестиция миқдори ялпи соф маҳсулотнинг ўсишига бевосита таъсир кўрсатмоғи зарур. Аммо инвестицияни хоҳлаган соҳа, тармоқ ва корхонага солавериш кутилган натижани беравермайди. Инвестицияни қайси йўналишда фойдаланишга солишдан олдин самара бера оладиган соҳани танлаш лозим. Агар инвестиция бозори чаққон товарларни ишлаб чиқаришга, истиқболли соҳаларга солинса, янги, юксак, интенсиф технологияни жорий этишга сарфланса, меҳнат унумдорлиги тез ўсиб, самарадорлик шунча юқори бўлади. Демак, иқтисодий ўсиш даставвал унга молиялаштирилган инвестиция миқдорига ва инвестициянинг қанча маҳсулот етказиб бериш даражасига боғлиқ бўлиб, унинг устуворлиги етиштириладиган маҳсулот миқдорига тенглашишидир. Қишлоқ хўжалигида қанча капитал маблағ (инвестиция) сар-



фланишига қарамасдан олинадиган маҳсулот ҳажми камайиши мумкин. Бунга табиий, биологик, кимёвий, иқлим ва бошқа омилларнинг ишлаб чиқаришга вақтинча салбий (ёмғир, совуқ, дўл, қор, шамол, сув тошқини, қишлоқ хўжалик зараркунандалари, сув камлиги ва ҳоказо) таъсир этишидир. Шунинг учун ҳам сарфланган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги фойдаланилган барча турдаги омиллар бирлигида ҳар бир сўмлик сарфланган инвестиция ҳисобига олинган қўшимча маҳсулот ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришга сарфланадиган инвестициянинг меъёри бор. Масалан, кузги бугдой экиш учун ҳар гектар ерга 200 кг уруғ сарфлаш мақсадга мувофиқ. 1 гектар майдонидан пахтани машиналар ёрдамида етиштирилишига эришиш учун 15-20 шартли эталон гектар иш бажарилса кифоя бўлади. Аммо бундан ортиқ уруғлик ёки иш бажарилса, сарфланган инвестиция миқдори канча кўч бўлишига қарамасдан, инвестиция самарадорлиги пасаяди. Кузги бугдойни экиш учун ҳар гектарига 200 кг уруғлик экиш бу уруғлик учун сарфланган инвестициянинг мутлоқ меъёри, деб аталади. Етиштирилган ялпи дон ҳосилидаги уруғликнинг тутган ўрнига  $[(200:5000)=4 \text{ фоиз}]$  Инвестициянинг нисбий меъёри, деб юритилади. Инвестициянинг нисбий миқдори бу инвестиция сарфлаш натижасида эришилган натижада сарфланган инвестиция ҳисобига яратилган нафни ўзида ифода этади. Инвестиция нисбий миқдори кўп ҳолларда инвестиция нормаси, деб ҳам аталади. Инвестиция нисбий миқдори қанча кўп бўлса, у шунча секин ўзини оқлайди, қайтади. Масалан, 1 гектар ерга 200 кг бугдой уруғи экиб ундан 20 центнер ҳосил етиштирилади, деб фараз қилайлик. У ҳолда инвестиция нисбий миқдори  $(200:2000)=10 \text{ фоиз}$ . Агарда шу уруғ сарфи билан 50 центнер ҳосил олган бўлса, у вақтда  $[(200:5000)]=4 \text{ фоиз}$  бўлади. Демак, уруғ учун сарфланган инвестиция гектаридан 20 центнердан ҳосил олинган ерга нисбатан 50 центнердан ҳосил етиштирилган тақдирда  $(10:4)=2,5$  марта тез ўзини оқлар экан. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган барча маҳсулотлар турида ҳам бу қонуният ўз кучини сақлаб қолади.

Маълумки, ишлаб чиқаришга сарфланган инвестиция доимо пул кўринишида, моддий кўринишга, сотиш натижасида яна пул кўринишига айланади. Бу жараён: П ... Р ... И ... М ... П<sub>1</sub> ..... Р<sub>2</sub> ... И<sub>2</sub> ... М<sub>2</sub> ... П<sub>2</sub> ... Р<sub>3</sub> ..... тақрорланаве-

ради. Бу такрорланишда ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган меҳнат қуроллари ўз қийматини қисман-қисман янги маҳсулотга ўтказиши тўғрисида унинг маҳсулотларни сотишдан кейин тегишли улушини тўплаб бориши шарт. Масалан, фермер 100 минг сўмга трактор сотиб олди, — деб фарз қилайлик. Бу трактор фермерга 10 йил хизмат қилсин. Ҳар йили фермер ўз даромадидан  $(100:10)=10$  минг сўмни ажратиб келажакда тракторни қайта тиклаш учун тўплаб боради. Бу йиғилма коп-ланиш инвестиция ёки амортизация ажратмаси, деб юритилади. Инвестициянинг қолган қисми — соф инвестиция, деб аталиб, ишлаб чиқариш жараёнидаги ресурсларни ўстириш, сифатини яхшилаш учун фойдаланилади.

Аммо аграр соҳада ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда амалга ошириш учун ҳамма вақт ҳам товар ишлаб чиқарувчилар кўлида нақд пул бўлавермайди. Бунга сабаб:

- қишлоқ хўжалигида бир йил ичида бир ёки икки марта ҳосил етиштириш имконияти бир, холос;

- қишлоқ хўжалигида етиштирилган барча маҳсулот турлари бир вақтда пишиб, уларни сотиш қийинлашади, сотиш харажатлари ортади, баҳо пасаяди;

- қишлоқ хўжалигида барча экинларни етиштириш учун (вегетация даври + унга қадарги ва ундан кейинги ишлар) йил мобайнида хилма хил ишларни бажариш ва ресурсларни сотиб олиш зарурияти пайдо бўлади;

- қишлоқ хўжалик ишларини ўз агротехника талабига риоя қилмаган ҳолда бажариш, сифатли ва районлаштирилган ресурсларни ўз вақтида сотиб олмаслик ва фойдаланмаслик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарасига салбий таъсир кўрсатади;

- бу ишларни бажариш ва агротехника талабларига тўла риоя қилган ҳолда иш фаолиятини юргизиш деҳқон кўлида мумтазам заҳира пул бўлишини тақозо этади. Акс ҳолда у синади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, деҳқон икки имкониятга: биринчидан ўз запас маблағига, иккинчидан четдан (банк, ссуда, чет эл инвестор ва бошқа) инвестиция олиш имкониятига эга бўлиши албатта, зарур. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, қишлоқда иш юритаётган ҳар бир ширкат, фермер, деҳқон хўжалиги ва тадбиркорлик ўз ишлаб чиқаришини бозор талабига мос ҳолда оддий такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган ўз инвестициясига эга бўлиши зарур. Ишлаб чиқаришни кенгайтирилган

тарзда ривожлантириш эса ички ва ташки инвесторлар хизматидан фойдаланиш ҳозирча қулайлик келтиради. Аммо қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш хусусиятлари унга чет эл инвестицияларини шиддат билан киритиш имкониятини чеклайди. Чет эл инвестицияси кўп ҳолларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларига кириб келмоқда. Ташқи ва ички инвестициялар самарадорлиги:

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини инновация асосида ривожлантиришга эришиш асосида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имкониятларини яратиш;

қишлоқ хўжалигида инвестиция миқдорини ошира бориш асосида қўшимча иш жойлари ташкил этиш асосида ишлаб чиқаришга қўшимча ресурслар жалб этиш;

янги ресурслар яратиш уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида инвестициялар ҳаракатини кенгайтиришга эришишдир.

#### **14.4. Қишлоқ хўжалигида чет эл инвестицияларини жалб этиш қандай наф келтиради?**

Ҳар қандай давлат ва унинг энг ривожланган макроиқтисодиёт сектори мамлакатнинг ички ва ташқи алоқасисиз ривожланиши мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти ривожлана бориш жараёнининг ҳозирги даврида чет эл инвестицияси ички инвестицияга нисбатан устувор рол ўйнамоқда. Аммо, чет эл инвестициялари жаҳондаги барча хоҳиш билдирган мамлакатларга ҳам ўз марҳаматини кўрсатавермайди. Бунга мисол қилиб, кўпгина МДХ таркибига кирувчи (Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва бошқа) мамлакатларни кўрсатиш мумкин. Ҳар бир мамлакат унинг ишлаб чиқариш соҳалари, тармоқлари, корхоналари, қолаверса, ҳар бир фуқароси бирор кўзлаган мақсадга эришмоқ учун пулга муҳтож бўлиб, зарур бўлган маблағни топиш учун бозорга чиқади. Бу зарур булган пулни топиш мақсадида улар ҳамма пул манбаларига кириб чиқадилар. Пул олиш шартшароитлари билан танишадилар. Улар томонидан қўйилган талаб ва таклифларни ҳар томонлама ўрганадилар ва бирор қарорга келадилар. Юқорида қайд қилинганидек, чет эл инвестициялари инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида пулга зарур булган мамлакатларга, корхоналарга, шахсларга узоқ муддатга берадилар. Аммо инвестиция берувчи

мамлакатлар инвестиция олаётган мамлакавлар томонидан уларнинг барча талаб ва тақлифларини бажо келтирилиши, халқаро инвестиция чиқариш қоидаларига, шарт-шароитларига, қонунларига мос келиши шарт. Бу қоидалар оддий ҳолда инвестицион муҳит, деб юритилади. Бу муҳитни танлашда инвестор устувор ролни ўйнайди. Маълумки, ҳар қандай давлат учун инвестиция муҳити ундаги сиёсий барқарорлик даражасига боғлиқ бўлиб у инвесторларнинг ўз фаолиятини тош-тарозисига солиб узоқ муддатли инвестиция ривожланишини амалга оширишга имконият яратади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида сиёсий жиҳатдан энг барқарор давлат эканлигини тажрибада кўрсатмоқда. Ташқи инвестицияларни жалб этишда мамлакат раҳбарияти олиб бораётган макроиқтисодий сиёсат ҳам муҳим омиллардан биридир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Жаҳон банки, Халқаро валюта банки, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга қўмаклашувчи ташкилот, Ливерпуль пахта ассоциацияси ва бошқа нуфузли иқтисодий ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланиб, уларнинг барча анжуманларида фаол қатнашмоқда. Ҳозир Ўзбекистон “тарифлар ва савдо Бош битими” (ГАТТ) ташкилотига аъзо бўлиб, унинг 100 дан ортиқ аъзоси ҳисобланган давлатлар билан икки томонлама манфаатли иқтисодий алоқаларни амалга оширмоқда ва чет мамлакатларнинг инвестицияларни жалб қилиш имконияти кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон халқаро Валюта фонди томонидан 100 млн. доллар, Жаҳон банки томонидан мамлакатда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида 74 млн. доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши унга билдирилган дастлабки ишончдир.

Ўзбекистон чет эл инвестицияларини иқтисодиётга кўпроқ жалб этиш мақсадида МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб фискал, яъни хазинага, бюджетга олинadиган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларни белгилади. Бу имтиёзлар жаҳонда энг қулай имтиёзлардан ҳисобланиб, ҳар бир инвестор бу имтиёзлардан тўла қониқишга эга бўлади. Бу билан бир қаторда фискал имтиёзларидан Ўзбекистон макроиқтисодиёти ҳам манфаатдор бўлади.

Ўзбекистонда чет эл инвесторларини ўз капиталларни мамлакатнинг хоҳлаган соҳалари ва тармоқларига киритиш учун зарур бўлган барча шарт ва шароитлар қонун асосида

расмийлаштирилган бўлиб, ҳар қандай инвестиция қонун асосида ҳимоя қилинади.

Ажнабий инвестициялар қишлоқ хўжалигининг ҳамма бўлимларига кириб келмоқда. Бу инвестициялар қишлоқ хўжалигининг устувор соҳаси ҳисобланган пахтачилик ва дончиликни кескин ривожлантириш, унинг жаҳон даражасига қўтариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, нобудгарчилигини камайтириш, серҳосилли уруғ навларини ҳамда наслдор ҳайвонлар етиштириш, етиштирилган маҳсулотларни жаҳон андозаси асосида сақлашни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва улардан жаҳон бозори талабларига мос келадиган хилма хил маҳсулотлар яратиш, қўшма корхоналар очишни кенгайтириш ва фаолиятини ошириш боғдорчилик, узумчилик, поллизчилик маҳсулотларидан ҳўл ва қуруқ кўринишида жаҳон бозорига олиб чиқиш, қишлоқ хўжалигининг табиий ресурслардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш соҳаларида самарали фойдаланмоқда, бундан кейин янада улар фаолияти кенгая боради. Қишлоқ хўжалигида йирик инвестицион лойиҳаларни жалб этиш масалалари, шу жумладан: “Агротин”, “Қишлоқ Хўжалигини қайта қуриш” бўйича йирик инвестицион лойиҳалар дастуридан фойдаланиш масалалари ҳал қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда чет эл инвестициясидан фойдаланиш инвестиция киритувчи учун ҳам, ундан фойдаланувчи учун ҳам икки томонлама қулай бўлиб, мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан аграр соҳани қисқа вақт ичида кескин ривожлантириш имкониятини яратади.

## I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун ўнг томондаги мос келадиган таърифларни танланг.

1. Инвестиция –	1. Ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисми.
2. Инвестиция турлари –	2. Инвестициядан келадиган даромадни олиш ҳуқуқини берадиган махсус қимматли қовоз.
3. Тадбиркорлик сармояси –	3. Даромад кўриш мақсадида маблағни узоқ муддатга ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа корхоналарга қарзга бериш.

4. Инвестицион ҳамкорлик –	4. Хорижий корхоналарга қўйиладиган капитал маблағни инвесторлар томонидан назорат қилиши.
5. Инвестор –	5. Пул қўйган киши – омонатчи.
6. Молиявий инвестициялар –	6. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик.
7. Моддий инвестициялар –	7. Акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш.
8. Инвестиция сертификати –	8. Молиявий ва реал.
9. Инвестицион муҳит –	9. Ишлаб чиқаришга узоқ муддатли капитал киритиш.
10. Фискал имтиёзлари –	10. Инвестициядан фойдаланиш имкониятларини яратувчи сиёсат.
11. Инвестицион фаолият –	11. Инвестициянинг ҳаракат этиш қонунияти.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Инвестицион жараённинг асосий омиллари нималардан иборат?
2. Чет эл инвестицияларини ишлаб чиқаришга жалб этишнинг нима зарурияти бор?
3. Инвестицион фаолият деганда нимани тушунасиз?
4. “НОУ-ХОУ” деганда нимани тушунасиз?
5. Тадбиркорлик сармояси ссуда капитали кўринишидаги инвестициядан қандай фарқланади?
6. Макроиқтисодиётни ривожлантиришда чет эл инвестициясини жалб этишнинг қайси томон устувор ролини ўйнайди?
7. Фискал имтиёзлари нималардан иборат?
8. Мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик деганда нимани тушунасиз?
9. Инвестиция қайси шароитда моддий инвестицияларга айланади?
10. Инвестицион лойиҳа, деб нимага айтилади?
11. Қишлоқ хўжалигида чет эл инвестицияларидан фойдаланиш ҳолати қандай?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Фермернинг номинал инвестицияси икки йил ичида 100 млн. сўмдан 120 млн. сўмга ортган. Инфляция эса 20 фоизга ортди. Фермернинг икки йил ичидаги реал инвестицияси миқдори ортадими?

2. Фермернинг сарфлаган 8 млн. сўмлик инвестицияси 5 млн. сўмлик қўшимча маҳсулот етиштирди. 1 сўмлик инвестиция ҳисобига қанча сўмлик маҳсулот олиш имкониятига эга бўлади?

3. Инвестор 100 млн. долларни фермерга 1 январ куни икки йил муддатга 20 фоиздан фойда олиш учун қарзга берди. Бу даврда инфляция ҳисобига олинадиган фойда нормаси 20 фоиздан 25 фоизга кўтарилди. Бу даврда инфляция даражаси қанча ўсган?

4. Фермер 20 гектар ерга бугдой экиб, 1-йили 35 центнердан, 2-йили 55 центнердан ҳосил олди. Инвестиция нисбий меъёрини, қайтиш тезлигини аниқланг.

5. Инвестор 50 млн. доллар акция, 15 млн. облигацияни фермерга 1 йилга 12.8 фоиз ҳисобида фойдалашишга берди. У акция ҳисобига ҳамда облигация ҳисобига қанча фойда олиши керак?

6. Инвестор 100 млн. доллар инвестиция қўшиб фермер билан пахтани қайта ишловчи қўшма корхона ташкил этди. Акциянинг 30 фоизини инвестор, 35 фоизини фермер, 10 фоизини қишлоқ халқи, 25 фоизини пахта банки ихтиёрига ўтказди. 2 йилдан сўнг қўшма корхона инқирозга учради. Инвестор ўз сармоясини қайтариб олиши мумкинми?

## XV БОБ

### АГРАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА

#### РЕЖА:

1. Аграр инфратузилма деганда нимани тушунаси?
2. Аграр инфратузилмадан фойдаланиш жиҳати қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Аграр соҳада ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатиши инфратузилмаси деганда нимани тушунаси?
4. Инсонга ижтимоий хизматлар кўрсатиш нималарни ўз ичига олади?

*Адабиётлар:* 1; 3; 8; 16; 23.

#### 15. 1. Аграр инфратузилма деганда нимани тушунаси?

Инфратузилма — латин сўзида *infra* (қуйи), *struktura* (тузилиш, жойлашиш), яъни қуйи тузилмалар деган маънони беради.

Агро инфратузилма деганда агро саноат мажмуи фаолиятини таъминлаш учун турли туман хизматлар кўрсатувчи тармоқлар комплексини: транспорт, алоқа, савдо, моддий техника таъминоти, йўл, электр, газ, сув билан таъминлаш қишлоқ хўжалик маҳсулотлар сақлаш омборхоналари, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, фермер ва тадбиркорларни ҳар хил информациялар билан таъминлаш ва бошқа бир қатор хизмат кўрсатувчи корхоналар бирикмаси тушинулади.

Инфратузилма таркибидаги хизмат кўрсатиш корхоналари бевосита ишлаб чиқариш фаолиятига ижобий таъсир этади. Масалан, ҳозирги замонда аграр ишлаб чиқаришни электр энергиясиз, алоқа воситасиз, йўлсиз, инсон саломатлигисиз амалга оширишни тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу-



нинг учун ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида аграр инфратузилмалар иш фаолиятини талаб даражасига кўтариш масаласига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлашнинг асосий омили сифатида қаралмоқда.

Агросаноат мажмуаси инфратузилмаларини ташкил этиш ва улар хизмати самарадорлигини ошириш кўп ва хилма хил омилларга боғлиқ. Бу омилларга: иқлим, жойнинг рельефи, сув ва ер ресурси билан таъминланиш ҳолати, қишлоқларнинг жойланиши, аҳоли сони, ва уларнинг урф-одати, малакаси, хўжаликларининг жойланиши ва ихтисосланиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш ва сақлаш муддатлари инфратузилма таркибига кирувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий фаолияти омилларини киритиш мумкин.

Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси тармоқлари ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий вазифаси — аграр соҳада етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар миқдорини ошириш, сифатини яхшилаш, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятига актив таъсир этиш асосида уларни ташкилий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан юксала боришга кўмаклашиш, мулкый муносабатларни бозор иқтисодиёти шароитларга мос ҳолда такомиллаштира бориш, қишлоқда меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш ва ихтисослаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини мунтазам ўса боришини таъминловчи шароитлар яратишдир.

Инфратузилмаларнинг мамлакат иқтисодиётини қайта тузишда ва уни бозор иқтисодиётига мослаган ҳолда ривожлантиришдаги роли нақадар катта эканлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Мамлакат Президенти агроинфратузилмалар таркибини янгилаш, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, хизматлар самарадорлигини ошириш тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилди. Бу қонунларнинг амал қилиши, инфратузилмаларнинг агросаноат мажмуида туган ўрнини оширмоқда.

## **15.2. Аграр инфратузилмадан фойдаланиш жиҳати қандай гуруҳларга бўлинади?**

Агроинфратузилма таркибига кирувчи тармоқлар, корхоналар хизмат кўрсатиш ҳолатига қараб турли гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳлар бўлинишига қараб улардан қайси мақсадлар учун фойдаланиш лозимлигини аниқлаш мумкин. Уларга:

инфратузилма таркибига кирувчи ҳар бир тармоқ, корхонанинг аграр ишлаб чиқариш жараёнидаги хизмати ва унинг тутган ўрнини аниқлаш ва баҳолаш имкониятини беради;

· аграр ишлаб чиқариш асосий соҳалари билан уларга хизмат кўрсатаётган инфратузилмалар ўртасидаги бажариладиган ишлар кўлами, уларни бажариш муддатлари, уларнинг моддий — техника ҳолатини олдиндан режалаштиришни амалга ошириш;

· ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини бошқаришни бир-бирларига мослаштириш, охириги натижани аниқлаш.

Аммо, аграр инфратузилмани бажарадиган ишларининг кўп қиррали бўлимини, уларни бир вақтда бажариш мумкин эмаслиги, хизмат кўрсатиш технологиясининг турлилиги, инфратузилма корхоналарини бир ёки икки турдаги кўрсаткичлар ёрдамида гуруҳларга киритиш мумкин эмас.

Шунинг учун, агросаноат мажмуида инфратузилма таркибидаги тармоқлар, корхоналар хизмат кўрсатиш ҳолатига қараб тўрт гуруҳга бўлинади:

- ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиш даражаси бўйича;
- ҳудудий белгилари бўйича;
- соҳа, тармоқ, ҳўжаликлар бўйича;
- фойдаланиш жиҳатидан.

Инфратузилмаларнинг бу тўрт гуруҳи ўзига хос бўлган хусусиятлари туфайли бир-бирларидан алоҳида олинган ҳолда ўрганилсада, аммо улар бир-бирлари билан узвий боғланган ҳолда амал қилинди.

I. Инфратузилманинг ишлаб чиқариш жараёнига таъсири ва тутган ўрнига кўра у икки гуруҳга: **ишлаб чиқариш ва ижтимоий аграр инфратузилмаларига** бўлинади.

**1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси** таркибига қуйидаги хизмат кўрсатиш корхоналари: транспорт, электр узатиш линиялари, алоқа, моддий-техника таъминоти, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлар тайёрлаш бўлимлари, маҳсулотни сотиш, омборхона, музхона, дон сақлаш омборлари (элеваторлар), сув ҳўжалиги, йўл ҳўжалиги, ахборотлар етказиб бериш бўлимлари (агротехника, об-ҳаво, зараркунанда ва касалликларга қарши ветеринария, сунъий қочириш, таъмирлаш, юридик консультацияларни) киритиш мумкин.

Бу турдаги хизматларни ишлаб чиқариш инфратузилмасига киритишдан асосий мақсад бу хизматлар ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ўзига хос бир қатор белгиларга эга:

- бу турдаги хизматлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқармайди, ишлаб чиқаришга бевосита таъсир этади. Бу хизматлар натижаси охири натижада ўз ифодасини топади;

- бу турдаги кўрсатилган хизматлар самарадорлиги фақат хизмат қилаётган тармоқ, корхона хизмат кўрсатиш пунктлари таъсирида амалга ошади. Хизматларсиз уларни амалга оширадиган инсон ва моддий техника базасисиз уларни амалга ошириш мумкин эмас;

- инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражаси асосий ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Ишлаб чиқариш қанча юқори даражада ривожланса, самарадорлиги шунча юқори бўлади. Инфратузилма бўғинларининг ривожланиши учун талаб ва шароит шунча орта боради;

- инфратузилма тармоқлари, бўғинларини ишга сафарбар қилиш, талабларининг тезлиги бевосита товар ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган талаб даражаси билан белгиланади.

**2. Ижтимоий инфратузилма** таркиби аграр соҳада ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт, турар жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ҳимоя қилиш муассасалари, боғчагача, мактабгача бўлган болалар муассасалари, умумовқатланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, техника хавфсизлиги, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, соғломлаштириш муассасалари киради. Ижтимоий инфратузилма — инсоннинг ҳар томонлама камолот топиши ва унга эришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йиғиндисиدير.

II. Инфратузилма ҳудудий белгиларига қараб — макроиқтисодий, ҳудудий ва маҳаллий гуруҳларга бўлинади. Макроиқтисодий инфратузилма мамлакат миқёсидаги инфратузилмасига мансуб бўлиб, улар макроиқтисодиёт таркибига кирувчи секторнинг иш фаолиятига хизмат кўрсатади. Масалан, моддий техника таъминоти, электр энергия узатувчи линия, минерал ўғитлар ва уруғлар етказиб бериш, маориф, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Бу инфратузилмалар бўғинлари мамлакат томонидан ташкил этилиб, улар давлат номидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарига ўз хизматини кўрсатадилар. Ҳудудий инфра-

тузилмалари, маълум ҳудудга, қишлоқ хўжалик корхоналарига ўз хизматини кўрсатади. Масалан, сув, йўл, машина — трактор парки, об-ҳаво ва бошқалар. Маҳаллий инфратузилмалар микроиқтисодиёт таркибга кирувчи маҳаллий ишлаб чиқариш бўғинларига: ширкатлар уюшмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқаларга бўлинади. Маҳаллий инфратузилмаси айрим хўжаликлар билан келишган ҳолда шартномалар асосида ўз хизматларини кўрсатадилар.

III. Инфратузилмаларнинг соҳа ва тармоқлар белгисига қараб гуруҳларга бўлиниши агросаноат мажмуида кўпчиликл турдаги инфратузилмалар, соҳалараро ҳарактерга эга бўладилар. Бунга — транспорт, алоқа воситалари, электр таъминоти каби инфратузилмаларни киритиш мумкин. Бу инфратузилма бўғинлари бир неча турдаги соҳалар, масалан, ўсимликчилик, чорвачилик соҳаларига хизмат кўрсатиши мумкин. Аммо бир қатор инфратузилма бўғинлари фақат бир тармоққа хизмат кўрсатиши мумкин: масалан, агрокимё хизмати, техника — таъмирлаш хизмати, ветеринария хизмати, уруғ тайёрлаш пункти ва ҳоказо бўғинлар бир ёки бир неча экин ёки чорва моллари турига хизмат кўрсатади.

IV. Инфратузилмаларни фойдаланиш жиҳатидан гуруҳлаш. Агросаноат мажмуида инфратузилмалар хизматидан фойдаланишни икки даражада: бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш (агросервис) ва етиштирилган маҳсулотни истеъмолчига етиб боришига қадар кўрсатиладиган хизматларга бўлинади.

Биринчи доирада хизмат қилувчи инфратузилма бўғинларига: қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизматлар кўрсатиш, транспорт, мелиорация, сув таъминоти, агрономия, ветеринария ва бошқа хизмат турлари, илмий ва амалий хабар, ахборотлар хизмати, йўл хизмати, алоқа, моддий техника таъминоти, электр қуввати билан таъминлаш каби бўғинлар киради.

Иккинчи доирада хизмат қилувчи инфратузилма бўғинларига: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш; идиш, омбор, совуткич хўжаликлари киради. Бу турдаги хизматлар, етиштирилган маҳсулот сифати бузилмаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган хизматлардан ташкил топади.

Демак, агросаноат мажмуи инфраструктураси унинг 4 блокига (I блок — ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи, II блок — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, III блок — тайёрловчи ва қайта ишлаб чиқарувчи, маҳсулотларни реализация қилувчи, IV блок — социал инфраструктура) хизмат кўрсатиб уларнинг асосий мақсади аграр соҳаларни бир бирига боғлаш асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

### 15.3. Аграр соҳада ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатиш инфратузилмаси деганда нимани тушунасиз?

Ишлаб чиқариш бор жойда албатта уларга мос келган хизматларнинг ҳам бўлишини талаб этади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси юқорида қайд қилинганидек, ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиб, унинг самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Ишлаб чиқариш жараёнига кўрсатадиган хизмат турлари хилма хил бўлиб, улар ичида салмоқли ўринни **аграр транспорт** хизмати эгаллайди. Маълумки, транспорт ёрдамида инсон томонидан ҳосил қилинган меҳнат натижалари бир жойдан иккинчи жойга ёки ишлаб чиқариш жараёнидан истеъмол жараёнига етказилади. Транспорт куйидаги кўринишларда: ҳаво, сув, темир йўл, авто ва от арава транспорти кўринишида хизмат кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигидаги юклар асосан трактор тележкаси, автомашина ва темир йўл транспортлари ёрдамида амалга оширилади. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида 300 дан ортиқ хилдаги маҳсулотлар транспортлар ёрдамида ташилади. Бу юкларнинг деярли 80 фоизи трактор араваси ва 20 фоизи автомашиналар ёрдамида ишлаб чиқариш жойидан омбуларга, истеъмолчилар олдига, тайёрлов пунктларига олиб келинади.

Транспорт хизматидан фойдаланиш:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бериш вақтини қисқартиришга олиб келади;

- маҳсулот сифати бузилишини кескин камайтиради;

- маҳсулот нобудгарчилигини камайтиради;

- қишлоқ хўжалигида бажарилган тадбирларни ўз муддатида ва юқори сифатли ўтказишга (минерал ўғит, уруғлик, озуқа ва бошқалар) таъсир этиб, оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини оширишга ёрдамлашади;

- қишлоқ хўжалигини макроиқтисодийнинг бошқа соҳалари билан боғлайди;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқиш имкониятини беради.

Аграр ишлаб чиқариш инфратузилмаларида йўл хўжалиги ҳам катта аҳамиятга эга. Аграр инфратузилманинг транспорт бўғини бевосита йўл хўжалик ҳолатига боғлиқдир. Аграр инфратузилмада йўл қуйидаги турларга: бетон, асфальт, тош, шағал, тупроқ йўлларга бўлинади. Аграр соҳадаги йўлларнинг кўп қисми асфальт, шағал, тош ва тупроқ йўлларидадан иборат. Йўл хизмати ҳолати бевосита транспорт хизмати даражасига ёки ижобий, ёки салбий таъсир этади.

- транспорт воситалари умрини қисқартиради, қисмлари тезда ишдан чиқади, синади;

- юк ташиш харажатлари ортади, унинг самардорлиги пасаяди, маҳсулот сифати бузилишига олиб келади;

- юкларни ўз муддатида ташиш имкониятига путур етказилади;

- йўл қишлоқ маданияти қай даражада эканлигини ўзида кўрсатувчи кўзгудир.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бунёд бўлиши ва унинг қишлоқда олиб бораётган аграр ислохотлари натижасида йўл хўжалиги хизматининг замонавий турлари бунёдга келмоқда. Янги йўллар, кўприклар бунёд қилинмоқда. Уларнинг хизмат кўрсатиш маданияти яхшиланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини электр энергияси хизматисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Электр энергиясиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кўпчилик бўғинларининг иш фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас:

- тез бузилувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сақлаш мумкин эмас. Масалан, суг, гўшт, хўл мева, сабзавот, тухум ва бошқа маҳсулотлар;

- давлат буюртмаларини қайта ишлаш;

- маҳсулот таннархини арзонлаштириш;

- маҳсулот сифати бузилишини камайтиради;

- маҳсулот ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш;

- қишлоқ турмуш даражасини юксалтириш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасида **алоқа хизматларидан** фойдаланиш ҳам ишлаб чиқариш самардорлигига бе-

восита таъсир қилади. Агросаноат мажмуи — соҳа ичидаги бўлимлар, бўгинлар ва соҳалараро алоқаларсиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш муаммоларини ҳал қилишни анча қийинлаштиради.

Алоқа хизматларига почта, телеграф, телефон, радио ва телевидение, матбуот тарқатиш алоқа бўгинлари киради. Ҳозирги вақтда аграр соҳанинг ҳамма тармоқлари ва хўжаликларида алоқа хизматларининг ҳамма турлари хизмат кўрсатмоқда. “Ўзбекистон почтаси”, “Ўзбекистон телеграфи”, “Ўзбек телефон концернлари”, “Союзпечат”, “Матбуот тарқатиш уюшмаси” замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган бўлиб, фақат мамлакат, соҳа, тармоқ, корхона, хўжаликлар ичидагина алоқа хизматларини йўлга қўйибгина қолмасдан, жаҳоннинг хоҳлаган жойи билан алоқа қилиш ва тегишли хабарлар олиш имкониятини яратади.

Қишлоқ хўжалиги катта майдонларга экинлар экиш асосида иш юритадилар. Ҳозир 1,2 млн. гектар ерга донли экинлар, 1,5 млн. гектар пахта экилади. Бу ерларни қисқа вақт ичида экишга тайёрлаш, экиш, экин қатор ораларини ишлаш, қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига ва зараркундаларига қарши кураш олиб бориш, ҳосилни ўриб йиғиб олиш, тайёрлов пунктларига ва омборларга ташиш ва бошқа бир қатор катта ҳажмдаги ишлар қўл кучи билан бажарилиши мумкин эмас. Бу ишларни бажариш учун хилма хил қишлоқ хўжалик машиналари ва техникаларидан фойдаланишни талаб этади. Уларнинг бир меъёردа ишлаши учун ишдан чиққан қисмларини янгилаш, эскирганларини янгилаш, ёқилги мойлаш материаллари ва запас қисмлар билан таъминлаш, таъмирлаш каби хилма хил хизматлар кўрсатиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу хизматларни амалга ошириш мақсадида машина, трактор парки, автосервис, хизмат кўрсатиш пунктлари, савдо сервис марказлари, қишлоқ хўжалик машиналари, трактор, автомашина, пахта териш машиналарининг замонавий турларини ишлаб чиқариш қўшма корхоналари ташкил этилмоқда.

Қишлоқ хўжалик инфратузилмаларининг қишлоқни ичимлик суви ва газ билан таъминлаш соҳасидаги хизмати ҳам катта. Бу муаммоларни ҳал қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Олий Мажлис томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди. Эндиликда сув ва газ билан таъминланмаган ёки кам таъминланган вилоят, туман ва қишлоқларни ичим-

лик суви ва газ билан таъминлаш реал воқеликка айланмоқда. 2000 йилга келиб қишлоқларда 6640 км. лик сув тармоқлари 15600 км газ тармоқлари қурилади. Натижада, қишлоқ аҳолисининг сув билан таъминланиш даражаси 64,5 фоиздан 67,8 фоизга, газлаштириш эса 53,6 фоиздан 76,3 фоизга ортади.

Аграр инфраструктура бўғинларида махсус хизмат кўрсатиш бўғинлари (агротехник, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ветеренария, сунъий қочирув, юридик консултациялар, банклар хизмати) ҳам ўз хизматларини кўрсатадилар. Бу махсус хизматларнинг ҳар бири қишлоқ хўжалигига жуда катта хизматлар кўрсатади. Масалан, фақат қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига ва зарарқунандаларга қарши қилинган хизматлар деҳқонларга, давлатга млн-млн. сўмлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг нобуд бўлиши олдини олиш имкониятини яратади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилма бўлимлари хизмати, бир-бирлари билан ўзаро боғланган ҳолда ёки ўзлари мустақил хизмат кўрсатиш йўли билан ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб аграр иқтисодий ўсишни амалга оширишга ёрдам берадилар.

#### 15.4. Инсонга ижобий хизматлар кўрсатиш деганда нималарни билиш керак?

Ҳар қандай бойликнинг отаси инсон ва унинг хизмати ҳисобланади. Инсон ўз меҳнати жараёнида ўз кучини сарфлайди. Ишчи кучини сарфлаш жараёни ҳам маълум кўринишда унга хизмат кўрсатишни талаб этади. Инсонни камолотга етиштиришда кўрсатиладиган хизматлар йиғиндиси ижтимоий инфратузилма, деб юритилади.

Аграр ижтимоий инфратузилма қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг соғлиги, маданияти, билими, онги, маънавий ҳаётини барқарорлаштиришга кўмаклашадиган ва бевосита қатнашадиган хизматлар йиғиндисидан иборат.

Аграр ижтимоий инфратузилма қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- меҳнат фаолияти инфраструктураси; халққа хизмат қиладиган транспорт, алоқа воситалари;
- социал маданий инфратузилма: турар жой, коммунал хўжалиги, умумий овқатланиш;
- маънавий ҳаёт маданияти инфратузилмаси: маданият, саёҳат, халқ маорифи;



- соғлиқни сақлаш инфратузилмаси: соғлиқни сақлаш, спорт ва хордиқ чиқариш муассасалари;

- бозор инфратузилмаси: ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш жараёнидаги хизмат турлари;

- муҳитни муҳофаза қилиш инфратузилмаси: атмосфера, сув, тупроқ, табиатни муҳофаза қилиш бўғинлари учун кўрсатиладиган хизматлар.

Аграр ижтимоий инфратузилмаларнинг бу гуруҳлари бир-бирлари билан узвий боғланган бўлиб, шахснинг камолотга етишида бениҳоя катта аҳамиятга эга.

#### I. Меҳнат фаолияти инфратузилмаси:

- аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориш билан боғлиқ бўлган хизматларни (такси, автобус, трамвай, троллейбус, метро, поезд, самолёт, пароход ва бошқа турдаги хизматлар);

- аҳолининг суткалик, ҳафталик, ойлик, йиллик бюджет вақтидан унумли фойдаланишига;

- аҳолининг иш жойларига ўз вақтида етиб бориши ва меҳнат унумдорлигининг ошишига;

- ишчиларнинг буш вақтларда маданий ҳордиқ чиқариш каби хизматларни бажаради.

#### II. Ижтимоий-маданий инфратузилма:

- аҳолининг турар жой билан таъминланиш ва унда нормал яшаш учун барча шароитларни яратиш хизматларини;

- аҳолининг яшаш ва ривожланиши учун зарур бўлган савдо шахобчалари хизматини;

- аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган овқатланиш шахобчалари кўрсатган хизматлари (ошхона, чойхона, ресторан, буфет);

- қишлоқда яшаш маданиятини шаҳар даражасига кўтаришига эришиш хизматларини;

- аҳолининг буш вақтларидан ижтимоий, маданий ҳордиқ чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш тadbирларни амалга оширади.

#### III. Маънавий ҳаёт маданияти инфраструктураси хизматлари:

- маданиятнинг барча хизмат кўрсатиш бўғинларини (театрлар, клублар, концерт бригадалари, халқ талантлари, кураш, футбол ва бошқалар) кенгайтириш;

- эришилган маданият ютуқлари кўриклари ўтказиш;

- кино, фестивал, библиотека, қишлоқ ҳаётини юксалтириш билан боғлиқ бўлган хизматлар;

- ҳар хил саёҳатлар, дам олиш уйлари ташкил этиш;
- болалар яслилари, боғчалари, дам олиш лагерлари ҳамда халқ маорифи билан боғлиқ бўлган хизматлар;
- янги таълим ва кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги қонунларни амалда бажаришга эришиш хизматларини;

#### IV. Соғлиқни сақлаш инфратузилмалари амалга оширади:

- соғлиқни сақлашнинг замонавий талабларига мос келадиган муассасалар ва касалхоналар қуриш ва уларнинг хизмат сифатини ошириш;
- соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;
- дори-дармонлар билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш маданиятини кўтариш;
- соғлиқни сақлаш тўғрисида чет мамлакатлар билан ҳамкорлик, “қизил ярим ой” жамиятининг ролини қишлоқда ошириш;
- иш вақтини касаллик ҳисобига йўқотишни камайтириш тadbирларини амалга ошириш;
- қишлоқда даволаш муассасалари сонини кўпайтириш, сифатини яхшилаш;
- дорихоналар хизматини яхшилаш, пулли даволаш муас-сасалари иш фаолиятини яхшилаш;
- йирик даволаш марказлари ташкил этиш;
- аҳолининг соғлигини таъминловчи дам олиш уйлари, санатория, қайта даволаш ва дам олиш хизматларини кенгайтириш;
- спорт хизматларини кенгайтириш, қишлоқ аҳолисини жалб этиш, уларнинг самарасини ошириш ишларни амалга оширади.

#### V. Бозор инфратузилмаси хизматларига:

- ишлаб чиқарилган қишлоқ хужалик маҳсулотларини сотиб олувчи харидорлар топиш;
- маркетинг хизматларини аграр саноат мажмуи бўғинларига чуқур жорий этиш ва деҳқонларни бозор конъюктураси қонуниятлари билан яқиндан таништириш;
- деҳқон учун кенг қўламда товар сотиш рекламаларини тарғиб этиш;
- жаҳон бозорига чиқиш хизматларини бажаришни амалга оширади.

#### VI. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш инфратузилмаси хизматлари:

- атмосферанинг ифлосланишига қарши кураш чораларини ўзида ифода этадиган тадбирлар;
- тупроқ эрозиясига ва тупроқ унумдорлиги пасая бориш қонунининг ҳаракатини ўрганиш ва уни амалга оширилишига қаратилган хизматлар;
- сув тозаллиги, ундан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хизматлар;
- кимёвий дориворлар фойдаланишини тартибга солиш хизматларидан иборат.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасида хизмат кўрсатса, ижтимоий инфратузилма эса инсоннинг саломатлиги, унинг меҳнат қобилиятини тиклаш тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хизматларни бажариб, ишлаб чиқариш жараёнига билвосита таъсир этадилар.

### I. Мавзуга оид атамалар

Атамаларга ўнг томондаги мос келадиган таърифларни танланг.

1. Инфратузилма нима?	1. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида билвосита фойдаланиладиган хизматлар турлари.
2. Инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнига бевосита таъсир эта оладими?	2. 1 сўмлик ёки 1 соатлик хизматлар ҳисобига олинмаган даромад ёки маҳсулот миқдори.
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси деганда нимани тушунаси?	3. Ишлаб чиқариш ёки ижтимоий инфратузилмаси бўғинларига қай даражада хизмат кўрсатилаётганлик ҳолати.
4. Ижтимоий ишлаб чиқариш қандай хизмат турларини бажаради?	4. Инсонни камолотга етказиш ва иш қилишнинг такрор ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлган хизматлар.
5. Хизмат даражаси деб нимани айтаман?	5. Макроиктисодиёт соҳасида кўрсатиладиган хизматлар тузилмаси.
6. Хизматлар самараси қандай белгиланади?	6. Макроиктисодиёт қишлоқ хўжалик тизимига хизмат кўрсатиш.
7. Тармоқлараро инфратузилмалар деб қандай инфратузилмага айтилади?	7. Хизмат кўрсатилган ишларнинг умумий хизмат кўрсатиш ишлари қўламини нисбатан.
8. Тармоқча инфратузилмаси деб қандай тузилмага айтилади?	8. Деҳқончилик саноат мажмуи ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи турли туман тармоқлар комплекси.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Аграр инфратузилма хизматидан фойдаланиш нима учун керак?
2. Аграр инфратузилма нима учун икки гуруҳга: ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларга бўлинади?
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бугунларида бажарилган хизматлар натижаси қандай аниқланади?
4. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси, деб нимага айтилади ва қандай хизматларни бажаришга қатнашади?
5. Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш инфратузилмадан нима билан фарқланади?
6. Ижтимоий инфратузилма деганда қандай хизматларни бажарувчи корхона ва муассасаларни тушуниш мумкин?
7. Махсус хизмат кўрсатиш бугунлари, деб нимага айтилади ва улар таркиби. а қандай хизматлар киради?
8. Аграр инфратузилма ишлаб чиқаришга қандай таъсир кўрсатади ва уни қандай билиш мумкин?
9. Аграр инфратузилмасининг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги роли тўғрисида нима биласиз? Бу даврда унинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?
10. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бугунлари деганда нимани тушунасиз?
11. Аграр иқтисодий ислоҳотлар инфратузилма ҳолатига қандай ўзгартиришлар киритди?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. А. фермер хўжалиги бу йили 15 млн. сўмлик ялпи маҳсулот егиштирди. Етиштирилган маҳсулотнинг 8,2 фоизи инфратузилма бугунлари хизматидан фойдаланиш ҳисобига олинади. Инфратузилма бугунлари хизматининг самарадорлигини аниқланг.
2. Сут ташувчи уюшма фермер билан ҳар куни 1000 литрдан сутни сут завоидига ташиб бериш тўғрисида шартнома тузади. Аммо, у 5 майда ўз шартнома мажбуриятини бажармади. Оқибатда, фермернинг 1 тонна сути ачиб, нобуд бўлишига сабабчи бўлди. Бу ҳолда сут ташувчи уюшма айбдорми? Айбдор бўлса, айбини қандай йўллар билан ювади?

3. Чорва фермасида 200 бош қорамол бор. Бу фермада инфратузилма хизматларининг қайси турларидан фойдаланилишини аниқланг.

4. Фермер 10 гектар ерга пахта эки, деб фараз қилайлик. Пахта қийғос очилганда фермер ўз оила аъзолари билан дам олиш учун санаторияга жўнаб кетишни лозим топди. Пахта териш ва пахтани қайта ишлаш ишларини ким бажаради, орадаги алоқа қандай расмийлаштирилади?

5. Фермернинг 200 та қорамоли бор. Ҳар суткада 2200 литрдан сут соғиб олади. У фермада етиштирилган сутни сут завоидига сотгани афзалми ёки ўз хўжалигида сутни қайта ишловчи корхона қургани афзалми: ҳар иккала ҳолни ўзида тула акс эттирувчи ҳисоб китобни қилиш.

6. Тумандаги асосий йўл магистраллида шу томондаги хўжаликлар томонидан етиштирилган 40 млн. сўмлик ялпи маҳсулот ташилади. Йўлни 10 млн. сўм сарфлаб асфалтланганига 5 йил бўлади. Ҳолати 40 фоизга ёмонлашган йўлни яна қайтадан таъмирлашда асфалт йўл қилиш фойдалими ёки бетон ётқизиш фойдалими, ҳисоб китоб қилинг.

7. Туманда наслчилик хўжалиги ташкил этилганга қадар фермерларнинг кўлидаги қорамолларининг 67,5 фоизи маҳаллий зотларни ташкил этар эди. Маҳаллий сигирлар лактация даврида 2000 литр сут берар эди. Наслчилик хўжалиги ташкил этилгандан кейин зотли сигирлар улуши 85,4 фоизга кўтарилиб, лактация давридаги сут бериш миқдори 5000 литрга кўтарилди. Агар туман хўжаликлариди 15 минг бош сигир бор, деб фараз қилсак, наслчилик хўжалиги туман хўжаликлариди фақат сут етиштириш соҳасида қанча қўшимча сут олиш имкониятини беради? Ҳар иккала вариант бўйича ҳисоб китоб қилинг, уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқланг.

Оилавий пудратчи соғлиги ёмонлашганлиги учун 10 кун касал бўлиб ишга қатнаша олмади. У бу даврда кўрган зарарини аниқланг. Агарда деҳқон мунтазам ўз соғлиги тўғрисида қайғурганда эди, врачнинг хизмати деҳқонга қанча фойда келтирган бўлар эди?

## XVI БОБ

### АГРАР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАБИАТ ТАЪСИРИ

Режа:

1. Инсон табиатсиз яшай оладими?
2. Табиий муҳитнинг ифлосланиши — инсонга қандай таъсир ўтказadi?
3. Атмосфера тозалиги инсонга нима учун керак?
4. Сув тозалиги иқтисодий ўсиш учун таъсир этадими?
5. Инсон тупроқ унумдорлигига таъсир эта оладими?
6. Инсон табиатга келтирган зарарини тўлай оладими?

Адабиётлар: 4; 7; 10; 13; 15; 16.

#### 16.1 Инсон табиатсиз яшай оладими?

Илмий маълумотларга кўра, инсон бир суткада ўргача 1,5 кг озиқ-овқат, 5 литр сув истеъмол қилади. Одам ўпкаси эса бир суткада  $3 \text{ M}^3$  соф ҳаво ютиб чиқаради. Одам овқат емасдан бир ой а, сувсиз 3 кун яшаши мумкин. Бироқ, ҳавосиз икки-уч дақиқадан ортиқ яшай олмайди. Шунинг учун, ҳам инсон табиатсиз, унинг губор ва тутунсиз, ҳавосиз, нозу-неъматларисиз яшаши мумкин эмас. Аммо табиат одамсиз, инсонсиз, кишилик жамиятсиз ҳам яшай олади. Лекин, бундан табиат ва инсоннинг бир-бирлари билан боғланиши йўқ деган хулоса келиб чиқмайди. Инсон ва табиат доимо бир-бирлари билан узвий боғлиқликда яшайди ва ривожланади. Табиат ва табиий бойликлар кишилик жамияти яшайдиган ва ривожлана оладиган база, одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган дастлабки манбадир. Кишилик жамияти табиий-географик муҳитсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш жараёни — жамиятнинг ҳаёт негизи. Ишлаб чиқариш маҳсули табиат ҳадяси. Инсон табатдан ва табиий ресурслардан фойдаланмасдан

туриб яшаши мумкин эмас. Инсон доимо ўз меҳнати ва ақлидроки билан табиатга таъсир этади, ундан ўз эҳтиёжига зарур бўлган барча ноз-неъматларни олади. Инсон табиатнинг ажралмас қисмидир. Табиат инсонга қанчалик ўз ноз-неъматларини ҳада этса, инсон ҳам табиатни шу даражада ардоқлаши, биологик тур, тирик мавжудот сифатида уни эъозлаши зарур. Шу тарзда инсон билан табиат ўртасида модда-энергия алмашув қонуни ҳаракат этиб, бу қонун ҳаракатини инкор этиш ҳар иккала томон учун тўлаб бўлмайдиган, тиклаб бўлмайдиган талофат келтириши мумкин. Кишилик жамияти қанча ривожланган сари у табиатга шунча кўп таъсир эта бошлайди. Унинг яшириниб ётган сирлари шунча кўп очила бошлайди. Табиат сирларининг тез очила бошлаши фан-техника тараққиётининг ҳар иккала соҳада тез ривожланишига олиб келади. Инсонни табиат билан бир бутун ҳолатга олиб келади. Табиат қанча узгарса ёки узлаштирилса, бу ўзгаришларнинг инсонга таъсири шунчалик кучли таъсир эта бошлайди. Бу ўз навбатида шундай йўналишда табиатга ҳам таъсир эта бошлайди. Фан-техника тараққиёти табиатга таъсирини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- табиий ресурсларни истеъмол қилиш ҳажмининг ортиши, муҳитнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан тобора ифлосланишини кучайтира бошлади. Бу табиат мувозанатини борган сари номутаносибликка олиб келмоқда;

- саноат корхоналари ишлаб чиқаришини янада интенсив ривожлантириш ва уларни энергия ресурслари билан таъминлаш жараёнининг ўсиб бориши. Бу жараён табиатдан жуда катта ресурсларни олиб, уларни зарарли чиқиндилар кўринишида қайтадан табиат бағрига ташламоқдалар;

- янги синтетик моддалар яратишнинг интенсив йулига ўтиш жараёни. XX аср кимё асри ҳисобланиб шунча кўп ва хилма-хил кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилдики, улар табиатни ўлимга маҳкум этдилар;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсив ривожлантириш мусобақаси. Ҳозирги вақтда жаҳондаги мамлакатларда қишлоқ хўжалигида 320 млн. тоннадан ортиқ минерал ўғитлар, 5 млн. тонна захарли кимёвий моддалар фойдаланилмоқда. Қишлоқ аҳолиси сони тез кўпаймоқда. XXI аср аҳоли яшаши учун энг қулай жой — қишлоқ жой бўлиб қолади. Демак, шаҳарнинг бошига тушган экологик ҳолат, қишлоқ бошига

ҳам гушиш ҳолати тезлашмоқда. Йирик шаҳарларнинг борган сари сонининг ортиб бориши, улардаги аҳоли сонининг 25–35 млн. киши даражасига қадар кўтарилиб кетаётганлиги, ҳамма томондан шаҳарларда инсон учун қулай экологик шароит яратиш имкониятини қийинлаштирмоқда;

табиат томонидан ҳаё қилинган дам олиш жойларининг ифлосланиш даражаси йилдан-йилга ортиб бориб, яроқсиз жойларга айланмоқда;

тирик мавжудотларнинг насли, авлоди ва уруғи бузулмоқда. Ҳар хил касалликлар турлари кўпаймоқда, умр қисқармоқда;

кўпчилик табиий ресурслар заҳирасининг тугаш вақти яқинлашмоқда. Хулоса қилиб айтганда фан-техниканинг, саноатнинг жадал ривожланиши ва хусусан автотранспорт, самолётларнинг тез кўпайиши урбанизация ва аҳоли сонининг тез ўса бориши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш — бу омилларнинг ҳаммаси табиий бойликлардан фойдаланишнинг кўпайишига олиб келмоқда. Атроф-муҳитга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, фойдали қазилмалар ва тупроқ ҳолатига, атмосферага, сув ҳавзалари, дарё, кўл, денгиз, океанларга, ер ости сувларининг табиий айланишига таъсир этиб, сайёрамызнинг гидрогеологик циклига жиддий ўзгаришлар киритмоқда. Инсон, ўсимлик, ҳайвонот дунёсига катта хавф-хатарлар туғдирмоқда.

Инсон планетадаги энг кучли зотдир. Унинг кучи табиатни тартибга солишни амалга ошириши мумкин. XXI аср инсон билан табиат дунёси орасидаги барча муаммоларни ижобий ҳал қилиш асри бўлса ажаб эмас.

## **16.2. Табиий муҳитнинг ифлосланиши инсонга қандай таъсир ўтказди?**

Табиатнинг бузилиши, унинг инсонга берадиган ноз-неъматлари сифатининг ёмонлашиши фақат инсонгагина эмас, балки ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам катта офатлар келтиради. Инсон буларни билиши ва уларнинг оқибати тўғрисида фикр юритиши қанча чуқурлашса, улар табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида чуқурроқ ўйлашга мажбурлар.

Кишилик жамияти ўзларининг дастлабки ҳаётий давридан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган



муаммоларнинг олдини олишга ҳаракат қилган XVIII асрга қадар ҳали ер шаридаги аҳоли сони 1 млрд. кишига етмаганлиги ва бу даврдаги табиат салоҳиятига кўра инсоннинг табиатга салбий таъсири ҳали сезиларсиз даражада эди. Айниқса, ишлаб чиқаришда саноат революциясининг юз бериши, аҳоли сонининг борган сари тез кўпайиши натижасида инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш даражасига нисбатан унга кўрсатган салбий томонлари даражаси тез орта бошлади. Кўп ҳолларда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида мўлжалланган қарорлар, тadbирлар, кўрсатмаларнинг кўпчилиги кутилган натижаларни бермай қўйди. Оқибатда, табиатнинг ифлосданиши кучайиб, ундан фойдаланиш даражаси пасая бошлади. Ҳозир жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига табиатни муҳофаза қилиш халқаро ташкилотлари тузилган ва улар бу борада аниқ ишлар олиб бормоқда. Аммо шунини қайд қилиш керакки, табиатни муҳофаза қилиш тadbирлари бу қисқа муддатларда амалга ошириладиган тadbирий чоралардан иборат бўлиб қолмасдан, узоқ муддатли, ақл-идрок ва келажақ ривожланиши оқибатда юз берадиган ўзгаришларни чуқур ўрганиш асосида амалга ошириладиган тadbирлардир.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш шакллари, турлари, кўлами шу даражада катта, кенг, хилма-хилки, уларни айрим гуруҳларга бўлмасдан туриб чуқур ўрганиш ва фикр-мулоҳазалар чиқариш мумкин эмас.

### 16.3. Атмосферанинг тозалиги инсонга нима учун керак?

Табиат ва жамият, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун энг зарур, энг қимматли, энг ҳаётий бойлик бу — атмосфера ва унинг асосий таркибий қисми — ҳаводир.

Тирик жон учун энг қимматли неъмат бу — ҳаводир. Ҳавосиз ҳеч қандай ҳаёт тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Аммо, бу ерда умуман ҳар қандай турдаги ҳаво устида гап кетаётгани йўқ — фақат инсон нафас оладиган ҳаво, унинг софлиги, тозалиги, организм қабул қила оладиган ҳолатдаги ҳаво (кислород) тўғрисида гап кетмоқда.

Маълумки, одам ва ҳайвонлар кислородни қабул қилиб, карбонат ангидридни чиқарадилар. Ўсимлик дунёси эса карбонат ангидридни парчалаб, уни соф кислородга айлантиради. Демак, кислородни пайдо қилувчи асосий манба бу —

Ўсимлик дунёсидир. Ўсимлик дунёси қанча кўп кўк ўтлар, ўрмоғлар, мевазорлар ва ёввойи дарахтзорлар билан қопланган бўлса, табиат шунча кўп кислородга бой бўлади. Бу нисбатнинг бузилиши инсоният ва ҳайвонот дунёсида “кислород етишмаслиги”, “кислород очарчилиги”га олиб келади. Бу эса одамзод ва ҳайвонот дунёсининг келажакда саломатлигининг ёмонлаша боришига олиб келади. Бу масалани ҳал қилишда асосий ролни қишлоқ хўжалиги ўйнайди. Чунки, қишлоқ хўжалиги асосан ўсимлик дунёси, деб номланган соҳа. Ундаги барча турдаги ишлаб чиқариш жараёнлари бевосита кислород қайта ишлаб чиқарувчи “фабрика- заводлар”дан иборатдир.

Атмосферанинг — ер, ҳаво қобиғининг умумий оғирлиги 500 триллион тоннага тенг бўлиб, улар азот, кислород ва азондан ташкил топади.

Атмосферада кислороддан кейинги ўринда азот туради. У микроорганизмларнинг фаолияти натижасида ҳамда ўсимлик ва ҳайвонлар чиришидан ҳосил бўлади. Вулқонлар отилиши натижасида ҳам ҳавога кўп миқдорда азот қўшилади. Азотнинг мувозанати азот тўпловчи микроорганизмлар ва сув ўтларининг фаолияти натижасида тикланади. Аммо атмосферадаги эркин азотдан фойдаланиш натижасида улар орасидаги нисбат ҳам ўзгариб бормоқда. Ҳозир Ўзбекистон ўрта ҳисобда атмосферадан йилига 3 млн. тоннага яқин азотни ажратиб олмақда.

Аммо атмосфера таркибидаги азотдан хоҳлаганча хом-ашё сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Чунки, азот улушининг камайишига йўл қўймаслик лозим. Азот ҳаёт учун муҳим элемент ҳисобланиб, табиатда моддаларнинг айланиб юришида, модда алмашинувида иштирок этади, унинг атмосферада камайиб кетиши бу жараёнга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Атмосферала (ер юзасидан 70 км баландликда) азон гази мавжуд. Унинг асосий иши ер сатҳидан 22 ва 25 км баландликда азон пардасини ҳосил қилиб ер тамон тушаётган ультрафиолет (ҳайвон ва ўсимликларни нобуд қилувчи) нурларини ютиб ушлаб қолади. Азон ҳаво таркибида 0,0001 мг/л ортмаслиги керак. Агарда ҳаво таркибида азон миқдори 0,02 мг/л тушиб қолган тақдирда, нафас олиш йўллари яллиғланиб кишини ҳалок қилувчи сатилтом касаллиги келиб чиқишига олиб келади. Азон момақалдироқ бўлиб жала қуяётган вақтда пайдо бўлади.

Атмосферада кислород билан карбонат ангидрид мувозанатини сақлаш борган сари мураккаблашмоқда. Кейинги 100

йил ичида атмосферада газ балансида карбонат ангидрид улуши ортиб кетиши кузатилмоқда. Бунга сабаб тошқумир, газ, нефт ва бошқа турдаги ёнувчи ресурслар ҳиссасининг кескин ортиб кетиши, ўрмон ва чўлликларда ёнғинларнинг кўпая боришидир.

Ҳозирги вақтда атмосферага ҳар йили 14 млрд. тоннага яқин карбонат ангидрид қўшилмоқда.

Атмосфера ифлосланишида чанг-гузонлари орқали тутун, микроблар, ўсимлик чанглари, углерод оксиди, водород сульфат, углеводородлар, органик моддалар, сульфатлар, нитрат, кўрғошин, темир, фтор бирикмалари, радиактив моддалар, перспектива қўшилмалари тарқалмоқда.

Атмосферанинг ифлосланиш даражаси йилдан-йилга ортмоқда. Шундай ҳол фақат иқлимгагина эмас, балки сувга, тупроқ физик хоссасига, ўсимлик ва экинлар, одамлар ва ҳайвонлар соғлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, табиий шароитни ўзгартириб юбормоқда:

• Оқибатда — атмосфера ифлослигининг иқлимга таъсири оқибатида қуёш нури ерга кам тушмоқда, йил мабайнида қуёшли кунлар сони камаймоқда, йилнинг намлик кунлари кўпаймоқда, иқлим тез-тез ўзгариб турмоқда;

• Атмосферадаги ифлосланиш сув ресурсларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, ундаги ҳар хил заҳарли моддалар ёмғир ва қор орқали ерга тушиб, сувга қўшилмоқда. Оқибатда сувлар таркибида заҳарли моддалар миқдори кўпайиб ўсимлик, ҳайвонлар ва инсон ҳаётига хавф тугдирмоқда;

• Атмосфера ифлослантирилиши тупроққа ҳам таъсир қилмоқда. Ҳаводаги сульфат ангидриди сув билан қўшилиб ўткир сульфат кислотаси ҳосил бўлмоқда. Бу ерга тушгандан сўнг тупроқни нордонлаштирмоқда. Натижада, тупроқнинг газ режими ва микро биологик фаолияти бузилмоқда;

• Атмосферадаги ифлосланишнинг ўсимлик дунёсига таъсиридан ўсимликлар, экинлар, ўрмонлар ва дарахтзорлар, тупроқ зарар кўрмоқда. Ҳавода учиб юрувчи ғуборлар, заҳарли моддалар кўмир ва кўкиш чанглари тупроқнинг физик хусусиятларини ёмонлаштирмоқда. Ўсимликнинг бевосита яшил қисмига ёки тупроқ орқали илдизларига таъсир қилмоқда. Барглар юзасидаги капилляр тешикчаларини беркитиб ёруғлик ўзлаштиришни сусайтирмоқда;

Атмосферанинг ифлосланиши ҳайвонларнинг нафас олиш органларини шикастламоқда. Сув ва ўсимлик билан организмга ўтиб аста-секин тўпланади ва баъзи касалликларни келтириб чиқариб ҳайвонларни ёппасига ҳалок қилмоқда;

Атмосферанинг ифлосланиши инсонга ҳам қимматга тушмоқда. Одамда ултрабинафша нурлари етишмаётир, организмда захарли моддалар кўпаймоқда, нафас олиш издан чиқмоқда. Умр қисқармоқда, янги-янги касаллар пайдо бўлмоқда.

Атмосферани ифлосланишдан сақлаш у билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш масалалари XXI асрда инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади.

#### **16.4 Сув тозалиги – иқтисодий ўсиш учун таъсир этадими?**

Сув – ҳаёт манбаидир. Ер шаридаги бирорга тирик организм сувсиз яшай олмайди. Инсон 3 кун сувсизликка чидаши мумкин. Инсоннинг истеъмол қиладиган ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларининг ярмидан кўпи сувдан иборат. Масалан, памидор, сабзи – 90 фоиз, бодиринг – 95 фоиз сувдан иборат. Одам организмнинг 70 фоизини сув ташкил этади. Сув инсонга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига ҳаёт бағишлайди, ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилади. Сув – энг яхши дам олиш воситасидир. Сув – ернинг тожи ва жони. Сув – энг арзон энергия манбаи.

Планетадаги мавжуд сув запасининг ҳаммасидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас. Инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун – фақат чучук сув керак. Унинг умумий захираси 28,25 млн. км<sup>3</sup> (14) тенг. Улар планета территориясида нотекис тақсимланган бўлиб кўпчилик чучук сувлар музликлардан иборат. Ўзбекистонда бошқа мамлакат территориясидан бошланадиган Амударё (энг кўп сув бўлганда 41 км<sup>3</sup>), Сирдарё (27,5 км<sup>3</sup>), Норин дарёлари бўлиб, қолган дарёлар Қорадарё, Сурхондарё, Чирчиқ, Зарафшон, Кашқадарё, Шерободдарё – мамлакат ичидан бошланади ва улар суғориш мақсадлари учун хизмат қилади. Ўзбекистондаги сув зонаси энг зарур бўлган вақтларда суғорилиб деҳқончилик қилинаётган ерларнинг сувга бўлган талабининг атига 70-75 фоизи қондирилади, холс.

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига эришиш асосида сув ифлосланишининг олдини олиш омилларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан**, аҳолининг тез ўсиши ва саноат корхоналарининг ривожлана бориши чучук сувга бўлган талабнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кўпайиши, оилаларнинг сони орта бориши ва аҳоли маданиятининг кўтарилиши ҳар бир жон боши ҳисобига фойдаланадиган сув миқдорининг ортишига сабабчи бўлмоқда. Бу эса чучук сувга бўлган талаб ортишига олиб келмоқда.

**Иккинчидан**, қишлоқ аҳолисининг чучук сувга бўлган талаби ҳалигача қондирилгани йўқ. Ўзбекистон Республика Президенти И.А.Каримов қишлоқларни сув билан таъминлаш тўғрисида қабул қилинган қоғун ҳали тўла амалга оширилган, деб айтиш учун ҳали вақт эрта бўлса керак, - деб бежиз айтмаган бўлсалар керак. Кўп ҳолларда ер усти сувларидан ичиш учун фойдаланишга яроқсиз бўлиб ер ости чучук сувлари чиқариш зарурияти ҳам катта қийинчилик туғдирмоқда.

**Учинчидан**, шаҳарларда, қишлоқларда ташландиқ сувларни марказлашган ҳолда қайта тозалаб фойдаланиш ҳолатига келтириш муаммолари ҳам талаб даражасида амалга оширилмаяпти. Оқибатда, ташландиқ сувлар фақат атроф муҳитни бузибгина қолмасдан фойдаланиладиган сувларни ҳам ифлослантиришга сабабчи бўлмоқда.

**Тўртинчидан**, саноат корхоналарининг тез ривожланиши уларнинг сувга бўлган талабининг тез ортишига сабабчи бўлмоқда. Масалан, қуввати 2,5 млн. квт бўлган иссиқлик электр станциялари агрегатларини совутиш учун секундига 90-100 м<sup>3</sup> сув зарур (14). Бу мақсадлар учун ичимлик сувлари ўрнига қайта тозаланган сувлардан ёки бошқа турдаги сувлардан фойдаланиш ичимлик сувлари улушини анча кўпайтириш имкониятини яратган бўлар эди.

**Бешинчидан**, қишлоқ хўжалигида сувга бўлган талабни қондиришда ер ости сувларидан фойдаланиш (чорвачилик фермалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, санатория, мактаб, тиббий муассасалар ва бошқалар фойдаланиш) мақсадга мувофиқ. Чунки, оқим сувларини асосан қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга сарфлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш имкониятини яратган бўлар эди.

## 16.5. Инсон — тупроқ унумдорлигига таъсир эта оладими?

Ернинг энг қимматли ва унумдор қатлами — тупроқдир. Олимлар таърифига кўра тупроқ энг қиммат ҳисобланган олтидан ҳам қимматлироқ бойликдир.

Тупроқ, деб — ер юзасининг муайян омиллар таъсирида ўзгарган устки қисмига айтилади. Бу омиллар она жинс, вақт (тупроқ ёши), рельеф, иқлим шароити, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, айниқса микроорганизмлар ва инсоннинг хўжалик фаолиятидан иборат бўлиб тупроқ ана шу омиллар таъсирида пайдо бўлади ва ривожланади.

Тупроқ ҳар хил минерал ва органик заррачалардан ташкил топган бўлиб, заррачалар орасидаги бўшлиқлар ҳаво, сув ва сон-саноксиз организмлар билан тўлгандир. Тупроқда қанча кўп минерал ва органик заррачалар мавжуд бўлса, у шунча унумдор бўлади, у қанча унумдор бўлса шунча кўп ноз-неъматлар бериш имкониятига эга бўлади.

Тупроқ ҳам инсон сингари жонли организмга эга. Уни қанча кўп эъзозласа, у шунча кўп ҳайр эҳсонини беради. Аксинча, тупроққа бўлган муносабат талаб даражасидан паст бўлган ҳолда унинг унумдорлиги (соғлиги) пасаяди, оқибатда у ишдан чиқади (айланишдан чиқиб кетади). Ер юзида ҳар йили 6-7 млн. гектар ер хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Бунга сабаб ҳар йили тупроқ чириндисини (гумус) қайта тиклаш даражасининг камлиги, тикланадиган чириндига нисбатан сарфланадиган чириндининг кўплиги оқибатидир. Масалан, 10 см қалинликдаги тупроқ қатлами ҳосил қилиш учун 1400-1700 йил керак. Бундай қатламни сув ёки шамол эрозияси 4-5 марта такрорланиши натижасида ювиб ёки учириб кетиши мумкин.

Маълумки, айрим мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда экинзор мақсадида фойдаланадиган ерлар (10 фоиз) чириндига ўта камчил бўлганлиги туфайли ҳар йили 4-5 минг гектари айланишдан чиқиб кетмоқда.

Гап тупроқ устида кетаётган экан, даставвал тупроқ унумдорлигини мунтазам тиклаб бориш, тупроқнинг барча эрозиялари турларига (шамол, сув ва бошқалар), тупроқнинг шўрланиши, ботқоқланиши, ифлосланиши, тупроқ қатламининг нес-нобуд қилиши, адир ва ярим адир ўлкаларнинг чўлга айланишининг олдини олиш тадбирларини кўриш зарур.

Тупроқ тўғрисида гап борганда уни ҳар хил заҳарли кимёвий моддалар (пестицидлар) билан зарарланишининг олдини олиш, талабдан ортиқча турли минерал ўғитлардан фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотлар таркибида ҳар хил зарарли моддалар улушининг ошиб кетиши устидан қатъи назорат ўрнатиш зарур. Аммо, қишлоқ хўжалигида кимёвий дориворлардан умуман фойдаланиш мумкин эмас деган хулосани чиқариш ва унга амал қилиш ярамайди. Чунки, кимёвий дориворсиз қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши кураш олиб бориш мумкин эмас. Минерал ўғит гербицидлардан фойдаланмасдан туриб, ҳосилдорликни ошириш мумкин эмас. Тажриба “ҳамма нарсада ҳам ўлчов, фойда, зарар бор, шунга амал қилиш керак” деган оқилона маслаҳатга тула риоя қилиш керак.

### 16.6. Инсон табиатга келтирган зарарини тўлай оладими?

Юқорида қайд қилинганидек табиатга келтирилаётган барча зарарлар айбдори — инсондир. Инсон табиат бошига келтирган зарарларни тўлай оладими? деган савол туғилади. Аммо кўҳна тарих бу саволга салбий жавоб беради, инсон бу зарарларни тўлай олмайди:

ҳозирги вақтда инсон ҳаёт кечираётган атроф-муҳитни ифлослантираётган кимёвий моддаларнинг тури тўрт миллиондан ортиқроқдир. Улар орасида инсон учун энг хатарлиси — **ксенобиотиклардир**, яъни табиатга ёд бўлган заҳри қотил — **пестицидлардир**. Қишлоқ хўжалик экинларини турли касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган гербицидлар, замбуруғларга, ҳашоратларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар шулар жумласига киради. Ҳар йили ер юзининг 15 млн. км га яқин майдони пестицидлар билан дориланади. Бунинг натижасида фақатгина ривожланаётган мамлакатларда ҳар йили 375 минг киши зарарланиб, 10 млн. дан ортиқ киши ҳаётдан куз юммоқда. Пестицидлар фақат инсонни жазолаб қолмасдан, балки ҳайвонот дунёсига ҳам ўз заҳрини ўтказмоқда. XX асрнинг тўртинчи чорагида пестицидлардан фойдаланишнинг энг юқори чўққисига кўтарилиши туфайли уларнинг янги янада кучли, заҳарли турлари пайдо бўлди. Бу эса қишлоқ хўжалик экинлари гулини чанглатиш жараёнининг кескин қисқаришига олиб келувчи препарат бўлишига қарамасдан пахта ҳосилдорлиги-

ни оширишга ижобий таъсир этиб, атроф муҳитни заҳарлашга актив таъсир этди. Бу пестицидлар ҳайвонот дунёсига, айниқса қушлар оламига ҳам катта зарар келтирмоқда. Унинг заҳри натижасида 100 турдаги қушлар ва 160 хилдан ортиқ ҳашоратхўрларнинг тухуми қуриди. Пестицидлардан фойдаланиш оқибатида касалликлар (сарик касали, камқонлик, анкологик, ўпка касали, болалар ўлими ва бош-қалар) тури ҳаддан ошиқ кўпайиб кетмоқда;

тупроққа ҳаддан ортиқ дозада минерал ўғитлар солиш асосида тупроқ таркибида заҳарли моддалар улуши ортиб кетмоқда. Ортиқча азотли ўғитлар яна ҳавога кўтарилиб атмосферани ифлослантирмоқда. Тупроққа нормадан ортиқча солинган кимёвий ўғитлар маҳсулот таркибига кириб уни заҳарламоқда. Бундай маҳсулотларни (сабзавот, полиз, мева, узум) инсон томонидан истеъмол қилиш одам соғлигига салбий таъсир этмоқда, ҳар хил касалликлар келитириб чиқаришга сабабчи бўлмоқда;

табиатга салбий таъсир этувчи омиллардан яна бири кислород газини ёндириб, ўзидан катта миқдорда заҳарли газларни чиқарувчи — автомашина, тайёра (самолёт) ва бошқа ҳар хил нефт, газ, тошқумир каби ресурсларни истеъмол қилувчи воситалардир. Ҳар йили ўрта ҳисобда жаҳондаги автомашиналар сони 1,8 марта, самалётлар сони 2,2 марта ортмоқда. Жаҳондаги автомашиналар ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сони 28 тага, самалётлар ишлаб чиқаруви мамлакатлар сони 22 тага етди. Ҳар бир автомашина ўрта ҳисобда бир йил ишлаши туфайли ҳавога 800 кг углерод оксиди, 40 кг азот оксиди, 200 кг. га яқин турли хил углеводларни чиқаради. Тошкент-Санкт-Петербург маршрути бўйича қатновчи самалёт 40 тонна бензинни ёқиб, атмосферага ўзидан чиққан заҳарли газларни тарқатади. Тошкент шаҳар ҳавоси ҳар йили шаҳар саноат корхоналари, автотранспорт, самолёт ва бошқа ҳаво тайёралари томонидан чиқарилган 4 млн. тоннадан ортиқроқ заҳарли газ олади. Бунча заҳарли газни табиатга, жамиятга ва ўсимликчилик ҳамда ҳайвонот дунёсига келтирган зарари 400 минг тонна пахта толаси қийматига тенгдир. Агарда бу ҳисобни бутун Ўзбекистон территорияси бўйича олсак, жуда катта маблағни ташкил этади. Бунча зарарни инсон бир йилда қоплаши мумкинми?

деҳқончилик тарихи — алмашлаб экиш асосида амалга оширилган. Алмашлаб экиш қондасига риоя қилмаслик деҳқончилик тизимини тубдан бузади. Ҳосилдорлик кескин кама-

яди, тупроқ унумдорлигини камайтиради, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларини тарқатади. Бу эса ҳар йили кишилик жамиятига жуда катта миқдорда моддий бойликни йўқотишга олиб келади. Ишлаб чиқариш маданияти бузилади;

Ўзбекистон шароитида охириги 10 йиллар ичида қушлар орасида “олақанот” номи билан аталувчи қуш оиласи тез кўпаймоқда. У бир вақтда илмий тадқиқот институтлар қорамол терисидаги “буқаларни териб ейиши” мақсадида Ўзбекистонга келтирилган эди. Биринчи вақтларда “олақанот” ўз вазифасини аъло даражада бажаради. Аммо, у аста-секин ўз “мутахассислигини” ўзгартира бошлади. У ўзидан кичик бўлган қушлар кўпайишига катта хавф солмоқда. Боғдорчилик, узумчилик маҳсулотларини еб зарар келтирмоқда. Келажакда уларнинг сонининг кўпайиши натижасида бир қатор майда қушлар (чумчуқ, читтак ва бошқа) сони кескин камайишига ёки насли қуришига сабабчи бўлади. Бу эса табиий мувозанатни бузиб, катта зарар келтиришга олиб келади.

Инсоннинг эҳтиёжи асосан табиат ресурслари, бойликлари ҳисобига амалга оширилади. Ҳозирги вақтда ер ости ва ер усти бойликларидан ҳар куни фойдаланмайдиган хонадон, одамни топиш мумкин эмас. Ҳар бир инсон газсиз, сувсиз, ҳавосиз, ерсиз, бензинсиз ва кўплаб табиат инъомларисиз ҳаёт кечириши мумкин эмас. Аммо бу ресурслар чекланган бўлиб, улардан умрбод фойдаланиш имконияти йўқ. Улар захираси қачондир бир кун тугашга маҳкум. Табиатда, жамиятдаги ресурслар **тикланадиган ва тикланмайдиган** ресурсларга бўлиниб, тикланадиган табиий ресурсларга ҳайвонот ва ўсимлик дунёси бойликлари ҳамда одам меҳнати таъсири натижасида фойдаланишга ярайдиган ер ости бойликлари (ер тузи ва бошқалар) киради. Уларни тиклаш муддатлари ҳар хил вақтни, масалан, паррандаларни тиклаш бир неча ой, қорамол 9-10 ой, ўрмонни тиклаш 10-15 йил, чиқинди жинсларни тиклаш учун эса 300-600 йилни талаб этади. **Тикланмайдиган ресурсларга** — фойдаланиш натижасида йўқ бўлиб кетадиган ресурслар киради. Масалан, газ, электр қуввати, нефт маҳсулотлари, тошкўмир ва кўплаб табиат ноз-неъматларини киритиш мумкин. Табиат ресурслари ўз навбатида, тугалланадиган, алмашинадиган, тугалланмайдиган ресурсларни ташкил этиб, улар иқтисодий ўсишга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Масалан, ер, ҳаво, сув — тугалланмайдиган ресурслар жумласига



киради. Улар ўз сифатига ва фойдаланиш даражасига қараб иқтисодий ўсишга таъсир этади. Тугалланадиган ресурсларга чекланган захирага эга бўлган ва фойдаланиш даражасига қараб ўз ҳаётини йўқотадиган ресурслар киради. Масалан, нефт, олтин, газ каби ресурслар кириб, улар маълум вақт ўтгандан кейин ўз захираларини тугатадилар. Хўш, нефт захираси ер юзи куррасида тугалланган тақдирда ичидан ёнар двигателлар асосида ҳаракат қилувчи кўп миллион техника нима бўлади? У ҳол юз бериши туфайли унинг ўрнини бошқа ресурслар масалан, сув, қуёш энергияси эгаллаши мумкин. Аммо, бундай ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш ва келажак авлодга мерос қилиб қолдириш албатта зарур. Ишлаб чиқаришнинг ҳар хил соҳалари ва тармоқларида иш юритаётган корхоналар ташландиқларининг очиқ ҳаво, сувга, ер остига ташлаш масаласини онгли равишда ҳал қилиш муаммосидир. Ҳаво, ер, сув айрим шахсларнинг мулки ҳисобланмаганлиги туфайли бу ташландиқлар устидан давлат томонидан назорат қилиниши ва руҳсат бериши шарт.

Чиқиндиларни табиат муҳитига ташлаш муаммоси шу чиқиндиларни ташлашдан келадиган фойда ва зарарнигина ҳисобга олиб қолмасдан, уни табиат нуқтаи назаридан келтирадиган фойда ва зарарини ҳисобга олиш зарур. Масалан, Орол денгизининг қуриши Аму ва Сир дарёларни Орол денгизига қуйган сувларини камайтириш ҳисобига олинган фойдани эса балки Орол денгизининг қуриб, ҳозирги ҳолати аҳволида келтираётган муаммоларни ҳисобга олиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, инсон табиат талабларига тўла риоя қилган ҳолда ҳаёт кечириш, уни ифлослантирмаслиги зарур. Инсон табиатни қанча хўрласа, табиат инсонни ҳам шунча хўрлайди, қасдини олади. Табиат қанча соғлом, пок бўлса, ишлаб чиқариш ўсиши, иқтисодий ўсиш даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Табиат инсонга доимо хўш муомалада хизмат қилган, уни хўш муомалада қилган хизматини баҳолаш керак. Унинг бу баҳоси табиат ресурсларидан фойдаланишининг иқтисодий аҳамияти, деб аталувчи кўрсаткич ёрдамида аниқланади.

Бу баҳо айрим тадбирлар самарадорлиги, олинган фойда билан харажатларни солиштириш йўли билан белгиланади. Аммо экологик соҳада амалга ошириладиган тадбирлар хилма хиллиги, ҳажмининг катталиги, ҳаракат доирасининг кенглиги, бажариладиган ишлар, объектларнинг хилма хиллиги

унинг самарадорлиги натурал кўринишда аниқлаш имкони-  
ятини бермайди. Шунинг учун уни пул, қиймат кўриниши-  
да ҳисоблаш йўли билангина аниқлаш мумкин.

Шунинг учун айрим ҳолларда солиштирма кўрсаткичлар  
асосида самарадорликни аниқлаш зарурияти келиб чиқади.

Табиатдан фойдаланиш самарадорлиги унга сарфланган йил-  
лик фойдаланиш харажатлари (С) капитал харажат (К) ни  
норматив коэффициент асосига тенглаштирилган иқтисодий  
самарадорликка (Ис) кўпайтириш йўли билан белгиланади.

$$C + Ис * K.$$

Аmmo, бу кўрсаткичда кўрилган зарар ҳажми ўз ифода-  
сини топмаган, у ҳолда

$$Y + C + Ис * K \text{ аниқланади.}$$

Кўрилган зарар қуйидаги тажрибада аниқланади:

Хўжалик обороти учун тортилган табиий ресурслар қий-  
матини (Рк) муҳитни бузиш натижасида кўрилган зарарни  
(Кз) қўшиш йўли билан аниқланади.

$$Y = P_k + K_z$$

Кўп ҳолларда табиатдан фойдаланишда кўрилган фойдага  
нисбатан кўрилган зарар кўпроқ бўлади. Аммо бу зарар айрим  
корхона учун зарар ҳисобланмасида инсоният учун у сўзсиз зар-  
рар келтиради. Инсон учун фойда фақат бугунги кун учун эмас,  
балки унинг бутун умри аجدод-авлодлари учун керакдир.

## I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун ўнг томондаги мос келадиган таърифлар-  
ни танланг.

1. Табиатда моддий ва энергия алмашув қонуналари	1. Инсон меҳнат сарфлаш натижасида қайта фойдаланишга яроқли ҳолга келтирилган ресурслар.
2. Атмосфера	2. Фойдаланиш натижасида ўз мазмун ва хусусиятини ўзгартирадиган ресурслар.
3. Тўпроқ	3. Ҳаражат эвазига кўриладиган фойда.
4. Чучук сувлар	4. Заҳираси тугалланган ресурсларнинг бошқа ресурслар билан алмаштирилиши.
5. Сувнинг нормал инфлослиги	5. Географик қобикларни бир бутунлисинг, унинг тараққий қисмларининг ўзаро таъсир этиш ва боғлиқлиги, моддий ва энергия алмашиниш йўли билан рўсбга чиқадиган ҳодисалар туркуми.

6. Тупроқ эрозияси	6. Ер ва ҳаво қобиғидан иборат бўлган кислород, азот ва озон юз қатламлари бирлиги.
7. Тикланадиган ресурс	7. Ернинг ҳосил берадиган қисми.
8. Тикланмайдиган ресурс	8. Инсон, ҳайвонот, ўсимлик дунёсига яроқли бўлган сув булагли.
9. Алмашиналадиган ресурс	9. Тупроқ қатламини сув ёки шамол томонидан учуриб кетган қисми.
10. Экологик самарадорлик	10. Фойдаланилган ёки табиий иссиқ сувларни сув ҳавзаларига ташлаш натижасида сув температурасининг кўтарилиши ёки ифлосланиш ҳолати.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Табиат деганда нимани тушунасиш? Инсон билан табиат орасда алоқалар мазмуни нималардан иборат?
2. Атроф муҳитнинг ифлосланиши деганда нимани тушунасиш?
3. Тупроқ қандай омиллар таъсирида ифлосланиши мумкин?
4. Адир ерлар, деб қандай ерларга айтилади?
5. Пестицид нима?
6. Инсоннинг табиатга келтирган зарарини қайси хилларда тўлаш мумкин?
7. Муҳитдан фойдаланиш самарадорлиги нима ва қандай белгиланади?
8. Алмашиналадиган ресурслар деганда қандай ресурсларни биласиз?
9. Орол денгизининг қуриши ва унинг ҳозир ва келажакда келтирадиган оқибати тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни баён этинг.

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар орасида қандай фарқлар бор? Ҳар бир ресурсларга мисоллар келтиринг.
2. Ўзлаштирилмайдиган табиий ресурс деганда нималарни тушунасиш? Уларга мисоллар келтириб, улар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг.
3. Табиатни муҳофаза қилишда давлатнинг роли тўғрисида ўз фикр мулоҳазаларингизни баён этинг.

4. Қайси ҳолда тикланмайдиган ресурслар алмаштириладиган ресурсларга айланади? Мисол келтиринг ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг.

5. Табиатни муҳофаза этишда қўшимча самарадорлик, деб нимага айтилади ва уни қандай тушунасиз?

6. Табиатни муҳофаза қилиш самарадорлиги, деб нимага айтилади? У қандай белгиланади?

7. Ўзлаштириладиган табиий ресурслар деганда нимани тушунасиз? Унга мисол келтиринг. Бу тўғрида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни баён этинг.

## ХVII БОБ

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ

#### РЕЖА:

1. Ишлаб чиқариш харажатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Харажатлар гуруҳи ва унинг таркибий қисми.
3. Маҳсулот таннархидаги харажатларни таҳлил этиш нима учун керак?
4. Маҳсулот таннархини пасайтиришдан мақсад нима?

*Адабиётлар:* 2; 3; 15; 16; 23.

#### 17.1. Ишлаб чиқариш харажатлари деганда нимани тушунасиз?

Инсон учун зарур бўлган ноз-неъматларни ишлаб чиқариш ва хизматларни бажариш учун кечаю кундуз юз минглаб кичик, ўрта ва катта ҳажмдаги корхоналар, хўжаликлар қатнашиб уларда ўн, юз миллионлаб кишилар ишлайдилар. Оқибатда, 26-30 млн. ҳар хил истеъмол қийматига эга бўлган товарлар турлари яратилади ва хизматлар бажарилади.

Бу бойликлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни ишлаб чиқармоқ ва бажармоқ учун хилма хил ишлаб чиқариш ресурсларини сарфлаш талаб қилади. Бу харажатлар жонли, ўтган ва буюмлашган харажатлардан иборат. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун сарфланган бу харажатларга **ишлаб чиқариш харажатлари** ёки харажатлар, деб аталади. Масалан, фермер Аҳмаджон пахта ишлаб чиқармоқ учун ер, сув, меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларига эга бўлиши керак. Бу ишлаб чиқариш воситалари ижарага ёки бозордан сотиб олинган бўлиши мумкин. Аҳмаджон ўзи ва меҳнатга яроқли оила аъзолари ёки ёлланма ишчи кучи ёрдамида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш натижасида

пахта етиштиради. Унинг асосий мақсади — пахта етиштириб, етиштирган пахтасини сотишдан фойда кўриш ўрнига зарар кўрадиган бўлса, у пахта етиштиришдан воз кечади. Унинг оладиган фойдаси бевосита пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган бевосита ва билвосита харажатлар кўламига боғлиқ. Шунинг учун у пахта етиштириш давомида сарфланадиган харажатлар кўламини билиши ва уларни сотиб олиш ва сарфлаш устидан назорат қилиш керак. Чунки, 1 сўмлик ноўрин ёки ортиқча сарфланган харажат унинг оладиган фойдасини 1 сўмга камайтиришга сабабчи бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига қатнашадиган харажатлар ўз навбатида **ижтимоий** ва **индивидуал** харажатларга бўлинади. Ижтимоий харажатлар, у ёки бу турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жамият, давлат, сектор нуқтаи назаридан қанчага ишлаб чиқарилганлигини ўзида ифода этади. Масалан, 1 центнер 1-навли пахта толаси давлатга қанчага ишлаб чиқарилди? Бу харажат мамлакатда ўрта ҳисобда 1 центнер пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган харажат миқдорини ўзида акс эттиради. Бу харажат 1 центнер 1-навли пахта толасини жаҳон бозоридаги баҳоси билан солиштириб ундан келадиган фойда миқдорини аниқлаш имкониятини беради.

Индивидуал ёки айрим фермер ишлаб чиқариш харажати бу маҳсулот фермерга қанчага тушганлигини билдиради.

Индивидуал ишлаб чиқариш харажати ижтимоий ишлаб чиқариш харажатидан кам ёки ортиқ бўлади. Агарда ишлаб чиқариш харажати ижтимоий харажатлардан ортиқ бўлса, ишлаб чиқариш эгаси синади, агарда кам бўлса, фойда, оқибатда қўшимча фойда олиш имкониятига эга бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш харажати, индивидуал ишлаб чиқариш харажатлари даражасига боғлиқдир. Индивидуал ишлаб чиқариш харажати (мамлакатдаги мавжуд бўлган товар ишлаб чиқарувчилар йиғиндиси) қанча кам бўлса, ижтимоий ишлаб чиқариш харажати ҳам шунча паст бўлади ва аксинча.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш харажати **маҳсулот таннархи** маъносини англатади. Чунки, барча турдаги индивидуал маҳсулот турлари бозорга товар сифатида сотилишга қатнашади. Бу эса ҳар бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш харажати миқдорини алоҳида-алоҳида аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Маълумки, ҳар қандай товар қиймати уч қисмдан:

1) истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (Вк);

2) зарурий меҳнат сарфи натижасида яратилган зарурий меҳнат сарфи (Зм);

3) жамият учун сарфланган меҳнат натижасида ҳосил қилинган маҳсулот ёки соф даромад (СД) дан иборат. Товар қийматининг дастлабки икки қисми биргаликда маҳсулот таннархини ташкил этади.

$$M_t = B_k + 3M$$

**Маҳсулот таннархи** — бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва этиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пулда ифода этилишидир.

**Корхона маҳсулоти таннархи** — ҳамма ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидан иборатдир.

**Маҳсулот бирлиги таннархи** — жами ишлаб чиқариш харажатларини ялпи маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. Маҳсулот таннархи бир бирлик (соф, ялпи товар) маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча харажат сарфланганлигини билдиради. Корхоналарда таннарх ёрдамида фақат маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар кўламини аниқлаш билан бир вақтда, айрим иш турлари (трактор иши, тонна — км, озуқа бирлиги ва ҳоказо) таннархини ҳам аниқлашда фойдаланилади.

Харажатлардан фойдаланишни ташкил этиш харажатлар характери жиҳатидан таннарх — **технологик, ишлаб чиқариш, коммерсия (тўла)** — таннархларга бўлинади. **Технологик таннарх** — бу маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган харажатларга қараб таннархнинг ташкил топишидир. Масалан, (фермер, деҳқон, бригадир, ферма ва бош-қа) қуйи бўғинлари сарфлаган ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидан ташкил топади.

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи — маҳсулот таннархини технология жиҳатидан яхши билиши керак. Акс ҳолда таннарх билан боғлиқ бўлган харажатларни бир-бирларидан ажрата олишмайди. **Ишлаб чиқариш таннархи** — бу маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлардан ташкил топади. **Коммерсия ёки тўла таннарх** — ишлаб чиқариш таннархи ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндисидан ташкил

топади. Бу уч турдаги маҳсулот таннархини чуқур билиш, ҳар бир товар ишлаб чиқариш учун зарурдир. Аммо, ҳозирги вақтда маҳсулот таннархини ҳисоблашда фақат ишлаб чиқариш таннархи, деб аталувчи таннарх амал қилиб, унинг таркибига моддий ишлаб чиқариш харажатлари (меҳнат қуроллари – меҳнат буюмлари – ишлаб чиқаришни ташкил этишда қатнашувчи омилларнинг оладиган иш ҳақи, рента, фойда, фоиздан) ташкил топмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланадиган бошқа харажатлар – умумхўжалик, умумишлаб чиқариш, маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар, солиқлар, банк фоизлари, бошқа ҳар хил қарзлар – олинган фойда ҳисобига қопланмоқда.

Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг икки кўриниши: **режалаштирилган** таннарх – бу бизнес режани тузишда белгиланади. Бу таннарх асосан ҳар бир корхоналарнинг ўз фаолияти натижалари асосида йил бошида тузилади. Бу таннарх – **кутиладиган таннарх**, деб ҳам аталади. Бу таннархни тузишдан мақсад маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида товар ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот этиштиришда сарфланадиган харажатларни таққослаш учун фойдаланилади.

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи – режалаштирилган маҳсулот таннархини белгилашда унинг ҳар бир харажат турларини сарфлашни илмий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиши ва аҳамият бериши зарур. Чунки, бу кутиладиган таннарх натижаси бевосита ишлаб чиқариш натижасига – фойда миқдорига ижобий ёки салбий таъсир этади. Хўжаликда йил охирида маҳсулотнинг эришилган ёки ҳақиқий таннархини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

## 17.2. Харажатлар гуруҳи ва унинг таркибий қисми нималардан иборат?

Маҳсулот таннархи таркибига кирувчи ҳамма ишлаб чиқариш харажатлари ўзларининг ҳар хил белгиларига қараб гуруҳларга бўлинади.

Улар ўзларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига кўра: **асосий ва устама харажатларга** бўлинади.

**Асосий харажатларга** шундай харажатларга кирадики, бу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқаришда устундик қилувчи харажатларни ташкил этади. Масалан, иш ҳақи, озуқа



қиймати, асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқалар.

**Устама харажатларга** — ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

Харажатларни маҳсулот таннархига киритиш жиҳатидан улар тўғри ва эгри харажатларга бўлинади.

**Тўғри харажатларга** у ёки бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида айрим харажатлар меъёрий, ҳисобот ва ҳисобга олиш ҳужжатлари асосида тўғридан-тўғри таннархга қўшилаверади.

**Эгри харажатларга** бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланадиган харажатлардан иборат бўлиб, улар қатнашиш улушига қараб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қайта тақсимланади ва маҳсулот таннархига қўшилади.

Харажатлар таркибий тузилишига қараб **оддий** ва **комплекс** харажатларга бўлинади.

**Оддий харажатларга** маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бир элемент ҳолда (уруг қиймати, иш ҳақи ва бошқа) фойдаланиладиган ҳамда маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри қўшиладиган харажатлар киради.

**Комплекс харажатларга** маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бир қанча оддий харажатларнинг биргаликда сарфланиб, маҳсулот таннархига қўшилиши. Масалан, от боқиш — от боқувчига туланган иш ҳақи, отга берилган озуқа, отхонанинг амортизацияси ва бошқа шу каби харажатлардан ташкил топади.

Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан харажатлар **шартли ўзгарувчан** ва **шартли доимий** харажатларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида шунга боғлиқ ҳолда бошқа харажатларнинг ҳам орта боришига — **шартли ўзгарувчан** харажатлар, деб юритилади.

Агарда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарган ҳолда харажатлар ҳажми ўзгармай қолса — бундай харажатлар **шартли ўзгармас** харажатлар, деб юритилади. Масалан, маъмурий бошқарув ходимлари, фойдалана оладиган бинолар амортизацияси ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнига қатнашиш муддатига қараб харажатлар — **жорий** ва **келгуси йил харажатларига** бўлинади.

Агарда харажатлар фақат жорий йил учун тегишли бўлса, бундай харажат **жорий йил харажати**, деб юритилади.

Агарда харажатни келгуси йилда сарфлаш назарда тутилса ёки жорий йилдан келгуси йилга ўтиб кетса, бундай харажат **келгуси йили харажати**, деб юритилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар ўз характери ва сарфланиш ҳолатига қараб қуйидаги харажат гуруҳларига бўлинади:

1. Иш ҳақи (ижтимоий таъминот фондига ажратиладиган фонд билан биргаликда).

2. Моддий харажатлар (маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмлари сарфи).

3. Асосий воситалар амортизацияси (ҳар бир маҳсулот тури бўйича сарфланган).

4. Суғурта тўловлари.

5. Ҳар хил харажатлар (ер ҳақи тўлови, ҳар хил хизмат сафари харажатлари, солиқ ва тўловлар, хизмат ҳақлари, рационализаторлик таклифларини рағбатлантириш харажатлари, ўт ўчирувчи ва ҳар хил сақлов хизматлари харажатлари, кадрлар тайёрлаш харажатлари ва бошқалар).

Бу харажатлар мулк муносабатлари ва ишлаб чиқариш корхоналари шаклларининг ўзгариши натижасида ўзгаради. Масалан, ички хўжалик ижара пудратихаражатларини олиш мумкин.

<b>Ўсимликчилик</b>	<b>Чорвачилик</b>
1. Ёлланма меҳнатга тўланадиган иш ҳақи	1. Ёлланма меҳнатга тўланадиган иш ҳақи
2. Уруғ ва кўчат материаллари	2. Озуқа
3. Ўғит	3. Ҳайвонларни ҳимоя қилиш воситалари
4. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари	4. Меҳнатлар ва хизматлар
5. Меҳнатлар ва хизматлар	5. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари
6. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари	6. Асосий воситаларни ижарага олиш харажатлари
7. Ерни ижарага олиш ҳақи	7. Солиқ ва тўловлар
8. Солиқ ва тўловлар	

Ички хўжалик ижара пудрати бошқарув харажатлари:

1. Корхона аппаратурини сақлаш харажатлари;

2. Ижтимоий суғурта ажратмалари;

3. Суғурта тўловлари;

4. Ижтимоий заруриятларга олинган дотация;
5. Юқори ташкилотларга тўловлар;
6. Солиқлар;
7. Ишлаб чиқариш ресурсларига тўловлар;
8. Қарз тўловлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида янги мулк шакллари пайдо бўлиши ва эски мулк шаклларининг такомиллаша бориши, булар асосида янги ишлаб чиқариш турларининг пайдо бўлиши маҳсулот таннархини ҳисоблашда ҳар хил харажатлар турларини келтириб чиқармоқда, бир қатор эски харажатлар турлари эса ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Биз қуйида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф-ланадиган харажатлар ва уларнинг маҳсулот таннархига қўшилиши тўғрисида фикр юритамиз.

Маҳсулот таннархига кирадиган харажатлар туркуми, қатнашиш аҳамияти, моҳияти, тутган ўрнига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлиниб, уларнинг меъёри – маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ишлаб чиқариш ресурсларининг **натурал** ва **пул** кўринишидаги ифодасига боғлиқ.

**1. Меҳнат ҳақи харажати.** Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашган ходимлар меҳнати учун тўланадиган иш ҳақи (асосий ва қўшимча) миқдори олинади. Иш ҳақи таркибига иш ҳақи ҳисобидан ижтимоий суғуртага ажратилган харажатлар ҳам киради. Бу харажат миқдори сарфланган меҳнат миқдoriga тўғри пропорционалдир.

**2. Уруғлик ва кўчат материаллари харажати.** Бу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган уруғ ва кўчатлар харажатидан ташкил топади. Агарда хўжаликда уруғ ва кўчатлар ўзларида етиштирилса, уларнинг таннархи бўйича, агарда сотиб олинса, сотиб олиш баҳоси билан ҳисобга олинади. Бу харажатлар миқдори ҳам улардан ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган миқдoriga қараб белгиланади.

**3. Ўғит харажатлари.** Бу харажатларга ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган минерал, органик ва бошқа турдаги ўғитларнинг маълум экин турлари бўйича сарфланган харажатлари киради. Бу харажатлар таркибига уларни ташиш, ерга солиш ва бошқа фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам қўшилади. Ўғит ҳаражатлари миқдо-

ри фойдаланилган ўғит тури ва уларнинг миқдорига, ташиладиган масофанинг узоқ-яқинлигига боғлиқ бўлади.

**4. Ўсимлик ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш харажатлари.** Қишлоқ хўжалик ўсимликлари, ҳайвонларини сотиб олиш, сақлаш, кимёвий, биологик ва бошқа дориворларни сотиб олиш ва улардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига ва зараркунандаларига қарши кўраш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Бу харажатлар ҳажми, миқдори ҳам ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирий чоралар миқдорига боғлиқ.

**5. Озуқа сарфи.** Чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланиладиган барча озуқа турлари ва уларни ишлаб чиқариш, ташиб келтириш, сақлаш, қайта ишлаш, озуқа тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлардан ташкил топади. Хўжаликда тайёрланган барча озуқалар харажатга таннархи билан, сотиб олинган қисми — сотиб олиш баҳоси билан олинади. Озуқа харажати сарфланган озуқа турлари миқдори, озуқа баҳоси (1 ц озуқа ёки озуқа бирлиги) миқдорига боғлиқ бўлади.

**6. Иш ва хизматлар харажати.** Корхонада ёки хўжаликда бажариладиган иш ва хизматлар тўланадиган харажатларга киради. Бу харажатлар ҳам бажарилган иш ва хизматлар кўлами ва уларнинг қийматига боғлиқдир.

**7. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари.** Бу харажатларга асосий воситаларни сақлаш, фойдаланиш, таъмирлаш, амортизация ва хизмат кўрсатаётган ходимларнинг иш ҳақи, ёрдамчи корхоналарнинг кўрсатган хизматлари ва бошқа харажатлардан ташкил топади.

**8. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари.** Бу товар ишлаб чиқарувчи корхона ва хўжаликларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан ташкил топади.

**9. Суғурга тўловлари.** Экинлар ҳосилини, чорва моллари туёғини, уларнинг маҳсулдорлигини давлат томонидан ҳар хил табиий офатлардан сақлаш учун тузиладиган суғурталар учун тўланадиган тўловлардан ташкил топади. Бу харажатларга чорва молларини ветеренар куригидан ўтказиш учун тўланадиган харажатлар ҳам киради.

**10. Ер ҳақи.** Ернинг мулк сифатида ижарага берганлиги эвазига олинадиган ижара ҳақи. Бу харажат миқдори 1 гектар ер ҳисобига тўланадиган ижара ҳақи миқдорига боғлиқдир.

**11. Ҳар хил харажатлар.** Бу харажатларга фермалардаги охурларни қилиш, мол дон оладиган майдонлар ташкил этиш, уларнинг четларига деворлар қилиш, махсус кийимлар ва шунга ўхшаган харажатлардан ташкил топади.

**12. Бола ташлаш чиқимлари.** Чорвачиликда ёш молларнинг ўлиши, ҳайвонларнинг бола ташлаши, касалланиши ва ҳоказо зарарлардан ташкил топади.

Юқорида номлари зикр этилган харажат турлари (моддалари) умумий харажатдаги тутган ўрнини ўзида кўрсатишига маҳсулот таннархи тузилиши (структураси) дейилади.

### **17.3. Маҳсулот таннархидаги харажатларни таҳлил этиш нима учун керак?**

Ҳозирги вақтда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маълум мулк шаклига эга бўлган товар ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштирилмоқда. Барча етиштирилган маҳсулотлар товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ҳисобланиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарфланадиган барча моддий, пул ва меҳнат сарфларини ўз чўнтақларидан сарфлайдилар.

Товар ишлаб чиқарувчилар товар ишлаб чиқариш учун сарфлаган барча харажатлар йиғиндиси билан шу ишлаб чиқарган товарларни сотиш натижасида келадиган даромад орасидаги фарқ ҳисобига яшайдилар. Демак, бозорда товарлар баҳоси ўзгармас, деб фараз қилсак, у ҳолда товар ишлаб чиқарувчилар, ўз корхонасида (хўжалигида) ишлаб чиқараётган маҳсулотлар учун қанча кўп харажат ҳисобласа, шунча оз ва қанча тежамкорлик билан сарфлаётган бўлса, шунча кўп наф кўради. Маълумки, бозорда товарлар баҳоси бу ўзгарувчи миқдордир. У арзонлашиши ёки қимматлашиши мумкин. Мана шу жарёнда барча турдаги ва соҳаларда иш юритаётган товар ишлаб чиқарувчиларнинг асосий мақсади тежамкорлик асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва таварини қиматроққа сотишга эришишдир. Бу иқтисодий қонунни амалга ошириш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу муаммони ҳал қилиш даставвал ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун сарфланадиган харажатларни тўғри ҳисобга олиш, режалаштириш ва тежаб-тергаб фойдаланишни амалга оширишдир.

Собиқ СССР даврида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга сарфланадиган харажатларни назорат қилиш, фойдаланиш ва уларни таҳлил қилиш соҳасида жуда кўп муассасалар ва мутахассислар банд бўлиб, улар ҳар бир маҳсулот тури бўйича маҳсулот таннархи калкуляциясини тузиб берар эди. Эндиликда эса майда товар ишлаб чиқувчиларнинг кўпчилиги бу муаммони иккинчи даража сифатида ҳисоблаб, маҳсулот таннархи харажатларини ҳисобламаяпти ёки орқага ташлаб, умуман фойдаланмаяпти. Маҳсулот таннархини ўзида тўла акс эттира оладиган компасга эга бўлмасдан туриб, хўжаликни илмий ва амалий асосда бозор иқтисодиётига мослаб иш юритиши имкониятини яратиш мумкин эмас. Чунки, бу масалани ечмасдан туриб бозор иқтисодиётига мос келадиган ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. Ҳозир ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни учун зарур бўлган энг замонавий меъёрлар асосида режалаштирилган маҳсулот таннархига эга бўлиш ва унинг ҳар бир тийинига қараб тежамкорлик асосида фойдаланишга эришмоқ зарур.

Режалаштирилган маҳсулот таннархини ишлаб чиқариш корхонаси (бўлим) фаолияти даражасига қараб тузилади.

Режалаштирилган маҳсулот таннархини тузишдан мақсад — режалаштирилган миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатлар турлари ва кўламини аниқлашдир. Бунинг учун куйидаги кўрсаткичлардан: жами маҳсулот таннархи; маҳсулот бирлиги учун сарфланадиган харажат; 1 сўмлик маҳсулотга тўғри келган харажат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

**Маҳсулот бирлигига тўғри келган харажат** — ишлаб чиқарилган жами маҳсулот таннархини уни натурал кўринишдаги ҳажмига (миқдорига) кўринишида ёрдамида аниқланади.

**1 сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган харажат** — ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини маҳсулотларнинг қиймат кўринишидаги ҳажмига нисбати билан белгиланади. Ҳар бир корхона (бўлим) ўз табиий, биологик, иқлим ва иқтисодий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларининг белгиланган ва қабул қилинган харажатлар лимитини беради ва шу асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бу йўсинда маҳсулот таннархини режалаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни тежаб-тергаб сарфлаш, хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил

етиш, фойда ва зарар миқдорларини тўғри баҳолаш имкониятини яратади. Режалаштирилган маҳсулот таннархи у ёки бу турдаги маҳсулотларни етиштиришда сарфланадиган ресурслар сирини очиб беради, харажатларини тежаб-тергаб фойдаланишга ўргатади, оладиган фойда миқдорини ошириш резервларини кўрсатиб беради.

Режалаштирилган маҳсулот танархини белгилашда ҳамма харажатлар икки гуруҳга: **тўғри** ва **тақсимланадиган** харажатларга бўлинади.

**Тўғри харажатлар** — восита ишлаб чиқарилаётган харажатлар таркибига тўла ҳолда ўтказилади. У шу маҳсулот харажати туркумига киради.

**Тақсимланадиган харажатлар** — бундай харажатлар бир вақтда бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфлаб, уларни сарфланиш улушига ёки бажарилган иш кўлами ҳажмига қараб тақсимлаш йўли билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига кўшилади.

Тақсимланадиган харажатлар ўз улушларини қуйидаги усулларда маҳсулотларга кўшиш мумкин.

- иқтисодий коэффициентлар ёрдамида
- сотилган маҳсулотларнинг қийматига нисбатан мутаносиб ҳолда харажатларни аниқлаш

Режалаштирилган маҳсулот таннархи — фақат айрим ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турлари бўйичагина белгиланиб қолмасдан, улардан олинадиган чиқиндилар ҳам ҳисобга олинади. Масалан, дон, сомон, поҳол, чор ва бошқалар маҳсулот таннархи ўсимликчилик, чорвачилик ва ёрдамчи ва қўшимча тармоқларда етиштириладиган барча маҳсулот турлари бўйича алоҳида-алоҳида тузилади.


Маҳсулот таннархини ҳисоблашда ҳар бир турдаги маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган — **технологик карталардан** кенг кўламда фойдаланилади. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи маҳсулот таннархи таркибига кирувчи харажатлар моҳиятини чуқур тушуниш, билиши ва қўллана оладиган имкониятга эга бўлиши керак. Акс ҳолда у хўжалик фаолиятига салбий таъсир этиши мумкин.

#### 17.4. Маҳсулот таннархини пасайтиришдан мақсад нима?

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ўзида акс эттирувчи омил ва бир вақтда кўрсат-

кич ролини ўйнайди. Маҳсулот таннархи товар ишлаб чиқарувчига ишлаб чиқарилган маҳсулот қанчага тушганлигини кўрсатади. У ўзида ишлаб чиқариш фаолиятини, унинг самарадорлигини, ишлаб чиқариш технологияси соҳасидаги эришилган ютуқлар, маҳсулотларни сотишдаги ютуқларини кўрсатади. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши – маҳсулот таннархининг пасайиш ҳолатига бевосита боғлиқдир. Маҳсулот таннархини камайтиришга эришиш, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида энг зарурий омил ҳисобланиб, маҳсулот таннархини камайтириш кўп омилларга боғлиқдир.

Бозор рақобатида маҳсулот таннархининг ҳаракат этиш механизмини қуйида келтирилган маълумотлардан яққол кўриш мумкин (6-чизма).



6-чизма. Маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиллар.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиллар хилма-хилдир. Уларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот миқдорига биргаликда таъсир этувчи омиллар;
- 2) Фақат сарфланадиган харажатлар миқдорига;
- 3) Фақат маҳсулот миқдорига.

*1. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот миқдорига биргаликда таъсир этиладиган омиллар:*

а) **Ходимларнинг ўз меҳнатидан моддий жиҳатдан манфаатдорлик даражаси** – моддий манфаатдорликни ошириш



— меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади. Меҳнат унумдорлигини ошириш эса маҳсулот бирлиги ҳисобига сарфларни камайтиришга ва харажатлар бирлиги ҳисобига эса етиштирилган маҳсулотлар миқдорига олиб келади.

б) **Ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ихтисослаштириш.** Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳажмини оптималлаштириш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш имкониятини яратиб, бу ўз навбатида маҳсулот бирлиги ҳисобига сарфланадиган харажатларни камайтиришга, маҳсулот миқдорини оширишга таъсир этади.

в) **Ишлаб чиқариш технологияси** — фойдаланиладиган ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишга таъсир этади.

*II. Сарфланадиган харажатлар миқдорига таъсир этувчи омиллар.*

1) **Ишлаб чиқаришнинг меҳнат сифими** — маҳсулот ишлаб чиқаришда такомиллашган машиналардан, техникалардан фойдаланиш маҳсулот бирлиги ҳисобига сарфланадиган жонли меҳнат ҳиссасини камайтиришга олиб келади.

2) **Ишлаб чиқаришнинг ер сифими** — ердан тўла ва унумли фойдаланиш маҳсулот миқдорини ошириб, у ўз навбатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир этади.

3) **Ишлаб чиқаришнинг фонд сифими** — ишлаб чиқаришнинг техник сифими, ишлаб чиқариш қуроли ва ишлаб чиқариш буюмлари билан қанча тифиз таъминланса, бу ўз навбатида жонли ва буюмлашган меҳнатларни тежаш натижасида маҳсулот таннархини камайтириш имкониятини беради.

4) **Ишлаб чиқаришнинг материал сифими** — ишлаб чиқаришнинг материал сифими ортиши ўз навбатида маҳсулотга сарфланадиган хом ашё улушининг ортишига, бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархининг ортишига олиб келади.

*III. Маҳсулот миқдорига таъсир этувчи омиллар.*

а) **Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги ошиши.** Маълумки, маҳсулот таннархини пасайтиришга эришишни таъминловчи асосий омил ҳосилдорликни ошириш, маҳсулдорликни кўпайтиришга эришишдир.

б) **Экин ва пода структурасини яхшилаш** натижасида экин майдонлари структураси яхшиланади, подадаги ҳайвонлар

зоти эса яхшиланади. Бу сўзсиз уларнинг маҳсулдорлигини ошириб, таннархни камайтиради.

в) **Маҳсулотнинг сақланиши** — қишлоқ хўжалигида маҳсулот нобудгарчилиги қанча кам бўлса, маҳсулот таннархи ҳам шунча арзон бўлади.

Демак, маҳсулот таннархи қанча паст бўлса, бу шу мамлакат учун ҳам, товар ишлаб чиқариш учун ҳам шунча наф келтиради. Маҳсулот таннархини камайтириш, маҳсулотни сотишдаги баҳоларнинг ўзгаришидан қатъи назар олинган фойда миқдорини оширади. Фойда — ялпи даромад — жами харажатлар кўлами. Ҳамма товар ишлаб чиқарувчиларнинг мақсади — шу қонуният натижасига қаратилган.

### I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун унғ томондаги мос келадиган таърифларни танланг.

1. Ялпи даромад	1. Маҳсулот таннархига бевосита ўқинладиган харажатлар.
2. Ялпи харажат	2. Бир бирлик маҳсулотни қанчага етиштирилганлигини ўзида ифода этувчи харажат.
3. Фойда	3. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган воситалар ва меҳнат ҳақи йнғиндиси.
4. Режалаштирилган таннархи	4. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун олдиндан режалаштирилган харажатлар кўлами.
5. Корхона таннархи	5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан келган даромад.
6. Маҳсулот таннархи	6. Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишга қаратилган харажатлар.
7. Асосий харажатлар	7. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар.
8. Устама харажатлар	8. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун фойдаланиладиган харажатлар
9. Бевосита харажатлар	9. Ялпи даромад билан харажатлар орасидаги фарқ.
10. Билвосига харажат	10. Қатнашиш улушига қараб тўғри мутаносиб равишда таннархга қўшиладиган харажат.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш нима учун керак? Пахта етиштириш учун қандай харажатлар сарфлаш керак?
2. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблашда натурал кўринишда сарфланган (уруғ, ўғит ва бошқалар) харажатлар қандай кўринишда ҳисобга олинади?
3. Жорий харажат, деб қандай харажатга айтилади?
4. Оддий харажат, деб қандай харажатга айтилади?
5. Фойда, деб нимага айтилади? У қандай ҳисобланади?
6. Фойдани кўпайтириш қандай омилларга боғлиқ?
7. Маҳсулот таннархини пасайтириш нима учун керак?
8. Маҳсулот таннархини пасайтиришга қандай омиллар таъсир этади?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Фермер хўжалиги 100 минг сўм фойда кўрди. Бу фойдани ҳосил қилган ишлаб чиқариш харажатлари 250 минг сўмга тенг бўлган. Фермер ишлаб чиқарган маҳсулотини қанчага сотган?
2. Сиз чорвачилик бўйича фермер хўжалиги ташкил этмоқчисиз. Сизнинг фермангизда 100 бош сигир бор. Сизнинг бир кунлик ўртача харажатиңгиз 80 минг сўм. 1 кг. сут баҳоси 150 сўм, сизнинг фермангиз иш оритмоғи учун бир кеча кундузда ҳар бир сигир ўрта ҳисобда танчадан сут бериши керак?
3. Фермернинг устама харажатлари миқдори 2 марта ортди. Бу ҳол маҳсулот таннархини қандай таъсир этади? Фойда даражасигачи?
4. Фермер ўтган йилга нисбатан асосий харажатлар миқдорини ўзгартирмаган ҳолда 20 фоиз янги маҳсулотни оширишга эришди. Агарда у ўтган йили 100 минг сўм фойда олган бўлса, бу йили қанча фойда олиш имкониятига эга бўлди? Ҳисоб-китоб қилинг.
5. Фермер бозор конъюктураси қулайлиги туфайли ўз товарини ўтган йилгига нисбатан 30 фоизга юқори баҳо билан сотди. Аммо у ишлаб чиқариш харажатларининг 5 фоизга ошиб кетишига йўл қўйди. Агарда у ўтган йили 300 минг сўм фойда олган бўлса, бу йил унинг олган фойдаси неча пулни ташкил этди?

## XVIII БОБ

### АГРАР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА РЕНТАБЕЛЛИК

#### РЕЖА:

1. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари.
2. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги — чекланган натижами?
3. Иқтисодий ўсиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
4. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш зарурати қандай омилларга боғлиқ?

*Адабиётлар:* 3; 4; 9; 15; 16; 19; 23; 33; 40.

#### 18.1. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари

Макро ва микро иқтисодиёт ва уларнинг секторларида “самара” ва “самарадорлик” деган атамаларни тез-тез учратиш мумкин. Бу атамалар ўзларининг иқтисодий моҳиятига ва мазмунига қараб бир-бирларидан фарқланади.

“Самара” тушунчаси ўзида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнининг қандайдир бирор бўлагида қўлланилган тадбирларнинг берган натижасини ўзида акс эттиради. Масалан, пахтачиликда минерал ўғитдан фойдаланиш натижасида ҳосилдорлик ортади. Бу минерал ўғитнинг ҳосилга кўрсатган таъсирини баҳолаш имкониятини беради. Масалан, утган йилга нисбатан бу йили ҳар гектар пахта майдонида берилган азотли ўғит 2 баробар, фосфорли ўғит 1,5 баробар, калийли ўғит эса 1,25 баробар оширилиши туфайли ҳар гектар ердан олинган ҳосил 25 центнердан 30 центнерга купайганлигини билдиради, холос.

Бу ерда сарфланган минерал ўғит бирлиги ҳисобига етиштирилган пахта ҳосилининг қанчага ортанлигини ўзида кўрсатади. Аммо, минерал ўғитдан фойдаланиш на-

тижасида фойда кўрилдими ёки йўқми, деган саволга тўла жавоб олиш мумкин эмас. “Самара” фақат амалга оширилган тадбирларнинг қанчалик фойдалилигини билдиради холос. Лекин қилинган харажатлар ўзини қоплаши, ёки қоплай олмаслиги, фойда кўрилган ёки кўрилмаганини билдира олмайди. Бу саволларга фақат – **иқтисодий самарадорлик кўрсаткичигина** жавоб бериши мумкин. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги маълум вақт (ой, йил, 5 ёки 10 йил вақт) давомида эришилган натижанинг ўсганлиги ёки камайганлигини ўзида акс эттирадиган кўрсаткичдир. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги, эришилган натижани уни етиштириш учун сарфланган харажатга солиштириш йўли билан аниқланади. Маълум давр ичида эришилган натижа жамият бўйича ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) қишлоқ хўжалигида эса бир йил ичида етиштирилган жами ялпи маҳсулот (ЯМ) олинади. Сарфланган харажат эса ҳисоблаб чиқилади ва жамланади.

У ҳолда иқтисодий ўсиш самарадорлиги (ИС) ялпи маҳсулот қиймати (ЯМ)нинг ўсишини харажатлар нисбатига (СХ) солиштириш йўли билан аниқланади.

$$ИС = ЯМ : СХ.$$

Бу кўрсаткич ёрдамида иқтисодий ўсиш самарадорлигини ижобий ёки салбий томони аниқланади. Масалан, бу йил ялпи маҳсулот қиймати 200 млн. сўмга тенг, уни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажат эса 100 млн. сўмни ташкил этган, деб фараз қилайлик. У ҳолда,

$$ИС = 200 : 100 = 2.$$

Демак, 1 сўмлик харажат эвазига 2 сўмлик ялпи маҳсулот етиштирилганлиги маълум бўлди.

Энди бу самарадорлик маълум вақт, давр билан солиштирилган вақтда унинг ўсиши ёки камайиш ҳолатини аниқлаш мумкин.

1999 йили, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ялпи маҳсулот қиймати 200 млн. сўмни, харажат эса 100 млн. сўмни ташкил этган ҳолда 2000 йили бу кўрсаткичлар 300 ва 125 млн. сўмни ташкил этди, деб фараз қилайлик. У ҳолда иқтисодий ўсиш самарадорлиги  $300 - 200 \setminus 125 - 100 = 4$  марта ўсган. Бу давр ичида ялпи маҳсулотнинг йиллик ўсиши  $= 300 \setminus 200 = 1,5$  марта ортган, холос.

Иқтисодий ўсиш самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- Ялпи маҳсулотнинг меҳнат сифими;
- Ялпи маҳсулотнинг моддий сифими;
- Ялпи маҳсулотнинг капитал сифими;
- Ялпи маҳсулотнинг инвестиция сифими.

Демак, иқтисодий ўсиш самарадорлиги уни вужудга келтирган сарфларга нисбатан қаралади. Чунки, бу сарфлар натижа деган умумий қоидадан келиб чиқади ва баҳоланади. Бу жиҳатдан қаралганда иқтисодий ўсиш самарадорлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ис = \Delta ЯД: \Delta (Мс + Ас + Фс + И_{сн})$$

Бунда  $\Delta$  – ўсиш; ЯД – ялпи даромад; Мс – меҳнат сарфи, Ас – хом ашё сарфи; Ф – фонд сарфи;  $И_{сн}$  – инвестиция сарфи.

Бу формула ёрдамида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳар бир сарфланган харажат турига қараб қандай нафга эга бўлишганлигини баҳолаш ва уларнинг иқтисодий ўсиш самарадорлигидаги ўрнини аниқлаш мумкин.

Масалан, 1999 йили  $\Delta Мс = 4$ ;  $\Delta Ас = 3$ ;  $\Delta Фс = 4$ ;  $\Delta И_{сн} = 5$  жами = 15 бирлик харажат сарфланган, деб фараз қилайлик. Харажат эвазига  $\Delta ЯД = 8$  бирликни ташкил этсин. У ҳолда  $= 8 \setminus 16 = 0,5$ .

2000 йили эса  $\Delta Мс = 3,5$ ;  $\Delta Ас = 3,5$ ;  $\Delta Фс = 5$ ;  $\Delta И_{сн} = 4$ ; ялпи даромад ҳосил қилган.

$$У \text{ ҳолда} = 12 \setminus 16 = 0,75.$$

Демак, иқтисодий ўсиш самарадорлиги  $(0,75 * 100 : 0,5) = 1,5$  марта ўсганлигини билдиради.

Иқтисодий ўсиш даражаси ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга қатнашаётган харажатларни  $(Мс + Ас + Фс + И_{сн})$  қай даражада кўрсатган хизмат улушларига ҳам боғлиқдир. Юқоридаги формулада келтирилган маълумотларга кўра, 1999 йилги ялпи даромадни ташкил этишдаги улуши  $= 8 \setminus 4 + 3 = 4 + 5 = 8 \setminus 16 = 0,5$  га тенг бўлган. Ҳар бир омилнинг 1 – бирлик сарфи  $(100 : 16) = 6,25$  га тенг бўлади. У ҳолда омилларнинг ялпи даромадни ҳосил қилишдаги улуши  $(Мс = 25 \text{ фоиз}) + Ас = 18,75 \text{ фоиз}) + (Фс = 25 \text{ фоиз}) + (И_{сн} = 31,25 \text{ фоизни})$  ташкил этган.

2000 йилдаги улушида эса  $= 12 \setminus 3,5 + 3,5 + 5 + 4 = 12 \setminus 16 = 0,75$  бўлиб, сарфланган харажатлар улуши  $= (21,87 + 21,88 + 31,25 + 25)$  ни ташкил этган.

Агарда, 1999 йил 2000 йилга нисбатан ялпи даромадни ҳосил қилишда меҳнат сарф улуши 25 фоиздан 21,87 фоизга қайтган

бўлса, хом ашё сарфи — 18,75 фоиздан 21,88 фоизга, фонд харажатлари эса 25 фоиздан 31,25 фоизга ортиб, инвестиция сарфлари эса 31,75 фоиздан 25 фоизга камайган. Бу рақамлар ялпи даромадни ишлаб чиқаришда қатнашаётган харажатлар улуши ортаётганлиги ёки қисқараётганлигидан дарак бериб, уларни келажакда қандай қонун асосида фойдаланиш йўл-йўриқларини белгилаб олиш режаларини яратиш имкониятини беради.

Бу маълумотлар асосида ҳар бир турдаги харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Иқтисодий ўсиш самарадорлигини аниқлашда **интеграл умумлаштирувчи** ва **хусусий** кўрсаткичлар ёрдамида ялпи маҳсулот етиштириш учун сарфланган харажатлар ҳолати аниқланади ва уларни таҳлил қилишда фойдаланилади.

Бунинг учун сарфланадиган харажатлар кўйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади ва таҳлил қилинади:

- Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлар;
- Моддий ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари;
- Капитал ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари;
- Инвестициялардан фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичлар:

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичи.

$M_p = C_M \setminus M_i$ , бунда:

$M_p$  — қишлоқ хўжалигида банд бўлган ўртача йиллик ишчи кучи сони;

$C_M$  — қишлоқ хўжалигида етиштирилган соф маҳсулот;

Чунки, ҳар бир меҳнатга яроқли ходим ҳисобига қанча кўп ялпи соф маҳсулот (ялпи даромад) етиштирилса меҳнат ресурсларидан шунча самарали фойдаланилиган ҳисобланади.

Фондлардан фойдаланиш кўрсаткичи:

$A_k = C_m \setminus A_f * U_c$  бунда,

$A_k$  — қишлоқ хўжалигидаги мавжуд фондлар қайтими;

$A_f U_c$  — қишлоқ хўжалиги фондлар (актив)нинг ўртача қиймати.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар бир сўмлик актив фонд эвазига қанча кўп маҳсулот тўғри келса, унинг қайтиш сими шунча катта ва тез амалга ошади.

Қишлоқ хўжалигида сарфлар қайтими кўрсаткичи:

$M_c K_k \setminus x = C_m \setminus M_{sk} \setminus x$  бунда,

$M_c K_k \setminus x$  – қишлоқ хўжалигида сарфлар қиймати;

$M_{sk} \setminus x$  – қишлоқ хўжалигида сарфланган моддий ашёлар.

Қишлоқ хўжалигида моддий сарфлар салмоғи кўрсаткичи:

$dk \setminus x = M_{cc} \setminus x : S M_c$  бунда,

$dkx$  – қишлоқ хўжалигида моддий сарфлар салмоғи.

Бошқа турдаги хусусий кўрсаткичлар ҳам шу тартибда аниқланади ва таҳлил қилинади. Ҳамма турдаги кўрсаткичлар остида 1 сўмлик харажат эвазига олинган ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва фойда миқдори ётади.

Хусусий кўрсаткичлар натурал кўринишда ҳам таҳлил этилади.

Масалан, экин майдонлари миқдори, чорва, моллари сони, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, об-ҳаво, ишчи кучи (аҳоли сони) техника ва минерал ўғит турлари ер унумдорлиги, сув сарфи ва бошқа натурал кўрсаткичларни ҳам ўрганиш, ҳисоблаш ва таҳлил этиш мумкин.

Иқтисодий ўсиш самарадорлигини оширмақ учун ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита қатнашадиган барча харажатларни тежаб-тергаб сарфлаш зарур. Маҳсулот бирлиги етиштириш учун қанча кам меҳнат, моддий ва пул ресурслари сарфланса, иқтисодий ўсиш самарадорлик даражаси шунча юқори бўлади.

Иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш ишлаб чиқариш яхши натижа берганлигини, фаровонликнинг ўсиши моддий жиҳатдан қай даражада эканлигини, бўлгуси ўсиш учун қандай шароитлар мавжудлиги, ниҳоят келгуси ўсиш учун қандай асослар солинганлигини билдиради. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги кўрсаткичи – мамлакат салоҳиятининг жаҳондаги ўрнини аниқлаш имкониятини беради. ) 5.

## 18.2 Иқтисодий ўсиш самарадорлиги чекланган натижами?

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ресурслари таъсиридагина бўлиб қолмасдан табиий, биологик, кимёвий омиллар натижасида ҳамдир. Чунки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига қатнашаётган омилларни инсон иродасига бўйсундирадиган ва бўйсунмай-



диган омилларга бўлиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер, сув, ҳаво, иқлим—табиат томонидан инсонга берилган бойлик сифатида қатнашса, одам, қишлоқ хўжалиги барча ҳайвонат дунёси, уруғ, насил, касалликлар, зараркуналдалар уруғларининг ўсиши эса биологик томонидан берилган омиллар сифатида қатнашади. Боғдорчилик, узумчилик, маҳсулотларнинг очиши натижасида ҳосил бўладиган ҳар хил ичимликлар кимёвий омиллар таркибига киради.

Оқибатда табиат, биология кимёвий омиллар ишлаб чиқариш жараёнида инсоннинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарида ҳаракат этади. Бу омиллар қатнашишисиз гап бирорта ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлиги тўғрисида фикр юритиш у ёқда турсин ишлаб чиқариш ўзи ҳам амалга ошмайди.

Жаҳонда қайси давлат, қайси миллат кўпроқ пахта, дон, сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни хоҳламайди. Ҳамма хоҳлайди. Аммо, хоҳиш бошқа, ишлаб чиқариш бошқа. Чунки, бу турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ерсиз, сувсиз, ҳавосиз, иқлимнинг мос келмаслиги натижасида амалга ошириш мумкин эмас. Ҳозирги вақтда 20 млн. гектар ерни оз миқдорда капитал сарфлаш натижасида ўзлаштириш мумкин. Аммо, мамлакатдаги мавжуд сув ресурсини ҳаддан ошиқ чекланганлиги бу масалани ижобий ҳал қилиш имкониятини яратмайди. 2000 йил Ўзбекистонда ҳаддан зиёда пахта ҳосили етиштирилди. Айрим туманларда ва вилоятларда сентябр ойидаёқ ўз зиммасига олган пахтани териб давлатга сотдилар. Аммо, об-ҳавонинг эрта бузилиши, шунча катта ҳосилни йиғиб териб олиш имкониятини кечга чўзди.

Оқибатда ялли пахта ҳосили камайди, унинг сифати бузилди, ҳосилни териб олиш харажатлари ортди, самарадорлик эса пасайди. Бу жараёнда инсоннинг меҳнат унумдорлиги табиий омилларнинг салбий таъсири натижасида кескин пасайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлиги бевожуб биологик омилларга ҳам боғлиқдир. Бўғдой наслини олиб кўрайлик. Бир турдаги бўғдой нави гектаридан 10-15 центнердан ҳосил берган ҳолда иккинчи турдаги бўғдой нави 80-90 центнердан бўғдой ҳосили, маҳаллий наслдаги сигир бир лукатция даврида 1500-2000 литр сут берган, наслдор сигир бу даврда 10000-15000 литр сут бермоқда.

Бундай натижаларнинг сабабчиси — сўзсиз биологик қонунлар ва уларнинг ҳаракат этиш натижалари. Аммо, бундан инсон табиат, биология соҳасида амал қилаётган қонунлар олдида ожиз махлуқ, деб баҳолаш мумкин эмас.

Демак, инсон қишлоқ хўжалигида хоҳлаган мақсадини ўз меҳнати, билими, тажрибаси билан эришиши мумкин.

Инсон табиати, биология, кимёвий қонуниятларни чуқур билмаслиги, тушунмаслиги жиҳатидангина ожиз. Инсон бу соҳадаги қонунлар сирини чуқур ўрганиши, тушуна билиши даражасига кўгарилиши биланоқ уларни одам ирода-сига яхшилантиради. Ҳамма сирлар ошқора бўлади. Энди табиат инсон устидан ўз ҳокимиятини ўрнатиш ўрнига улар устидан инсон ўз ҳукмронлигини ўрнатади, уларга онгли ва ижобий таъсир этиб ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш имкониятини беради. Масалан, Андижон вилояти, чигитни — плёнка остига экиш “Дон етиштиришнинг Андижон технологияси” номи билан инсоннинг табиатга таъсири орта бориши натижаси ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосилини 32 центнерга, ҳар гектар ердан олинган донни 72 центнерга етказиб, ўртача давлат даражасидан 2,5 марта ортиқроқ ҳосил олиш имкониятига эга бўлди.

Бу мисоллар инсоннинг табиий ва биологик омиллар устидан ўз ҳукмронлигини қанча чуқур ўтказса самарадорлик шунча юқори ва чексиз давом этишини кўрсатади. Америка кўшма штатларининг охириги 100 йил ичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини 18,9 марта ошириш имконияти бунга яқол мисол бўла олади. Ишлаб чиқаришга бевосита ижобий таъсир этадиган ҳамма омиллар, унинг самарадорлиги омиллар бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омилларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ресурс ва харажатлар;
- ташкил этишнинг асосий йўналишлари;
- хўжалик юритиш даражаси;

**Биринчи гуруҳга** — меҳнат сиғими, ер сиғими, воситалар сиғими, материаллар сиғимига таъсир этувчи омиллар.

**Иккинчи гуруҳга** — технология, ихтисослаштириш, марказлаштириш, меҳнатни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, фан-техника тараққиёти, илғор тажрибалар қўллаш даражаси, ижара муносабатларини ўзида ифода этувчи омиллар.

**Учинчи гуруҳ** — давлат, соҳа, тармоқ, хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлган омиллар.

Бу омиллар ўзаро ҳамкорликда, бир-бирлари билан боғланган илмий ва амалий тафсилотлар асосида иш юритгандагина иқтисодий натижалар бериши мумкин.

### 18.3 Иқтисодий ўсиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?

Ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар бевосита иқтисодий ўсиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларга киради. Аммо, иқтисодий ўсиш билан бевосита боғлиқ бўлган омиллар ҳам мавжуд.

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар гуруҳини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

### Қишлоқ хўжалик иш таб чиқариш даражасига таъсир этувчи омиллар

1.	Омиллар Кўрсаткичлар	Ишчи кучи	Ишлаб чиқариш воситалари	
			Меҳнат қуроллари	Меҳнат буюмлари
1.	2	3	4	5
1.	Экстенсив ўсиш кўрсаткичлари	ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар сонининг кўпайиши	актив фондлар қийматининг ошиши, янги инвестициянинг кўпайиши, иқтисодий айланмага талаб этилган ерларнинг кўпайиши.	моддий айланма маблағлар қийматининг ўсиши, янги моддий харажатларнинг кўпайиши
2.	Интенсив ўсиш кўрсаткичлари	ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсиши, янги ресурсларнинг бир-бирларига тўғри келган соф маҳсулотнинг ўсиши	актив (фонд)лар қайтими соф инвестиция қайтими қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигининг ўсиши чорва моллари маҳсулдорлигининг ўсиши.	моддий маблағлар қайтими, айланма фондлар айлашнинг тезлиги янги харажатларнинг бир-бирига тўғри келган соф маҳсулотнинг ўсиши
3	Сектор ва тармоқлар омилини тавсифловчи кўрсаткичлар	тармоқлардаги бандлик таркиби, тармоқлардаги меҳнат унумдорлиги даражаси, ишга қабул	тармоқлардаги актив (фонд)лар таркиби, тармоқлардаги актив (фонд)лар сифми, тармоқлардаги соф инвестиция сифми, активларни янгилаш коэффициенти	тармоқлардаги моддий харажатлар таркиби тармоқлардаги моддий харажатлар сифми айланма маблағларнинг тармоқ таркиби

	қийлаш коэффициенти, қушимсизлик коэффициенти.	актив (фонд) лар билан қуролланганлик даражаси, электр энергияси билан қуролланиш даражаси, актив (фонд)ларни ишлаб чиқаришдан чиқариб гашланиш коэффициенти.	
Таркибий омилларни тавсифловчи омиллар	халқ хужалигида банд бўлганлар- нинг жами аҳоли сонидаги салмоғи, меҳнат ресурслари сонидаги салмоғи иқтисодий фаол аҳолининг салмоғи умумий касб- хунар таълим даражаси, яъни ресурсларга нисбатан меҳнат ресурслари салмоғи актив (фонд) ларнинг салмоғи моддий айланма маблағлар салмоғи, иш кучининг жинси, ёши, меҳнат стажи ва категориялари буйича таркиби иш куни, иш хафтаси, иш йилларининг давомийлиги.	қишлоқ хужалигида банд бўлган актив (фонд) ларнинг жами активлар қийматидаги салмоғи, активлар фаол қисмининг жами, активлар қийматидаги салмоғи, ишлаб чиқаришга қуйилган инвестицияларни яъни инвестициядаги салмоғи суғориладиган ерларнинг жами экин майдонлардаги салмоғи, жами қишлоқ хужалик экин майдонидаги салмоғи	моддий айланма қийматининг жами активлар қийматидаги салмоғи, ишлаб чиқариш секторндаги активлар қийматидаги салмоғи, яъни айланма воситаларни қийматидаги салмоғи, яъни харажатларга нисбатан иш ҳақи фонди салмоғи, амортизация ажратмаларининг салмоғи, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари таркиби
5 Худудий омилларни тавсифловчи курсаткичлар	Худудий бошқарув корхоналарининг самарадорлиги, ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиш самарадорлиги ихтисослаштириш коэффициенти, концентрациялаш коэффициенти, қишлоқ хужалигидан чиқариладиган ва киргизилган маҳсулотлар нисбати (жамига нисбатан % ҳисобида), қишлоқ хужалигига келтириладиган маҳсулотларнинг истеъмол қилинадиган маҳсулотлар қийматига нисбатан салмоғи, қишлоқ хужалигидан чиқариладиган маҳсулотларнинг жами истеъмол қилинадиган маҳсулот қийматига нисбатан салмоғи, қишлоқ хужалигида чиқариладиган маҳсулотнинг давлатнинг яъни ички маҳсулотидаги улуши		
6 Иқтисодий табиий омилларни тавсифловчи курсаткичлар	табиий ресурсларнинг камёблиги ва сероблиги, тупроқ унумдорлиги ҳолати, сув билан таъминланиш даражаси об-ҳаво ҳолати.		

Бу кўрсаткичлар ёрдамида ишлаб чиқариш ва унга таъсир этувчи ҳамма омилларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш ва тегишли натижалар ва кафолатлар олиш имкониятига эга бўлади.

#### **18.4 Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш қандай омилларга боғлиқ?**

Рентабеллик — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи синтетик кўрсаткичдир.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланилаётганлиги кўрсатувчи барометрдир. У ўзида ишлаб чиқаришни қай тарзда такрор ишлаб чиқиляётган ҳолати, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан моддий манфаатдорлик даражаси, ишлаб чиқариляётган маҳсулотлар сифати, харидоргирлиги, бозоргирлиги, сотилиш ҳолати, сотилиш харажатлари кўлами, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқариш даражаси ҳолатини ўзида акс эттиради.

Рентабеллик ишлаб чиқариш натижасида эришилган фойдани, ишлаб чиқариш харажатларига таққослаб, онгли равишда иш юритиш методидир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабеллиги — сотилган маҳсулот ҳарактерига қараб **мутлоқ** ва **нисбий** кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

**Рентабелликнинг мутлоқ кўрсаткичи** — ўзида фойданинг мутлоқ миқдорини кўрсатади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида рентабелликнинг мутлоқ кўрсаткичи сифатида даромаддан ҳам фойдаланилади. Даромад бу сотилган маҳсулотдан келган пулдан моддий харажатлар сарфини чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмидир.

Фойданинг мутлоқ миқдорини аниқлаш катта аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодий тақдирлаш фондининг шаклланиш ҳажмига бевосита ижобий таъсир этади. Аммо, фойданинг мутлоқ ҳажми корхоналарнинг ишлаб чиқариш фооляитини ўзида тўла акс эттира олмайди. Тажрибада маҳсулот ишлаб чиқариб, у эвазига кўп ёки оз миқдорда фойда олиш мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш рентабели бўлиб, унинг натижаси ҳар хил булиши мумкин. Бундай ҳолнинг юз беришига сабаб бир хил маҳсулот ишлаб

чиқаришда ҳар хил миқдорда харажат сарфланиб, маҳсулот таннархи ортиқ ёки кам бўлиши мумкин.

Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлашда унинг мутлоқ кўсаткичи билан бир қаторда унинг **нисбий кўрсаткичидан** ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич ўзида рентабеллик даражаси ва фойда нормасини ифода этади.

Рентабеллик даражаси (норма) бу олинган фойданинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар (моддий ва меҳнат)ни йиғиндисига фоиз кўришидаги нисбати билан белгиланади у ҳолда рентабеллик даражасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$Рд = \frac{\Phi}{Их} * 100 = \frac{Смх [Сб - Их]}{Смх - Сб} * 100 = \frac{Сб - Их}{Их} * 100.$$

бунда, Рд – рентабеллик даражаси.

Их – ишлаб чиқариш харажати.

Смх – Сотилган маҳсулот ҳажми.

СБ – 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси.

Ф – фойда.

Биринчи икки формула ёрдамида соҳа ҳамда хўжалик бўйича экин ва маҳсулот турлари бўйича рентабеллик даражасини аниқлаш мумкин. Учинчи формула эса айрим маҳсулотлар, уларнинг таннархи ва сотилиш баҳоларини аниқлаш мумкин.

**Рентабеллик даражаси** – маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган харажатлар эвазига олинган фойда миқдорини кўрсатади.

Масалан, пахта етиштиришда рентабеллик даражаси 25 фоизга тенг, деб фараз қилайлик. У ҳолда 1 сўмлик ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларига қанча сўмлик (тийинлик) фойда олинганлигини кўрсатади. Рентабеллик даражаси қанча юқори бўлса харажат бирлиги ҳисобига шунча кўп паст бўлса шунча кам фойда олинганлигини кўрсатади.

Рентабеллик даражасини аниқлаётганда фойдани ишлаб чиқариш харажатлари нуқтаи назаридан самарадорлигини аниқлабгина қолмасдан балки фойдаланилган ва тайёр маҳсулат қийматига ўз қийматини ўтказган асосий ва айланма воситалар томонидан ҳосил қилинган фойдани ҳам таҳлил қилиш керак. Чунки, ҳар сафар маҳсулот ишлаб чиқариш-ни янгидан бошлаётган босқичда жуда катта миқдорда ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланилади. Шунинг учун ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи маҳсулот ишлаб чиқариш

жараёнида сарфланаётган асосий айланма воситаларнинг келтирадиган фойдасини ҳам яхши билиши ва таҳлил қилиш даражасида билим ва тажрибага эга бўлишлари зарур. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган асосий ва айланма воситаларнинг самарадорлигини аниқлашда **фойда нормаси** кўрсаткичидан фойдаланилади.

**Фойда нормаси** фойдани ўртача йиллик асосий ва айланма фондларга фоиз нисбати билан белгиланади.

$(\text{Фи}) = \frac{\text{Ф}}{\text{Ав} + \text{Ов}} * 100$ . Бунда,

$\text{Фн}$  — фойда нормаси;

$\text{Ф}$  — фойда;

$\text{Ав}$  — асосий воситаларининг ўртача йиллик қиймати;

$\text{Ов}$  — айланма воситаларнинг ўртача йиллик қиймати.

**Фойда нормаси** у ёки бу хўжалик сарфлаган 1 сўмлик ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига қанча фойда олганлигини билдиради.

Масалан, фойда нормаси 20 фоиз, деб фараз қилсак, 1 сўмлик асосий ва моддий айланма воситалар қиймати ҳисобига 20 тийин фойда тўғри келганлигини билдиради.

## I. Мавзуга оид атамалар

1. Самарадорлик.
2. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги.
3. Рентабеллик.
4. Рентабеллик даражаси.
5. Фойда.
6. Санациялаш.
7. Фойда нормаси.
8. Инвестиция самарадорлиги.
9. Зарар.

**Юқорида номлари қайд қилинган атамалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг.**

1. 1 сўмлик инвестиция маблағи ҳисобига олинган соф дарамад.
2. 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажати эвазига келтирилган зарар.
3. 1 сўмлик маҳсулот сарфи ҳисобига олинган фойда.

4. Корхонани зарарга ишлашидан фойдали ишлашга ўтказувчи тадбир.

5. Маълум даврда ўсиш ҳолатини ўзида акс эттирувчи кўрсаткич.

6. Ресурслар ва харажатларни ўзида ифода эттирувчи кўрсаткич.

7. Маълум даврда қўлга киритилган фойда миқдори.

8. Маълум давр ичида эришилган самара.

9. Фойданинг ўртача йиллик асосий ишлаб чиқариш самарасига нисбати.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Ишлаб чиқариш самарадорлиги деганда нимани тушунасиз?

2. Иқтисодий ўсиш билан ишлаб чиқариш самарадорлиги орасида қандай тафовут бор?

3. Ресурс қайтими, деб нимага айтилади ва уни аниқлаш нима учун керак?

4. Самарадорликка таъсир этувчи табиий ресурслар, деб нимага айтилади?

5. Рентабеллик даражаси қандай аниқланади?

6. Тадбиркор фойдаси деганда қандай фойдани биласиз? Бу фойдани ким олади?

7. Зарар кўриб ишловчи корхона, деб қандай корхонага айтилади? Уни қандай фойда кўрувчи корхонага айлантириш мумкин?

8. Фойда қайси ҳолатда фойдадан ўрта фойдага айланади?

9. Ялпи даромад, деб нимага айтилади?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Ширкат хўжалиги йил охирида 5,6 млн. сўмлик соф даромад олади, ялпи маҳсулот етиштириш учун 9,8 млн. сўмлик харажат қилади. Унинг самарадорлик даражасини аниқланг?

2. Икки фермер хўжалиги 12,9 гектардан пахта экадилар. Режа бўйича ҳар иккалла хўжалик гектаридан 33 центнердан пахта ҳосили олиш керак. Кузда биринчи фермер ҳар гектар ердан 50,6 центнер ҳосил етиштириб, 1 центнер пахта етиштириш учун 30,6 минг сўмдан харажат қилиб, уни давлатга 45,6



минг сўмдан сотди. Иккинчи фермер гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириб, 1 центнер пахта таннарихи 25, 6 минг сўмдан 1 центнер ҳарид қилиш баҳоси 32,9 минг сўмни ташкил этди. Ҳар иккала ҳўжаликнинг самарадорлигини аниқланг?

3. Чорвачилик фермер ҳўжалигининг 30 бош соғин си- гири бор. Ундан ҳар куни 550-600 литрдан сут соғиб олмақ- да. У банкдан бир млн. сўм кредит олди? У қайси мақсадлар учун бу кредитни олди? Бу тўғрисида ҳар хил вариантлар мисолида кредит самарадорлигини аниқланг?

4. Фермер бизнес режада 50 млн. сўм фойда олишни ре- жалаштирган. Йил охирида 9 млн. сўм фойда олишга эри- шилди: бу натижа, а) инфляция натижасими? б) маҳсулот кўлами ортишими? в) баҳонинг кўтарилишими? д) маҳсу- лот сифатининг яхшиланишими?

Бу саволлар мисолида рентабеллик даражасини таҳлил этинг ва реферат ёзинг.

## ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА АГРАР БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

#### ХІХ БОБ

#### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ

#### РЕЖА:

1. Бозор ўзи нима? У нима учун керак?
2. Деҳқон бозори ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиш?
4. Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш зарурми?
5. Бозор иқтисодиётига қандай усулда ўтиш мумкин?

*Адабиётлар:* 3, 5, 8, 17, 25, 26, 33, 38.

#### 19.1. Бозор ўзи нима? У нима учун керак?

Инсон товар ишлаб чиқармасдан туриб, яшай олмаганидек, бозорсиз ҳам яшай олмайди. Бозор бу ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг меҳнат маҳсули бўлган — товарни бозорда инсон учун керак ва керак эмаслиги аниқланади, унинг фойдалилик даражаси белгиланади. Товарга бўлган талаб даражаси аниқланади. Инсон бозорда фақат ўз меҳнати маҳсули бўлган товарни сотиш муносабатларинигина белгилаб олмасдан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ресурсларини ҳам сотиб олиш имкониятларини белгилайди. Инсон истеъмоли чексиз, қисқа, тез такрорланувчи жараёндир. У доимо, бозор билан мулоқотда бўлади, ўзига зарур бўлган моддий ноз-неъматларни ҳарид қилади. Бозор бу инсоннинг яшаши учун шароит яратув воситасидир.

**Бозор — бу олувчи билан сотувчи учрашадиган маҳсуус жойдир.**

Бозор — товар сотувчи билан товар сотиб олувчилар ўртасида юз берадиган муносабатларни шакллантирувчи макондир.

Бозор бошқа объектлардан тафовутланиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- бозорга тушган ҳар бир меҳнат маҳсули сотилар экан, у баҳога эга бўлади. Демак, бозорга тушадиган юз минглаб хилма хил турдаги товарлар талаб-таклиф қонуни асосида баҳоларга эга бўлади. Бу баҳолар эркин баҳо бўлиб — ҳар қандай зўравонликлардан ҳоли бўлмоғи зарур;

- бозорда имтиёзли товар сотувчи ва товар сотиб олувчи бўлмайди. Ҳамма тенг ҳуқуқли;

- бозор ҳамма сотувчи сотиб олувчи учун манфаат келтирадиган жой; товарни қимматроқ сотиш, арзонроқ сотиб олишга ҳаракат қиладиган жой;

- бозор ҳукмронлиги — товар сифати, унинг истеъмол қиймати билан белгиланади;

- бозор мардлар майдони. Кимнинг товари арзонга ишлаб чиқарилса, сифати юқори бўлса, у рақобат курашида енгиб чиқади. Бозор фирром рақобат кўрсатиш эмас, ҳалол рақобат кураши майдонидир;

- бозор бировнинг биров томонидан хафа қиладиган зўравонликка асосланган жой эмас.

Хулоса қилиб айтганда бозор — ўн минглаб, юз минглаб товар ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва олди-сотди муносабатлари шаклландиган жой бўлиб, бу муносабатлар жамият ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида шакллантиради.

## **19.2. Деҳқон бозори ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар икки бозорда: давлат томонидан белгиланган буюртмалар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (пахта, ғалла) ни сотиб олувчи давлат бозори, ҳамда моддий ноз-неъматлар кўринишида (озик-овқат, кийим-кечак, хом ашё ва ҳоказо) ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулини сотадиган — деҳқон бозорида сотилади. Қишлоқ

хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни сотиш бозорларига чиқариш бошқа соҳаларга нисбатан фарқланади:

• қишлоқ хўжалигида етиштириладиган кўпчилик маҳсулотлар (пахтадан ташқари) 100 фоиз товар маҳсулоти сифатида тушмайди;

• қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш вақти билан иш даври ўртасида катта узилиш мавжудлиги туфайли йил мобайнида 1 меъёрда маҳсулотлар ишлаб чиқарилмайди. Оқибатда, бозорнинг у ёки бу турдаги маҳсулотларга “тўйимли” ёки “тўйимсиз” ҳоллари юз беради;

• инсон истеъмоли қондирилиши зарурий шартлигини ҳисобга олган, бозорда йил мобайнида бир меъёрда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлишини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради;

• қишлоқ хўжалигида кузда етиштириладиган маҳсулотларни йил мобайнида аҳолини бир меъёрда таъминлаш мақсадида кўпчилик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини оморларда, музлаткичларда сақлаш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса товар ишлаб чиқарувчига қўшимча харажатлар сарфлаш заруриятини келтириб чиқаради;

• кўпчилик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йилда бир марта ва бир вақтда пишиб етилиши туфайли бу маҳсулотлар пишган даврда бозорда уларнинг миқдори кўпайиб, бу товарга бўлган талаб кескин қисқаради, баҳо эса пасаяди. Аксинча қиш ва баҳор фаслларида — бу товарларнинг бозордаги улуши камайиб, баҳо кўтарилишига сабабчи бўлади. Бу эса бир мамлакатнинг иккинчи бир мамлакатга боқимандалик ҳолатини пайдо қилиб, бу масалаларни ҳал қилиш анча қийинчиликларни ва қўшимча харажатларни талаб этади;

• қишлоқ хўжалик маҳсулотлари очик ҳавода ва катта майдонларда етиштириладиган об-ҳаво инжиқликларига бевосита боғлиқ бўлади. Улар таъсири остида айрим йиллари ҳосилдорлик кескин пасайиб, ялпи ҳосил миқдори сунъий равишда камайиб кетишига сабабчи бўлади;

• қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш мамлакатнинг ҳамма ҳудудларида ҳам амалга ошириш мумкин эмас. Чунки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг техникавий ҳолати билан бир қаторда у табиий, биологик, об-ҳаво, ерсув каби омилларга ҳам боғлиқ. Бу эса бозорнинг у ёки бу талабларини таъминлашда бир қатор қийинчиликларни кел-

тириб чиқаради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўз физик-кимёвий ҳамда биологик — табиий жиҳатлардан тез бузилувчи маҳсулотлар қаторига киради. Уларни узоқ муддат сақлаш, бир жойдан иккинчи жойга ташиш, қайта ишлаш жараёни кўп харажат талаб қилиш билан бир қаторда маҳсулотнинг нобуд бўлишига ҳам сабабчи бўлади;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узоқ вақт омборхоналарда сақлаб туриш мумкин эмас. Чунки, уни узоқроқ сақлаш маҳсулот сифати бузилишига, фойдалилик коэффициенти пасайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигидаги бозорларнинг ўз фаолияти ва олдига қўйган вазифаларига қараб: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори (деҳқон бозори), ишчи кучи бозори, ер бозори, ишлаб чиқариш воситалари бозори (моддий ресурслар), молия бозорлари турларига бўлинади.

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори** — энг кўп тарқалган ва аҳолининг турли туман қатламлари қатнашадиган бозордир. Бу бозорларда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиладиган бозор — деҳқон бозори, деб аталиб, унга бу бозорга қишлоқ хўжалигида иш юритаётган барча шакллардаги товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан етиштирилаётган ва ўз шахсий истеъмолидан ортиқча бўлган маҳсулотлар сотиш учун тушади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори, деҳқон томонидан етиштириладиган ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинган маҳсулотлар миқдорига боғлиқдир. Агар бу маҳсулотлар миқдори кўпайса, “бозор тўйимлилиги” ёки камаёборилса, “бозор очлиги” юз беради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорига тушувчи товар сотувчилар доимо ўз товарларини сотувчи ролини ўйнайвермайди. У бугун сотувчи ҳисобланса, эртага сотиб олувчи сифатида бозорга тушади.

Деҳқон бозорининг ҳажми унда сотиладиган товарнинг кўламига, сотиладиган товарлар обороти билан (ялпи суммаси) белгиланади.

Бу бозорда товарлар шартнома, келишилган ва бошқа турдаги эркин нархларда сотилади. Бозордан чиқиб кетадиган товарлар давлат божхоналари томонидан назорат қилинади.

**Ишчи кучи (меҳнат) бозори** — бу ишчи кучини олди-сотди қиладиган жойдир. Меҳнат бозорининг бошқа бозор-

лардан фарқи шундаки — бу бозорда инсоннинг ўзи ҳам то-варга айланади. Унинг меҳнат қобилияти ҳисобланган кучи — сотилади ва сотиб олинади. Ишчи кучи — бошқа товар қандай қонунлар асосида сотилса ҳам шу қонунлар асосида сотилади. Унинг бошқа товарлардан фарқи шундаки, ҳамма товарлар сотилгандан кейин улар сотиб олган киши қўлига ўтади. Улар бу товарларни ўз хоҳишига қараб фойдаланиши мумкин. Ишчи кучини эса ўз эгасидан ажратиш ва уни сотиб олган киши қўлига товар сифатида ўтиши ундан хоҳлаган тарзда фойдалана олмайди. Мулк эгаси ҳисобланган инсоннинг хоҳиши инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар асосида фойдаланилади. Ҳамма товарлар сотилгандан улар сотиб олган кишининг тўла мулкига айланади. Аммо, ишчи кучи сотиб олувчи мулкига айланмайди, шартнома муддати тугаши ёки шартнома риюя қилинмаган ҳолда у озод товарга айланади. Меҳнат бозори аниқ шаклларда амалга оширилади. Меҳнат бозори турлари ичида энг кенг тарқалган тури — бу меҳнат биржасидир.

Меҳнат бозори ишсизлар, қисқаси иш жойига эга бўлмаган кишилар бозоридир. Унинг ҳажми ишсизлар сонига, ишсизлар ёши, малакаси, ишчанлигига боғлиқдир.

**Ишлаб чиқариш воситалари бозори** — меҳнат қуроллари ҳамда меҳнат буюмлари олди-сотди қилинадиган бозордир. Бу бозорда сотиладиган ёки сотилган товарлар инсоннинг шахсий истеъмолига эмас, ишлаб чиқариш истеъмолига сарфланади.

Бу бозорда товарларни сотувчилар ҳам товарларни сотиб олувчилар ҳам — товар ишлаб чиқарувчилардир. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш воситалари товар ҳисобланиб, ҳар бир мулк эгаси ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантириш учун ўзига зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини эркин сотиб олиш имкониятига эга. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи бозорда ўз дидига, эҳтиёжига мос келадиган ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишга ҳаракат қилади. Ишлаб чиқариш воситлари сотувчилар билан сотиб олувчилар ўртасида:

- ўзаро келишув;
- ҳар иккала томон учун ҳам (сотувчи, сотиб олувчи) қулай шароитлар яратишга интилиш; ишлаб чиқарувчилар ўртасида бефараз рақобат бўлиши;
- бозорда талабга мос келадиган ва етарли ишлаб чиқариш воситалари бўлиши;

- сотувчи ва сотиб олувчиларга хизмат кўрсатиш турларини галаб даражасига мос келадиган ҳолатда ташкил этиш;
- келишилган баҳоларда товарларни сотиш;
- олди-сотди шартномалари талабларига тўла риоя қилиш каби масалаларни ҳал қилиш зарур.

Дехқон хўжаликлари учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини сотиш ва сотиб олишни кенг кўламда реклама қилиш, сотиш ва сотилган воситаларни эгасига етказиб бериш ва фойдаланишга ёрдам бериш хизматларини (сервис) ташкил этиш бозорнинг энг асосий воситаларидан биридир.

**Молия бозори** — бу қишлоқ хўжалигида молия хизматлари кўрсатиш бозоридир. Бу бозорнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи корхоналар, хўжаликлар, оила ва оила аъзоларининг бўш ётган молия маблағларини (пул, заем ва бошқа) вақтинча муддатга ҳақ тўлаб фойдаланиш хизматлари юзасидан бўладиган муносабатлардир. Банкларда, фонд биржасида ва аукционларда ўтказиладиган молия бозори асосан кредитлар бозори кўринишида амалга оширилади. Кредит олинган молия маблағлари эвазига тўланадиган фойз кўринишидаги “ҳақ” дир. “Ҳақ” бозорда молия маблағларига бўлган талаб ҳолатига боғлиқдир.

Молия бозори таркибига валюта бозори ҳам кириб унда чет эл валюталари олди-сотди қилинади.

Бозорлар турларига: интеллектуал товарлар бозори — ақлий меҳнат маҳсули (илм-фан янгиликлари, тасвирий санъат, музика, антиквар буюмлари, кино, ахборот ва бошқалар) шоу-бизнес бозорлари (пулли томошалар кўрсатиш) ҳам киради.

Бозорлар ва уларнинг турлари — ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос урф-одатлари, тарихи, ва ривожланиш даражасига қараб бир-бирларидан тафовутланади.

### 19.3. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз?

Инсон пайдо бўлибдики унинг олдида: нима ишлаб чиқариш зарур; уни қандай усуллар ва сарф харажатлар билан ишлаб чиқариш керак; ишлаб чиқарилган ноз-неъматлар кимга керак; уларни кимлар истеъмол қилади деган масалалар туради. Бу масалаларни ҳал қилиш ҳар хил усулда амалга оширилган. Инсоннинг ривожланиш даражаси ҳам шу масалаларни қай тарзда ҳал қилиш ҳолатига қараб белгиланган. Бу масала-

ларни қай даражада ҳал қилиши инсоннинг бозор муносабатларидаги ўрни, унга қай даражада ёндашишини, бозор қонунийтларидан қай даражада фойдаланиш даражасига қараб юксалган ёки инқирозга учраган. Бозор бу масалаларни амалга ошириш омили иқтисодиёт билан бозорни биргаликда бир хил қонунлар асосида ҳаракат қилиш тизимини барпо этади ва уларнинг талабларига тўла риоя қилган ҳолда фаолият юритади. Бу қонуният бозор иқтисодиёти, деб аталади.

**Бозор иқтисодиёти** — товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга мос келадиган иқтисодий қонунлар асосида бошқариладиган иқтисод тушунилади. Бозор иқтисодиёти тушунчаси бозор муносабатлари тушунчаси билан тифиз боғланган бўлиб, муносабат тушунчаси бозор ва бозор иқтисодиёти тушунчасига нисбатан анча кенг маънони англатади.

Юқорида қайд қилинганидек “бозор” бу аҳоли савдо сотиқ қиладиган махсус жой. “Иқтисод” хўжалик юритиш саноати “муносабат” — эса сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий алоқалардир. Демак, муносабат тушунчаси бозор, иқтисод тушунчаларига нисбатан кенгроқ маънони англатиб, ўз таркибига ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Шундай қилиб муносабатлар бозор иқтисодиёти тараққиётига бевосита боғлиқ бўлиб, унинг бағрида ривожланади, юксалади ва ўз ифодасини топади.

Бозор иқтисодиёти тушунчаси моҳиятини чуқур англамоқ учун унинг асосий белгиларини тушуна билиш лозим. Бозор иқтисодиёти эркин ҳаракат этувчи категория бўлиб, унинг амал қилиши бевосита мулк ва мулк шакллариغا боғлиқ. Бозор учун қанча кўп мулк шакллари ва уларнинг эгалари бўлган мулкдорлар қатнашса, у шунча эркин фаолият кўрсатади. Бозорда мулк ҳукмдорлиги бўлмаслиги шарт. Олди-сотди жараёнида қатнашаётган ҳар қандай мулк унинг эгаси кимлигидан, каерда ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар тенг ҳуқуқли ва бозор талабига бўйсунishi шарт. Инсон мулк эгаси сифатида бозор учун қандай товар ишлаб чиқариш зарурлигини ўзининг касби, капитали, иш тажрибаси, тадбиркорлиги, ишбилармонлиги ҳолатига қараб ўзи белгилайди. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкдор ўз мулкани қандай фойдаланиш йўллариини ҳам ўзи ҳал қилади. Хоҳлаган соҳага, тармоққа, корхонага, шахсга фойдаланиш учун бериш ҳуқуқига эга. У ўз мулкани хоҳлаганча кўпайтириш ёки



қисман-қисман ёки бутунлай сотиб юбориш масаласини ҳам ўзи ҳал қилади. Аммо, мулкдорнинг мулки давлат томонидан муҳофаза қилинади. У дахлсиздир. Ҳар бир инсон ўз қобилиятига, касбига, билимига, тажрибасига ва бошқа хусусиятларига қараб ўзига қулай ва самарали бўлган ишни танлаши ва ишлаши мумкин. Бозор иқтисодиётида иқтисодий монополиялар, рэкётлар, зўравонликлар учун йўл қўйилмайди. Иқтисодий алоқалар келишувчилик, ҳамкорлик, дўстлик, ўзаро манфаатдорлик асосида амалга оширилади. Иқтисодий алоқага қатнашувчи барча мулкдорлар, ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар), истеъмол қилувчилар (харидорлар) ўз алоқаларини товар — пул муносабатлари асосида амалга оширадилар. Олди-сотди эркин ҳолда амалга ошади. Уларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилади. Бозор иқтисодиётининг асосий белгиларидан бири — турли шакллардаги олди-сотди турлари фаолияти албатта бир-бирлари билан бозор орқали боғланиши шарт. Бозор иқтисодиёти — манфаатдорлик иқтисодиётидир. Бозорга қатнашаётган ҳар бир шахс, мулк эгаси — манфаатдорлик тарафдоридир. У сотувчими ёки сотиб олувчими, у камбағалми — бойми бундан қатъи назар ўз олдига қандайдир бир мақсад қўяди. Сотувчи ўз товарини қимматроқ сотишга ҳаракат этади. Харидор эса уни арзонроқ сотиб олишга интилади. Тадбиркорнинг мақсади кўпроқ фойда олиш бўлса, деҳқоннинг мақсади кўпроқ даромад (иш ҳақи) олишга муяссар бўлишдир. Бу фойда мезони — рақобатдир. Кимнинг товари сифатли бўлса, у кўпроқ фойда кўради. Кимнинг меҳнати, малакаси, мутахассислироқ меҳнат бўлса, у кўпроқ иш ҳақи олади. Бозор иқтисодиёти шароитида фойда орқасидан чопиш билан бир қаторда ҳамкорлик манфаати ҳам катта рол уйнайди. Сотувчи билан сотиб олувчи савдолашиб, ўзларига маъқул бўлган баҳони белгилайдилар. Бу баҳо уларнинг ҳар иккаласини манфаатига мос тушган баҳо бўлиб, бу баҳо ҳар иккаласига ҳам қандайдир маълум иқтисодий наф келтиради. Бу эса товар сотувчининг ўзига узоқ муддатли товар сотиб олувчи ҳамкор, шерик ва бошқа турдаги клиентларнинг пайдо бўлишига имконият яратади. Бу мақсадда маълум миқдорда (масалан, 25, 50, 100 дона) товар сотиб олганлиги учун битта ёки иккита товарни “мукофог” сифатида бекорга бериш каби манфаатдорлик усуллар чет мамлакатларда кенг ёйилган.

Бозор иқтисодиётининг яна бир ўзига хос белгиси — инсонда иқтисодий стимулларга интилиш руҳида тарбиялашдир. У ҳамма инсонларни тўқ, тўкин-сочин, хотиржам яшаш катта обрў-эътиборга эришиш, ҳаётда ўз ўрнини топа билиш омилларига асосланган.

Бозор иқтисодиётининг туб моҳияти — бозорда олди-сотди жараёнини **иқтисодий рағбатлантириш механизмини** барпо этишдир.

Иқтисодий рағбатлантириш — нарх-наво, фойда, зарар, сарф, харажат, ютиш, ютқазिश, рақобат, келишув, солиқ, субсидия, бошқа бозор унсурларини ишга солиш асосида бозор рағбатлантириш механизмини яратишдир. Бозор иқтисодиёти белгиларидан яна бир эркин нархларнинг ҳаракат этишини таъминлаш, доимо нарх-навони ҳисобга олиш, фойда-зарар мезонини аниқлашдир.

Бусиз бозор тўйимлилиги, товарлар билан таъминланиши, моддий тўкин-сочинлик юз бермайди. Бозор иқтисодиёти доимо бозорнинг тўкин-сочинлиги, товарларнинг сероблиги, аҳолининг сотиб олиш қувватини ошира боришни тақозо этади. Бозор иқтисодиётининг асосий мақсади — аҳоли турмуш даражасини мунтазам ошира боришга эришиш шарт-шароитларини яратишидир. Бу фаровонлик негизини кишилар ўз меҳнатлари, ишбилармонлиги, мулкларидан нақадар самарали фойдалана олиш даражаси, ўз меҳнатлари натижалари каби омиллар ёрдамида таъминлайди. Бозор иқтисодиёти белгиларидан энг асосийси ҳар бир киши эплай оладиган иш билан шуғулланиб, ишлаганига қараб иш ҳақи, даромад олишни таъминловчи адолатли иқтисод йўлидир. Бозор иқтисодиёти камбағал ва қашшоқларнинг тенглиги эмас, балки ўзига тўқ кишиларнинг тенгсизлигидир. Тенгсизликнинг бўлиши адолат ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма яшаш минимумига эга бўлиши шарт. Энг кам даромад чегараси давлат томонидан белгиланиб қўйилади. Бозор иқтисодиётида даромадаларнинг юқори чегараси ҳеч ким томонидан чеклаб қўйилмайди. Бу эса кишиларни янада кўпроқ пул топиш иштиёқини кучайтиради, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан манфаатдор бўлишини оширади. Бойликка ҳавас уйғотади. Кишиларда бой бўлишга интилиш ҳаваси кучаяди, иқтисодий фаоллик юз беради. Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси шундаки, аҳоли қанча бой бўлса, унинг оиласи шунча бой бўлади. Оила қанча бой бўлса, давлат шунча бой бўлади.

## 19.4. Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш зарурми?

Бозор иқтисодиёти янги пайдо бўлган нарса эмас, у оддий товар ишлаб чиқариш пайдо бўлиш жараёнида пайдо бўлиб, бир неча минг йиллардан буён ривожланиб, турли иқтисодий формацияларда ўз ҳаракатини давом эттириб келмоқда. Жаҳондаги барча мамлакатлар бевосита бозор иқтисодиёти билан алоқадор бўлсаларда, улар бозор иқтисодиёти йўлини босиб ўтишда ҳар хил моделлардан фойдаланмоқдалар. Бу моделларни икки гуруҳга: бозор иқтисодиёти ва марказлашган иқтисодиётга бўлиш мумкин. Жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар (социалистик лагердан ташқари) эркин бозор иқтисодиёти йўли билан собиқ СССР ва унга эргашган бир қатор социалистик давлатлар (Венгрия, Куба, Чехословакия, Руминия ва бошқа) эса марказлашган иқтисодиёт йўли билан ривожландилар.

Кўп йиллик тарих сабоқлари кўрсатишича бир давлат ҳисобланиб (Германия, Корея ва бошқалар) икки турдаги иқтисодиёт билан иш юритилган давлатнинг бозор иқтисодиёти асосида ўз иқтисодиётини амалга оширган давлатлар қисқа вақтда жуда кескин ривожланиш (ФРГ, Жанубий Корея) йўлига ўтган ҳолда марказлашган иқтисод йўлида иш юритган (ДРГ, Шимолий Корея) мамлакатлар ўз иқтисодиётини юксалтира олиш имкониятига эга бўла олмадилар. Бунга собиқ СССРни яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жаҳоннинг барча ерида марказлашган иқтисодий модели асосида иш юритган мамлакатларда иқтисодий ривожланиш юз бермади. Ҳалқ фаровонлиги таъминланмади, эртанги кун ташвишидан халос бўла олмади.

Бу икки бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги маълумотлардан яққол кўриш мумкин (Ё. Абдуллаев маълумотлари).

Иқтисодий фаолият турлари	Марказлашган иқтисодиёт (маъмурий буйруқбозлик)	Эркин бозор иқтисодиёти.
Ишлаб чиқариш	СССР давлат ривожлантириш комитети томонидан асосий кўрсаткичлар ишлаб чиқаришлар бди. режа КПССнинг навбатдаги съездида тасдиқланиб, "суверен" Республикаларга бажариш учун жўнатилади. Республика Госплани бу маълумотларни вилоятларга,	Эркин фаолият асосида ҳар бир фирма, корхона деҳқон, шахс ўз салоҳиятига, бозордаги талаб ва таклиф, нарх-навога, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш гуғрисида қарор қабул қилиш, ишлаб чиқариш натижаларидан қурадиган фойда ёки зарар учун фақат товар ишлаб чиқарувчи ўзи жавоб беради. Бунда ҳокимлик

	<p>вилоятлар эса туманларга, гуманитар эса хўжаликларга, хўжаликлар эса бригада ва звеноларга юборган.</p> <p>Нимани қанча ишлаб чиқариш, ресурсларини қадрдан олиш маҳсулотларини қимга сотиш ва қандай нархда сотиш ҳаммаси давлат томонидан режалаштириллар эди. Ишлаб чиқарувчилар ҳеч қандай эркинликка эга бўлмади, буйруқни бажарувчи одам эди.</p> <p>Режани бажариш қонун, уни ошири билан бажариш шараф ҳисобланиб, оширилиб бажарилган режа келгуси йил режаси учун асос қилиб олинар эди.</p>	<p>ролинни давлат эмас балки бозор уйнайди.</p> <p>Бозордаги талабга қараб товар ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган товарлар эвазига фойда олиш бойлик ошириши.</p>
Ғақсимот	<p>Давлат томонидан маҳсулотнинг тақсимланиши</p> <p>ишлаб чиқариш воситалари ва моддий ресурсларини талабни ўрганмаган ҳолда куз чамада марказлашган ҳолда корхоналарга тақсимлаш.</p>	<p>Маҳсулотнинг бозор томонидан тақсимланиши</p> <p>ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш ресурслари талаб ва тақлифлар асосида эркин ҳолда бозордан сотиб олиш</p> <p>Бозорда ишлаб чиқарувчи эмас балки истеъмолчи ўз ҳукминини ўтказди. У хоҳлаган товарни хоҳлаган баҳода танлаб олиш имкониятига эга.</p>
Айирбошлаш	<p>Истеъмол буюмлари савдо вазирлиги ва унинг жойлардаги шаҳобчалари орқали марказлашган ҳолда тақсимланган ва айирбошланган.</p> <p>Истеъмолчи эмас балки ишлаб чиқарувчи ўз измини ўтказар эди. Шу сабабли савдо шаҳобчаларида сифатсиз, талабга жавоб бера олмайдиган товарлар сотилмасдан узоқ вақт ётиб қолар эди.</p>	<p>Истеъмол буюмлари махсус истеъмол товарлари ва хизматлари бозори арзон эркин нархларда айирбошланади.</p> <p>айирбошлашда ишлаб чиқарувчи эмас балки истеъмолчи ўз измини ўтказди. Сифат ва нарх истеъмолчининг талабларини тўла қондирмаса, уша товарни у сотиб олмайди.</p> <p>Айирбошлашда харидор ҳукми (монополия) вужудга келди.</p>
Истеъмол, даромад	<p>Даромадлар бир текисда тақсимланиб, кишиларнинг иқтисодий жиҳатдан баробарлаштиришга интилиш тактичи ўрнида турар эди. Қатъий белгиланган нис ҳақи (оклад) ойлик тўловларининг асосий қисмини ташкил қилар эди.</p> <p>Бой бўлиш тақиқланар, натижада яширин тарзда, ғайриқонуний йўл билан даромад тонинга интилиш пайдо бўлар эди.</p> <p>корхона, хўжалик ва гашкилотлар доирасида ҳам даромад белгилаш давлат ўриятган меърдан ошмасди ва буларнинг барчаси</p>	<p>Бозор шароитида адолат принципини ҳаммаси бир хил қилиш эмас балки ҳамиятнинг табақалашувини билдиради.</p> <p>Табақалаш бойларга ҳавас қилиб улардай бўлишга интилишни ҳосил қилади. Бу эса яхши ишлаганга ундайди.</p> <p>Истеъмол муносабатини тенгликка эмас, балки тенгсизликка келтириб чиқаради ва бу иқтисодиётнинг ўсишига катта рағбат беради.</p> <p>Бозор иқтисодиётига ҳос қондалардан бири бу – даромадларини ишлаб чиқаришнинг ўзида тақсимланишидир. Бу ерда</p>

<p>ижтимоий адолат деб эълон қилинади.</p> <p>Кishiларнинг минимал даражада, лекин бир текисда таъминланиб турилиши уларни иқтисодий фаолликка бинобари, даромад топиб бой бўлишга эмас, балки боқимандаликка ундари.</p>	<p>кимга қанча иш ҳақи белгилашни улар ҳал қилишади.</p> <p>Даромадларнинг чекланмаганлиги бу – қўшимча даромад топишга интилишни пайдо этади. Бойликка ҳавас иқтисодий фаолликни юзага чиқаради.</p>
---	---

Хулоса қилиб айтганда фақат бозор муносабатларига асосланган бозор иқтисодиёти замиридагина ишлаб чиқаришни барқарор юксалтира олиш, кўплаб хилма хил ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларга бўлган талабни мунтазам ошира бориш шароитларини яратиш, тежамли хўжалик юритиш, мўл-қўлчилик, тўкин-сочинлик яратиб халқни фаровон турмуш сари йўллаш, ҳалол ва самарали меҳнатни қадрлаш, адолатни ўрнатиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиёти ривожланмаган мамлакатлар учун тарихий заруриятдир. Ундан бошқа ривожланиш йўли йўқ. Бозор иқтисодиёти қуйидаги муаммоларни ҳал қилиб бериш имкониятини яратади:

- ишлаб чиқаришни мутахассис ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб оқибатда мамлакатда мўл-кўл ноз-неъматлар яратиш имконияти пайдо бўлади;
- хўжалик юритишнинг тежамкорлик усулларида фойдаланиш оқибатида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилади;
- мамлакат халқининг моддий-маиший ҳамда маданий фаровонлигини юксалтиради;
- меҳнат унумдорлиги ошади, меҳнатга бўлган муносабат ўзгаради;
- умуминсоний, ижтимоий адолат тамойиллари ҳаётга чуқурроқ татбиқ қилиниб, ҳаётнинг янада мазмундорлигини оширади.

Бозор иқтисодиётини бошидан кечирмасдан туриб ҳеч бир мамлакат ривожланган мамлакатлар даражасига кўтарилиши мумкин эмас. Масалан, ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот жиҳатидан ҳали ривожланмаган мамлакатларда (МДҲ) 40-60 марта, қолоқ мамлакатларда (Африка қитъасидаги мамлакатлар) 80-100 баробар паст бўлиб, уларни фақат бозор иқтисодиёти қонуниятларидан фойдаланишигина бу – хор-зорликлардан қутултириш мумкин.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч йўли мавжудлигини кўрсатмоқда:

- Классик йўл ёки Ғарбий Европа ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли;

- Мустамлакачилик асоратидан қутулган мустақил тараққиёт йўлига ўтиб, ривожланган Осиё, Африка ва Лотин Америка мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли;

- Социалистик лагер таркибига кирган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли.

**Классик йўл** — бу йўл ҳозирги ривожланган мамлакатларда бозор иқтисодиётининг шаклланиш йўли. Бу йўл узок вақтни ўз ичига олиб борувчи эволюцион йўлдир. Бу йўл билан бозор иқтисодиётини ўз бошларидан кечирган мамлакатлардан иқтисодий ривожланиш базаси XX асрнинг биринчи ярмида шакллана бориб, ўз натижасини XX асрнинг охирида кўрсата бошлади. Бу йўлга ўтган ҳамма мамлакатларда ривожланиш барча соҳа, тармоқларда юз беради.

**Мустамлакачилик асоратидан озод бўлган ёш мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли.** Бу йўлнинг биринчи йўлдан фарқи шундаки, улар бозор иқтисодиётининг барча босқичларини бирин-кетин босиб ўтиш оқибатида ривожланишга эришиб қолмасдан сакраб-сакраб бир неча босқични бир вақтда босиб ўтиш йўли билан ривожланишга эришишда. Масалан, жуда қолоқ оилавий деҳқон хўжалиги от-улов ёрдамида ўз хўжалигини юргизишдан бирданига машиналашган ишлаб чиқариш хўжалигига айланиб қолади. Бу йўлда бозор иқтисодиётига ўтиш ўз кучи билан эмас, балки ривожланган мамлакатлар ёрдамига ва тажрибасига таянади. Ҳар иккала йўлнинг умумийлиги шундаки, уларда бозор иқтисодиётига ўтиш хусусий мулк ва хўжалик юритишнинг хусусий усуллари замирида амалга оширилади.

**Собиқ социалистик лагер таркибига кирган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли.** Бу йўл тўла давлатлаштирилган режали (маъмурий буйруқбозлик) иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидир. Бу йўл режали бозор иқтисодиётининг давлат тузумини ўзгартириш оқибатида амалга ошириладиган ислоҳот натижасида юз беради. Режали иқтисодиёт аста-секин эркин бозор иқтисодиётига айлана боради. Бу йўл билан ҳозирги вақтда социалистик лагерга кирадиган боқий мамлакатлар (Руминия, Чехословакия, Полша,

Германия ва бошқалар) ҳамда СССРнинг парчаланиши натижасида пайдо бўлган 15 та давлатлар (МДХ) ўтмоқдалар.

Бу давлатлар учун тараққиётнинг учинчи йўли йўқ, улар хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам.

### 19.5. Бозор иқтисодиётига қандай ўтиш мумкин?

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳар бир мамлакат иқтисодиётига мос келадиган модел асосида амалга оширилади. Бу моделлар асосида иқтисодий ислоҳотлар ётади. Бозор тизими шу ислоҳотлар натижасида юзага қелди. Шунинг учун бу ислоҳотлар бозор ислоҳотлари, деб аталади.

Бозор ислоҳотлари бозор иқтисодиётини яратишга қаратилган, давлат томонидан олға сурилган. Аммо кенг меҳнаткаш оммаси иштирокида амалга оширилган иқтисодий чора-тадбирлар тизимидан иборатдир. Бу ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётининг ҳамма соҳалари ва тармоқларида бирданига амалга оширилади ва уни бир-бирлари билан узвий боғланган ҳолда ривожлантириш тадбири чоралар орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш “Ўзбекистон йўли”, деб аталувчи йўл асосида амалга оширилмоқда.

Бу йўлнинг қўзлаган асосий вазифаси: биринчидан — Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминлаш учун иқтисодий пойдевор қўриш; иккинчидан — бозор иқтисодига ўтиш иқтисодий мустақилликка фақат бозор иқтисодиёти орқали эришиш мумкин. Бу йўл Ўзбекистонни келажакда иқтисодиёти ривожланган, демократик ривож топган, социал барқарорлик ҳукм сурган давлатга айлантиришни мўлжаллайди. Ўзбекистон келажаги буюк давлат деган илмий хулосага асосланади. Мамлакат Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Республиканинг бозор муносабатларига ўтишда ўз йўлидан изчиллик билан бориши, демократик ўзгартиришлар, Республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-эътиборини мустақкамлаш учун пухта моддий негиз яратади”. Бу борада Ўзбекистон олдида қуйидаги вазифалар туради:

- ҳамма мулк шакллариининг тенглигини таъминлаш;
- иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш;
- ишбилармонликни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш;
- эркин нарх-навога ўтиш;

• иқтисодий монополизмга йўл бермаган ҳолда рақобатга кенг йўл очиш;

• ишлаб чиқаришнинг замонавий, миллий манфаатга мос бўлган структурасини яратиш;

• қудратли иқтисодий салоҳиятга таянган ҳолда мамлакат миллий бойлигини ошириб, халқнинг ҳамма қатламларига фаровонлик бериш, келажакка ишонч ҳосил қилиш;

• халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалиги билан интеграциялашувига эришиш.

Демак, бозор иқтисодиёти бу — кенг маънода эркин манополиялашмаган, юксак ривожланган аниқ ижтимоий мўлжалга эга бўлган иқтисодиётдир. Унга иқтисодий фаолияти эркинлиги, мулк шакллари-нинг тенглиги, иқтисодиёт субъектларининг рақобатлашуви, ҳўжалик юритиш шакллари-нинг турлитуманлиги, иқтисодиётни тартиб-лаш зарурлиги, ижтимоий ҳаётда ижтимоий ҳамкорлик муносабати бўлишини тақозо этади.

“Ўзбекистон йўли” бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос **бенга асосий тамойиллари:**

• Иқтисодиётининг сиёсатдан устунлиги;

• Давлат асосий ислоҳотчи;

• Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги;

• Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш;

• Бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиб бориш асосида амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий ислоҳотлар асосида амалга оширилади.

Бу ислоҳотлар:

• мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш;

• қишлоқ ҳўжалигини (аграр сектор) ислоҳ қилиш;

• молия-кредит тизимини ислоҳ қилиш;

• бозор тузумини шакллантириш;

• ижтимоий соҳада ислоҳотларни амалга оширишдир. Мамлакатда ресурслар чекланганлигини ҳисобга олиб бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган барча ислоҳотларни бир вақтда амалга ошириш имкониятига эга бўлиш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, улар ичидан энг устувор йўналишларини биринчи навбатда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, дебатопилди. Бу устуворликка эга бўлган ислоҳотлардан бири — қишлоқ ҳўжалик ислоҳотидир. Бу ислоҳотларга:



· фермер, деҳқон ва ширкат хўжалиklarини сон ва сифат жиҳатидан ошириш;

· деҳқонларни даромад ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш, уларга эркин тус бериб, жаҳон бозоридаги нарх-наволар даражасига кўтариш;

· пахта якка ҳоқимлигига барҳам бериш;

· шахсий ёрдамчи хўжалиklarнинг эгаларини (томорқа хўжалиги), фермер ва деҳқон хўжалиklarини чорвачилик маҳсулотлари етиштиришини кўпайтиришга рағбатлантириш;

· хўжалиklarга кўпроқ эркинлик бериш;

· қишлоқда ишлаб чиқаришни ҳақиқий шакллантиришни яратиш ва улардан фойдаланиш;

· ерни деҳқонларга фойдаланиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бериш;

· қишлоқ хўжалигида банд бўлмаган “ортиқча” ишчи кучини бошқа соҳаларга ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига жалб этиш;

· қишлоқ инфратузилмаларини ташкил этиш;

· ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

· давлатнинг бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига аралашушига барҳам бериш;

· деҳқонни ишлаб чиқарган маҳсулотига эгадорлигини таъминлаш ва уларни эркин баҳоларда сотишни ташкил этишга кўмаклашиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш қисқа муддатли вазифа эмас.

**“Бозор иқтисодиётига катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаш ўзимиз учун қатъият талаб этади”.**

**И.А.Каримов.**

Бозор иқтисодиётига ўтиш осонликча амалга ошмайди. Бозор иқтисодиётига ўтган илғор мамлакатлар тажрибаси бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч босқичини:

· иқтисодиётни барқарорлаштириш;

· бозор инфратузилмасини яратиш;

· бозор муносабатларига ўтиш.

- Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишининг 4 босқичини:
- ҳуқуқий асосларини яратиш;
  - молия-кредит тизимини соғломлаштириш;
  - бозор муносабатларини шакллантириш;
  - бозор муносабатларини ривожлантириш босқичини

анлади.

Бу босқичларнинг ҳар бирида маълум, аниқ бозор иқтисодиётига тегишли масалалар ҳал қилинади.

6-жадвал

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва ундаги ҳал қилинадиган вазифалар

Босқичлар	Вазифалар
I босқич Ҳуқуқий асосларини яратиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• мулкий масалалар</li> <li>• банк масалалари</li> <li>• бандалик масалалари</li> <li>• инвестиция масалалари</li> <li>• тадбиркорлик фаолияти</li> <li>• ташқи иқтисодий алоқалар</li> <li>• хусусийлаштириш қонунилари</li> </ul>
II босқич Молия-кредит тизимини соғломлаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• нарх назоратини чеклаш</li> <li>• инфляцияни жиловлаш</li> <li>• бюджет тақчиллигини камайтириш</li> <li>• даромадларини индексиялаш</li> </ul>
III босқич Бозор муносабатларини шакллантириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• иш ҳақини ислоҳ қилиш</li> <li>• чет эл инвестицияларида фойдаланиш шароитларини яратиш</li> <li>• биржалар фаолиятини кенгайтириш</li> <li>• монополияга чек қўйиш</li> <li>• валюта бозорини ривожлантириш</li> <li>• эркин нархлар ҳаракатига шароит яратиш</li> <li>• хусусийлаштиришни чуқурлаштириш</li> </ul>
IV босқич Бозор муносабатларини ривожлантириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• соғлом бозор рақобатини ташкил этиш</li> <li>• ўз-ўзини бошқарувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини ривожлантириш</li> <li>• банк-кредит тизимини шакллантириш</li> <li>• давлат солиқ тизимини соғломлаштириш</li> <li>• бозор конъюктурасини чуқур ўрганиш ва уни жонлантириш</li> </ul>

Бу босқичлар бир-бирлари билан узвий боғланган бўлиб, уларнинг яхлит ҳаракати натижасида бозор иқтисодиётига кенг йўл очиб бериш мумкин. Мамлакат Президенти И. Каримов иккинчи босқич моҳиятларига тўхтаб:

**“Ҳас... ривожланаверади, вазият ўзгара боради, демак, биз янгича ёндашувларни, ноанъанавий ечимларни излаб топишимиз лозим. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг моҳияти ҳамда талаби ана шундан иборат” деган эди.**

Демак, ҳар бир босқичнинг ўзига хос вазифалари ва уларнинг ечимлари беқийёс кўп. Уларни ҳаёт, тажриба, меҳнат ва ўзбек халқи сўзсиз ҳал қилиш имкониятига эга.

## I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун ўнг томондаги мос келадиган таърифларни топинг.

1. Режали иқтисодиёт –	1. Дехқон, ўқитувчи, артист, ишчи
2. Бозор иқтисодиёти –	2. Нима, қанча, қандай, ким?
3. Бозор иқтисодиётининг қандай турлари мавжуд?	3. Унта, саккизта, тўртта, бешта.
4. Бозор иқтисодиёти инсонга нима беради?	4. Иқтисодий фаолиятда эркинликка, хўжалик юртида оқилоналик тамойилларига асосланган иқтисодиёт.
5. Бозор муносабатлари –	5. Давлат томонидан халқ хўжалигини режа асосида бошқариш.
6. Бозор иқтисодиётининг тўрт устуни	6. Давлат мулкни сотиш.
7. Чеklangан ресурслар –	7. Ресурсларнинг камёблиги.
8. Маҳсулотни ким ишлаб чиқаради?	8. Инсон ишлаб чиқарилган ўз товари билан бозор иқтисодиёти асосларидан ўз бахтига етishi мумкин.
9. Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари –	9. Ёввойи бозор иқтисодиёти, маданийлашган бозор иқтисодиёти.
10. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг неча тамойили бор?	10. Бозорда олди-сотди жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуи.
11. Хусусийлаштириш –	11. Классик, мустамаккачиликдан озод бўлиб, ўз мустақиллигини тараққий этаяётган мамлакатлар ва социалистик лагер мамлакатлари.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Бозор муносабатлари ва бозор иқтисодиёти тушунчалари бир хилми?

2. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз?
3. Нималар бозор муносабатларининг асосий пойдевори ҳисобланади?
4. Эркин нарх деганда нимани тушунасиз?
5. Рақобат деганда нимани тушунасиз, унинг қандай турлари бор?
6. Бозор иқтисодиётига ўтиш деганда нимани тушунасиз?
7. Бозор унсурлари нима?
8. Бозор иқтисодиётининг тўрт устуни нима?
9. Чекланган ресурслар тўғрисида сизнинг фикрингиз.
10. Бозор иқтисодиётига ўтишда моделлардан фойдаланиладими?
11. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг “Ўзбекистон йўли” деганда нималарни биласиз?

### III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Қайси ислоҳотлар бозор ислоҳотларининг асосий бугини бўла олишини аниқланг: давлат ислоҳоти, мулк ислоҳоти, қишлоқ хўжалик (аграр) ислоҳоти, меҳнат ислоҳоти, молия кредит ислоҳоти, экспорт — импорт ислоҳоти.
2. Ўзбекистон ваучерлаштиришдан нима учун воз кечди? Асосий сабабларини тўла баён этган ҳолда кичкина иншо ёзинг.
3. Аҳолининг кам таъминланган қатламларига бозор иқтисодиёти қандай таъсир этади? Давлат эса уни қандай ҳимоялайди?
4. Сизнинг назарингизда бозор иқтисодиётининг ҳамма модели борми? Ўзбекистон бозор сари ривожланишининг ўз моделини танлаб олганлигига сабаб нима?
5. Бозор иқтисодиётига ўтишда бошқарувчининг маъмурий усуллари ўз аҳамиятини йўқотадими? Шу фикр тўғрими? Қисман тўғрими? Жавобингизни асослаб беринг.
6. Бозор иқтисодиётига ўтишда хусусий мулкнинг ўзига хос жиҳати нимада?
7. Бозор иқтисодиётига ўтишда аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллариининг қайси бирини устувор шакл дея оласиз?

## XX БОБ

### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АГРАР – ТОВАР – ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ

#### РЕЖА:

1. Товар ишлаб чиқариш — деҳқон учун зарурми?
2. Ишлаб чиқарилган маҳсулот товарга айланмоғи учун у сотилиши шартми?
3. Деҳқон ўз товари билан бозорни тўйинтира оладими?
4. Товар маҳсулоти улушини кўпайтириш қандай омилларга боғлиқ?
5. Товар маҳсулоти сифатини яхшилаш нима учун зарур?
6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда давлат буюртмаси деганда нимани тушунасиз?
7. Деҳқон маҳсулотларини қулай шароитларда сотиши мумкинми?

*Адабиётлар:* 1, 2, 3, 4, 5, 9, 15, 16, 23, 27, 28, 35, 40.

#### **20.1. Товар ишлаб чиқариш деҳқон учун зарурми?**

Деҳқон ишлаб чиқариш жараёнига ўз мулки билан, ўзи, оиласи, қариндош-уруғи билан якка ёки коллектив (бирлашган) ҳолда қатнашади. Бу қатнашиш жараёнида қандайдир бир турдаги ёки бир неча турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаради ёки ишлаб чиқаришга қатнашади. Деҳқон томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот икки мақсад учун: шахсий истеъмолга ва сотиш учун сарфланади. Деҳқон учун етиштирилган маҳсулот ўзи ва оила аъзоларининг шахсий истеъмоли учун сарфланса, у ҳолда унга меҳнат маҳсули шахсий истеъмолга тегишли бўлиб, бошқа шахснинг истеъмоли билан ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Бу маҳсулот сотилмайди, бирор кишидан бошқа тури билан алмаштирилмайди, қарзга берилмайди. Шунинг учун, деҳқоннинг шахсий истеъмолига

сарфланган маҳсулоти товарга айланмайди. Шунинг учун ҳам, уни — маҳсулот, деб атаймиз. Аммо, деҳқон ҳамма турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тўла ўз оиласида истеъмол этмайди. Чунки, **биринчидан** ишлаб чиқарилган маҳсулотни тўлалигича истеъмол қилиш имконияти йўқдир, **иккинчидан** унинг истеъмоли фақат ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар тури билангина қондириш имконияти пайдо бўлмайди. Ўз маҳсулоти билан бир қаторда ўзгаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини истеъмол қилмасдан яшай олмайди. Оқибатда ҳар бир деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотини “ортиқча” қисмини товар сифатида зарур бўлган товарларга айирбошлайди. Мана бу ҳолда деҳқоннинг “ортиқча” маҳсулоти товарга айланади. Ҳар бир деҳқон ишлаб чиқарган меҳнат маҳсулини қанча қисми “маҳсулот”, қанча қисми “товар маҳсулоти” бўла олишини ўзи ва бозор ёрдамида аниқлайди. Булар орасидаги чегара ўзгарувчан характерларга эга. Бу нуқтаи назардан ҳар бир деҳқон ўзи учун ҳамда айирбошлаш мақсадида меҳнат қилади. Ҳар бир деҳқон ўзининг қандайдир бирор турдаги маҳсулотини ишлаб чиқариш, уни бошқа товарларга айирбошлаш жараёнида товар ишлаб чиқарувчилар билан товар сотиб олувчилар орасида юз берадиган муносабатларга **ижтимоий товар муносабатлари**, ишлаб чиқаришнинг ўзи эса **товар ишлаб чиқариш**, деб юритилади.

Деҳқонлар томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хилма хил бўлиб, уларнинг ҳар бири — инсоннинг қандайдир бирор эҳтиёжини қондира олиш хусусиятига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқарилган товарлар бир-бирларидан фарқланади. Масалан, нон инсон учун яшаш воситаси ролини ўйнаса, уст-бош уни совуқдан, иссиқдан, яланғочликдан сақлаш учун хизмат қилади. Товарларнинг бу хусусияти уни **истеъмол қийматини** ташкил этади. Истеъмол қиймати товар ишлаб чиқарувчи учун эмас балки товарни сотиб олаётган харидор учун бўлиши шарт. Ҳар қандай товарнинг эгаси юз марта мақтагандан, сотиб олувчининг бир марта салбий баҳоси бу товарни шу харидор учун истеъмол қиймати йўқлигидан далолат беради. Истеъмол қиймати харидор томонидан аниқланади, баҳоланади ва товарга айланади. Бозорда ҳар хил товарлар бир-бирлари билан солиштирилади. Эҳтиёж пайдо бўлган ҳолда алмаштирилади. Бир товарни иккинчи

бир товар билан айирбошлаш товарнинг алмашув қиймати дейилади. Масалан, деҳқон 100 кг бугдойни 1000 сўмга сотиб, 1000 сўмга костюм сотиб олди деб фараз қилайлик. Бу ҳолда ҳам бугдойнинг истеъмол қиймати, костюмни эса алмашув қиймати юз беради.

Товарлар бир-бирлари билан айирбошланишида унинг фойдалилик хусусияти (истеъмол қиймат)дан ташқари ҳамма товарлар учун умумий бўлган қийматига эга бўлиши керак.

Товар қиймати — уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат миқдори билан белгиланади. Ижтимоий зарурий иш вақти товар қийматини белгилайди. У 1) ўртача тенглик даражага; 2) ўртача меҳнат малакасига ва маҳоратига; 3) меҳнат интенсивига боғлиқдир. Агарда товар ўз истеъмол қиймати билан бошқа товарлардан фарқланса, қиймати билан эса бир-бирлари билан солиштирилади ва унинг товарлар дунёсидаги мавқеи баҳоланади. Бу қонуният асосида товарлар бир-бирлари билан солиштирилади, оқибатда алмашиналади. Товарлар фақат ўз қиймати даражасига қараб ўлчовларда ҳисобланади ва айирбошлаш шу ўлчов асосида амалга оширилади. Эндиликда деҳқоннинг ишлаб чиқарган товари фақат ўзи ишлаб чиқаришга қатнашаётган оила аъзолари ёки четдан жалб қилинган кишилар меҳнати натижасидагина эмас балки шу ишлаб чиқаришга қатнашган ишлаб чиқариш омиллари натижасидир. Шунинг учун деҳқон, товар ишлаб чиқаришда унга қатнашадиган омиллардан қай даражада фойдаланилганлиги ва фойдаланиш ҳолатига бевосита боғлиқдир. Булар ўз навбатида деҳқоннинг товар ишлаб чиқариш эвазига кўрадиган фойдаси (нафи) даражасини ўзида акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, деҳқон каерда ишлаши, яшаши, миллати, ирқи, жинси, маълумоти, касби, хунари ва бошқа ижтимоий ҳолатдан қатъи назар унинг асосий касби, хунари ва мақсади ва мақсадга эришиш ўлчови — товар ишлаб чиқаришидир. У товар ишлаб чиқармасдан яшаши ва ривожланиши мумкин эмас. Деҳқон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқармасдан туриб мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириши, халқни моддий маиший фаровонлигини юксалтиришга эришиш мумкин эмас. Деҳқоннинг ўзини бой қилмасдан туриб, у ишлаётган мамлакатни бой қилишга эришиш мумкин эмас.

## 20.2. Ишлаб чиқарилган маҳсулот товарга айланмоғи учун у сотилиши шартми?

Ҳар қандай шароитда ҳам маҳсулот товарга айланмоғи учун у айирбошлаш жараёнини ўз бошидан кечириб, ўз эгасини алмаштириши, сотилиши шарт. Товарни товарга айирбошлаш эквиваленти — пулдир. Пул — бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради. У хоҳлаган товарни харид қила олишчи кучига эга бўлган махсус товардир. Пулга эга бўлиш деган сўз хоҳлаган товарни хоҳлаганча (натурал кўринишда) сотиб олиш имкониятига эга бўлиш демакдир. Ҳозирги иқтисодий ҳаёт — бозор иқтисодиёти фақат пул билан тирик. Пул йўқ ерда бозор иқтисодиётининг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки, бозор иқтисодиёти товарлар ва товарлашган хизматларнинг ишлаб чиқаришдан бошлаб то истеъмолчига етиб боргунга қадар ҳаракати фақат пул воситаси ёрдамида амалга оширилади. Пул ёрдамида товар ишлаб чиқариш хизматлари бажариш учун зарур бўлган барча ресурслар ўз ҳаракатини амалга оширади. Оқибатда янги товарлар, хизматлар яратилиб, улар сотилади, истеъмол қилиш жараёнида ўз шаклини йўқотади. Пул унинг яна янгисини ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Бу жараён — **товар-пул муносабатлари**, деб юритилади.

Қишлоқ хўжалик тармоқлари ва агросаноат мажмуига кирувчи товарлар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар товар-пул шаклидаги муносабатлар асосида амалга оширилади. Аммо, бу муносабат амалга ошмоғи учун бозор товарга тўйинган бўлиши, товарларнинг сотилиши учун унинг қийматига тенг бўлган пул миқдори мавжуд бўлиши шарт. Бу муносабат бузилиши ёки товарлар баҳосини пасайтириш ёки кўтаришини, қадрининг ортиши ёки камайишига олиб келади. Бозор қанча тўйинган сари пул қадри орта бориши лозим. Акс ҳолда, бозорда қиймат қонуни ҳаракати бузилади, талаб, таклиф қонунлари асосида номувофиқлик пайдо бўлади. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзларининг маҳсулотларини бозор орқали истеъмолчиларга тайёрлов, қайта ишлаш, сақлаш корхона, ташкилотларга бозордаги савдо сотиқ ширкатларига талаб-таклифдан келиб чиққан баҳоларда айирбошлайдилар. Иккинчи томондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янгидан ишлаб чиқариш учун улгуржи савдо ти-



зимларидаги бозорлар орқали уларга зарур бўлган моддий ресурслар харид қиладилар. Бу нуқтаи назардан олиб қараганда деҳқон фақат ўз товарини бозорда сотувчи кўринишидагина тушиб қолмасдан, балки товар сотиб олувчи сифатида ҳам тушади. Демак, деҳқон товар-пул муносабатлари асосида ўз ишлаб чиқаришини ривожлантира олиш имкониятларига эриша олиш ёки эриша олмаслиги тажрибада исботланади.

Товар-пул муносабатларининг асосида қиймат қонуни ётади. Бу қонун товарларни ишлаб чиқариш харажатлари билан уларни сотиш баҳоси орасидаги тафовутларда намоён бўлади. Товарлар қиймати уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ўрта меъёрдаги (ижтимоий зарурий) харажатлар миқдори билан белгиланади. Қиймат қонуни таъсири натижасида бозор товарлари баҳоси ўзгариб туради. Товар баҳоси товар ишлаб чиқариш харажатларидан ортиқча бўлиб у фақат ишлаб чиқариш сарфини кенглабгина қолмасдан товар эгасига маълум миқдорда фойда келтириши шарт. Акс ҳолда, товар ишлаб чиқарувчи бундай товарларни ишлаб чиқаришдан воз кечади. Оқибатда бозорда бундай товарлар миқдори камайиши, харидорлар сонининг кўпайишига олиб келиб, товар баҳосининг ортишига олиб келади. Шундай қилиб, қиймат қонуни таъсири натижасида товар баҳосининг товар қиймати атрофида қалқиб ҳаракат этиши натижасида бу товарларнинг бозор баҳоси пайдо бўлади. Бу баҳода товар сотила бошлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида қиймат қонуни ҳаракати механизми тез ишлаши натижасида товар баҳоси тез ўзгарувчан ҳолатга тушиб қолади. Бу эса товар сотувчи билан товар сотиб олувчилар ўртасидаги муносабатларни ўзгартиришга ҳам олиб келади.

### **20.3. Деҳқон ўз товари билан бозорни тўйинтира оладими?**

Бозорда инсоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби деҳқон томонидан етиштирилган маҳсулотлар миқдори ва турига боғлиқ. Бозорга нима тушса, шу сотилади, шу миқдорлардаги товарлар истеъмол қилинади. Бозорсиз — товар сотиб оладиган ернинг ўзи ҳам йўқ. Демак, бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўйинтиришга эришмоқ учун деҳқон қуруқ маҳсулотлар ишлаб чиқариши лозим. Бозор иқтисодиётига ўтиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнини, ишлаб чиқариш қувватини оши-

риш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни амалга ошириш зарур. Булар жумласига:

- деҳқонга ерни узоқ муддатга (мерос қилиб қолдириш) ижарага бериш;

- ер — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга эришишнинг асосий мезони бўлганлиги туфайли, деҳқоннинг ерга эгалик ҳуқуқи ундан иложи борича кўпроқ маҳсулот етиштириш истак орзусини амалга ошириш имкониятини яратади;

- деҳқон мулк ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлганлиги учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, даромадини кўпайтириш туйғусини уйғотади;

- эндиликда деҳқон эркин ҳолда маҳсулот турларини етиштириш, уни сотиш ҳуқуқига эга бўлади;

- ишлаб чиқаришга ташқаридан аралаштириш, пата-партиш кўрсатмалар бериш бекор қилиниши ҳар бир деҳқонда ишлаб чиқариш жараёнига ижодий ёндашиш, ўз билими, тажриба, илғор технологиялардан мустақил равишда фойдалана олиш имкониятига эга бўлади;

- ҳар бир деҳқон маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш фаолияти жавобгарлигини ўз зиммасига олганлиги учун ишлаб чиқаришни бажаришдан ҳам ўз фикри зикри билан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлади;

- деҳқон, қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қанча маҳсулот ишлаб чиқариш, қандай усулда ишлаб чиқариш, кимларга сотиш ва қандай баҳоларда сотиш ва қайси вақтларда сотишни ўзи ҳал қила олиш имкониятига эга бўлади;

- деҳқон эндиликда ўз товарини сотиш учун мамлакат ичкарисид ва унинг ташқарисид хоҳлаган шахс, фирма, корхоналар билан олдиндан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлади;

- деҳқонлар товар ишлаб чиқариш, уни сотишда эркин рақобатларда голиб бориш асосида товар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, харидорлар топиш, товарларни икки томонлама қулайлик берувчи баҳоларда сотиш турларини топиш ва фойдаланиш имкониятига эга бўладилар;

- товар ишлаб чиқаришда деҳқон имконияти чекланмаганлиги, унинг ҳуқуқи давлат қонунлари билан ҳимояланганлиги ишлаб чиқариш фаолиятини кескин юксалтириш учун барча шароитларни яратмоқда.

Қишлоқ хўжалигида бир йил ичида етиштирилган барча турдаги маҳсулотлар турлари биргаликда **ялпи маҳсулот**, деб юритилади. У икки усулда: натурал ва қиймат кўринишда ҳисобга олинади. Ялпи маҳсулотнинг сотиш учун ажратилган қисми **товар маҳсулоти**, деб аталади.

Сотилиб пули олинган товар маҳсулоти қисмига — **сотилган маҳсулот** дейилади.

Сотиладиган (товар маҳсулоти) маҳсулот миқдорини ялпи маҳсулот миқдорига нисбатан — **товарлилик даражаси**, деб юритилади. Бу кўрсаткич ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қанча қисми товар маҳсулот улушига айланганлигини ўзида ифода этади. Қишлоқ хўжалигида товар маҳсулоти қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: товар маҳсулотининг умумий миқдори 100 гектар қишлоқ хўжалик (экинзор) ерига ва бир бош ҳайвон ҳисобига етиштирилган товар маҳсулоти. Бу кўрсаткичлар ёрдамида ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини бир-бирлари билан солиштириб уларга баҳо берилади.

#### **20.4. Товар маҳсулоти улушини кўпайтириш қандай омилларга боғлиқ?**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот товарличилигини ошириш икки нарсага — таклиф ва талаб даражасига боғлиқ. Чунки, ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи кўпроқ товар маҳсулотини етиштириш ва уни сотиш нагизасида кўпроқ фойда олишга ҳаракат этади. Аммо, ҳамма вақт, ҳамма шароитда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотига талаб бўлаверадими, у сотиладими? Бу масалани ҳал қилмасдан туриб биринчи масалани ҳал қилиш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигида товар маҳсулоти кўламини ошириш жуда кўп омилларга боғлиқ. Биз уларни қўйидаги гуруҳларга бирлаштириб, улар қандай товар маҳсулотни кўпайтиришга ўз таъсирини кўрсатиш тўғрисида фикр юритамиз.

**Биринчидан**, ялпи маҳсулот кўламини мунтазам ошира бориш. Бу икки йўл билан: ҳар гектар ердан олинadиган хом ашёни ошириш ва ҳар бир бош чорва моллари маҳсулдорлигини кўпайтириш йўли билан ҳамда экин майдонлари ва чорва моллари туёғини кўпайтириш йўли билан амалга оширилади. Ҳозирги вақтда ҳар гектар экин майдонидан олинadиган ҳосил ва ҳар бош чорва молларидан олинadиган маҳсулот миқдори имкониятининг ҳамма босқичларини ишга

солиш йўли билан программалашган ҳосилни ва маҳсулотни ошириш имконияти мавжуд. Айрим деҳқон хўжаликлари бугдой ҳосилини йиғиштириб олгандан кейин бўшаган майдонларга такрорий равишда шоли экиб ҳар гектаридан 9-10 тоннадан шоли ҳосили олмақда. Такрорий экин сифатида маккажўхорининг ҳар гектаридан 70-75 центнердан маккажўхори дони етиштирмоқдалар. Булар ҳам бозор иқтисодиётига ўтишдаги тўнғич ютуқларнинг бошланишидир. Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг имконияти катта, фақат уни ишга солиш ва улардан унумли фойдаланиш даражасига боғлиқ.

**Иккинчидан**, ички хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган маҳсулотлар миқдорини тартибга солиш уларнинг ўрнини боса оладиган арзон бошқа маҳсулотлар билан алмаштириш каби бир қатор муаммоларнинг ҳал қилиш.

**Учинчидан**, чорва моллари наслини яхшилаш, калорияли ва омухта емлар кашф этиш, программалашган регионда озуқалар тайёрлаш, чорва моллари боқишнинг янги технологияларини жорий этиш лозим.

**Тўртинчидан**, маҳсулот ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаб чиқариш жараёнларида уларнинг нобудгарчилигини кескин камайтириш, кузатишлар ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан аниқланган маълумотларга кўра ҳозирги вазиятда Ўзбекистонда ҳар гектар экин майдони ҳисобига 18 фоиз — пахта, 32,5 фоиз — дон, 27,5 фоиз — боғдорчилик маҳсулотлари, 30,3 фоиз — узум нобуд бўлмоқда. Оқибатда, ўрта ҳисобда 1 гектар экинзор ҳисобига 25-30 фоиз биологик потенциал ҳосилни йўқотмоқдамиз. Бу кўрсаткич илғор АҚШ, Бельгия, Каспий мамлакатларига нисбатан 3-5 марта ортиқдир. Агарда бунинг устига ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиш, сақлаш, қайта ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида йўл қўйилаётган нобудгарчиликларни қўшса, жуда катта миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотини йўқотаётганлигимиздан далолат беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта кўришни амалга оширишга эришиш, товар маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирибгина қолмасдан, уларнинг сифатини энг юқори даражага кўтариш имкониятини яратган бўлар эди. Чунки, бунга ҳамма имкониятлар: табиий иқлим, об-ҳаво ва бошқа шароитлар мавжуддир.

## 20.5. Товар маҳсулоти сифатини яхшилаш нима учун керак?

Бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф қонуни товар маҳсулоти сифатини доимо харидор талабига мослаган ҳолда яхшилаб боришни талаб этади. Маҳсулотнинг харидоргирлиги, унинг нафлилик даражаси бевосита маҳсулот сифатига боғлиқдир. Чунки, бозор учун ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулот бозор талабларига тўла жавоб бера оладиган хусусиятга эга бўлмоғи зарур. Ҳар бир маҳсулот ўзининг истеъмол қийматига эга бўлиш, унинг фойдалилиги, унинг сифат даражасида ўз аксини топади.

**Маҳсулот сифатлилиги** — инсоннинг маълум талабини қондириш учун маҳсулотда мавжуд бўлган барча фойдали хусусиятлар йиғиндисига айтилади.

Маҳсулот сифати иқтисодий категория ҳисобланиб ишлаб чиқариш билан истеъмол жараёнларини бир-бирларига боғлайди. Маҳсулот сифати инсоннинг соғлом ривожлантиришини таъминловчи асосий воситалардан биридир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати фақат ижтимоий ва шахсий истеъмолни яхшилашга таъсир этибгина қолмасдан бозор муносабатларини ҳам ривожлантиришга олиб келади. Маҳсулотнинг сифати қанча юқори бўлса, унинг рақобатбардошлилиги ҳам шунча юқори бўлади, унга талаб ортади, маҳсулотнинг пулга айланиш вақти ҳам шунча қисқаради, фойда миқдори ортади. Маҳсулотнинг сифати харидоргир ва рақобат орқали аниқланади. Маҳсулот сифати қанча харидоргир бўлса, шунча рақобатбардош қобилиятига эга бўлиб, ўзини бозорда шунча эркин тутиш имкониятига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатига бир қатор омиллар таъсир қилади, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**Биринчидан**, ишчи кучи сифати. Маҳсулот сифати даставвал унга сарфланадиган меҳнат малакасига боғлиқдир. Шунинг учун меҳнат мутахассислиги қанча юқори бўлса унинг натижаси бўлмиш маҳсулот ҳам шунча сифатли бўлади. Шунинг учун маҳсулотга сарфланадиган меҳнат оддий ва мурракаб меҳнатга бўлинади. Бир хил маҳсулот бир вақтда оддий ва мурракаб меҳнат натижаси бўлиб, уларнинг сифати деярли бир-бирларидан тубдан фарқланади. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтишда меҳнат мутахассислиги — билим, малака, касб, ҳунар,

тажриба доирасини ошира боришни тақозо этади. Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта бизнесда иш юритаётган тадбиркорларнинг энг асосий қийинчилиги — улар меҳнат малакасининг ҳар томонлама камолотга эришмаганлигидадир.

**Иккинчидан**, меҳнатнинг воситалар (фонд) билан қуролланиш даражасига боғлиқдир. Қишлоқ хужалик маҳсулотлари сифатига — моддий ресурслар икки томонлама таъсир кўрсатади. 1) Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган асосий ва моддий айланма воситалар сифати бевосита маҳсулотнинг сифатига ҳам таъсир этади. Тўла биологик жиҳатдан пишиб етилган, тоза, сифатли, барча агротехника ва биологик талабларга тўғри келадиган уруғ фақат ҳосилдорликни оширибгина қолмасдан балки маҳсулот сифатини яхшилади, сотиш баҳосини оширади, тенг шароитда — ошиқча фойда олиш имкониятини яратади; 2) сифатли ресурслардан фойдаланиш маҳсулот бирлиги етиштириш учун сарфланадиган меҳнат восита (фонд) ва материал сифатларини камайтиришга таъсир этиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқаришга олиб келади. Маҳсулот сифатини яхшилаш учун сарфланган қўшимча харажат маҳсулот сифатини яхшилаш эвазига қўшимча нарх билан сотилиш эвазига уларни қоплабгина қолмай, балки катта миқдорда фойда ҳам кўриш мумкин.

**Учинчидан**, ходимнинг малакаси даражасига ҳам бевосита боғлиқдир. Товар ишлаб чиқарувчи қанча малакали, тажрибали бўлса, у шунча сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

**Тўртинчидан**, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ташувчи, сақловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчиларнинг меҳнатини моддий жиҳатдан рағбатлантириш даражаси ҳам таъсир этади. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига ҳисобланган маҳсулдорлиги қанча юқори бўлса, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол соҳаларидаги сифатдорлиги ҳам яхшилана боради. Буни бутун жаҳон бозори ўз тажрибасида исботламоқда.

**Бешинчидан**, табиий ресурслар сифати ва улардан фойдаланиш ҳолатига боғлиқдир. Табиий ресурслар: ер, сув, обҳаво, иқлим ва бошқа омиллар фақат ҳосилдорликни ошириш ёки камайтиришга таъсир этибгина қолмасдан, балки

маҳсулот сифатига ижобий ва салбий жиҳатдан ҳам ўз таъсирини кўрсатишлари мумкин.

**Олтинчидан**, моддий ресурслар сифатига ҳам боғлиқдир.

Бунда маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қатнашаётган асосии ва айланма капиталлар сифати устида гап бормоқда. Ишлаб чиқариш жараёнига қатнашаётган асосий воситалар сифати қандай даражада бўлса, улардан қандай моҳирлик ва усталик билан фойдаланилса, маҳсулот сифати уларнинг берган нафлиликига, фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Моддий айланма воситалар тўғрисида ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин. Деҳқон ибораси билан айтганда нима эксанг, шуни оласан.

Юқорида баён этилган омиллар билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қатнашадиган ҳар бир тадбирлар ҳам маҳсулот сифатига таъсир этади. Бу тадбирлар қаторига — алмашлаб экишнинг илмий савиясини қўллаш ҳолати, ерга ишлов бериш усуллари, озиклантириш системаси (минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш), ёввойи ўтларга ва ҳашоратларга қарши кураш усуллари, ҳайвон зотини яхшилаш, мустаҳкам озуқа базасини ташкил этиш ва илмий асосда озиклантиришни ташкил этиш, маҳсулотларини биологик, кимёвий хусусиятларига тўла риоя қилинган ҳолда сотишни ташкил этиш каби бир қатор агротехника тадбирларини киритиш мумкин. Уларнинг ҳар бири бевосита маҳсулот сифатига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Масалан, полиз экинларига селитра ўғитидан талаб даражасида фойдаланилса, ҳосилдорлик ортади, сифати яхшиланади (қовун ширин бўлиб, одам организмга ижобий таъсир этади), аксинча талабдан ортиқча дозада (нормада) фойдаланилган ҳолда ҳосилдорлик кескин ортишига қарамасдан, унинг сифати ўта ёмонлашади, истеъмол қилиш учун яроқсизланади. Бундай мисолларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилаётган ҳар бир турдаги тадбирлар мисолида ҳам келтириш мумкин.

Маҳсулот сифатини яхшилаш учун қўлланилаётган ҳар бир омил ва тадбир ҳар хил самара келтиради. Бу самара маҳсулот сифатини яхшилаш учун сарфланган қўшимча харажатни, сифатни яхшилаш эвазига олинган маҳсулот ҳисобига олинган даромадга солиштириш йўли билан аниқланади. Бу натижани уч вариантда аниқлаш мумкин:

I вариант — маҳсулот сифатини яхшилаш учун сарфланган харажатларга нисбатан маҳсулот сифатини яхшилаш эвазига олинадиган даромаднинг мутаносиб тарзда ўсиб бориши.

II вариант — маҳсулот сифатини яхшилаш учун сарфланган қўшимча харажатларнинг ўсиш даражасига нисбатан маҳсулот сифати ҳисобига олинган даромаднинг ортиб, ўсиб кетиши;

III вариант — маҳсулот сифати яхшиланишига нисбатан, сарфланган қўшимча харажатнинг тез ўсиши натижасида қўшимча даромаднинг орта бориши.

Бу вариантларнинг I варианты қишлоқ хўжалиги учун қулай, II вариант — унча қулай бўлмаган, III вариант маҳсулот сифати яхшилашдан ҳеч қандай манфаати йўқ эканлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлардир.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот сифатини яхшилашнинг иқтисодий самараси, критерияси — бу маҳсулот сифатини яхшилаш учун сарфланган харажатларни, у ҳисобига маҳсулот сифатини яхшиланиши эвазига олинган қўшимча даромад билан солиштириш натижасида аниқланади ва самарадорлик критерияси даражаси белгиланади.

## **20.6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда давлат буюртмаси деганда нимани тушунасиз?**

Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган товар маҳсулотларининг асосий қисми пахта ва дон маҳсулотларини ташкил этиб, бу маҳсулотлар давлат томонидан деҳқонларга берилган буюртма сифатида давлатга сотилади. Пахта ва дон маҳсулоти давлат монополияси ҳисобланиб, бу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар давлат розилигисиз уларни ҳеч қандай харидорга сотиш ҳуқуқига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29-августдаги қарори асосида қабул қилинган ва тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномалари тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида”ги низом асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатлар бозор талабларига жавоб бера оладиган босқичга кўтарилди. Ҳозирги вақтда давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон хўжаликлари билан контрактация асосида пахта ва дон маҳсулотлари, оилалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари етиштирган дон ва пахта ялпи ҳосилининг 50 фоизини давлатга



шартнома баҳосида (давлат харид қилиш баҳосида) сотиш ва қолган 50 фоизини хоҳлаган харидорга сотиш ҳуқуқи берилган. Контрактация шартномасига асосан давлат пахта ва дон етиштиришга зарур бўлган барча ишлаб чиқариш воситалари, пул маблағлари билан таъминлайди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қўмаклашади, сув билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилади, деҳқонларни моддий жиҳатдан ҳимоялашни амалга оширади, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркин ҳаракат этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида”ги фармонида кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун корхоналар, хўжаликлар, фермер ва деҳқон хўжаликларига пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматининг 90 фоизини янги ҳосилни йиғиб олгунга қадар тўлаш шартномалари тузиш; қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига тўлов қобилиятига қараб ёқилғи мойлаш материаллари, энергия манбалари, минерал ўғитлар, техника ва бошқа моддий техника ресурслари олиш мақсадида кредитлар ажратиш, самарадорлик билан ишлайдиган қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳосилнинг 50-80 фоизи қиймати доирасида тўғридан-тўғри кредитлар бериш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар топширган маҳсулотлари учун олинадиган тўловларни 10 кун ичида тўлаш таъминланади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қарзи устидан қатъий назорат ўрнатади.

Давлат билан товар ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги муносабатларни бозор иқтисодиёти талаби даражасига кутармоқ учун бир қатор муаммоларни ҳал қилишни талаб этади. Бу муаммоларга:

**Биринчидан**, давлат буюртмасидан ортиқча олинган маҳсулотни ҳисобга олиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи мулк сифатида ҳисобга олиш ва тегишли ҳужжатлар бериш ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат буюртмаларини сотиб оладиган баҳо миқдори билан буюртмадан ортиқча етиштирилган маҳсулотни сотиш баҳоси ўртасида катта фарқ бор. Давлат буюртмаси харид қилиш баҳоси билан, ортиқча етиштирилган маҳсулот эса эркин, келишилган нарх билан сотилади. Аммо бу тафовутлар

деҳқонга етиб боролмаётир. Хўжаликларда буюртма маҳсулот билан эркин сотиладиган маҳсулотни айрим-айрим ҳисобга олиш тўла амал қилмаётганлиги, деҳқоннинг ўз меҳнатлари натижаларидан моддий манфаатдорлигига салбий таъсир этмоқда.

**Иккинчидан**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шу жумладан давлат буюртмалари баҳоси, ер кадастри, рента муносабатларини ўзида тўла акс эттира олмаган ҳолда белгиланган. Айрим хўжаликларда харид баҳолари миқдори ишлаб чиқариш харажатларини ҳам қоплаш имкониятларини бермасдан, сунъий зарарни келтириб чиқармоқда.

**Учинчидан**, пахта 5 турдаги навлар асосида бир нав билан, яъни 2-нав нархида сотиб олмоқда. Аммо, ўртасидаги фарқ 8,9 мартани ташкил этиб, 1-навга нисбатан 4-навни етиштириш харажати 1,9 марта ортиқдир. Оқибатда хўжалик 1-2-навларда сотилган пахта учун фойда кўриб, 3-4-5-навларда сотилган пахта учун зарар кўрмоқда, 3-сортга сотилган пахтадан кўрилган зарар миқдорига кўра (1 ц пахта) 4-навга сотилган пахтадан кўрилган зарар 1,8-3,0 марта ортиқ бўлмоқда. Оқибатда 1 ва 2-нав пахта ҳисобига олинган фойда 3-4-5-навлардан кўрилган зарарни қоплаш ўрнига пахтачиликни зарар кўрувчи соҳага айлантириб юбормоқда.

**Тўртинчидан**, деҳқон етиштирган товар маҳсулоти учун, айниқса давлат буюртмасига кирган маҳсулотларни сотганлиги учун ўз вақтида даромадни олалмаётир. Бу эса фақат ишлаб чиқариш маданиятигагина салбий таъсир этибгина қолмасдан, такрор ишлаб чиқариш жараёнига, ходимларнинг ўз вақтида меҳнат ҳақини олиш имкониятига путур етказмоқда. Бу эса товар маҳсулот ишлаб чиқариш даражасининг пасайишига асосий сабачи бўлмоқда.

**Бешинчидан**, ерларни 50 йилгача ёки умрбод ижарага бериш қонунлаштирилган бўлишига қарамасдан, уларнинг муддати айрим фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ҳар йили ўзгармоқда, ижара ҳақининг ер кадастрига мос келмаслик ҳоллари юз бермоқда. Оқибатда, ижарачиларнинг ерга меҳри ва капитал сарфлаш эҳтиёжи сусаймоқда. Бу ўз навбатида ялпи маҳсулот, шу жумладан товар маҳсулоти етиштиришга салбий таъсир этмоқда.

**Олтинчидан**, деҳқонга мустақил, ўз хоҳиш ва истаги билан ишлаш имкониятини бериши керак. Ҳар қандай унинг ишини текширувчилар, аралашувчилар, ўзи билмасдан туриб тескари буйруқ берувчилар ва зўравонликлардан ҳимоя қилмоқ

зарур. Соғлом танда соғлом фикр мавжуд бўлганидек, озод, эркин деҳқонда — меҳнат жўшқини ҳам мавжуддир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда пахта ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни қонуний асосда ҳал қилиш мул-қул қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш имкониятини пайдо қилади.

## **20.7. Деҳқон маҳсулотларини қулай шароитларда сотиши мумкинми?**

Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган товар маҳсулоти ўз сотилиш характериға кўра икки гуруҳға: давлат сотиб оладиган маҳсулотларға ва нодавлат корхоналар ҳамда аҳоли томонидан сотиб олинадиган товар маҳсулотларига бўлинади. Давлат томонидан сотиб олинадиган маҳсулотларға пахта ва дон маҳсулотлари кириб, маҳсулотнинг бу турлари товар ишлаб чиқарувчилар билан давлат ўртасидаги контракт асосида етиштирилади ва сотилади. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган 100 фоиз пахта ва дон маҳсулотлари давлатға сотилиб, давлат томонидан қайтадан сотилади.

Давлат буюртмасига кирмайдиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқариладиган ва нодавлат корхоналари ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун бозорда сотилади. Бозор иқтисодиётиға ўтиш даврида иккинчи гуруҳға кирувчилар маҳсулотларни сотиш муаммоси энг оғир муаммолардан биридир. Чунки бунға сабаб:

1) Ҳали бозор қонуниятлари, муносабатлари тўла маънода шаклланганича йўқ;

2) Товар ишлаб чиқарувчилар билан товар истеъмол қилувчилар орасида ҳар иккала томон учун мос келадиган механизмлар яратилганича йўқ;

3) Қишлоқ хўжалик бозори билан бошқа турдаги бозор ўртасидаги узоқ муддатли, барқарор алоқалар ҳали шаклланганича йўқ.

Бу номувофиқликлар аграр секторда маҳсулот ишлаб чиқариш, уни ўз вақтида реализация қилиш механизмиға тўла амал қила олмаётганлигидан далолат бермоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотнинг 98,4 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Ҳозир ялпи маҳсулотнинг 59,6 фоизини шахсий томорқа хўжалик-

лари, 37,8 фоизини фермер хўжаликлари етказиб бермоқда. Деҳқон хўжаликлари республикада етиштирилаётган мева-сабзавотнинг 68 фоизини, гўштнинг 63 фоизини, сутнинг 90 фоизини етиштирмоқдалар. Булар майда хўжаликлар бўлиб, Ўзбекистоннинг энг чекка хўжаликлари, туманларида фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги маҳсулот сатиб олувчи — харидорлардан ажралган, бозор эса узоқ, маҳсулотларни сотиш учун транспорт воситаларига эга бўлмаган ёки улардан фойдаланиш ноқулай бўлган шароитларда фаолият кўрсатмоқда. Кўпчилик фермер ва деҳқон хўжаликлари етиштирган маҳсулотларини ўз вақтида сота олмаганлиги натижасида маҳсулот сифатини бузиб, маҳсулотнинг кўпчилик қисми нобуд бўлмоқда. Оқибатда, деҳқонда бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш иштиёқи у ёқда турсин, аксинча ишлаб чиқармай қўймоқда. Кўп ҳолларда зарар кўриши туфайли ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлмоқда. Қишлоқда деҳқон ва фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналарни фақат ҳисоб-китобдагина учратиш мумкин. Чорва моллари касалликларига ёрдам бериш, чорва моллари наслини яхшилашга кўмаклашувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш агротехникаларига ишлов беришга ёрдамлашувчи, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олувчи, ҳайвонларга омухта емлар сотувчи, хуллас айтганда деҳқоннинг оғирини енгил қилувчи — ёрдам кўрсатиш сервисларининг етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва хизмат кўрсатмаслиги деҳқонга катта қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун:

1. Фермер, деҳқон, томорқа эгалари, хонадонлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларни ўз жойларида сотиб олувчи пунктлар ташкил этиш ва уларнинг иш фаолиятини мунтазам ташкил этиш;

2. Шаҳарда ва қишлоқда иш юритаётган ўрта ва юқори бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан товар сотиш ва сотиб олиш тўғрисида узоқ муддатлар давом этувчи ҳамкорлик шартномалари тузиш;

3. Бозор инфраструктураси юзини қишлоққа буриш ва деҳқонларга хизмат кўрсатишни ҳамма хиллари ва шакллари ишга солишда кўмаклашиш;

4. Фермер, деҳқон хўжаликлари билан ўрта, юқори бизнесда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан биргаликда

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқувчи қўшма цехлар, кичик корхоналар қуриш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда нодавлат хужаликлари томонидан етиштирилаётган 98,4 фоиз ялпи маҳсулотни товар маҳсулотига айлантириш муаммосини ҳал қилмасдан туриб, қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мумкин эмас.

## I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун унғ томондаги мос келадиган таърифларни танланг.

1. Истеъмол қиймати –	1. Товар қиймати атрофида баҳонинг қалқиб юриши.
2. Алмашув қиймати –	2. Давлат томонидан айрим турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш усули.
3. Товар қиймати –	3. Ялпи маҳсулотнинг бозорда сотиладиган қисми.
4. Товар – пул муносабати –	4. 1 йил ичида қишлоқ хўжалигида етиштирилган жами маҳсулот йиғиндиси.
5. Пул нима?	5. Ҳамма товарларни сотиб олиш қувватига эга бўлган умумэквивалент ролини ўйнавчи товар.
6. Ялпи маҳсулот -	6. Неъматлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнида белгиланган мажбуриятлар.
7. Товар маҳсулоти –	7. Товарнинг фойдалилик хусусиятини ўзида акс эттирувчи қиймати.
8. Товарлик даражаси –	8. Бир товарни иккинчи товар билан эквивалент ҳолида айирбошлаш.
9. Маҳсулот сифатлиги –	9. Товарда гавдаланган ўрта ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари.
10. Давлат бузортмаси --	10. Товар маҳсулотларининг ялпи маҳсулотга нисбати.
11. Қиймат қонуни –	11. Нисон маълум талабни қондириш учун маҳсулотда мавжуд бўлган барча фойдали хусусиятлар йиғиндиси.

## II. Мавзуга оид саволлар.

1. Товар, деб нимага айтилади? Унинг маҳсулотдан фарқи нимада?

2. Истеъмол қиймати нимани, уни қандай аниқлаш мумкин?
3. Қиймат қонуни қандай қонун, у қандай ҳаракат қилади?
4. Товар маҳсулоти қандай маҳсулот, у қандай ҳисобга олинади?
5. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлиги деганда нимани тушунаси?
6. Товар қиймати деганда нимани тушунаси?
7. Харидор қандай хислатларга эга бўлмоғи керак?
8. Ижтимоий зарурий ишлаб чиқариш харажатлари, деб қандай харажатга айтилади?
9. Қиймат қонуни қандай ҳаракат қилади?
10. Давлат буюртмаси деҳқон билан қай тарзда алоқа ўрнатади?
11. Сотилган маҳсулот деганда қандай маҳсулотни тушунаси?

### III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Ўзбекистон Республикаси 25 млн. аҳолига эга бўлиб, унинг ҳар бир аҳолиси бир кеча кундузда 800 грамм нон, 200 грамм макарон — вермишел истеъмол қилади. 1 кеча кундуз қанча тонна буғдой, ун, нон ва макарон — вермишел истеъмол қилади?

2. Бозор учун қанча товар ва пул кераклигини қандай аниқлаш мумкин?

3. Бозорда 2 млн. сўмлик товар мавжуд. Уларнинг 25 фоизи пул ўтказиш йўли билан, 8 фоизи вексел ҳисобига ва 2 фоизи қарзга сотилди. Бозорга қанча пул керак бўлади?

4. Қишлоқ хўжалигида пахта маҳсулоти ялпи маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил этди. Агарда ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олинганда ялпи маҳсулот таркибидаги пахта товар маҳсулотини ишлаб чиқариш учун 60 минг гектар ерга пахта экиш керак. Бунди ялпи маҳсулот таркибидаги пахта миқдори қанча тонна экан?

5. Бозорда бир йил ичида товар олди-сотди қилиш учун 100 млн. сўм пул керак. Бу давр ичида товар миқдори 10 фоизга инфляция даражаси 8 фоизга ортди. Йил охирида бозорда айланишда қанча пул бўлган?

## XXI БОБ

### БОЗОР БАҲОСИ ВА РАҚОБАТ

#### РЕЖА :

1. Хўжалик юретишнинг бозор механизми элементлари деганда нимани тушунаси?
2. Бозор баҳоси нима ва у қандай шаклланади?
3. Талаб ва таклиф нисбатининг баҳога таъсири.
4. Рақобат ва бозор баҳоси иқтисодийга қандай таъсир этади?
5. Эркин бозор баҳоси деганда нимани тушунаси?

*Адабиётлар:* 3; 4; 5; 8; 16; 27; 32; 37.

#### 21.1. Хўжалик юретишнинг бозор механизми элементлари деганда нимани тушунаси?

Жамият тузилиши қандай шаклда бўлишидан қатъи назар — унинг олдида бозор иқтисодийтининг тўрт устуни ҳисобланган қуйидаги муаммоларга жавоб топиш зарурияти туради:

- нима ишлаб чиқариш керак?
- қанча маҳсулот ишлаб чиқариш керак?
- маҳсулотни қандай усулда ишлаб чиқариш керак?
- ким бу маҳсулотни сотиб олиши керак?

Бу саволларга жавоб топмасдан туриб, ишлаб чиқариш-ни бир меъёردа ривожлантириш имкониятини яратиш мумкин эмас. Бу савол даставвал ресурсларнинг чекланганлиги, эҳтиёжнинг чексизлиги муаммосидан келиб чиқади. Бу масалаларни ҳал қилмасдан туриб хўжалик юретишнинг бозор механизмини яратиш мумкин эмас.

**Хўжалик юретишнинг бозор механизми** деганда — товар-пул муносабатлари ва бозор қонунлари мавжуд шароитда ишлаб чиқаришга, тақсимлашга, айирбошлашга ва истеъмолга иқтисодий таъсир этувчи услублар ва бир бири билан узвий боғлиқ иқтисодий элементлар йиғиндиси тушунилади.

Барча товар ишлаб чиқарувчи соҳа ва тармоқлар каби қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бозор механизми элементлари бўлиб — **баҳо, талаб, таклиф, рақобат** ҳисобланади.

## **21.2. Бозор баҳоси нима, у қандай шаклланади ва ҳаракат қилади?**

Баҳо бу товар қийматининг тўла ифода этилишидир. Бозорда товар неча пулга сотилса, у пул товар баҳосини ўзида ифода этади. Бозор хўжалигига тушган ҳар қандай турдаги товар ўзининг ички ва ташқи аҳамиятидан қатъи назар сотилиши, пулга айланиши шарт. Акс ҳолда товар бозор учун кераксиз, аҳамиятсиз буюмга айланади. Ҳар бир харидорнинг ўз эҳтиёжи қандайдир бирор товарни ёки товарлар гуруҳини сотиб олиш учун етарли бўлган пул билан бозорга тушади. У бозордан нақадар кўпроқ миқдорда эҳтиёжга мос келган товарларни арзонроқ баҳоларда сотиб олишга ҳаракат этади. Товар сотувчи эса ўз товарини кўпроқ миқдорда, қимматроқ баҳода сотишга ҳаракат қилади. Ҳар иккаласи ўртасида уларга мос келадиган муносабатлар пайдо бўлади.

Ҳар иккаласининг мақсади ҳам бир — кўпроқ наф, фойда кўришидир. Бу жараёнда асосий ролни икки турдаги баҳо — талаб баҳоси ва таклиф баҳоси ўйнайди. Аммо, сотиб олиш бу сотиш демакдир. Бу жараёнда сотувчининг баҳоси ҳам сотиб олувчининг баҳоси ҳам бозорда ягона, келишилган баҳога айланади ва шу баҳода сотилади ва сотиб олинади. Бозор баҳоси нимага асосан шаклланади? Баҳонинг моддий асосини товарнинг қиймати, ижтимоий ишлаб чиқариш харажати ва сотиш харажатлари ташкил этади. Бироқ, баҳонинг шаклланишига товар қиймати билан бир қаторда бошқа омиллар ҳам таъсир этади.

Бу омилларга: бозорга товарларнинг оз ёки кўп тушиши, эҳтиёжга мос келмаган товарлар (катта-кичик, ранг, фасони, модаси), харидорнинг тўлов қобилияти (реал пул даромади), иқтисодиётнинг умумий ҳолати ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқдир. Бу омиллар бозорда товар баҳосининг шаклланиш ҳолатига, даражасига ўзларининг таъсири билан ҳар хил таъсир этади. Масалан, сотувчининг эҳтиёжи учун 36 размердаги, қора, товони ингичка аёллар этикчаси керак, деб фараз қилайлик. Бозорда бундай қора



аёллар этикчаси куп бўлишига қарамай, харидор 36 размердаги этикни танлай олмасдан бозордан чиқиб кетади.

Баҳо бозорда шаклланади ва ҳаракат этади. Бозор шундай асосда шаклланиши керакки, у албатта товар қийматига мос келиши керак. Товар қиймати харидор талабига мос келиши керак. Товар ишлаб чиқарувчи товарга талабдан ортиқча харажатлар сарфлаб, уни қанча чиройли кўринишда ишлаб чиқармасин, бу харажат миқдори баҳони хоҳлаганча ошириш имкониятини яратмайди. Кишиларга фақат товарларни яратиш учун зарур меъёрда сарфланган харажатнинг қимматини яратади. Ақсинча, ҳалдан ортиқча сарфланган харажат товар қиймати бўла олмайди. Инсон товар ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатни ҳам олиши шарт. Бу муаммо бозорда товар баҳосини белгилашда ўз аксини топади. Баҳони юзага келтирувчи энг муҳим омил талаб ва таклифнинг нисбати ҳисобланади. Агарда талаб таклифдан юқори бўлса, баҳо ошади, аксинча бўлса, нарх пасаяди. Талаб баҳоси ошган тақдирда унга жавобан таклиф кўпаяди. Чунки юқори баҳо шароитида фойдани кўпроқ олиш имконияти пайдо бўлади. Аммо, таклиф кўпайиб кетса, баҳо қайтадан пасайиб товарни ишлаб чиқаришдан фойда кўриш пасаяди, айрим ҳолларда зарар кўришга олиб келади.

Бозорда баҳонинг эркин ҳаракат этиши учун харидорнинг етарли пули бўлиши керак. Пулсиз ҳеч қандай эҳтиёж талабга айланмайди. Аммо, харидорнинг пули (даромади) чекланган. Хоҳлаганча пулга эга бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун харидор даставвал ўзи учун энг зарур бўлган товарларни сотиб олишга ҳаракат этади. Бундан ҳар хил баҳода бўлган товарларни сотиб олиш имконияти келиб чиқади. Пули куп харидор сифатли, юқори баҳоли товар сотиб олса, пули кам харидор арзон, сифати паст бўлган товарларни соғиб олишга ҳаракат этади. Харидорларнинг товар сотиб олиш қобилиятига қараб товарларни ҳар хил нафлилик даражаси пайдо бўлади. Масалан, гүштни ўта семиз, семиз, ўртача, ориқ турлари, пахтанинг I, II, III, IV, V-навлари, сутнинг ёғлилик даражаси юқорилиги ёки пастлиги ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Нафлилик даражаси қанча юқори бўлса, унинг баҳоси ҳам шунча юқори бўлади. Аммо товарларнинг нафлилик даражасини баҳоловчи баҳоларнинг ҳам чегараси мавжуд. Бундай баҳонинг энг юқори чегараси ва қуйи чегараси белгиланади.

Баҳонинг юқори даражаси товар эгасига энг юқори фойдани (ўрта фойдадан юқорироқ бўлган фойда), қуйи чегараси эса фойда олиш имконияти йўқ чегара, яъни товарни сотиш фойда ҳам зарар ҳам келтирмайдиган чегарадир. Ҳар қандай товар ишлаб чиқарувчи баҳонинг қуйи чегарасидан пастга тушган ҳолда фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

Аммо, энг юқори баҳо — узоқ вақт давом этмайди. Чунки, товар ишлаб чиқарувчилар рақобат таъсири остида кўпроқ фойда олиш мақсадида энг юқори баҳога эга бўлган товарлар сонини камайтиради. Оқибатда юқори баҳога эга бўлган товарлар баҳоси аста-секин пасая бошлайди. Оқибатда ўрта фойда келувчи баҳо шакллана боради. Бу иқтисодий қонун — қиймат қонунининг ҳаракати натижасидир. Бозорда амал қилаётган баҳо даражаси икки кўринишда: **мутлоқ** ва **нисбий** мавжуд бўлади.

**Баҳонинг мутлоқ даражаси** — унинг муайян пул миқдо­рида ифодаланишидир. Бу кўрсаткич — товар қанча пул бирлигида сотилишини ўзида ифода этади. Масалан, жаҳон бозорида 1 тонна пахта толаси 1500 АҚШ долларга сотилади, деб фараз қилайлик. Бу 1 тонна пахта толаси жаҳон бозорида ҳамма мамлакатлар учун 1500 АҚШ долларга сотилишини, пахтанинг жаҳон бозоридаги баҳосини ўзида акс эттиради. Баҳонинг нисбий даражаси эса сотиладиган товар харидор пулининг қандай ҳиссасини ташкил этишини белгилайди. Масалан, 1 тонна пахта толаси АҚШда 1500 долларни ташкил этган ҳолда, Англияда бу кўрсаткич  $(1500 * 2/3) = 1000$  фунт стерлинг, Қирғизистон Республикасида  $(1500 * 40) = 60000$  сом ва ҳоказо. Нисбий баҳо кўрсаткичига ҳар бир мамлакатнинг ёки ҳар бир сотиб олувчининг пулини жаҳон бозорида сотиб олиш қувватини, баҳосини билдиради.

Баҳо бозор иқтисодиёти шароитида қуйидаги вазифаларни бажаради:

• бозорда товарлар танқислиги юз берган талабни жиловлаб, таклифни иқтисодлаштириш орқали бозорларни товарлар билан тўлдириш, туйимлиликни оширишга эришиш. Бозорда товар кўп бўлганда эса таклифни жиловлаб талабни иқтисодлаштириш ёрдамида уни баргараф этиш йўли товарга бўлган талаб ва таклифни бир бирига мувофиқлаштириш;

• баҳо бозорда товарларга бўлган таклиф, уларни сотиш ёки сотиб олишда аҳолининг тўлов қобилияти, ишлаб чиқариш ресурсларининг етарли ёки етарли эмаслиги

туғрисида бозор субъектларини ахборотлар билан таъминлаш вазифасини бажаради;

· фойда товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар билан уни сотишдан келган даромад ўртасидаги тақриф тафовутдир. Демак, фойда — ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш натижасидир. Шу сабабли ҳар бир деҳқон, фермер, корхона тежамли иш тутиб ишлаб чиқариш харажатларини пайсайтеришга ҳаракат қиладилар. Бу эса унга манфаат келтиради.

· даромад товарни сотиш нархига боғлиқдир. Ҳар хил шароитда иш юритаётган деҳқонлар ўз товарини қийматига нисбатан паст ёки юқори баҳода сотиш натижасида фойдани ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳар хил тақсимлашга олиб келади. Бунинг натижасида бир хил ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари ўсади. Баҳо даромадидан паст бўлган деҳқонлар эса зарар кўради, синади. Барча иқтисодий воситалар каби баҳолар ҳам иқтисодиётда ўз ўрни ва мавқеига эга. Улар иқтисодий жараёни бошқариб, меъёрлаштириб йўналтириб турувчи воситадир. Баҳолар бир томондан ресурслар истеъмолини чекловчи восита бўлса иккинчи томондан ишлаб чиқаришга кучли таъсир этувчи иқтисодий воситадир. Шунинг учун ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи уни оқилона қўллашга қатта эътибор беради. Ҳар қандай нархда маҳсулот сотиш бозор ҳиссасини кўпайтириш, қисқа вақт ичида энг кўп фойда олиш, юқори форма нормасини узоқ муддат давомида сақлаб қолиш, янги бозорларга чиқиш, талабни рақобатлантириш, талабни чеклаш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Шу боисдан бозорда ҳар хил баҳоларга амал қилиши мумкин. Бозорда рақобат мақсадларида **демпинг баҳолардан** (ўта паст нархлар) фойдаланилади. Бу баҳо ўз рақобатини хонавайрон этиб рақобатни сусайтирганлиги учун давлат томонидан ман этилади.

Бозор шароитига қараб ўзгармайдиган нархлар **стандарт баҳолар**, деб юритилади. Улар харидорларни чўчитмасдан доимий мижозга айлантириш учун фойдаланилади. Аммо, баҳо **ўзгармасида фойда** миқдори кўпайиши мумкин. Унинг асосий йўли харидорга қулайлик туғдирувчи харажатларни қисқартиришдир. Масалан, иккинчи навли пахтаги биринчи навга топширишга мослаб териш, Шаҳар ичида қатновчи автобуслар сонининг камайрилиши натижасида йўловчилар сони кўпаяди, музқаймоқ

баҳоси ўзгартирилмайди, аммо у арзон қилувчи қоғозга ўралади ва бошқалар. Янги мева, мода чиқиши баҳоларни тез-тез **ўзгариб туришига** сабабчи бўлади. Масалан, янги костюм модаси чиққанда костюм сотиб олиш учун сунъий талаб кўпаяди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин костюм модаси ўзгаради. Баҳо энди пасая бошлайди. Шундай қилиб баҳо бир юқорига, кейин эса пастга қараб қалқиб юра бошлайди. Баҳолар ўртасидаги фарқнинг миқдорий **ўлчами баҳо диапазони** дейилади.

Баҳо диапазони баҳонинг энг қуийи ва юқори миқдорларини ифода этади ва қуийи, ўртача ва юқори баҳоларни ўз ичига олади.

Баҳо диапазони қанча кенг бўлса баҳога қараб товарларни танлаш имконияти шунча кўпроқ бўлади. Ўртача баҳодан юқори ёки паст баҳолар кўпаяди. Баҳо диапазони бир хил ёки ўринбосар товарларга нисбатан белгиланади. Алоҳида товарларга қўйилган **нуфузли баҳолар** ҳам мавжуд. **Нуфузли товарлар** ўзининг обрў-эътибори жиҳатидан юқори бўлган товарларга белгиланади. Масалан, оддий коньяк билан “Наполеон” коньяги ўртасида кам тафовут бўлишига қарамасдан “Наполеон” коньяги нуфузли товарлар қаторига кириб, унга нуфузли баҳо ёки оддий коньякка нисбатан бир неча ун баробар юқори баҳо белгиланади.

Товар ҳақида харидор дастлаб огоҳ этилганда унинг **прейскурант** баҳоси эълон қилинади. Бу баҳо ҳали товар баҳоси сифатида шаклланмаган маълумотнома баҳони билдириб, товарлар шу маълумотнома аторфидаги баҳоларда сотилади. Бу баҳо одатда улгуржи савдо фирмалари учун билдирган баҳо ҳисобланилади. Улгуржи савдо баҳолари **контракт** баҳолар, деб юритилади.

Аҳоли истеъмоли учун товарлар баҳоси **чакана баҳо**, деб юритилади. Бу баҳо ёрдамида бозордаги барча товарлар сотилади.

Қишлоқ хўжалигида **давлат харид қилиш** баҳолари ҳам ҳаракат этиб бу баҳо ёрдамида давлат деҳқонлардан давлат буюртмаси сифатида етиштириладиган пахта ва дон маҳсулотларини сотиб олиш учун фойдаланилади.

**Кўтара баҳолар** ёрдамида деҳқонлар ўз маҳсулотини қайта ишловчи, тайёрловчи, сотувчи ташкилотларга улгуржи, улгуржа партиялар асосида сотиш жараёнида қўлланилади.

**Ҳисобланган баҳолар** ўз ишчиларига, ҳамкорларига қўлланиладиган баҳолардан иборат.

### 21.3. Талаб ва таклиф нисбатининг баҳога таъсири

Баҳолар даражаси талаб ва таклиф нисбати билан белгиланади. Бу қонуниятларни чуқур таҳлил этмоқ учун талаб узи нима, у қонун сифатида қандай ҳаракат этиш қонуниятларини билиш зарур.

**Талаб дейилганда** истеъмолчи томонидан товарларни ва хизматларни маълум бир вақтда, маълум бир маконда сотиб олиш имконияти тушунилади. Талаб бу энг аввало бирон-бир неъматлар ёки неъматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир. Талаб эҳтиёждан келиб чиқади. Бу эҳтиёж бозорда талаб шаклига айланмоғи учун эҳтиёжни қондирувчи товар сотиб олинishi шарт. Масалан, одамнинг қорни очиши нонга бўлган талабни келтириб чиқаради. Нонни сотиб олиб ейиш натижасида очлик чекинади, эҳтиёж қондирилади. Аммо, нон сотиб олиш учун инсон етарли маблағга эга бўлмоғи зарур. Акс ҳолда, нонвой ўз нонини бекорга ёки ярим пулига бермайди.

Сизнинг эҳтиёжингизни қондирувчи товарни сотиб олишга қурбингиз етмаса у ҳолда эҳтиёж қондирилмаган бўлади, сотиб олиш қобилиятингиз бўлмайди, бу буюмга сизда талаб йўқлигини билдиради.

Демак, талаб бу шунчаки эҳтиёж эмас балки тўловга қобил бўлган, пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Одатда талабга жуда кўп омиллар таъсир этади. Бу омиллар жумласига аҳоли даромадлари, ўринбосар товарлар баҳоларидаги фарқлар, товарнинг сифати, табиий муҳитнинг ўзгариши, буюмнинг фойдалилик даражаси ва бошқа омилларни киритиш мумкин. Бу омиллар талаб ҳолатига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Агарда одам етарли миқдорда пулга эга бўлса, у ўзининг кўпчилик эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлади. Аксинча, пули, даромади кам бўлса унинг эҳтиёжи қисман қондирилади, айрим ҳолларда деярли эҳтиёж қондирилмайди. Эҳтиёж хилма-хил бўлганидек талаб тури ҳам хилма-хилдир. Унинг муҳим белгиси якка ҳолда мавжуд бўлишидир.

**Якка талаб** – айрим харидорнинг ўзига хос махсус талабидан иборат. Бу талаб ҳар бир шахс ёки оиланинг ўзига хос бўлган талабидан иборат бўлиб, у кишиларнинг жисмоний ҳолати, ёши, жинси, миллати, яшаш жойи, эгаллаб турган

лавозими, урф-одати, диди, таъби, қўлидаги пули, қолаверса нарх-навога боғлиқдир. Бу хусусиятларга кўра, ҳар бир шахснинг талаби ўзига хос бўлган талаб бўлиб, ўзгалар талабини такрорламайди. Масалан, ёш билан қарининг, эркак билан аёлнинг, ишчи билан деҳқоннинг, олим билан саводсизнинг, соғлом билан беморнинг, бой билан камбағалнинг талаби бир хил бўлмайди. Талабнинг энг муҳим белгиси — яккаланган ҳолда намоён бўлишидир.

Бозорда **якка талаблар йиғиндисидан умумий талаб ёки бозор талаби** пайдо бўлади.

Кўпчилик харидорларнинг муайян товарни сотиб олишга бўлган талаби **бозор талаби**, деб юритилади.

Бозорда харидорлар сони қанча кўп бўлса ва товарлар баҳоси қанча арзон бўлса, бозор талаби шунча ортиқ бўлади. Ҳар бир товарни истеъмол этиш жараёнида нафлилиги, истеъмолчининг оладиган қониқиш хусусиятига боғлиқ. Масалан, қовун ширин, ўрта ширин, бемаза, ўта бемаза бўлиши мумкин. Агарда ширин қовун сотиб олсангиз уни истеъмол этишдан лаззатланасиз. Агарда у бемаза бўлса ундан нафратланасиз. Истеъмол қилинадиган товарларга талаб нафлилигидан маълум меъёрий нафлилик келиб чиқади. Меъёрий нафлилик, деб қўшимча равишда сотиб олинган товарлар келтирадиган нафлиликка айтилади. Меъёрий нафлилик чегараланган. Талабнинг тўйишига қараб дастлаб кучли бўлган меъёрий нафлик аста секин пасайиб боради. Масалан, одам қорин очлигини тўйдириш учун сотиб олган биринчи дона нон у учун нақадар юқори нафли бўлади. Иккинчи дона нон нафлилиги биринчисига қараганда анча камроқ нафли бўлади. Учинчи дона нон эса умуман унинг учун ҳеч қандай нафга эга эмас. Чунки, учинчи нонни ейиш имконияти бутунлай йўқолади. Вақтинча одам учун у фойдалигина эмас балки зиён ҳам келтирадиган товарга айланади. Демак, қанча тўйинса товарнинг нафлилик даражаси шунча пасайиб боради. Бундан товар **нафлилигини пасайиб бориш қонуни** ҳаракат этишини билиш мумкин. Нафлиликнинг пасайиш қонуни шуни кўрсатадики, ишлаб чиқарувчи ўз мавқеини сақлаб қолиш учун бозорнинг тўйимлилигини ҳисобга олиб, нафлиги юқори бўлган янги товарларни бозорга кўплаб чиқариб туриши керак. Шундагина уларнинг бозордаги ишлари юксала боришини таъминлай олади.

Талабнинг туб хусусияти қуйидагича: баҳонинг пасайиши талаб ҳажмининг ўсишига олиб келади ва аксинча, яъни баҳо билан талаб ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Ана шу боғлиқлик **талаб қонуни** дейилади.

Талаб қонунига асосан баҳо ошса талаб миқдори қисқаради, баҳо пасайса аксинча талаб ортади. Талаб қонуни баҳонинг талабга таъсирини ифода этади. Аммо, талабга бошқа омилларнинг таъсирини бу қонун билан изоҳлаб бўлмайди. Шу сабабли баҳонинг талабга таъсири бир текисда бормайди. Баҳо арзонлашганда талаб ортади, чунки илгари муайян товарни сотиб олишга қурби етмаганлар уни харид қилиш имкониятига эга бўладилар. Аини вақтда шу товарни олдин ҳам сотиб олган энди ундан ҳам кўпроқ миқдорда сотиб ола бошлайдилар. Баҳонинг пасайиши бир товарга бўлган талабни бошқасига, яъни ўринбосар товарга кўчиради. Баҳоси ўзгармаган товар арзонлашган товарга нисбатан қиммат сотилади. Шу сабабли харидорлар арзон товарни ҳуш кўриб, уни кўпроқ сотиб олишга ҳаракат этади. Масалан, мол ва қўй гуштини солиштириб кўрайлик. Мол гушти баҳоси пасайсин, деб, қўй гушти баҳоси эса ўзгармасин, деб фараз қилайлик. У ҳолда мол гушти сотиб олувчи мижозлар кўпаяди. Чунки, кўпчилик харидор мол гуштини арзонроқ сотиб олиш иштиёқини билдиради. Аммо, бундан қўй гушти сотилмай қолди деган хулоса келиб чиқмайди. Қўй гуштини хоҳлаган, уни сотиб олишга қодир бўлган мижозлар қўй гуштини сотиб олаверадди. Аммо, қўй гуштининг сотилиш миқдори камаяди. Демак, баҳо ортганда талаб қисқаради. Уни кишилар камроқ сотиб оладилар ёки уни бутунлай сотиб олмай кўядилар. Унинг ўрнига ўринбосар товарлар ёки баҳоси унча қиммат бўлмаган товарларни сотиб ола бошлайдилар.

Энди мол гушти баҳоси ортди, қўй гушти баҳоси ўзгармади, деб фараз қилайлик. У ҳолда мол гушти сотиб олувчилар сони камая бошлайди. Энди бир қисми олдин мол гушти сотиб олувчилар энди қўй гушти сотиб олишга ўгадилар. Қўй гушти сотиб олувчилар сони кўпая бошлайди. Шундай қилиб талабнинг ўзгаришига жавобан талаб ҳам ўзгара боради. Бу қонуният талабнинг эгри чизиғи, деб юритилади. Бу қонуният ўзини талаб қонуни ҳаракатида ўз аксини кўрсатади. Бу қонун асосида бозорда у ёки бу турдаги товарлар кўпайиши ёки озайиши мумкин, бу эса баҳонинг гоҳ ортишига, гоҳ камайишига олиб келади.

Товарларнинг харидор учун қанча туриши учун унинг фақат бозор баҳосигагина боғлиқ бўлмасдан, керакли товарларни топиш ва уларни истеъмол қилиш, сақлаш каби харажатларга ҳам боғлиқдир.

Масалан, товар сотувчи бозорсиз яшаётган жойдан 10-15 км узоқда жойлашган, деб фараз қилайлик. У ҳолда товар сотиб олувчи бозорга бориш ва қайтиб келиш, сотиб олган товарга транспорт ҳақи тўлашга мажбур бўлади. Шунинг учун у товарни бироз қимматроқ бўлсада, уйига яқин бўлган деҳқондан сотиб олишни афзал кўради. Бозордан товар сотиб олишда товар маълум идишга (шишса, банка, яшик, қоп ва бошқалар) солинган ҳам бўлади. Идиш сарфи товар баҳосига қўшилади. Демак, товарни истеъмол қилгандан кейин, ундан бўшаган идишларни сотиш ҳам анча вақт ва харажатни талаб этади. Товарнинг оз-кўп бўлиши, товарнинг сотилиш шарт-шароитларига ҳам боғлиқ. Агар қимматбаҳо товар нақд пулга сотилса, даромад тенглашганлиги туфайли у товарга талаб кўп бўлмайди. Оқибатда товар сотилмай тўпланиб қолади. Товар сотилмаслигидан товар эгаси фойда эмас, зарар кўради. Товар қанча тез сотилса, шунча катта наф келтиради. Бу мақсадда айрим ҳолларда товар маълум муддатга насияга ҳам сотилиши мумкин. Бу эса бу товарга бўлган талабни оширишга олиб келади.

Аммо бозор фақат харидорнинг у ёки бу турдаги товарга бўлган талаби билангина ҳаракат эта олиши, яшаши мумкин эмас. Бозорда харидор билан бир қаторда унинг йўлдоши сотувчи ҳам бўлиши керак. Бозорда товар бўлмасдан туриб сотиб олувчи (харидор) ҳам бўлмайди. Йўқ товарни сотиб олувчининг ўзи ҳам йўқ, талаб ҳам йўқ. Бозор товар сотувчининг бўлишини тақозо этади. Сотувчининг бўлишини — бозорда таклифнинг ҳам бўлишини келтириб чиқаради.

**Таклиф дейилганда** — сотиш учун бозорга олиб келинган товарлар ва хизматлар жами тушунилади. Демак, талаб бор жойда таклиф ҳам бўлади.

Таклифнинг ҳажми сотиладиган товарларнинг миқдори ва ҳар бир товар баҳосига боғлиқ бўлади. Бозорда талаб хилма хил бўлганидек, таклиф этиладиган товарлар турлари ҳам хилма хил ва кўпдир. Таклиф талабга қараб ўзгариб туради. Товар баҳоси юқори бўлса, таклиф ҳам юқори, аксинча баҳолар паст бўлса, таклиф миқдори ҳам оз бўлади. Бу ўзгариш **таклиф қонуни**, деб юритилади. Таклиф қонуни



таклифнинг миқдори баҳога нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаришини ўзида ифода этади. Таклиф қонуни баҳо билан товар таклифи ўртасидаги боғланишни кўрсатади. Бу боғланиш **таклиф эластиклиги** дейилади.

Таклифнинг эластик бўлиши шундан дарак берадики, товар сотувчилар баҳо ўзгаришига жавобан бозордаги товарларни кўпайтириши ёки озайтириши лозим. Агарда бу қонуният бузилса, товар ишлаб чиқарувчи бозорда товар сотишдан зарар кўриб, ўз ишлаб чиқаришини такрорлашидан маҳрум бўлади, синади. Таклифга фақат товар баҳоси даражаси таъсир этибгина қолмасдан ишлаб чиқариш ресурслари баҳоси, ишлаб чиқаришдаги технологиялар баҳоси, ўринбосар товарлар баҳоси, баҳонинг ўзгариши, товар ишлаб чиқарувчилар сони, молия воситалари ва хизматлари ҳам таъсир этади. Таклифни тўпланиб қолган товарлар ҳам ўзгартириб юборади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш ҳолати бевосита бозорда баҳонинг қалқиб юриши даражасига ё ижобий, ё салбий таъсир этиши мумкин. Бозорда талаб ва таклиф таъсири натижасида мувозанат баҳо пайдо бўлади. Бу баҳо бозорнинг барқарор, эркин ҳаракат этиши учун хизмат қилади. Юқорида баён этилган талаб ва таклиф асосида бозорда баҳоларнинг ҳаракат этиши бозор иқтисодиётига ўтишда аграр сектор учун ҳам тўла маънода хизмат қилади.

#### **21.4. Рақобат ва бозор баҳоси иқтисодиётга қандай таъсир қилади?**

Иқтисодий фаолият иштирокчилари бозорда ўз иқтисодий манфаатини ошириш, яхши даромад топиш, кўпроқ фойда кўриш мақсадида бир-бирлари билан кураш олиб борадилар. Бу кураш — рақобат курашидан иборат.

Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва фойда келтирадиган баҳода, катта миқдорда сотиш ва умуман бозор иқтисодида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун олиб бориладиган кураш **рақобат**, деб аталади.

Рақобатсиз иқтисодий ривожланиш юз бермайди. Тўкинчилик ва фаровонлик пайдо бўлмайди. Бозордаги ҳар бир сотувчилар ва сотиб олувчилар ўзаро рақобатлашадилар. Бу рақобатда ўз иқтисодий манфаатини тиклашга, мавқеини мустаҳкамлашга

интилади. Бу курашда ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи бозордан ресурсларни арзонга сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарларни қимматроқ сотишга эришиш натижасида кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилади. Харидор бозорда товарларни арзонроқ баҳода олишга интилса, сотувчи уни қимматроққа пуллашга ҳаракат этади. Рақобат курашининг қандай характерда юз беришидан қатъи назар унинг охириги мақсади мўмай даромад олишдир. Шунинг учун бозорга қатнашувчи барча турдаги харидор ва сотувчилар ўртасида бу кураш очиқ ёки яширин равишда амал қилади. Рақобат майдони бозордир. Рақобат кураши шиори “ўзим бўлай” қабилида ҳаракат қилишдир. Бозорда рақобатнинг турлари хилма хилдир. **Мукамал ёки соф рақобат.** Бу рақобат сотувчи, харидор, сотувчи билан харидор орасида талаб ва таклиф қонунлари асосида амалга ошадиган рақобатлардир.

• номукамал ёки чекланган рақобат — йирик товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини қулай шароитларда сотиш ва хом ашё сотиб олиш соҳасида олиб борадиган рақобатлардир.

• соф монополия деганда маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда фақат битта фирманинг фаолият кўрсатиши тушунилади.

• олигополия ўзаро баҳосиз рақобат олиб борадиган оз сонли йирик корхоналарнинг бозорда ёки бирон бир хўжалик соҳасида ҳукмронлиги.

• рақобат тармоқлар ичидаги рақобат ҳамда тармоқлараро рақобат кўринишида ҳам амал қилади.

Тармоқ ичидаги рақобат — бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида юз берадиган рақобатдир.

Тармоқлараро рақобат — турли тармоқ товар ишлаб чиқарувчилари орасида юз берадиган рақобатдир. Улар ўз сармояси эвазига максимал фойда олишга эришиш мақсадида олиб борадиган курашидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат:

- ҳақиқий;
- таъсирчан;
- рағбатлантирувчи;
- эркин рақобатчиликни талаб қилади.

Бозорда рақобатнинг асосий мақсади:

• рақобат ривожлантирувчи иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Шу сабабли у бозор иқтисодиёти механизмида асосий ўринни эгаллайди.

рақобат режалантирилмайди ва қаттиқ назорат остига олинмайди. Рақобатчиликни бозордаги:

- а) талаб ва таклиф;
- б) нарх-наво;
- в) олигополия ва монополия даражаси;
- г) давлатнинг антимонопол сиёсати белгилайди.

рақобатда мажбурий сафарбарлик бўлмайди. Бу ерда ҳалол ва эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар устидан харидорларнинг ҳукмронлиги ўрнатилади.

Бозорда рақобат ҳалол кўринишда амал қилади. У:

қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарлик, зўравонлик, фирромчиликни тан олмайди;

боқимандалик, бефарқлик, юзакичилик, кўзбуямачиликка барҳам беради;

қариндош уруғчиликни, ошна оғайнигарчиликни, таниш билишликни, маъмурий буйруқбозликни тан олмайди.

Тадбиркорлик шундай омилки, у:

ишлаб чиқарувчиларни новацияга, янги техникага ва прогрессив технологияни жорий қилишга ундайди;

тадбиркорликни ривожлантиради;

иш билан банд бўлган ҳар бир фуқаронинг масъулиятини, меҳнат унумдорлигини, иш сифатини оширади;

қаттиқ меҳнат интизомини ўрнатади;

ички бозорни товар билан бойитади, баҳони арзонлаштиришда катта рол ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда рақобат ҳар қандай иқтисодиётни тангликдан олиб чиқади, маҳсулот сифатини яхшилайди, миқдорини кўпайтиради, халқ фаровонлигини юксалтиришга олиб келади.

## 21.5. Эркин бозор баҳоси деганда нимани тушунасиз?

**Эркин баҳо** — бозорда талаб ва таклифга қараб шаклланидиган баҳодир. Ҳар бир харидор муайян пул суммаси эвазига кўпроқ товар сотиб олишга, яъни мумкин қадар арзон сотиб олишга интилади. Сотувчи эса ўз олдига бун тескариси бўлган вазиятни, яъни ўз товарини мумкин қадар қимматроқ сотиш, яъни харидорнинг катта пул суммасини олиш мақсадини қўяди. Демак, эркин баҳо икки турда

баҳоларнинг тўқнашишидан, уларнинг келишувидан ҳосил бўладиган баҳодир. Бу баҳолар:

- таклиф баҳоси, яъни сотувчи баҳоси;
- талаб баҳоси ёки харидор баҳоси.

Бозорда эркин баҳога ўтмоқ учун:

• маъмурий — буйруқбозлик тизимида бозорда баҳонинг шаклланиши қонун қоидаларидан воз кечиш керак;

• баҳоларни эркин қўйиб юбориш, уларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда хом ашё ва маҳсулотга бўлган ҳуқуқий талабга мувофиқлаштириш;

• ички баҳоларни жаҳон баҳоларига мувофиқлаштириш;

• хом ашё ва маҳсулот айрим турлари баҳолари, нарх-наволари билан аҳоли ва корхоналарнинг даромадлари ўрта-сидаги тенгликка эришиш.

Эркин баҳога ўтишда қуйидаги йўллардан воз кечиш лозим:

• баҳоларни бирданига “эсанкиратадиган тарзда” бўлиб қўйиб юбормаслик;

• баҳоларни бозорда сунъий равишда тўхтатиб қўймаслик;

• нарх-навони давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни қатъий ўрнатишга йўл қўймаслик;

• корхона маҳсулот баҳоларини жадал эркинлаштиришга йўл қўймаслик;

• бозорда талаб ва таклиф қонунининг ҳаракатига маъмурий тўсқинлик уюштирмаслик.

Бозор фақат эркин баҳо асосида яшashi, ривожланиши ва юксалиши мумкин. Бозорнинг юксалиши — халқ фаровонлик даражасининг юксалиши демакдир.

## I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун ўнг томондаги мос келадиган таърифларни танланг.

1. Талаб	1. Истеъмолнинг талабга нисбатан камая бориши
2. Таклиф	2. Товарнинг ўрта шароитда ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни ўзида кўрсатувчи кўрсаткич.
3. Баҳо	3. Баҳо ўзгарганида сотилиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар

	миқдори.
4. Рақобат	4. Белгиланган баҳода сотиладиган товарлар ва хизматлар миқдори.
5. Талаб қонуни	5. Товар ёки хизматларнинг пулда ифодаланган қиймати.
6. Таклиф қонуни	6. Баҳоси ўзгартирилган ҳолда сотишга таклиф қилинган товар миқдорининг ўзгариши.
7. Эркин баҳо	7. Бозордаги товарлар миқдорининг талабдан ортиқ бўлиши.
8. Мувозанат баҳо	8. Товар ёки хизмат учун ҳақ тўлаш истаги ва имконияти.
9. Бозорнинг тўйиниши	9. Бозор баҳоси.
10. Ижтимоий зарурий ишлаб чиқариш харажати	10. Бир неча баҳонинг ҳар бири бўйича сотишга тақдим қилинган товарлар миқдори.
11. Товар фойдалилигининг камая бориш қонуни.	11. Сотувчи ва харидорлар ўртасида кўпроқ фойда олишга интилиш муносабати.

## II. Мавзуга оид саволлар

Энг маъқул талқинни топинг.

1. Қайси иборани талаб ва таклиф қонуни, деб ҳисоблаш мумкин?

а) инсоннинг суткалик нонга бўлган талаби 850 гр.

б) товарни пулга сотиш.

в) одамларнинг нархи арзон бўлган товарларни сотиб олишга интилиши.

2. Қайси ибора тўғри?

а) товарни сотишда харидор муҳимроқ рол ўйнайди.

б) бозорда ҳамма товарлар сотилади.

в) товар сифати харидор дидига ҳамма вақт боғлиқми?

3. Бешинчи музқаймоқ биринчисидек ҳузур бағишлайдими?

а) музқаймоқ қиймати.

б) энг кўп фойдалиликнинг камайиб бориши.

в) танқислик.

4. Таклиф қонуни ҳаракатини аниқланг.

а) истеъмолчилар арзон баҳодаги товарларга нисбатан қиммат баҳодаги товарларни кўпроқ сотиб оладилар.

б) сотишга таклиф қилинадиган товарлар миқдори баҳога боғлиқ эмас.

в) таклиф талабга қараб ўзгариб боради.

5. Талаб қонунининг ҳаракатини аниқланг.

а) товар баҳоси ошиши талабнинг ошишига сабабчи бўлади.

б) товар баҳоси пасайса, талаб ортади.

в) товар баҳоси ошса талаб миқдори қисқаради. Баҳо пасайса талаб ортади.

6. Рақобат мавжуд бўлган бозорда таклиф талабдан ошиб кетса, қандай ҳодиса рўй беради?

а) истеъмолчилар талаби ошади.

б) товар ишлаб чиқариш кўпаяди.

в) бозор баҳоси пасаяди.

г) бозор баҳоси ошади.

### III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Талаб (+) ва таклифни (-) аниқланг.

Сут баҳоси (сўм)	Талаб қилинадиган сут (кг)	Таклиф қилинган сут (кг)	Талаб (+) ва таклифнинг (-) ортиб кетиши
10	500	100	
20	400	200	
30	300	300	
40	200	400	
50	100	500	

2. Бозорнинг талаби 200 тонна картошкани талаб қилган ҳолда унга 300 тонна картошка келтирилди. Қуйидаги саволларга жавоб топинг:

а) картошка баҳоси ошдими? Ошса қанчага ошди?

б) картошка баҳоси пасайдими? Пасайса қанчага пасайди?

в) талабнинг ва таклифнинг ўзгариши тўғрисида ўз фикрингизни билдиринг. Ҳисоб-китобдан иборат бўлган реферат ёзинг.

3. Бозор рақобатини ўзида акс эттира оладиган мисол келтиринг. Бу мисол асосида рақобат механизми тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазангизни ёзинг.

4. Бозорда А. товари ўрнига ўринбосар ролини уйновчи Б. товари билан алмашди. А. товарининг бозор баҳоси 10 сўмни ташкил этганда, Б. товар баҳоси 11 сўмни ташкил этди. Б. товарга талаб ортадими ёки камаядими? Савол жавобларга

мос келадиган мисол келтиринг. Мисолдаги фикр ва мулоҳа-  
залагингни ёзма баён этинг.

5. Кузатишлар натижасича сигаретнинг баҳо талаб элас-  
тиклиги 0,4 га тенг. Агарда бир пачка сигарет баҳоси 100  
сўмни ташкил этса, давлат томонидан сигаретга бўлган та-  
лабни 20 фоизга қисқартириш туғрисида қонун қабул қилин-  
ган бўлса, сигарет баҳоси қанча кўтарилиши мумкин.

Баҳо	Талаб
100	100
110	80
120	60
130	40
140	20

Давлат томонидан баҳони 20% қисқартириш билан бирга, талабнинг 20% қисқаришига эришиш мумкин. Бу ҳолатда баҳо 120 сўмга, талаб 80 пачкага тенг бўлади.

## XXII БОБ

### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МОЛИЯ – БАНК ТИЗИМИ

#### РЕЖА :

1. Аграр соҳада молия ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Давлат бюджетининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти нималардан иборат?
3. Қишлоқ хўжалигида суғурта ва суғурта фондлари деганда нимани тушунаси?
4. Аграр солиқ ва солиқ сиёсати моҳияти нимада?
5. Қишлоқ хўжалигида кредит ва ундан фойдаланиш нима учун зарур?
6. Аграр соҳада банк ва банк муносабатларининг роли нимада?

*Адабиётлар:* 6; 7; 8; 12; 29; 44.

#### 22.1. Аграр соҳада молия ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?

Бозор иқтисодиётидаги ҳар қандай фаолият — маблағ, пул талаб этади. Пулсиз ҳеч қандай фаолиятнинг пайдо бўлиши, унинг амал қилиши мумкин эмас. Уни фақат пул — молия юзага келтиради. **Молия** — бу мамлакат иқтисодиётидаги пул ресурслари билан бўлиб бундай ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнларининг шаклланишини билдиради.

Маълумки, ишлаб чиқариш истеъмолдан олдин тақсимлашни талаб этади. Аввало қиймат шаклидаги тақсимот амалга ошириб, маҳсулот ана шу қийматлар ҳиссасига қараб тақсимланади.

Қиймат тақсимоги турли пул ресурсларини, фондларини юзага келтиради. Булар товарларга алмашишиб истеъмолни шакллантиради. Бунинг учун аввало қийматлар тақсимоги туфайли зарур



пул ресурслари ташкил этилиб махсус пул фондлари вужудга келади. Булар натижасида соҳа ва тармоқларнинг эҳтиёжлари қондирилади ва оқибатда давлат молия тизими шаклланади. Молия тизими деганда ялпи ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида пайдо бўладиган ва давлат томонидан умумдават вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган пул маблағлари йиғиндиси тушунилади.

Молия — давлат ва нодавлат молияси шаклида мавжуд бўлиб, биринчиси — ўзида умумдавлат молиясини, иккинчиси эса — тадбиркорлар, фермер-деҳқон хўжаликлари, томорқа хўжалиги, оила, жамоа ва кооператив корхоналари молиясидан иборат.

Молия муносабатлари объект ва субъектга эга.

**Молиявий субъект** — бўлиб буларга молиявий ресурсларни ташкил этишда, тақсимлашда ва ишлатишда иштирок этувчи давлат, корхона, муассаса, хўжалиқ, оила, фуқаролар киради. Ҳар бир субъект ўзига қаратилган маҳсулотларга тенг бўлган пул фондларини ташкил этади.

**Молия муносабатининг объекти деганда** — пул ресурсларини тушунамиз. Улар маълум миқдордаги маҳсулотларни ўзида ифода этиши зарур. Молия муносабатлари кенг қамровлидир. Унинг мазмуни у бажарадиган вазифаларда ўз ифодасини топади.

Молиянинг вазифалари деганда унинг хўжалиқ фаолиятида мазмунлашувини, аниқ ифодаланиши тушунилади. Ҳақиқатдан ҳам қийматнинг тақсимланиши пул фонди ва ресурсларининг ишлатилиши туфайли молия маҳсулотларни тақсимлаш, шахслар ва жамоаларни рағбатлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини амалга ошириш, иқтисодий ахборот кабиларда ўз аксини топади.

а) **Тақсимлаш вазифаси** — ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад молия ёрдамида хўжалиқ субъектлари ўртасида тақсимланиб, пул фондларига айлантирилади. Дастлаб бу тақсимот корхонанинг ўзида — корхона билан давлат ўртасида юз беради. Бирламчи тақсимот натижасида фойда, иш ҳақи фонди, ижтимоий сугурта ажратмаси, амортизация фонди каби фондлар шакллантирилади. Бу тақсимотга номоддий тармоқ ходимлари, бошқа субъектлар қатнашмайди. Шунинг учун миллий даромаддан ўз ҳиссаларини олган бевосита қатнашувчилар билан унга қатнашмаган билвосита қатнашувчилар ўртасида қайта такрорлаш юз беради. Мен олган иш ҳақимнинг маълум қисмини мени даволаган врачга ёки ҳунар ўргатган

хонармандга хизмат курсатиш ҳақи сифатида тўлаётган. Шу тарзда миллий даромад қўпламчи даражада тақсимланиш натижасида истеъмол жараёнида истеъмол қилинади.

Оқибатда бирламчи тақсимотда ўз улушини олмаган объект уни иккинчи тақсимлашда ёки ундан кейинги тақсимлаш жараёнида ўз улушини олишга мувофиқ бўлади.

б) **Рағбатлантириш вазифаси** — давлат солиқлари, субсидиялар, дотациялар, тўловлар ёрдамида имтиёзлар бериб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун инвестициялар билан таъминлайди, рағбатлантирувчи фондлар ташкил этади, яхшироқ ишлашга ундайди, корхона зарарини коплайди, бож тўловларини камайтириб экспортни рағбатлантиради, хориждан янги технология ва ишланмалар келтириш орқали иқтисодийнинг тузилишини ўзгартиришига рағбат беради ва ҳоказолар.

в) **Ижтимоий ҳимоя вазифаси** — ижтимоий ҳимоялаш асосан давлат томонидан оширилиб икки йўналишда ҳал қилинади.

Биринчи йўналиш — ижтимоий ҳимояни таъминлаш (етим болалар, қариялар, ногиронлар, кам даромадли оилалар, кўп болали оналар ва бошқалар).

Иккинчи йўналиш — аҳолининг бандлигини таъминлашдир.

7-жадвал

Давлатнинг ижтимоий ҳимоялаш сиёсати

Ижтимоий ҳимоялаш йўналишлари	Чора тadbирлар
1. Ижтимоий ҳимояни таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тирикчилик минимумини кафолатлаш;</li> <li>• барча турдаги даромадларни индексациялаш;</li> <li>• бепул транспорт хизматларидан фойдаланиш;</li> <li>• транспорт солиғидан озод этиш;</li> <li>• солиқ турларидан озод этиш;</li> <li>• ижтимоий сўғурга воситасида аҳолини ҳимоялаш;</li> <li>• ижтимоий таъминотни амалга ошириш.</li> </ul>
2. Аҳолининг бандлигини таъминлаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• умумий таълимнинг бепул бўлиши;</li> <li>• айрим шахсларнинг бепул – имтиёзли олий маълумот олиши;</li> <li>• бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш;</li> <li>• имтиёзли уй-жойдан фойдаланиш;</li> </ul>

- аҳолий илғи касбларга ўргатиш;
- ишсизликни қисқартириш;
- янги иш жойлари ташкил этиш;
- ишсизларга нафақа бериш.

### г) Иқтисодий ахборотлар бериш вазифаси.

Иқтисодиётни бошқаришда иқтисодий ахборотларнинг ўрни катта. Бу молиявий якунлар ҳулосасида ўз вақтида ҳабарлар бериб туриши орқали амалга ошади. Айтайлик, молиявий кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришни кузатиш молиявий фондлар ҳолати бўйича иқтисодиёт соҳаларининг муваффақияти, бир-бирларига мутаносибсизлиги кабиларни аниқлаш имкониятини беради.

Молиявий ахборатда **аудиторлик хизмати** катта ўрин тутиб ахборотлардан фодаланишни яхшилайти ва тезлаштиради.

Бу хизмат корхоналар ва компанияларнинг ҳўжалик молиявий фаолиятини таҳлил этади, экспертизани бажаради, ҳолисона ҳулосалар чиқаради ва уларни ўз вақтида етказиб беради.

Молиявий вазифалардан унумли фойдаланиш иқтисодий ўсиш учун хизмат қилади.

Молия вазифаларини амалга ошириш молиявий воситалар асосида амалга оширилади.

Молиявий воситалар (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари, амортизация, фойда, солиқ, дивиденд, солиқ сугурта ҳақи, банк ҳақи, дотация, субсидия, компенсация ва бошқалар) фондларда шаклланиб **молия ресурсларини** ташкил этади. Молия ресурсларини маблағ билан таъминлашни молиялаштириш, деб юритилади. Молиялаштириш: 1) қарз олиш (кредит); 2) ўз-ўзини молиялаштириш; 3) Давлат ажратган молиядан фойдаланиш асосида амалга оширилади.

## 22.2. Давлат бюджетининг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти нималардан иборат?

Давлат бюджети деганда умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар тушунилади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги вазифаларни ҳал қилишдир.

У даромад ва харажат қисмларидан иборат бўлади. Бюджетнинг даромад қисмини шаклантиришда мулк шаклларида қатъи назар ҳамма иқтисодий субъектлар иштирок этадилар. Уларнинг иштироки солиқлар тўлаш шаклида юз беради. Бюджетнинг харажатлари умумдавлат молия фондларини ташкил этган тушунчаларни тақсимлаб маълум мақсад йўлида фойдаланишдир.

8-жадвал

Давлат бюджетининг таркиби

Даромадлар қисми	Харажатлар қисми
<p>Даромадлар шу жумладан</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Қўшилган қийматдан олинган солиқ</li> <li>2. Республика ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотлардан олинадиган солиқ (божхона солиғи)</li> <li>3. Актив солиғи</li> <li>4. Ахборот солиғи</li> <li>5. Даромадга (фойдага) солинадиган солиқ</li> <li>6. Аҳолига сотиладиган ҳар хил қимматли қоғозлар.</li> <li>7. Аҳоли даромадига солинадиган давлат солиқлари.</li> </ol>	<p>Харажатлар шу жумладан:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Иқтисодга.</li> <li>2. Ижтимоий-маданий тадбирларга; <ul style="list-style-type: none"> <li>• маориф ва фан;</li> <li>• соғлиқни сақлаш ва jisмоний тарбия;</li> <li>• ижтимоий таъминот;</li> <li>• кўп болали ва яқсабош оналарга бериладиган давлат нафақалари;</li> <li>• Аҳоли фаровонлигини таъминлаш.</li> </ul> </li> <li>3. Давлат ҳокимияти ва бошқариш органларини ушлаб туриш харажатлари.</li> <li>4. Мамлакатнинг муҳофафизлари харажатлари.</li> </ol>

Бюджет ўз моҳиятига қараб: 1) Давлат бюджети. 2) Маҳаллий бюджет. 3) Корхона, ҳўжаликлар бюджетига бўлинади.

Ҳар бир давлат бюджетининг даромад қисми билан харажат қисми тенг бўлиши шарт. Акс ҳолда – бюджет тақчиллиги юз беради.

Давлат бюджети асосан харажатга нисбатан даромад қисми кўпроқ бўлиши керак аммо тажриба кўрсатишича йил охирида ҳар хил ҳисобга олинмаган харажатлар миқдорининг сунъий ортиб кетиши нагижасида бюджет дефицитлиги (тақчиллиги) келиб чиқади. Яъни бюджет даромад қисмига тушадиган маблағларнинг айрим сабабларга кўра камайиб кетиши ҳам сабаб бўлади. Бунга сабаб пинхоний иқтисодиётнинг (қонунчи-

лик томондан тақиқланган фаолият билан шуғулланиши) авж олиш натижасида юз беради. Бу камомад (тақчиллик) ялпи ички маҳсулотнинг 3-5 фоизига тенг бўлса у хавфсиз ҳисобланади. Ундан ортиб кетса бюджетда назарда тутилган айрим ва-зифалар талаб даражасида амалга ошмаслиги, бу эса иқтисоди-ёт ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин. Бюджет тақ-чиллиги давлат марказий банк маблағлари ёки четдан олинган қарзлар ҳисобидан таъминланади. Бюджет камомати учун олин-ган қарзлар ва келишилган фоиз тўловлари ўз муддатида тўла-ниши мажбурийдир. Молия тизимида — **маҳаллий бюджет** кат-та ўрин тутади. У давлат бюджетининг таркибий қисми бўлиб, унинг 30-60 фоизини ташкил этсада, ўзи мустақил бюджет сифатида фаолият юргизади. Унинг даромад қисми:

- маҳаллий корхоналар фойдасидан ажратилади-ган маблағлар;
  - мулк солиғи;
  - реклама солиғи;
  - курорт ва дам олиш муассасалари солиғи;
  - транспортлардан фойдаланиш солиғи;
  - савдо ҳуқуқий йиғими;
  - маҳаллий аукцион ва лотореядан олинадиган лицензия йиғими;
  - тadbиркорларни расмийлаштиришдан келадиган йиғим-лар (штамп, печат ва бошқа йиғимлар);
  - давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия ва суб-векциялар;
  - бошқалар.
- Маҳаллий бюджет харажатлари:
- маҳаллий инфраструктурани ривожлантириш;
  - маҳаллий ҳудудларни ободонлаштириш;
  - маҳаллий аҳамиятга эга бўлган илмий-техника ишлари;
  - соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия;
  - маҳаллий ҳокимиятни бошқариш;
  - кам таъминланган оилалар, қарияларга моддий ёрдам;
  - озиқ-овқат маҳсулотларига қуйилган чакана нархлар-нинг дотация қисмини қоплаш;
  - маҳаллий ҳудудда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
  - заҳира фондларини ташкил этиш ва бошқалар.

Корхоналар бюджети ҳам корхонанинг ўз фаолиятини талаб даражасида амалга ошириш мақсадига эришиш учун хизмат қилади.

Бюджет талабларига риоя қилиш бозор иқтисодиёти асосида мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминловчи асосий механизмдир.

### 22.3. Қишлоқ хўжалигида суғурта ва суғурта фондлари деганда нима тушунасиз?

Суғурта молия муносабатларининг бир туридир. Суғурта даромад манбаи — суғурталанган аҳоли ва хўжаликларнинг пул манбаидан иборат бўлиб, маҳсулот қиймати тақсимотида бир қисмини суғуртага ажратиш туфайли фондни ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Суғурта туб мазмуни билан зарарни қоплаш, зарар эҳтимоли асосида юзага келади. Суғурта объекти хилма хилдир. Бунга кўра у икки хилга бўлинади: **1) мол-мулк суғуртаси; 2) ижтимоий суғурта.** Мол-мулк, бойликни суғурталашга кирса, ижтимоий суғурта инсон ҳаётини суғурталашга киради.

Ижтимоий суғурталашнинг асосий мазмуни унинг суғурта олиши билан боғлиқ бўлган маблағ кўламига боғлиқ. Бу маблағлар уч манбадан: давлат, корхона ва давлатлардан ташкил топади. Бу маблағлар жамият аъзоларининг меҳнатга яроқсиз, ўзини таъминлай олмайдиган қисмлари учун сарфланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида суғурталарнинг **тиббий суғурта** кўлами ҳам ортиб бормоқда. Тиббий суғуртанинг асосий мақсади инсонларнинг соғлигини сақлаш бўлиб, пировардида барча минимал тиббий ёрдам беришни ташкил этиш суғурталанганларнинг соғлигини таъминлашдан иборат. Бу суғурта фонди давлат, корхона, хўжаликларнинг мажбуран ажратилган ва фуқароларнинг ўз хоҳишлари билан ажратилган маблағларидан ташкил топади.

**Тадбиркорлик суғуртаси** — тадбиркорнинг фаолиятини қафолатлашга қаратилган бўлиб, бунда фойдани кам олиш ёки олмаслик хавфи, пул тўлашнинг ўз вақтида бўлмастлиги савдо сотиқдаги ноҳуш ходисалар каби тадбиркорнинг хоҳишига кўра суғурталанади.

Суғурта — ихтиёрий ва мажбурий суғурталарга бўлинади. Мажбурий суғуртага тортиш давлат суғурта идоралари томони-

дан аниқланиб, уларнинг тавсияси бўйича объект суғурталанади. Уларнинг дахлсизлиги устидан назорат ўрнатилади. Ихтиёрий суғурта хоҳиш — иродасига кўра амалга ошириладиган суғурта туридир. Бу суғурта ҳар иккала томоннинг келишуви ҳамда шартнома асосида амалга оширилади. Суғурталанган ҳар бир шартнома суғурта шартномасига асосан суғурта баҳоларини мунтазам тўлаб боради, зарур вақтда суғурталанган маблағ ва хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

#### **22.4. Аграр солиқ ва солиқ сиёсатининг мақсади нимада?**

Молия тизимида солиқлар асосий ўринни эгаллайди. Чунки, давлат бюджетининг даромад қисмига тушадиган маблағларнинг 85 фоизини солиқдан келадиган тушумлар ташкил этади. Давлат даромадлари — бу миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг давлатга тегадиган улушидир. Бу даромад уч манбадан: солиқлар, заёмлар ва пул эмиссиясидан иборат.

Солиқлар — бу бюджетга тушадиган пул бўлиб, у қонун билан белгиланган мажбурий тўлов муносабатларидир.

Солиқ объекти — бу солиққа тортилган барча коллектив ёки яқка — товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи шахслардир. Бу объект хилма хил турда бўлиб, улар ҳар хил кўринишда фаолият юргизадилар ва давлатга солиқ тўлайдилар.

Солиқ субъекти — давлатдир.

Солиқ манбаи — маълум фаолият натижасидир. Солиқ нормаси — солиққа тортилган объектнинг солиқ тўлаш нормасидир.

Солиқ имтиёзи — бу қонун асосида имтиёзга эга бўлиб, солиқ тўлашда ўз ифодасини кўрсата оладиган тадбирга айтилади.

Солиқ сиёсати — давлатнинг аввалдан мўлжалланган солиқ борасидаги тамойиллари, қонуни, фармон ва қарорини тайёрлаш ва уларнинг ижросини ташкил этишдаги чора-тадбирлар ва фаолиятлар йиғиндиси.

Солиқ тизими деганда — меҳнати жиҳатидан бир хил бўлган ва марказлашган пул фондига тушадиган солиқ турлари йиғиндиси тушунилади. Бу тушум: оборотдан, даромаддан, мулк қийматидан олинадиган солиқлардан иборат. Бюджетга тушадиган барча турдаги солиқлар бюджет солиқлари, деб юритилади. Солиқлар турлари туркумига:

- қўшилган қиймат солиғи;
- фойда (даромад) солиғи;

- акциз солиғи;
- фуқароларнинг даромад солиғи;
- божхона солиғи;
- эмиссия лойиҳасини қайтадан ўтказиш йиғими;
- бошқа турдаги солиқлар.

Бу солиқлар давлат даромадларини ташкил этади.

Солиқлар ўз характерларига қараб — маҳаллий солиқларга ҳам бўлинади:

- ер солиғи;
- мол-мулк солиғи;
- қонунлардан фойдаланиш солиғи;
- реклама солиғи;
- курорт жойлар ва муассасалар солиғи;
- автомашиналарга эгалик қилиш ва фойдаланиш солиғи;

Корхона солиқлари ҳам мавжуд.

Корхона деганда ҳуқуқий, шахс мақомига эга бўлган ёки ҳуқуқий шахс бўлмаган, аммо мустақил бухгалтерия баланси ва ўзининг банк муассасаларида ҳисоб рақамига эга бўлган муайян хўжалик, тижорат фаолияти тури билан шуғулланувчи ташкилот ва бирлашмалар ҳамда уларнинг шахобчалари тушунилади. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида иш юритаётган барча кооператив хўжаликлар, фермер, деҳқон хўжаликлари мустақил хўжалик бирикмаси ҳисобланиб, уларнинг банкда хўжалик ҳисоби мавжуд. Улар ишлаб чиқариш ва бозор муносабатларидан барча фаолияти банк орқали амалга оширилади. Уларнинг олган фойдалари аниқ. Улар ўз фаолиятлари натижаларига кўра солиққа тортиладилар. Солиқ тизимини тартибга солишда солиққа тортишнинг ва солиқни ўз вақтида ундириш масаласи катта аҳамиятга эга. Солиққа тортиш қонун асосида амалга оширилиши шарт. Давлатга тўланадиган солиқдан қочиш, унинг ҳажмини кам кўрсатиш, бу давлат олдида, халқ олдида виждонсизликдир. Ундай шахслар қонун олдида жавоб берадилар.

## **22.5. Қишлоқ хўжалигида кредит ва ундан фойдаланиш нима учун зарур?**

Кредит деганда ўз эгалари қўлида вақтинча бўш тўрган пул маблағларини бошқалар тамонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга ва қайтариб бериш юзасидан келишиб олган муносабатлар тушунилади.



Маълумки, фойдаланмаётган пуллар ҳеч қандай фойда келтирмайди. Пулни узоқ вақт айланишдан чиқиб ишламай туриб қолиши пул эгасининг иш фаолиятига салбий таъсир этади. Шунинг учун ҳар бир пул эгаси ўз пулини ҳар қандай шароитда ҳам фойдаланишга, ишлатишга ҳаракат этади. Пул доимо, мунтазам равишда ишлатилиши мумкин эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам пул маълум вақт бўш туришга мажбур бўлади.

Пулнинг бўш туриб қолишига сабаб:

- корхоналар ўз ишлаб чиқариш ҳажмига қараб, маълум хом ашё миқдорига эга бўлади. Бу хом ашё маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида янги маҳсулотга ўтади. У сотилиб яна хом ашё сотиб олиш вақти келгунча бўш қолади.

- моддий ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучи қиймати ҳар соат, кун, ҳафта мобайнида маҳсулот яратиш учун сарфланади. Маҳсулотларнинг сотилиш натижасида улар иш ҳақи тўлаш муддати келгунга қадар тўпланиб туради.

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мунтазам олинанинган фойданинг бир қисми ажратила боради. Бу фойда сарфланиш муддати етиб келгунга қадар тўпланиб, ишланмасдан ётади.

- ишлаб чиқаришда фойдаланилган меҳнат қуролларида фойдаланиш муддати ҳам ҳар хил бўлади, уларнинг эскириш даражаси ҳам турличадир. Бу меҳнат қуроллари тўплаш учун йиғиладиган пуллар ҳам маълум вақт бўш туриб қолади.

- корхона ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун маблағлар ажратади. Шу маблағнинг фойдаланишга туташиши учун маълум вақт керак бўлади. Бу вақт етиб келгунча бўш ҳолда сақланиб туради.

- аҳоли қўлида ҳам маълум миқдорда ва маълум мақсадга аталган пуллар бўлади.

- давлат бюджетидан иқтисодни ривожлантириш, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш мақсадларида пул ажратилади. Бу пуллардан фойдаланиш муддати етиб келгунча улардан ҳам фойдаланиш мумкин.

- ҳар хил фондлар ташкил қилиб, улар эҳтиёжида ҳам катта маблағ тўпланиб, улардан фойдаланиш зарурияти туғилгунга қадар қарз кўринишида фойдаланиш зарур.

Биз бўш пулларнинг айрим манбалари устидагина фикр юритдик. Бўш пул манбалари жуда кўп ва хилма хилдир. Улардан қанча кўп фойдаланилса, қарзга бериладиган пуллар миқдори ҳам шунча кўп бўлади. Бўш ётган пулларни

қарзга бериш йўли билан фойдаланиш билан молия ихтиёридаги маблағлардан фойдаланиш орасидаги ўхшаш ва тафовутларни ажрата билиш керак.

Молия ва кредит тушунчалари ўртасида бир томондан умумийлик бўлса, иккинчи томондан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Агар молия барча субъект хўжалиklarининг ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларни англатса, кредит бундан фарқлироқ ўзга мулк бўлган пулни қарзга олиб, ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради. Молия билан кредитнинг умумийлиги шуки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам пул маблағлари юзасидан бўлган муносабатларни жамлаш ва ишлатиш усулининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқади. Молия ўз пулини хоҳлаган вақтда ишлатиши мумкин. Кредит эса қарзга берувчи қанча пул берган бўлса, шундангина фойдалана олади.

Молияда пулни ишлатиш эркин ва харажатсиз амалга ошса, кредитда бу ҳақ тўлаш туфайли ва муддати келганда ҳақ тўлаш шарги билан ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади. Кредит пулларнинг ҳаракати, айланишда бўлиши бўш, вақтинча ишлатилмай эркин қолган пуллар мавжудлигидан келиб чиқади. Пул эгалари ихтиёрида вақтинча бўш турган пулларни фоиз билан қайтариш шарти асосида маълум вақт ичида ишлатиш учун олинади. Демак, кредит қарз берувчи пул эгаси билан қарз олувчи тадбиркор ёки истеъмолчи ўртасида бўладиган алоқадан келиб чиқади. Кредитнинг умумий субъектлари қарз берувчи пулдор ва қарздор тадбиркордир.

Демак, кредит — бу ҳаёт тақозоси натижасидир. Чунки, товар ишлаб чиқариш жараёнида бир томондан пулга муҳтож бўлган одамлар пайдо бўлса, иккинчи томондан “ортиқча” пулга эга бўлган кишилар пайдо бўладилар. Бўш пуллар ҳақиқатда бўш пуллар эмас, балки вақтинча бўш ётган пуллардир. Бу пуллар бўш ётган вақтида ўз эгасига ҳеч қандай фойда келтирмайди. Шунинг учун бу пулларни ишлатишни хоҳлаган корхона, шахсларга фоиз тўлаш ҳисобидан қарзга берилади ва муддати ўтиши билан уларни ўз эгасига қайтарилиши шарт. Қарзга олинган пул — ссуда, деб аталиб, ундан фойдаланиш йўллари ҳам ҳар хилдир. Қарзга олинган пул янгидан ишга солиниб, пулни пул топади усулида фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда қарзга олинган пул ссуда капиталига айланиб ўз эгасига фойда келтириб, пулни кўпайтириш учун хизмат

қилади. Агарда, қарзга олинган пул шахсий ёки умумий эҳтиёжларни қондириш учун хизмат қилса у капиталга айланмайди. Бунда пул оддий харид воситаси вазифасини бажаради. Пул пулни топади деган қоидага амал қилмайди.

Кредит қуйидаги вазифаларни:

- қимматли қоғозлар чиқариш;
- бўш пулларни капиталга айлантириш;
- қарз усули билан пул маблағларини тармоқлараро тақсимлаш;
- пул қарзи усули билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни бажаради.

Қимматли қоғозлар кредит орқали муомалага, хўжалик ҳаракатига киритилади. Вексел, чек, сертификат шулар жумласидандир:

Кредит вазифаларидан кредит турлари келиб чиқади. Улар қуйидагилардан иборат:

- банк кредити;
- тижорат кредити;
- давлат кредити;
- истеъмол кредити;
- халқаро кредит.

Кредитнинг бу шакллари ўз мазмунларига қараб маълум мақсадларни амалга оширади. Кредитлар бериш маълум таъмоийлар асосида амалга оширилади.

- қайтариб бериш;
- муддатлилиқ;
- ҳақ тулаш (фоиз);
- моддий таъминланганлик;
- маълум мақсадни кўрсатиш.

Кредит — товардир. У товар экан, қийматга ва баҳога эга. Кредит баҳоси ҳам бошқа товарлар сингари — талаб ва таклиф қонуни талаблари асосида шаклланади. Кредитнинг бош таъмоийли — кредит учун ҳақ тулашдир. Бу ҳақ олинган ссуда суммасига маълум устама ҳақ тулаб қайтаришдир. Қарз қилинган суммага нисбатан фоиз ҳисобида туланадиган ҳақни **қарз фоизи** дейилади. Фоиз даражаси қарзга булган талаб-таклиф даражасига боғлиқ. Талаб ортса ортади, камайса камаяди.

Аммо, қарз фоизига яна бир қатор омиллар таъсир этиб, улар жумласига: қарз муҳлати; қарз бериш шартлари; кредитнинг қандай пул билан берилиши; инфляция даража-

си; пулни қарз беришдан бошқа йўлда фойдаланишдан келадиган фойда даражасига; қарз бериш хатарлилигига ва бошқаларни киритиш мумкин.

Аграр соҳада кредит — бозор шароитида ишлаб чиқаришни инновациялаш асосида юксалтиришга эришишнинг энг асосий омилларида бири эканлигини исботламоқда.

## 22.6. Аграр соҳада банк ва банк муносабатларининг роли нимада?

Пулни қарзга бериш икки усулда амалга оширилади.

**Биринчидан**, бунда қарз берувчи ва қарз олувчи ўзаро алоқада бўладилар. Пулни қарз берувчи ва қарзга олувчи — маълум шартнома ёки келишув асосида ўз алоқаларини амалга ошириши мумкин. Бу алоқани бевосита пулни қарз олиш ёки насияга мол сотиш йўли билан амалга ошиши мумкин. Чунки, насияга товар сотиш ўз мазмунини билан қарз беришнинг ўзидир. Насияга сотиш ҳам маълум муҳлат ва ҳақ тўлаш асосида юз беради. Яъни, товар баҳосига устама қўйилиб, товар насияга сотилади.

**Иккинчидан**, бунда қарз олувчи ва қарз берувчи билан бир қаторда учинчи субъект ҳам қатнашади. Бу банк — банкирдир.

**Банк** — бу пул маблағларини жалб қилиш ва уларни қайтариш, тўлаш ва муддатлаш шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган ташкилотдир. Банклар ҳақиқатдан ҳам кредит вазифаларини ўзида мужассамлаштириган муассасадир.

Банклар кредитдаги икки томонни бир-бирига боғлайди. Улар ўртасидаги зарур алоқаларни ўзи бажаради. Бўш пул эгалари ва пулга муҳтожлар банк орқали ўз муаммоларини ҳал қилади. Амалда банк фаолияти туфайли бундаги субъектлар банкка пул қўйувчи ва қарз олувчиларга айланади. Банк пул қўйувчиларга фоиз тўласа, пул олувчилардан фоиз олади. Бу фоизлар ўртасидаги фарқ — банк даромадини шакллантиради.

Бундан ташқари банклар — хазина сақловчи, қимматли қоғозлар чиқарувчи бош бўғиндир. Давлат эмиссияси ҳам банк орқали амалга оширилади. Шу билан бирга банклар гаровга бойлик қўйиш вазифаси, капитал ва истеъмолчи кредитлари каби вазифаларни ҳам бажаради.

Банклар уч турга:

- давлат;
- хусусий;

- жамоа банкларига бўлинади.

Давлат банклари марказий, деб аталиб давлат номидан иш юритади. Давлат мулки сифатида уни қонуний ҳимоя қилади.

**Жамоа банклари** — бирлашмалар, йирик ташкилотлар, кооператив иттифоқлар томонидан ташкил этилиб, ўз фаолиятларини молиялаштириш учун ташкил этилади. Масалан, “Пахтабанк”, “Ғаллабанк”, “Тадбиркор”, “Ўзмеваسابзавот-банк”, Туронбанк” ва бошқа турдаги тижорат банкларини мисол қилиб олиш мумкин.

**Хусусий банклар** — хусусий капитал асосида иш юритувчи банклардир.

#### **Банк тамойиллари:**

- реал, мавжуд ресурслар чегарасида иш юритиш;
- тўла иқтисодий ва юридик мустақилликка эга бўлиш;
- банк мижозлари билан ўзаро алоқаси оддий бозор муносабатлари асосида амалга оширилади;
- ўз фаолиятларини тартибга солиш.

#### **Марказий банк вазифалари:**

- монетар сиёсат ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;
- мамлакат иқтисодиётида ҳисоб китобларни ташкил этиш ва таъминлаш;
- мамлакатнинг олтин ва бошқа қимматли металл ва бойликларини сақлаш, бошқариш ва фойдаланиш;
- бюджетни касса ижросида ташкил этиш;
- пул чиқаришни ва уни тартибга солиш;
- тижорат банклари касса заҳираларини сақлаш;
- тижорат банкларини кредитлаш;
- ҳисоб китобларни ва пул айланиш операцияларини амалга ошириш;
- назорат қилиш.

Демак, марказий банк — мамлакат молия-кредит тизимининг барқарор ишлашини таъминловчи, назорат қилувчи, молия-кредит тизими бўйича масъул молиявий муассасадир.

## **I. Мавзуга оид атамалар**

1. Пул.
2. Товар — пул муомаласи.
3. Молия муносабатлари.

4. Молия вазифалари.
5. Давлат бюджети.
6. Кредит.
7. Банк.
8. Пул муомаласи.
9. Солиқ нима?
10. Суғурта.
11. Тўлов фоизи.

**Юқорида номлари қайд қилинган атамалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг.**

1. Пул билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар.
2. Юз берадиган турли табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар, олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳодиса ва воқеалар натижасида етказилган зарар ва талофатларни бартараф этишга қаратилган махсус тадбирлар.

3. Ҳамма товарлар учун умумий эквивалент ролини ўйновчи товар.

4. У эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан ва ўз вақтида қайтариб бериш муносабатлари.

5. Қонуний асосда бюджетга тушадиган маблағ.

6. Товарлар айирбошловчи восита.

7. Товар маҳсулоти айирбошлашдаги муносабатлар.

8. Кредит вазифаларини бажарувчи муассаса.

9. Тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, молия ахборотларининг амал қилиш механизми.

10. Пул маблағларини жалб этиш ва уларни қайтариш, тўлаш ва муддатлилиқ шартлари асосида ўз номларидан жойлаштириш мақсадида тузилган корхона.

11. Қарз олганлиги тўғрисида тўланадиган ҳақ.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Пул нима? Унинг моҳияти деганда нимани тушунасиз?
2. Солиқ деганда нимани тушунасиз?
3. Солиқлар зарурлиги нимадан келиб чиқади?
4. Кредит ва молия тушунчалари ўртасида қандай умумийлик ёки фарқлар мавжуд?
5. Кредитнинг қандай шакллари мавжуд?
6. Кредитлаштириш нима?

7. Суғурга шартномаси нима мақсадлар учун тузилади?
8. Банкнинг қандай турлари мавжуд?
9. Давлат бюджети қандай вазифаларни амалга оширади?
10. Молия вазифалари деганда нимани тушунасиз?
11. Кредит вазифаларининг аҳамияти нимада?

### III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Фермернинг 10 гектар ери бор. Бу ерларнинг 38,5 фоизи ни ер кадастри 55-60 балл, 28,5 фоизи — 70-80 балл ва қолгани 45-55 балл ташкил этади. У қанча ер солиғи тўлаши керак.

2. Деҳқон хўжалигининг ихтиёридаги умумий қуввати 1000 от кучига тенг. Унинг 16,8 фоизида 1 от кучи 28,5 сўмдан, 53,2 фоизида 35,4 сўмдан, қолган фоизидаги от кучлари 50,8 сўмдан баҳоланган. Фермер техника учун қанча солиқ тўлайди?

3. Деҳқон банкдан олган 1 млн. сўмлик қарзини 3 муддатга тўлаш режалаштирилган. 1 муддат 15 апрелгача бўлиб, ҳар юз сўм учун 3 фоиздан, 2-муддат 10 июнгача бўлиб, ҳар бир 100 сўм учун 2,5 фоиздан ва қолган қисми 20 декабргача бўлган 100 сўм қарз учун 2,8 фоиз ҳақ тўлаш белгиланган. Фермер қанча сўм фоиз тўлади?

## XXIII БОБ

### АГРАР ТАРМОҚНИ МАРКЕТИНГ ВА МЕНЕЖМЕНТ АСОСИДА БОШҚАРИШ

#### Р е ж а :

1. Маркетинг тушунчаси нимани билдиради?
2. Маркетинг мақсади, тамойиллари ва вазифалари нималардан иборат?
3. Корхонада маркетингни ташкил этиш нима учун зарур?
4. Менежмент нима?
5. Бошқарувдан мақсад нима?
6. Менежер бу раҳбарми?
7. Бошқарув қарорлари нима учун керак?
8. Бошқарувни режалаштириш мумкинми?
9. Ишлаб чиқаришни бошқаришдан мақсад нима?
10. Аграр тармоқнинг давлат томонидан бошқарилиши қандай амалга оширилади?

*Адабиётлар:* 3, 4, 9, 26, 29, 30, 40, 45.

#### 23.1. Маркетинг тушунчаси нимани билдиради?

Маркетинг бозор иқтисодиёти маҳсули бўлиб, у шу тизимга хизмат қилади.

“Маркетинг” инглиз сўзи бўлиб – бозор, бозорни ўрганиш – тадқиқ қилиш маъносини англатади. Бу тушунча XX асрнинг 30-40-йилларида қўлланила бошланиб, XX асрнинг 60-90-йилларида иқтисодиётнинг ҳамма соҳалари ва тармоқларида тўла маънода ҳаракат қилади. Маркетинг ўз ривожланишининг уч босқичини босиб ўтди. **Биринчи босқич** – “ишлаб чиқариш концепцияси” давридир. Бу даврда ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёни амалга оширилаётган давр эди. Бозор ҳали товарларга тўйинмаган, талаб поёнсизлиги давом этаётган давр эди. **Иккинчи давр** – “товарларни сотиш



концепцияси” даври бўлиб, бу даврда ишлаб чиқариш режалаштирилган, бозордаги товарларни сотиш муаммоси юзага келган, асосий мақсад ишлаб чиқарилган товарларни тезроқ сотиш йўллари қидиришга қаратилган давр эди. **Учинчи давр** — истеъмолчи, харидор даври бўлиб, бу давр бозор ҳамма турдаги товарлар билан тўла маънода тўйинган эди. Асосий масала товар ишлаб чиқариш муаммоси бўлмасдан товарни сотиш муаммосини ҳал қилиш даври эди.

Бу даврда тадбиркор ва унинг фаолияти, тақдири тўла истеъмолчига — харидорга боғлиқ бўлиб, асосий диққат шу масалага қаратилган эди.

Маълумки, эндиликда тадбиркорларнинг бозордаги асосий мақсади ишлаб чиқаришни кенгайтириш билангина кифояланиб қолмасдан — уни сотиш масаласи билан боғланиш юз берди. Товарларни ўз вақтида соға олмаслик — ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартиришгагина олиб келиб қолмасдан, балки у бозорда “синиб” сахнадан тушиб қолиш хавф-хатари пайдо бўлади.

Шунинг учун тадбиркор — бор диққати ва фикрини, имкониятини товарларини тезроқ сотишга қаратади. Аммо тадбиркор бу вазифани ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлмайди. Чунки, биринчидан: товарларни ишлаб чиқариш доираси ҳаддан ортиқ кенгайиши, хилма хиллиги тадбиркорга бозор муаммолари билан чуқур шугулланиш имкониятини бермайди. Иккинчидан: бозорда товар сотилиши учун, бозорда қандай товарга талаб борлиги, уларнинг бозор — товар айланишидаги улуши миқдори, товар сифати, уларни харидорларга етказиб бериш зарурияти кучая бошлайди. Учинчидан — бозорда харидор қидириш, топиш ва ўзига мижоз қилиб олиш муаммоларини ҳал қилиш ҳам осон иш эмаслигини тажриба исботлай бошлади. Тўртинчидан — товарларни сотиш доираси (бозорлар) кенгайди, катта харажатлар талаб этади, харидор топишнинг ҳар хил янги усуллари (реклама) пайдо бўлади. Бешинчидан — товар ишлаб чиқаришдан мақсад — фойда олшдир. Фойда олиш муаммоси борган сари қийинлаша бошлади.

Булар ҳаммаси тадбиркор учун “ёрдамчи” кераклигини келтириб чиқаради. Тадбиркорнинг бундай “ёрдамчиси” — маркетинг хизматидир. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти қанча ривожлана борган сари, маркетинг хизматига бўлган эҳтиёж, зарурият орта боради. Шунинг учун ҳар бир товар

бозорини ташкил этиш, унинг ўз жойини топа билиш, харидорни юзага келтира бориш, шу товар билан боғлиқ хизмат кўрсатишни уюштириш, истеъмолчи талаби асосидаги барча хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқаришни таъминлаш маркетингнинг фаолият соҳасини ташкил этади.

**Маркетинг бу – товарларни ва хизматларни ишлаб чиқариш, йўналтириш ва сотиш йўли билан товарларга бўлган талаб тахминланадиган жараён**дир.

Маркетингга ишлаб чиқаришни бошқариш ва бозор йўналишидаги савдо-сотиқнинг ягона бир тизими сифатида икки жиҳатидан қараши зарур.

**Биринчидан**, бошқарув маркетинги корxonани бошқаришдаги муайян тафаккур тарзидан иборатдир. Унинг ўзига хос томони шундан иборатки, корхона бозор йўналишида фаолият олиб боради ёки ишлаб чиқариш талабларига мослашишдан бозор талабларига мослашишига ўтади. Бу эса корхона бошқарувини бозор бошқарувига яқинлаштиради. Корxonанинг бозор талабига мослаштириш мақсадида ишлаб чиқаришни такомиллаштиради. Бозорбоп товарлар ишлаб чиқариш мақсадида технологияларни янгилаш масалаларини тезроқ ҳал қилиш шароитларини яратади. Эски бошқарув усулини – янги бошқарув усулига яқинлаштиради, ўзгартиришлар киритади. Оқибатда бозорга тушадиган товарларнинг истеъмол қиймати харидорлар талабига мослаша боради. Энди қабул қилинадиган қарорлар фақат ишлаб чиқаришгагина тегишли бўлиб қолмасдан, бозор учун ҳам тегишли бўлади. Ишлаб чиқариш билан бозор ўртасида узвий боғланишнинг янги қирралари ва сирлари очила бошлайди. Оқибатда маркетинг ўз фаолиятини кенгайтириб, энди у фақат назорат қиладиган бўлимдан корxonанинг ҳамма фаолиятларига актив қатнашадиган, аралашадиган, ўз фикри ва мулоҳазалари билан ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятига кескин таъсир эта оладиган тизимга айланади. Бу фаолият уч ташкилий қисмдан ташкил топади: Ташкилий **бошқарув**, **тадқиқот** ва **дастурий** назорат тармоқлари.

Тизимнинг ташкилий бошқарув қисми – бу маркетингнинг ташкил этиш билан шуғулланадиган хизматдан иборат. Уларнинг асосий вазифалари – корxonаларнинг ҳамма бўлимларини зарур бозор ахборотлари билан таъминлаш ва улар-

нинг бозор талабларига мўлжал олиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни ўзаро мувофиқлаштиришдир.

**Тизимнинг тадқиқот қисмида** — корхона маркетингни, унинг бозор, ишлаб чиқариш, баҳо, реклама ва бошқа фаолият соҳаларини қамраган ҳолда тадқиқ этишнинг услубий, ахборот, йўл-йўриқлар ва тартиб-қоидаларидан иборат.

**Дастурий назорат қисми** — корхонадаги маркетингнинг мақсадли дастурлари ва уни назорат қилишдир. Бундан асосий мақсад бозордаги мавжуд вазиятлар ва корхоналарнинг қуввати, имкониятларига қараб турли даврда стратегия, тактика, оператив бозор фаолиятини шакллантиришдир.

**Бошқарув маркетинги** — бу биринчи навбатда бошқарув тизимининг эпчил-чаққонлиги, ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятидаги ўзгаришларга доимо тайёрлик, бозор конюктураси ва истеъмолчилар талабининг ўзгариб турувчи шароитларга мослашишидир. Маркетинг хизмати боғловчи бўгин ҳисобланади ва бозор талабини қондириш ҳамда шу асосда фойда олишга қаратилган ягона уюшма барпо этишдир.

**Иккинчи жиҳат** — маркетинг бозорда бевосита олиб бориладиган фаолият, деб қаралади. Агарда, маркетинг ишлаб чиқаришни бошқариш тизими сифатида “корхонанинг тафаккур тарзи” ҳисобланса, у бозорда “корхонанинг ҳаракат тарзини” шакллантиради. Аммо бозорда ҳаракат этувчи: товар сифати ва хизматини такомиллаштириш; мослашувчи баҳо сиёсати; реклама; савдони кучайтириш; маҳсулот сотиш шартлари; товар ҳаракати йўллари каби омиллари ўзгарувчи ҳодисадир. Уларнинг ўзгариши, самарадорлиги, ҳаракати ҳар қандай шароитда ўзгариши мумкин. У фақат бошқарув тизimini бошқараётган маркетинг маҳоратига боғлиқдир.

### **23.2. Маркетинг мақсади, тамойиллари ва вазифалари нималардан иборат?**

Маркетинг мақсади умумлаштирилса, қуйидаги имкониятларга эга бўлиш мумкин:

- энг юқори истеъмолга эришиш;
- истеъмолнинг энг юқори даражада қондирилишига эришиш;

- юқори танлов шароитига эришиш;
- энг юқори турмуш сифатига эришиш.

Маркетинг “харидор бозори” даври учун хос бўлиб, унинг асосий мақсади “тижорат” давридаги мақсаддан фарқланади. Бу фарқни қуйидаги маълумотлардан яққол кўриш мумкин.

9-жадвал

Маркетинг ва тижорат орасидаги тафовут

Кўрсаткичлар	Тижорат ҳаракатини тезлаштириш	Маркетинг ҳаракатини тезлаштириш
I. Асосий диққат объекти	• товарлар	• истеъмолчилар талаби
II. Мақсадга эришиш воситалари	• тижорат ҳаракатлари • стимуллаштиришни чора-тадбирлари	• маркетинг ҳаракатлари
III. Пировард мақсад	• сотув ҳажминини кўпайтириш ҳисобига кўпроқ фойда олиш	• истеъмолчилар эhtiёжини қондириш ҳисобига фойда олиш

Маркетингнинг диққат марказида инсон истеъмоли ётади ва шунга йўналтирилган фаолият туфайли пировард мақсадга эришилади.

Маркетингнинг асосий тамойиллари:

- бозорни ўрганиш;
- бозорга мослашиш;
- бозорга таъсир ўтказишдир.

**Бозорни ўрганиш** деганда — истеъмолчиларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни дид ва истакларини билиш демакдир.

**Бозорга мослашиш** — талабни қондирадиган маҳсулотларнигина ишлаб чиқармоқ даркор демакдир.

**Бозорга таъсир ўтказиш** — талабни шакллантириш демакдир.

Бу тамойиллар ўзида бозорга кириш, унда маҳкам ўрнашиб олиш ва ҳар қандай хавф-хатарлардан холи бўлишни таъминлайди.

Маркетинг тамойилларидан унинг асосий вазифалари келиб чиқади. Унинг асосий вазифалари ва вазифа таркибидаги фаолият турларини қуйидаги маълумотлар ёрдамида яққол кўриш мумкин.

## Маркетингнинг асосий вазифалари

Махсус вазифалар	Унга тааллуқли фаолият турлари
1. Бозорни ва маркетингни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш	<p>иктисодий, ҳўжалик, савдо, ишлаб чиқариш, истеъмол товарлари сотиш, ва реклама соҳасида тадқиқот олиб бориш, таҳлил қилиш;</p> <p>ахборотларни тўдлаш, тартиблаш;</p> <p>маркетинг ҳаракатларини тадқиқ этиш;</p>
2. Маҳсулот асортименти (тур ва хили) ни ривожлантириш	<p>рақобатчилар фаолиятини ўрганиш;</p> <p>компания ишлаб чиқаришида асортиментлик маҳсулотларни аниқлаш ва уларни яратиш (ишлаб чиқариш);</p> <p>ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштириш ва янги маҳсулот яратиш йўли билан буюмларнинг техникавий кўрсаткичларини маҳсулотни ўраш ва жойлаштиришни, уларнинг нархларини, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва техника хизмат кўрсатиш даражасини харидор эҳтиёжига мувофиқлаштириш</p>
3. Маҳсулот савдоси ва тақсимоти	<p>товарни савдо тақсимот тармоғи орқали сотиш;</p> <p>сотиш йўлларини топиш;</p> <p>маҳсулотларни оморларга ташиниш ва жойлаш;</p> <p>савдо ҳисоботи;</p> <p>савдо таҳлили;</p> <p>савдо прогнози (олдиндан баҳолаш);</p> <p>савдо бюджети ва квоталарини белгилаш.</p>
4. Талабни шакллантириш ва савдони кучайтириш	<p>товар оборотини маҳсулот турлари бўйича режалаштириш;</p> <p>савдо-сотиқ ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш;</p> <p>оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб сунгги ёки оралиқ истеъмолчилар ўртасидаги реклама доирасини кенгайтириш;</p> <p>харидорларни тақдирлаш;</p> <p>баҳодан чегирма бериш;</p> <p>Ёдгорлик буюмлари эсдалиги бериш;</p> <p>мукофотлар, купонлар бериш;</p> <p>гайловлар ўтказиш;</p> <p>фирманинг ички рекламаси, катологлар, проспектар, савдо ўйлари;</p> <p>савдо ходимлари меҳнатини рағбатлантириш.</p>

5. Маркетинг фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш	маркетинг харажатларини режалаштириш; маркетингни олдиндан баҳолаш; ҳар хил муддатларга (йиллик, беш йиллик ва ҳоказо) режалар тузиш; молиявий тафтиш ўтказиш; вазиятларнинг таҳлили ва бошқалар.
---	---

Бу вазифалар ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи учун қонун кучидаги вазифадир. Бу вазифаларни бажармасдан туриб бозорда ўз мавқеини сақлаш мумкин эмас. Маркетинг вазифалари — маркетингнинг стратегия ва тактикасини яратиш имкониятини ҳосил қилади.

**Маркетинг стратегияси** — корхона имкониятларни бозор талаблари даражасига мос келтириш режасидир.

**Тактика эса** — стратегик мақсадларга эришиш учун маркетингнинг аниқ йўналтирилган амалиётини таъминлашга эришиш демакдир.

Маркетингнинг бу тамойиллари, ва вазифаларидан уни мақсади шаклланиб — маркетинг фаолиятидан фойда кўришга эришишидир.

### 23.3 Корхонада маркетингни ташкил этиш нима учун зарур?

Бошқаришнинг ишлаб чиқариш йўналишидан бозор йўналишига ўтишдаги қонуниятлар ва боғланишлар корхонани бошқаришнинг ташкилот тузилмасида ўз аксини билдиради. Даставвал ишлаб чиқариш, сўнгра сотиш пировардида маркетинг йўналишига ўтилади. Ҳозирга вақтда маркетинг корхонанинг энг асосий ўринда турувчи бўлимлари қаторидан ўрини эгаллаб, унинг раҳбарлари бозор ахборотини тўплаш, таҳлил қилиш, бозор ривожини, шунингдек, корхона маҳсулотлар ассортиментини режалаштириш, солиқни мувофиқлаштириш маҳсулот тақсимоти ва ҳоказоларга тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

Мижоз муайян маҳсулотининг қандай кўринишини истайди, бу маҳсулотга қанча пул тўлашга тайёр, бу товарга қаерда ва қанча талаб пайдо бўлади? Бу саволлар пухта ўрганилиб, уларнинг барчаси, ҳар бир ходимга, мутахассисга ва ишлаб чиқарувчига етказилиши шарт. Маркетинг маҳсулотини лойиҳалаш, ишлаб чиқаришни режалаштириш, иқтисодий таҳлил, тақсимот, сотиш ва

сотилган маҳсулотга хизмат кўрсатиш каби масалаларга таъсир кўрсатиши лозим.

Маркетингни бошқариш ва уни амалга оширишда бозорда ягона, ҳамма учун бир хилда таъсир эта оладиган тайёр дастур йўқ. Ҳар бир корхона ва уни бошқараётган маркетинг ва маркетинглог ўз билимига, тажрибасига қараб ўз фаолиятини ҳар хил даражада амалга оширишга эришиш мумкин.

Ҳар бир маркетинг бўлими ўз фаолиятига жавоб беради. Ҳар бир корхонада ташкил этилган маркетинг бўлими — ишлаб чиқариш ва савдо бўлими ҳисобланади. Шунинг учун маркетинг бошқаруви ҳар иккала тармоқни бир-бирига қўшган ҳолда фаолият юритади.

Маркетинг тизимининг фаолияти натижаси — уни бир бутунликда, узвий боғланишда, мунтазамликда амал қилишига боғлиқдир. Маркетингнинг бир бутунлиги шундаки унинг асосий вазифалари ёки таркибий қисмлари ўзаро алоқада ва жамулжам бўлгандагина, биргаликда мувафаққиятли амалга оширилиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилади.

#### 23.4 Менежмент нима?

“Менежмент” — инглиз сўзи бўлиб, у бошқариш, мудирлик, ташкил қилиш, раҳбарлик деган маънони билдиради.

Менежмент — корхонанинг ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, молиявий фаолиятни бошқариш демакдир.

Менежмент кенг маънода — корхона учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурс ва уларни ишга солувчи одамларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятини бошқариш асосида кўпроқ фойда олиш натижасида ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга эришиш йўллари белгилаб беришидир. Бу жараёнда у ўз бошқаруви усулига мос келадиган юксак санъат маҳоратларини танлаб бу асосда қарорлар ва тавсиялар тайёрлаш уларни қабул қилиш ва амалга ошириш устидан назорат қилишидир.

Менежмент — бозор иқтисодиётига тўла мос келадиган бошқарув тизимидир. Бошқарув назарияси — умумжаҳон назарияси характерига эга бўлсада ҳар бир давлат ўзига хос ва мос тушадиган бошқарув тамойиллари асосида бошқарилади.

### 23.5 Бошқарувдан мақсад нима?

Мақсад — бу ниятга эришиш орзуси. Ҳар бир киши деҳқоннинг, корхонанинг ўз орзуси бўлиб, шу орзуга эришиш мақсадида яшайди ва хизмат қилади.

Мақсад — аниқ бажариш имкониятига эга, бажарувчиларга тушунарли, у қисмларга бўлинган кўп қиррали бажарилиш ўлчовига эга бўлган бўлиши мумкин. Мақсад чексиздир, унга эришиш чеклангандир.

Мақсад — умумжамиятидаги ролига, бошқарув погоналаридаги тутган ўрнига, амалга ошириш муддатига, бошқаришнинг содир бўлишига, кутиладиган натижаларга, маурақаблик даражасига қараб турларга бўлинади.

Мақсад — ўзнинг аҳамиятига кўра бош, биринчи даражали ва иккинчи даражали мақсадларга бўлинади.

Ҳар бир раҳбар қайси лавозимда ишлашдан қатъи назар у ўзининг аниқ мақсадига ва уни амалга ошириш режасига эга бўлиши шарт.

Бошқарув жараёнида мақсаддан вазифа келиб чиқади, мақсад вазифа орқали амалга оширилади. Бошқарув вазифалари бошқарув функциялари ҳам дейилади. Бошқарув функциялари кўп қиррали тушунчадир. Бошқарувнинг асосий функциялари режалаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш, назоратдан иборат. Бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ташкилий функциялари ҳам мавжуд бўлиб улар ҳар бири ўз функцияларини бажарадилар. Бошқарув ҳудудий ва тармоқ функцияларини ҳам амалга оширади. Корхона фаолиятини бошқариш унинг тузилмасига ҳам боғлиқдир. Бошқариш тузилмаси бошқарув мақсадларни амалга оширувчи ва функцияларни бажарувчи бир-бирлари билан боғланган турли бошқарув органлари бўғинларнинг мазмуни тушунилади.

Бошқарув вазифаларини амалга ошириш учун муайян органлар тузилади. Бошқарув органларининг қуйидан юқорига қараб бўйсунуши ва улар ўртасидаги узвий боғланиш — бошқарув тузилмаси тушунчасини билдиради. Бу тушунча айрим ҳолларда бошқарув аппарати ҳам, деб юритилади.

Мамлакатнинг умумдавлат органлари: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларидан иборат.



Бу органлар юқоридан қуйига қараб ўз ваколатларини бажарувчи ижро органларини ташкил қилади ва уларнинг ишини бир бирига боғлайди.

Давлат бошқарув тизимида бошқарувнинг маҳаллий органлари ҳам қатнашадилар. Бу бошқарув органлари вилоят халқ депутатлар кенгаши, туман, шаҳар халқ депутатлари бошчилигида амалга оширилади.

Бошқарув тизимида маҳалла бошқаруви фуқароларининг ўз-ўзини бошқариш шакллари ҳам фоал иштирок этадилар.

### 23.6 Меңежер — бу раҳбарликми?

**Меңежер** — бу махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир-асрорлари, қонун-қоидаларини чуқур билувчи ва амалга оширувчи мутахассисдир. Бошқарув тизимининг барча бўғинларида раҳбарлик қилаётган барча турдаги директор, раис, мудар ва бошқа маъмурий бажарувчилар — менежер, деб юритилади. Аммо корхонани бошқариш мулк эгасининг вазифаси. Лекин, бундан корхонани бошқариш албатта корхона эгасига тегишли деган худоса келиб чиқмайди. Хоҳлаган мулк эгаси — ўз фаолиятини ишонган менежерга топшириши ва бу менежер унинг номидан хўжаликни бошқариши мумкин. У хўжалик фаолиятига тўла жавобгар шахс сифатида иш юритиш ҳуқуқига эга. Бу усул мулкдорлар учун нақадар катта наф келтираётганлигини жаҳондаги кўпчилик илғор мамлакатларда иш юритаётган менежерлар тажрибаси исботламоқда.

Менежер — замонавий менежмент асосида бошқариш тизимига мос келадиган — рақобатчи шаклидир.

Раҳбар (менежер) иш услуги — бу бошқарув жараёнида у ёки бу масалаларни ҳал қилишда унинг ўзига хос ёндашувидир. Ҳар бир раҳбар ўзига хос равишда бошқарув жараёнида ўзига мос бўлган раҳбарлик услубини белгилайди. Бу услуб раҳбарнинг қўл остида ишлаётган, хизмат қилаётган кишилар билан алоқасида, уларнинг ўзаро муносабатларида ҳосил бўлади.

Раҳбарнинг услуги — бошқариш усуллари билан воситалардан иборат бўлади. Улар бир-бирларига кўмаклашиш асосида олдига қўйилган вазифалар мақсадларни биргаликда амалга ошириш ва назорат қилишни амалга оширадилар.

Раҳбарнинг ижобий хислатларини белгиловчи мезонлар кўп. Улар жумласига: дойораклик, сабрлилик, яхши ният-

лик, соғлом шубҳалилик, камтаринлик, самимий ҳушмуомалалилик, ҳуш хулқдилик, инсонпарвалик, адолатлилик, обрўилик, инсофлилик, имонлилик, пок ва бошқа бир қатор хислатларга эга бўлиши керак. У оммани ўз ордидан ҳар қандай шароитда ҳам эргаштира оладиган кучга эга бўлмоғи шарт.

Раҳбар — юқори маданиятли, инсон психологиясини чуқур билувчи, вазиятни тез англаб олувчи, юқоридан берилган кўрсатма ва буйруқларни назарий ва амалий жиҳатдан тўла тушуна оладиган ва амалга ошира оладиган хислатларга эга бўлиши лозим. У ҳар хил нодон, душман, ҳасадчи, ёлгончи, бахил, нафсига берилган, жанжалкаш, уришқоқ, ғийбатчи ва бошқа салбий таъсир қилувчи кучлардан қочиши, ўзини ҳимоя қилиши ва уларни тарбиялаш йўлларини топа билиши керак.

Раҳбар, билимдон (айниқса ўз мутахассислиги ва эгаллаб турган лавозими), тадбиркор, катта тажрибага эга бўлган, сиёсат ва иқтисодийни чуқур тушуна оладиган ва таҳлил қила оладиган, ўта нотик, юморчи, ҳар қандай тадбирларни юқори савияда амалга оширувчи шахс бўлмоғи даркор.

Раҳбар (менежер)лик услуги қанча мукамал ва ҳаётий бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг нафлилик даражаси шунча юқори бўлиб, бу инсоннинг асосий мақсадига эришиш натижасидир.

### 23.7. Бошқарув қарорлари нима учун керак?

Бошқарув тизимининг — асосий мақсади ўз олдига қуйилган вазифани амалга оширишдан иборатдир. Мақсадсиз бошқарувнинг ўзи ҳам бўлмайди. Мақсадга эришиш эса аниқ йўлни танлашни талаб этади.

Бу танланган энг қулай ва аниқ йўл — қарордир.

Қарор танлагандан кейин у қабул қилиш босқичига ўтади. Қарор қабул қилиш — бу мақсадга эришиш учун ташкилот раҳбарининг ўз ваколати ва омилкорлиги доирасида муқобилини танлаш жараёнидир. Қарорда қабул қилинган мақсад ва вазифа, унинг қандай бажарилиши ва қандай наф бериши, қарорни қандай бажаришга, қарордаги вазифа ва мақсадлар қандай усулда ва ҳолатда амалга ошириш даражаси ҳамда қабул қилинган қарорнинг савия даражасига боғлиқдир. Қабул қилинган қарор: илмий асосланган, амалий бажариш мумкин бўлган, қарорда барча вазифалар бир-бирлари

билан алоқадорлиги, боғланганлиги, аниқ ва тўғри йўналишга эга бўлиши, белгиланган вақтни аниқ билиши, унинг ҳуқуқ ва жавобгарлик доираси, иқтисодий самарадорлиги каби талабларга мос келиши зарур.

Шунинг учун ҳар қандай қабул қилинган қарорни: вазифаси, унга эришиш воситаси, муддати ва жавобгарлиги бўлиши керак. Қарорларнинг бажарилиши доимо назорат қилиб турилади. Қарорларнинг турлари: (стратегик, тактик, умумий, махсус, ташаббуслилик, тавсияли, аниқ, вақтинчали, тезкор, мунтазам, вақти-вақти билан қабул қилинадиган) хилма хилдир.

Аmmo қарор бу оддий бир гап эмас. Ҳар қандай қарор ҳам унинг мақсади, мазмуни, вазифаси, уни қандай бажаришининг илмий ва амалий йўллари яхлит ҳолда ўзида акс эттирувчи ҳужжатдир. Уни тайёрлаш, мақсад даражасига келтириш кўп меҳнат, билим, тажриба, хилма-хил ҳужжатлар ва ахборотларни талаб этади. Қабул қилинаётган мақсад — қабул қилинганга қадарги ҳолати чуқур таҳлил қилинади ва ўрганилади. Қарорлар бир неча вариантда тайёрланиб улар ичидан энг маъқул бўлган варианты танлаб олиниб ижрога тавсия этилади. Қарор қабул қилиниб ижро доирасига ўтгандан кейин уни бажарилиш ҳолатини мунтазам назорат қилиниб унда мавжуд бўлган камчиликлар тўлдирилиб борилади. Қарорлар — қонуний кучга эга. Ҳуқуқ вазифасиз, вазифа ҳуқуқсиз амалга оширилиши мумкин эмас.

### 23.8 Бошқарувни режалаштириш мумкинми?

Истиқболни аниқ башорат қилиш учун — стратегия зарурдир. Стратегия — бу бошқарув истиқболини тадқиқ қилишнинг режалаштириш саноати деган маънони англатади.

**Стратегик бошқарув** — бу корхонанинг истиқболдаги мақсад ва имкониятлари билан ходимлар манфаатини уйғунлаштириш мақсадида бошқарувни узоқ муддатларга режалаштиришдир.

Стратегик режа — бу корхонанинг узоқ муддатларга берилган топшириғи бўлиб, бу режа — бир, уч, беш, ўн, ўн беш ва ундан ортиқ муддатларга мўлжаллаб режалаштирилади. Корхона мақсади ва вазифалари стратегик режалаштиришнинг энг дастлабки ва масъулиятли босқичи ҳисобланади. Бу босқич — режалаштиришнинг кейинги босқичлари учун мўлжал вазифасини бажаради.

Корхонанинг асосий мақсади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини мунтазам ошира бо-риш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш, бозоргир, харидоргир маҳсулот етиштириш;
- маҳсулот бирлигини етиштириш учун сарфларни ило-жи борица тежашга эришиш;
- товарларни сотишдан моддий жиҳатдан манфаатдор-лик даражасини ошириш;

Корхона шу кўрсаткичлар асосида ўз фаолиятини режа-лаштириши керак. Режалаштиришда бу бош мақсад қанча аниқ, тўғри танланганлиги ва амалга оширилиши корхона-нинг келажак фаолияти ҳолатини ўзида акс эттиради.

Режалаштиришнинг белгиланган мақсадга эришиши:

- мақсаднинг аниқ меъёрий ўлчовга эга бўлиши;
- режалаштирилган вақт аниқ белгиланиши;
- режалаштирилган мақсадлар албатта амалга оширилиши;
- режалаштирилган мақсадларни муваффақиятлаштири-лишини ҳисобга олиш;
- режалаштирилаётган мақсаднинг бошқа мақсадлардан устуворлигини аниқлаш ва баҳолаш.

Корхонанинг режалаштириши ва уни амалга ошириш;

- ташқи муҳит омилларига;
- ички муҳит омиллари таъсир этади.

**Ташқи муҳит омилларига:** иқтисодий, сиёсий, бозор ин-жиқликлари, технология, рақобат, ижтимоий, халқаро омил-ларни киритиш мумкин. Улар корхонанинг режалаштирил-ган мақсадларини амалга оширишга ижобий ва салбий таъ-сир этиши мумкин.

**Ички муҳит омиллари:** меҳнат, пул ва моддий сарфлар, об-ҳаво, табиий шарт-шароитлар, сув ва ер тақчиллиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатни моддий жиҳат-дан рағбатлантириш каби омиллар ҳаракатига боғлиқ.

Режалаштириш асосида — бизнес режа тузилади. Бизнес режа корхонанинг ўсиб боришига, бозорда янги маконлар-ни қўлга киритишга, ўз тараққиётининг истиқболларини белгилаб олишга, янги товарлар турлари ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга, мўлжалларни амалга оши-ришнинг мақсадга мувофиқ усулларини тўплаб боришга ёрдам беради. Бизнес режа корхона раҳбари, унда иш юри-

таётган иқтисодчилар, ҳисобчилар, агрономлар, муҳандислар ва бошқа мутахассислар биргаликда тузадилар. Бизнес режа қуйидаги бўлимлардан иборат:

- хулоса;
- корхона ҳақида маълумотлар;
- маҳсулот ва хизмат турлари;
- сотув бозори ва рақобатчилар;
- маркетинг стратегияси;
- ишлаб чиқариш дастури;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- ташкилий ва ҳуқуқий режа;
- молиявий режа;
- лойиҳанинг рентабеллиги.

Бизнес режанинг ҳар бир бўлимидаги маълумотлар, ҳисоб китоблар, тавсия этилган режалар ҳамма учун тушунарли ва бажариш мумкин бўлган ҳолда тузилиши шарт. Бизнес режада олға сурилган барча вазифалар ресурслар билан тўла таъминланган бўлмоғи шарт.

Бизнес режа фаолияти унинг келтирадиган фойдаси миқдори билан белгиланади. Бу сотувдан тушган тушумдан (СТ) ўзгарувчан харажатларни (УХ) чегириб ташлаганда қолган маблағ доимий харажатлардан (ДХ) кўп бўлиши керак.

$$СТ - Ух > Дх.$$

Бизнес режа самарали бўлмоғи учун унинг ҳамма бўлимлари олдига қўйилган вазифалар бир-бирлари билан узвий боғланган бўлиб, бажарилмоғи шарт.

### **23.9. Ишлаб чиқаришни бошқаришдан мақсад нима?**

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг соҳалари орасидаги муносабатлар фақат бошқариш асосидагина амалга оширилади. Ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқармасдан туриб, жамият эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш мумкин эмас.

**Ишлаб чиқаришни бошқариш** — бу ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган раҳбарлик, ташкилотчилик ва маъмурий характердаги фаолият тушунилади. Ижтимоий меҳнат тақсимотига кўра бошқарув саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, транспортни, савдони, алоқани ва бошқа соҳаларни бошқаришга бўлинади. Бу соҳалар иш-

лаб чиқариш характерига қараб маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи соҳаларга бўлинади. Аммо ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида инсон меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришни бажариш деганда даставвал уларнинг меҳнатини бошқарув тушунилади. Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг энг қуйи бўғини бу корхона бўлиб, у бошқарувнинг бошланғич куртагидир.

**Корxonани бошқариш** — бу хўжалик раҳбар органлари, корхона маъмурияти ҳамда жамоат ташкилотларнинг иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришишини кўзда тутган ҳолда кишилар жамоасига, шу орқали ишлаб чиқаришнинг моддий — буюм унсурларига, уларнинг ўзаро амал қилишини уюштириш учун аниқ мақсад йўналишида тажрибали таъсир кўрсаткичидир. Ҳар қандай ишлаб чиқариш қандай ҳолатда иш юритилиши у ўзининг объекти (бошқарувчиси) ва субъекти (бажарувчиси)га эга бўлади.

Бошқарилувчи объект бажарувчи субъект томонидан бошқарилади. Ишлаб чиқариш жараёнида бошқариш икки турдаги бошқаришни: ишлаб чиқариш воситаларини ва илмий ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган меҳнаткашларнинг бошқаришини ўзида акс эттиради. Ишлаб чиқаришни бошқариш ишчи кучини бошқаришдан иборат бўлиб, у ўз навбатида ишлаб чиқариш воситаларини бошқаради.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ишлаб чиқариш жараёнини: ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмолни ҳам бошқаради. Уларнинг узвий боғлиқлигини, уларга таъсир этадиган омиллар, фойда олиш учун бошқарилади.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда даставвал маҳсулот сифати, уни талабга ва мақсадга мос қилиш ҳолати бошқарилади ва назорат қилинади.

**Ходимларни бошқариш** — бу ишлаб чиқариш корxonаларида банд бўлган кишилар салоҳиятини ривожлантириш, ундан самарали фойдаланиш, уларнинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарурий шарт-шароит бўйича ўзаро боғланган иқтисодий-ташкилий ва ижтимоий тадбирлар тизими тушунилади. Ходимларни бошқариш тизими ўз ичига: ходимларни режалаштириш, танлов, ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, кадрларнинг лавозим, профессионал ва маъмурий ўсишини режалаштириш, маъқул иш шароити ва ижтимоий руҳий муҳитни яратиш, бошқарув харажатлари ва уларнинг самара-

дорлигини баҳолаш, мотивлаштириш, масъулият ва ваколат, ихтилофлар, низоларни ҳал қилиш каби масалаларни олади.

Ходимларни бошқариш режалаштирилган мақсадни амалга оширишга эришишнинг асосий омилларидан биридир. Бошқаришни турли шаклдаги маълумотлар ва хабарлар тўпламига эга бўлмасдан туриб, амалга ошириш мумкин эмас. Ахборот хабарлари бошқарув негизи ҳисобланади. Ахборот ташқи ва ички ахборотдан иборат бўлади.

Ички ахборот асосан бошқарувчи тизими ичида содир бўладиган ахборотлардан иборат бўлади.

Ички ахборотлар хилма хил бўлиб, ўзининг кўлами ва ечими жиҳатидан ҳам турличадир. Уларни икки гуруҳга: бевосита бошқарув усулига тегишли ва билвосита бошқарув усулига таъсир этувчи гуруҳларга бўлиш мумкин.

Ички ахборотларга:

- ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланиш ва фойдаланиш;

- иш нормаларининг бажарилиши;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари ва миқдори, сифати;

- маҳсулотларни тақсимлаш ва сотиш тўғрисидаги ахборотлар.

Ташқи ахборот бошқаруви:

Ташқи ахборотга:

- юқори ташкилотлардан юбориладиган қарор, фармойиш, топшириқ ва буйруқлар;

- маҳсулот истеъмолчилари талаблари;

- бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари;

- раҳбарларнинг хатти-ҳаракати;

- бозордаги ҳолат, улардаги муваффақият;

- инфляция, ишсизлик даражаси;

- ҳар хил тўлов ва қарзлар.

Ички ва ташқи ахборотлар чуқур ўрганилади, хулосалар чиқарилади, қабул қилинади, амалга оширилади ва унинг натижаси кутилади.

Ички ва ташқи ахборотлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил салбий оқибатларга олиб келадиган сабабларнинг олдини олиш, иш жараёнини бир меъёردа амал қилишига имкониятлар яратиб беради ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этади.

Бошқаришнинг тизими — мотивлаштириш (кишилар фаолиятини руҳий йўллар билан мақсадга мувофиқ йўналтириш), ваколат бериш ва унинг бажарилиши устидан назорат қилиш, низолар ва уларнинг келиб чиқиши ва уларни бартараф этиш, бажарилишида муваффақиятлик ва уни бошқариш, бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари ҳам катта рол ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, бошқариш механизми бу табиат ва жамиятдаги барча муносабатларнинг тугуни бўлиб, улар фақат бошқариш ёрдамида ўз фаолиятларини тўхтовсиз ривожлантира олиш имкониятига эга бўлади. Бошқарув натижаси ҳар қандай оддийдан энг мураккабгача бўлган воқеаларни ижобий ва салбий ҳал қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай давлатнинг бошқарув тизими шу мамлакатнинг ёки соҳа, тармоқ, корхона қандай йўналишда ривожланиши мумкинлигини ўзида акс эттиради.

### **23.10. Аграр тармоқнинг давлат томонидан бошқарилиши қандай амалга оширилади?**

Давлат сиёсий функцияларни бажарибгина қолмасдан, балки мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш соҳасида ҳам бошчилик қилади.

Аграр тармоқ мамлакат иқтисодиётида катта ўрин тутади. Уни бошқариш ҳам бошқа тармоқларга нисбатан анча мураккаб ва кўп қирралидир. Ҳозирги вақтда эркин мулкий муносабатлар ҳамда юз минглаб мустақил, хилма хил ишлаб чиқариш шакллари пайдо бўлди. Уларни бир-бирларини ривожлантириш, бир-бирлари билан ўзаро мувофиқлаштириш, мамлакат ҳудудларига жойлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятларини бозор иқтисодиётига мослаштириши кўп жиҳатдан давлат томонидан аграр тармоқларни бошқаришига боғлиқдир.

Давлатнинг аграр тармоқларга раҳбарлигининг асосий мазмуни ишлаб чиқаришни интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, энг юқори пировард натижаларни таъминлаш ва натижаларни амалга оширишга қатнашадиган турли соҳалар фаолиятини уйғунлаштиришга эришишдир. Бу айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан шугулланувчи соҳаларга тааллуқлидир. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шарои-



тида шаклланадиган хилма хил деҳқон хўжаликлари, кооперативлар, агрофирмалар фаолиятини бир бирига боғлаган ҳолда кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уларни сифат жиҳатидан жаҳон стандарти даражасига эришишини таъминлашдир. Деҳқоннинг оилавий бюджетини кўпайтириш қишлоқ ҳаётини замон талабига мослаштиришдир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ривожланишини жаҳондаги энг илғор мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ривожланиши даражасига кўтаришга эришишдир.

Давлатнинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилган. Бу вазирлик ўз фаолиятини вилоятлар ва туманларда ташкил этилган қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ёрдамида амалга оширади. Вазирлик томонидан қабул қилинган барча буйруқлар, қарорлар, кўрсатмалар ва ҳужжатлар қўйи бўлимлар томонидан бажарилиши зарур ва унинг бажарилиши устидан тўла жавобгардирлар. Вазирликнинг қўйи бўлимлари ўз фикр ва мулоҳазаларини ва хўжалик фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлари билан юқори ташкилотларга, бўлимларга мурожаат этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги Вазирлиги — аграр соҳада давлат бошқарувини амалга оширувчи ягона муассасадир.

## I. Мавзуга оид атамалар

1. Маркетинг.
2. Маркетинг мақсади.
3. Маркетинг тамойиллари.
4. Маркетинг стратегияси.
5. Менежмент.
6. Менежер.
7. Бошқарув.
8. Бизнес режа.

**Юқорида номлари қайд қилинган атамалар учун мос келадиган таърифларни танланг.**

1. Бозор, бозорни ўрганиш, тадқиқ қилиш тизими.
2. Корхона фаолиятини иқтисодий ривожлантиришни таъминловчи ҳужжат.
3. Бозорни билиш, бозорга мослашиш ва таъсир ўтказиш.

4. Корхона фаолиятини бизнес режа асосида амалга ошириш усули.

5. Махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир асрорини билувчи мутахассис.

6. Энг юқори истеъмолга эришиш, юқори танлов шароитига эришиш, юқори турмуш сифатига эришиш воситаси.

7. Корхона имкониятларини бозор даражасига мослаштириш режаси.

8. Бозорни бошқарув, мудирлик, ташкил қилиш, раҳбарлик қилиш усули.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Корхона қандай бозорда фаолият кўрсатишни хоҳлайди?

2. Бизнес режа ўзи нима? У нима мақсадлар учун тузилади?

3. Нима учун товар ассортиментини кенгайтириш керак?

4. Бозорни сегментлаш нима ва нима учун керак?

5. Раҳбарлик услуби деганда нимани тушунасиз?

6. Раҳбар қандай хусусиятларга эга бўлмоғи зарур?

7. Бозор иқтисодиётига ўтишда раҳбарнинг роли нимада?

8. Бозор рақобати деганда нимани тушунасиз?

## III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Телевидениеда бир минут хабар бериш 100 доллар, радиода эса 60 доллар туради. Ўйлаб кўрингчи, товар сотувчилар хабар беришнинг қайси хилидан фойдаланишни афзал кўради?

2. Бозорда 100 млн. долларлик товар 2 ойдан буён сотилмасдан турибди. Сизнинг фикрингизча уни нима қилиш мумкин:

• бошқа бозорга кўчириш;

• баҳосини пасайтириш;

• қарзга сотиш;

• йўқ қилиб юбориш.

Ҳар бир омилга ўз фикрингизни ҳисоб китоб тарзида ёзма баён этинг.

3. Фермер 2 гектар ерига эртаги помидор кўчати ўтказди. Миш-мишларга қараганда бу йил жуда кўп фермер эртаги помидор кўчати кўчирган эмиш. Фермер помидор етиштиришдан синмаслик учун нима қилмоғи керак? Ўз фикрингизни исботлаган ҳолда реферат кўринишида тайёрланг.

4. Ғалла етиштирувчи ширкатлар уюшмаси ҳар йили 2000-2500 тоннага қадар пахта етиштиради. Ширкатлар уюшмаси етиштирилган пахтани қайси усулда сотгани маъқул?

5. Маркетинг хизмати учун 10 млн. сўм пул тўланди, деб фараз қилайлик. Агарда унинг хизмати даромаднинг 53,7 фоизини ташкил этган бўлса, қанча фойда олди? Маркетинг хизматининг рентабеллик даражасини аниқланг.

## XXIV БОБ

### ДЕҲҚОН ДАРОМАДИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

#### РЕЖА:

1. Деҳқон фаровон ҳаёт кечиришни хоҳламайдими?
2. Деҳқон даромади, деб нимага айтилади?
3. Нима учун даромад тенгсизлиги юз беради?
4. Даромад — деҳқон турмуш даражасига қандай таъсир этади?

*Адабиётлар:* 1, 2, 3, 4, 8, 9, 25, 30, 32, 40.

#### 24.1. Деҳқон фаровон ҳаёт кечиришни хоҳламайдими?

Жаҳонда ҳеч бир инсон, оила ўз ҳаётини қашшоқликда, муҳтожликда кечиришга рози бўлмаса керак. Инсоннинг асосий мақсади — ўзи ва оила аъзоларини тўқ ҳаёт (моддий ва маънавий) кечиришга эришиш асосида жамият ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишдир. У бутун умрини шу орзуларни амалга ошириш мақсадида хизмат қилади ва яшайди. Аммо, бу орзу ўз-ўзидан юз берадиган ҳодиса эмас. Бу мақсадга эришиш инсоннинг ички ва ташқи омилларга қай даражада алоқадорлигига боғлиқдир. Инсон келажакда қай даражада ҳаётда ўз ўрнини топа олиши даставвал ўзига боғлиқ, яъни унинг ақл-идроки, сиҳат-саломатлиги, меҳнат қобилияти, билими, касб маълакаси, мутахассислиги, ишбилармонлик ва тадбиркорлик даражасига, одамлар билан муомаласи, хуяқ-атвори, инсонпарварлиги, обрў-эътибори, имону-эътиқодига ва бошқа хилма хил хусусиятлари йиғиндисига боғлиқдир. Бу хусусиятларга эга бўлмасдан туриб, у миллати, ирқи, жинси, қаерда яшаши, қайси соҳада хизмат қилишидан қатъи назар ўз мақсадларига эриша олмайди.

Ташқи омил эса айрим гуруҳлар, хизмат қилаётган корхона, туман, вилоят, худуд, қолаверса давлат, жамият томонидан таъсир этиладиган омиллардир. Бу омиллар ичида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва унинг жаҳон иқтисодиётидаги салоҳияти, давлатнинг мамлакат ичида олиб бораётган инсонпарварлик қонун-қоидаларининг ҳаракат этилиши ҳамда жамиятнинг иқтисодий ўсишига мос келадиган бозор механизмининг мавжудлиги каби омиллардан ташкил топади. Ички ва ташқи омиллар бир-бирлари билан қанча мос ҳолда ҳаракат этса, инсон шунча фаровон ва бахтли яшаш имкониятига эга бўлади. Аммо инсоннинг фаровон ва бахтли яшашга эришиши бевосита товар ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Товар ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси кишиларнинг тирикчилик эҳтиёжларини қондиришга қаратилмоғи шарт. Бу муаммо товар ишлаб чиқарувчиларнинг пул топишга эриша олиш йўли билан амалга оширилади. Товар ишлаб чиқарувчилар ихтиёрида қанча кўп маблағ мавжуд бўлса, унинг шунча кўп қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга жалб этиш имконияти пайдо бўлиб, бу ўз навбатида товар маҳсулоти ишлаб чиқариш кўламини кўпайтиришга, оқибатда бозорда истеъмол товарлари миқдорини кўпайтиришга ижобий таъсир этади. Оқибатда меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошира бориш имконияти пайдо бўлади. Ишлаб чиқаришнинг юксак даражада ривожланиши юксак малакали ишчи кучига бўлган талаб орта бориб, ишлаб чиқаришни инновация асосида ривожлантиришга бўлган эҳтиёж орта бошлайди. Бу эса инсоннинг доимо янгиланиб борадиган эҳтиёжларини ўз муддатида қондира олиш имкониятини яратади. Оқибатда фақат ишлаб чиқаришгина юксалиб қолмасдан бозор иқтисодиёти ҳам юксала боради.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллиги даврига ўтиши натижасида аграр тармоқда мулкий муносабатларнинг янги шакллари пайдо бўла бошлады. Давлат мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, унинг сотилиши, ернинг узоқ муддатга ижарага берилиши янги мулк эгаларини келтириб чиқарди. Энди мулкдор — деҳқон, мулкдор — чорвадор, мулкдор — боғбон ва бошқа турдаги мулк эгалари пайдо бўлиб, улар ўз фаолиятини ҳар хил товар ишлаб чиқарувчилар шаклида (ширкатлар уюшмаси, фермер, деҳқон, томорқа хўжаликлари ва ҳоказо) амалга ошира бошладилар. Аграр тармоқда оила-

вий пудрат шаклидаги ижарачилар мулки катта фаолият кўрсата бошлади. Бу мулк тез орада ўз эгаларига катта манфаат келтира бошлади. Эндиликда бу мулк эгалари фақат ўз оилалари эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, бозор учун катта миқдорда товар маҳсулоти олиб чиқмоқдалар. Қишлоқда мулкчилик муносабатининг ривожлана бориши мулкдорлар ўртасида мулккий табақаланиш жараёни натижасида майда ва ўрта мулкдорлар сони ортмоқда.

Мулкдорларнинг кўпая бориши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламининг оширишга, ҳар бир мулкдорнинг даромадини кўпайтириш учун шароит яратилмоқда, Мулкдорларнинг меҳнати ихтисослашмоқда, мутахассислашмоқда, мураккаблашмоқда. Қишлоқда мулк муносабати жараёнида мулкка эга бўлган кишилар ва оилалар сони тез кўпаймоқда. Давлат бюджети ҳисобига яшовчи қишлоқ аҳолиси билан бир қаторда ўз кучини сотиб у эвазига ризқ-рўз топиб, оила боқаётган кишилар улуши ҳам ортмоқда. Уларнинг бундан кейин фаровон яшаш гарови — иш жойига эга бўлиш ва ўз мутахассислигини ишлаб чиқариш талаби даражасига кўтаришдан иборат. Чунки, мулк доимо ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақозо этади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши эса ишлаб чиқаришга янги фан ва техника ва илғор тажрибаларни изчиллик билан жорий этишни талаб этади. Бу жараёнда ишчи кучи — ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида янгиликларга мос келувчи ҳолатда, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятига эга бўлувчи ишчи кучи ҳолатида бўлмоғи даркор. Акс ҳолда ишчи кучи эгаси иш жойига ва ўз даромадининг асосий манбаини ташкил этувчи юқори иш ҳақи олиш имкониятига эга бўла олмайди. Бу эса ҳар бир инсоннинг ўз малакасини мунтазам ошира боришга эриша бориш заруриятини келтириб чиқаради. Ишчи кучи мутахассислигининг ортиб бориши шахсда шахсий эҳтиёждан ортиқча маблағ тўпланишига, бу эса унинг мулк эгаси бўлишига имконият ҳосил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида фаровонлик ишчи кучи сифатини яхшилади. Бу ўз навбатида юксак меҳнат унумдорлигига эришиш имкониятини яратади. Оқибатда кишилар тўлиқ турмуш ва юқори фаровонликда яшаш имкониятига эга бўлишнинг кафолатини беради.

## 24.2. Деҳқон даромади, деб нимага айтилади, у қандай манбалардан ташкил топади?

Инсоннинг турмуш даражаси ва фаровон ҳаёт негизиди — унинг даромади ётади. Даромад бу жамиятда ҳосил қилинган ялпи ички даромаддир. Қисқача қилиб айтганда, ҳар бир мулкдорнинг оладиган даромадидан иборатдир. Масалан, Аҳмад фермер бу йил 500 минг сўм даромад, Тошмат — 50 минг сўм иш ҳақи олди деганда уларнинг йил бўйи топган даромадини кўрсатади. Даромад турлари хилма хил бўлиб, шахс, корхона, давлат даромадларидан иборатдир.

Шахсий даромад бу шахс, оила даромади, корхона даромади эса — айрим корхона ёки унга эгалик қилувчи гуруҳларнинг, давлат даромади эса — давлатнинг даромадидан иборат. Ҳар бир турдаги даромад шу турдаги даромад эгасига тегишли бўлиб, у бу даромаддан мулк эгаси сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Маҳсулот ишлаб чиқарилганидан кейин у бозорда сотилиши шарт. Бу жараён товарни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш қонунлари асосида ҳаракат этилиши заруриятни келтириб чиқаради.

Товар ишлаб чиқаришда ресурслар: ишчи кучи, ер, капитал ва тадбиркорлик қобилияти сифатида қатнашадилар. Бу ресурслар эгалари ҳар хил шахслардан иборат бўлиб, ресурслардан фойдаланиш натижасида яратилган маҳсулот ҳам шу ресурс эгаларининг мулки ҳисобланади. Аммо маҳсулот яратишда ҳар бир ресурснинг унга қўшган ҳиссаси, улуши ҳам ҳар хил кўламда бўлади. Аммо ресурсларнинг маҳсулотга қўшган ҳиссасини натурал кўринишда аниқлаш мумкин эмас. Бу масалани ҳал қилмоқ учун сарфланган ресурсларни ва улардан ҳосил бўлган маҳсулотларни пул кўринишига кўчириш зарур. Бозор қонунига кўра ҳар бир ресурс эгаси ўз ресурси ҳосил қилган қиймат ҳисобига олинадиган фойдадан тегишли улушини оломоғи шарт.

Ишлаб топиш қонунчилиги асосан — ишчи кучи эгаси — иш ҳақи, капитал эгаси — фойда, ер эгаси — рента, тадбиркор (менежер) фойда ва иш ҳақи кўринишида ўзига тегишли бўлган улушини оладилар. Агарда бу жараёнга пулдор қатнашса, у — фоиз, акциядорлар қатнашса — дивиденд оладилар.

Даромад ҳосил қилиш жиҳатидан меҳнат сарфи эвазига олинадиган даромад ҳамда мулкдан келган даромадга бўлина-

ди. Меҳнат билан топилган даромадга — иш ҳақи, менежер даромади, тадбиркорлар даромади, мулкдан келган даромадга эса — фойда, рента, дивиденд, фоиз киради. Демак, ҳар бир шахс мулк эгаси ўзига тегишли бўлган манбалардан ташкил топадиган бойлиги эвазига ўз даромадини ташкил қилади. Бу даромадга ўз ҳиссасини қўшувчи даромад турлари хилма-хилдир. Булар: иш ҳақи, фойда, рента, дивиденд, фоиз, пенсия, нафақа, стипендия, шахсий томорқа, имтиёз, иқтисодий ҳимоялаш, ҳайрия, тақдирлаш ва бошқа турларда намоён бўлади.

**Иш ҳақи** — бу инсон томонидан сарфланган меҳнати эвазига оладиган ҳақдир. Инсон сарфлаган меҳнат кўламига, сифатига қараб ҳар хил миқдорда иш ҳақи олади. Шунинг учун ҳар бир кишининг, унинг оиласининг ойлик, йиллик даромади таркибида иш ҳақининг тутган ўрни ҳар хилдир. Масалан, собиқ СССР даврида иш ҳақи ойлик даромаднинг 70 фоизини (шу жумладан ишчилар 78,9 фоизни, деҳқонлар 62,8 фоиз) ташкил этган ҳолда, 1999 йилга келиб бу кўрсаткич ишчи хизматчиларда 60 фоизни, деҳқонларда эса 20 фоизни, тадбиркорларда 3 фоизни ташкил этди. Деҳқон иш ҳақининг даромаддаги улушининг кескин пасайишига сабаб — уларнинг мулк эгасига айланишидир. Энди деҳқон ўз мулкига эга бўлиб, у ўз меҳнати билан шу мулкдан фойдаланиш асосида ўзига бойлик яратувчи ишлаб чиқарувчидир.

Эндиликда ҳар бир деҳқон ёки деҳқонлар гуруҳи ўз мулкига, ишлаб чиқариш шаклига, ишлаб чиқариш йўналишига, қандай маҳсулотлар турларини етиштириш ва уларни қайси бозорларда сотиш ва қандай баҳоларда сотишни ўзлари ҳал қилдилар. Етиштирилган маҳсулотларни сотишдан келган даромадга ўзлари эгаллик қиладилар.

Қишлоқ хўжалигида иш юритаётган хўжаликларда меҳнатга ҳақ тўлаш қонун асосида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунга асосан ширкатлар таркибига кирувчи оила пудратида “Меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра — етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига қараб амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари (пудратчилар) — пай эгалари хўжалигининг йил давомидаги фаолияти якуни натижаларига кўра аниқланилган дивидендлар оладилар”.



Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ҳамда оила (жамоа) пудратига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалигида иш юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликларида ўз ишчи кучи билан фаолият юргиза оладиган даромади тўла ўз ихтиёрида қолиб, унга қонуний эгаллик қилади ва хоҳишига кўра фойдаланади. Агарда фермер ва деҳқон хўжаликларида шартнома асосида ишлаётган шахслар мавжуд бўлса, уларга тўланадиган иш ҳақи бажариладиган иш кўлами, сифати, муддатига қараб ҳар иккала томоннинг келишувига кўра иш ҳақи миқдори белгиланади. Белгиланган иш ҳақи миқдори давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги шарт.

Охириги йилларда аграр тармоқда иш юритаётган ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари етиштираётган маҳсулот миқдорининг кескин орта бориши, сифатининг яхшилана бориши натижасида катта миқдорда даромад олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Аграр тармоқда давлат бюджети корхоналарида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг иш ҳақи давлат томонидан қонун асосида белгиланади. Ҳар ким ўз меҳнат лавозимига мос иш ҳақи оладилар.

**Фойда** — тадбиркорнинг пул сарфлаб ишлаб чиқариш жараёни ҳамда бозор шароитидаги барча хавф-хатарларни ўз буйнига олиб, таваккалчилик асосида иш юритиб топган даромади эвазига олинадиган ҳақдир.

Тадбиркорнинг оладиган фойдаси унинг иш фаолиятига бевосита боғлиқдир. Унинг иши юришиб кетса, яхши натижага эришади, оладиган фойда кўлами ҳам ортади. Аксинча, иши ўнгидан келмаса, чув тушади, зарар кўради, синади. Тадбиркорларнинг фойдаси қаноатлантирмаган даромад бўлиб, у тез-тез ўзгариб туради. Уларнинг олган фойдаси даромаднинг 60-80 фоизини ташкил этади. Ўзбекистонда иш юритаётган тадбиркорларнинг учдан бири — қишлоқ хўжалигига тўғри келиб, улар бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда салмоқли ўринлардан бирини эгалламоқдалар.

**Рента** — бу кучмас мулк (ер, иморат, сув ҳовуз ва омборлари, молхона, иссиқхона, уй, гараж ва бошқалар) эгалари-

нинг ўз мулкини муқобил ишлатишдан келадиган даромаддир. Масалан, иссиқхонани ижарага олишни хоҳловчи ойига 100 сўм, молхонани — 200 сўмга, балиқ омборини — 500 сўмга ижарага берилган тақдирда мулк эгалари ижарага берилган бу мулкларидан наф кўрадилар, даромадига даромад кўшилади.

Аммо, рентани ижара ҳақидан ажрата билиш керак. Юқорида келтирилган мисолда келган даромад, бир асосан ижара ҳақидан иборат бўлган даромадни ташкил этади. Аммо ижара ҳақи ҳам қалқиб туради.

Бозорда балиқ баҳоси кўтарилсин. Балиқ сув омбори энди ойига 500 сўм эмас, балки 800 сўмга ижарага берилди. У ҳолда иккинчи марта ижара берилганда биринчига нисбатан  $(800-500)=300$  сўм ортиқ даромад олиниб, бу даромад рентани ташкил этади.

Ер — давлатнинг мулки бўлганлиги ва уни деҳқонларга узоқ муддатга ижарага берганлиги учун ундан олинadиган рента — ер солиғи таркибидан давлат бюджетига тушади. Ҳозирги вақтда фермер ва деҳқон хўжаликлари ўз ерларининг бир қисмини ижарага бериб, рента олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

**Фоиз** — бу пул эгаси бўш ётган пулини ўзгаларга маълум муддатга қарзга берганлиги учун оладиган даромаддир. У фоиз даромадига боғлиқ. Агарда пул эгаси ўз пулини (10 минг сўм) бир йил муддатга 10 фоиз ҳисобида қарзга берса, у бу пул эвазига 1000 сўм (%) олади. Агар иккинчи киши шунча миқдордаги пулни 15 фоиз ҳисобида берган бўлса, у 1,5 минг сўм ёки 1,5 марта кўпроқ фоиз олади. Шунинг учун ҳар бир пул эгаси ўз пулини қисқа муддатга ва юқори фоиз нормасига беришга ҳаракат қилади. Бу қонуний пулга бўлган талаб ва таклиф таъсирига боғлиқдир. Пулни қарзга бериш воситачилар орқали ёки тўғридан-тўғри амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлиб, ортиқча пул маблағлари шу ҳисобларда сақланади. Банк бу пулларни ишлатишни (фойдаланишни) хоҳловчи шахсларга қарз (ссуда) га бериш ва қарз муддати ўтиши билан белгиланган фоиз нормасини банк даромади сифатида олади. Бу ҳолда фермернинг бўш ётган пули банк воситачиларида бошқа шахсга қарзга берилди. Бу ҳолда банк томонидан олинган даромаднинг бир қисми фоиз кўринишида

фермерга берилади. Банк ихтиёрида қолган фоиз ҳиссаси эса, банк фойдасини ташкил этади. Аммо фермер бу жараёнга банкни аралаштирмасдан ўзи тўғридан-тўғри пул қарз олувчи билан ҳам амалга ошириши мумкин.

Қарзга берилган пул эвазига олинadиган фоиз бу қарзга олинган пулга пул томонидан ҳосил қилинган фойдани ўзида ифода этмайди. Фоиз топилган даромаддан кам бўлиб, у пул қарз олган шахснинг (қарздорнинг) ўзлаштирган ўртача фойдадан ортиқча қисмидир. Шунинг учун пулни қарзга олган соҳибкор даромади икки қисмга: 1) соҳибкорнинг даромади; 2) даромаднинг ортиқча қисми фоиздан иборат. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир пул эгаси ўз даромадини фоиз ҳисобига ҳам кўпайтириш, тўлдириш имкониятига эгадирлар.

**Дивиденд** — деҳқон даромади манбаларидан бири ҳисобланиб, у акцияга эгалик қилганлиги учун у ҳисобига оладиган фойдадир.

Акция — қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эгасига даромад келтирувчи мулкдир. Дивиденд, акция эга ҳисобланган корхонанинг фаолият даражасига боғлиқдир. Дивиденд шундай даромад шаклики, у корхона қанча ривожлана борса, иқтисодий фаолияти орта борса, дивиденд нормаси ҳам шунча юқори бўлади. Қишлоқ хўжалигида акциядорлик жамиятлари кўплаб ташкил топиши, уларнинг турли соҳаларда хизмат кўрсатиш доираларининг кенгайиб бориши дивиденднинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ҳаддан ортиқ обрўйини кўтармоқда. Деҳқон хилма-хил акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиб олиб, бу корхоналар мулкига шерик бўлмоқдалар. Уларнинг иқтисодий фаолияти кўтарилишига сидқидиллик билан қатнашмоқдалар ва ёрдам кўрсатмоқдалар.

**Пенсия** — бу инсоннинг қариллик ёки ногиронлик туфайли меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганлиги учун давлат ва корхоналар томонидан тўланадиган маблағдир.

Пенсия бу ўзи томонидан ишлаб топилган, лекин берилиши кечиктирилган даромад демакдир. Қариллик ва ногиронлик пенсиясининг асосий қисмини давлат бюджетидан тўланадиган маблағ ташкил этади. Пенсия кўлами, унинг жамиятга сарфланган меҳнати ва у ҳисобига олинган иш ҳақи миқдорига ва давлат олдида кўрсатган алоҳида хизматлари ҳисобига қараб тўланади. У қариллик 1 киши ногиронлик даврида

бошқа даромад манбаларига эга бўлмаган кишилар учун даромаднинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

**Нафақа** — бу ижтимоий ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан кўрсатиладиган даромаднинг махсус туридир. Бу Республика Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги Фармониغا кўра вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, кам пенсия олаётганларнинг оилалари, ногиронларнинг оилалари, ишсизлар, боқувчисини йўқотганларнинг оилалари, ёлғиз яшовчи пенсионерлар ва кам даромад олаётган муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган даромаддир. Бу турдаги нафақахўрларнинг қишлоқ жойларида яшаётган улуши 62,4 фоизни ташкил этиб, қишлоқ аҳолисини яшаш тарзини яхшилашга катта ҳисса қўшмоқда.

**Стипендия** — бу талабаларнинг яшаши ва ўқиши учун давлат томонидан бериладиган ёрдам пулидир. Талабаларга бериладиган стипендиялар кўлами ортиб бормоқда.

Аҳолининг даромадлари булар билан бир қаторда — уй хўжалиги, якка фаолият (дурадгорлик, заргарлик, қас-соблик, чеварлик ва бошқа) интеллектуал мулк эгаси (ихтирочилик, шоирлик, илмий кашфиётлар, технологик янгиликлар, илғор тажрибалар, янги навлар, зотлар яратиш ва бошқалар), давлат мукофотлари, ютуқлар ва бошқа манбаларни киритиш мумкин.

Аҳоли даромади манбалари кўп ва хилма-хилдир. Даромаднинг барча турларидан келадиган улушлари бирга қўшилиб айрим шахс даромадини — улар биргаликда мамлакат аҳолисининг умумий даромадини ташкил этади.

Мамлакатда ҳар бир фуқаронинг даромад миқдори қанча юқори бўлса, у ўз навбатида мамлакат даромади ҳам шунча бўлади. Халқи бой мамлакат — ўзи ҳам бой бўлади. Деҳқони тўқ мамлакат ўзи ҳам тўқ бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро ким бўлишидан қатъи назар ўз имкониятларига қараб ўз даромадини кўпайтириш мақсадида унинг турли-туман манбаларидан фойдаланишга, даромад топишга интилоғи даркор. “Йигит кишига етмиш хунар ҳам оз” деган халқ мақоли бекорга айтилмаган.

### 24.3. Нима учун даромад тенгсизлиги юз беради?

Жамият аъзолари ўз қобилиятлари ва имкониятларига қараб даромад тенгсизлиги қонунини келтириб чиқаради. Бунга сабаб:

- жамият аъзолари ўзларининг туғма қобилияти, куч-қуввати, ақл-идроки, салоҳият ва заковати ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан бир хил эмас.

- даромаддаги тенгсизлик кишиларнинг меҳнат қобилияти, сарфлайдиган меҳнат малакаси, касби, ҳунари, билими жиҳатидан фарқнинг мавжудлиги.

- кишиларда тадбиркорлик, ишбилармонлик, бошқарув, ишлаб чиқариш ва бозор сирларини ҳар хил тушуниши ва ҳар хил амалга оширишидир.

- аҳолининг оилавий таркиби ва унинг оз кўп бўлиши жиҳатидан фарқланиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида бозорнинг товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчи ва товар сотиб олувчиларга бераҳмлилиги натижасида катта бойликка эга бўлиш ёки синиш қонуниятининг мавжуд бўлиши.

Инсоннинг бу хусусиятлари ҳар бир жамият аъзосининг ҳар хил даромад миқдорига эга бўлишига олиб келади. Топилган даромад – **адолатли ва адолатсиз** бўлиб, тенгсизлик ҳам **адолатли тенгсизлик ва адолатсиз тенгсизликка** бўлинади.

Адолатли тенгсизлик – бу давлат қонунлари таъсири остида юз берадиган тенгсизликдир. Адолатсиз тенгсизлик – хуфёна ва қонунга қарши юз берадиган тенгсизликдир.

Даромад ўз миқдори ва кўламига қараб **энг оз ва энг кўп** даромадларга бўлинади.

Даромаднинг энг оз чегараси – инсоннинг қуйи яшаш чегараси (минимуми) билан белгиланади. Бу чегара жаҳондаги ҳар бир мамлакатда ҳар хил миқдорда белгиланиб, иш ҳақининг ўзгариши билан ўзгариб туради. Юқори даражаси – чексизликка интилувчи миқдордир. “Бой янада бой бўлишни хоҳлайди” деган мақол бежиз айтилмаган.

Даромад миқдорига қараб аҳоли турли гуруҳларга: ўта катта даромадга (ўта бойлар), катта даромад (бойлар), ўрта даромадга (ўрта ҳоллар), оз даромадга (камбағаллар), ўта кам даромадга (ўта камбағаллар) эга бўлган гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳлар ўз даромадини кўпайтириш пойгасида ўз ўринларини алмашти-

риб турадилар. Ўрта даромадга эга бўлган оила, шахс, гуруҳ катта даромадга эга бўлган бойлар гуруҳига ўтиши ёки ўта катта даромадга эга бўлган бойлар — камбағал гуруҳга тушиб қолиши мумкин. Бундай табақаланиш қишлоқ хўжалигида тез юз беради. Чунки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши — бевосита табиий омиллар билан бевосита боғлиқлиги (ижобий ва салбий) натижасида “ҳосилсиз” йиллар ва ҳайвонларнинг “ўлат” касаллигига йўлиқиши деҳқон даромади миқдорини тез-тез ҳаддан ортиқ кўпайишига ёки катта зарар келтиришига олиб келади.

#### **24.4. Даромад — деҳқон турмуш даражасига қандай таъсир қилади?**

**Аҳолининг турмуш даражаси** — у кишиларнинг моддий ва маънавий — маърифий эҳтиёжларининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиши даражасини ўзида акс эттиради. Моддий эҳтиёжларга кишиларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёнилги, маиший ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлари киради.

Маънавий ва маърифий эҳтиёжларга кишиларнинг билими, касби, малакаси, унинг маънавий ва маърифий савияси ва уни ошириш, интеллектуал салоҳиятларини юксалтиришга бўлган эҳтиёжлари киради.

Аҳолининг ижтимоий турмуш шароити — жамиятнинг ҳамма аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, жисмоний ва маданий жиҳатдан соғломланиш, ижтимоий таъминот, пенсия ва нафақалар киради. Демак, инсоннинг турмуш даражаси — унинг ҳаётий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш меъёридир. Инсоннинг турмуш даражаси эҳтиёжларини қондиришдан моддий эҳтиёжларни қондириш биринчи ўринда туради. Чунки, инсон эҳтиёжи даставвал қандай турдаги, қандай сифатдаги, қанча миқдордаги истеъмол товарларини қайси вақтда истеъмол этишини талаб этади. Бу эса маълум даромад қисмини сарфлашни тақозо этади. Бу нуқтаи назардан қаралган инсоннинг даромади номинал ва реал даромадларга бўлишни тақозо этади.

**Номинал даромад** — бевосита ходим меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб тўланган ҳақ бўлиб, у пул шаклидаги жами даромад йиғиндисини ўз ичига олади. У қуйидагича ҳисобланади:

$$НД = МД + МК$$

бунда, НД — номинал даромад;

МД — меҳнат сарфи ҳисобига олинган жами даромад;

МК — мулк ҳисобига олинган жами даромад.

Номинал даромад бу шахс ёки оила ихтиёрида қанча пул қуринашида даромад мавжудлигини ўзида кўрсатади. Аммо номинал даромад аҳоли турмуш даражасини ўзида тўлиқ ифода эта олмайди. Чунки аҳоли турмуш даражаси истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар кўлами ва миқдори билан яқунланиб, мавжуд пул қуринашидаги даромад қанча миқдорда товарлар ва хизматлар сотиб олиш қувватига тенг эканлигини аниқлаш зарур.

Номинал даромадни — реал даромадга айлантириш зарур.

**Реал даромад** — инсон учун зарур бўлган хилма хил истеъмол товарлари ҳамда турли қуринашда фойдаланилган хизмат билан ифодаланган пул даромадидир. Реал даромад — пул даромадининг харид қобилиятини акс эттиради. Инсон турмуш даражасини умумлашган ҳолда ўзида акс эттирувчи кўрсаткичдир.

Кишилар, оилалар ўз турмуш даражасини ўзларида мавжуд бўлган реал даромад қуввати билан ўлчайдилар. Ҳар бир киши бошига қанча кўп реал даромад тўғри келса, у шахс ёки оила шунча тўкин-сочин ва тўқ ҳаёт кечираётганлигини билдиради. Бу кўрсаткич билан айрим гуруҳлар, туманлар, вилоятлар, ҳудудлар, мамлакатлардаги аҳоли турмуш даражасини бир-бирлари билан солиштириш мумкин.

Реал даромад ёрдамида мамлакат ичидаги аҳолининг турмуш даражаси ҳолатини ҳам аниқлаш мумкин. Оқибатда энг юқори реал даромадга эга бўлган гуруҳлар билан бир қаторда энг кам реал даромадга эга бўлган гуруҳлар ва оилаларни ҳам аниқлаш мумкин. Аҳолининг турмуш даражасида унинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш асосий масалалардан биридир. Аҳоли ўз даромадининг асосий қисмини кийиш, ичиш, ейиш ва хизматлар кўрсатиш турларига сарфлайдилар.

Истеъмолдан ошган қисми — жамғарма сифатида жамғарилади. Истеъмол билан жамғарма уртасидаги нисбат тежалаетган даромад миқдори, истеъмолга сарфланаётган улушга боғлиқдир. Чунки, даромад миқдори қанча кўп бўлса, истеъмолга қанча кўп улуш сарфлашга қарамасдан, жамғарма улуши шунча ортиқ бўлади. Оила даромади қанча оз бўлса, унинг энг кўп қисми, айрим ҳолларда 100 фоиз даромад истеъмол учун сарфланади. Шаҳар аҳолисига нисбатан қишлоқ

аҳолиси ўз даромадининг камроқ қисмини истеъмол ва хизматларга сарфлайдилар. Бунга сабаб:

- қишлоқ хўжалигида истеъмолдаги товарларнинг кўп турлари ўзлари томонидан етиштирилади, маҳсулот сифатида истеъмол қилинади;

- қишлоқ аҳолиси истеъмол буюмлари орасида ўзи етиштирадиган маҳсулот турларидан кўпроқ истеъмол қилади;

- қишлоқда истеъмол буюмларини (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) арзонроқ баҳода сотиб олиш имкониятига эгадирлар;

- хизматлар учун камроқ маблағ сарфлайдилар.

Аҳолининг турмуш даражасини ўрганишда асосан турмуш даражаси ўта юқори, юқори бўлган қатламлар эмас, балки, ўрта, камбағал ва ўта камбағал гуруҳлар аҳамиятга эга. Чунки бу гуруҳлар энг илғор мамлакатлар (АҚШ, Япония, Швейцария) да ҳам 50-60 фоизни, ўрта ривожланган мамлакатларда эса 80-85 фоизни ташкил этади. Жаҳондаги жуда кўпчилик мамлакатларда қишлоқ аҳолисининг кўп қисми камбағаллар гуруҳини ташкил этмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини аниқлашда аҳолининг ўртача талаби ўрганиб чиқилиб, уларнинг 18 та + 1 (чекувчи учун) товар турлари буйича меъёрдаги истеъмол саватчаси ишлаб чиқарилган.

10-жадвал

### Меъёрдаги истеъмол саватчаси таркиби

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Истеъмол миқдори	
			ойда	йилда
1.	Нон (қора)	кг	7.70	92.4
2.	Нон (оқ)	кг	7.25	86.0
3.	Гуруч	кг	1.5	18.0
4.	Вермишел	кг	0.6	7.2
5.	Шакар	кг	2.1	25.2
6.	Усимлик мойи	кг	0.85	10.2
7.	Сариёр	кг	0.3	3.6
8.	Мол гўшти	кг	3.5	42.0
9.	Колбаса (пиширилган)	кг	1.8	21.6
10.	Колбаса (дудланган)	кг	1.0	12.0
11.	Сут	кг	15.5	186.0
12.	Қаймоқ	кг	0.35	4.2
13.	Пишлоқ	кг	0.20	2.4
14.	Тухум	дона	15	180.0
15.	Картошка	кг	12.5	150.0



16.	Карам	кг	2.5	30.0
17.	Пшэз	кг	0.85	10.2
18.	Олма	кг	1.0	12.0
19.	Сигарет	кути	8.0	96.0

Бу меъёрдаги истеъмол саватчаси фанда — **дефолятор**, деб юритилиб, у ўзида номинал даромадни реал даромадга бўлган нисбатини кўрсатиб, у ёрдамида бир қатор истеъмол билан боғлиқ бўлган масалаларни:

ҳар бир истеъмолчи 19 та истеъмол товари мисолида ўзининг ойлик ва йиллик истеъмол меъёрини аниқлаши мумкин. Агарда истеъмол меъёрдан ортиқ бўлса, соғлиқ учун яхши, камайса, соғлиқ учун ёмон эканлигини солиштириш ва унинг олдини олиш имкониятига эга бўлади;

таклиф қилинаётган меъёрлардаги истеъмол товарларни унинг ўрнини боса оладиган бошқа товарлар билан алмаштириш асосида истеъмол товарлари қувватини (калорияси) ошириш;

истеъмол саватчасидаги товарларни жорий (йил бошидаги) баҳоларни базис (йил охиридаги) баҳолар билан солиштириш асосида пул қадрини аниқлаш ва уни олдини олиш тадбирийд чораларини белгилаш;

аҳоли гуруҳларининг истеъмол даражасини бир-бирлари билан солиштириш ва баҳолаш, аниқлаш имкониятини беради.

Аммо бу меъёрий истеъмол саватчаси ёрдамида камбағаллик даражасини аниқлаш мумкин эмас. Чунки, истеъмол саватчаси ўртача миқдордаги даромадга эга бўлган саватчадир. Бу истеъмол саватчасидаги товарларни даромадга эга бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиқроғи тўла сотиб олиш ва истеъмол этиш имкониятига эга. Истеъмол саватчасидаги товарларни тўла сотиб олиш имкониятига эга бўлмаган даромад эгалари унинг маълум қисмини (10, 20, 30, 40, 50, 60, 70) фоизини сотиб олиш имкониятига эга бўлмаган гуруҳлар ҳам учрайди. Булар ичида камбағал ва ўта камбағалларни ажратиб олмоғи учун ўзига хос келадиган истеъмол саватчасини ташкил этиш зарур. Бу саватчадаги истеъмол товарлари ойлик баҳоси энг паст иш ҳақи даражасига тенг бўлиши керак. Бу истеъмол савати қиймати **энг кам истеъмол бюджети** ёки яшаш таъминоти унинг 50 фоизидан кам бўлган даромад камбағаллик чегараси, деб юритилади. Бу тоифага кирувчи камбағалларга давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатилади. Деҳқоннинг турмуш даражаси ўзи топган даромадларни сарфлаш билангина эришиш мумкин

эмас. Юқорида қайд қилинганидек — аҳолининг турмуш даражаси ҳисобланган маънавий ва маърифий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни амалга оширишда шахснинг ўз даромадини сарфлаш билан бир қаторда давлат ва нодавлат корхоналари ҳам маблағ сарфлашни талаб этади. Бусиз аграр тармоқда мавжуд бўлган хилма хил турмуш эҳтиёжларини амалга ошириш имкониятини яратиш мумкин эмас.

## I. Мавзуга оид атамалар

Атамалар учун ўнг томондаги мос келадиган таърифларни танланг.

1. Турмуш даражаси	1. Қонун асосида топилган даромад
2. Дивиденд	2. Даромад турларининг ўзаро нисбати
3. Даромад	3. Шахс томонидан пул шаклида тўпланган маблағ
4. Иш ҳақи	4. Пул даромадининг харид қилиш қобилияти
5. Номинал даромад	5. Меҳнатга товар кўринишида ҳақ тўлаш
6. Реал даромад	6. Айрим киши ёки оиланинг даромади
7. Шахсий даромад	7. Кўчмас мулк эгаларининг ўз мулкнинг муқобил ишларидан олинган даромад
8. Рента	8. Меҳнатга тўланган ҳақ.
9. Натурал иш ҳақи	9. Шахс томонидан тўпланган бойлик.
10. Адолатли тенгсизлик	10. Инсоннинг эҳтиёжларини қондириш меъёри.
11. Даромаднинг таркибий тузилиши	11. Акция улушига тўғри келадиган фойда.

## II. Мавзуга оид саволлар

1. Оммавий фаровонлик қандай шароитда юзага келади?
2. Истеъмол савагчаси тўғрисида нимани биласиз?
3. Аҳолининг турмуш даражаси қандай таърифланади?
4. Даромаддаги тенгсизликларнинг манбаи қаерда?
5. Жамғарма даромадга боғлиқми?
6. Истеъмолнинг ўсиши нимага боғлиқ?
7. Ижтимоий эҳтиёжлар деганда қандай эҳтиёжларни биласиз?
8. Турмуш даражаси қандай аниқланади?

9. Жаҳонда аҳоли турмуш даражаси энг юқори бўлган мамлакат?

### III. Мустақил ишлаш учун вазифалар

1. Ишчи ўз кучини 25 кунга сотди. Ҳар бир соат меҳнат ҳақи 25 доллардан белгиланди. У 150 соат ишлаб, 3750 доллар иш ҳақи олиш ўрнига 6000 доллар иш ҳақи олди. Нима учун?

2. Тадбиркор сентябр ойида 10000 долларга пахта толаси сотиб олди. Октябр ойида пахта толаси 5,8 фоизга камайди, декабр ойида октябр ойига нисбатан пахта баҳоси 6,9 фоизга кўтарилди. Тадбиркор пахта толаси сотишдан қанча даромад кўрди?

3. Фермер 5000 доллар пулни бир йил муддат билан 10 фоизга банкка қўйди. Шу давр ичида доллар курси 12,5 фоизга кўтарилди. У қанча даромад олиши керак?

4. А. мамлакатда ўртача оила даромади 6,5 фоизга ортди. Б. мамлакатда эса 30,4 фоизга ортди. Қайси бирида озиқ-овқат сотиб олиш учун сарфланадиган даромад миқдори ортди ёки камайди?

## XXV БОБ

### АГРАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

#### РЕЖА:

1. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик нима учун керак?
2. Жаҳон меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг тутган ўрни қаттами?
3. Халқаро иқтисодий алоқаларда аграр секторни ривожлантириш нима учун зарур?

*Адабиётлар:* 3. 4. 5. 6. 29. 33. 34. 46.

#### 25.1 Халқаро иқтисодий ҳамкорлик нима учун керак?

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини қондириши — жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок эта олиш қобилиятига, имкониятига боғлиқдир.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг туб мазмуни, ихтисослашув, маълум меҳнат пировардига ишлаб чиқариш турларига мослашувдан иборатдир. Жаҳон меҳнат тақсимоти мамлакатлараро мослашув, келишув, ихтисослашув мазмунини билдиради. Шунинг учун ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши бошқа мамлакатлар иқтисодий ривожланишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунга сабаб:

- мамлакат қанчалик катта, иқтисодий қуввати қанча юқори, табиий, меҳнат маънавий ва ишлаб чиқариш ресурсларига қанчалик бой бўлишга қарамадан ўз иқтисодиётини ривожлантириш ва эҳтиёжларни қондира олиши мумкин эмас:

- жаҳонда шундай катта ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ташкилий муаммолар мавжудки, балки уларни ўз кучи билан бирорта мамлакат ҳал қила олиши мумкин эмас.

- жаҳондаги барча мамлакатларнинг ички имкониятлари ҳар хил. Ички имкониятлари нақадар қулай бўлган хом ашё ресурсларини ўз ички имкониятларига тўла сарф-

лай олиши мумкин эмас. Унинг ортиқча қисмини шу маҳсулот (хом ашё) танқис бўлган мамлакатларга чиқариш зарурияти пайдо бўлади.

Мамлакатларнинг ички имконияти билан бир қаторда уларнинг ташқи имконияти ҳам мавжуд. Ташқи бозор ривожини натижасида бир мамлакатнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари, бажарган хизматлари иккинчи мамлакатга чиқиши оқибатида мамлакатлардаги тупланган меҳнат маҳсулотларининг сотилишига, мамлакатлар маданияти, урф одати, санъати, тарихи, истеъмол дидини ва бошқа ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан танишиш мумкин.

Меҳнат тақсимооти кишилиқ жамиятининг интеллектуал қувватини оширади, фан техника тараққиётини юксалтиради, оқибатда умумжаҳон ишлаб чиқаришчи кучларининг ривожланишига олиб келади.

Жаҳоннинг меҳнат тақсимотини рағбатлантиришда қандай кучи бор? — деган савол туғилади. Бундай куч манфаатдорликдир. Агар мамлакатлар жаҳон меҳнат тақсимотидан манфаатдор бўлмасалар, ҳеч нарса уларни бунга ундай олмайди.

Ҳар бир ишлаб чиқаришнинг ўзига хос шароитлари бор. Бу шароитлар — маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган ҳунар, малака даражаси, хом ашё сифати ва унинг сероблиги, табиий, иқлим, об-ҳаво шароити, ишчи кучи, ер, сув билан таъминланиш ҳолати, мамлакатнинг умумий тараққиёт ҳолати, маданият даражаси, урф-одати, ҳудудий ҳолатининг жойланиш қулайлиги, интеллектуал кучи каби кўп омилларни ўз ичига олади. Ҳар бир мамлакатнинг шу омиллар даражасига қараб ишлаб чиқариш имкониятлари юзага келади. Чунки, имкониятлар заҳираси қанча катта бўлса, ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш даражаси шунча юқори бўлиб, шунча кўп моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш имкониятлари пайдо бўлади. Аммо имкониятлар халқаро меҳнат тақсимооти жараёнида нақадар катта ўрин тутишига қарамасдан, асосий ўринни шу ресурслар натижасида ишлаб чиқарилган моддий ноз-неъматлар сифати, уларнинг жаҳон андозаси ва талаби даражасида ишлаб чиқарилганлиги ҳолати эгаллайди. Ҳар бир мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсули — шу мамлакатдаги эҳтиёжлар талаби билан эмас, жаҳон бозори талаби даражаси билан ўлчанмоғи даркор.

Агарда ишлаб чиқарилган маҳсулот жаҳон бозори талабига мос келса, уни истеъмол қилувчи, харидор топилади.

Оқибатда товар ишлаб чиқарувчи ўз товари эвазига наф, фойда кўради. Бу жараёнда товар ишлаб чиқарувчигина наф кўриб қолмасдан истеъмолчи ҳам наф кўрмоғи зарур.

Халқаро меҳнат тақсимоти нафлилик даражанинг асосий ўрнини эгаллайди. Қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш қулай бўлса шу маҳсулот четга чиқарилади. Ниманики мамлакат ичида ишлаб чиқариш мамлакат нуқтаи назаридан ноқулай бўлса, уни четдан сотиб олиш арзонга тушса, уни мамлакатда ишлаб чиқармасдан четдан сотиб олинади. Масалан, Ўзбекистон учун четдан дон сотиб олиш ўта ноқулай ва пахта сотиш қулай бўлганлиги учун, донни мамлакат ичкарасида етиштириш ва пахтани четга кўпроқ сотиш мақсадга мувофиқ, деб топилади. Халқаро меҳнат тақсимоти — мамлакатларни айрим товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш ҳолатини кучайтиради. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш шарт-шароитларини яратади. Халқаро меҳнат тақсимотида ҳар бир давлат ўз ўрнини топа олиши, иложи боришча юқорироқ ўринни эгаллашга интиладилар. Чунки, у халқаро меҳнат тақсимоти жарёнида юқори ўринларни эгаллаб олган бўлса (Бельгия, Голландия, Дания, Корея республикаси Тайван, Сингапур) уларнинг фақат иқтисодий ривожланиши катта қадамлар билан юксала бориши билан бир қаторда ўзлари ҳам бу жараёнда ҳал қилувчи ўринларини эгаллаб, ўз мақсадларини осонлик билан амалга оширмоқдалар.

Аммо жаҳон меҳнат тақсимотида фақат ресурсларга сероб бўлган мамлакатлар ривожланади деган хулоса чиқариш нотўғри. Жаҳонда шундай мамлакатлар борки, уларда ресурслар жуда камёб ёки деярли йўқ. Бундай мамлакатларга: Япония, Италия, Австралия, Дания ва бошқа бир қатор мамлакатлар киради. Аммо улар чет мамлакатлардан ресурслар сотиб олиш, мамлакат ичкарасида улардан жаҳон бозори талабларига мос келадиган товарлар ишлаб чиқаришни амалга оширганлиги туфайли, бу жараёнга актив қатнашиб, манфаатларга эришмоқдалар. Жаҳон меҳнат тақсимоти — мамлакатларнинг бир-бирлари билан барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиб, бир-бирлари билан дўстона яшасаларгина ривожланиб боришлари, жаҳон иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишлари мумкин. Акс ҳолда, бу иқтисодий муносабатлар ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин. Бунини тарих тажрибаси исботламоқда.

## 25.2. Жаҳон меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг тутган ўрни каттами?

Мустақилликка эришиш ҳар бир давлатда — ўз иқтисодий ривожланиш қуввати пойдеворини қуришдан бошланади. Шунинг учун Ўзбекистон суверен давлатга айланиши унинг халқаро иқтисодий муносабатлари иштирокчисига айланиш масаласи билан ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки, Ўзбекистон собиқ СССР таркибидаги давлатда ҳам ашё етказиб берувчи макон ролини ўйнаб келди. Унинг маҳсулоти фақат умумий қозонга тушиб, бу қозон ёрдамида жаҳон бозорини кўриш nasib қилар эди. Маҳсулот “Ўзбекистон” маркаси билан эмас, балки “СССР” маркаси билан жаҳонга ўз шухратини тарқатар эди. Жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар, халқлар “Ўзбекистон” деган мамлакатни, ўзбек деган халқнинг борлигини ҳам билмас эди. Ўзбекистон олдида икки йўл мавжуд бўлиб, биринчи йўл — жаҳон иқтисодиёти интеграциясига олиб келувчи, халқаро меҳнат тақсимотига асосланган ва афзалликларига суянадиган йўл, иккинчи йўл — бекик иқтисодиёт кўришга, ўзининг миллий иқтисодиёти билан чекланадиган йўлдир. Ўзбекистон биринчи йўлни танлади. Ўзбекистон жаҳонда ўз обрўсини тажрибада исботлаб, жаҳон бозорига чиқишни таъминлаши зарур эди. Бунга эришиш давлатдан, унинг Президентидан катта куч, ғайрат, тажриба ва чуқур билим ва тафаккурни талаб этар эди.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини қисқа вақт ичида жаҳондаги 165 мамлакат тан олдилар. 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва моддий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 35 та мамлакатнинг элчихонаси очилди. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 20 дан ортиқ давлатларда — АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Хитой, Покистон ва бошқа бир қатор йирик мамлакатларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида ҳам катта ишлар қилмоқда. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотига (БМТ) аъзо қилиб қабул қилинди. Ўзбекистон парламенти энг кўҳна халқаро ташкилотлардан бири — парламентлараро иттифоқ-

нинг 119-аъзоси бўлди. Ўзбекистон парламенти Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) парламенти ассамблеясининг аъзоси, ЮНЕСКОга аъзо қилиб қабул қилинди. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига, халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар — халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банклари кўмаклашмоқда. Халқаро савдо маркази (Юнектад) тарифлар ва савдо бош битими (ГАТТ) билан ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти — ЕХХТ га аъзо қилиб қабул қилинди. Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи Европа иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конфедерацияси ташкилоти, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси собиқ СССР нинг парчаланиши ва бу асосида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) ташкил этиш ва унинг иш фаолиятига актив иштирок этмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиёдаги мустақил қардош давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон биргаликда ягона минтақавий иқтисодий макон барпо этиш ва унинг ишини манфаатдорлик асосида амалга оширишда актив қатнашмоқда. Жаҳон ҳамжамиятига киришга интилиш ва у билан ҳамкорликда бўлиш иқтисодиётни юргизишда объектив заруратдир. Чунки, ҳозирги замон маҳсулотларини интеграциялаштириш орқалигина арзон, сифатли, бозоргир ва кўп ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиш мумкин. Ўсиб бораётган эҳтиёжлар эса фақат жаҳон бозори билан боғланган ҳолдагина қондириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бу асосда мамлакат ўз иқтисодиёт қувватини ошира олиш имкониятига эга бўлади.

Давлатлар ва халқларнинг жаҳон ҳамжамиятига интилиши ва халқаро иқтисодий алоқаларни кучайтиришга қизиқиш шунга олиб келинадики, бундай муносабатлар бир қатор афзалликларга эга:

· Экспорт қилиш имконияти ўзида маҳсулотларни арзонга ишлаб чиқариш, сифатини яхшилаш, жаҳон стандарт талабига мослаштириш заруриятини пайдо қилади. Бу эса ишлаб чиқариш технологиясини юқори даражада ушлаш, унинг маданиятини кўтаришга олиб келади;



· Экспорт қўламини кўтаришга эришиш, миллий иқтисодиёт тузилишини тубдан ўзгартиришга, қўшимча миллий даромад олиш имкониятини яратади;

· Экспортнинг ортиши — четдан кўпроқ зомонавий асбоб ускуналар, технологиялар илмий ва амалий ишламаларни келтириш зарурияти пайдо бўлиб, мамлакатда замонавий ишлаб чиқариш базаси пайдо бўлади. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар иқтисодий қувватига катта таъсир этади;

· Жаҳон бозори баҳолари мамлакат ичидаги баҳоларга таъсир этади. Ички баҳоларни пасайтириш имкониятини яратади. Бу аҳоли моддий аҳволига ижобий таъсир этади;

· Экспорт, ташқи бозорга актив қатнашиш фақат ишлаб чиқариш ресурслардан самарали фойдаланибгина қолмасдан интеллектуал фаолиятини кучайтиради. Фан-техника ривожланади. Жамиятда мураккаб меҳнат улуши ортади;

· Ташқи иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ишчи кучи, ишчи кучининг товар сифатида жаҳон бозорига чиқа олиш имкониятини яратиш заруриятини кетириб чиқаради. Бу эса ишчи кучи эгаси учун ҳам, давлат учун ҳам қулай ишлар келтиради:

· Иқтисодий алоқалар — импорт — мамлакат ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлайди, оқибатда ички ишлаб чиқариш товар сифатини яхшилаш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон ташқи сиёсат ва иқтисодда очиқ-ойдинлик, тенг ҳуқуқлик, ўзаро манфаатдорлик тарафдори мамлакатидир. У ўзи мустақил иш олиб борувчи мамлакат ҳисобланиб, у бошқа бирор буюк давлатни қора тартиб унинг таъсир доирасига тушиб, унинг “катта оғанинг” қош-қовоғига қараб сиёсат олиб бормади. Ўзбекистон жаҳондаги барча мамлакатлар учун эшиги очиқ мамлакатдир. Президент И.Каримов айганидек, биз ўз иқтисодиётимизни дунё учун очиқ қўйдик, уларнинг биз учун очиқ сиёсат юргизишини истаймиз. Ўзбекистон бирорта давлат билан яқинлашиш эвазига бошқасидан узоқлашмасликка интилади. Халқаро иқтисодий маносабатлар турли шаклларда намоён бўлади:

- Халқаро савдо;
- Капитал экспорти ва импорти;
- Ишчи кучи миграцияси;
- Халқаро кредит;

- Халқаро валюта муносабатлари;
- Халқаро илмий техник ҳамкорлик;
- Ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик;
- Мутахассислар тайёрлаш ва малакасини оширишдир.

**Халқаро савдо** – ёқилги – хом ашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат товарлари, машина ва жиҳозлар, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги савдолардан ташкил топади. Жаҳон бозорига чиқиш уч усулда: экспорт, қўшма тадбиркорлик фаолияти, инвестициялаш йўли билан амалга оширилади. Чет бозорга чиқишнинг энг оддий усули – экспортдир.

Ташқи савдо икки қисмдан – экспорт (товар чиқариш, сотиш) ва импорт (товар киритиш, сотиб олиш)дан ташкил топади. Экспорт ҳам ўз ҳаракат доирасига қараб: нодоимий, фаол экспортларга бўлинади. Нодоимий экспорт вақти-вақти билан, контрактдаги муддатларга асосан ҳаракат қиладиган сотиш усулидир. Фаол экспорт давлатлар ёки корхоналар ўртасидаги мунтазам ҳаракат этувчи савдо бўлиб, бу узоқ муддатларни кўзлаб савдо қилиш туридир. Экспорт – бир қатор талабларга жавоб бера оладиган бўлиши керак:

- мамлакатнинг у ёки бу турдаги товарга бўлган талаб даражаси;
- талабдаги маҳсулотнинг сифати, арзонлиги ва жаҳон стандартига тула мос келиши;
- ҳар хил турдаги бож тўсиқларининг мавжудлиги ва уларнинг амал қиладиган экспорт товарларига таъсири;
- савдо-сотик қилиш учун мамлакатларнинг товар ҳаракатини қулай шароитларда амалга ошириш имкониятларини берувчи коммуникациялар (денгиз, океанга чиқиш, темир йўл, ҳаво йўллари ва ҳоказо)га эга бўлиш;
- минтақавий можаролар ва мамлакатлар орасидаги тинчлик муносабатлари;
- савдо-сотик қилувчи мамлакатларнинг бир-бирларига ишончи ва ишончни оқлаш йўллари мавжудлиги;
- зўравонлик, ҳурматсизлик, савдо-сотик маданиятсизликларининг юз беришининг олдини олиш;
- савдо битимига хилоф ишлар қилиш, ўз муддатида бажармаслик, муддатида товарлар келтирмаслик ва ҳоказолар.

**Импорт** – экспортнинг аксидир. Экспорт – товарларни сотишни билдирса, импорт – ўзига зарур бўлган товарларни сотиб олиш демакдир. Экспорт учун қандай қонун-қоидалар

ҳаракат этса, импорт учун ҳам улар тегишлидир. Ҳар бир мамлакат иложи борича кўпроқ ўз товарларини сотишга ва ўзгалардан озроқ миқдорда товарлар сотиб олишга ҳаракат этади. Четга сотилган товарлар билан четдан сотиб олинган товарлар ўртасидаги қолдиқ савдо қолдиғи (сальдо) ни ташкил этади. Бу қолдиқ асосида мамлакатда олиб борилаётган савдонинг самарадорлик даражаси аниқланади.

Шунинг учун ташқи бозорга қатнашаётган ҳар бир мамлакат товар сотишдан кўпроқ фойда олишга ҳаракат этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон жаҳондаги 80 дан ортиқ мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилади. Четга чиқарилаётган товарлар улушидан пахта толаси, машиналар, уларга жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар, рангли ва қора металллар, минерал хом ашё, ўғит, пилла, қорақўл териси, ёнилғи, пахта чиқиндилари, ўсимлик мойи, ип газлама каби маҳсулотлар ортиб бормоқда. Ҳозир Ўзбекистон жаҳон бозорида пахта толаси сотишдан иккинчи ўринда, қорақўл тери сотиш 4-ўринда, ип газламалар сотиш жиҳатидан 5-ўринни эгаллаб турибди.

Ўзбекистон четга йилдан йилга кўпроқ товар сотиш омилларини қидириб топиш билан бир қаторда четдан сотиб олаётган (импорт) товарлар улуши ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда четдан 30 хилдан ортиқроқ товар турлари сотиб олинади. Улар жумласига: сут ва сут маҳсулотлари, сариёғ, мойли ўсимликлар уруғи, мевалар, чой, кофе, ширинликлар, картошка, фармацевтика маҳсулотлари, кийим-кечак, трикотаж, чарм, пойабзал, қора ва рангли металллар, телеаппаратуралар, ускуна-жиҳозлар ва бошқа товар турларини киритиш мумкин.

Импорт таркибидаги товарларнинг 1/5 қисми — озиқ-овқатларни ташкил этади. Четдан киритиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари улушини камайтиришнинг перспектив режалари ишлаб чиқилди. Оқибатда, йилдан йилга уларни мамлакат ичида етиштириш ҳиссасини орта бориши натижасида четдан сотиб олиш зарурияти камайиб бормоқда. Қисқа вақт ичида четдан дон сотиб олиш 9 марта, гуруч сотиб олиш 10 марта камайди. Мамлакатда дон мустақиллигига тўла эришилди. Ўзбекистонда аҳоли учун зарур бўлган барча озиқ-овқат турлари тўла етиштириш имконияти мавжуд бўлиб, фақат уларни ишлаб чиқаришни интенсив технология асосида ташкил этиш зарур.

Ўзбекистон ташқи — савдо-сотиқни ривожлантиришда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари би-

лан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Чунки, Ўзбекистон чет мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилишда географик жиҳатдан жойланиши анча ноқулайлик келтириб чиқаради. У тўғридан-тўғри чет мамлакатларга чиқа оладиган сув, темир йўли, автомобил йўллариغا эга эмас. Шунинг учун МДХ мамлакатлари қўшни мамлакатларни ташкил этиб, улар билан қўшничилик қилиш анча қулайликлар туғдиради. Ҳозирги вақтда четга чиқарилаётган товарларнинг учдан бир қисми МДХ мамлакатлари улушига тўғри келади. 1999 йили Ўзбекистоннинг экспорт улушида 32,8 фоизи МДХ мамлакатларига тўғри келади. Аммо Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан қилаётган алоқасида экспорт улуши йилдан йилга камайиб бормоқда. Хусусан 1994 йил Ўзбекистон товарлар экспортида МДХ мамлакатлари улуши 62,1 фоизни, бошқа мамлакатлар хусусан 39,1 фоизни ташкил этган ҳолда, 1999 йили бу нисбат 32,8, 67,2 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида жаҳон бозорига кўпроқ хом ашё кўринишида товарлар чиқарган бўлса, ҳозирги вақтда маҳсулот чиқармоқда.

**Жаҳон бозорига чиқишда** — қўшма тадбиркорлик фаолияти ҳам катта рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 300 дан ортиқ йирик тадбиркорлар чет эллик шериклари билан ташкил этилган қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг 70-80 фоизини чет эл бозорларида сотмоқдалар. Чунки, Ўзбекистонда ташкил этилаётган қўшма корхона инвесторлари ишлаб чиқариладиган товарлар жаҳон бозоридан ўз харидорларини топа олишига кўзи етгандагина шерик бўлишга розилик беради. Акс ҳолда қўшма корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорда ўз харидорини топа олмаса, ҳар қандай шароитда ҳам шерик сифатида ўз капиталини сарфлашга розилигини бермайди. Шунинг учун ҳам мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисми чет эл бозорларида сотишга яроқли бўлиши керак.

### **25.3. Халқаро иқтисодий алоқаларда аграр секторни ривожлантириш нима учун зарур?**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фақат мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, у халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда, ташқи бозор эҳтиёжла-

рини қондиришга қатнашишдаги улуши жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш даставвал мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондириш асосида мамлакат иқтисодийёти ўсишига ижобий таъсир этишдир. Маълумки, ҳар бир мамлакат, унинг ҳудудлари, вилоятлари, туманлари, маҳаллалари ҳаёти, ҳатто айрим оила аъзолари яшаши, ҳаёт кечириши ва организмнинг нормал ривожланиши учун зарур бўлган озиқ-овқатларни истеъмол этиши керак. Чунки, организм талаб этадиган миқдорда хилма хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол этмасдан туриб, яшаши ва соғлом авлод яратиши мумкин эмас. Шунинг учун, тиббиёт илми ҳар бир инсон учун унинг ёши, жинси, яшаш жойи, меҳнат қобилияти ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, унга бир кеча-кундуз (ой, йил) истеъмол қилиши учун зарур бўлган озиқ-овқатлар нормасини белгилаган. Бу миқдордаги озиқ-овқатларни истеъмол қилиш учун уларни ишлаб чиқариш зарур. Моддий неъматларни ишлаб чиқармасдан туриб, истеъмолнинг бўлиши мумкин эмас. Мамлакат, аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг катта қисми ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида ҳам, фойдаланилади. Ишлаб чиқариш ресурслари миқдорини, сифатини яратмасдан туриб, мамлакатда товар ишлаб чиқариш жараёнини ҳам амалга ошириш имконияти ҳам яратилмайди. Бу ички эҳтиёжлар икки усулда: **биринчидан**, мамлакат ичида аграр секторнинг ҳамма тармоқларини бир бирига боғлаган ҳолда ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш йўли билан зарур миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришиш шароитини яратиш; **иккинчидан**, етишмаган қисмини ва мамлакат ичида ишлаб чиқарилмайдиган, ёки, қимматга ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни четдан импорт асосида сотиб олишдир. Лекин, четдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш йўли билан Ўзбекистон давлати ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши мумкин эмас.

Ўзбекистоннинг табиий, об-ҳаво, иқлим, ер, сув, меҳнат шароитлари жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар шароитига нисбатан энг қулай бўлган бир шароитда четдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш мақсадга мос келмайдиган ишдир. Хўш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қисқа вақт ичида ҳамма тармоқларини талаб даражасида ри-

вожлантиршга эришиш мумкинми? Албатта мумкин. Бунга мисол қилиб мамлакатнинг дон маҳсулотларига бўлган талабини олиб кўрайлик. 1991 йили Ўзбекистон четдан 3,8 млн. тонна дон келтирар эди. 2000 йилга келиб четдан деярли дон сотиб олиш зарурияти бўлмади. Мамлакат ичкарасида 4 млн. тоннадан ортиқроқ дон маҳсулотлари етиштирилмоқда. Унинг миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистон энг қийин иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ташкилий шароитларга қарамасдан дон мустақиллигига эришди. Яқин йилларда ҳар гектардан 8-15 центнердан дон ҳосили етиштирган деҳқон эндиликда (сўнги 3-4 йил ичида) 70-80 центнер ва ундан ҳам юқори бугдой ҳосили етиштирмоқда. Ўзбекистон дон мустақиллигига эришиш сабабларидан энг асосийси бу катта майдонлардан юқори ҳосил олишга эришиш йўлидир. Хусусан Андижон вилояти 8-10 минг гектар ердан ўрта ҳисобда 70 центнердан ҳосил етиштирмоқда. Бугдой имкониятларини, пахта мисолида ҳам кўриш мумкин. Пахта экин майдонларини 1 млн. гектарга қисқартирилишига қарамасдан ялпи ҳосил камайиш ўрнига ортмоқда. Пахта ҳосилини катта майдонларда интенсив технология асосида етиштириб, сентябр ойида ҳосилни тўла териб, давлат буюртмаларини ортиги билан бажариш мумкин эканлиги тажрибада исботланган. Бу мисоллар қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари, қисқа вақт ичида кескин ривожлантириш, мамлакатнинг ички ва ташқи эҳтиёжларини қондириш даражасига қаратиш мумкинлигидан далолат беради. Бунга фақат фидокорона меҳнат, моддий ва маънавий манфаатдорлик, қонун устуворлиги, деҳқоннинг ақл-идроки асосидагина амалга ошириш мумкин. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳа, тармоқ, тармоқча, экин ва чорва турларини кескин ривожлантириш кўйидаги омиллар таъсирига бевосита боғлиқдир:

- деҳқонни ўз касбини севиш, уни ардоқлаш, уни қонун асосида ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш ва шароит яратиш;

- ўз меҳнатлари натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш, бунинг учун эркин олди-сотди муносабатига тўла риоя қилиш, баҳо сиёсатида тенг меҳнатга тенг фойда шиори тўла ўз кучини сақлаши, зуравонликка чек қўйиш, деҳқоннинг етиштирган маҳсулотларини ўз хоҳиши билан бозорларда сотиш шароитини яратиш;

· деҳқон билан унинг товарини сотиб олувчи ўртасидаги муносабатларни қонун асосида амалга оширишга эришиш, сотилган товарлар учун ўз вақтида пулини тўлаш, тузилган контрактларнинг бажарилишини қонун асосида амалга ошириш;

· деҳқоннинг етиштирган маҳсулотларига тўла эгаллик қилиш ҳуқуқини қонуний қадрлаш, контрактда кўрсатилгандан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сўзсиз унинг ихтиёрида қолдириш, у қанча кўп маҳсулот етиштирса, шунча кўп улушини олишга тўла ишонч ҳосил қилиш;

· ижарачи белгилаган ерларни ҳар йили алмаштиришдек иллатга чек қўйиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, деҳқоннинг ерга сарфлаган капиталининг тўла қайтишини ҳисобга олиш, ерлардан фойдаланиш агроиқтисодий маданиятини кўтаришга эришиш;

· деҳқондан давлат буюртмаларини сотиб олишда маҳсулотлар сифатини илмий асосда тўғри аниқлаш, деҳқон меҳнати натижасига қонуний асосда баҳолаш ва баҳолар белгилаш, ҳар хил чегара ташлайдиган маҳсулот улушларини (намлик, ифлослик ва бошқалар) меъёридан ортиб кетишига йўл қўймаслик. Бу соҳада деҳқон товар сотувчи сифатида биринчи ўринда турмоғи, унинг барча хоҳиш ва истаклари ҳисобга олиниши зарур;

· давлат томонидан қабул қилинган қонунларга асосан ижарачилар фаолиятини чуқур ўрганиб (айниқса ердан, сувдан, экология ва ҳоказо) улар фаолиятига маълум вақтдан кейин (5 йил) аттестация ўтказишни ва уни келажакда ижарачи ҳуқуқига эга бўлиш ёки уни бу вазифадан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш лозим;

· ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг барча соҳа ва тармоқларида — ўз қобилиятига кўра фермер, деҳқон хўжалиги, ҳамда оилавий пудрат усулида иш юритувчига айланиб қолган, ҳақиқатда эса ерни бошқа кишиларга ижарага бериб, иш кўраётган шахслар мавжуд. Уларнинг иш фаолиятини тартибга солиш зарур;

· қишлоқда деҳқонга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ташкил этиш, улар хизматини жаҳондаги андозалари даражасига кўтариш;

· деҳқон хўжалиklarини маҳаллий ҳокимият ва бевосита бошқарув аппаратлари бошлиқлари томонидан раҳбарлик

қилишни қонуний асосга ўтказиши, эски зўравонликка асосланган тоталитар тузумда ҳукм сурган бошқарув методларидан тўла воз кечиш ва ишлаб чиқарувчиларга тўла эркинлик бериш зарур;

- деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш шакллариининг бошқа турлари корхоналари фаолияти устидан назоратини самарасиз шаклларидан воз кечиш, уларни беҳуда овора қилиш, ноўрин харажатлар сарфлашдан ҳимоя қилиш, эркинлик бериш зарур;

- деҳқоннинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида ишлаб чиқариш ҳарактерига тўла мос келадиган техника, ўғит, уруғлик, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш имкониятини бера оладиган сервислар ва яқиндан ёрдам беришни ташкил этиш;

- фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятларини яратиш, ишлаб чиқаришни прогрессив технология асосида амалга ошириш;

- деҳқоннинг молия, кредит, банк, солиқ, сугурта каби молиявий ташкилотлар билан амалга ошириладиган муносабатларини такомиллаштириш ва қонун устуворлигини ҳаётга чуқур татбиқ этиш;

- қишлоқ аҳолисининг бозор иқтисодиёти қонун ва қоидалари билан яқиндан таништиришнинг синалган шакллари билан кенг куламда фойдаланиш каби иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ташкилий, табиий, биологик, об-ҳаво омилларини амалга ошириш натижасидагина кутиладиган мақсадларга эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қисқа вақт ичида интенсиф ривожлантиришга эришишда дон экинларидан кейин **такрорий экинлар** экиш катта рол ўйнамоғи лозим. Ҳозирги вақтда мамлакат дон мустақиллигига эришиш мақсадида 1 млн. гектар суғориладиган ерларни донли экинлар экишга ажратиб берди. Бу майдон йилнинг иккинчи ярмида (5-15 июндан сўнг) экиндан бўшайди.

Андижон вилояти деҳқонлари дондан кейин (70 центнер дон ҳосили олгандан кейин) такрорий экин сифатида уруғ сепиш усули билан гектари билан 35-60 центнердан, кучат қилиш усули билан 80-100 центнердан шоли ҳосили етиштирмоқдалар. Мақкажўҳорини дон олиш учун экиб, 74 центнердан мақкажўҳори дони етиштириш мумкинлигини тажрибада исботла-



лар. Такрорий экин сифатида: соя, мош, ловия, чихат, саб-завот, полиз, кунгабоқар, пахта экинлари экиб, айрим ҳолларда асосий экин ҳисобланган дон ҳосилидан ҳам ортиқроқ ҳосил олмақдалар. Бу мисоллар — дон учун ажратилган 1 млн. гектар ер — мамлакатга 4-4,5 млн. тонна дон етиштирибгина қолмасдан, ундан такрорий экин сифатида фойдаланиш — яна шунча қўшимча ҳосил етиштириш имкониятини яратди.

Мамлакатда боғ ва узум маҳсулотлари етиштириш учун жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар шароитига нисбатан энг қулай шароитга эга бўлган мамлакатдир. Буни 2000 йил ҳосили тажрибада исботлади. Ҳозирги вақтда биргина Фарғона водийсида 250 минг гектардан ортиқ тоғ олди ва адирли ерлар мавжуд бўлиб, уларни янги боғлар ва узумзорлар барпо этиш мумкин. Бир вақтлар иқтисодчилар Фарғона водийсини узумзор ва боғдорчиликка ихтисослаштириш жаҳон аҳолисининг бу маҳсулотларга бўлган талабини тўла қондириши мумкин деган хулосани берган эдилар. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ўзидаги ҳозирги имкониятларини оқилона ишга солиш, натижада фақат мамлакат аҳолисининг бу маҳсулотларга бўлган талабини қондирибгина қолмасдан, ташқи бозор талабини ҳам қондириш имкониятига эга.

Аграр соҳада энг асосий муаммолардан бири чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш муаммосини ҳал қилишдир. Ҳалигача четдан сотиб олинаётган 20 фоиз озиқ-овқат ичида сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тухумни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон давлатида яшаётган ҳар бир кишининг авлод аждоди чорвадор бўлган. Чорвачиликни қисқа вақтда ривожлантириш учун барча субъектив ва объектив шарт-шароитлар мавжуд.

Ўзбекистонда аграр иқтисодиётда қанд, шакар ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қанд лавлаги етиштириш учун шароитлар мавжуд. Суғориб деҳқончилик қилинадиган ер, қуёш радиацияси, об-ҳаво қулайликлари қанд лавлагидан юқори ҳосил етиштириш мумкин. Ўзбекистонда етиштирилаётган қанд лавлаги таркибидаги шакар моддаси улуши юқорилиги жиҳатидан Россиядан 48 фоиз, Қозоғистонга нисбатан 36 фоиз, Қирғизистонга нисбатан 29 фоиз юқоридир. Бу эса Ўзбекистон қанд маҳсулотларига бўлган талабини қондира олиш имко-

ниятига эга эканлигидан далолат беради. Ҳозирги вақтда четдан ўсимлик ёғи ҳам келтирилмоқда. Ўзбекистон каби ёғ етиштириш имкониятига эга бўлиш жаҳонда бирорта мамлакатда йўқ. Унда ўсимлик ёғининг битмас-туғамас захираси — пахта чигити, барча турдаги меваларнинг данаги ва бошқа хом ашёларга бой мамлакатдир. Ҳайвон ёғи — ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам катта. Сўзсиз қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш бу соҳаларнинг янада ривожланишга олиб келади. Қуйида Ўзбекистон Республикаси 2010 — йилга қадар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги дастури бу фикримизни тасдиқлайди.

11-жадвал

2010 — йилга қадар Ўзбекистонда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғрисидаги прогнози

	Ўлчов бирлиги	1998 й	Истиқболда				2005 й	2010 й
			1999 й	2000 й	2005 й	2010 й	2000 й. га нисбатан	2000 й. га нисбатан
Пахта	минг	3300	4000	4000	4200	4500	112.5	104.2
Дон	тон.	4150	5300	5300	5450	5600	191.9	102.8
Картошка	“ ”	883.5	920	950	1000	1050	105.3	105.0
Сабзавот	“ ”	3086	3300	3500	3600	3700	103.9	102.8
Поллиз	“ ”	542.6	580	650	770	850	118.5	110.4
Мева	“ ”	692.7	750	750	850	950	115.3	111.8
Ўзум	“ ”	627	650	750	850	950	113.3	111.8
Ўсимлик ёғи	“ ”	275	280.7	280.7	280.7	280.7	100	100
Қанд	“ ”	0	43.2	43.8	129.2	140	209.1	100.4

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги қисқа вақт ичида кескин ривожланиши, у ўз имконияти билан фақат мамлакат ички эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, балки ташқи бозорга салмоқли миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқариш имкониятига ҳам эга бўлади.

### 1. Мавзуга оид атамалар

1. Меҳнат тақсимоги.
2. Ташқи савдо.
3. Импорт.
4. Экспорт.

5. Халқаро кредит.
6. Халқаро иқтисодий алоқа.
7. Савдо қолдиғи.
8. Иқтисодий мустақиллик.

**Юқорида номлари қайд қилинган атамалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг.**

1. Четга чиқиладиган товарлар.
2. Ички эҳтиёжларни қондириш учун товарлар топиш усули.
3. Фойда олиш ёки товар айирбошлаш учун ташқи бозорга товар сотиш усули.
4. Ишлаб чиқариш ёки товарларни сотиш учун қарз олиш.
5. Эҳтиёжларни қондириш мақсадида қулай шароитда товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш йули.
6. Чет мамлакатлар билан қулай шароитда алоқалар ўрнатиш усули.
7. Фойда ёки зарар кўришни ўзида акс эттирувчи кўрсаткич.
8. Мамлакатнинг иқтисодий қарамсизлигини ўзида кўрсатувчи кўрсаткич.

## **II. Мавзуга оид саволлар**

1. Ташқи иқтисодий алоқалар нима учун керак?
2. Ташқи савдо қандай ташкил этилади? У нима учун керак?
3. Халқаро меҳнат тақсимоти деганда нимани тушунасиз?
4. Қайси ҳолларда чет эл кредитларини олиш мумкин? Унинг ижобий ва салбий томонлари нимада?
5. Савдо қолдиғи қандай аниқланади? Унинг асосий мақсади нимага қаратилган?
6. Ташқи иқтисодий алоқалар кўлами нимага боғлиқ?
7. Ташқи савдо қандай тўсиқларга эга? Четдан товар сотиб олиш мамлакат учун қулайми?
8. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг халқаро меҳнат тақсимотида роли нималардан иборат?

## **III. Мустақил ишлаш учун вазифалар**

1. Ўзбекистонда четга чиқариладиган товарлар билан четдан киритиладиган асосий товарларни мисол қилиб келтиринг. Уларнинг ҳар бирига ўз фикрингизни айтинг.

2. Ўзбекистонда бир вақтнинг ўзида ҳам экспорт ҳам импорт қилинадиган товарлар гуруҳини санаб кўрсатинг.

Ўзбекистондан четга экспорт ва импорт қилинадиган товарларни тўғри ёки нотўғри ёзилганлиги тўғрисида ўз фикринингизни айтинг.

Экспорт	Импорт
1. Чой	1. Пахта
2. Узум (кишмиш)	2. Дон
3. Сут ва сут маҳсулотлари	3. Автомашина
4. Бензин ва нефт маҳсулотлари	4. Гўшт маҳсулотлари
5. Пахта толаси	5. Бензин ва нефт маҳсулотлари
6. Ўсимлик ёғи	6. Кийим-кечак
7. Ип газлама	7. Жихоз ва анжомлар
8. Қоракўл тери	8. Дори ва дармонлар
9. Автомашина	9. Хўл мева
10. Қора ва рангли металллар	10. Минерал ўнг
11. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	11. Ўсимлик уруғлари
12. Трактор	12. Чой
13. Полиз маҳсулотлари	13. Қанд

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол ғояси, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-т. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-т. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
7. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
8. Ўзбекистон Президентининг 1998-2000 йилларда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури. Т., “Ўқитувчи”, 1998.
9. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т., “Ўқитувчи”, 1998.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Аҳолининг иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида” қабул қилган қонунлари. Т., “Халқ сўзи”, газеталари.
11. Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. Т., “Маънавият”, 1999.
12. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Т., “Меҳнат”, 1997.
13. Абдуллаев Ё. Макро иқтисодиёт статистика. Т., “Меҳнат”, 1998.
14. Алибеков А, Нишонов С. Фан-техника тараққиёти табиат ва инсон. Т., “Ўзбекистон”, 1982.
15. Амаллий иқтисодиёт (машқлар тўплами) Т., 1997.

16. Беркли Хилл. Иқтисодиётга кириш. Дарслик. Т., “Меҳнат”, 1998.
17. Бреев Б. Человек и производство М., “Мысль”, 1989.
18. Жалилов Х., Зокиров О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 1980.
19. Жалилов Х., Хамдамов К., Зокиров О. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг экономикаси, ташкил этилиши ва планлаштирилиши. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 1986.
20. Зокиров О. Агроиқтисодиёт. Ўқув қўлланма. “Андижон”, 1996.
21. Зокиров О. Агросаноат мажмуида маркетинг асослари. Ўқув қўлланма. “Андижон”, 1997.
22. Зокиров О. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва ундан фойдаланиш Т., “Академнашр”, 1969.
23. Каюмов Ф. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. М., “Полиздат”, 1992.
24. Мэнкью Н.Г. Тамойилы экономикс. Санкт-Петербург., 1999.
25. Маршалл А. Тамойилы политической экономии. Т-1 М., “Прогресс”, 1988.
26. Носиров П, Абдуллаева Ш. Маркетинг – бозор иқтисодиёти асослари. Т., 1994
27. Петти У. Экономические и статистические работы. М., 1940
28. Петренко И. Я., Чужиков П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. Дарслик. Алма-Ата. “Кайпур”, 1992.
29. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. “Ўқитувчи”, 1999.
30. Солиев А., Усмонов А., Маркетинг. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”, 1997.
31. Саммуэльсон П., Норджоус В. Экономика. Дарслик. М., 2000.
32. Сулаймонов Ш. Аграр иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Самарқанд., 1995.
33. Султонов М., Қобулов И. Андижон технологияси – пахтачилик истиқболи. Андижон. 1997.
34. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т., 1998.
35. Ўлмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т., “Меҳнат”, 1995.

36. Ўлмасов А. Иқтисодий асослари. Ўқув қўлланма. Т., 1997.
37. Фишер С., Дарибуш Р., Шмилензи Р. Экономика. М., “Дело”, 1998.
38. Кэнбелл Р., Макконел, Стенли Л Брю. Экономикс таъминоти проблемаси ва политики. Т-1, II. М., “Республика”, 1992.
39. Чжен В.А ва бошқалар. Хусусийлаштириш асослари. №1. Т., 1996.
40. Чжен В.А ва бошқалар. Пул ва молия бозорлари №2. Т., 1996.
41. Чжен В.А ва бошқалар. Бозор қонунияти асослари №3. Т., 1996.
42. Чжен В.А ва бошқалар. Бозор ва очиқ иқтисодиёт №4. Т., 1996.
43. Чориев К. Применение ресурсно-нормативного метода планирования в сельском хозяйстве. Т., “Меҳнат”, 1989.
44. Йулдашев К., Муфтайдинов К. Иқтисодий билим асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1999.
45. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т., “Меҳнат”, 2000.
46. Янги Ўзбекистоннинг етти зафарли йили. Т., 1999.
- Эркаев Б. А., Каримова Г. И., Абулкосимов Х. П. Бозор иқтисодиёти давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Т., 1996.

## Мундарижа

Сўз боши.....	3
I БОБ .....	6
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТСОДИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛИ .....	6
1.1. Иқтисод сўзи нимани англатади? .....	6
1.2. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти мустақил фанми? .....	9
1.3. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанини бошқа фанлар билан алоқаси борми? .....	10
1.4. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фани нимани ўргатади? 10	
1.5. Фаннинг методологик асоси нимадан иборат? .....	11
1.6. Фаннинг ўзига хос усуллари деганда нимани тушуна- сиз? .....	11
1.7. Фаннинг асосий вазифалари нималардан иборат? .....	12
I. Мавзуга оид атамалар .....	13
II Мавзуга оид саволлар .....	14
III. Мустақил ишлаш учун вазифалар .....	14
БИРИНЧИ БЎЛИМ .....	16
БОЗОР ИҚТСОДИЁТИГА ЎТИШДА АГРАР ИСЛО- ХОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТСОДИЙ МОҲИЯТИ .....	16
II БОБ. ....	16
ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ МАЖМУИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	16
2.1 Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни каттами? .....	16
2.2 Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? .....	19
2.3 Деҳқончилик саноат мажмуи (ДСМ) деганда нимани тушунасиз? .....	22
2.4 Аграр ислохотларни ўтказиш нима учун керак? .....	23
I. Мавзуга оид атамалар .....	26
II. Мавзуга оид саволлар .....	26
III. Мустақил ишлаш учун вазифалар .....	27



III БОБ .....	28
АГРАР МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛ- ЛАНТИРИШ .....	28
3.1 Мулккий муносабатлар деганда нимани тушунасиз? .....	28
3.2. Янги мулк типини яратиш зарурми? .....	31
3.3. Ер нима учун сотилмайди? У мулкми? .....	33
3.4 Мулкчилик шакллари ва уларнинг мазмуни нималардан иборат? .....	34
I. Мавзуга оид атамалар .....	39
II. Мавзуга оид атамалар .....	39
III. Мустақил ишлаш учун саволлар .....	40
IV БОБ .....	41
АГРАР ХҲЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ЯНГИ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ .....	41
4.1. Мулккий муносабатлар асосида ташкил топган турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари, уларнинг мазмуни ва мақсадлари .....	41
4.2 Хўжалик юритиш шакллари, турлари ва уларни такомиллаштириш қонуниятлари деганда нимани тушуна- сиз? .....	45
4.4. Хусусий корхоналар .....	47
4.5. Жамоа (кооператив) корхоналари .....	50
4.6. Чет эл ва халқаро ташкилотлар корхоналарини ташкил этиш зарурми? .....	59
4.7. Аралаш қўшма корхоналар ташкил этишнинг нима аҳамияти бор? .....	59
I. Мавзуга оид атамалар .....	60
II. Мавзуга оид атамалар .....	60
III. Мустақил ишлаш учун саволлар .....	61
ИККИНЧИ БЎЛИМ .....	62
АГРАР РЕСУРСЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ .....	62
V БОБ .....	62
АГРАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ИНСОН ЭҲТИЁЖИДАГИ РОЛИ .....	62
5.1 Инсон эҳтиёжи чексизми, уни қондириш чегараси мавжудми? .....	62

5.2. Моддий неъматлар ишлаб чиқармасдан туриб, эҳтиёжларни қондириш мумкинми? .....	66
5.3 Ишлаб чиқариш қандай омиллар асосида амалга оширилади? .....	68
5.4. Аграр ишлаб чиқариш омилларининг бирикиш қонуниятлари моҳияти нимада? .....	71
I. Мавзуга оид атамалар.....	74
II. Мавзуга оид саволлар.....	75
III. Мустақил ишлаш учун вазифалар. ....	75
<b>VI БОБ</b> .....	77
<b>АГРАР РЕСУРСЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ РОЛИ</b> .....	77
6.1. Ресурс деб нимага айтилади? .....	77
6.2. Аграр ресурсларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?.....	80
6.3. Ишлаб чиқариш ресурсларини қиймат шаклида ҳисобга олиш мумкинми? .....	83
6.4. Ресурсларга бўлган талаб ва таклифни билиш нима учун керак? .....	85
6.5 Ресурслардан фойдаланиш даромадлилик чегараси нималарга боғлиқ? .....	89
I. Мавзуга оид атамалар.....	93
II. Мустақил ишлаш учун вазифалар. ....	94
<b>VII БОБ</b> .....	95
<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ МЕҲНАТ ОМИЛИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ</b> .....	95
7.1. Меҳнат тушунчаси нимани билдиради? .....	95
7.2 “Аҳоли ўсиш қонуни” қандай оқибатларга олиб келади?.....	97
7.3 Аҳоли ўсиши аграр иқтисодиёт соҳасига ҳам таъсир этадими? .....	99
7.4. Қишлоқ хўжалигида аҳолининг ҳамма қатламларидан фойдаланиш мумкинми? .....	100
7.5. Аграр меҳнат ресурслари деганда нимани тушунамиз? 101	
7.6. Аграр секторда меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари .....	106
7.7. Аграр соҳада йил мобайнида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш мумкинми? .....	109
7.8. Аграр соҳада меҳнат ресурсларига бўлган талаб қандай	

шаклланади? .....	112
7.9. Аграр меҳнат ресурсларига бўлган таклиф қандай амалга оширилади? .....	117
7.10. Меҳнат бозорида иш кучи сотиладими? .....	122
7.11. Ишсизликдан қутилиш мумкинми? .....	124
I. Мавзуга оид атамалар.....	128
II. Мавзуга оид саволлар.....	129
III. Мустақил ишлаш учун вазифалари.....	129
VIII БОБ .....	131
<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЕР-СУВ ОМИЛИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ</b> .....	131
8. 1. Ер ресурсларисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкинми? .....	131
8.2. Ер ресурси чекланганми? Уни сунъий кўпайтириш мумкинми? .....	133
8.3. Мавжуд сув ресурслари талабни қондира оладими? ..	136
8.4. Тупроқ унумдорлиги пасаядими? Уни ошириш мумкинми? .....	139
8.5. Ерга эгаллик қилиш мумкинми? .....	142
8.6. Ердан фойдаланишнинг ижара тизими қандай устуликларга эга? .....	144
8.7. Ер ҳақими ёки ер рентасими? .....	146
8.8. Ерни баҳолаш нима учун керак? Ер кадастри тузиш зарурми? .....	150
8.9. Ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш нима учун керак? .....	153
8.10. Сувни деҳқонларга сотиш мумкинми? .....	155
IX БОБ. ....	160
<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ОМИЛИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙУЛЛАРИ.</b> .....	160
9. 1. Аграр ишлаб чиқаришда капитал омили қандай рол ўйнайди? .....	160
9.2. Капитал сарфлари (инвестиция) қандай қайтади? ...	166
9.3. Сарфланадиган капитал маблағ миқдорини қандай аниқлаш мумкин? .....	170
9.4. Айланма капитал маблағдан фойдаланиш нима учун керак? .....	173
9.5. Капитал маблағлардан унумли фойдаланиш қандай	

омилларга боғлиқ ? .....	175
9.6. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника таъминоти ва унга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш нима учун керак? .....	177
I. Мавзуга оид атамалар.....	179
II. Мавзуга оид саволлар.....	180
III. Муस्ताқил иш топшириқлари. ....	181
X БОБ .....	182
<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАДБИРКОР ОМИЛИ. ...</b>	<b>182</b>
10.1. Тадбиркорлик ишлаб чиқариш омилими? .....	182
10.2. Бизнесми ёки тадбиркорликми? .....	183
10.3. Тадбиркорлик шароити нима учун керак? .....	187
10.4. Тадбиркорлик омили деганда нимани тушунасиз? ...	188
10.5. Тадбиркорлик ва бизнес режа .....	192
10.6. Тадбиркорлик фойдасининг чегараси борми? .....	194
10.7. Табиркорми ёки менежер? .....	196
10.8. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва заҳиралантириш нима учун керак? .....	198
I. Мавзуга оид атамалар .....	200
II. Мавзуга оид саволлар.....	201
III. Муस्ताқил ишлаш учун вазифалар. ....	201
<b>УЧИНЧИ БЎЛИМ .....</b>	<b>203</b>
<b>АГРАР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ</b> <b>САМАРАДОРЛИГИ .....</b>	<b>203</b>
XI БОБ .....	203
<b>АГРАР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ ВА УНИ ҶСТИРИШ</b> <b>ЗАРУРИЯТИ. ....</b>	<b>203</b>
11.1. Иқтисодий Ҷсиш нима учун керак? .....	203
11.2. Аграр иқтисодий Ҷсиш қандай омилларга боғлиқ? ..	205
11.3. Иқтисодий Ҷсиш натижаси — халқ бойлигимми? .....	207
11.4. Аграр иқтисодий Ҷсиш қандай кўрсаткичлар ёрдамида ўлчанади? .....	210
11.5. Аграр ялпи маҳсулот такрор ишлаб чиқариладими? .....	214
11.6. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти қай тартибда тақсимланади? .....	215
I. Атамаларга ўнг томондаги мос келадиган таърифни танланг. ....	216

II. Мавзуга оид саволлар.....	217
III. Мустақил ишлаш учун вазифалар.....	217
<b>XII БОБ</b> .....	219
<b>МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ</b>	
12.1. Меҳнат унумдорлиги — иқтисодий ҷсишми?.....	219
12. 2. Меҳнат унумдорлиги — иқтисодий ҷсиш даражасига қандай таъсир этади? .....	220
12. 3. Меҳнат унумдорлигининг ҷсишини қандай кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин? .....	221
12.4. Меҳнат унумдорлигини оширишга қандай омиллар таъсир этади? .....	225
I. Мавзуга оид атамалар.....	229
II. Мавзуга оид саволлар.....	230
III. Мустақил ишлаш учун вазифалар.....	231
<b>XIII БОБ</b> .....	232
<b>АГРАР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИНГ ИККИ УСУЛИ</b> ..	232
13.1. Иқтисодий ҷсишнинг икки усули деганда нимани тушунасиз? .....	232
13.2. Иқтисодий ҷсишда икки усулнинг қай бири устуворликка эга? .....	235
13.3. Ишлаб чиқаришни интенсив юксалтириш қандай омилларга боғлиқ? .....	235
13.4. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга фан-техника тараққиёти қандай таъсир кўрсатади? .....	236
13.5. Ишлаб чиқаришда интенсив технологиялардан фойдаланиш нима беради? .....	237
13.6. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш қўшимча ресурс сарфлашни талаб этадими? .....	239
13. 7. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш натижаларидан деҳқон манфаатдор бўладими? .....	239
13.8. Деҳқон ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорми? .....	240
13.9. Иқтисодий ривожланиш деҳқон малака даражасига боғлиқми? .....	242
13.10. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш қандай кўрсаткичлар билан аниқланади? .....	242
<b>XIV БОБ</b> .....	247
<b>ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ</b> .....	247
14.1 Инвестиция қандай маънони билдиради? .....	247

14.2. Инвестицион жараён қандай омиллар асосида ташқил этилади? .....	249
14.3. Инвестиция иқтисодий ўсишга қандай таъсир этиши мумкин? .....	251
14.4. Қишлоқ ҳўжалигида чет эл инвестицияларини жалб этиш қандай наф келтиради? .....	255
I. Мавзуга оид атамалар.....	257
II. Мавзуга оид саволлар.....	258
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	259
<b>XV БОБ</b> .....	<b>260</b>
<b>АГРАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ</b>	
<b>ИНФРАТУЗИЛМА</b> .....	<b>260</b>
15. 1. Аграр инфратузилма деганда нимани тушунасиз? ..	260
15.2. Аграр инфратузилмадан фойдаланиш жиҳати қандай гуруҳларга бўлинади? .....	261
15.3. Аграр соҳада ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатиш инфратузилмаси деганда нимани тушунасиз? .....	265
15.4. Инсонга ижобий хизматлар кўрсатиш деганда нималарни билиш керак? .....	268
I. Мавзуга оид атамалар.....	271
II. Мавзуга оид саволлар.....	272
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	272
<b>XVI БОБ</b> .....	<b>274</b>
<b>АГРАР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАБИАТ ТАЪСИРИ</b>	<b>274</b>
16.1. Инсон табиатсиз яшай оладими? .....	274
16.2. Табиий муҳитнинг ифлосланиши инсонга қандай таъсир ўтказди? .....	276
16.3. Атмосферанинг тозалиги инсонга нима учун керак? ..	277
16.4 Сув тозалиги — иқтисодий ўсиш учун таъсир этадими? .....	280
16.5. Инсон — тупроқ унумдорлигига таъсир эта оладими? .....	282
16.6. Инсон табиатга келтирган зарарини тўлай оладими? ..	283
I. Мавзуга оид атамалар.....	287
II. Мавзуга оид саволлар.....	288
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	288
<b>XVII БОБ</b> .....	<b>290</b>

<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ</b> .....	290
17.1. Ишлаб чиқариш харажатлари деганда нимани тушуна- сиз? .....	290
17.2. Харажатлар гуруҳи ва унинг таркибий қисми нималар- дан иборат? .....	293
17.3. Маҳсулот таннархидаги харажатларни таҳлил этиш нима учун керак? .....	298
17.4. Маҳсулот таннархини пасайтиришдан мақсад нима? .....	300
I. Мавзуга оид атамалар.....	303
II. Мавзуга оид саволлар.....	304
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	304
<b>XVIII БОБ</b> .....	305
<b>АГРАР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА РЕНТАБЕЛЛИК</b> .....	305
18.1. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари .....	305
18.2. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги чекланган натижами? .....	309
18.3. Иқтисодий ўсиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат? .....	312
18.4. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш қандай омилларга боғлиқ? .....	314
I. Мавзуга оид атамалар.....	316
II. Мавзуга оид саволлар.....	317
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	317
<b>ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ</b> .....	319
<b>БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА АГРАР БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ</b> .....	319
<b>XIX БОБ</b> .....	319
<b>БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ</b> .....	319
19.1. Бозор ўзи нима? У нима учун керак? .....	319
19.2. Деҳқон бозори ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	320
19.3. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз? .....	324
19.4. Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш зарурми? .....	328
19.5. Бозор иқтисодиётига қандай ўтиш мумкин? .....	332
I. Мавзуга оид атамалар.....	336
II. Мавзуга оид саволлар.....	336
III. Мустақил ишлаш учун вазифалар .....	337

<b>XX БОБ</b> .....	338
<b>БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АГРАР –</b>	
<b>ТОВАР – ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ</b> .....	338
20.1. Товар ишлаб чиқариш деҳқон учун зарурми? .....	338
20.2. Ишлаб чиқарилган маҳсулот товарга айланмоғи учун у сотилини шартми? .....	341
20.3. Деҳқон ўз товари билан бозорни тўйинтира оладими? .....	342
20.4. Товар маҳсулоти улушини кўпайтириш қандай омил- ларга боғлиқ? .....	344
20.5. Товар маҳсулоти сифатини яхшилаш нима учун керак? .....	346
20.6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда дав- лат буюртмаси деганда нимани тушунасиз? .....	349
20.7. Деҳқон маҳсулотларини қулай шароитларда сотиши мумкинми? .....	352
I. Мавзуга оид атамалар.....	354
II. Мавзуга оид саволлар.....	354
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	355
<b>XXI БОБ</b> .....	356
<b>БОЗОР БАҲОСИ ВА РАҚОБАТ</b> .....	356
21.1. Хўжалик юртишнинг бозор механизми элементлари деганда нимани тушунасиз? .....	356
21.2. Бозор баҳоси нима, у қандай шаклланади ва ҳаракат қилади? .....	357
21.3. Талаб ва таклиф нисбатининг баҳога таъсири .....	362
21.4. Рақобат ва бозор баҳоси иқтисодиётга қандай таъсир қилади? .....	366
21.5. Эркин бозор баҳоси деганда нимани тушунасиз? .....	368
I. Мавзуга оид атамалар.....	369
II. Мавзуга оид саволлар.....	370
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	371
<b>XXII БОБ</b> .....	373
<b>БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МОЛИЯ –</b>	
<b>БАНК ТИЗИМИ</b> .....	373
22.1. Аграр соҳада молия ва унинг хусусиятлари нималардан иборат? .....	373
22.2. Давлат бюджетининг қишлоқ хўжалигини ривожланти- ришдаги аҳамияти нималардан иборат? .....	376
22.3. Қишлоқ хўжалигида суғурга ва суғурга фондлари	



деганда нима тушунасиз? .....	379
22.4. Аграр солиқ ва солиқ сиёсатининг мақсади нимада? .....	380
22.5. Қишлоқ хўжалигида кредит ва ундан фойдаланиш нима учун зарур? .....	381
22.6. Аграр соҳада банк ва банк муносабатларининг роли нимада? .....	385
I. Мавзуга оид атамалар.....	386
II. Мавзуга оид саволлар.....	387
III. Мустақил ишлаш учун вазифалар .....	388
<b>XXIII БОБ .....</b>	<b>389</b>
<b>АГРАР ТАРМОҚНИ МАРКЕТИНГ ВА МЕНЕЖМЕНТ АСОСИДА БОШҚАРИШ .....</b>	<b>389</b>
23.1. Маркетинг тушунчаси нимани билдиради? .....	389
23.2. Маркетинг мақсади, тамойиллари ва вазифалари нималардан иборат? .....	392
23.3. Корхонада маркс гингни ташкил этиш нима учун зарур? .....	395
23.4. Менежмент нима? .....	396
23.5. Бошқарувдан мақсад нима? .....	397
23.6. Менежер — бу раҳбарликми? .....	398
23.7. Бошқарув қарорлари нима учун керак? .....	399
23.8. Бошқарувни режалаштириш мумкинми? .....	400
23.9. Ишлаб чиқаришни бошқаришдан мақсад нима? .....	402
23.10. Аграр тармоқнинг давлат томонидан бошқарилиши қандай амалга оширилади? .....	405
I. Мавзуга оид атамалар.....	406
II. Мавзуга оид саволлар.....	407
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	407
<b>XXIV БОБ .....</b>	<b>409</b>
<b>ДЕҲҚОН ДАРОМАДИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ .....</b>	<b>409</b>
24.1. Деҳқон фаровон ҳаёт кечиришни хоҳламайдими? ...	409
24.2. Деҳқон даромади деб нимага айтилади, у қандай манбалардан ташкил топади? .....	412
24.3. Нима учун даромад тенгсизлиги юз беради? .....	418
24.4. Даромад — деҳқон турмуш даражасига қандай таъсир қилади? .....	419
I. Мавзуга оид атамалар.....	423
II. Мавзуга оид саволлар.....	423
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	424

XXV БОБ .....	425
АГРАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР .....	425
25.1 Халқаро иқтисодий ҳамкорлик нима учун керак? .....	425
25.2. Жаҳон меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг тугган ўрни каттами? .....	428
25.3. Халқаро иқтисодий алоқаларда аграр секторни ривожлантириш нима учун зарур? .....	433
I. Мавзуга оид атамалар.....	439
II. Мавзуга оид саволлар.....	440
III. Мустақил ишлар учун вазифалар.....	441
Фойдаланилган адабиётлар .....	442

Олимжон ЗОКИРОВ, Абдунаби ПАРДАЕВ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти

Тошкент - 2003

Д  
22.4  
22.5  
1  
22.

I. I  
II.  
III

X  
A  
A  
2  
2

2

Нашр учун масъул  
Таҳририят мудир  
Муҳарир  
Рассом  
Мусаҳҳиҳ  
Компьютерда саҳифаловчи

Н.А.Халилов  
М.М.Миркомиллов  
А.Т.Эшов  
Ҳ.О.Қутлуқов  
Н.А.Мадёрова  
Л.А.Зокиров

Босишга рухсат этилиди 1.07.2003 й. Бичими 84x108<sub>1/32</sub>.  
Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 28,5. Нашр табоғи 28,0.  
Адади 1000. Буюртма 152.

«ЎАЖБНТ» Маркази, 700078, Тошкент, Мустақиллик  
майdonи 5.

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг «ЎАЖБНТ» Маркази компь-  
ютер ўлимида тайёрланди.

Фан ва технологиялар марказининг  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Олмазор кўч., 171



**Зокиров Олимжон** — 1924 йили Қирғизистон Республикасидаги Ўш шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1941 йилдан тўлиқсиз ўрта мактабларда ўқитувчиликдан бошлаган. 1952 йилдан Ўрта Осиё политехника институти сиёсий иқтисод кафедрасининг ассистенти, доценти, 1962 йилдан Андижон Давлат педагогика институти сиёсий иқтисод кафедраси муdiri, 1964 йилдан Андижон пахтачилик институти сиёсий иқтисод, агроиқтисод кафедралари муdiri лавозимларида ишлаган. Ҳозир Андижон қишлоқ хўжалик институти “Иқтисод” кафедрасида профессор лавозимида фаолият кўрсатмоқда. У 200 дан ортиқ илмий ишлар (4 та дарслик, 16 та ўқув қўлланмаси, 30 дан ортиқ монография ва кўплаб илмий мақолалар) муаллифи. Иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**Пардаев Абдунаби** — 1964 йил Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида туғилган. 1981 йилда Замин туманида ўрта мактабни, 1985 йилда Самарқанд кооператив институтини имтиёзли диплом билан тугатган. Мутахассислиги иқтисодчи. Меҳнат фаолиятини 1985 йилдан иқтисодчи сифатида Зарбдор район матлубот жамиятида бошлаган. Кейинчалик шу ташкилот молия-режа бўлимининг бошлиғи, Жиззах шаҳар умумий овқатланиш трестида бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари, Самарқанд кооператив институтида лаборант, ассистент, сўнгра 1991 йилдан Москва кооператив институтида асперантурада, докторантурада ўқиган, Москва матлубот кооперацияси университетидо доцент, Россия Аудиторлар палатасида аудитор, Самарқанд кооператив институтида проректор, Республика “Устоз” жамғармасида директор ўринбосари бўлиб ишлаган. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ишламоқда, шу билан бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида “Молия” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори. 100 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган. Шулардан икки дарслик ва 10 дан ортиқ йирик мақолалари чет мамлакатларида; эълон қилинган.

